ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Нишоналиев Усмонали, Толипов Ўткир Қаршиевич,
Шарипов Шавкат Сафарович

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

	100000	– Таълим
Билим соҳаси:	140000	– Ўқитувчиларни тайёрлаш ва педагогика фани
Магистратура йўналиши:	5А 142001	– Меҳнат таълими методикаси

Тошкент -2007

У.Н.Нишоналиев, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДПУ, 2007.

Мазкур ўқув қўлланмада олий таълим жараёни янгиланишининг тенденциялари, таълим технологияларининг классификацияси, касб таълимидаги янги педагогик технологияларнинг тузилиши кетма-кетлиги, кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар, касбий педагогикада изланиш методлари, узлуксиз касбий таълимдаги горизонтал ва вертикал итеграцион жараёнлар, дунё таълим бозоридаги касбий таълим тизимларида инновацион жараёнлар, ишлаб чиқариш йўналишидаги касбий таълим ўқитувчисини маънавий ва маърифий шакллантириш, касб таълими қонуниятлари, касб таълим дидактикаси (касб таълими мазмуни, касб таълими методлари, касб таълимидаги ташкилий шакллар ва касб таълимидаги воситалар тизими), касб таълимида касбий билимларнинг касбий малакаларга ва касбий педагогик маҳоратга айланиш механизмлари келтирилган.

Ўқув қўлланма профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар ҳамда касб таълими соҳалари бўйича таҳсил олаётган талабалар, 5А 142001 – Меҳнат таълими методикаси мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган магистрант талабалар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:
1. Магзумов П.Т. – педагогика фанлари доктори, профессор
2. Муслимов Н.А. – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ўқув қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий Кенгаши томонидан муҳокама қилинган ва ОЎМТВ мувофиқлаштирувчи кенгашига тавсия этилган.
Баённома № 11 (25.05.2007 й.).

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиншнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Бу муҳим вазифани ҳал этишда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми – янги типдаги ўқув муассасаси бўлган касб-ҳунар коллежлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини янги типдаги таълим муассаси сифатидаги ривожи, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалаларни ҳал этишда касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш, таълим методларини танлаш ва янгиларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берувчи ўқув муассасаси бўлиб, у ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни беради.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқув жараёни ишлаб чиқариш таълими, тарбиявий соатлар, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларидан иборат бўлиб, уларнинг яҳлит педагогик жараён сифатида такомиллаштирилиши амалий тажриба-синов ишлари натижаларига кўра белгиланади.

Бу жараён касб-ҳунар коллежларида тегишли йўналишдаги мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими (мутахассислик фанлари бўйича лаборатория ва амалий машғулотлар, машиналарни бошқаришга ўргатиш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти) ни юқори методик савияда ўтиш орқали амалга оширилади. Машғулотларнинг қайд этилган ташкилий шакллари ўқувчиларни танлаган мутахассисликлари бўйича амалий фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Касб-ҳунар коллежларида амалга ошириладиган касбий таълим натижасида назарий билим, кўникма ва малакалар тизими шакллантирилади, ишлаб чиқариш таълими жараёнида эса ўқувчилар асосан амалий касбий кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Бу иккала муштарак жараён маҳсули сифатида муайян касб ва малакага эга бўлган кичик мутахассисни тайёрлаш таъминланади.

Замонавий мутахассис ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб бориши, истиқболдаги тараққиёт йўналишлари ҳамда юзага келувчи муаммоларни ечиш йўлларини кўра билиши лозим. Бундай талаблар даражасидаги мутахассисни тарбиялаш учун касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълимини амалга оширишнинг самарали шакллари, фаол

методлари ҳамда замонавий воситалари мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда илмий-методик жиҳатдан асослаш лозим бўлади.

Касб-ҳунар коллежларида малакали кичик мутахассис тайёрлаш ишлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- мутахассислик бўйича давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилганлиги;

- таълим мазмунида кўзланган таълим-тарбия мақсади ва вазифаларига мос келиши;

- малакали кичик мутахассис тайёрлаш жараёнининг барча таркибий қисмлари (назарий машғулотлар, лаборатория-амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти) ўзаро боғлиқ ҳолда узвий ташкиллаштирилиши;

- касбий таълим бериш мазмунининг фан, техника ва технология тараққиёти даражаси талабларига жавоб бериши.

Бу талабларни бажаришда ишлаб чиқариш таълимининг ўрни беқиёсдир. Чунки ишлаб чиқариш таълимининг асосий вазифаси - бўлажак малакали кичик мутахассисларни муайян мутахассислик соҳасида амалий фаолият кўрсатишга тайёрлашдан иборат. У эса ўз навбатида назарий билимларни амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш, зарур бўлган касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш, ўз мутахассисликлари учун хос бўлган ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, назорат қилиш ва хизмат кўрсатишга ўргатишдан иборат.

Ишлаб чиқариш таълими деганда бирорта касб ёки мутахассислик бўйича амалий ўқитиш тушунилади. Лекин, ҳозирги кунда бу атама бир томонлама бўлиб, касб-ҳунар коллежларида амалга ошириладиган таълим-тарбиянинг назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олади.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида мутахассисликлар бўйича касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун маълум технологик, ташкилий-иқтисодий, назарий, техникавий билимлар берилади. У ўз моҳиятига кўра назарий таълим ва амалий меҳнат жараёнларининг синтезидир. Бу ҳолат унга ҳар томонлама мажмуавий ёндошувни талаб этади.

Қар қандай таълим жараёни ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ўқитиш – ўқиш фаолиятини кўзда тутади. Бунда, махсус ихтисослик фанлари бўйича машғулотларни ташкил қилишда ўқувчи фаолияти икки томонлама характерга эга, яъни назарий билимларни ўзлаштириш ҳамда уларни қўллашнинг амалий кўникма ҳамда малакаларини ўзлаштириш. Улар таълим жараёнида бирлашади ва бир бутун педагогик жараённи ташкил этади. Ушбу хусусият таълим бериш жараёни ва методларига ҳам таалуқлидир.

Ишлаб чиқариш таълими узоқ тарихга эга таълим бериш тури бўлиб, узоқ даврлар мобайнида у бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириб келинган. Йирик саноат корхоналари ва ривожланган қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлиши юқори малакали мутахассислар тайёрлашни талаб қилади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш

жараёнини алоҳида таълим тури сифатида ташкиллаштирилишига олиб келди.

Касб-ҳунар коллежларида ўқитиш жараёни мустақил ва ўзаро боғланган назарий ва амалий қисмларга бўлинади. Амалий машғулотни юқори методик савияда ўтиш учун махсус фанларнинг назарий қисми талаб даражасида ўқитилиши лозим. Маълум соҳада кичик мутахассис тайёрлашда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатига оид назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим масалалардан биридир.

Республикамизда бозор муносабатлари ўтиш шароитида тобора кенг кўлам олаётган янги техника ва илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчилари учун замонавий талаблар даражасига ўқув-услубий қўлланмалар яратиш талабаларнинг касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланма ҳам бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ишлаб чиқариш таълими методикаси борасидаги назарий билимларини пухта эгаллашларига кўмаклашиш, амалий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга пухта замин тайёрлашга қаратилган.

Шунингдек қўлланма олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, соҳа тадқиқотчилари, аспирант ва докторантлар учун қизиқарли манба бўлиб қолади деб ишонамиз.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

§ 1. Касбий таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилиши, асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабати

1.1. Педагогика касбий таълим фанининг тармоқлари: мактабгача тарбия педагогикаси, умумий педагогика, педагогика тарихи, махсус педагогика, ҳарбий педагогика, касбий таълим педагогикаси, ижтимоий педагогика, ахлоқ тузатиш, даволаш педагогикаси, солиштирма қиёсий педагогика, фанларни ўқитиш методикаси, ҳамкорлик педагогикаси, маданий-оқартув педагогикаси – маъавий-маърифий ишлар, инженерлик педагогикаси, олий таълим педагогикаси, бошқарув педагогикаси, янги педагогик таълим.

Педагогика амалиётнинг истиқболларини башорат қилиш ва амалиётга жорий этиш учун педагогика фани тизимидаги фанларнинг ўқитилиши ҳолатини чуқур тахлил қилиш зарур. Қуйида педагогика тармоқларининг айрим хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисобладик. Булар педагогикага оид китобларда атрофлича берилган. Биз эса ўқитувчига эслатиш мақсадида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Умумий педагогика – мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақида бахс юритадиган фан.

Миллий таълим-тарбияни акс эттирувчи, давр талабларини ўзида сингдирган педагогика фанлари (назарияси) бўйича ўқув дарсликлари, хрестоматик адабиётлар яратиш зарур. Ҳозирги кунда Республикада 100 га яқин педагогика фанлари докторлари, професоорлар фаолият кўрсатмоқдалар, ана шуларнинг кучига таянган ҳолда, умумий педагогика муаммоларини таҳлил қилиб, энг муҳимларини ечиш зарур.

Мактабгача тарбия педагогикаси - мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш муаммолари билан шуғулланувчи фан.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг тушунча, тафаккур, дунёқарашларини шакллантирувчи, уларни фикрлашга ўргатувчи, дасрликларни, қўлланмаларни яратиб, амалиётга тадбиқ этиш муҳим педагогик вазифадир? Бунинг учун болаларнинг хусусияти (ёш хусусияти, билим даражаси, қизиқиши ижтимоий муҳити)ни яхши англаш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларни икки гуруҳга бўлинади.

Ясли даври: 1-3 ёш; мактабгача давр: 3-7 ёш.

Боланинг ўсиши: ҳар йили бўйи 6 смга, оғирлиги эса Рқ 1-2кгга ўсади. Аммо бу ўсиш оилавий шароит, муҳитга боғлиқлигини унутмаслик зарур.

В.А.Сухомлинский ёзади: «Одам икки марта туғилади»: биринчи марта тирик жон, иккинчи марта фуқаро ва фаол фикр юритувчи, ҳаракат қилувчи, мустақил шахс дунёга келади.

Инсонни ақлий қобилияти умумий ривожланишининг тенг ярми дастлабки 3-4 ёшида, 30 фоизи 4-8 ёшлик даврида, қолган 20 фоизи эса 8-17 ёшларида рўй беради.

К.Д.Ушинский фикрича, 6 ёшли боланинг бир ой давомидаги жисмоний ва ақлий камолоти 10 яшар боланинг бир йиллик ўсишидан устун туради.

5 ёшдаги болада пайдо бўлган бирон бир ҳиссиётни у кўпинча умрбод эсидан чиқармайди. 7 ёшдаги одат 70 ёшида ҳам сақланади.

Болада билимга қизиқиш 1,5-2 ёшдан бошланади.

Олти ёшли болаларни мактабга жалб қилиш мумкинми?

Бола 6 ёшга тўлмаган бўлса, яъни 3-4 ой етмаса, бу ҳолат болани ижобий ўқишига салбий таъсир этади; 6-7 ёшли бола ҳар куни, ҳар соатда ўсади. Бу давр учун бир ҳафта ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бундан кейин боланинг ёши бир текис ривожланади. Масалан: 10,11,13 ва 14 ёшли; 15-16 ёшли ўсмирларга умумий психологик характеристика бериш мумкин, 6-7 ёшли болаларга бундай қилиб бўлмайди.

- 6 ёшли болани 7 ёшли боладан фарқи нимада?
- 6 ёшли болани ўқувчи деб ҳисобласа бўладими?

Бола 6 ёшдан мактабга боргани маъқулми ёки 7 ёшдан?

Тарбиянинг вазифаси ёшларни ўз-ўзича фикрлашга ўргатиишдан иборат бўлмоғи даркор, - дебь маслаҳат берган И.П.Павлов.

Болаларнинг ривожланиши: болаларни ривожланиши ҳар хил бўлади. Оддий ривожланиш (нормал), тез ривожланиш; секин ривожланиш.

Педагогика тарихи – ўтмиш аждодларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашларини ўрганувчи фан.

Ўтмишда таълим-тарбия қандай бўлганлиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши туфайли педагогик ғоялар, тарбия ишларининг мазмуни, усулларининг янгиланиб борганлигини, ўтмишда ижод этган олимлар: Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Умар Ҳайём, Аз-Замаҳшарий ва бошқа олимларнинг педагогик қарашлари, фаолиятлари натижасидан билим олиш мумкин.

Бугунги кун талаби асосида Авесто, Қуръони Карим, Ходисларда акс этган педагогик ғояларни илмий-методик жиҳатдан очиб берилмоғи зарур.

Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўлаолади (Конфуций)

Таълим-тарбия, педагогика фани тарихини билмасдан ўқитувчилик қилиш мумкин эмас.

Педагогика фани тарихини яратиш замон талаби.

Махсус педагогика – педагогика фақат соғлом ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билан эмас, балки ногирон болалар (кар, кўр, ақли заиф) таълим-

тарбиясини ҳам ўрганади. Бундай педагогикани махсус педагогика деб аталади:

Олигофренопедагогика – ақлий жиҳатдан орқада қолган болаларга таълим-тарбия беради.

Тифлопедагогика – кўр болаларни тарбиялайдиган фан.

Сурдопедагогика – кар ва соқов болаларни тарбиялайдиган фан.

Ногирон болаларга таълим-тарбия бериш ўзига хос хусусиятга эга. Бу соҳада махсус тадқиқот ишларини олиб борилаётганлигини инкор этмаган ҳолда давр талабларига жавоб бера оладиган дарслик, қўлланмалар яратилишини янада такомиллаштириш зарур.

Ногирон болалар нимани билиши, нимани уддасидан чиқиши кераклигини касбий нуқтайи назардан аниқлаш лозим.

Бу борада чет эл тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмасмикан. Нима сабабдан чет давлатларда ногирон болалар умумий таълим болалари билан бирга ўқишадилар. Бизда эса алоҳида. (Англия, 2000й).

Ҳарбий педагогика – армия сардорлари ва аскарларини ватанимизнинг шон-шарафи ва ор номуси учун етук курашчи, замонавий ҳарбий қурол-яроғлардан самарали фойдалана оладиган ёшларни тарбиялайдиган фан. Бу соҳани такомиллаштиришда Амир Темур, Мирзо Улуғбек ҳамда умумжаҳондаги илғор ғоялардан унумли фойдаланиш лозим.

Касбий таълим педагогикаси – таълим-тарбия олувчиларга аниқ йўналишдаги касбий маълумотларни ўргатувчи фан.

Ижтимоий педагогика – болалар ва ўсмирларнинг мактабдан ташқари шароитдаги таълим-тарбиясига оид масалаларни ўрганадиган фан.

Ижтимоий муносабатлар чуқурлашиб бораётган бир шароитда мазкур педагогика асосларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш зарур. Бу эса, болаларни бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига имкон яратади.

Ахлоқ тузатиш – меҳнат педагогикаси – ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйган, жазони ўташ муассасаларидаги шахсларни қайта тарбиялашнинг назарий ҳамда амалий асослари тўғрисида маълумот берувчи фан.

Терроризм ва диний экстремизм, ҳудудий айирмачилик, гиёҳвандлик муаммоларининг халқаро майдонда ўсиб бориши уларга қарши курашни талаб этади. Бундай шароитда ахлоқ тузатиш, меҳнат педагогикаси фани ўз вазифасини талаб даражасида адо этиши зарур.

Ахлоқ тузатиш, меҳнат педагогикасининг назарий амалий асосларини батафсил очиб берилишига эришиш учун педагог, психолог, ҳуқуқшунослик олимларининг ҳамкорлиги зарур. Бу борадаги ҳамкорликни яратиш, ҳуқуқни бузган ёки ҳуқуқ бузарликка мойил болалар ва ўсмирлар ўртасида криминоген ҳолатларга қарши иммунитет ҳосил қилишда ахлоқ тузатиш педагогикасининг аҳамияти муҳим. Бундай муаммоларни ҳал этиш умуминсонимй аҳамиятга эга.

Даволаниш педагогикаси – жисмоний жиҳатдан ногирон болаларни бевосита ижтимоий фаолиятга тайёрлаш асосларини ўргатувчи фан.

Махсус тайёрланган мутахассислар иштирокида фан асосларини, техника ва технологиянинг ривожи нуқтаи назаридан яратилишига эришиш мақсадга мувофиқ.

Солиштирма қиёсий педагогика – жаҳон мамлакатлари таълим-тарбия тизимлари асосини қиёсий ўрганади.

Ривожланган хорижий давлатлар иш таржрибасини ўрганиб амалиётга тадбиқ этиш, таълим тизимининг ривожланишига асос бўлади.

Хорижий давлатлар таълим тизимига оид маълумотларнинг етиб келмаслиги таълим тизимининг ривожланишига салбий таъсир этади. Бу соҳада алоҳида тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ…

Фанларни ўқитиш методикаси – ҳар бир фаннинг мазмунини аниқлаб, кетма-кетлигини белгилаб, танланган материалларни ўрганишнинг шакл ва методларини ҳал этади. Масалан, физика, кимё, биология ва ҳ.к.

Ҳамкорлик педагогикаси – бола тарбияси мураккаб жараён. У ўқитувчидан масъулият, тинимсиз изланишни талаб қилади. Бироқ шундай омиллар ҳам борки, улар ҳам бевосита бола келажагини белгилаш имкониятига қодир. Бу омиллардан бири оиладаги тарбия бўлса, иккинчиси ташқи муҳит, яъни маҳалла-куй таъсири.

Бола тарбиясига: мактаб, оила, маҳалладаги муҳит кучли таъсир этади.

Бола тарбиясида ана шу учта омил (муҳит)ни муштарак ҳолда олиб борилиши, боланинг келажакда етук ва комил инсон бўлиб вояга етишишида етакчи аҳамият касб этади.

Оила муҳити. Жамият қурилишининг биринчи босқичи оиладир. Оила аъзоларнинг ўзаро муносабатлари ижтимоий муҳитни белгилайди. «Қуш уясида кўрганини қилади», деган халқ мақоли оила муҳити моҳиятини ифодалаб беради.

Маданий-оқартув педагогикаси – маънавий-маърифий ишларни бошқариш муаммоларини ўрганади.

Инженерлик педагогикаси, олий ўқув юртлари педагогикаси; бошқарув педагогикаси ҳам мавжуд.

Умумий ўрта таълимда таълим-тарбияни яхшилаш учун муҳим педагогик тадқиқот изланишларни амалга ошириш зарур.

1.2. Педагогик изланишлар. Педагогика фани муаммоларини ҳал этиш учун қуйидаги саволларга жавоб излашга тўғри келади:

- Умумий таълим нимани талаб қилади?
- Ўқувчиларга ёндашиш ва уларга таълим-тарбия бериш йўллари қандай бўлиши керак?
- Педагогик жараён қандай бўлиши лозим?
- Қачон ўқиш осон бўлади?
- Ўқитиб тарбиялаш мумкинми?
- Қандай қилиб болани эркин ижод қилишга ўргатиш мумкин?

- Таълим жараёнининг тузилиши қандай бўлмоғи керак?
- Ўқитувчи ким, унинг позицияси нимадан иборат?
- Дарсга қўйилган талаб ва уни амалга ошириш йўллари нимадан иборат?
- Ҳозирги замон дарси қандай бўлиши керак?
- Муомла санъати қандай бўлиши керак?
- Ёш ўқитувчиларга амалий ёрдам қандаё бўлиши керак?
- Ўқувчиларда фуқароликни қандай шакллантириш лозим?
- Ўқитувчилар касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг педагогик усуллари қандай бўлиши керак?
- Илғор педагогик тажрибалар ўрганилиб, умумлаштирилиб, амалиётга жорий этилаяптими?
- Илғор педагогик тажрибани белгиловчи мезон нима?
- Таълим жараёнида ўқитувчини ўрни қаерда бўлмоғи зарур?

Ўқитувчига қандай талаблар қўйилади?

Педагогика фани тизимининг ривожланишида бу каби муаммоларга бўлиниш қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Узлуксиз таълим мазмунининг такомиллашуви, яратилаётган ўқув манбаларининг мазмун ва сифат жиҳатдан юксак даоражада бўлишига қўйилаётган талаблар, махсус тадқиқот ишларнинг олиб борилишини талаб этади.

2. Педагогика фанлари ижтимоий-маданий ҳаёт билан бевосита боғлиқ. Шу боис жамиятда ижтимоий-маданий соҳаларнинг барчасига амалга оширилаётган ислоҳотларни ижобий якун топтириш педагогика фани ривожини таъминлайди.

3. Билимларни ўрганиш, метод ва воситаларни ишлаб чиқиш, шахс таълим-тарбиясини амалга оширишдаги имкониятларни кучайтиради.

4. Таълимий хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш, унинг сифатини ошириш, ахборотли технология имкониятларини ҳамда масофадан ўқитишни таъминлаш.

5. таълим жараёнида узлуксиз равишда мустақил билим олишни йўлга қўйиш.

6. Фанлар мазмунини тўғри, тўлиқ ва қизиқарли бўлиши, узвийликни таъминлаш.

1.3. Ўзбекистон Республикасида касб таълими ислоҳоти. Истиқлолга эришган мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар таълим мазмунини давр нуқтаи назаридан янгилашни тақозо этмоқда. Бундай янгиланиш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида шакллантирилаётган узлуксиз таълим тизими доирасида касб таълимига алоҳида ўрин берилишининг самараси сифатида касб- ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тизими шаклланди.

Бугунги кунда касбий педагогика жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Айни вақтда ўзининг кенг тадбиқини кутаётган, фаннинг бошқа соҳалари билан алоқадорликда ишлаб чиқилган янги концепция ва назариялар ривожлантирилмоқда.

1.4. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар. Касбий таълим узоқ давр мобайнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилди, бироқ ушбу чора битирувчиларнинг касбий маҳоратининг шаклланиш даражасини пасайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу ҳолат касбий маҳорат ва лаёқатни ошириш, инсоннинг бутун умри давомида ўз билимини такомиллаштириб бориши ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжини оширишга хизмат қилмас эди. Республика халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида касбий таълимни самарали ташкил этиш, ишчи касбларига махсус тайёрлаш, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Касбий маҳорат дейилганда битирувчининг юқори даражада касбий кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлик даражаси акс эттиришида намоён бўлади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражадаги мослашувчанлиги, янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши ва фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади.

Касбий маҳорат ва лаёқат шахснинг шундай сифатларидирки, улар бўлажак мутахассиснинг ҳаётий ҳамда меҳнат муввафақиятларини белгилаб беради. Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика фанининг асоси вазифаси жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш, ушбу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эьтироф этиш эмас, балки уларга нисбатан ижодий ёндошувни шаклантириш ва мустақил фикрлаш каби сифатларини тарбиялашдан иборатдир. Шу сабабли бугунги кунда барча фан соҳалари, жумладан, касб таълими бўйича янги ўқув дарсликлари, қўлланма ва тавсияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ўринда касб таълимига бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

* таълим ислоҳотлари натижасида академ лицей, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа турдаги ўқув муассасаларининг шакллантиришилиши ва ривожланиши;

* олий ўқув юртларида касб таълимини ўқитилишнинг йўлга қўйилаётганлиги, бу борада алоҳида факультет ва бўлимларнинг ташкил этилиши;

* касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан янада жипсроқ боғланиб бориши, истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган билим соҳалари туташувида янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши;

* касбий таълим муассасаларининг аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги фаолият турларининг ортиб бориши, ўз базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши; меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шаклларини жорий этиши ва бошқалар.

Уларнинг касбий педагогика талабалар таълими, тарбияси, ўқиши ҳамда ривожланиши қонуниятларини ўрганади, таълим- тарбия, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мезонларини ишлаб чиқади, касб таълими муассасалари турларини ва уларни бошқариш тизимини асослайди. У педагогик назариялар тўғрисидаги билимларни, инновацион технологияларни лойиҳалаш услубларини умумлаштиради. Касбий педагогика фани шахсни касбий фаолиятга тайёрлаш, ёш авлодни касбий тарбиялаш, малакали ишчи кучининг янги талаблар даражасида фаолият юритишини таьминлашни кўзда тутади.

1.5. Касбий таълимни ташкил этиш жараёни. Касбий педагогика умумий педагогика фанинг тармоғи сифатида касбий - техник таълим тизимининг такомиллашиши жараёнида шаклланиб боради. У нисбатан янги фан соҳаси саналиб, бугунги кунда кўплаб тушунча ва маълумотлар билан бойиб, ривожланиб келмоқда. Қар қандай фан соҳасида бўлгани каби касбий педагогика ўз категория, тушунча, ва сифат кўрсаткичларига эгаки, булар фаннинг асосини ташкил қилади.

1.6. Касбий таълим вазифалари:

Касбий педагогика фанининг асосий тушунчалари, унинг мазмуни касбий таълимни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифаларнинг бажарилиши учун хизмат қилади:

* ўқитувчиларнинг янги, янада мураккаб тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз касбий маҳоратларини оширишлари учун шароит яратиш;

* касбий-техник таълимнинг янги концепцияларини амалга оширишнинг янги йўл ва воситаларини йўлларини яратишга эътибор қаратиш, фаол-ижодкор шахсни тарбиялаш;

* педагогик билимларни эгаллашга янгича ёндошувни юзага келтириш;

* таълим тарбиянинг янги, янада самарали шакл ва методларини яратиш;

* ривожланиб борувчи янги педагогик жараёнларни лойиҳалаш, таълим олувчиларнинг барча имкониятлари ва қобилиятларини ишга солиш учун шароит яратиш, касбий маҳоратни эгаллашлари учун сарфланадиган вақтни қисқартиришга эришиш.

§ 2. Касб таълими педагогикасида асосий тушунчалар

2.1. Касбий таълим педагогикаси фанининг асосий тушунчалари. Мустақиллик шароитида ўсиб келаётган ёш авлодлар тарбиясида умуминсоний қадриятларни, умуминсоний ижобий хислатларни ривожлантиришга оид ғоялар Ўзбекистоп Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ва нутқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ўз аксини, тасдиғини топган. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўз йўли, тамойиллари тарбия жараёнида ҳали аввалги, кекса авлод олдида турмаган янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган хислат ва сифатлар шакллантирилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда миллий мафкураси шаклланиб бормоқда. Педагогика илмидаги тушунчалар, таърифлар миллий мафкурага мос, умуминсонийлик руҳида тушунтирилмоғи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Албатта таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга.

Яна бир томондан таълим назариясшш, таълим-тарбия мазмунини, шаклини ва услубларипннг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб - чиқарилиб, Оврупо орқали ўзгариб, ривожланиб яна Шарққа қайтиб келганини ва дунё педагогик жараёнини бир бутунлигини хисобга олинса қуиида кслтириладигаи тушуичаларда хусусим миллийликдан кўра умуминсонийлик жиҳатларининг кўплиги кўзга ташланиб туради.

Касбий таълим педагогикасинпнг мухим тушунчаларига тўхталамиз.

Маълумот - ўкитиш жараёни ва унинг натижаси хисобланиб, ўқувчида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштприлганлигини, билиш қобилияти ўсганлиги ва улар асосида илмий дунёкараш, шахсий сифатлар шакл-ланганлигини, уларнинг ижобий кучлари ва қобилиятларининг қай даражада ривожланганлигини англатади.

Таълим - маълум мақсадга иўналтирилган, режали равишда амалга ошириладиган «ўқитувчи - ўқувчи -ўқитувчи» мулоқоти бўлиб, унинг натижасида ўқувчида маълумот, тарбия ва умумий шаклланиш, ривожланиш амалга ошади. Одамларнинг маълумоти фақат таълимнинггина натижаси бўлиб қолмай, балки ота-она ва оила тарбияси ўз-ўзини тарбиялаш ва оммавий ахборот воситаларининг (кино, радио, зангорн экран ва ҳоказо) таъ-сирида амалга оширилади.

Инсоннинг ривожланиши -ташқи ва ички, бошқарилувчи ва бошқарилшига берилмайдигаи омиллар томонидан шахснинг шакллаииш жараёнидир. Уларнинг таркибида албатта, мақсадга йциалтирилгаи тарбня асосий рол ўйнайдн.

Мактабдаги ўқитиш жараёнида таълим, тарбия ва маълумот ўзаро хмустаҳкам боғлпк «равишда амалга оширилади. Ўқитувчи қайси фанни

ўкитишдан қатъи назар, ўсиб келаётган авлодга фан асосларнпн ўргатади, билимларни баён килади. Шу материалларнинг мазмунига қараб тарбия масалаларнни хам ҳал қилади, болаларда илмий дунёкарашни таркиб топтиради, маданнй хулқ-атвор кўникмаларини тарбпялайди, уларпинг онгига илғор маданнятлилпк принцппларини спнгдириб боради. Демак, таълим назариясининг мавзу бахси тарбия ва таълим масалаларидан ташкил топиб, уларнинг хаммаси бир вақтда, бир жараёнда амалга "ошириб бори,лади.

Инсон шахсининг шаклланишида маълум мақсадга қаратилган ўзи тушуниб етиб орзу қилган (ўзи мустақил тарбиялай оладиган) фазилатлар, сифатлар" ва хулқларнимг шакллантирнлиши катта рол ўйнайди.

Ўқитиш - ўргатиш - болаларнинг махсус ташкил этиладиган фаол мустақил, билиш - таниш, меҳнат, эстетик, жисмоимй фаолияти бўлиб, табиий қобилиятларини ва психик жараёнларини ривожлантириш, тажрибалар, кўникмалар ҳамда билимларни эгаллаш, ўзлаштиришга йўналтирилган фаолиятидир.

Педагогик фаолият - эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий мақсадларга мувофиқ равишда ёш авлодпи ҳаётга тайёрлашнинг ақлан ўйлаб кўрилган, катта ёшдагиларнинг ижтимоий зарур бўлган меҳнатининг ўзига хос туридир.

Тарбиянинг объектив қонунлари - ўқув - тарбиявий жараённи ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётнннг шахсни, уни ўзига хослиги ҳамда сифатларини шакллантиришдек талабларидаги турғун бўлган анъаналардир.

Тарбиянинг асосий қонуни - ўсиб бораётган ёш авлодни катта ёшдагилар ижтимоий тажрибасининг эгаси қилиш учун, уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишини таъминлаб бериш учун амалга ошириладиган зарурий ва мажбурий фаолиятдир. Жамиятнинг ҳаётийлигини таъминлаш, алоҳида олинган бир инсон ва ҳар бир шахснинг моҳиятини ташкил этувчи кучларнинг ривожланишини, авлодлар орасидаги ворислигини амалга ошириш демакдир.

Педагогика принципи - ижтимоий муносабатларнинг текширилган амалий ва барқарор йўналишларини ўзида акс эттирадиган назарий умумлаштирувчидир. Шунингдек, ўқув-тарбиявий жараённи, болаларнинг жисмоний» бадии, ижодий, меҳнат ва бошқа ҳар қандай фаолиятига педагогик раҳбарликни ташкил этишга боғлиқ бўлган қонуний алоқалардир.

Педагогик тажриба - ўқитувчи томонидан педагогиканинг принциплари ва амалий қонунларини ижодий ва фаол равишда ўзлаштириш хамда реал шарт-шароитларни, болаларнинг, болалар жамоасииинг, шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга татбик этишидир.

Педагогик қарама-қаршиликлар (келишмовчиликлар)-педагогика амалиёти жараёнида вужудга келадиган эскирган педагогик кўрсатмалар, қарашлар, концепциялар ва педагогик жараёниинг тарбнявий сама-

радорлигини пасайтирадиган, шахсни шакллантириш тизимлари билан вужудга келган номувофиқликдир,

Янги тараққий этиб бораётган, ўсиб бораётган ёш авлодга ҳаёт талабларининг мураккаблашиб бориши, умуман бу тарзида вужудга келадиган эхтиёж таълим ва тарбиянинг янги мазмунга, шаклга эга бўлган услублари билангина қаноатлантирнлиши мумкин.

Тарбиянииг мақсади - жамиятинг алоҳида бир олинган шахсга бўлган эҳтиёжларини акс эттирш, унипг моҳияти, идеал талабларини, ўзнга хослиги ва фазилатларини, хаётга муносабатининг, аклий, жисмоний, ахлокий ва эстетик ривожланишини назарий умумлаштиришдир.

Шахснинг ҳар томонлама камолотга етиши - маълум бир реал тарихий шарт-шароитларда амалга ошириш мумкин бўлган Қобилиятлар ва иқтидорларнинг, унинг моҳиятини ташкил этадиган ҳамма кучларининг тўлиқ, ва батамом ривожланишидир.

Педагогик жараён - маълум бир мақсадга йўналтирилган катталарнинг педагогик фаолияти таъсирида ташкилпй шакллантирилгаи ва мазмунан бойитилгаи ҳамда тарбиячининг йўналтирувчи ва олиб борувчи раҳбарлик роли -натижасида боланинг ўз-ўзиии тараққий эттиришидир.

Болаларни тарбияловчи жамоа - бир бутун ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, жамоавий юқори даражадаги ахлоқий, эстетик хамда ижтимоий муносабатларни тарбиялайдиган, махсус ташкил этилган система, болалар муҳитида мулоқот олиб боришдир.

Ҳаваскорлик - болаларнииг мустақил, ихтиёрий, ўз хоҳишига кўра амалга оширадиган ички фаолиятидир.

Тарбиявий мухит - инсон шахсини шакллантнрувчи табиат, ижтимоий муносабатларнинг системаси, ижтимоий тафаккур, турмуш ва шахслараро муносабатларнинг доираси каби омилларпинг бир-бирини бойитиши ва мувофиқ келишидир.

Педагогик мухит - педагогик мақсадларга мувофиқ равишда махсус тузилган шахслараро муносабатлар системасидир.

Ички мухит - юқорп даражадаги ўзига хос асабий фаолиятларнинг, характерлар ўзига хослнгининг, ҳаётий тажрибанинг, ирсий тафаккур кўникмалари тизимининг ҳамда бола учун, одатдаги руҳии холатларда ўзини намоён этадиган таъсирчанлик ва хакиқатга муносабатлар мажмуасининг ўзаро бир-бирнга мувофпқ кеинши, бир-бйрини тўлдириши ва бойитишидир,

Ирсийлик - боланинг шаклий ўзига хосликлариии белгилаб берадиган анатомик, физиологик, психологик ташкилий жнҳатларни, қобилиятларинн ва иқидорларини ривожлантиришга йўналтирилган, болаларга ота-оналари томонидан ўтказилган ирсий бслгилардир.

Таълим ва тарбияни инсонпарварлаштириш - псдагогик диққат ҳамда эътиборнинг марказида инсоннинг мухим масаласи ва муаммоси, яъни

болаларда инсон шахсига дунёдаги энг юқори, бебаҳо бойлик сифатидаги муносабатини шакллантиришдек муҳим фаолият ётади.

Таълимни гуманитарлаштириш - технократизмга ва ноинсоний қиёфа ва хусусиятларга қарама-қарши туриш, инсон шахсининг маънавий бойлигини ошириш ва тараққий эттириш мақсадида таълимнинг гуманитар ҳамда табиий-математик даврийликлари орасида гармоник мувозанатни ўрнатиш.

Ақлий тарбия - болаларнинг онги ва тафаккурини -билимлар, онгли кўникмалар ҳамда малакалар билан бойитиш. Ақлий кучлар, сезгилар, руҳий жараёнлар, иқтидорлар, билувчанлик мақсадлари, дунёқараш ва фаолият озодлигини шакллантириш.

Ҳуқуқий тарбия - ҳуқуқий маданиятни, ўқувчиларда- қонунга бўйсунувчанлик хатти-ҳаракатини шакллантириш.

Политехник маълумот - ҳозирги замон ишлаб чикаришини ташкил этишнинг асосий принциплари билан, чиқиндисиз ва экологик тоза технология билан танишиш. Шу билан бирга компьютер техникаси, механизациялаштирилган ҳамда автоматлаштирилган меҳнатнинг ҳозирги даврдаги жиҳозлари билан ишлаш малакаси билан қуроллантириш.

Меҳнат тарбияси - болаларни умумий мехнат билнмлари ва ижтимоий фойдали меҳнат малакалари биланҳуроллантириш. Шу билан бирга, мсҳнатссварлик, мсҳнат кишисининг психологиясини ривожлантириш, мулкнинг ҳар хил шаклдаги турларида мехнатипиг хар хнл шаклларини ташкил этиш қобилиятини намоён этнб муваффақиятга эришиш, тадбиркорлик ва ижодии ёндошувни намоён этиш хусусиятлариннг эгаси сифатида шакллантиришдир.

Иқтисодий тарбия-ўқувчиларни асосий иктисодий тушунчалар билан таништириш жараёни бўлиб, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасидаги оддий ҳаракатлар, қилиши лозим бўладигаи ишлар кўникмаси, малакаси билап, тақсимот ва таьлимот билан, иқтисодий тафаккурнинг ривожланипш билан қуроллантирнш.

Ўзбекистон Республпкаси социал-иқтисодий ривожлаиншнинг асосий тамойилларини чуқур ўзлаштириш.

Экологик тарбия - ўқувчиларни экологик (атрофмухит мухофазаси) билимлари билан қуроллантириш, шунингдек табиатга нисбатан ахлокий-эстетик, окилона экологик хатти-ҳаракатлар кўникмаларини, экологик та-факкурини ҳамда экология учуи фаол курашиш қобилиятларини шакллантнришдир.

Ахлоқий тарбия - ўқувчиларда умуминсопий ахлоқий принципларга содиқ бўлишдек, жамият ахлоқий талаблари ва меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ўз хатти-ҳаракагларини танлай олиш махоратини, ахлокий тафаккур ва кундалик одатдаги ахлоки! хатти-харакатлариниг мустаҳкам тизимини шакллантнриш.

Жисмоний тарбия - боланинг хамма жисмоний хусусиятларини: анатомик, фпзиологик, асаб ва бошка системаларини хар томонлама ривожлаитириш, соғлом хаёт кечиришнинг афзалликлари, шарт-шароитлари, асослари хамда жнсмоний маданиятнинг одатдаги зарур элементларини мустахкам тарзда шакллаитириш.

Эстетик тарбия-бадипй-эстстпк тафаккурни шакллантириш, реал ҳаётда санъатдаги эстетик ҳодисалар» кўринишлар, холатларни хис қила олиш, қабул қила олиш, баҳолай олиш кобилиятларини шакллантириш шуниигдек, пжодиётда фаол иштнрок этиш.

Тарбиялаш услублари (методлари)- катта ёшдагилар билан болалар ўртасидаги педагогик, аклан ўйлаб кўрилиб, маълум мақсадга йўналтирилган таъсирларининг жамият томонидан шарт сифатида қўйилгаи усуллари бўлиб, болалик даври, фаолияти, мулоқоти, муносабатларини ташкил этишга ёрдам беради, уларнинг фаоллигини рағбатлантирувчи хамда хатти-ҳаракагларини бошқариш асослари ҳмсобланади.

Таълим методлари (услублари)-болаларнипг билимларни, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштиришини, умумий маълумот хамда умумий таълнмининг воситаларини эгаллаши учун ақлий кучлари, кобилиятларини ривожлантиришни таъмпнлаидиган, педагог билан ўқувчининг ўқув ўрганиш жараёнидаги ўзаро таъсирлариннг махсус усулларидпр.

Психологиянинг прсдмети тирик организмнинг вужудга кслиши, фаолият юритиши, таркибий тузилиши ва рухиятини ривожлантириш механизмлари ҳамда қонуниятлари, ашъёвий далилларидир.

Руҳият - субъект (шахс) томонидан объектнв реал ҳаётий ҳақиқатнн акс эттириш, унинг субъектив қиёфасини, образини яратиш ва ўз хатти-ҳаракатлари ҳамда фаолиятини унинг асосида ўз-ўзидан бошқарувини ўзида намоён этаддган, юқори даражада ташкил этилган материянинг маҳсулоти ва ўзига хос шаклидир.

Онг, атроф-муҳитни англаш - инсон руҳиятининг юқори даражаси бўлиб, дунё ҳақидаги объектив билимларнинг, унга объектив муносабатларнинг таҳлили, кишиларнинг ўзаро мулоқотлари, ўзаро таъсирларининг, ижтимоий муносабатларининг натижасидир.

Ўз-ўзини англаш - кишининг ўзига ва ўз фаолиятига, шахсига англанган муносабатда бўлишидир.

Фаолият- ҳаракатлар ва операциялар системасида амалга ошириладиган эҳтиёжлар ҳамда сабабларга жавоб берадиган, биронта мақсадга йўналтирилган фаолликдир.

Шахс - одамнинг жамият аъзоси сифатида, ўз-ўзини англаш ва тафаккурни, фаолиятнинг объективлигини, мулоқот ҳамда билувчанликни ташувчанлигидир.

Жамоа - инсонпарварлик ва жавобгарлик масъулиятларига боғлиқлиги билан характерланадиган муносабатлар ҳамда ҳамкорликдаги ижтимоий -

ижобий фаолиятга асосланган, кишиларнинг ташкил этилган умумийлиги, жамоасидир.

Ижтимоий - психологик иқлим - жамоа ва гуруҳларнинг ривожланиш даражасини, уларнинг шахсга таъсири даражасини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятлари самарадорлигини белгилаб берадиган шарт-шароитлар билан ижтимрий-психологик ҳодисалар (муносабатлар, жамоавий фикр, кайфият ва бошқалар)нинг бир-бирини бойитиш, бир-бирига мувофиқ келишлигидир.

Мулоқот - ўзаро муносабатлар, ўзаро таъсирларни таъминлашга, маълумотларни алмаштиришпи ўз ичига олган ва муносабатларни, уларнинг алоқаларини амалга оширадиган, маълум йўналишга асосан олиб борилади-ган фаолият ҳисобланиб, кишиларнинг биргаликдаги фаолиятининг бир туридир.

Педагогик мулоқот- ўқув-тарбия жараёии давомида ўқитувчи (педагог)нинг ўқувчилар билан касбий мулоқоти хисобланади.

Шахснинг психологик таркибий тузилиши- инсоннинг психологик ўзига хослигини харакгерлайдиган ва бир бутун таркибий тузилишга умумлаштнрилгаи шахсннг ўзига хослги, ҳамда фазилатларнинг динамик сисгемасидир.

Руҳий жараён - киёфаси (образ), холат, ўзига хослик ёки бошка психологик тузплмалар . кўринишпдаги махсус ўзига хос натижаларшшг мавжудлиги билан характерланадиган руҳиятни ички фаолият сифатида фаол, динамик ташкил этилишидпр.

Руҳий ҳолат - хатти-харакатлар ва фаолнятнинг самарадорлигини, ўзига хослигини белгилайдиган кўп жиҳатлардан инсоннинг руҳий ўзини тутишн, ўзнни ҳис қилишинй характерлайдиган бир бутун руҳиятнинг таркибий кисмларидан биридир.

Шахснинг психологик ўзига хослиги-рухнй жараёнлар ва унинг рухиятининг турғуи, мустахкамлигига боғлнқ равишдаги комплскс холатларнннг биргаликда мавжуд бўлишлигидир.

Шахснинг йўналганлиги - одампннг дунё билан муносабатларнинг бир бутун системасини таъминлаб берадиган ва эхтиёжларнинг динамиклигини ўзида намоён этадиган кўрсатмалар, йўл-йўриклар, сабаблар, манфа-атдорликлар, шахснпнг мазмунилиги, шахснинг маънолари, одамнинг бошка интилишлари каби муносабатларининг психологик тузилмаси. Зарурат, эҳтиёжлилик - қандайдир бир объектив етишмовчнликка, ўзида йўқ нарсага жавоб берадиган инсоннинг рухий ҳолати бўлиб, бу фаоллик манбаидир.

Мақсад - бўлғуси натижалар ҳакида ҳар доим ақлан ўйлаб кўрилган, ривожлантирилган хаёлий тасаввурлар.

Сабаб - психологик реаллик ўзининг аниклигини топадиган зарурат, эхтиёжиинг предметидир; рухият ва инсон фаолиятини уйғотишга йўналтирилгаи ҳаёлий тузилмаларии амалга ошириш воситасидир.

Моҳирлик - хаётий тажриба ва ўзлаштирилган билимлар асосида аниқ ва онгли равишда амалий ва назарий ишлар, харакатларни тсз бажарпшга тайёр эканликдир.

Ўқувчининг билими - табиат ва жамиятнннг ривожланиш қонуниятларини акс эттирган фан конунлари, тушунчалар, ашёвий далилларнн ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг натижасидир.

Малака - ўзининг шакллаииш жараёнида автоматлашиб кетган, яъии ихтиёрий равишда тўлиқ такрорлаш қобилияти, одатдаги фаолпят сифатида шаклланиб бўлган хамда мураккаб харакатларнинг таркибига киритилган жараёнларни психологик танлашга айланиб кетган иш-ҳаракатидир, фаолиятдир.

Қобилият - шахснинг индивидуал - психологнк ўзига хослигининг психологик таркибий тузилишига киритилган, қайсидир бир фаолиятни муваффақиятли бажаришга тааллуқли бўлган ва билимлар, малакаларни эгаллашнинг тезкорлигини, енгиллигини изохлаб берадиган хусусиятдир.

Жўшқинлик, мижоз (темперамент)-одамнинг хатти-харакатлари ва руҳиятининг динамик ўзига хослигини характерлайдиган, шахснинг психологик таркибий тузилишларига кирадиган бир бутун, яхлит кўрсаткичлар системасндир.

Характер (қиёфа, тавсифий жиҳатлари) - хатти-ҳаракатларнинг сифат жиҳатларининг ўзига хослигини, мустаҳкамлигини кўрсатиб турадиган, шахснинг дунёга махсус муносабатларини акс эттирадиган ва шу муносабатлар пайдо бўлиш жараёнида ўзининг изиии қолдирадиган хусусиятлар мажмуаси бўлиб, шахс психологик таркибий тузилишининг интегратив таркибий қисмидир.

Эрк -ўз олдига мақсадларни қўйиш ва қабул қилиш бнлан, шу билан бирга, уларни ҳал этиш, амалга ошириш йўлида ички ва ташқи тўсқинликларни енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлган тафаккури ва хатти-ҳаракатларини онгли равишдаги ўзўзини бошқарувидир.

Бузилган хатти-ҳаракатлар - жамият томонидан қабул килинган меъёрларга қарама-қарши бўлган, рухий соғлом шахснинг хулқ-атвори, қилиқлари системасидир. Биринчидан, қилиқлар ва ҳаракатлар сифатида, яъни юдоб-ахлоқ меъёрларидан четга чиқиш, бузилиш ва унинг асосида шаклланган маъмурият, касбий (шулар қаторида педагогик ҳам) талаблардан четга чиқиш, риоя этмасликдир. Иккинчидан, қонуннинг бузилиши ва оғир жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлган, хуқуқий меъёрлардан четга чиқиш каби хатти-ҳаракатлардир.

Ҳиссиёт - объектив дунёдаги ҳодисалар, улар мазкур муддатда сезги органларига бевосита таъсир этиши жараёнида ёки нарсаларнинг ўзига хос таркибий тузилишини алоҳида акс эттиришдарн иборат бўлган руҳиятнинг оддий шакли ҳисобланади.

Идрок - мазкур мудатда сезги органларпга уллрнинг бевосита таъсир этиши давомидаги бир бутун ходисалар (ўзига хослпкларининг мажмуавий мувифиқ ксллшлиги) ёки нарсаларнннг инсон онгида акс этишидир.

Диққат - фаолият (хатти-харакат) ва руҳий акс эттиришни таъминлайдиган, белгиланган объектга фаолият ёки онгининг жамланиш ҳолатидир.

Хотира - объектив дунё таъсирларини қайта тасвирлаш ва саклаш, тасаввурида ёдда сақлашдан иборат бўлган рухий жараёнларнинг мажмуасидир.

Тафаккур - билиш, англашнинг юкори шакли бўлиб, ўзида объектив дунёдаги ходисалар билан нарсалар ўртасидаги муносабатлар ҳамда алоқаларни акс эттириш қобилиятинйнг мавжудлигини намоён этншдир. Бу воқеликни бевосита ички акс эттириш, уни киёфаларда қонупимтлар ва тушунчалар даражасига кадар умумлаштиришдир.

Ҳис-тунғу (ҳиссиёт)- ўзиинмг холатларига ва обьоктив дунёга ўз муносабатларини акс эттириш натижалари хамда жараёнидир.

Сабабий реакциялар (таъсирлар)- ҳис-туйғунинг ҳаддан ташкари ошиб, сабабнинг функциясига эга бўладиган даражада кучайиши иатижасида фаолиятнинг изидан чиқишидир.

Сезги - хис-туйғунинг олий тури бўлиб, юкори даражадаги турғунликни ва умумийликни, жамланганликни, қўлламдорликни характерланишидир.

Билиш, англаш - дунё хакидаги янги бплнмлар хисобланадиган субъект ва объектнинг ўзаро таъсирини, воқеликнинг рухиятда қайта тасвир этилиши ҳамда акс эттириш жараёиидир.

Ўргатиш - организмииг туғма реакцияларига тўғри келмайдиган ва упдан олдинги фаолиятлар натижасида вужудга келадиган фаолиятлар хамда билимларнинг мустахкам холатда ўзгаришидир,

Ўрганиш - таълим жараёнининг таркибий тузилишларида ўқувчининг шахсий фаолияти.

Уйғунлик - инсонинг ичкн дунёсининг хамма таркибий кнсмлаини ривожлантирншдаги тсппа - тенглик, мувофиқлик, хажмий мувофиқлилик (ўлчамдорлик)да бўлишлигидир, Бунинг мумкин бўлнши учуи инсоининг ҳамма ўзига хослиги ва фазилатларининг асосларида бир системага бирлашадиган яхлит асос, манба ётиши керак.

Шахснинг бус-бутунлиги-прогрессив (ижобий) ннсониятнинг маънавий мероси ва амалда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларининг ижтимоий субъект томонидан тўлиқ ўзлаштириш фаолияти, уйғун, ҳар томонлама ривожланган шахснинг ижтимоий аҳамиятга эга идеалларга яқинлашувининг мезони.

Шахснинг ҳар ишга моҳирлиги - шахснинг ижодий имкониятлари, эҳтиёжлари, қобилиятларини чегара билмайдиган ривожланиши сифатида қараб кўриладиган хусусиятидир.

Бу шахс ижтимоий фаолиятининг ҳар хил турларида ўргангнлиги, ўз ўрнини эркин алмашинуви, жамият ҳаётининг ишлаб чиқариш, шунингдек ишлаб чиқаришдан ташқари бўлган доираларида ўз куч-қувватшш сарф этишидир.

Касбга йўналтириш - ўқувчннинг ўз эхтиёжини оқилона чеклайдиган шахс сифатида камолотга етишининг педагогик жараёни бўлиб, нафақат педагогик ташқи ижтнмоий-иқтисодий, балки психологик, тиббий, ҳукуқий муаммо ҳамдир.

Одоб-ахлоқ-шахснинг ўзига ва дунёга муносабатларига олиб борувчи хатти-ҳаракатларининг белгиланган, аниқланган усули бўлиб, сабабият, тасаввурлар ва қарашларни ўз ичига олади, яъни шахс шаклланишининг манбаи ҳисобланади.

Ахлоқий тарбияланганлик - шахснинг асосий фазилатларининг (меҳнатсеварлик, тўғрисўзлик, жамоавийлик) ёки ахлоқликнинг асосий бслгиларининг ривожланишн даражасига қараб аниқланади.

Шахснинг ақлий сифатлари (фазилатлари)-шахснинг ақлий жиҳатдан камолотга етишуви унинг ақлий, зеҳний сифатлари, фазилатлари орқали намоён бўлади. Бу даражага олиб борувчи сифатлар: билағонлик, объективлик, фикрловчанлнк, севишганлик ҳисобланади.

Аклий, зеҳний тарбияланганлик - ақлий ва зеҳний сифатлари, фазилатларинннг ривожланганлик даражасига қараб шахснинг ёшига кўра хамма даврларида интеллектуал тарбияланганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Ақлий тарбиянинг мактаб йилларидаги мезоний фазилати мантиқийлик ҳисобланади. Балоғат ёшида эса, ақлнинг қобилиятлари янги маълумотнн вужудга келтиради. Мактаб ўқувчиларининг ақлий ривожланишини бошқариш учун уч жиҳат бўйича маълумотларни олиш ксрак: билишлик, фаоллик, ақлнинг ривожланганлиги (фикрловчанлик).

Умумпедагогик тайёргарлик- падагогиканинг категориялари ва методологик асослари хақидаги бнлимларни шакллантириш, пспхологнк-педагогик сезгирлик, кузатувчанлик, педагогик тасаввурлар, ташкилотчнлик қобилиятлари, талабчанлик, одамшавандалик, мақсадга интилувчанлик, қатъийлик, вазмннлнк ва ўзини тута олиш, болаларнинг, ўспиринлар ҳамда ёш йигит-қизларнинг ёшига кўра анатом-физиологпк рнвожланишпнинг асосий қонупиятлари хақидаги бнлимларни, ўқувчиларнинг индивидуал ўзига хосликларини, педагогик ишлар билан қизиқувчанлигни шакллантиришдир.

Профессионал (касбий)-педагогик моҳирлик ҳар хил шарт-шароитларда педагогнинг ўз касбий фаолиятинн бажариш қобилияти бўлиб, унииг асосида ижтимоий-сиёсий, умуммиллпй, махсус, пспхологик-педагогик, касбий-услубий билимлар ва малакаларнинг шаклланган тизимни кўлга киритиш, ўзлаштириб олиш ётади.

Касбий-методик моҳирлик - ўқитувчи, мазкур фанни олиб борувчининг мавжуд бўлган педагогик ва услубий билимлар асосида малакавий

фаолиятини бажара олпш қобилнятидир. Шундай қилиб, педагог икки турдаги: касбй ва малакавий тайёргарликка эга бўлади. Шунннг учун ўкитувчининг мактабда ўкитаётган фани юзасидан малакасига хамда касбига кўра хақли равишда педагог дсб атайдилар.

Таълим (ўқитиш) усуллари -таълнмнинг услубий таркибий қисмларини ташкил угган бўлаклардан иборат. Масалан, оғзаки баён этиш давомида доскага ёзиб бориш, кўргазмали қуроллар ёки улар билан таништириш жараёнида қиёслашлардан фойдаланиш каби ва бошқалар; Ҳар бир услуб доирасида ўқув материали мазмунига, ўқувчиларнинг тайёргарлигига, дарснинг жиҳозланишига, ўқитишнинг индивидуал ўзига хосликларига боғлиқ равишда усуллар алмашинади.

Қунтлилик, тиришқоқлик - меҳнат ва ўрганишда серғайратлилик, қунтлилик бўлиб, болаларни ёшлик йилларидан бошланган ишини охирига етказишга, уни виждонан хамда пухта, тартибли килиб бажаришга ўргатиш, онгига сингдиришдир.

Таълим методикаси – хусусий дидактика ёки таълимминг хусусий иазариясини ўзида намоён этадиган педагогика фаниининг тармоғидир. Унинг вазнфалари ўқув фани юзасидан таълим бериш ҳодисасини ўрганиш жараёпида уларнинг орасидаги қонуний алоқаларни очиш, англанган қонуниятлар асосида эса, ўкитувчининг таълим фаолиятига ва ўқувчишшг аиглаш, билувчанлик фаолиятига талаблар меъёрини ўрнатишдан иборатдир.

Дидактика - (грекча «дидактикос» сўзидан олинган бўлиб, ўрнак, сабоқ бўлишлилик каби мазмунларни англатади.)- педагогиканинг таълим жараёнида тарбиялаш назариясини ишлаб чиқадиган қисми ҳисобланади.

2.2. Касбий таълим педагогикаси қонуниятлари. Кишилик тараққиётининг илк босқичларидаёқ педагогик фаолият ўз мавқеига эга бўла олди. Бугунги кунга келиб илм–фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини педагогика фани ривожига таъсирини кўрсатиб келмоқда. Мазкур ҳолат ҳақида тўлақонли тушунчага эга бўлиш учун педагогик қонуниятлар моҳиятини билишимиз лозим бўлади. Улар қуйидагилардир:

I. Ишлаб чиқариш турига кўра ишчиларни муайян соҳага тайёрлаш

Ишлаб чиқариш турига кўра ўқитиш дастурлари 3 та йирик гуруҳга бўлинади:

1. Якка ҳолда ишлаб чиқариш.
2. Гуруҳ асосида ишлаб чиқариш.
3. Оммавий равишда ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури ўзининг техник жиҳатлари ва шаклларига эгадир. Ишлаб чиқаришнинг қайси тури бўлишдан қатьий назар бир цехнинг ўзида ҳам 3 та ишлаб чиқариш тури мавжуд бўлиши мумкин.

Якка ҳолда ишлаб чиқариш - ўз хусусиятига бир қатор афзалликларига эга бўлиб, у ёки бу операцияларни универсал ускуналарда унинг яратилишига маҳсулот қўйиладиган турли талабларни аниқ бажариш

имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг бу тури ишчидан, ўлчов асбоблари билан тўғри фойдалана олишни талаб этади.

Гуруҳ асосида ишлаб чиқариш – бу тур якка ҳолда ишлаб чиқаришдан қисмангина фарқ қилиб, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулот доналаб эмас, балки қисм - қисм тарзида ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот тури бир номда ва бир хил ўлчамга эга бўлади. Қар бир операция алоҳида-алоҳида ускуналарда бажарилади. Ишлаб чиқариш хизматини кўрсатиш, яъни мослаш, созлаш ҳамда кичик таьмирлаш ишлари махсус ишчилар зиммасига юклатилади.

Оммавий ишлаб чиқариш маҳсулот ишлаб чиқаришни операциясини маьлум ўринда ҳамда доимий равишда қайтарилиши билан тавсифланади. Участка ва цехлардаги асбоблар сифати, уларнинг типи, жамланиши ва самарадорлиги ишлаб чиқарилаётган махсулотга мос бўлиши шарт.

II. Ишлаб чиқариш жараёнида механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси

Ишлаб чиқариш жараёнининг механизациялаштирилиш ва автоматлаштирилиши ишчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Ўисқа тарихий давр ичида автоматлаштиришнинг ривожланиш босқичига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

1-босқичда бутунлай автоматлаштириш ёки ярим автоматлаштириш, махсус ёки универсал ускуналар иш жараёни.

2-босқичда мосламалар ва транспортлар орасида ўзаро боғлиқликни ҳосил қилиш.

3-босқичда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ва ўлчамларини назорат қилиш учун махсус ўлчовчи ва механик бошқарувчи

4-босқичда дастурлаштирилган бошқарув автоматик қурилмалари. Улар ўз-ўзини созлаш хусусиятига эга.

5-босқичда махсус ишлаб чиқаришга кибернетик ва ЭХМ машиналар. Иш жараёнида ишчиларни вазифаси ҳисоб-китоб ва бошқариб бориш ва назорат қилишдир. Ҳар бир автомазиция босқичларида ишчиларга қўйиладиган талаблар ўзгариб бориб, бу талаб автоматлаштиришни ривожига қараб қўйилади.

III. Технологик билимларнинг узлуксизлиги

Техник жараённинг узлуксизлиги иш шаклларининг узлуксизлигига боғлиқ. Бунинг учун технологик жараёнларни чуқур таҳлил қилиш керак.

IV. Ишлаб чиқариш корхонасининг иш шароитини ўрганиш

Бу ерда энг аввало корхонанинг ички шароити ва асосий касбларни ўрганиш назарда тутилмоқда. Ишчилар томонидан қўлланиладиган технологик операциялар, мутахассисларнинг иш шароити, корхонанинг ички шароити, яъни ишлаб чиқаришни жараёнида асосий ўринни қўл меҳнати ташкил этадими ёки замонавий тахнология-ми каби саволларга аниқ жавоблар ишлаб чиқариш корхонасининг иш шароитини ўрганиш жараёнида топилади.

V. Ишлаб чиқарувчи ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган иш қуролларини билиш.

Корхонада ишлаётган ишчининг иш фаолиятига қараб, у сўнгги технология асосида ишлайдими ёки автоматлашган технологиядан фойдаланадими каби саволларга ҳам жавоб топиш муҳимдир. Бу, албатта ишчининг шахсий билим ва малакаси даражасига боғлиқ.

VI. Малакавий техник билимлар мазмуни минтақа кўринишида.

Ишчилар томонидан тез-тез содир этиб туриладиган камчилик ва ўзгаришлар, малакали ишчиларни 2 гуруҳга бўлиб ўқитишни талаб этади, яъни:

1. Асосий (узоқ йилга мўлжалланган)
2. Динамик (махсус муддатга мўлжалланган).

Шу боис таълим турини ажратиб олиш муҳимдир. Минтақаларда ўқув материалларини мезонлар асосида ажратиш қуйидагича амалга оширилади:

а) компетентли;

б) материалларнинг турличалиги;

в) турли мураккаблик;

г) маҳсулот бирлиги;

д) технологик жиҳат;

е) хавфсизлик.

VII. Ўқувчиларда умумий таълим ва малакавийликнинг ўзаро боғлиқлиги асоси.

Асосий мақсади шундан иборатки, таълим олувчилар ўқув жараёни билан бирга иш жараёнида ҳам фаолият олиб борадилар. Айни вақтда педагогикада 3 кўринишдаги ўзаро боғлиқлик назарияси илгари сурилмоқда, яъни,

1-кўринишдаги ўзаро боғлиқлик. Маьлум объектни турли фанларни ўқитиш жараёнида ўрганиш. Бу ерда муайян масаланинг турли фанларни ўқитиш жараёнида ҳал қилишдаги ўзаро боғлиқли ва алоқадорли ҳақида сўз юритилади.

2-кўринишдаги ўзаро боғлиқлик. Муайян илмий методнинг турли ўқув фанларини ўқитиш жараёнида қўллаш.

3-кўринишдаги ўзаро боғлиқлик. Муайян қонунни турли фанларда ўз исботини топганлиги ҳолатини ўрганишдан иборат. Фан-техниканинг ҳозирги ривожи, йил сайин билимлар ҳажмининг жадал ўсиб бораётган ўқитиш жараёнини шундай ташкил қилишни талаб этадики, натижада мактабни битириб чиққанлар ўз амалий фаолиятлари жараёнида янги билим, кўникма ва малакаларни, мустақил эгаллашлари учун энг қулай шароит яратилади. Бунинг учун билим, кўникма ва малакалар пухтагина ўзлаштириши билан бирга, балки мослашувчан ҳам бўлиши, ўқувчилар уларни янги ишлаб чиқариш шароитларида қўллай олишлари керак. Бунинг учун эса қуйидагилар талаб этилади:

1. Ўргатиладиган касбга яқин бўлган малакавий ҳамда бевосита шу соҳа бўйича фанларини чуқур ўргатиш.
2. Фанлар тизимидан зарур малакавий фанларни ажратиб олиш.
3. Умум таълим фанлари билан биргаликда мутахассислик фанларини чуқур ўргатиш.
4. Амалий машғулотлар тизимини ишлаб чиқиш.
5. Ишлаб чиқариш жараёнида юзага келувчи муаммоларни ижобий ва тўғри ҳал этишга эришиш.
6. Математик қонунларни билим юртлари ўқув материали ва умумий фанларга тадбиқ этиш.
7. Таянч саволларни тўғри қўйиш ва тузиш.
8. Ўқув жараёнининг савиясини тренажёрлар ёрдамида кўтариш.
9. Уйга вазифаларини топшириш орқали малакавий ўқишни амалга ошириш.
10. Асосий фанлар асосида малакавий техник ўқитишнинг таянч мазмуни аниқлаш.
11. Ишлаб чиқариш мазмунини фанлар асослари мазмуни билан ўзаро боғлаш.

2.3. Ишчи-мутахассиснинг кенг миқёсидаги иш модели. Етук малакали ишчи-мутахассис фаолиятининг асосий модели сифатида илғор ишчиларни меҳнат фаолиятини мисол ёки намуна қилиб олишимиз керак. Уларнинг малака ва иш қобилиятлари педагогик кузатув ҳамда тажриба орқали ўрганилади. Олинган натижалар асосида мукаммал модел яратилади. Бундай модел ишчи-мутахассисларнинг шахсий сифатлари фикрлаш ва билим даражалари, кўникма малакалари, иш жараёнида қўлланиладиган услуб ҳамда методларни аниқлашга ёрдам беради. Малакали ишчи-мутахассис андозасини қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:

1. Прогностик (башоратлаш)– олдиндан билиш ва иш ривожини характерлаш.

2. Малакавий – техник мазмунига қўйиладиган талаблар.

1. Бу мақсадда махсус рухсат этилган ва тасдиқланган хужжатлар: мақола, илмий техник, ахборотлар, турли илмий ташкилотлар ахборотномалари, диссертациялар, патент, конференция материаллар ва ҳоказолардан кенг фойдаланилади.

2. Ишчиларни малакавий тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган талаб ва мазмун. Олдиндан ташҳисланган маълумотлар андозада қайд қилиниб, илмий равишда ишчи малакасини оширишга имкон беради. Шу билан бирга дидактик башоратга алоҳида урғу берилиши лозим. Ўқув режаси ва дастурларининг мукаммал яратилиши ва ишчи режа устида ишлашда ташхисли маълумотлар зарур. Ишлаб чиқилган андоза ўқув жараёнида муайян ўзгаришларнинг рўй беришини эьтироф этади..

2.4. Ишчи касбларни гуруҳлаш асослари. Касбий педагогиканинг қонун-қоидаларини пухта ўзлаштириш касбий ўқитишнинг айрим методологик муаммоларини ижобий ҳал қилишни енгиллаштиради.

Илмий техниканинг асосий йўналиши стандартлаштириш бўлиб, унда ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш, комплекс механизациялаш, унификациялаш, ишлаб чиқариш жараёнида ЭЪМни қўллаш, типовой, гурухланган ва умумий технологияни қўллаш, ихтирочилик, рационализаторлик ҳамда ишчи-мутахассисларнинг ижодий техник ижодкорлиги асосий омиллардир. Автоматлаштирилган ускуналар, электрон хисоблаш техникаси ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалар техник асосини ташкил этади. Илмий техниканинг турли касблардаги умумийлик асоси шундаки, мазкур касб эгалари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлайдилар, шу боис ишчилар бўлсада ишга тайёргарлик, бошқарув жараёнини назорат қилишни бир хил талаб қўйилади. Бу эса ишчи-мутахассисларни касбий тайёрлашда турдош касбларга гурухлаб ўқитиш имконини беради. Бирлаштирилган касбларни гуруҳлаш ишчилар иш мазмунини кўра ташкил этилади. Билим ва малакаларни эгаллашда ҳам умумийлик бўлиб, уларга қурилмаларни созлаш, иш режимини танлаш, ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажимини ўлчаш, чизмани ўқиш, техник карталардан фойдаланиш ва бошқалар мисол бўла олади. Ҳозирги даврда халқ хўжалигида 6,5 мингдан ортиқ касб мавжуд бўлиб, ушбу касблар сирларини амалий жиҳатдан бирдек ўрганиб чиқиш мумкин эмас. Шу сабабли барча касблар гуруҳлаштирилади ва гуруҳлаш методи қўлланилади. Касбларни гуруҳлашнинг муҳим босқичи умумтехник ўикл мазмуни ва асосий ўрганиш предмети моҳиятига кўра амалга оширилади. Умумтаълим предметларида гуруҳлар умумий техника предметлари учун ягона бўлиб, ўқув дастурида берилган амалий, назарий мавзулар ажратиб олинади, мазкур мавзулар ўқитилаётган касблар кирган гурух хусусиятига мувофиқ келиши лозим.

Касбларни гуруҳлаштиришда гуруҳланган касбларнинг корхонадаги иш жойини лойиҳалаш бўйича малакавий тасифномаси ишлаб чиқилади. Маьнавий тавсифномада муайян касбга хос бўлган иш маълумоти, ишчи томонида ўзлаштирилиши талаб этиладиган кўникма ва малакалар ҳақида маълумот қайд этилади. Касбларни гуруҳлашда энг асосийси – ўқув билим юртларида амал қилинадиган ўқув дастурнинг мазмуни, илмий техник ривожи, малакавий тайёрликка олиб кирадиган ҳиссаси, биринчи тарафдан, умумий ўрта таълим 2 чи тарафдан, умумий ўрта политехник тайёргарликни қўллаш каби хусусиятлар саналади. Мазкур хусусиятлардан келиб чиқилган ҳолда қуйидагилар ўрганилади:

а) иш жараёнига тақсимлаш мақсадида касблар йиғиндисини ўрганиш.

б) турдош касбларнинг ўзаро ўхшашлиги мослама ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчи махсулот турини тақсимлаш мақсадида ажратилган гуруҳларни ўрганиш.

в) ўқув гуруҳлар таркибига киритиш учун умумий касбларнинг илмий-техник умумлигини аниқлаш мақсадида ажратилган гуруҳларни ўрганиш, касблар моҳиятини дидактик жиҳатдан таҳлил этиш;

г) гуруҳларга ажратилган ўқув гуруҳларни соҳалар бўйича шакллантириш.

2.5. Босқичли ўқитиш назарияси. Дидактик тизим негизини ўқув тарбия жараёни ташкил этиб, у ўз навбатида 2 босқичда ташкил этилади: а) доимий; б) динамик.

Бунинг асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг асосий ва махсус жараёни, муайян касб таълимига мувофиқ аниқ ва пухта, шу билан бир қаторда, ўзаро боғлиқликда олиб борилади.

Асосий ўқув жараёни босқичда ўқувчилар умумий талабларга жавоб берувчи билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиб, улар шундай билим оладиларки, уларнинг билим даражалари у илмий техник ўзгаришлар ҳолатига мос келади. Умумий меҳнат эгалланган билим-кўникма ва малакаларга касбий билимларга асос бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ишлаб ўқитиш самарадорлигини таьминлашга олиб келади. Асосий ўқув жараёнида ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билимлар келажакдаги уларнинг фаолияти, меҳнат тури ва ишлаб чиқаришда эгаллайдиган ўрнини белгилашга хизмат қилади. Асосий билим бериш жараёни махсус билим бериш негизи бўлиб хизмат қилади, шунинг учун ўқувчи кўрсатилган фанлар назарий ва амалий машғулотларини мустаҳкам эгаллаб бормоғи лозим.

Махсус ўқув жараёни. Асосий ўқув босқичдан махсус таълим босқичига ўтиш секин – аста рўй бериб, бутун ўқув жараёни шу мақсад асосида ташкил этилади. Махсус босқичда ўқитиш танланган касбга йўналтириш бўйича олиб борилиб, ўқитиш жараёни шу соҳадаги техник ва технологик ривожланиш талабларига жавоб бермоғи лозим, аммо марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган ўқув дастур барча халқ хўжалиги соҳалари ёки корхоналар талабларига жавоб бера олмайди, чунки бир соҳада технологик жиҳозларнинг бир тури ўрганилса, иккинчи турида ишчиларни тайёрлаш соҳалар бўйича ўқитиш афзалдир.

Ўқувчининг асосий иш мазмуни – хизмат кўрсатувчи технологик жараёнлар моҳиятини англаш, иш режимини оптимал ажратиш, фаолиятнинг мураккаб томонларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни таьмирлаш, иш юқори сифатни таьминловчи технологик жараённи аниқлаш.

Махсус ўқитиш жараёнида таблим олувчиларни корхонанинг хусусиятлари билан аниқ ва мукаммал таништириш, уларнинг корхонадаги барча иш турларини бажаришда эгаллаган билим ва малакаларини амалда қўллай олишларини таьминлаш лозимдир. Таълим олувчилар ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жараёнлари, қурилма ва мосламалар ҳақидаги билимларини амалда қўллай билишлари лозим. Касбий кўникма ва малакаларни ривожлантириш кенг, умумтехникавий асосида олиб борилиши керак. Бу ўз навбатида ишчининг истаган корхонада фаолият кўрсатишини

таьминлайди. Махсус ўқитиш жараёнида ўқитувчи устанинг ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлашда қуйидагиларга эришмоғи лозим:

1. Таълим олувчини ҳозирги замон техника жараёни методлари ҳамда замонавий метод ва қурилмаларда ишлашга ўргатиш.
2. Меҳнатни ташкил этиш методи ҳам ўқувчини зарур бўлган билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳамда касбий малакасига кўра турли иш операцияларини замонавий технология талабларига мувофиқ берувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
3. Таълим олувчини иш меьёрига амал қилишга нисбатан ижодий ёндошишга ўргатиш.
4. Корхона иш чизмаларини тўғри ўқиш ҳамда технологик хужжатлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш.
5. Корхона жамоаси томонидан ўқувчи иши сифатидан муҳим тарбиявий омил тарзида фойдаланишга эришиш.
6. Таълим олувчини меҳнат, ишлаб чиқариш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилишга ўргатиш.
7. Таълим олувчида иш ўрни ва қуролларига нисбатан жавобгарлик, уларни қадрлаш ҳиссини ҳосил қилиш.
8. Ўқувчида иш маданияти ҳақида таассуротни юзага келтириш иш жойини ташкил этишни ўргатиш.
9. Шундай ишчи-мутахассисни тарбиялашга эришиш керакки, у ҳар қандай ҳолда ҳам иш унумдорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшсин. Ишчиларни корхона обрўли ва иш сифатини ошириш, меҳнат интизомига қатьий риоя қилиш руҳида тарбиялаш.

2.6. Ишлаб чиқариш таълими даврлари. Бошланғич давр – бу вақтда таълим олувчилар ўз усталарини танимайдилар, ишлаб чиқариш жараёни ва бир-бирлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайдилар. Ўқув устаси ҳар бир таълим олувчининг шахсий хусусиятларини ўрганиб, уларда иш жойи, муайян касбни танлашга нисбатан қизиқиш уйғотиб, иш шароити ҳамда меҳнатга қўйиладиган умумий талаблар билан таништирилади. Ишлаб чиқариш устаси таълим олувчиларни техник тўгаракларга қизиқтириб, ишлаб чиқариш соҳаси фахрийлари билан учрашувлар ташкил этади. Ишлаб чиқариш устаси таълимнинг дастлабки иборат кунлариданоқ гуруҳ фаолини сайлаб олади ва таълим олувчилардан жамоани шакллантиради. Бу босқичда кўпроқ ташкилий ишлар олиб борилиб, таълим олувчилар бир-бирлари танишадилар ва иш жараёни билан танишадилар. Ушбу жарайннинг ишлаб чиқариш ёки ўқитишга алоқаси бўлмай, ўртача 2 хафтагача вақт давом этади.

Тайёргарлик даври- бу вақтга келиб таълим олувчилар аниқ иш турлари билан танишиб, улар ўқув-ишлаб чиқариш, меҳнат фаолиятини ташкил эта олиш хусусиятларига эга бўладилар. Гуруҳда уста ишонадиган, ўз-ўзини бошқарувчи органлар фаолият кўрсатди. Бу вақтга келиб уста қуйидаги масалаларни ҳал қилади.

Иш ўрнини ташкил этиш, меҳнат хавфсизлигига жавоб бериш, ишлаб чиқаришда интизомли бўлиш иш қуролларини асраб-авайлаш, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига риоя қилиш ва бошқалар. Таълим олувчилар иш жараёни моҳиятини акс эттирувчи техник хужжатларни ўрганиш, мосламаларни созлаш, иш ўрнини ишга тайёрлаш, ишлаб чиқилган маҳсулотни сифатини текшириш каби фаолиятларни ташкил этиш асосида оддий иш жараёнларини ўрганиб борадилар. Уста томонидан ҳар бир меҳнат ҳаракатининг бир неча марта кўрсатиб ва тушунтирилиб берилишиши, таълим олувчилар томонидан уларнинг кетма-кет бажарилиши натижасида уларда бирламчи кўникмалар хосил бўлади.

Касбни ўзлаштириш даври – иш жараёнларини ўрганилганидан сўнг олинган билим ва малакаларни мукаммалаштиришга ўтилади. Бунинг учун шундай ишлар танланадики, иш жараёнида янги ва аввал ўзлаштирилган мавзулар қамраб олинади. Шунда таълим олувчиларда эгалланган билимнинг такомиллашиш хусусияти ривожланади.

Касбни эгаллаш муддатида уста таълим олувчиларда қуйидаги сифатларни ривожлантиради: иш жараёнида иш ритми ва сурьатига риоя қилиш, ишнинг бажарилишида техник талабларга жавоб бериш, юзага келган муаммоларни мустақил ҳал қилиш ва буюрилган ишга нисбатан жавобгарлик ҳиссини тарбиялайди.

Назорат қилиш ва якунлаш даври – бу муддатнинг асосий вазифаси олинган билим ва ўзлаштирилган малакаларни мустаҳкамлаб қолмай, балки уларни замонавий мослама ва қурилмалар асосида такомиллаштириб боришдир. Ишлаб чиқариш фахрийлари иш фаолиятини ўрганиш ва ўзлаштириш таълим олувчида ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида мустақил фаолият юритиш ҳиссини шаклланиб боришига ёрдам беради. Таълим олувчилар меҳнат жамоасида тарбияланиб, ривожланиб, шахс сифатида шаклланиб борадилар. Бу муддат охирида таълим олувчилар ишларни мустақил равишда режалаштириш, ўз иш жойларида илғор методларни қўллаш, мустақил равишда иш қуролларни бошқариш, чизма ва технологик хужжатлардан фойдаланиш, шу билан бирга ишлаб чиқаришдаги янги ютуқларга эришишга интилиш вақт ва хом ашёни тежаш, меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бериш каби фаолиятни амалга оширишлари лозим. Ёш ишчи-мутахассислар юқоридаги талабларга жавоб берганлари ҳолда меҳнат фахрийлари билан алоқаларни узмасликлари, уларни қадрлаб, ҳурмат қилишлари лозим.

2.7. Ишлаб чиқариш таълими тизимлари. Ишлаб чиқариш таълимининг предметли тизими ҳунармандчилик сирларини ўқитиш даврида вужудга келган бўлиб, чиқарилаётган маҳсулот тури, вақти, илғор техника ва технологиянинг ривожланиб бориши билан фан сифатида шаклланиб борган. Ўқитиш жараёнида ўқувчи ишчи тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқади. Бу жараён ишлаб чиқаришга ўқитиш деб номланади. Бу тизимнинг асосий камчилиги тайёрланган маҳсулоти қайта

ишланмас эди, бунинг оқибатида таълим олувчилар нотўғри ҳаракатларни ўзлаштирар эдилар. Оқибатда таълим олувчилар қайта ўқитилиб, уларда мустаҳкам билим ва кўникма шаклланар эди.

Ишлаб чиқариш таълимининг операцияли тизими - бу жараён техниканинг ривожланиши билан вужудга келиб, ишчилар меҳнатининг мазмун ва характери, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тури ҳамда ижтимоий талабга қараб мазмунан ўзгартирилиши рўй беради. Бу тизимда ўқитиш жараёни тезлашиб ўқувчилар маҳсулот ишлаб чиқишга йўналтирилмаган касбларга ўқитиладилар.

Меҳнат таълимининг операцияли потокли тизими – бу замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилинишининг энг илғор шакли бўлиб, унда ишчи алоҳида иш турини бажариб кейинги операцияни кейинги иш ўрнига узатади. Маҳсулот тайёр бўлгунча технологик жараён бир неча иш жойида бажарилиб нан шу жараёнларда тайёр маҳсулот тайёрланади.

Ишлаб чиқариш таълимининг операцияли предметли тизими - бу ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир иш опреациясини ўрганилиб маҳсулотни тайёрлаш оддийдан мураккабга қараб ўсиб бориб, таълим олувчи ўзи бажарган иш натижасини кўра олади, бу ҳол эса унда ишга нисбатан қизиқиш уйғонишини таьминлайди.

Ишлаб чиқаришнинг мажмуавий операцияли тизими – бу жараёни иш объекти танлаш маьлум кетма-кетлик ва ўзаро боғлиқликда олиб борилишини назарда тутади. Ушбу жараёнда таълим олувчилар бажарилиши лозим бўлган барча иш тури билан танишиб ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилувчи меҳнат кетма-кетлигини мукаммал ўзлаштирадилар.

Ишлаб чиқариш тизимининг мақбул, мажмуавий камайиш тизими – бу тизимнинг моҳияти шундаки, муайян касбнинг муҳим унсурлари ажратилиб олиниб, улар кейинги кетма-кетлик пухта ўзлаштирилади. Ушбу тизимнинг аввалги тизимдан фарқи шундаки, ишлаб чиқариш жараёни асосини бажарилаётган операция эмас, балки бажарилган ишни қабул қилиш ётади. Тизимнинг камчилиги бир ишнинг бажарилишида тавсия этилган бир неча йўллардан биригина танланади.

Ишлаб чиқариш таълимнинг инвариант тизими – тизимнинг мазмуни ўқув материали мазмунини таснифлаш ва ўқувчига юқори малакали касбларни ўргатиш.

Ишлаб чиқариш таълимининг муаммоли аналитик тизими. Мазкур тизим ўқув жараёни ва бутун ўқув материалининг алоҳида ўқув муаммолари асосидаги мустақил мазмунга эга эканлигини таклифлайди. Муаммо меҳнат жараёнлари хусусиятидан келиб чиқиб, таълим олувчилар фаолиятида бажариладиган иш учун зарур бўлган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнлари ўрганилади. Қар бир муаммо доирасида учун мустақил вазифа белгиланиб, уларни ҳал қилиш мавзунинг таркибий тизими умумий кўринишда таълим олқувчилар томонидан ўрганилади. Қар бир муаммо

таълим олувчилар томонидан ўрганилиб, сўнгра ҳар бир муаммога изоҳ берилади. Технологик жараёнда бу муаммонинг ўрни ажратилиб берилади.

2.8. Ишлаб чиқаришга ўқитиш мазмунини ишлаб чиқиш тамойиллари. Ўқув дастури ва предметининг сифати, фандаги ютуқлар, ўзгаришлар мазмунининг давр талабларига жавоб бериши учун дастур ва предметини яратишда илмий тамойилларига риоя қилиш керак. Ушбутамойиллар қуйидагилардир:

1) Касбий малакани ривожлантириш, унга ташҳис қўйишида муаммоли билимлар тизимининг акс этиши.

2) Ўқув дастурида замонавий фан, техника ва технология ютуқларни қўлланилишига эришиш.

3) Политехник тамойилларнинг акс этиши. Қар бир фан ўз ичига умумилмий касбий политехник тушунчаларни қамраб олади. Касбий педагогикада илмий тушунчалар асоси сирасига техниканинг умумий классификациялаш асоси, ишлаб чиқариш жараёнининг барча тамойиллари, ижтимоий-иқтисодий меҳнат шароити каби тушунчалар киради. Умумилмий тушунчалар куч, тезлик, ирода (мустаҳкамлик), юклама каби тушунчаларни қамраб олади.

4) Малакавий техник билим беришнинг ўзаро алоқадорлиги. Асосий йўналишга кирувчи умумтаълим фанларнинг касбий йўналишдаги фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Ишлаб чиқариш таълимида умумтаълим ва махсус фанлар қўлланилади.

5) Ўргатилаётган касб моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи ўқув фанлари ва асосий бўлган ғояларни ажратиш. Касб сирларини ўқитишда аҳамиятли фанларни чуқур ўргатиб бориш, мутахассислик фани бўйича етарли даражадаги назарий ва амалий билимларга эга бўлиш, касбни пухта эгаллаш самарадорлигини таьминлайди.

6) Ўқув дастурида меҳнат фахрийларининг ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибалари моҳиятининг акс этиши муваффақиятлар омили саналади.

7) Билим юртини тугатган ишчининг ишлаб чиқариш малакасини ўсишини мўлжаллаш. Бизга маьлумки, касбий техника дастурларини ўқитиш, муайян касбга ўргатиш жараёнида ишчининг малакаси ошиб боради, агар ишчи ўз устида ишламаса, замонавий технологияларни қўлламаса унинг билимлари эскириб, фойдасиз бўлиб боради, шунинг учун берилаётган назарий билимлар мумкин қадар юқори даражада олинса ёш ишчининг умумтехникавий ва махсус дунёқарашининг кенгайиши, ишлаб чиқариш маҳоратининг ўсиши таьминлайди.

Ўқув дастурларда (қўшимча) асосий касб билан бирга қўшимча меҳнатга ўргатиш ишига ҳам эътибор қаратилади, шу боис ўқув дастурларига асосий касбий мавзулар билан бирга қўшимча фаолиятга ўргатувчи мавзуларни ҳам киритиш керак. Аралаш касбларни ўрганиш минимал билим бериш билан чегараланиб берилаётган асосий касбга нисбатан бошқа фаолиятлар ўриндош қилиб олинади.

§ 3. КАСБИЙ ТАЪЛИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Таълимнинг қуйидаги конунлари мавжуд: тарбияловчи таълим қонуни; хар қандай таълим фақат ўқитаётган, ўкитаётган ва ўрганаётган объектнинг маълум бир максадга йўналтирилган ўзаро таъсири ёрдамида амалга оширилади; таълим факатгина ўқитувчииинг фаолияти ва ўй-фикрларга мувофиқ равишда ўқувчиларнинг актив фаолиятлари давомида юз беради; ўқув жараёни ўкитувчи ҳамда ўқувчининг максадлари мувофиқ келган ҳолда юз беради; алохида бир шахсни у ёки бу фаолиятин ўрганишга йўллаш уни ушбу фаолиятга жалб этиш орқали эр- ишилади; таълимнинг максади, билим олишнинг мазмуни ва таълим методлари орасида доимий боғликлик мавжуд бўлади; таълимнинг максад» таълим мазмунини ва методини белгилаб беради.

Таълим жараёни билан ижтимоий тизимлар ва шарт-шароитлар орасидаги қонуний алокаларни ўрганиш имконини берадиган тизимли-таркибий тузилшини биз таьлим қонуниятларини ўрганиш учун етакчи методологик манба, асос деб ҳисоблаймиз. Кейин эса таълим таркибига кирадиган ўқитиш ва ўрганиш жараёнлари орасидаги алоқаларни, энг охирида эса ўқув жараёнининг вазифалари, мазмуни, методлари, шакллари каби айрим таркибий қисмлар орасидаги алоқаларни караб чиқиш лозим.

Таълим қонуниятлари таркибий қисм сифатида таълим жараёнига кирадиган, унинг конуниятларидан келиб чикадиган яхлит педагогик жараён билан кенг ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқаларини таҳлил этишдан келиб чиқади.

Таълим жараёни яхлит, бир бутун педагогик жараён таркибига кирадиган маълумот, тарбия, ривожланиш жараёнлари билан қонуний боғлиқдир. Демак, таълми ҳар доим маълумот бериш, тарбия ва умумий ривожланиш вазифаларини биргаликда амалга ошириш орқали шахснинг ҳар томонлама тараққий этишига кўмаклашади.

Таълим жараёни таълим олаётганларнинг реал ўқув имкониятларига боғлиқ бўлади. Бу имкониятлар шахснинг таълим олиш шарт-шароитлга ташқи ва ички муносабатларнинг мувофиқ келишидр.

Таълим жараёни қонуний равишда у содир бўладиган, амалга ошадиган ташқи шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир. Мактабда таълим учун мувофиқ келадигаи махсус ўқув-моддий, ахлокий-руҳий ва эстетлк шарт-шароитлар яратиш керак. Шу билан блрга кўллаган вазифаларни ҳал этиш учун зарур вақтга ҳам эга бўлиш лозим.

Шундай қилиб, биз таълимнинг ҳамма жараёнлари билан асосий алоқаларини, боғлиқликларини, шуниигдек, таълим учун ички ва ташқи шарт-шароитларнинг ўзаро алоқада бўлишини қараб чиқдик. Энди таълим-нинг таркибий қисмлари орасидаги қонуний алоқалар, боғлиқликларни, яъни ўкитиш ва ўргатиш жараёнлаил орасидаги, шунингдек, уларнинг вазифалари,

мазмуни, методлари (усуллари), воситалари ҳамда ташкил этиш шакллари орасидаги алоқаларнинг боғллқллгини таърифлашга ўтиш мумкин.

Уқитиш ва ўрганиш жараёнлари, бир бутун таълим жараёни тизимида қонуний равишда ўзаро чамбарчас боғликдир. У ўқувчиларнинг фаолликлари билан диалектик равишда мувофиқлашлб кетадиган мактабдаги ўқув жараёнининг моҳиятини белгллайди.

Таълимнинг мазмуни жамиятнинг эҳтиёжларини, фаннинг ривожланиш мантиқи ва даражасини, таълим учун реал ўқув имкониятлари ҳамда ташқи шарт-шароитларнинг мавжудлигини акс эттиради. Бу қонуният таълимнинг ҳаёт билан боғлиқлиги, шахсни ҳар томонлама ривожлантлришга йўналганлиги каби аввал тилга олиб ўтилган қонуниятларда ўз аксини топади.

Рағбатлантиришнинг усул ва воситалари, ўқув фаолиятини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш қонуний равишда таълимнинг вазифалари ва мазмуни билан боғликдир.

Агар педагог вазифанинг мазмунини, рағбатлантириш усулларини тўғри танлай олса, назорат ва ўқув фаолиятини тўғри ташкил этса, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олса ҳамда уларни яхшилаш чораларини кўрса, ўқувчиларни ривожлантириш, тарбиялаш, маълумот беришда мустаҳкам натижаларга эришади.

Шундай қилиб, биз ўқув жараёни учун характерли бўлган бир бутун дидактик қонуниятларнинг доираси ва улардан келиб чиқадиган асосий боғланишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик.

Таълим ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади, аммо унга мувофиқлашиш асосида эмас, балки фаолиятнинг янги турларини лойиҳалаш, ўқувчилар ақл-идрокини ривожлантиришнинг янги даражаларини жорий этиш асосида эришилади.

Инсон ва унинг ўқув-билиш фаолияти ҳақида ҳамма фанларнинг ютуқлари бизнинг дидактик қонуниятлар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга таъсир кўрсатади. Таълимнинг қонуниятларидан дидактиканинг принциплари келиб чиқади.

3.1. Таълим ва тарбия принциплари. Таълим ва тарбия тушунчалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлганлиги сабабли педагогикадаги таълим ва тарбия принципларини ҳам биргаликда кўриб чиқамиз.

Педагогикада фан сифатида асосий қоидалар, ғоялар мавжуд. Бу ғоялар таълим самарадорлигини, қўииладиган талабларнинг изчиллигини таъминлайди. Таълим ва тарбия принциплари жамият ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқиб педагогика назарияси ва амалиёти ютуқларига кўра ўзгариб, такомиллашиб боради.

Тарихда педагогика принципларини аниқлаш бўйича турлича ёндошувлар мавжуд бўлган. Масалан: XVI асрда Я.А.Коменский таълим принципларини табиатга қиёслаб ўрганишни яъни, ўқувчиларга табиат

қўйнида бевосита таълим беришни, табиатда қандай мутаносиблик бўлса таълимда ҳам худди шундай мутаносибликка эришишни таклиф этади. 17-XVIII асрларда маданий жиҳатлардан мутаносибликка эришиш принциплари илгари сурилади. Ҳозирда таълимнинг илмийлик принципи, ўқувчилар имкониятлари ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш принципи, кўргазмалилик принципи, таълимда мунтазамлилик ва давомийлик принципи, таълимнинг ҳаёт билан боғлиқлиги, таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва онглилиги, таълим ва тарбиянинг тарбиявий характери каби кўпгина принциплари мавжуд.

Таълим ва тарбиянинг баъзи принципларини изоҳлаймиз. Ҳар қандай таълим тизимида таълим вазифалари жамият томонидан ғоявий йўналтирилади. Бизнинг мустақил Республикамиз мисолида таълим ва тарбия умуминсоний қадриятларга йўналтирилган бўлиб, ўқувчиларда барча инсонларга мос ижобий хислатларни шакллантиришни кўзда тутади. Таълим ва тарбия жараёни турли партия ва оқимларнинг таъсиридан озод қилинади. Тарбияда ўзбекларга хос урф-одатлар, удумлар, анъаналарга амал қилиш кўзда тутилади. Истиқлол мустақиллик мафкураси ўзбекона таълим-тарбиянинг асоси қплиб олинади. «Шу Ватан барчамизники», «Ватанни севмоқ иймондандир» ғоялари, ҳур Ўзбскистон мадҳияси, Ўзбекистон Республикасининг миллий байроғи таълим ва тарбияниг асоси ҳисобланади. Мустақиллик - ислоҳот - таълим-тарбия, булар бир-бирлари билан эгизакдирлар. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. А. Каримовнинг барча асарлари нафақат фаннинг иқтисодий, сиёсий соҳаларига, балки ҳозирги замон педагогикаси фани тараққиёти ва равнақига самарали ҳисса бўлиб қўшилди. Улар инсониятнинг янгича тафаккур оламини тадқиқ этишга йўл очиб берди. Маърифий-ахлоқий принципларни ислоҳ қилиш борасида амалий қўлланма ҳамда қўлланма вазифасини ўтайди. Мустақилликнинг моҳияти таълим ва тарбия сабоғининг йўна-лишини белгилайди. Мустақиллик - бу иймон ва эътиқод эркинлиги, миллий қадрият, маънавият ва маданият, маърифат ва дин-диёнат озодлиги демак. Шу боис ёшларга бериладиган таълим ва тарбия ватанига, миллатига, халқига эътиқод қўйишдан бошланади. Иймон тушунчаси эътиқод билан бир қаторда туради, инсон ахлоқ-одоби, илм олиши, маданият ва маърифатли бўлиши каби яхши хислат ва фазилатларни ўз ичига қамраб олади.

Таълим мазмуни ўқувчиларни ҳаққоний илмий далиллар, тушунчалар, қонуниятлар, назариялар билан таништиришни назарда тутади. Бунинг учун ўқув мазмунига фақат илмий асосланган тажрибада тасдиқланган, ўқув фани ва фаннинг мазмуни орасидаги қонуний алоқаларга асосланган илмийлик принципини қўллаш даркордир. Назарий билимларнинг амалдаги қўллани-лиши, назарий билимларнинг амалий билимлар билан боғлиқлиги ҳар бир ўқитувчининг ахборотидан сезилиб туриши керак. Ҳар бир фан бўйича, айрим олинган соҳа бўйича фан янгиликлари доимо изоҳланиб борилиши даркор. Бевосита дарс давомида илмийлик принципи фақат илмий ахборотни

бериш билан чегараланмайди. Ахборот, илмий қайдномаларнинг қаердан келиб чиққанлиги, сабаб, натижаларнинг таҳлили, тарихийлик принципини қўллаш ҳам илмийлик принципини таъминлайди.

Таълимнинг ҳаёт бнлан, ижтимоий ҳаёт амалиёти билан боклиқлиги принципи хаклда гал кетганида жамиятимлзда туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг моҳиятини таъллм ва тарбля мазмунига нечоғлик сингиб кетганлиги -тушунилади.

Ўзбекистон Реслубликасининг Президенти И. А. Каримов эълон кллган бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойилларини фақат Узбекистои Реелубликасигагина хос мустақил йўлини таълимнинг барча жабҳаларига сингдириш даркор. Бунинг учун Роспубллкамиз социал-иқтисодий ривожланишга оид кўрсаткичлар, иқтисодий йил якунларига оид факт ва матерллар, янглилк ижодкорлари ҳаклдаги очерклардан фойдаланиш яхлит натижаларга оллб келади. Шу билан блрга мисоллар тўлламидан ишлаб чикариш ва ижтимоий хаётий рлвожлантириш нуктаи иазаридан мухим аҳамиятга эга бўлганларини танлаб олиш учун хам зарурдир. Бунда ўқитувчлларнинг доимий равшида ллмий-таълимий, нқтисодий, тадблркорллк журналларда баён этилган маълумотлар билан мунтазам танишиб боришлари ёрдам беради. Булардан ташкари ўқувчиларга ўзлари топган мисолларни хам келтлрлшни, ўқитувчининг намойиш этган нарсаларини ўзларининг ҳаётий кузатувлари билан тўлдлришларини маслахат бериш фойдалидир.

Шуни назарда тутиш керакки, таълимнинг ҳаёт амалиёти билан боғликлиги махаллий шароитлар бллан чегараланмаслиги лозим. Ўқувчлларни жаҳондаги техника ва техлологля тараққиётл билан, Узбекистоннинг сиёсий ва икдисодий мустақилликка ўтиш жараёнлари билан танлштириб бориш максадга мувофиқдир.

Ўқувчилар томонидан янги билимларни ўзлаштириш жараёнининг муваффақиятли бориши учун ўқув материалининг хар бир таркибий қисми мантнкий равишда бир-бири билан боғланиши шарт. Бунда кўникма ва малакалар маълум бир тартибда, тизимда мунтазам жойланиши кўзда тутилади. Бундай талабни таълимда мунтазамлик принципи адо этади. Муитазамлик таълим ва тарбиядаги зарур фнэнологик конунийт хисобланади. Ўқув материали мантиқий боглаиишда ўрганил-гандагина мустаҳкам ёдда сақланади. Мунтазамлик принципи фанлар бўйича тузилган дастурларда, ўқув режаларида, дарслик, ўқув қўлланма ва методик тавсияномаларда амалиётга татбик этилади. Мунтазамлик ҳодисалар, тушунчалар, далиллар орасидаги ички ало-қалар, назарий коидалар билан амалий ишларни бажариш ўртасидаги мантиқий боғлиқликларни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бу принцип ўрганилаётган материалдан етакчи тушунчаларни аниқлашни, уларнинг бошка тушунчалар билан алоқаларини ўрнатишни, таълимдаги баъзи бир умумий конунларнн ёритиб бериш учун улар ривожланишининг

манбаини очиб бсрадигаи маълум бнр мунтазамликка, кетма-кетликка риоя этишни талаб этади.

Мунтазамлик принципи амалга оширилаётганда албатта фанлараро интегратив боғланишлнкни кўзда тутиш муҳимдир. Масалан: назарнй механика қонунпят-лари материаллар қаршилиги ва механизмлар назариясида ҳам қўлланилади. Албатта мунтазамлик принципи бевосита ўқув-тарбия жараёнида қўлланилаётган пайтда ижодий ёндошишни талаб этади. Яъни ҳар бир педагогик холат учун мақсадга мувофиқ бўлган мунтазам-.ликни танлашни назарда тутади.

Мунтазамлик принципи бевоспта фан бўйича тузилаётган дарс режасини яратишда қўл келади. Бунда ўқитувчи мавзунинг айрим масалаларини ўрганиш тартибнни белгилайди, амалий ва назарпй ишларшшг узвийлиги, такрорланишини ва ўқув материалиии ўзлаштириш даражасини назорат қилиш тартибини аниқлаштиради. Масалан: тушунчалар, теоремалар илгарироқ ўрганилса мустахкамловчи машклар эса назариянн ўрганишнинг давоми бўлади. Бу принцип ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ҳам асоси хисобланади.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи таълим жараёнида ўқувчиларни янги-янги илмий билпмлар билан қуроллантириш ва ўзлаштирилган билимлар асосида умуминсоний сифатларни шакллантиришни таъминлайди. Ўқув предметларнинг ҳар бир, ҳатто, айрим мавзу ва қисмлари ҳам тарбияловчи характерга эга. Таълим жараёнида ўтилаётган мавзуларнинг мазмунидан келиб чикадигаи тарбиявий томонлари тўғри белгиланади ва таълим билан бнрга, бир бутунликда амалга оширилади. Таълим жараённда тарбиялашнинг туб моҳияти ўзлаштирилаётган плмий билимлар оркали ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантириш, шу жараёнда ўқувчиларга муайян умуминсоинй маънавий, интелектуал, тадбиркорлик, иродавийлик ҳиссиётларини сингднриш ва шакллантирилган хислатларни ривожлантиришии кўзда тутади. Таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминлаш таълимнинг турий ташкилий шаклларидан ва хилма-хил ўкитиш методларидан окилона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хусусан, таълим жараёнида ўқувчиларда тадбиркорлик, саранжомлилик, уюшқоқлик, интизомлилик, хамсинф ўқувчиларга нисбатан хамдардлик, мехрибонлик хисларини тарбиялаш; баён килинаётган ўқув материали касбий йўналганлигини, илмийлигни, тарбиявий ахамиятини очиб бсрилиши таълим жараёнида ўқувчи шахсини ривожлантириш, уларнинг қизиқишлари, активлиги, ташаббускорликларини оширишга каратилган бўлишн керак.

Таълимда назариянинг амалиёт билан бирлиги принципи бевосита билиш фаолиятининг психологик асосларидан келиб чикади. Яъни хар кандай билиш жараёни олдин тушуниш, англаш кейин умумлаштириш ва умумлашгаи билимларни мустахкамлаш ва нихоят мустаҳкам билим, иқтидор кўникмаларини амалда қўллашдан иборат.

Ўқув тарбия жараёнининг хамма жабхалари ўқув фаолиятининг мазмуни, ўқитиш методлари, таълимниг ташкилий шакллари - барчаларида иазария билан амалиётнинг бирлиги - принципига асосланади. Назарий ўзлаштирилган билимларнинг амалий иктидор ва кўникмаларга айланишининг ўзи алохида бир мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараённинг физиологик асослари чуқур ўрганилганида психологик ўзига хосликлар ҳисобга олинган тақдирдагина билимларни кўникмаларга айланиш жараёни бошқара олинади. Фақат шундагина назарий билимлар билан амалиёт ўртасида боғланиш занжирлари, боғланиш қонуниятлари очилиши мумкин. Ўрта мактаб ўқув жараёнида ўқувчилар томонидан фан асослари математика, физика, биология, химия кабилардан ўзлаштирилган назарий билим, кўликма ва малакалар ўқув тажриба хоналарида, лабораторияларда, тажриба ер участкаларида, ижтимоийфойдали ва унумли мехнат жараёнларида қўлланилади. Бу машғулотлар уларни келгусида мураккаб плмий назарияларни амалда қўллай олишлари учун зарур бўлган тажриба билан қуроллантиради. Билиш жараёни фақат юқоридагидай ташкил қилинсагина ўқувчилар ўқув материалларининг туб моҳиятини тўғри тушуниб оладилар ва келажакдаги амалий фаолиятлари учун зарур билим, иқтидор ва малакалар билан қуролланадилар.

Таълимда кўргазмалилик принципига амал килиш ўқувтарбия жараёнининг асосини ташкил этади. Таълим ва тарбияда кўргазмалиликдан фойдалаииш ҳақида Ал-Форобий кўпгина ибратли сўзларни айтиб қол-дирган. Форобийнинг фикрига қараганда ўқувчиларни, шогирдларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифаси (гуруҳнинг 3-5 фоизини ташкил этади) ўқув материалини ўзлари мустақил ўргана олишади. Учинчи тоифадагиларни (булар 8-10 фоизни ташкил этади) мажбурлаб, зўрлаб ўқитиш керак, дейди. Ва нихоят иккинчи тоифа талабаларга (улар 85-90 фоизни ташкил этади) таълим беришда кўргазмалиликдан фойдаланиб, ўқув мехнатини жадаллаштириш ва бирмунча осонлаштириш имконияти туғилади. Кўргазмалилик принципига амал қилинганида эшитиш органлари билан бир қаторда кўриш органларидан ҳам фойдаланилади, Халқимизда, «юз маротаба эшитгандан кўра бир маротаба кўрган маъқул» деган мақол бор. Кўргазмалилик зарур бўлган жойда меъёрида ишлатилса самарали натижа беради. Кўргазмалиликнинг меъёри бузилса, яъни кўргазма материали ҳаддан зиёда бўлса ёки ёритилаётган материалга оид (ёки оид эмас) материаллар дарс давомида осиғлик турса ўқувчилар фикри асосий материал ғоясидан четга бурилади. Уларнинг тафаккур доираси тораяди ва аксинча кўргазмалилик керакли жойда етарли вақт ичида қўлланилса ўзлаштирилган билим ўқувчилар хотирасида узоқроқ сақланади.

Таълимда тушунарлилик принципи. Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги асосий функцияларидан бири фан темалари бўйича дарслик, дастур, ўқув қўлланмалари, илмий-оммавий ва бошқа адабиётларда тарқалиб ётган ахборотни тўплаб, уидан керакли мазмунни танлаб олиб, уни ўқув

матерлалига айалтиришдан иборат. Ўқув матерлини лойхалаш жараёнида бсвосита тема бўйича ёритилаётган конун-қоида ёки технологик жараённинг мантиқий кетма-кетлиги билан бирга ўқув материлини тушунарли бўлиши катта ахамият касб этади. Ўқув матерлали фан бўйича яигиликлар ортиб боравергани сабабли тобора мураккаблашиб боради.

Бизда таълимнинг ташкилий шакли сифатида асосан. синф-дарс тизимидан фойдаланилади. Биринчи сиифга 6-7 ёшдан олинган ўқувчиларнинг психик рлвожлалниш кўрсаткичлари турлича бўллши аник. Ўқитувчи томонидан берилаётган билим ва кўнлкмаларни ўзлаштиришга ўқувчиларда имконият мавжудми, ўқув матерлини ўзлаштиришга улар тайёрмилар? Ўқувчиларга ўқув материалини алглатиш учун нима килмок ксрак? Шу қабилдаги саволлар ўқитучи эртанги дарсга тайёрланиш жараёнида ҳал қилиш керак бўлган муаммолар хлсобланад. Амалда кўпчлллк ўкитувчллар бу масалани ечишнинг осон йўлини излашади. Яъни ўқув матсрлини осонлаштириш йўлини тутадилар ва шу билан илмийлик принципини қўпол равишда бузадилар.

Илғор педагогик тажрибаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, тушунарлилик принципини дарсни яхшилашни ташкиллаштириш, дарс мазмунига мос методлардан фолдаланиш, ўқувчилар ақлий активлигини ривожлантириш орқали амалга ошириш мумкин. Бу ерда ўқувчиларда ўқув фаолиятини ташкил килиш кўникмаларини шакллантириш катта ахамиятга эга.

Ўқитувчи ўқув материалини ўқувчилар тушуниши осон бўлган оддий фактлардан бошлаши ва шу тарика уларни бирмунча мураккаб материални ўзлаштирлшга тайёрлаши лозим. Шу билан блрга жуда осон ёки ўқув-чиларга яхши маълум бўлган матсрлаи уларнинг эътиборини сусайтлради. Уклтувчининг вазлфаси ўқувчилар тушуна оладлган, лекин шу билан бирга уларни ўйлашга, тасаввур килишга хамда маълум даражада қийинчилигини енгишга мажбур қиладиган матерлни таллашдан иборат бўлмоғи лозим.

Маълумдан номаълумга ўтиш хам таълимнинг тушунарли бўлишини таъминлайдл. Бу ерда ҳар бир янги дарс матерлали ўқувчилар илгарл пухта ўзлаштириб олган билимлар асосида тушунтирилади. Ўқитувчи дарсда ўқувчлларнинг ўзлаштирган билимларидан ҳаётий тажрибаларидан фойдаланади, янги материални тушунтиришда уларга маълум бўлган мисол ва фактларга асосланади.

Ўқувчилар билим эгаллашларини осонлаштириш учун ўқув материалини осондан қийинга ўтилишини таъмннлаш керак. Шундай шароит яратилганида ўқувчиларнинг ўз кучига бўлган ишончи ортади.

Бошланғич ва ўрта бўғин синф ўқувчилари билан ишланганида яқиндан узоққа ўтиш услуби яхши натижалар беради. Ўқувчиларга географик иқлим, ҳайвонот дунёсини таништиришда ишни аввал болаларга маълум бўлган ўсимлик ва ҳайвонлардан бошлаб, сўнгра узоқ ўлкалардаги ўсимлик ва хайвонлар билан таништиришга ўтиш керак.

Таълимда онглилик ва активлик принципини амалга ошириш ҳам билиш жараёнининг психологик асосларига тўла-тўкис таянади. Тартиб ва қоидалар яхши ўзлаштирилсада, айрим ҳолларда шу билимларни бсвосита қўллаш жараёнида ўқувчилар қийналиши мумкин. Баъзан улар оддий масалаларни еча олмай қолишади. Демак, ўқувчи материални тушуниб етмасдан шунчаки ёдлаб олган. Ўқувчилар олган билимларини амалий хаётда фойдалана олишлари учун таълим бериш жараёнини актив фикрлаш жараённга айлантириш керак.

Ўқигувчи тушунарли бўлиши учун китоб ва бошқа манбалардаги расмларни кўрсатар экан ўқувчиларда актив муносабат туғдиради ва ўзлаштирши лозим бўлган материал тўғрисида идрок хосил килдиради. Конкрет материаллардан олинган таассурот болалар тафаккурини уйғотади.

Таълим принципларини қараб чиқишни якунлай туриб, фақат уларнинг бир-бирини тўлдириши, бир-бирига мувофнқ бўлишигина таълим тури, воситалари, услублари, таркибий тузилиши ва мақсадларини муваффа-ҳиятли белгилашини таъкидлаб ўтмоқчимиз. У ёки бу принципни мухим деб кўрсатиш мумкин эмас, чунки бир хил таълимий ва тарбиявий максадларнинг хал этилиши бошқаларнинг ҳисобига бўлганлиги сабабли умумий самарадорликнинг пасайишини келтириб чиқаради.

Худди шунингдек, айрим принципларни етарли даражада баҳоламаслик таълим самарадорлигини пасайтиради, таълим принцнпларини яхлит, муштарак ҳолда қўллашгина замонавий мактаб вазифаларнни муваффа-қиятли ҳал этиш имкониятини яратади.

3.2. Касбий таълим жараёнида шахс ривожланишининг педагогик шарт-шароитлари. Одам-индивид туғилиши билан ўзида инсоний, шахсий хислатларни шакллантира бошлайди. Икки ва ундаи ортиқ инсонлар билан муносабатда, мулоқотда бўлган ҳар қандай одамда шахсий хислатлар пайдо бўлади. Демак, хар бир туғилган инсон индивиди- одам. Шахсий хислатларга эга бўлган ипсон энди шахсга айлана бошлайди ва айланади ҳам. Шахслар одамлар тақдирини ўзгартира олиш доирасига, ҳажмига қараб оддий ва буюк шахсларга бўлинади.

Шахснинг камолотга эришиш яъии ривожланиш жараёни мураккаб жараён бўлиб шахснинг ички таъсири ва шахсга таъсир этувчи ташқи омиллар инсон томонндан бошкарилиши мумкин ва унга умуман боғлиқ бўлмаслииг мумкин.

Шахснинг ривожланиши аввало унда шахсий хислатларнинг шаклланиши билан бошланади. Ривожланиш ўзида шахснинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ва бошқа хислатларининг такомилини намоён этадиган жараён бўлиб, бундай хислатларнинг туғма, баъзилари кейинчалик эришилган бўлади. Инсон ривожланишидаги сифат ўзгаришлари туб моҳиятига кўра биологик турнинг вакили хусусиятларига эга бўлган одам, биологик индивиддан то инсоний жамиятнинг аъзоси - шахс даражасига кўтарилишини белгилаб беради. Ривожланиш-бу одамнинг руҳияти ва

организмидаги сифатий ўзгаришлардир. Бу ўзгаришлар ижтимоий муҳит, уй-жой шароитлари, уни қуршаб турган кишиларнинг таъсири натижасида юз беради. Албатта, ривожланиш жараёнига меҳнат фаолияти, ўйинга, ички фаолликка ўқув моҳияти фаолияти жалб этиладл. Бундай фаолият турлари шаҳаснинг хайотий тажрибасини бойитади, ижтимоий алоқа, мулоқот кўникмаларини эгаллашга кўмаклашади.

Инсон ривожланишини харакатга келтирувчи кучлар ипсон эхтлёжларининг таъсирида юз берадиган объектвв омиллар бллан яъни, оддий жисмоний, моддий эҳтиёждан бошлаб, олий маънавлл зхтиёжларга қадар бўлган эҳтиёжлар бплап уларпп каноатлантиришнинг имкониятлари ва воситалари орасидаги карама-қаршиликдир. Бундай эхтнёжлар у ёки бу фаолиятнинг сабабларини вужудга келтиради, ўзининг эхтиёжларини қаноатлантириш учун воситалар ва манбалар кидиришга, кишилар билан мулоқот қилишга ундайди. Инсон кўп сонли ўзаро алокалар ўрнатиши давомида унинг ижтимоий сифатлари шакллана боради. Албатта, ворисийлик билан бир каторда инсон ривожланиши учун ижтимоий мухит алоҳида ўрин тутади. Икки ёнма-ён ва бирбиридан мустакил бўлган ижтимоий хамда биологлк омиллар инсои ривожланишига таъсир эта бориб ўзаро хар хил муносабатларга киришадилар. Бундан ўзаро таъсирлардан самаралироқ фоёдаланиш максадга йўналтирилган тарбиявий таъсрнинг муваффақиятли бўлишиига ёрдам беради. Педагогика мухит ва тарбиянинг одам ривожланиншга, уни шахс сифатида шаклланишида тутган ўрнини тўлалигича ўргатишга қаратилади.

Ота-онадан туғма хислатлар, инсон органнзмннинг ўзига хослиги унинг генетик кодида яширилган бўлади, яъни инсон жисмниниг ўзига хослиги хақида маълумот берувчи ва сақловчи генетик код мавжуд бўладл. Бундай коднинг мавжуд бўлиши инсон наслиниг давомийлигини таъминлаб беради хамда инсон организми мавжуд бўлишлигининг ўзгарган шарт-шароитларга мувофиқлашувига ёрдам берувчи системаларли ривожлантиради. Туғма хислатлар, инсон организми анатомо-физиологик таркибий тузнлишга эга. Ундан ташкари инсон организмининг ўзига хос характери, кўзининг, сочининг ранги, қадди-қомати, сўзлаш, тик холатда юриш, фикрлаш ва мехнат қилиш қобилятлари каби бпр катор хусусиятлар туғма қобилиятга киради.

Оилалардаги ота касбига қпзиқиш кўп жиҳатдан оилалардаги болаларнинг маълум бир фаолият турига қизиқиш ҳолатида тарбия килинганлигига ҳамда уларли анча эртароқ бу фаолнятга жалб эта бошлалгаллиги билан ҳам изоҳланади. Шу билан бирга туғма иқтидорлар миянинг таркибий тузилишига, сезги органларига жойлаштирилган бўлиб, бирон бир реал фаолиятни муваффақиятли бажаришнинг шартларидан бири сифатида хизмат қилади. Аммо фаолиятнинг бу соҳасида муваффақият кўп даражада мазкур меҳнат тури доирасида тажриба йиғиш ва уни амалиётда қўллашни ўзлаштириш ёрдамида эришилади.

Туғма қобилиятларнинг ирсий берилиши, масалан, тиббиёт илмида ва унга мувофиқ педагогикада ҳам алохида аҳамият касб этади. Масалан, ичкиликбозликка берилган айрим оилалардаги болаларда баъзи бир ирсий кўчиб ўтадиган руҳий касалликларга чалиниш ҳоллари учрайди. Соғлом кишилар фарзандларида аклий фаолият даражаси ва сифати юқори бўлиши кузатилади. Жисмоний ва руҳий соғлом бўлган кишиларда маълумотлилик ҳамда билиш жараёнларининг ривожланиши кўл жиҳатдан улар қандай шароитда ўқитилаётганлнги ёки қандай шароитга қўйилгаилиги билан бслгиланадн. Бизнинг таълим-тарбия тизимимиз ҳамма ўқувчилар учун бир хил имкониятлар яратади. Шу билан бирга хар бир кишида мавжуд бўлган иқтидор, қобилнятни ривожлантириш учун шарт-шаронтлар яратишга қаратилади, ўқувчиларга уларнинг индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олган холда табақалаштирилган ҳолда ёндашувни инкор этмайди.

Шахснинг ривожланиши, тараққий этиши мураккаб жараёндир. Шахснинг ҳамма руҳий фазилатлари унинг атроф муҳит билан мулоқоти натижасида, инсоннинг мехнат қилишдек хаётин фаолияти натижаснда кўлга киритилади. Инсонга туғма равишда хатти-ҳаракатларнинг ҳеч қанақа, на ижтимоий, на ноижтимоий дастурлари берилган эмас. Ҳар бир одам учун, шахс сифатидаги фазилатларининг шаклланиш жараёни амалда нолдан бошланади. Шунинг учун хам маълум мақсадларга йўналтирилган таълим-тарбия шароитлари инсон шахсини шакллантиришнинг умумий қонуниятларини инкор этмайди.

- ижтимоий муҳит кўп жиҳатдан социал шарт-шароитларга бевосита боғлиқ. Инсоннинг ижтимоий қиёфаси унинг ижтимоий ва давлат тузумига мансублиги, ижтимоий ишлаб-чиқариш муносабатлариниг махсули, у ёки бу давлатнинг фуқаролиги, шахснинг синфий ўрнини белгилайдиган мазкур жамиятда, мамлакатда ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг маҳсули ҳисобланади. Инсон ривожланиши шахар ва қишлоқларда хаёт шароитларининг ўзгариши, мамлакаг ҳудудида аҳолининг кўчиши, туғилишнинг ўсиши, умринингг узайиши ёки камайиш, никохдан ўтиш ёшининг ўзгариши, мехнат тақсимоти, бозор иктисоди шароитида, яьни синфлар, тадбиркор, ишбилармон, савдогар, баикир, менеджерларнинг пайдо бўлнши каби янгиликларга кўп жиҳатдан борликдир.

Шахсий сифатларнинг шаклланиши ва ривожланишида ташқи атроф муҳит билаи бирга шахсий ривожлаитиришга максадли йўналтирилган ўқув тарбия даргоҳлари алоҳида ўрин тутади. Оила шахснинг шаклланишида жамиятиипг асосий бўғиии сифатида катта роль ўйнайди. Шахснинг ижобий хислатлари асосан оилада таркиб топади, шакллана бошлайди. Мактабгача тарбия муассасаларида янада янги жамоавий хислатлар билан бойитилади. Мактаб, лицей, гимназияларда етуклик кўламида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклланиши билан бирга инсоний ижобий хислатлар янада сайқал топади. Мактабдан ташқари маданий-маърифий муассасалар ва радио,

телевидение оммавий ахборот воситалари таъсирида шахсий хислатлар жамиятга, атроф муҳитга мувофиқлаштирилади.

Маълум мақсадга йўналтирилган тарбия фаолиятида санъат, адабиёт, маданият муассасалари, ижтимоий ташкилотлар, уюшмаларнинг ёрдамидан фойдаланилади. Шахс жамиятда ўз ўрнини тезда топа билиши учун бир қатор ижтимоий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши, жамиятда яшаш тарзини ўзида сингдириши, меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриши, жамиятдаги хатти-ҳаракатлар қоидаларига, меъёрларига риоя этишга, одамлар, ижтимоий институтлар билан мулоқот қилиш ҳақидаги билимларнинг белгиланган хажми билан қуроллантириш назарда тутилади. Яъни тарбиянинг асосий мақсади шахснинг хатти-ҳаракатларини мазкур жамиятда қабул этилган хатти-харакатлар қоидаларига, меъёрларига мувофиклаштиришдан иборат. Бу албатта шахсиннг иидивидуал хусусиятлари, фазилатларинн шакллантиришни инкор этмайди. Шахснинг рнвожланиши бир томондан унинг индивидуал, интеллсктуал хусусиятларига, иккинчи томондан жамият яратиб берган шарт-шароитларга боғлиқ бўладн. Маълум максадга йўналтирилган ижтимоий тарбия махсус белгилаиган, вакил килинган шахслар воситасида амалга ошириладн.

Инсоннинг ривожланиши ва шахс сифатида шакллнишида хар доим ҳам хар томолама кулайликларга эга бўлган ижтимоий мухит ўз холича етук инсонларни тарбиялай олмайди. Инсонни тарбиялашда жамият томонидан ташкил этилган тарбиялаш муассасаларининг ва тарбия жараёнида қатнашаётган барча кишиларнинг фаолиятлари муҳим рол ўйнайди. Шахснинг ривожланишида тарбиянинг бош вазифаси ижтимоий муҳитни ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбиявий ишлариинг вазнфалари ва мақсадлари йўлида жамият томонидан инсон олдига қўйилган талабларни тўғри акс эттиришдан иборат. Тарбиячи ўқувчиларнинг мактабдаги ўқув ишларини ташкил этишда албатта унинг уй шарт-шароитларини, уй муҳитини хисобга олади. Ўқувчилар уй шароитларини ўрганиш кўп ҳолларда оиладаги тарбия муҳити туфайли болада шаклланадиган салбий хислатларни таҳлил қилиш, тузатиш олдини олиш, шу билан бирга ижобийларини янада кўпайтириш имконини бсрадп. Яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчиларга уй шарт-шароитлари таъсир этиши аниқланган ҳолларда тарбиячи хар бир болага индивидуал ёндошиб унинг оиласига аралашиши зарурдир. Ўқувчи уйда салбий шароитда яшашга тўғри келган холларда, агар бу муҳитни ижобий томонга ўзгартиришнинг имкони бўлмаса, тарбиячи ўқувчини махсус мактаб - интернатларга жойлаштириш масалаларини қўйиши мумкин. Ўқувчи шахсини шаклланншида қатнашаётган тарбиячи ўқувчининг факат оилавий шароитини ўрганиш билан чегараланмай боланинг якин теварак атрофида, маҳалласида, кўчасида қуршаб турган муҳитни яхшилаб ўрганмоғи лозим, чунки аксарият холларда маҳалладаги, кўчалардаги ҳар хил гуруҳлар хам эгилувчан бўлган ёшларга катта таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий бўлиши мумкин. Болалар тўй-маъракаларда, гап-гаштакларда ўзларини

мустақил ҳис этадилар, бир-бирига кўмаклашпш, ширинсуханлик, хо-зиржавоблилик, меҳрибонлилик, серташвишлилик каби ахлоқий хислатлар фақат тарбия яхши йўлга қўйилган маҳаллаларда тез ва осонгина шакллантирилади. Аксинча худбинлик, такаббурлик, кўполлик каби салбий одатлар ҳам маҳаллада шаклланиши мумкин. Тарбиячининг вазифаси мактаб билан ўқувчи яшаётган жойидаги маҳалла кўмиталарининг ҳамкорликларини ташкил этишдан, маҳалла қўмиталари оркали амалга ошириладиган тарбиявий ишларни фаоллаштиришдан иборат. Ўспирин ёшларни спорт ва турли ижодий ҳаваскорлик тўгаракларига жалб этиш яхши натижалар беради.

Юқоридаги далиллар тарбия жараёнига таъсир этадиган ташқи муҳит факторларининг бир-бирига мустахкам боғлиқлгини кўрсатади. Шу билан бирга тарбия жараёнида қулай ижтимоий муҳитдан фойдаланади.

Махаллаларда амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг ота-оналар орасидаги тарғибот маркази мактаб бўлиши керак. Шу билаи бирга бола тарбиясида ва асосан ўқувчи шахсининг ривожланиш жараёнида тарбия-чининг таъсири ҳар бир ўқувчи учун айрш ўзига хос.ликларга эга бўлиши лозим.

Инсоннинг ривожланишида, рухий фазилатлари ва сифатлари, шунингдек, билиш жараёнларини шакллантиришда унинг асаб системасининг ўзига хосликлари катта рол ўйнайди. Педагог ва психологлар таъкидлашича, олий асаб фаолиятинииг туғма тури ҳеч ўзгаришсиз қолмайди, балки яшаш шароитининг таъсири остида, хусусан тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш натижасида инсонда ўзини тия олиш жараёнлар ривожланиши, мустаҳкамланиши, асабий жараёнларнинг кучи ҳамда ха-ракатчанлиги фаолияти ошиши мумкин. Бу ўз навбатида қайсидир бир даражада туғма эҳтиросни ниқоблаши, сир сифатида сақлаб қолдириши, унинг кўринадиган шаклларини силлиқлаштириб кўииши мумкнн. Шундай қилиб тарбия бундай муносабатларда инсонинг ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Тарбия таъсирининг энг асосий ва бош кўриниши бу шахснинг умумий йўналганлигини шакллантириш, унинг маънавий эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини ривожлантиришдир.

Педагогика фани томонидан ривожлантирилаётган тарбия конценциясида тарбиянинг фақатгииа объекти эмас, балки субъекти хам хисобланган инсоннинг ўз фаолиятига катта ўрин берилади. Тарбиялаш жараёнида тарбиячи томонидан унга таклиф, тақдим этиладиган талабларнинг инсон томонидан тушуннлиши хамда кабул қилиниши катта рол ўйнайди, яъни уларнинг аклан ўйлаб кўрилганлигини тушунишга интилишнни, ҳақгўйлкни, изоҳланганликни, унинг нзидан бориш хохиши қўйилиб келадиган никобий муносабатларни унда шакллантиради. Инсон томондан ҳаёти мобайнида ўз олдига шахсий мақсадларни қўйиши, уларни бажаришга интилиши, уларни муваффакиятли хал этиши, уларга етишиши учун ўзида зарур бўлган сифатларни ҳосил қилиши ҳам катта рол ўйнайди.

Шахснинг энг кўи даражадаги фаоллиги қачонки инсон ўзини тарбиялаш хусусида жиддий ўйлай бошлаганида, ўзини мукаммаллаштиришнинг дастурини ишлаб чиқара бориб, бу дастурни бажариш учун алоҳида, махсус куч-қувват имкониятларини сарфлаб туриб, ўз шахсини фаол шакллантирганида кўпроқ намоён бўлади.

Тарбия-тарбиячининг инсоннинг маълум бир сифатлари ва хусусиятларини шакллантириш учун мақсадий йўналишли фаолияти бўлиб, ҳар доим у маълум бир белгиланган ёш гуруҳига йўналтирилган бўлади. Чунки уларнинг ўзига хосликлари ҳамда имкониятлари инобатга олинган ҳолда реал тарбиявий вазифалар илгари сурилиши ҳамда тарбиявий таъсирнинг аниқлангаи, белгиланган усуллари ва воситалари танлаб олиниши мумкин. Инсон ҳаётининг бундай ёшга кўра босқичларига мактабгача, мактаб, ўспирин ёшдаги ҳамда ижтимоий етуклик даври - балоғат ёши даврлари киради. Мазкур босқичларнинг ҳар бири ичида ривожланишнимг ўзига хослиги билан белгиланадиган, характерланадиган қисқа муддатли ёш даврлари алоҳида ажралиб туради. Айрим ёш босқичлари ва даврларининг ажралиш қоидаси жуда ҳам шартлидир. Кўп ҳолларда улар болалар ёки ёшлар билан маълум бир мақсадга йўналтириладиган тарбиявий ишларни амалга оширадиган ўқув-тарбия муассасалари томонидан мувофиқлаштирилиб турилади. Бунда ўзига хос аниқланган асослар мавжуддир, чунки бу асосларнинг таркибий тузилишида ўқувчилар ривож-ланишининг ўзига хосликлари ҳақида илмий маълумотлар акс этган.

Болалар ва ёшларнинг-ёшига кўра ўзига хосликларини ўрганиш билан психологиянинг махсус тармоғи шуғулланади. Бизнинг психологларимиз ёшига кўра қуйидагича даврлаштиришни таклиф этадилар: дастлабки болалик даври - 3 ёшгача бўлган (илк болалик ёшидаги болалар боғчаси гуруҳи), боғча ёшига яқин бўлган ёшлар - болалар ҳаётининг 4-йили тармоғинн) ва шунингдек, уларнинг ўзлари жалб этилган амалий фаолият турига мехр кўйиши ўспиринларнинг ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Ўқувчи-ларни касбга йўналтириш ишлари одатда юкорн ўспиринлик ёшида бошланади.

Мактаб шароитида (ёки бошқа ўқув муассасасининг) тарбиялаш босқичи якунланаётган босқичда, яъни илк болалик даври ёки юқори мактаб ёшидагилар даврида тарбиянинг роли янада юқори ҳисобланади. Ўқувчилар-да келажакка йўналтирилган узоқ муддатли режалар тузилади, дунёқарашнииг асослари шаклланади, хаётдаги ўз ўрнига ва хаётга мустақил қарашлари вужудга келади. Бу босқичда хам шубхасиз тарбиячи томонидан маълум мақсадга йўналтирилган тарбия белгиловчи рол ўйнаганларига қарамасдан, хусусан шу ўринда шахс фаоллиги намоён бўлади.

Бу босқичда тарбиянинг асосий вазифаси ўқувчиларга касбни танлашда, уларнинг ўз оиласини тузшшга тайёрланишларида, ижтимоий фаоллигини шакллантиришда, ўзининг фуқаровий мавкеини белгилашда ёрдам беришдан иборатдир.

Бу ўринда ҳам тарбиялашга якка (индивидуал), алохида шахсни ажратиб олган холда ёндошиш зарур. Чункн бу ёшдаги ҳар бир ўқувчида маънавин эхтиёжларини ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар асосида белгиланадиган, шахснй қизиқишлар сохасини акс эттирадиган индивидуаллик яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, индивидуал ёндошиш индивидуал иқтидорлар ва кобилиятларни ривожлантириш учун яхши шарт-шароитларни яратишга зарур бўлибгнна қолмасдан, балки яхлит, умумий ўқув дастурининг талабларини бажаришда қийналаётган кимсаларга ёки хатти-харакатлар меъёридан четга чиқиб, мехнат ва жамоат интизомини бузганларга ёрдам кўрсатиш учун ҳам зарурдир.

Мактаб ёшларини хаётга ва жамоада мехиат килишга тайёрлашга, хар бир балоғатга етмаган ёшлар вакилининг шахс сифатидаги нўналишни белгилаб борадиган дунёқарашини шакллатириш учуи жамият олдида жуда хам масъулпятли бўлиб, унда беқиёс буюк жавобгарлик ҳисси ётади.

3.3. Касбий билиш жараёнининг психологияси. Билиш жараёнида инсонда муайян фаолияг билан бирга ички руҳий фаолият хам юз беради. Бу фаолият шахснинг рухий ривожлапиишга олиб ксладн. Хўш, таълим бирламчими, ривожланил бирламчим? Бу саволга кўпчилпк психолог олимлар жавоб беришга ҳаракат қилишган. Кўпчилик олимларнииг фикрича таълим бирламчи, ривожлаинш иккиламчи, яъни ҳар қандай ривожланиш маълум даражада тўпланган билимларга асосланади. Билимлар мажмуаси - таълим хажми жиҳатидан кенгая боради. Сифат жиҳати яхшиланиши натижасида ривожланиш хам шунга узвий боғлиқ равишда рўй беради. Албатта, бу икки қирра орасида жуда хам узвий боғланиш мавжуд. Таълим жараёнида одам меҳнат куролларидан фойдаланпш кўникмаларини эгаллаб олади. Уз-ўзидан маълумки, кишиларнинг таълим мобайнида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлари уларнинг руҳий фаолиятлари ривожланишига олиб келади.

Ўзбек педагогик психологиясининг ўзига хос томонларидан бири бурчларни шакллантиришга фаол йўналтирилганидир. Ривожланишни хнсобга оладиган, уни таъминлайдигап таълим тизимни туипш ўзбск миллии педагогикасиииг асосий принципларидан хисобланади. Таълим ривожланишнинг бугунги даражасига эмас, балки ундан бир қанча даража юкори бўлган, ўқувчи ўкитувчининг рахбарлиги остида етиши мумкин бўлган ривожланиш даражасига асосланиши лозим. Педагогик психологиянинг яна бир мухим томони хар бир ёш даври учун ўзига хос ўқув мсхнат фаолиятни белгилашдир. Мактабгача ёшдагилар учуи билим жараёни асосан яккама-якка ва жамоа бўлиб амалга ошириладиган ўйин орқали, бошлангич синф ўқувчилари учун ўйин билан биргаликда ўрганиш, ўрта спнф ўқувчилари учун ўқув мехнати, ижтимоий-фойдали унумли мехнат, бадиий санъат ижодкорлиги билан боғлиқ бўлган ҳунармандчилик меҳнати, жисмоипй зўриқишни талаб қиладиган ўқув ишлаб чиқариш меҳнатларини уюштириш мумкин. Ўрта синф ўқувчилари старл даражада актив, мулоқотга

муҳтож, ўқув дастурини эгаллашда бирмунча фаоллпк кўрсатадилар. Юқорн синф (9-10-11) ўқувчилари ёшида ахлоций фикрлар бирмунча мустақил, ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини тарбиялаш, ўзини назорат қиллш элемелтлари шакллаииб ва аксарият ҳолларда ривожланиб боради. Юқори синф ўқувчллари ёшида касбга қизиқувчанлик, касб танлаш билан боглик ўқув фаолляти етакчи ўринни эгаллайди. Албатта ёш тоифасига бўлиниш бу нисбий тушунчадир. Амалда ҳамма ёш ўқувчлларга такллф этиладигал ўқув меҳнати ва бошқа фаолият турлари уйғуллашиб кетади. Яъни, бу хар бир ёш даврида ўқувчи етакчи фаолият тури билан машғул бўлсин деган маънони билдлрмайди. Ўқувчи шахсинллг хар томонлама рлвожланишини таъминлайдиган фаолият турларидан мунтазам равишда фойдаланиш дар-кор. Шу билан бирга фаолиятининг етакч турлararини билиш педагогларга таълим-тарбия ишларни ташкил этишда ёш хусусиятларини эътиборга олиш имконини беради.

Шахснинг ривожланишида ўқув, аклий меҳнат, ижодиёт билан бирга мулоқот фаолияти хам алохида ўрин тутади. Мулоқот билимларни ўзлаштириш учун шарт-шароит яратади, билиш жараёнини активлаштиради. Мулоқот ўқитувчининг ўқувчилар билан ўқув жараёнини ташкил қилишнинг бир шакли хисобланади. Мулоқотнинг амалда кенг қўлланиладган турли шакллари мавжуд. Булардан энг мукаммали бу оғзаки мулоқотдир. Оғзаки мулоқот- яъни сўзлар айтилуви оркали амалга ошириладиган тури бир неча минг йиллик тарихига эга. Оғзаки мулоқот икки киши ўртасида, ўқитувчи-устознинг икки ва ундан ортлқ шогирдлари билан олиб борадиган мулоқоти, ўқитувчининг гуруҳ, синф, аудитория билан олиб борадиган мулоқоти, радио орқали ўтказиладиган мулоқот, телевидиене орқали ўтказиладиган мулоқот, компьютер орқали ўтказиладиган мулоқот турларига бўлади. Оғзаки мулоқотнинг ўзига хсс устуликлари мавжуд. Биринчидан ўқитувчи оғзаки мулоқот учун алохлда тайёргарлик кўради ва олдиндан унинг мазмунини бойитишга ҳаракат килади, иккинчидан мулоқот ўқувчиларни доимо сўзлашга тайёр туришини талаб қилади, учинчидан ўқувчилар бошка хамсинфлари, касбдошлари олдида ботиниб сўзлашга ўрганадилар, тўртилчидан ўқувчилар ўз ички фикр мулоҳазаларини сўзлар орқали мантиқий нуткга айлантириш кўникмасини эгаллай бошлайди, бешинчидан оғзаки мулоқот ўқувчиларда нутқ маданиятини ўстиради, адабий тўғри сўзлар ишлатишга ўргатади, олтинчидан оғзаки мулоқот талаффузли етувчанлигини таъминлаш учун оғиз бўшлиқларини машк килдиради еттинчидан оғзаки мулоқот жараёнида сўзлаш давомида фикрлаш кўникмасини шакллантиради, тўққизинчидан огзаки мулокот ўқувчиларда аналитик, дедуктив алгоритмик флкрлаш кўникмаларинн шакллантиради, тўққизинчидан огзаки мулокот ўқувчиларда шоиронлик хислатларини, ваъзхонликда нуткини драмалаштириш орқали унинг таъсирчанлигини таъминлаш кўникмасини шакллантиради ва ўнинчидаи оғзаки мулоқот

ўқувчиларда билим, иқтидор ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш функциясини бажаради.

Ўқув-билиш фаолияти ўқувчилар томонидан ўқув маълумотларини ўзлаштгириш билан бирга ички рухий кечинмалар тарзида юз беради. Албатта хамма ўқувчилар ҳам ички руҳий кечинмаларини оғзаки мулоқот пайтида очиб-солишга ботинавермайдилар. Шунннг учун ҳам ўқув-тарбия жараёнида ёзма мулоқот хам кенг таркалган. Ёзма мулоқот ўқувчилар, талабалар гурухида ўтказиладигам ёзма назорат ишлари, баён, уйда бажариладиган ёзма ишлар, реферат, курс иши, диплом иши шаклида амалга оширилиши мумкин. Ёзма мулоқот ўқувчининг ёзма нуткини янада рлвожлантиради, кенг маънони қиска сўзлар билан ифодалаш кўникмасини, ички кечинмаларини уялмай баралла ёритиш имконини беради. Езма мулоқот ўқувчклар хуснихатини ва нихоят ўқувчилар билимини бахолашда расмана расмий хужжат функциясини бажаради.

Кўпчиликни ташкил этадигаи гурухларда оғзаки, ҳамда ёзма мулоқотни бевосита ўқув жараёнида, дарсда ўтказиш бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Бундай холларда мулоқотнинг бошқа шаклларидан фойда-ланилади. Улардан бири нигохли мулокотдир. Ўқувчилар томонидан амалга оширилаётган ўқув фаолиятини уларнинг афти-ангорини кузатиш оркали хам назорат қилиш мумкин. Айниқса бу услуб гапирмайдиган, гунг ўқувчилар билан ишлашда имо-ишора тарзида кўлланилади.

Кейилги йлларда ахборот воситалари сифатида компьютерлар ва телевидениедан кенг фойдаланилмоқда. «Ахборотлар банки» кўрсаткичи бўйича хозирда хечқандай восита ҳлсоблаш машналарлга тенг кела олмайди. Бу ерда ўқувчилар бллан бевосита мулоқот сифат аудиторияда ўрнатилган гурухий комльютерлар билан ўқигувчи пультида жойлашган компьютср орасида амалга оширилиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларида эса компьютер бутун бир корпорация, соҳа, вазирлик, туман ёки вилоят ҳажмида ёки давлатлараро кўламда амалга оширилган бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган воситалар фақатгина психологик нуқтаи-назардан чуқур таҳлил қшшнгандагина ижобий натижалар беради. Бунинг учун билимларни ўзлаштириш жараёни нималарга боғлиқлинши аниклаш даркор. Билиш фаолияти кишиларнинг ақлий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Ақлий фаолиятнинг умумийлиги, тафаккурдан тежамли ва малакали фойда-ланиш, мустақил фикрлаш - таълимнинг ривожланишига таъсир этади. Ақлий тафаккурнинг ана шу сифатлари таълим жараёнида ривожлана бориб ўзлаштириш самарадорлиглнинг ошишига кўмаклашади.

Таълим жараёнида фақат индуктив анализ, яъни айрим-айрим олинган билимларнинг умумлашган билимларга айланиши ёки бошкача қилиб айтганда осондан қийинга, оддиндан мураккабга ўтиши принципда кечиши билан чекланмай хусусий ўзига хосликларни дедуктив равишда ажратиб чиқариш жараёиини тўлиғича ҳамма параметрлари билан биргаликда кўриш холлари ҳам учрайди.

Ўқувчилар амалга оширадиган таълим жараёнини икки томонлама тасаввур этиш мумкин. Биринчидан, дарс давомида ўқитувчи ахборот воситаси сифатида репродуктив таълим шаклини амалга оширади. Иккинчидан, ўқувчилйрнинг дарс пайтида ва дарсдан ташқарида амалга ошириладиган ўқув ишлари тарзида юз берди.

Таълим жараёни бевосита ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилганида ўқувчилар ўқитувчн томонидан таклиф этилган ўқув вазифаларини ҳал этиш тадбирларини бажарадилар, ўқитувчининг системали назорати остида ўқув фаолиятини вақти-вақти билан тўғрилаб борадилар, ўқитувчи раҳбарлигида ўқув фаолияти натижаларини таҳлил этадилар.

Таълим жараёни бевосита ўқитувчининг рахбарлигисиз ўқувчилар томонидан мустақил амалга оширилганида ўқувчилар ўзларининг ўқув фаолиятини режалаштирадилар ва вазифаларини ойдинлаштирадилар, ўқув фаолияти давомида ўз-ўзларини назорат қиладилар, назорат натижаларига асосланиб ўқув фаолиятларини кучлари етганича тўғрилайдилар, ўқув фаолиятлари натижаларини ўзлари ва ўқувчилар аро тахлил этадилар.

Таълим жараёиида ўкитунчининг рахбарлик, таълим бериш фаолияти билан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари чамбарчас боғланиб кетади. Агар ўқигувчи ўқувчилар ўқув харакатларни назорат қилиш билан бирга ўз фаолиятини хам тўғрилаб борса, ўқувчилар ҳам ўқтувчнинг таъсири остида ўз харакатларини тўғрилаб боришади, ўкитувчининг назорати таъсири остида ўқувчилар ҳам бевосита ўзлариин ўзлари назорат қила бошлайдилар. Факат ўкитувчи фаолияти билан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари мана шундай муштарак, уйғунлаштандагина таълим жараёни якдил, яхлит, бир бутунлигича ривожлаиади. Аксиича агар ўкитувчи бутун вужуди билан фаолият кўрсатса-ю, ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира олмаса таълим жараёнинннг вазифалари амалга ошмай қолади.

Ўқитувчи рахбарлигида амалга ошириладиган мустакил ишлар давомида ўқувчилар ўқув ишларини мустакил бажарадилар. Бундай холларда педагог ўқувчиларнинг харакатларини бсвосита йўналтириб боради, чунки унга кадар у ўқувчнлариинг олдига топширик, вазифа қўйгаи, тошинриқнинг фаол бажарилишини рағбатлантирган бўлиб, топширикнинг бажарилиш натижаларини таҳлил этишда иштирок этади.

Таълим жараёиида ўкитувчи ўқувчиларнинт бпргаликдаги ёки ўқувчиларнииг алохида мустакил ўқув фаолиятлари билиш жараёнининг асосини ташкил этади. Булардан ташқари билимларни ўзлаштиришнинг ички жараёнлари хам мавжуддир. ШУ нуктаи пазардан ўзлаштириш жараёнининг психологик тавсифини қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

БИЛИШ ЖАРАЁНИ

Қабул этиш (эшитиш)	Тушуниш	Англаш	Умумлаштириш	Мустаҳкамлаш	Қўллаш

Қабул этиш (эшитиш, сезиш) ўқувчи сезги органларига таъсир этадиган ҳодисалар ва "жараёнларнинг инсон тафаккурида акс этишидир. Қабул этиш жараёнига кўриш, фикр юргизиш, мулоҳаза юритиш билан бирга уларнинг аввалги тажрибалари ҳақидаги маълумотлар ҳам киради. Инсон қабул этиш жараёнида ўзининг аввалги билимлари, амалий тажрибаларига суялниш ҳолда ҳодисаларнинг айрим ўзига хосликлаи, белгллари, шакллари, шу билан бирга ўқитувчиниг товуш асосидаги маълумоти ҳам қабул этилади. Бу жараёнда педагог фаолияти ўқувчиларда сафарбарлик холатини юзага келтириш, ўқувчилар сезги майдонларини кенгалтириш,, ўқувчллар ҳаётий тажрибасига кенгроқ суянишл, кўргазмали қуроллардан мувофиқ фойдаланиш, оғзаки нутқини ниҳоятда драмалаштириб, шоирона иборали сўзлар ишлатиб ўзига ром қила олиши билан изоҳлалади. Булардан ташқари педагог ўқувчлиар длққатини моҳирлик билан қўллаб-қувватлаб туриши, янги материални ўзлаштиришда ўқувчилар куч-ғайратларини фаоллаштиришлари лозим.

Қабул қилиш, эшитиш, сезиш ўрганилаётган манбали тушунишга ўтиши керак. Тушуниш айрим жараёллар, ҳодисалар орасидаги боғлиқликлар, воқеа ва ходлсаларнинг келиб чиқиш сабабларини, матн мазмунининг моҳиятини очиш ва ҳоказолардан иборат. Изохлалаётган ўқув материали тушуларли бўллши учун ўқитувчи ўқувчиларни ўз фикри ортидан эргаштира олиши, аниқ мантиқий баён этиши муҳимдир. Хусусан таълимни шу хусуида қуриш керакки, токи ўқувчиларнинг ўзларл ўрганилаётган ашёвий далллларни, тажрибавий маълумотларни киёслашга жалб этилсин, уларнинг илк сабабларини изоҳласинла.р, ўзларининг баъзи бир мустақил хулосаларини чиқарсинлар.

Тушунилган ҳодиса энди атрофлича фаҳмлалиб англаниши керак. Маълумотли англаш тушунлшдал кўра кўп қирралироқ, чуқурроқ ҳисобланади. Англаш давомида тушунилган ҳодиса янада бойитилади, ўзаро сабабий боғланишлар янада конкретлаштирилади, ўқувчида ўзига ишонч янада ортади. Алглашилаг самарали амалга ошиши учун умум ўқув кўникма ва малакаларни, ақлий фаолиятнинг ҳар турли усулларини, яъни тахлили, бўлаклаш, қиёслаш, муаммоли. таълим усулларидан кенг фойдалаииш лозим. Ўқувчилар суҳбатларга, тадқикотли намойишлар ва тажрибалар ўтказишга жалб этилиши керак.

Билиш жараёнида умумлаштириш алохида ўрни тутади. Билим, иқтидор ва кўникмалар оддий элемелглар бўлакчаларидан йиғилиб мураккаб билимларга, муроккӑб кўникма ва мураккаб малакаларга айлала бошлайди. Бундай айланиш албатта умумлашган билим, умумлашган кўинкма, умумлашгаи малакалар пайдо бўлиши билан юз беради. Соха бўйича умумлашгаи билимлар бўлгуси мутахассисларнинг малакали иш бажарувларида кўл келади. Шундан умумлашган билим, иьқтидор ва кўникмаларга политсхник билим, иқтидор ва кўникмалар мисол бўла олади. Бундай умумлашган билим ва кўникмалар ишлаб чикаришнинг умумий асослари,

ишлаб чиқарншда кенг тарқалган технологик жараёнлар, опсрациялар, ишлаб чикаришда кенг қўлланиладиган мсхнат усулларини қўллаш бўйича полптехник малакалардан иборатдир. Умумлашган билимлар мутахассисга янги сохани эгаллашда назарий билимларни эпчиллик билан амалда қўллаш имкоиини беради.

Умумлаштирилган билим, иктидор ва кўникмани хотирада мустахкам саклаииб колиши учун уни бутунича ёки бирон-бир бўлимини бир неча марта тасаввурдан ўтказши лозим. Бу эса асосий ашсвий- далилларни ёд олиш йўли билан, ўрганилаётган материалииг баъзи бир жуда зарур таркибий кисмларини хотирага келтирши, хулоса чиқарши йўли билан олннган билимларни махсус равишда мустахкамлаш уччн йўналтирилган ёзма хамда тажриба машқларини бажариш орқали амалга оширилади. Мустахкамлаш жараёнида конуниятларни қўллашда ўқувчиларга ўзларининг шахсий миссолларини тотпиш хусусида топшириқлар берилса, мустахкамлаш ўқувчилар билимларини чуқурлаштиради, уларни янги вазиятга татбиқ этиш кўникма ва ма-лакаларини ривожлантиради.

Ўзлаштирилган, умумлашгирилган билим иктидор ва кўникмалар бирон-бир муайян хаётий шароитларда қўлланиши ксрак. Амалда қўллаш тажриба ишларини бажариш йўли билан, корхонадаги ўқув цехи, мактаб ер участкасидаги мехнат фаолиятида амалга оширилса ўрганилаётган масаланинг амалий ахамиятини оча бориб, билимларни кўп даражада мусгахкамлаш хаётий бўлиши таъминлайди.

Амалда юқорида кайд қилган ўзлаштиришнннг хамма таркибий қисмлари алохида ҳолда учрамайди. Масалан тушуниши, ўрганилаётган материални англашдан ажратиб бўлмайди. Ўқувчи ўрганилаётган ҳодисани англаб кейин тушуниши ёки аксинча олдин тушуниб кейин англаши мумкин. Ўзлаштиришнинг хар бир таркибий қисмида бу жараённинг олдинги таркнбий қисмлари албатта намоён бўлиб туради. Худди шуниигдск ўзлаштиришнинг таркибий қисмлари; умумлаштириш, мустахкамлаш ва қўллаш ўзаро бир-бири билан синтстик равишда чамбарчас боғлиқ, Бунда ўзлаштнришнинг айрим таркибий қисмларини, уларнинг асосий вазифа-ларини билиш педагоглар учун ўзлаштириш жараёнини яхшироқ бошқариш имкониятини яратади.

Ўзлаштириш жараёнининг кетма-кетлиги дарс репродуктив тарзида, яъни анализ методи билан ўтказилганида намоён бўлади. Амалда ўқув материалини ўзлаштириш муаммоли ҳаётий масалаларни ҳал этишдан бошланадиган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ўқувчиларга муаммо ёки назарий хулоса таклиф этилади. Ўқув жараёнида назарий хулосаларни ҳаётда қўллаш, татбик этишдан назарий жиҳатдан тушунишга, англаш ва фикр-лашга томон бошқариб борилади. Таълим жараёнига мана шундай дедуктив ёндошиш ўқитиш муаммоли метод билан ўтказилганида самарали натижалар беради. Албатта ўзлаштиришнинг қайси кетма-кетлигини танлаш таълим

вазифаларига, таълим мазмунининг ўзига хосликларига, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув имкониятларига боғлиқ бўлади.

Ўзлаштириш жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўрганилаётган ўқув материалини қанчалик асосланиши, ишончли далиллар билан тасдиқланишига боғлик. Ўқув жараёнини ташкил этар экан педагог ўқувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган камчиликларни олдиндан кўрсатиши, яқин вакт мобайнида айнан кайси камчиликлар устида жиддий ишлаши лозимлигини ўқувчиларга уқтириб бориши лозим. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан ўқув материалини ўзлаштиришга сафарбарлигини етарли даражада таъминлаши керак. Бунинг учун ўрганишнинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш юзасидан чоралар кўради. Таълимнииг илмий-техника тараққиёти учун, ишлаб чикаришни механизациялаш ва автоматлаштириш учун, меҳнат унумини ошириш учун, жамиятимизнинг ижтимоий ва маданий тараққиёти учун ахамиятини очиб берадиган ишонарли мисоллар танлайди. Айни вақтда педагог ўқувчиларни ўқишнинг субъектив аҳамиятини, яъни ушбу фанни ўрганиш унинг қобилиятларини ривожлантириши, касбий мўлжали ва ўзи қизиққан касбни эгаллашга яқинлашиб бориши учун нималар беришини тушуниб олишга ўргатади. Ўқувчиларга меҳнат жамоасидаги мулоқотга тайёрланиш учун ижодий интилишларини (яьни лойхалаш, ихтирочилик фаолияти ва ҳокозолар) қондириш учун нималар беришини англашга ёрдам килади. Ьуларнинг ҳаммаси мактаб ўқуичиларида янги мавзу мазмунидан, унинг долзарблиги ва мухимлигидан кслиб чикиб, мазкур мавзуни фаол ўрганишга имкон берадиган турткини топиб олиш кўникмасини шакллантиради. Шу билан бирга, ўқув жараёиида ўкитувчи талабчанлик ва рағбатлантиришнинг мақсадга мувофиқ нисбатини сақлаб туриши керак, чунки меьёр туйғусига риоя қилинмаса, биринчи ҳолда даҳшатга тушиш, кўрқиш, доимо жазони кутиш ҳолатлари вужудга келиши, бошка холда эса ўқитувчи ҳаддан зиёд рағбатлантирганида манманликнинг ривожланишн, хаяжонланиш вужудга келиши муқаррардир. Булардан ташқари ўзлаштиришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчилар ҳиссиётиниг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Қувонч, кайғу, вахима, ҳайратланиш, уят, ачиниш, хафагарчилик, рахмдиллик, норозилик, нафрат ва бошқа ҳиссий кечинмаларниг ўқувчида кечиши ўқув-тарбя жараёнининг боришига бевосита таъсир этади. Агар ўқувчилар асар кахрамонлари ғалабалари шукуҳини улар билан хаёлан биргаликда бошдан ксчирсалар, жудоликлар ва мағлубиятлардан қайғурсалар, ахлоқий меъёрларимиз бузилишига, кишилар хатти-ҳаракатларидаги адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлсалар, уларда ҳиссий меҳрибонлик шунчалик кўп шакллана боради. Бадиий асарларда, шеър, ашулалар, достонлардан келтирилган мисоллар ўқувчилар хиссий ривожланиши самарадорлигини белгилаб беради. Ўқувчилар хиссий кечинмаларни ардоқлаш, сир сақламоклик синфдан ташқари ва дарсдан ташқари

мулоқотларда намоён бўладиган самимият уларда хисслат ривожланиши учун жуда мухимдир.

Гуруҳ ўқувчиларинииг ҳаммаси ҳам бир хилда хлссий кечинмаларга берила олмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчининг индиведуал психологлк хусусиятларидан келиб чиққан холда ёидошиш мақсадга мувофлқдир. Заиф, суст ўзлаштираётган ўқувчллар учун махсус ютуқли вазиятлар ташкил этлллши керак. Суст ўқувчининг хам ютуқлари албатта бўлади. Ижобий хислатлар ўзига хосллкларга мос вазифаларни онгли равишда танлаш йўли билан рўёбга чиқарилади.

Иқтидорли ўқувчллар билан ишлашда хам ҳиссиётнинг аҳамляти катта. Иктидорли ёшлар мураккаб масалаларни ечиш жараёнида қийинчиликларни бошидан ўтказишади. Шу билан бирга масала ечилганида чексиз қувонч туйғуси, ўз-ўзидан фахрланиш ҳисси пайдо бўлади, масала ечилмаганда эса қайғу чекиш ҳолатлари юз беради. Иқтидорли ўқувчилар кўпинча худбинроқ бўлпб ўсишади. Уларда ўз ўртоқларига нисбатан хайри-хохлик кечинмаларини йўлга қўйиш жуда зарурдир.

Ҳозирда дунё педагогик жараёнида ўзлаштириш мустақиллиги асосий ўринда туради. Америка коллеж ва университетларида ўқувчилар шахсий активлиги биринчи ўринга қўйилади. Дарс давомида ўқувчилар мустақил ишларининг ҳажми тажрибаларни мустақил равишда ўтказиш, кузатишлар, масалалар ечишлар билан бойитилса, ўқувчилар ҳаётга янада яхши тайёрланган бўладилар. Дарсда беихтиёр муаммоли вазиятларни ҳосил килиш, ўқувчиларни бу вазифаларни ечишдаги активлигини рағбатлантириш, «яхшисини ошириб, ёмонини, камчнлигини яшириш», ўқувчиларни ўқув қийинчиликларидан ўзлари чиқиб олиш имкониятларини яратиб бериш ўқитувчининг вазифасидир.

Ўзлаштириш жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш учун махсус усуллардан фойдаланиш зарур. Бунинг учун тадқикий амалий ишларни бажариш, ижодий масалаларни ечишнинг оригинал вариантларини кидириб топишга хизмат этадиган машқлар ёрдам беради. Меҳнат ва техника юзасидан машқлар мобайнида оддий қурилмалар ва жихозларни лойихалаш ишларига, ихтирочилик ва кашфиётчиликнинг мумкин бўлган усулларига ўқувчиларни ўргатиш зарур. Шу билан бирга ўқувчилар бригадасидаги у ёки бу ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, корхонага ва ишлаб чикариш комбинатига саёҳат давомида шнчиларнинг ихтирочилик фаолиятларини ўрганиш усуллари билан танишишлари лозим. Ижодий тафаккур ривожланишининг фойдали воситаси - шеър, ҳикоя, қўшиқ ва бошқа адабий шаклдаги топшириқларни ёзиш, тасвирлаш ёки мусиқий ижодиётдан фойдаланиш самарали натижалар беради.

§ 4. КАСБ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИ

4.1. Педагогик жараён моҳияти ва тузилмаси. Педагогик жараён ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллаш фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Касбий таълим жараёнида **мазмун, ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш** асосий боғловчи компонентдир.

Ўқиш тизимли ва асосланган ўқув фаолияти бўлиб, таълим олувчи томонидан билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқув жараёни ўзига хос ўрин тутади.

Англаш мураккаб, ривожланувчи жараёндир. Хис-туйғу ва билимларни қабул қилиш жараёнида таълим олувчи объектив хақиқатни англайди, у ёки бу предмет ёки жараён тўғрисида таассуротга эга бўлади.

Самарали ўқитишнинг муҳим шартлари қуйидагилардир: таълим олувчининг қизиқиши фаолиятининг фаоллиги, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги самимий муносабат. Бу эса ўз навбатида ўқувчининг ўқишга бўлган муносабати, унинг самарали ўзлаштириши, блим ва малакасининг ошириши, ўқув матерали билан самарали ишлаши иродавий сифатларининг ривожланиши ва олган билимларидан эстетик қониқиш ҳосил қилишини таьминлайди.

Таълим олувчининг характери ва фаоллиги ривожланиши даражалари турличадир. Агарда таълим олувчилар фаолияти пассив бўлса, ўқитиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

1. Таълим олувчининг билимларни қабул қилиш фаоллиги унинг шахс сифатида шакллантиришига ҳам таъсир кўрсатади. Ўқувчида ўз-ўзига муносабати меҳнатига, бошқа шахсларга, жамиятга, ишлаб чиқаришга, атроф мухитга ҳам шакллантириб боради.

2. Педагогик жараённинг муҳим спеўифик шароитлари. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг муҳим спеўифик шартларидан бири - бу амалий ўқитишдир. Амалий ўқитиш таълимнинг муҳим компонентларидан биридир. Ўқитиш жараёни амалиётидан тубдан фарқ қилади, чунки ишлаб чиқаришдаги ўқитиш услубининг асосий мақсади таълим олувчининг маҳлум бир касбга йўналтириш ва шакллантиришдан иборат.

Ўқувчи ва таълим олитувчи орасидаги ўзаро бирлиги ва алоқадорлиги ҳақида гапирилганда бошқарувчи ва ўргатувчи шахс бу ўқитувчи эканлигини унутмаслик керак. Фақат ўқитувчигина таълим олувчига билим бера олиши, уни шахс сифатида шакллантира ва у таъсир кўрсата олиши мумкин.

Лекин, ўқитувчи қанчалик чуқур билим бермасин, агар ўқувчи пассив, лоқайд, бепарво бўлса унда қизиқиш, интилиш уйғонмайди, ўқитувчи ва таълим олувчи орасидаги муносабат совуқлигича қолиб, билим бериш жараёни самарасиз бўлади.

Ўқитиш системада ўзаро алоқадорлик

Ўқитиш жараёнини методлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим. Агар ўқиш жараёни таълим олувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятларини хисобга олмасдан ташкил этилса, ундай ҳолда ўқитиш жараёни самарасиз бўлади.

Ўқитиш жараёнининг муҳим компоненти

Бериладиган билим мазмуни ўқув дастури, давлат таълим стандартида кўрсатилган бўлиб, унинг таркибини ижтимоий мақсад, давлат буюртмаси, педагогик тизимининг аниқ мақсадлари белгилайди. Педагогик жараённинг фақат таълимнинг мазмунлилигигагина эмас, балки унинг қонунийлигига ҳам таъсир кўрсатади, чунончи,

а) педагогик жараён шароитига қараб мазмун белгиланмаса, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришлари қийин кечади ҳамда педагогик жараён билан амалиётий шароит ўртасидаги боғлиқлик йўқолади.

б) гуруҳнинг шахсий имкониятидан келиб чиқиб ўқитувчи дастурга мантиқий ўзгартиришлар киритиши мумкин, бироқ бундай ҳолда ҳам педагогик жараённинг ўзаро боғлиқлиги бузилмаслигига эътибор бериши керак. Ўқув жараёнининг сифати бутун педагогик жараён самарадорлигига боғлиқ. Маълумот беришнинг педагогик жараёни – ўқитувчиларнинг илмий шаклланиши техник ва технологик ишлаб чиқариш билимларини шакллантиришдир. Педагогик жараённинг тарбиявий функцияси доимий ўқиштиш ва тарбиялашдан иборатдир. Ушбу педагогик жараёнда ўқитувчи ва устанинг вазифаси таълим олувчида ижобий сифатларни ривожлантириш учун тарбиявий чораларни максимал қўллашдан иборат. Тарбиячи таълим олувчиларда жамоага интилиш, дўстлик, интизом, ростгўйлик, ўз ишига жавобгарлик каби инсоний сифатларни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратади. Бунинг учун эса энг аввало, мураббийнинг ўзида шу сифатлар мужассам бўлмоғи лозим.

Педагогик жараённинг ривожлантирувчанлик функцияси

Берилаётган билимларни ўзлаштириш ўқув дастурида қайд қилинган таълим олувчилар ақлий, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш борасидаги ҳаракатлар уларнинг ўзлари томонидан ҳам амалга оширилиши лозим.

Таълим олувчиларни ривожлантириш – бу педагогик жараён натижасидир ўқиш ривожланишнинг гарови бўлиб, фикрий, ақлий ривожланиш билан бирга фаолиятнинг ҳам ривожланишига олиб келади.

Педагогик жараён тўғрисида аниқ фикрга эга бўлиш учун бу жараённи йўналтирувчи (бошқарувчи) кучлар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш керак. Бундай кучларнинг ривожланишини диалектик ўқиш нуқтаи назаридан аниқлаш мумкин. Педагогик жараёнга юзага келувчи қарама - қарашликлар ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш ҳам муҳимдир.

Ўқитувчи таълим олувчиларни билим ва малака билан қуроллантирар экан, уларни мураккаб масалаларни ҳал қилишга йўналтирилиши, педагогик жараёнда юзага келган қийинчиликларнинг бартараф этишга ундаги талим олувчи имкониятларидан ошмаслигига аҳамият бериши керак. Шундагина

таълим олувчиларнинг қобилият ва билимлари оддийдан мураккабга қараб бориб, уларни мураккаб масалалар ечимини топишга ундайди. Ишлаб чиқариш ва ўқиш орасида бевосита алоқа бўлиб, бу умумий педагогик жараёнда таълим олувчилар касбга йўллаш билимлари амалий масалалар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этишини тушуниб етадилар.

4.2. Касбий таълим тамойиллари. Умумдидактик тамойиллар билан педагогик жараён қонунлари ўзаро алоқада бўлиб, мазкур алоқа ўзининг спеўифик хусусиятларига эгадир. Уларнинг асосийларини кўриб чиқамиз.

Политехник тамойил Политехник билим замонавий ишлаб чиқариш тизимининг илмий асосларини эгаллашни назарда тутиб, шу билимлар асосида умумкасбий политехник ва махсус билимлар шакллантирилади.

Политехник тамойилларни ўқитишда қуйидаги шартларга амал қилиш лозим.

а) Асосий йўналишдаги ривожланган техника ва илмни ўқитиш

б) бир-бири билан ўзаро боғланган ўқув материали тизимини ташкил этиш.

в) Ўрганилаётган фан асослари борасидаги билимларни амалиётда қўллаш.

г) Таълим беришда таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш.

д) Таълим олувчилар қизиқишларини қондириш.

е) Касбий билим бериш умумтаълим билимларига таяниш.

ж) Ўқув материалининг турғун бўлишига эришиш.

з) Ўқув мавзуларининг кетма-кетлигига эришиш.

Амалиёт ва назариянинг ўзаро боғлиқлиги тамойили.

Ўқув жараёнида назарий ва амалий билимнинг ўзаро алоқадорлигига таяниш ва ўқув предметининг асосий мақсади ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш қуйидаги шартларга амал қилишга боғлиқ.

а) назарий билимларнинг амалиётда синалиши.

б) ихтиёрий иш жараёнида соҳавий билимларнинг қўлланилиши.

в) ишчиларни самарали ўқитиш омили касбий ишлаб чиқариш талабига мувофиқ касбий билим бериш эканлигини ёдда тутиш;

г) билимларни ўзаро малакавий боғлашда горизонтал ва вертикал йўлдан фойдаланиш.

Ўқув жараёнида мутахассис фаолиятини моделлаштириш тамойили. Моделлаштириш орқали мазмун ва мақсадларни исботлаш учун аввал осон билимларни ўзлаштириш, ўқитиш методларини ўқув режаси ва ўқув дастури талаблари асосида танлаш. Ўқув жараёнида кенг тармоқли ишчи фаолияти қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

а) билим ва малакани политехник йўналтириш.

б) Кўчириб (интегрция асосида) ўқитиш жараёнида градациянинг ўрни.

в) Кўчириб ўқитиш жараёни.

Мобиллик тамойили. Бу принцип шахснинг техник билимлари тез ўзлаштириш қобилиятини тавсифланади. Ишчининг ижодий иш характери, дунёқарашининг кенглиги муаммоларни англаб олиш ва ишлаб чиқариш ривожланишини кўра билиш билан белгиланади.

Тартибли кетма – кетлик тамойили қуйидагиларни ўз ичига олади:

* ўқув жараёнини режалаштириш;
* ўқув жараёнида кетма – кетликга амал қилиш;
* дедуктив ўқитиш методларини қўллаш;
* умумий таълим билимларини таянч қилиб олиш;
* ўқув матералларини ўзаро боғлиқ ҳолда тартибли бериб бориш.

Атроф-муҳитни ташкил этиш тамойили. Атроф муҳит деганда аввалом бор билим юртида ўқув куроллари дидактик воситалар базасини аратиш ва техник, технологик, экологик талабларга риоя қилиш шу билан бирга меҳнат муҳофазасини таьминлаш ва таълим олувчиларнинг соғлиқларини сақлаш борасида муайян шароитларни яратиш лозимлиги тушунилади.

Компьютерлаштирилган педагогик жараён тамойили

Ҳозирги вақтда компьютерлар ҳаётимизнинг турли соҳаларига кириб келмоқда. Шу боис ушбу тамойил муҳим аҳамиятга эга. Компьютерлар педагогик соҳада ҳам кенг қўлланилмоқда. Таълим олувчилар компьютерлар ёрдамида мавзуни кенгроқ, қизиқарлироқ ўзлаштирадилар ва тушунтирилаётган мавзуни экранда кўриш имкониятига эга бўладилар.

4.3. Педагогик жараённи лойиҳалаш. Педагогик лойиҳалаш тушунчаси ҳозирги даврда педагогик адабиётларда шунингдек, амалиётчи педагоглар томонидан муаммоли технология кенг қўлланилиб, ақлий ривожланишини таьминлаш мақсадида босқичма босқич компьютер технологияси ва бошқа технологияларни қўллаш тавсия этилмоқда. Ушбу фаолият ихтиёрий педагогик технологияни лойиҳалаш асосида қўллаш мумкинлигини англатади.

Лойиҳалаш объекти ва муаммолари. Лойиҳалаш ҳозирги кунда педагогик жараённинг муҳим жиҳатдан бири бўлиб, малакали педагогик жараён технологияси ва бошқа объектлар ўқитувчига таълим олувчиларни шахс сифатида шакллантириш ҳамда улар тарбиясига салбий таъсир этувчи омилларни йўқотиб, ҳар бир таълим олувчи учун индивидуал педагогик шароитлар яратади.

Педагогик лойиҳалашнинг (режалаш) умумий алгоритми.

Тайёрлов ишлари:

1. Лойиҳалаш объектининг таҳлили.
2. Лойиҳалаш шаклларини танлаш
3. Лойиҳалаштиришни назарий жиҳатдан таьминлаш (тажриба натижаси).
4. Лойиҳалаштиришни методик жиҳатдан таьминлаш (дидактик ва методик материаллар).

5. Вақт билан таьминлаш (маълум вақт ва ҳажмда ишлаш).
6. Лойиҳалашни моддий ва техник жиҳатдан таьминлаш.
7. Лойиҳалашни ҳуқуқий жиҳатдан таьминлаш (педагогик тизим ва жараёнда).
8. Лойиҳани ишлаб чиқиш. Билим бериш омилини танлаш. Ихтиёрий тизимнинг ўз-ўзига билим бериш омили орқали қолган компонентлари аниқланиб, бу омил бошқа омиллар билан бир бутунликни ташкил этади. Педагогик тизимнинг ўзи билим берувчи бир бутун компонент ҳисобланади. Чунки у, таълим олувчини шахс сифатида шакллантиради. Ушбу фаолиятни компьютерлар ҳам бажариши мумкин, фақат улар мақсадга мос ишчи лозим.
9. Компьютерлар орасидаги алоқани йўлга қўйиш.
10. Ҳужжатларни расмийлаштириш-олдиндан барча педагогик лойиҳалаштириш шакллари қўлланилиши билан бирга мақсадни, яқинлаштирувчи янги шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунончи, лойиҳа сифатини текшириш.
11. Илмий фараз (ҳаёлан умумий жараённи кўриш).
12. Лойиҳага нисбатан мутахассислар баҳоси (соҳанинг мутахассислари ва бу лойиҳани қўллашдан манфаатдор шахсларнинг баҳоси).
13. Лойиҳани шакллантириш.
14. Лойиҳани тасдиқлаш ва фойдаланишга бериш.

Лойиҳани тасдиқлашда биринчи ўринда лойиҳа кафедра муҳокамасига берилиб кейин юқори аттестацион кенгашлар ҳимоясига қўйилади. Аттестацион комиссия ҳимоясига қўйилган лойиҳа ютуғи, мақсади, чуқур таҳлили, ўқув матералларининг мазмуни, метод ва шаклларига нисбатан ўз баҳосини беради.

4.4. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш. Таълим олувчиларнинг асосий ўқув фаолияти билимларни ўзлаштириш бўлиб, у қуйидаги компонентларни ўз ичига олади. Ўқув материалини қабул қилиш, фикрлаш, эгаллаб қолиш ва қўллаш. Бу компонентлар бир – бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ўқув жараёнида кетма-кет қўлланилиб, бутун бир ўқув жараёнини ташкил этади.

Таълим олувчи томонидан ўқув материалининг қабул қилиниши.

Ўқув материалини қабул қилиш ўқув жараёнининг энг муҳим қисмидир. Ўқув материалининг яхши қабул қилиниши ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради.

Ўқув материалини самарали ўзлаштиришнинг ички шароитлари. Ўқув материалини самарали ўзлаштириш учун, энг аввало таълим олувчининг эҳтиёжи бўлиши керак. Ички эҳтиёж билимларни ўзлаштириш вақтида ҳаракат сифатини оширади. Ички ўзлаштириш, материални имтихонга қадар эсда сақланиб қолиш бўлиб, жавоб бериб бўлгандан кейин эсдан чиқади. Ўзлаштиришнинг муваффақияти таълим олувчининг фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Чунки таълим олувчи берилаётган материал

мазмунига қизиқса ва ўз устида ишласа ўзлаштиришнинг энг юқори чўққисига эришиши мумкин.

Ўзлаштиришнинг ички далилларидан яна бири берилаётган материал мазмуни таълим олувчи томонидан тушунилишидир. Таълим олувчи мавзуни тушунмаса ўз устида қанча ишламасин, бу мавзуни олдинги мавзулар билан боғлай олмаса, Мавзунинг ўзлаштирилиши содир бўлмайди ёки мавзуни ўзлаштириш жуда қийин кечади, билим саёз бўлади.

Қабул қилишнинг ташқи омиллари. Қабул қилишнинг асосий омиллари асосан ўқув материалининг мазмунига боғлиқ бўлади. Унинг қийинлиги, ўқув материалида қўлланиладиган техник тушунчаларнинг аниқ ёки мавҳумлиги амалиётга боғлиқлигига кўра фарқ қилади.

Эслаб қолиш. Ўқув материалини қабул қилишнинг энг муҳим компоненти бу янги материални эслаб қолиш ва хоҳлаган вақтда уни назарий ва амалий жиҳатдан қўллай олишдир. Таълим олувчи ўқув материали билан фаол ишлаган сари уни яхши ўзлаштиради ва самарали қўллайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўта мураккабдан кўра яхши эслаб қолинади ва формулали материалга нисбатан ҳаётий маълумотлар узоқ сақланади. Эслаб қолишнинг самарадорлиги таълим олувчининг иродавий хусусиятларига боғлиқ бўлиб, иродасиз таълим олувчилар материални юзаки ўзлаштирадилар, натижада маълумотлар тез унутилади.

Тушунишни тизимлаштириш. Билимларни эгаллаш, бу, энг аввало, муайян тушунчага эга бўлган шахсий билимлар даражасини характерлайди. Тушунишнинг асосий хусусияти мавҳумдан аниқликка ўтишдир. Тушуниш муомала ва мулоқотнинг маҳсули ҳисобланади.

Сигнализация – фикрлаш фаолияти даврида ўрганиладиган, эгалланиладиган билимлар мажмуаси демакдир.

Билимларни қўллаш асосида кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Бизга маьлумки билимларни амалий фаолият жараёнида қўллай билиш билимларнинг эгалланганлик даражасини кўрсатади. Назарий билимлар ўзида икки жиҳатни акс эттиради:

– Назарий билимларни амалиётда қўллай билиш, яъни лаборатория ишларини бажариш давомида эгаллаган билимлар асосида уй вазифасини бажариш;

– Бу жараёнда билимлар кенгайиб мукамаллашиб чуқур ўзлаштирилган билимга айланади.

4.5. Шахсий малакавий билимларни ўзлаштириш. Шахснинг ўз устида ишлаши. Шахсий билимларни ошириш, билим олишнинг алоҳида тури ҳисобланиб, унда таълим олишнинг асосий оғирлиги таълим олувчи зиммасига юклатилади. Бу жараёнда қуйидаги ижтимоий психологик шартларга амал қилинади:

– Таълим олувчининг шахсий касбий малакасининг юқорилиги.

– Оммавий ўқитиш корхоналар индивидуал иш фаолияти аҳоли орасидаги бандликни таьминлашга олиб келади.

– Мутахассисларнинг билим даражаси меҳнат жараёнида рақобатбардошликни таьминлайди.

– Замон анавий технологиялар ва мутахассислар фаолияти ишсизликни келтириб чиқаради, бу ҳолат эса ишсизларни янги мутахассислик турларига қайта ўқитишни тақозо этади.

– Дунё иқтисодиётининг ривожланиши ва шу билан бирга мутахассислар билимининг мукамаллашиб боришига олиб келади.

4.6. Шахсий билимларни оширишнинг асосий назарияси. Бу ўринда ҳам мутахассиснинг шахсий қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Хусусан:

– Шахс сифатида турли соҳаларда ривожланиш (шахснинг индивидуал ютуқлари хисобига олинган холда).

– Ишчиларнинг иш мазмуни тубдан ўзгаради. Бунда ишчиларнинг билим кўникма ва малакалардан ташқари мутахассислик маҳорати алоҳида роль ўйнайди.

– Касбларнинг турғунсизлиги, яъни, меҳнат бозорида касбларга бўлган талабнинг ўзгариб туриши.

4.7. Шахсий маълумот мазмуни. Анъанавий режалаштириш мазмуни малакавий таълим беришда шахсни ривожланиб, шаклланиб боришга тўла имкон бермайди, Ўқув режаси мазмуни ва шакллар бунга ҳамиша тўла йўл қўявермайди.

Бунга эришиши учун ўқув дастури хужжатларига модул харакатлар қўлланилиб ҳар бир бўлимга мустақил ёндашуви имкониятини бериш керак. Таълим олувчига дидактик востали ўқув блокини танлаш ва ўз устида ишлаш имкони берилади. Ўқитувчи эса секин-аста маслаҳатчи, илмий раҳбар ролини бажаришга ўтади..

4.8. Малакали ривожланишнинг субъектив мониторинги. Мониторинг тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, эслатиб турувчи маьносини англатади. Малакавий ўқув жараёнини ташхисли кузатиш ушбу тушунча мазмунини англатади. Мониторингнинг асосий моҳияти малакали ўқув жараёнини динамик жиҳатдан ташҳислашдир.

Технологик мониторингни қуйидаги группаларга бўлиниши мумкин:

а) Кузатиш – касбий ривожланганлиги ўзгаришлар ва янгиликларда кузатиб бориш. Кузатиш доимо ўзининг субъективлиги билан тавсифланиб мониторинг сифатига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

б) Тестли шароит методи – бунда ўқитувчи махсус шароит яратиб, бу шароитда таълим олувчиларнинг малакавий ўқув фаолияти яққол кўринади. Малакавий фаолият сифатини аниқлаш учун ўқитувчи ўқув жараёни орасида аниқловчи саволлар бериб боришдир.

в) Экспликация.

г) Сўров методи – ўқитиш жараёнида ўқув материали юзасидан муайян субъект борасида ёзма таҳлилни олиб бориш ёки махсус тайёрланган (танланган) саволларга оғзаки жавоб бериш.

Бу метод ёрдамида ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражасини ҳам аниқлаш мумкин. Мониторинг асосий методи бу малакавий ўқув жараёнининг натижаларини таҳлили этишдир. Ушбу таҳлил асосида таълим олувчиларнинг график материаллари, техник ишлари, ҳамда ёзма матнлари юзасидан таҳлил олиб борилади.

Мониторингни 3 турга ажратиш мумкин:

– Бошланғич ташҳис.

– Экспресс (тескор) ташҳис.

– Якуний ташҳис.

4.9. Таълим олувчиларнинг шахсий малакавий ривожланишини мўлжал қилиш технологияси. Таълим олувчиларнинг шахс сифатида технологик жиҳатдан ўрганишнинг малакавий билимлари ривожланиши даражасини аниқлаш ўқитувчининг иннавацион фаолияти мазмунига боғлиқ. Чунки ўқитувчи маълумотларни тўплаб қолмай, балки таълим олувчиларга етказиб ҳам беради. Шундай экан, ўқитувчиларнинг малакавий билимлари такомиллашиб, педагогик фаолияти ҳамда фикрлаш фаолияти мазмуни мукамаллашиб боради.

Шахсий малакавий билимлар ривожини мўлжал қилишнинг мақсади - таълим олувчида малакавий билимларни ривожлантириш, касбий тажрибага эга бўлишни таьминлаш, унда соҳа мутахассиси бўлиш ва ўз устида ишлашга кўникма ҳосил қилишдан иборат. Тамойиллари:

1. Касбий таълимни инсонпарварлаштириш.

2. Келажакни режалаштириш, касб танлашда шахс қобилияти ва малакасини ҳисобга олиш.

3. Ўз кўникма ва малакасини ошириш, шакллантиришга нисбатан изланувчанлик иқтидори ва ички эҳтиёж билан ёндошиш.

Ўқитувчи малакасини оширишда мотивацияни шакллантириш қуйидагиларни ўзида акс эттиради:

– Ўқитувчининг шахсий аттестацияси.

– Малакани ошириш жараёнида муаммоли семинар ва ривожлантирувчи маърузаларни ташкил этиш.

Таълим олувчининг шахсий билимлаир мазмунини фарқлашда қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

– Ўқув режасини вариантлар асосида тузиш;

– Шахсни ривожлантиришда ишлаб чиқариш технологияси техника, техник ижод психологияси, ҳамда малакали психологлар хизматидан унумли фойдаланиш.

– Қўшимча психологик факультатив курсларни ташкил қилиш.

Педагогик технологияда шахсий малакавий ривожланишни мўлжаллаш қуйидагига ташкил этади:

– Масалалар мажмуасини хал қилиш ва интегратив дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида технологик ўқитишни ташкил этиш;

– Қўлланмалар ёрдамида ўз ўзини бошқаришга ўқитиш.

Ўқиш жараёнида ўқув жиҳозларни танлашда шахсий мўлжал олиш кўникмаларини тарбиялаш қуйидагилардан иборат бўлади:

- Таълим олувчининг ўқиш жараёнини назорат қилиши ва бошқариши;
- Амалий хоналарни ташкил қилиши;
- Ўқув жойларини ташкил этиши.

4.10. Касбий таълимнинг самарадорлик мезони. Мутахассислик малакаси самарадорлигини аниқловчи асосий критериялар қуйидагилар киради:

- малакавий фаолиятда мустақиллик хиссининг юзага келиши;
- меҳнат хавфсизлигига амал қилган ҳолда техник талабларни бажариш;
- ишлаб чиқаришда вақт ва меьёрларга амал қилиш;
- касбий фаолиятида фикрлаш ва ўзини ўзи назорат қилишни ташкил эиш;
- меҳнат маданиятига қатьий амал қилиш;
- меҳнат фаолиятига ижодий ёндошиш;
- бажариладиган иш учун маьсулият хис қилиш.

§ 5. КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ШАХСИ ФАОЛИЯТИНИ УЙҐУНЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгач, таълим давлат сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллади. Бу эса “Таълим тўғрисидаги” Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг” яратилишига асос бўлди. Натижада таълим жараёнида таълим мазмунининг янги лойихаси - илғор педагогик технологияларга ўтиш зарурияти вужудга келди.

Олий мажлиснинг XIV сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов “Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таҳминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур”лигини уқтирган эдилар.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги лойиҳаси ривожлантирувчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, ўқувчи шахсига йўналтирилмоғи керак. Илғор педагогик технологиянинг марказида эса таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти-ю объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчи туради. Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида ташкил топиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, ўқитувчи таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш принциплари ҳамда йўллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқишга, ўрганишга йўналтириш, ўқувчи шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, синфда ижодий, ишчан муҳитни вужудга келтириш, ўқувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Таълим технологиясининг фалсафаси нимадан иборат

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “techne” - “маҳорат”, “санҳат” ва “logos” - “тушунча”, “ўрганиш” демакдир. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усул ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек, объект-да содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Ўқитувчилар ўз иш фаолиятини қуйидаги технологик жараёнга бўйсундиришлари керак: тартибга солиш, бир тизимга келтириш, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш.

“Таълим технологияси” тушунчаси “Таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгдир. “Таълим методи” - ўқув жараёнининг комплекс вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш усули. “Таълим методикаси” эса муайян ўқув предметини

ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

“Таълим технологияси” тушунчаси - таълим мақсадига эришиш инструментарийси, яҳни илгаридан лойиҳалаш-тирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш ва шу мақсадга эришишнинг метод, усул ва воситалар тизими, таълим жараёнини бошқаришни ифодалайди.

“Педагогик технология”нинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоен бўлади.

Ўқитувчининг актив фаолият кўрсатишига йўналтирилган, дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўлароқ, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчи (ўқувчи)ларга йўнал-тирилган бўлиб, болаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, ўқув мате-риалларини ўзлаштиришга қаратилади. Педагогик техно-логиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлан-тириш орқали таълим мақсадига эришишни таҳминлашдан иборат.

Педагогик технологиянинг тамойиллари қуйидагилардир: кафолатланган якуний натижа, таълимнинг маҳсулдорлиги, тескари алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги.

У ёки бу педагогик технологияни танлаш режалаш-тирилган дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғ-лиқдир. Педагогик технология доирасида янги ўқув мате-риалини ўзлаштиришнинг бошланғич, алгоритм, ижодий, эвристик характердаги даражалари мавжуд.

Бошланғич характердаги даража - ўқувчининг эшитган-лари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажариш кўникмаси-ни ифодалайди.

Алгоритм характердаги даража - билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга ошириш кўникмасини ифодалайди.

Ижодий характердаги даража - ўқув материалини, шунингдек, илгари ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни турли ҳолатларда тадбиқ эта олиш маҳорати билан характерланади.

Эвристик характердаги даража - тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўлларини излаш ҳамда бу муаммоларни ечиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш кўникмасига эга бўлиш билан характерланади.

Бошланғич ва алгоритм характердаги даражалар репродуктив пландаги билим ва кўникмаларни талаб қилади. Ўзлаштиришнинг ушбу даражалардаги педагогик технологияни ижрочи технология деб аташ мумкин.

Ўқув материалини эсда сақлаб қолишга ва кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган билим ва маҳоратлар дара-жаси ўқувчиларнинг репродуктив ва маҳсулдор (продуктив) фаолиятларини уйғунлаштиришни талаб қилади.

Бу даражанинг педагогик технологияси муаммоли-ривожлантирувчи технологияга алоқадордир. Бундай технология асосида таълим жараёнини ташкил этганда ўқувчилар ўқув материалини рефератлаштиришга, маърузалар билан чиқишга, мунозараларда ва ишчан ўйинларда иштирок этишга ўрганишлари лозим.

Ўқув-билув фаолияти изланувчи, эвристик характер касб этганда, юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим методи, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар методи, ишчан ўйинлар, мустақил ишлар, муаммоли характердаги топшириқлардан фойдаланиш зарур. Бу даражанинг педагогик технологияси эвристик технология деб аталади.

Таълим жараенининг дидактик таркиби қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради: муайян ўқув тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгусида ўқув омилларини яратиш технологияси), фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология ва бошқаришга асосланган педагогик технологияси.

Таълим-тарбия жараёнининг мавзуси бутун дарс давомида ўқувчининг фаоллигини, мунтазам тарзда қизиқувчанлигини уйғотишга ундаш мақсадини кўзда тутади. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишга имкон беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ва натижани кўзламаган топшириқлар мавзунинг беқарор бўлишига олиб келади.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни татбиқ этиш ва унинг мақсадига эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг тўғрилиги коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техниканинг эгалланганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қўллашга улгура олишига боғлиқдир. Бу фаолият ўз навбатида янги коммуникатив технологияга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи турли кўринишдаги фаолиятларда иштирок этади. Худди шундай педагогик фаолият шаклларидан бири ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига асосланган биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти (лекция, ҳикоя, суҳбат, маъруза) ижтимоий нуқтаи назардан ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлади. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчида мустаҳкам ўрнашган ишончни шакллантириши лозим. Бу ишонч бевосита ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади. Бундай мулоқот ўқувчилар гуруҳига мўлжалланган бўлиб, бевосита жамоа меҳнати сифатида намоён бўлади. Мулоқот якка шахсга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин, яҳни ўқитувчининг ўқувчи билан ҳамда бир ўқувчининг иккинчи бир ўқувчи билан мулоқоти сифатида. Мулоқот йўли билан ўқувчилар мавжуд нарса ва ҳодисани билиб оладилар, янгидан-янги ахборотларни қабул қиладилар. Бошқа бир томондан эса, ўқитувчи ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи шахсини ўрганади.

Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти педагогик характердаги мулоқот бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажаришга йўналтирилиши керак. Жумладан: оптимал, яхлит, қулай ўқув муҳитини, руҳий вазиятни, ўқув фаолиятини оптималлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатни ташкил этиш, шунингдек, ўқувчилар жамоаси орасидаги муносабатни шакллантириш назарда тутилади.

Педагог ўқувчилар орасидаги нохуш таъсирларни, улардаги ҳиссий зўриқишларни бартараф эта олиши керак. Агар ўқитувчи юқорида кўрсатилган таъсирларни бартараф эта олмаса, бу тарздаги ҳиссий зўриқиш илгариги муваффақиятсизликлар билан қўшилган ҳолда ўқувчиларда ўқитувчи ва ўқув предметига нисбатан негатив муносабатни вужудга келтиради ҳамда қўрқув ҳолатига, ишончсизлик, диққат сусайиши, эсда сақлаш қобилияти, ишчанлик, нутқ динамикаси бузилишининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар синфда, кўп ҳолларда эса, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан салбий мунособатда бўлишига олиб келади. Бу ҳол ўқувчининг ортиқча ҳиссиётларга берилишига, ўқув фаолияти мотивациясининг пасайишига, ўқишдан безишга, ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, нохуш ҳиссиётларни бартараф этишга йўналтирилмоғи лозим. Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги мулоқот эришилган ютуқлардан завқланишга, ўқув фаолиятига нисбатан чанқоқлик билан интилишга ҳамда биргаликдаги мулоқотга чорлаши керак. Бу эса ўзаро педагогик таъсирни ташкил этиш учун алоқа воситаси, “кўприк”ни вужудга келтиради. Таълим жараёнида, ўқувчига нисбатан ҳурматсизлик билан ёндошилган тақдирда, кўзда тутилган талабчанликка, айниқса, онгли тарздаги интизом ўрнатишга эришиш мумкин эмас.

Бошқа бир томондан олиб қараганда, педагогик мулоқотнинг таркибий қисми бўлган коммуникатив фаолиятни қуйидаги схема асосида татбиқ этиш мумкин: педагогик жараённи моделлаштириш, синф билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқотни (коммуникатив ҳужумкорликни) ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқотни бошқаришни ташкил этиш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш давомида мулоқот тизимини моделлаштириш.

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқотнинг турли йўллари (стиллари) мавжуд. Уларни қуйидагиларга -ўқитувчининг ўқувчилар жамоасига нисбатан барқарор-ижобий, суст-ижобий ҳамда беқарор муносабатларига ажратиш мумкин.

Ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан барқарор-ижобий муносабати болаларга нисбатан турғун ҳиссий-ижобий муносабат, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, қийинчиликларни енгишга ёрдам бериш, улар билан вазмин ва тенг оҳангда мулоқотда бўлиш билан характерланади.

Суст-ижобий муносабатдаги ўқитувчилар қуруқ муносабат ва расмий оҳанг билан ажралиб турадилар.

Беқарор муносабатга эга бўлган ўқитувчилар ўрнатилган умумий ҳиссий-ижобий ҳолатдаги вазиятли муносабатларда ўқувчилар жамоасига нисбатан беқарор муносабатда бўлишлари билан характерланадилар. Бу гуруҳга мансуб бўлган ўқитувчиларнинг кайфият ва ташвишлари уларнинг қиёфасида, оғзаки нутқида акс этади. Бутун таълим жараёнида ўқитувчининг ҳаётбахш сўзи таълим-тарбия тизимининг энг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчи ўзининг мазмунли ва таъсирчан нутқи воситасида ўқувчининг фикри ва ҳиссиетини уйғотади, ўқув предметини ўзлаштиришга рағбатлантиради ва сафарбар қилади, ўқувчи шахсини шакллантиради. Ўқитувчининг доно ва ўткир сўзи ўқувчи қалбига шифо бағишлайди, уни жазоламасдан тўғри йўлга бошлайди.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларга коммуникатив таъсир этиш йўлларини ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган методлар ёки коммуникатив таъсирлар қуйидагилардан иборот: ишонтириш методи, исботли натижаларга асосланиш методи, бевосита ва билвосита таъсир методи, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.

Ўқув омилларини яратишга асосланган технологияси охир-оқибатда ўзида актерлик фаолиятни мужассамлаш-тиради. Чунончи: нутқни драмалаштириш, нутқнинг таъсир-чанлигини ошириш, фантазия қила олиш, нутқнинг оҳангдорлиги, нутқ тембри, асар қаҳрамонлари орқали ҳаётни ўрганиш ички ҳамда ташқи ритм ва темпнинг таъсирини ҳис қилиш, шоироналик, яхши товуш, қиефа, мимика, имо-ишора, маҳноли ҳаракатлар ва ҳоказо.

Педагогик технологиянинг фаолият кўрсатиши ҳисобига таълим жараёнининг мотивацияси кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда бевосита ўқувчиларнинг ўзлари фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммоларнинг ечими бевосита бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланилиши билан боғлиқдир.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг характерига боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий қараш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун дарснинг анъанавий шакллари, жумладан, уйғунлаштирилган дарслар билан баробар дарс-конференция, ишчан ўйин дарслари, интеграллаштирилган (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Бунинг учун таълим

методлари таълим мақсади билан мутаносиб(адекват) бўлиши керак. Чунончи, турли типдаги ҳолатлар учун билимни қўллашга йўналтирилган топшириқлар, фаолият кўрсатиш йўлларини янги шароитда қўллашга қаратилган топшириқларни бажариш, схемалар тузиш, таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар.

Етарли даражадаги мотивация ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришиш кафолатланмайди. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина, бу жараённи ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таҳминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради: фаолиятни бошқаришни ва ўқувчилар жамоясини бошқаришни. Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришига имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширилади ва вариатив тарзда ўзгартириш чораларини кўришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқариш талаби билан, шунингдек, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг характери билан боғлиқдир.

Юқорида таҳкидланганидек, педагогик технология шахсни ривожлантиришга имкон беради.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи принциплари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: инкорпорация - системали ёндашув асосида турли фанларга оид билимларни бирлаштириш, мослашганлик - турли таълим муассасаларида таълим шакли, методи ва усулларининг қўлланилувчанлиги, уйғунлилик-муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши, яратувчанлик - турли ўқув муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари, табиийликни ҳис қила олишлик - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослигини индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

Бизнингча, таълим-тарбия жараёни учта ўзаро алоқадор бирлик - таълим, тарбия ва ривожланиш сифатида кўриб чиқилади. Бу уч бирликни баробар татбиқ қилиш жараёни модуллашган технологияни қўллашни осонлаштиради. Модуллашган технологиянинг характерли қирраларидан бири таълим мазмунини тартибга солишдан иборат бўлиб, бунда барча ахборотлардан фақатгина шундайларини қатҳийлик ва қунт билан танлаб олиш керакки, улар давлат таълим стандарлари доирасида ўқувчилар фаолиятини зарурий етарли даражада муваффақиятли амалга оширишни таҳминлаши лозим.

Модуллашган технология модулларни лойиҳалаштириш-дан бошланади (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш - бу таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш). Сўнгра ажратилган ҳар бир

модулҳ бўйича шу модулнинг ўзигагина тааллуқли бўлган фаолиятнинг мазмуни ва таъсир доираси аниқланади ва шу асосда моделлашган технологиянинг мақсади белгиланади. Моделлашган технологиянинг мақсадига эришиш учун моделҳ босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда ҳар бир қадам ўқув элементи сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар, таълим учун зарур булган фаолиятни таҳминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар, мақсадлар идентификацияси, яҳни таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар, ўқув мате-риаллари ва ўқув шароитини назорат қилиш инструментлари, чунончи, ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар, тестлар, мақсад эталони ва бошқалар.

Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади бир неча даражаларда ойдинлашади: биринчиси - таълим муассасасининг мақсади ҳамда педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, иккинчиси - ўқув предмети (бўлим)нинг мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, учинчиси - ушбу модуль (ўқув элементи)нинг мақсади ва унинг ўқувчилар фаолиятидаги идентификацияси. Шундай қилиб, таълимнинг умумий мақсади алоҳида модулга ҳам, унинг ташҳис қилинадиган охирги натижаларига ҳам ўтказилади.

Режалаштиришнинг аниқ анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан таҳминлаш назарда тутилади. Модуллашган педагогик технологияни ишлаб чиқиш тартиби қуйидаги кетма-кетликдаги босқичларни ўз ичига олади: аналитик, конўептуал, мақсадли, мазмунли ва жараёнли.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг аналитик босқичида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, улардан келиб чиқадиган хулосалар ва ёш авлоднинг гармоник тарзда ривожланишига йўналтирилган таълим мазмунини танлаш ҳолатлари, тегишли машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг конўептуал босқичида таълим конўепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, ифодаланган хулосалар ҳисобга олинади. Модулнинг таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, бакалаврият, магистратура, умуман, соўиумнинг таркиби сифатида ифодаланади. Бу айниқса, босқичли таълим тизимининг алоҳида элементлари учун характерлидир.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, институт еки университет)нинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим соҳалари ва шу блокдаги алоҳида ўқув предметларнинг истиқболдаги мақсади, шунинг-дек, алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг ифодаланиш мақсади ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг мазмунли босқичида таълим соҳалари, шунингдек, шу блок тизимидаги ўқув предметлари мазмунини танлаш тамойиллари ва мезонлари аниқланади. Блоклар ҳамда улар таркибидаги алоҳида элементларнинг, яҳни аниқ ўқув предметларининг мазмуни алоҳида олинган мақсад билан боғлиқ тарзда идентификацияси ўқув предметлари мазмунини ташкил этадиган йирик мавзуларда акс этиши керак.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг жараёнли бос-қичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бажаришларига йўналтирилган таълим тури таълим методлари намоён бўлади. Бу жараённинг педагогик технологиясида, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида демократик усуллар, ташкилий шакллар ва таълим воситаларини танлашга алоҳида ўрин берилади.

Шундай қилиб, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизимини, таълимнинг методик усулларини, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситаларини, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, якуний натижаларга эришиш инструментарийсини мужассамлаштиради.

Янги педагогик технологияларни тузишда анъанавий таълим ва тарбия методларидан нималарни олиш мумкин? Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг “Янгисини қурмасдан эскисини бузма” ибораси таълим тизимига ҳам бевосита оиддир. Анъанавий ўқувчилар билан бевосита алоқа, оғзаки сўров, ёзма ишлар олиш, иншо, мустақил дизайн ва расм, чизмакашлик, амалий ишларни коғоз, ёғоч, юнг, метал, пластмасс материаллардан тайёрлаш мутолаа (декломация шеҳр, монологларни оғзаки баён этиш.)

Шу билан бирга умумий ўрта мактаб таълим стандартларини янги дастурлар асосида амалга оширишда анъанавий методларни ўзи етарли бўлмай қолди. Ҳозирда дарс жараёнини активлаштириш учун ўқувчилар билан муаммоли, дастурли, изланувчан методлардан кўпроқ фойдаланилса, амалий машғулотларда эса ишчан ва педагогик ўйинлардан, индивидуал топшириқлар бериш, ўқувчилар яккама якка ва гуруҳий фаолиятларини уйғунлаштиришни амалга оширилиши зарур шартлардан бири бўлиб қолди.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз мафкураси бўлмоғи даркор. Таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”.

“Ўзбекистон - келажаги буюк давлат” рисолаларида ва ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашувида мустақил Ўзбекистон Республикаси мафкурасининг асосий йўналишлари-белгилаб берилган.

Юқорида кўрсатилган асосий йўналишларни амалда татбиқ қилиш учун етарли даражада педагогик шарт шароитлар яратилганми? Бундай савол масалани чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этади. Хўш, таълим тарбия мафкураси қандай бўлмоғи лозим? Бу борада яқин ва ўтмишимизга назар ташласак, кўп нарса равшан бўлиб, бир қатор тушунмовчиликлар ойдинлашади.

Бизга, Мовароуннаҳрга таълим назарияси қаердан келган? Овропаданми? Россияданми? Кўп сонли тадқиқотларга, тарихий манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, таълим назариясини таълим-тарбия мазмуни, шакли ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Овропа орқали ўзгариб, ривожланиб ҳамда бузилиб, яна Мовароуннаҳрга қайтиб келди.

Бундай фикрни тасдиқлаш учун бир неча далилларнинг ўзи кифоя. Дунё тарихий педагогик жараёнида умуминсонийлик ва миллий масалаларни таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Бу борада Шарқ улуғ мутафаккирларининг ғоялари аҳамиятга моликдир. Маълумингиз бўлсинки, Ал Форобий, ибн Сино, Беруний, Ал Хоразмий ва бошқаларнинг ғоялари дунё ижтимоий-педагогик жараёнига кўп жиҳатдан таъсир этиб, маълум даражада ўйғониш даврининг асосий шарт-шароитларини яратиб берган.

Шарқ мутафаккирлари хулосаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар илгари сураётган педагогик ғоялар бевосита ўрганилаётган фан мантиқидан ажратилмаган Таълим-тарбия мақсади, принциплари, мазмуни ва услубларига хос ғоялар алоҳида китобларда берилмай, балки бевосита амалда, биронта фанда аниқ билим, иқтидор ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида ёритилади. Қамусий олимлар асарлари лотин тилида ўрта аср Оврўпо университетларида ўқув қўлланмалар сифатида қулланилгани аниқ. Яҳни бу асарлар табиий ва ижтимоий илмлар билан бир қаторда умумпедагогик ва хусусий услубий илмларни ривожлантириш учун асос бўлган. Абу Али ибн Синонинг педагогик ғояларга тўла “Зийракли - Тирик ўғлон” асари испан адиби Ибн Туфайланинг “Якзон ўғли Хайя” ҳақидаги повестининг ёзилишига асос бўлади. Бу асарлар лотин тилида нашр қилинган бўлиб, Ж.Ж.Руссога таниш эди. У ўзининг “Эмилҳ ёки тарбия ҳақида” асарини ёзишда юқоридаги китоблардан фойдаланган. Испаниянинг педагогик олими Гундисалва (XII аср) “Фалсафанинг булиниши” асарида Ал Форобийнинг “Фанлар саноғи” асарини лотинчага ижодий таржима қилади. Гундисалва бўйича илмий билиш борлиқни, тажриба асосларида ўрганишдан кейин гипотетик тахминларга индуктив ёки дедуктив хулосалар чиқарилиб, тажрибада синалади. Яъни яна амалиётга қайтилади. Демоқчимизки, В.И.Лениннинг “жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга”… ғояси у киши

туғилмасдан бир неча аср олдин бизнинг боболаримиз томонидан тахлил қилинган.

Оксфорд университетининг профессори Роджер Бекон (XII аср) Ал Форобий ва ибн Синоларнинг хулосаларини чуқурлаштириб, ўзининг “катта”, “ўртача” ёхуд “кичик” қомусий китобларини ёзади. Бу асарлар, шубха йўкки. Оврўпода тарқалади ва маълум даражада XV - XVI асрларда педагогикадаги пансофик ҳаракатга туртки беради. Пансофик ҳаракатининг ёрқин намояндаларидан бири чет эл педагоги Ян Амос Коменский эди. XVI асрда яшаб ижод қилган Я.Коменский педагогиканинг дидактикасини ривожлантиришга, таълимда масҳул ўқув плани, ўқув йили, синф-дарс системасини татбиқ этишга катта ҳисса қўшган. Албатта, ҳозирги, муахассасларни оммавий тайёрлаш шароитида таълимни ташкил этишнинг синф-дарс системасидан бошқа шакли таклиф этилгани йўқ. Лекин Ўрта шарқда, IX асрда ҳали Оврўпонинг кўп жойларида, жумладан, Россияда ҳуснихат ишлатилмаган бир вақтда кўҳна Хивада - Маҳмун академаясида қанча-қанча тиббий, табиий, астрономия, математика, коинот илмлари бўйича йирик фан намоёндаларини Ал Беруний раҳбарлигида синф-дарс системасисиз тайёрланганлиги кишини ҳайратга солади.

XIX асрда Россия Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирганидан бошлаб ва, айниқса, октябрҳ революциясидан кейин бизнинг мактабларимизда ўзига хослик йўқолди. Қамма жойда “бир хил ўроқ” билан ўрилди. Ўзбек мактаби “Кодиминская школа”га айланди, рус-тузем мактаблари кўкларга кўтарилиб, унинг намоёндалари ўзбек халқининг миллий ифтихорига айлантирилди.

Нима учун ҳозир ҳам дин намоёндалари ваҳз қилганида ҳамма ҳайратда, жим қулоқ берамиз. Нима учун ваҳзхонликда, сўзамолликда институт ўқитувчиси ёш муллаваччага бўш келади. Чунки ўша “эски” деб номланган мактабда нутқ маданиятини ўстиришга алоҳида аҳамият берилади, домладан кўра ўқувчининг овози таҳсил давомида кўпроқ эшитилади. Нутқ маданияти ортади, маъруза давомида фикрлаш малакаси пайдо бўлади.

Кохира университетига кирувчилар дастлаб “Қурҳони Карим”ни топширишар экан. “Қурҳони Карим”нинг тўлиқ матнини ҳар куни 16 соатдан уддама ўқилса, икки ҳафта ўқилади. Шунча катта матнни ёддан, қироат билан ўқишни билиш ва университет талабаларига дунёвий илмларни ўрганишига зараридан кўра фойдаси кўпроқ бўлса керак. Бу билан биз ҳамма Қурҳонни билиши керак, ҳамма диндор бўлиши керак, демоқчимасмиз. Эски “схоластик” деб ном олган мактабларимизнинг ижобий томонларидан фойдалансак деган мақсад бор.

Масаланинг яна бир муҳим томони - нутқ маданияти, яҳни нотиқлик муаммосидирки, ёшларимиз, айниқса, балоғат ёшидаги ўспиринлар, ундан юқорилари ҳам баҳсда, ҳамиша оддий шароитларда ҳам бир-икки сўз алмашувидан кейин баланд овозга, кейин ҳақоратга, кейин эса куч ишлатишга ўтиб кетишади. Ёш ўтавергани сари овоз бўшлиқлари “қота

беради”, одам тажанг бўла беради, ташқи таъсир тезда руҳий ҳолатга таъсир этадиган бўлиб қолади.

Шарқ мутафаккирларидан Жалолиддин Давоний “Ахлоқ бу ироданинг маҳсули” деган эди. Шундай ибораларни Ал Беруний, ибн Синода ҳам учратиш мумкин. Бу иборанинг тагида жуда катта маҳно ётади. Андишанинг оти ҳақиқатда ҳам қўрқоқлик ёки андишалилик, босиқлик, тўзимлилик, бу иродавийлик, кучлилик белгисими? Бир гапдан қолишлик бу қўрқоқликми ёки маданиятлиликми? Бу ва шунга ўхшаш хислатлар тушунчаси умуминсоний қадриятлар билан миллий ўзига хослик ўртасидаги мувозанатни белгилайдиган мезонлардан ҳисобланади.

Комил инсон шахсининг умум инсоний қадриятлари ёхуд ижобий хислатлари ўзи нечта? Ўзбек характеридаги ижобий хислатларни шакллантириш ва ривожлантириш технологияси қандай тузилади?

Таълим ва тарбиянинг мафкурасини белгалайдиган кишилар шахсий хислатлари пардасини бир оз очсак, бизнинг назаримизда қуйидагилар яққол кўринади. Тўғри тарбияга молик умуминсоний ижобий хислатларни олти қиррали деб тасаввур этиш мумкин.

Биринчидан, шахснинг умумий хислатлари: ёқимлик, кўркамлик, жозибадорлик, фусункорлик, басавлатлик, салобатлик, ривожланганлик, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, руҳланганлик, улуғсифатлик, ўзига ҳослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар.

Иккинчидан, шахснинг ахлоқий хислатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, куюнчаклик, одамийлик, болажонлик, имонлилик, фидокорлик, хушмуомалалик, боадаблик, илтифотлик, очиқ юзлик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, хушахлоқлик, ҳажмиҳатлик ва бошқалар.

Учинчидан ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳафсалалик, серҳаракатлик, масҳулиятлилик, ҳалоллик, инсофлилик, малакалилик, беками кўстлик, сифатлилик, эпчиллик, уддабуронлик, саранжом-саришталик, ботартиблилик, тадбиркорлилик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таҳҳмасизлик ва бошқалар…

Туртинчидан, зукколик, идроклилик хислатлари: зеҳнлилик, бомаҳнилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, асослилик, фаросатлилик, сезгирлик, заковат, топқирлик, лўндалик, далиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик ва бошқалар.

Бешинчидан, собитлик хислатлари: фаоллик, қатҳиятлилик, тезкорлик, куйдипишдиллик, жўшқинлик, зардалилик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, эрксеварлик, жиддийлик, нафсини тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, одамохунлик, ўзини ирода эта билиш ва бошқалар.

Олтинчидан, эҳтиролилик хислатлари: некбинлилик, кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, ҳазинлик, ишонувчанлик, ҳаёлчанлик,

келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, мушфиқлик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, уятчанлик, ҳижолатлилик, иффатлилик ва бошқалар.

Қаммаси бўлиб ижобий хислатлар сони мингдан ортиқ. Тарбия мафкурасининг мақсади мана шу хислатларни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёни, ҳадислар, оила, маҳалла, анъанавий удумлар, тўй, аза, маҳрака улфат ва бошқа кам гуруҳли ва кўп сонли одамлар иштирок этадиган йиғинлар, сайллар, меҳмондорчилик, меҳмон кутиш, оммавий ахборот воситалари, афсоналар, романлар ва бошқалар восита бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган шахсий хислатларни шакллантириш ўқув-тарбия ишларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Қамма мамлакатлар ҳам ана шундай ижобий хислатларни ўз халқида шакллантиришга ҳаракат қилади. Ана шу маҳнода тарбиянинг умумий мақсади дунё педагогик жараёнида ягона мақсадга - умуминсоний хислатларни шакллантиришга қаратилади. Фалсафа фани, унинг турлича қарама-қаршиликлари, турли оқимлари, назариялари билан бирга ягона бўлганидек, педагогика ҳам умумий мақсади бўйича дунёвий педагогик жараёнда ягона, бир жинсли деб қаралади. Гап ана шу мақсадларга қандай воситалар билан қандай кетма -кетликда ва қайси маҳнода эришишга боғлиқ. Бир мамлакат таълим ва тарбиянинг бир шаклини танласа, иккинчиси ўзгачароқ, учинчиси яна бир бошқача йўл тутади. Шу, жумладан, халқнинг, элатнинг ўз удуми, одати, турмуш тарзи бор. Мана шу каби ўзига хослик таълим ва тарбиянинг ўзига хос шакл, восита ва услубларини, халқнинг умумий маданиятини белгилайди.

Юқорида белгиланган хислатларнинг баҳзилари, масалан, оқибатлилик, болажонлик, андишалилик, имонлилик кабилар ўзбекларга кўпроқ хос хислат. Лекин бу ҳислатлар фақат ўзбекларда бор, дейиш нотўғри бўлар. Шунинг учун юқоридаги мингдан ортиқ хислатларни алоҳида махсус ажратиб кўриш (айрим мутахассислар 5-6 хислатни олишади) ёки фақат 20 га яқинини (коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси) ёки фақат миллий педагогика деб қараш (“Ўзбек миллий мактаби”, “Мовароуннаҳр педагогикаси” каби ёндашувлар) дунё педагогик жараёнидан четга сурилиб, чиқиб кетишга олиб келади.

Ал Форобий, ибн Сино каби мутафаккирларнинг бой меросини ўрганар эканмиз, таълим ва тарбия масаласида биронта жойида, биронта сўзида ўзбек, эрон, тожик ёки бошқа миллатга хос ёки мос биронта фикрни топа олмаймиз. Шунинг учун ҳам бутун дунё халқлари уларнинг меросидан суюниб фойдаланишади, авлодлар хотирасида барҳаётдирлар.

Дунё таълим тизимида янги информаўион технологияларнинг кескин ривожланиши шароитида мутахассис учун керакли билим ва кўникмалар хажмининг ортиши билан ўқув юртлари таълим тизимларининг вақт билан чегараланганлиги орасида номутонасиблик мавжуд.

Мутахассисларнинг юқори савиясини доимий равишда куллаб куватлаб туриш мақсадида ва уларни ҳардоим ўзгариб турувчи ностандарт шароитларда амалий фаолиятга тайрлигини таҳминлаш эҳтиёжи тугилаяпти. бу ерда кўшимча, ноанъанавий, параллел мустақил таълим тизимларининг ишлашига эҳтиёж нихоят даражада ошди.

Бу муаммолар ичида хали ечилмагани олий таълим тизимидан кейинги бир мутахассисликдан иккинчисига утиш, мутахассислик бўйича малака ошириш муаммолари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтишда узгача, ўзига хос йўлни танлаб олгани сабаб меҳнат таксимоти, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, маиший хизмат, социал жабхаларда янги жиддий структуравий узгаришлар юз бераяпти. Бу структуравий узгаришлар уз навбатида янги стурктурага хос ва узига мос мутахассис кадрлар бўлишини такозо этади. Кўп холларда бу жараён янги мутахассисликка утиш билан боғлик бўлади.

Бу мутахассисликдан иккинчисига ўтиш жараёнининг оғир ёки енгил кўчиши таянч ўқув режасининг канчалик мустахкам эгалланганлигига бевосита боғлик. Ҳозирда узлуксиз таълим элементлари кадрлар тайёрлашнинг миллий моделига асосан жиддий узгаришларга учради. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим фалсафаси, қонуниятлари, узлуксиз таълим элементларининг бир бирига монандлиги каби муаммолар кайтатдан куриб чиқиляпти.

Ҳозирги замон ўивилизациясининг ривожланиши ўивилизация маданий катламининг усиши, шахснинг социал урни, шахс талаб ва эҳтиёжларининг усиши жамиятнинг инсонпарварлашуви ва демократлашуви сабаб олдинги бир маротаба (институт дипломи, техникум дипломи) олинган таълим етарли бўлмай қолди. Ҳозирги шароитда таълим бутун умр янгиланиб, бойиб боришини таҳминлаш эҳтиёжи тугилаяпти.

Узлуксиз таълимнинг маҳноси шахс ва жамиятнинг ривожланувчан, тобора кенг ҳажмдаги таълимий эҳтиёжларини вақт бўйига ҳам (ҳар қандай шахс ўзи истаган ва ўзига мос вақтда) йўналиши бўйича ҳам, қанча вақт оралиғида олишни хохласа (экстернет йўллари), ҳарқайси инсон учун ўзи хохлаган тизимида таълим олиш, малакасини ошириш имкониятларини яратишдан иборат.

Узлуксиз таълим, кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга оширишда шахс учун ниҳоятда кенг имкониятлар яратилишини такозо этади. Узлуксиз таълим субъектлари (ўқувчи, талаба, малакасини оширувчи мутахассис) га бир ўқув юртидан иккинчисига, таълим тизимининг паст табақасидан юқори табақасига, юқорисидан пастга, агарда хохиш билдирилса интелектуал имконият даражасида ўқув фаолиятидан ишлаб чиқариш фаолиятига, ёки илмий текшириш фаолиятига, ёҳуд таълим жараёнини узоқ вақт (20-30 йил) тарк этиб яна ўқув жараёнига қайтиш имконини беради. Бунинг учун қўшимча таълим шахобчалари ниҳоятда хилма-хил бўлиши таҳминланади.

Узлуксиз таълимнинг инсонпарварлашуви таълим олувчиларни субъект сифатида қарашни тақозо этади. Яҳни ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари тамомила янги инсон шахсига ҳурмат, умуминсоний қадриятларни улуғлаш, санҳат, маҳнавият, аҳлоқий нормалар ўрганиш объекти эмас балки ўқув тарбия жараёнининг компонентлари сифатида қаралади.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделида кўзда тутилган узлуксиз таълимнинг асосий ва параллел, базали ва қўшимча, формал ва ноформал, давлат ва нодавлат структуралари йўналишларини тартибга солиш шахсни доимий равишда ривожлаштиришнинг ўзак қўрсаткичларидан ҳисоб-ланади.

Узлуксиз таълим унинг иштирокчиларидан билиш, иқтидор, қўникмаларни мустақил равишда шакллантириш қўникмаларини тақозо этади. Ҳозирги шароитда тарбиянинг туб маҳноси ҳақикатда ҳам бутунлай янгича талқин қилинмоғи даркор. Тарбия - жараёнида жамиятининг ўсиб келаётган ёш авлодга ўзидан олинги авлод томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштиради, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш ва ҳаётий тажрибага эга бўлиш учун ўз савияси ва дунёқарашини шакллантиради. Тарбия жараёнида хали аввалги кекса авлод олдида турмаган янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган хислат ва сифатлар ҳам шакллантирилади. Бунинг учун эса янгича билим бериш, ўзгариб борувчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ, танқидий ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим. Тарбия жараёнида мавжуд жамият имкониятларини шакллантириш, янада ривожлантириш мақсадида кекса авлод томонидан ортирилган тарихий тажрибани тўлдирилган, янада мукаммаллаштирилган ҳолда ёш авлод сингдиради.

Ҳозирги даврда узлуксиз таълимнинг амалга ошириш умумий ўрта, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида таълим мазмунининг нихоятда хилма-хил, босқичларнинг тадрижийлигини таҳминлашни талаб этади. Давлат таълим стандартларини тузишда, таълим мазмунини танлашнинг асосий мажбурий давлат ва мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари компонентларинир, курсларнинг инвариант ва вариантив қисмлари нисбатини белгилашда интеграциянинг турли шаклларидан (анъанавий ва ўқитишнинг ноанъанавий актив методларида фойдаланиш), интеграциялашнинг даражаларидан (дидактик синтез даражаси, интеграциянинг предметлараро боғликлигини таҳминлаш даражаси), интеграциялашнинг турларидан (Умумилмий, хусусий илмий, муаммовий), интеграциялашнинг йўналишларидан (янги таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, дунё таълим бозорида менеджмент ва маркетингни ривожлантириш), интеграциялашнинг тенденцияларидан (таълимнинг устуворлигини таҳминлаш, таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, таълимда миллий йўналганликни, таълим жараёнида инсон шахсини ривожлантириш кўзда тутиш) унумли фойдаланиш даркор.

Узулуксиз таълимнинг ҳаётийлигини таҳминлаш мақсадида унинг вертикал ташқил этувчиси (ўқув режа, дастурлари поғоналари), горизонтал ташқил этувчилари (қўшимча таълим, расмий, но расмий, нодавлат структуралари), таълим структураларини интеграциялаш элементлари орасидаги турли муаммолар ечими ойдинлаштирилади.

Ўқув тарбия жараёнида ўқувчиларда тафаккур такомиллаш, анализ ва синтез, абстракциялаш, умумлаштириш конкретлаштириш шаклларида воқе бўлади. Бу жараёнда фикр вужудга келади, тушунчалар шаклини олади, сўнг мухокама гипотеза, қонуниятлар шаклида юзага чиқади. Фикрлаш фаолияти нутқ шаклида ҳам намоён бўлади. Тафаккур нутқда ўз аксини топиб, мулоқот жараёнида ортирилган тажриба-бошқа шахсларга ҳам узатилади. Тафаккур ақлий операциялари ёхуд элментларини қуйидагича тасаввур этиш мумкин. Тафаккур тасаввур қилишдан бошланади, кейин тушунча хосил бўлади, тушунча идрок қилинади, хосил қилинган ахборот мухокама орқали умумлаштирилади, умумлаштиришнинг юқори даражаси мантиқий, ёхуд ижодий фикрлаш, хулосага келиш билан якунланади.

Ўқувчи ёшларда зукколик, ақллилик хислатлари шакллантирилаётганида унинг мезонларига эҳтибор қаратиш даркор хозирги дунё таълим бозорида ақлли бўлиш учун фақат билим, иқтидор ва кўникмаларнинг хажми етарли эмас. Ақлли шахс деганда маълум малакага эга бўлган, аналитик ва синтетик фикрлайоладиган, вақеликни индуктив ва дедуктив анализ қилаоладиган алгоритмик фикрлаш қобилиятига эга бўлган тадбиркор, интизомли шахс тушунилади. Шу хислатларнинг биронтаси етарли бўлмаса шахсни мукаммал деб бўлмас.

Ўқувчи шахси ҳам буюртмачи ҳам истеҳмоляи сифатидаги ҳамда ўз-ўзини бошқарувчи ва ўз-ўзини тўғри йўлга солувчи сифатида жуда ҳам ривожланган тизим ҳисобланади. Шахс ички психолог фаолиятини бошқаришда ички танлов мезонлари: тез-тез ўзгарувчан характерга эга. Шунинг учун ҳам айниқса, авваламбор ёш бўғинларни дастлабки ички ҳислатларида бирон бир хулоса қилишда шошилмасликка умуминсоний, миллий ватанпарварлик қадриятларга амал қилишни таҳминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ёшларни бизнинг мафкурамизга зид оқимларга қўшилиб кетишини олдини олишнинг бирдан бир йўли ёшларимиз Ўзбекистоннинг миллий мафкураси ғоялари билан қуроллантиришдан иборат.

Таълим ва тарбияда инноваўион жараёнларни амалга ошириш таълимнинг принципиал янги шакллари ва механизмларини кашф этилишини тақоза этади. Бундай шакл ва механизмлардан инноваўион банклар, инноваўион дастурларни амалга ошириш марказлари, илмий амалий марказларни ташкил этиш, кўзда тутилади.

Хозирги даврда ўқувчи ўқитувчи муносабатларини, ўқувчилар шахсий хислатларини шакллантириш муаммоларини тадқиқ этиш муаммоли илмий мавзуларда йўқ, Халқ таълими вазирлигида ўқувчилар ва ўқувчилар шахси муносабатларига бағишланган бўлим ҳам йўқлиги каби бир неча муаммолар

объектив мавжуд. Яна бир муаммо, бир томондан ўрта умумий таълим давлат стандартлари ишлаб чиқилиб хурматли Президентимиз И.А.Каримов томонидан тасдиқланди ва таълим тарбия жараёнига қадам-бо қадам жорий этилаяпти. Иккинчи томонидан бирмунча мураккаблаштирилган, юқори савияга, жаҳон талабларига мос фанлар стандартларини амалга оширишга ҳамма ўқитувчиларимиз ҳам тайёрми? Мана шу қарама-қаршиликларни ечиш халқ таълими ходимлари олдида турган йирик муаммо ҳисобланади ва унинг долзарблигини қайд этади.

§ 6. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАФКУРАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ХИСЛАТЛАР

6.1. Шахснинг миллий ва умуминсоний умумий хислатлари. Миллий мафкура, умуминсоний қадриятлар билан миллий ўзига хослик ўртасидаги мувозанатни белгилайдиган мезонларни аниклаш мақсадида умуминсоний фазилатлар ва ўзбекларга хос хислатларни теранроқ ўрганишга харакат қилинмоқда.

Маълумки байналминал маданият милллй маданиятлар йиғиндисидан иборатдир, шубхасиз, байналминал маданият ривожланиши учуи алохида оллинган миллий маданиятлар тараккий этган бўлиши ксрак. Маданият кўрсаткичлари, тоифалари давлат чегараларига бўйсинмайди, минтака танламайди.

Хадислар бутун мусулмон мамлакатларидаги каби бизда хам якин ўтмишимизгача тарбиянинг асоси килиб олинган, (болалар боғчасининг кичик ёшдагилар гуруҳи), ўртача ёшдаги гуруҳ - 5 ёшлилар, катта ёшдагилар гурухи - 6 ёшлилар ва тайёрлов гуруҳи - 7 ёшлиларга бўлинадиган - мактабгача бўлган ёшдагилар даврига бўлинади. Мактаб ёшидагилар таълим ва тарбиянинг асосий босқичларига мувофиқ равишда бошланғич (I-II-III синфларга киритиладиган), ўрта (IV снифдан IX синфларга қадар) ва юқори (IX дан XI слнфларга кадлр) деб номланадиган ёш даврларига бўлинади.

Бу ўриида биз юқорида тилга олиб ўтган номлардаги маълум ўзгарувчанлик ва шартлиликни таъкидлаб ўтар экаимиз, айрим ёш гуруҳлари орасидаги чегара, ажратилиш ўрни масалаларини хал этишда маълум даражада таъсир кўрсатадиган баъзи бир янги ходисаларга диққат-эътиборни қаратиш лозим деб биламиз. Акселерация - яъни кўп жойларда сўнги пайтларда кузатилган болаларнинг жисмоний ва руҳий, анча барвақт бўйига ўсиши ва шунга ўхшашлар бунга мнсол бўла олади.

Таълим муддатининг узайтирилиши билан бир қаторда ўспиринларнинг ижтимоин балоғатга етишиши анча кеч содир бўлиши, жннсин балоғатга етганлик билан шахснинг иқтисодий мустақиллигниинг бошланиши ўртасида фарқлар вужудга келиши кузатилади. Инсон ривожлаиишининг айрим босқичларини ёшига кўра чегаралаш, ажратиш масалаларини тўғри, оқилона хал этиш фақатгина таълпм беришни бошлаш муддатини белгилаш, ўқув хажми, ўқувчилар учуи кун тартиби, уларга таълим бериш ва тарбиялашшшг .воситалари ҳамда усулларини танлаш учунгина эмас, балки хукуқий, тиббий тажриба, спортдаги меъёрлаш бплан бўлган кўпгина масалаларни хал этпш учун хам зарурдир.

Ўспирин ёшидаги ўқувчиларни тарбиялашда маълум бир қийинчиликлар рўй беради. Булар тарбиявий таъсирга уларнинг умумий реакцияларида, норозиликларида намоён бўлади. Бу ёш даври тўқнашувларга бой бўлган мушкул, жиддий давр хисобланади. Агарда оиладаги яхши муҳит, шарт-

шароит ва мактаб жамоасида дўстлик, биродарликдек соғлом мухит мавжуд бўлганда, уларнинг жисмонй ривожланишининг ўзига хослигини ҳисобга олган тўғри тарбияни ташкил этган ҳолларда ўспиринлар шахсини шакллантпришга педагогик раҳбарликлар қийинчиликларини ҳал этиш мумкин. Бунга ижтлмоий мухит, мактаблардаги ёшлар ташкилотларининг, шунингдек, жамоатчиликнинг фаолияти кўмаклашади, кучларни умумлаштириб бу ёшдаги ўқувчиларии фаолиятнинг турли-туман турларига фаол жалб этишга харакат кнлади.

Шундай қилиб, бу ёшдаги ўқувчилар билан ишлашда педагогик вазминлик ва чидам, ҳамла хушмуомалаликни сақлаган ҳолда уларга нндивидуал ёндошувни мактабда хам шунингдек мактабдан ташқарида ҳам уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш тарбиячиларнинг зарур вазифалари ҳисобланади.

Ўспиринларнинг ҳаётида, хусусан VIII синфда, улар тўлиқ ўрта маълумотни амалга ошириш зарур бўлганда ҳар хил касбларга қизиқиши кўп ўрин эгаллайди. Яъни қайсидир бир мактаб фанлари юзасидан ўзининг юқори даражадаги қизиқиш соҳасини белгилаш келгусида эса билимлар бўлса, иккинчи томондан шу ҳазилни тушуна билиш, ҳазил қила олиш ҳисси бор.

Ишонувчанлик - шахснинг ижобий хислатларидан бири, бошқаларга ишонч ҳисси. Ҳамма ҳам шундай хислатга эга бўлса олам гулистон бўлур эди. Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Иродали шахс ишонч ҳисси билан бошқаларни тарбияламоғи даркор.

Кек сақламасллк, адоватслзлик, гина-кудратслзлик- мусулмончлликда аразлаш муддати уч кундан ошмаслиги керак экан. Агар уч кундан ортиқ аразлаб юрилса гуноҳ ҳисобланаркан. Афсуски айрим шахслар блр марта ўтган гинани умрбод эсдан чиқармай ўзига душман ортиришади.

Оташинлик, қизғинлик, жўшқинлик – барча шахсларга хос хислат, лекин баъзиларида бир оз намоён бўлади, баъзиларида эса ўта ошиқ намоён бўлади. Бу хислат ҳам эҳтирос тилига боғлиқ бўлади.

Уятчанлик, тортинчоклик, мўмин-қобиллик - меъёридаги диёнатлилик инсонга ҳусн беради, атрофдагиларда унга нисбатан ижобий фикр уйғотади.

Озодалик, нозлк табиатлилик - инсон эҳтиросли хислатларининг энг нафиси гард юқтлрмаслик ҳисси хисобланади. Қаерда бўлмасин инсон ўзини озода тутса шунча руҳи пок, фикри-зикри яхши бўлади.

Юқорида кўрсатилган шахсий хислатларни шакллантлриш ўқув-тарбия ишларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳамма мамлакатларда ҳам ана шундай ижобий хислатларни ўз халқида шаклантиришга харакат қилинади. Ана шу маънода тарбиянинг умумий мақсадил дунё псдагогик жараёнида ягона максадга-умумннсоний хислатларни шакллантиришга каратилади. Фалсафа фани, унинг турлича карама-қаршиликлари, турли оқимлари, назариялари билан барча ягона,бўлганидск, педагогика хам умумий максади бўйича дунёвий педагогик жараёнида ягона, бир жинсли деб қаралади. Гап

ана шу мақсадларга кандай воситалар билан, қандай изчилликда ва қайси маънода эришишга боглиқ. Бир мамлакат таълим ва тарбиянинг бир шаклини танласа, иккинчиси ўзгачароқ, учиичисн яиа бир бошкача йўл тутади. Шу жумладан, халкнинг, элатнинг ўз удуми, одати, турмуш тарзи бор. Мана шу каби ўзига хослик таълим ва тарбиянинг ўзига хос шакл, восита ва услубларини, халқнинг умумин маданиятини белгилайди.

Ўзбек халқлнинг милллй анъаналарини, удумларини, турмуш тарзини синчиклаб ўрганиб биз хадисларда келтлрилгал ижобий хислатларнн хозирги замон илғор маданият дурдоналари билан бойитиш мақсадида тўғри тарбияга молик умуминсоний хислатларни олти жиҳатга бўлиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

I. Шахснинг умумий хислатлари (сифатлари, жиҳатлари):

1.Ёқимлилик, жозибадорлик, дилбарлик, кўркамлик. Инсонни бирлмчи кўришдаёқ кўзга ташланадиган жозибали, дллбар ўзига хослиги. Кўркам одам факат кийими билангина эмас, муомаласи, одоби билан эътибор топади.

2.Ёқимтойлик, келишгаплилик - бундай хислатли клшллар хипча, енглл, бўйи-бастига мос, ортикча оғлрллкдан холи, кийими ўзига, ёшига, ишига, атроф муҳитга мос таиланган инсонлар хлсобланади. Келишганллк, кимматбахо кийимлар билан ёки минган автомашинасининг русуми билан эмас, балки ўз ишига, ёшига мос хатти-ҳаракатлари, одоб ва ахлок нормаларига риоя қилишлик билан ўлчанади, характерланади.

3.Истараси иссиқлик - айрим инсонлар ҳақида гап кетганда истараси иссиқ ёки турқи совуқ деб баҳолашади. Истараси иссиқ одамнинг юзидан нур ёғилиб туради. Инсон юзининг ранги оқ, қора, сарик, буғдойранг бўлиши мумкин, лекин истараси иссиқлик ранг танламайди.

4.Мафтункорлик, фусункорлик, афсункорлик кўпроқ аёлларга хос бўлиб, гўзаллик, идшалик, ўзига мафтун этувчи ўзига хослик билан характерланади.

5.Ойдинлик, ёрқинлик, очиқлик - бундай хислатли инсонларнн кўнгли очиқ одам, тескарисння эса муғомбир дейилади. Узбекларда бир мақол бор: юз кўр ҳол, сўр дейилади. Яъни инсон юзида унинг очиқ кўнгиллилиги равшан кўриниб туради.

6.Саловатлилик, савлатлилик, ҳурматга сазоворлилик. Ҳурматли инсоннинг салобати босади, дейилади халкимизда. Бу хислат ҳам кийган кийими билан ўлчанмайди. Русларда, меҳмон кийимига қараб қарши олиниб, ақлига қараб кузатилади, деган бир нақл бор. Савлатлилик кишини атрофдагиларнинг нечоглик ҳурматини жойига қўйиши, тутган мавқеидан ўзини пастрок олиб бошқаларниг ҳурматини баландроқ қўйишга харакат қилиши билан характерланадн.

7.Буюклик, даҳолик - улкан инсон ташаббусни ўзгарданига олади, у кўпчилик инсонлар такдирини ижобий томонга буришга тайёр туради.

8.Монандлик, мувофиқлик, уйғунлик - инсоиннинг хам ақлий, ҳам жисмоний, ҳам ахлоқий, ҳам иродавий хислатларининг уйқашлилиги тушунилади.

9. Ривожланганлик, тараққий қилганлилик, етуклик, ақли расолик, иқтидорлилик, салоҳиётлилик-инсонолган билимлар салмоғи бу билимларнинг яхшн ишларга тезкор қўлланилиши билан ўлчанади.

10. Ҳар томонлилик, ҳар тарафламалилик, кўптомонламалилик - шахсда шаклланган ва ривожланган ижобий хислатларнинг кўп қирралигини, айрим олинган хислатдан кўра кўпчилик хислатларнинг бир хилда мукаммал ривожланганлиги тушунилади.

11. Бекамикўстлик, бутунлилик - халқимизда ҳамма хислатлари бадастур деган нақл бор. Аслида беайб парвардигор, лскии умматлар ичида хам бир бутуи, яхлит инсонлар учрайди.

12.Нафислик, нозиклик, нафосатлилик, латофатлик инсон ўзининг нафис табиати, юриш-туриши билаи гўзаллик иамунасмни эслатадн.

13.Яшовчанлик, умрибокийлик, барҳаётлилик. Шундай инсонлар борки уларнинг номи тириклигидаёк тарих дафтарига олтин харфлар билан ёзилади. Бири қолдирган шогирдлари билан, бири яратган буюк илмий, Саньат асарлари билам, яна бири афсонавий қаҳрамонлиги, кишилар катта кўпчилигининг такдирини яхши томонга буришлиги билан, халқига, бутун олам ахлига кўрсатган каромати бнлан бархаёт бўлади.

14.Сўзамоллилик, сўзга чечанлилик, шоиртабиатлик - шахсшнинг сўзамоллиги бнрннчи сўрашишиданоқ билинад. Тўлиқ маънодаги сўзамоллик деганда эшитувчиларга мазмунли ваъз айта олишлик, етказилиши зарур бўлган маънони бўрттириб, драмалаштириб, лирик сўзлар, қочирим гаплар билаи безаш кўникмаси, халқсевар шоирлар шеърларидан, сўз усталариниг наклларидан, халқ маколларидан усталик билан фойдаланиш тушунилади. Сўзамоллик санъати нутқ маданияти билан боғлиқ нарса.

15.Руҳланганлик, кўтаринкилик, жўшқинлик, улуғворлик, улуғсифатлилик - ўқувчиларни, талабаларни, наинки барча тингловчиларни бирон бир фаолиятга сафарбар килиш учун сўз айтувчининг ўзи кўтаринки рухда бўлиши, жўшқии нутқ сўзлаши лозим.

16.Жиддийлик, босиклик - маълум тажриба сохиби, масалага енгил-елпи карамай жиддий ёндошадиган, кам гапириб кўп ишлайдиган, хар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатига жавоб берадиган шахс.

17.Мослашувчанлик, эгилувчанлик - олдиндан кутилмаган, оғир шароитларга тез мослашиб, бутун имкониятларини, муаммоларини ечишга каратиш, бахона қидирмай имконият излаш.

18.Маданиятлилик, одоблилик, камсуқумлилик -ҳар бир миллатга хос одоб-ахлоқ нормаларининг умуминсоний маданий, маданийлик элементлари билан ҳамоҳанг бўлиши.

19.Зиёлилик, саводхонлик, ўқимишлилик - шахс умумий хислатларининг асосини ташкил этади. Зиёли шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари билан зиё тарқатади, ўкимишлиликнинг намуносиб кўрсатади, одамларнинг кўнглига тсзроқ иўл топа билади.

20. Табиийлик, одиллик, оддийлик- шахс ўз хатти-ҳаракатлари, одоби, ахлоқий табий қандай бўлса шундайлигича кўрсатиш хислати.

II. Ахлоқий хислатлар:

1. Одамийлик - чин инсонга хос фазилат бўлиб, бу ақл - заковат мевасидир. Буюк бобомиз Алишер Навоий инсонни севишни, унинг бахт саодати учун курашишни ҳаёт гултожи, юксак орзу-умидларнинг энг чўқ-қиси, тирикликнинг ўлмас ғояси, яшашнинг мазмуни деб бнлади. Одамийликнинг замирида яхшилик, софдиллик, одиллик, меҳр-муҳаббат, вафо - садоат, окибат- шафкат, адолату-саҳоват ётади.

Одами эрсанг демагил одамий
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

2. Қаноатлилик - кишининг ўзида мавжуд бўлган ва ўз имкони даражасида ишлаб тоиган ҳалол маблағи билан кифояланиб, оз бўлса хам унпнг созлигини ҳисобга олиб мамнуният билан кун кечиришидир. Қаноатлилик кишига хотиржамлик келтиради.

3. Яқинлик, дўстоналилик - иш юритишда, муомалада бошка шахсларнинг ҳаққи-ҳуқуқиии, шахсиятини ҳурмат килиш, бошқа миллатга мансуб инсонларнинг урф-одати, маданиятини, салоҳиятини эъзозлаш, ўзига яқин биродар кўриб дўстона муносабатда бўлишлик хислати.

4. Жонкуярлилик, мехрибонлилик, куюнчаклик бошқалар дардига шерик бўлиш, ота-онага, етим-есирларга, қарияларга хизмат қилиш, нжтимоий муҳофаза ишларида фаол қатнашиш.

Яхши сўз ҳам садақа эканлиги ҳақида А. НавоиД ёзади:

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.
Не учунким расул қавли билан:
Яхши сўз бордур ўйлаким садақа.

5.Рахмдиллик, мушфиқлик - инсон салохиётида бошқалар кўнглига очиқ йўл қолдириш, тўйига хам, азасига ҳам қатнашиш иқтисодий, маънавий кўмакка «лаббай» деб тайёр туриш ҳисси.

6.Олийжаноблик, олий химматлик- инсоларга яхшилик истаб яшаш хисси.

7.Болахонлик, болажонлик - ўзбекларга хос хислат, кўп болалик, болалар учун яшаш, болалар дардини ўзлигидан юқори қўйиш, болаларга қайғуриш, ксчиримли бўлиш хисси.

8.Атроф-муҳитга этибор, мухофззакорлик (экологик тарбияланганлик)- шахсда ёшлигидаи бошлаб экологик тарбия хиссини шакллантириш керак, токи шахс мустакил хаёти давомида атроф-мухит мухофазасига жавобгарлик туйғусини хис этсин.

9.Иймонлилик, хотамтойлик - мусулмонларга кўпрок хос хислат. Иймон инсониинг, оиланинг, қабиланинг, уруғнинг, миллатниг кўнгли, дарди, саломатлиги. Иймонлининг уйида барака, рпвожланиш, омад бўлади. Иймонлилик поклик, рухии саломатлик мезони.

10.Баиналминаллик, бошка миллат вакилларини ардоклаш, эъзозлаш - байналминал маданият миллатлар, элатлар маданиятларниниг йиғнндиси, инъикоси. Миллий маданият ривожланмас экан байналминал маданият рлвожланмайдл. Мллллй мадамлят қанчалик ривожланмаса байналминал маданиятга шунча кўп ҳисса қўшилади.

11.Ґоявий содиқлик - Мустакил Узбекистоннинг кслажаги буюк давлат бўлишига ишонч, давлатимиз, президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатига ишолч.

12.Мулойимлик, хушмуомалалик, назокатлик, хушфеъллилик - долмо кўигли очлклик. Гапи, ишини самимий бажо келтириш. Хушмуомалалик хакида хадиси шарифда шундай ёзилади: «Аллох таоло хушмуомалали ва очлқ юзли бандаларлни дўст тутадл».

13.Узрлилик, кечирлмлллк - айб иш қилинганида кечирим сўрашга шошилиш, фарзандларни, ёшларни кечириш хисси.

14. Андишалиликк - андишанинг оти қўрқоқлик эмас, андишалилик, ироданинг белгиси. Аидишалилик кўпроқ ўзбекларга хос хислат. Катталар сўзига қулоқ солиш, даврада одоб саклаш, ота-онага, катталарга, аёлларга

ҳурмат-эхтлром; сабр-токатли бўлиш хисси.

15.Сертакаллуфлилик, сермулозаматлилик - инсонлар ўзаро муносабатларида улар орасида ишончлиликнинг мезони.

16.Одамларга эл бўллишлилик, клришимлилик, ширин суханлилик - инсон психик холатига, темпсрамент турига, дунёқарашига, тўғри тарбияланганлигига боғлиқ бўлиб, характерни белгилайдиган асосий кўрсат-кичлардан бири ҳисобланади. Халқимизда бу одам, «кўпни кўрган», «таги тоза», ёки бўлмаса, «бу одам ҳеч қачон эл бўлмайди» деган иборалар юради.

17. Шахсий манфаатларни ижтимоий (жамоатчнлик) манфаатига бўйсундириш, шахсий манфаатдан ижтимоий манфаатдорликни юқори қўяолишлилик, шахсиятпарастликнинг тескариси, шахснинг авваламбор бошқалар, давлат нуқтаи назарини устун қўйиш ҳисси.

III. Ишбилармонлик, ишчанлик, уддабуронлик хислатлари:

Қунтлилик, тиришқоқлик, серҳафсалалик-касб эгаллаш, моҳир мутахассис бўлиш учун жуда зарур хислат. Фаолият ҳафсала билан бажарилса, мутахассис қунтли бўлсагина меҳнат унумдорлигининг юқори чўққиларига эришиш мумкин. Япония умумтаълим мактабларида махсус қунт дарслари киритилган. Ўқувчилар узок вақт давомида жуда майда қўл мехнати билан шуғулланишиб ўзларида ҳафсалалик, қунтлилик малакаларини шакллантиришади.

Жавобгарлик, масъулиятлилик-сўз бергандан кейин бажаришлик, ишга, ўқишга масъулият хисси билан ёндошиш ҳисси.

Ҳалоллик, поклик - тадбиркорлик ишларида ҳалоллик, поклик асосий хислатлардан бўлиб, бўлғуси тадбирнинг муваффақиятли якунига кўп жиҳатдан боглиқ. Шарқ бизнесменларининг хулосаларига қараганда ҳар бир

янги тадбир бошланиши олдидан тадбиркор ўзи покланиб, халол иш юритса бу тадбирнинг албатта ижобий бўлиши таъминланган бўлади.

Уринчоқлик, серҳаракатлилик, тиришқоклик - тадбирни амалга оширишда биргина ҳалолликнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун шахснинг тиришиб, урииб ҳаракат қилиши, доимо изланишда бўлиши лозим бўлади.

Мусобақавийлик, рақобатлилик, муқобиллик - ҳозирги бозор муносабатларига ўтишда рақобатлилик, бир ишни тезроқ, олдинроқ бажаришга шошилиш муваффақият келтиради. Мусобақавийлик ўқув жараёнида ҳам ўқув жараёнини активлаштириш омили ҳисобланади. Фарқ талабалари рағбатлантириш, юқори, тез ўзлаштирувчиларни эстсрнат дастурларига угказиш астойдилликни таъминлайди.

Ижро этувчанлик, ишчанлик, бажарувчанлик ишлаб чикариш ишини, ўқув ишини вактида бажариш шахсни итизомлиликка, тартибга ўргатади, хогирани мустаҳкамлайди, турли салбий оқибатларнинг олди олинади.

Зўр берувчанлик, кучанувчанлик - хар бир тартибда шундай дамлар учрайдики харакат қилиниб уриниш етарли бўлмай қолади. Хамма фикрни, кучни ишлатиб зўр беришга тўғри келади.

Малакалилик, салохиятлилик - малакалилик факат билимлар билан ўлчанмайди. Малакалилик орттирилган билимларни кўникмаларга, малакага айлантирилсагина мутахассис юқори малакали ҳисобланади, мехнати юқори баҳоланади, махсулотиин динмо ижодий янгиликлар билан бойптиб боради.

Сифатлилик, юқори навлилик - махсулотни, тайёрланган мутахассисларнинг юқори сифатлилиги бозор иктисодиёти шароитида хамма таақаларда муҳим аҳамият касб этади.

Ишни дўндиршлилик, ишни ўрнига қўювчанлик, ишни ўринлатмоқлик - шахснинг кўп йиллик қунт билан олиб борган ҳаракатлари натижасида топширилган ишни тез, унумли бажариш кўникмасини эгаллаши.

Чаққонлик, абжирлмк, эпчиллик - шахснинг топширилган ишни кўп меҳнат, куч сарфламасдан усталик билан бажариш кўникмасини эгаллаши.

Саранжом-сарисшталик, жо-бажо иш тутиш, батартиблик - шахснинг кийинишида, иш тутишда, муомаласида, одобида намоён бўладиган батартиблик кўникмалари.

Ишшшг хавосини олганлик, ишнинг хадисини олганлик - шахснинг автомат малакаларни шакллантприши. Кўп ўйламай ишни малакали бажариш кўникмаси.

Ишга лаёқатлилик, ҳормас-толмаслик, имконлилик- шахснинг узоқ муддат талаб этилган даражага ишга лаёкатлилигини сақлаб кола олишлилик кўникмаси. Лаёкатли хпзматчи иш кунининг бошида хам, охирида ҳам бир хилда унумли, хам сифатли мехнат кила олади.

Ташаббускорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик - шахснинг ҳали очилмаган йўлдан турли усуллар, имкониятлар топиб олга юра олиши, янгиликни, ташаббусни қўлга олиб атрофдагиларни шу ишга сафарбар кила олиш кўникмаси.

Ақлга, мақсадга мувофиқлик, маъқуллик, ихтирочилик - рационал шахс иииш бажарпш учун ксракли аъзоларинигина жалб қила олиш кўникмасига эга бўлади, кам меҳнат қилиб кўп маҳсулот олади, кам куч сарфлаб кўп самара олади.

Чидамлилик, сабр-тоқатлилик, бардошлик, токатлилик, бақувватлик - шахснинг узоқ вақт катта кучланиш талаб қиладиган фаолиятда қатнаша олиш кўникмаси.

Мунтазамлилик, режалилик - шахсшшг режал иш тутиш кўникмаси. Буюк Наполеон «фаолиятда, харакатларда фақат олдиндан режалаштирилган нарсагагниа эришиш мумкин, ҳеч қандай тасодиф натижа бермайди» деган.

Жуда аниқлик, ўз вақтида бўлишлик, пухталик тадбиркорликда кўп нарса аниқ вақт билан ўлчанади, «вақтинг кетди нақдинг кетди»-халқимизда шундай нақл бор.

Тежамкорлик, эҳтиёткорлик, мўътадиллик - шахснинг тежамли иш юритиши, ишнинг киримидан чикимини кам қилиб юритиш, доимо захирада бирон кисм мулкни сақлаши, эвида иш юритиш кўникмалари.

Ҳадиси шарифда, хар бир ишнинг салбий томонларини ҳисобга олиш айни эҳтиёткорликдир, дейилади.

Саҳийлик, очиқ қўллик, ҳотамтойлик, жўмардлик- тадбиркор шахс саҳий ҳам бўлишн, ҳотамтойлик кўникмалари соҳиби бўлиши керак.

IV. Шахснинг заковатлилик, идроклилик, зукколик хислатлари:

Зеҳнлилиқ зийраклик - шахснииг табиат ходисалари, қонунларига, жамият иқтисодий жараёнларига олд қонуниятларини умумлаштира олиши ва ундан керакли жойда самарали фойдаланиш кўникмалари.

Хотиралилик - хотиралилик шахснинг энг асосий психик хислатларидан бири. Фаолиятда кўп нарса айнан хотирага боғлиқ. Физиологларнинг фикрича инсон организмининг умр бўйи хотирада сақлаш мумкии бўлган имкониятларининг бир неча фоизигина ишлатилар экан. Демак, ҳар бир инсоннинг хотиравий потенциал имконияти тўлиғича ишлатилмайди. Хотира, хотиравийлик ўқишни, ишни қай даражада режалаш ташкил қилишга, вактида ишлаб, вактида дам олиб, вақтида овқатланшига боғлиқ жараёни.

Мантикийлик, изчиллик, теран фикрлилик-шахснинг ҳодисалар, қонуниятлар орасидаги ўзак боғлаиишлар тизимини, мантиқини туза олиш кўникмаси. Ҳар бир фаолиятда, хатти-ҳаракатда, дарсда ўкилган лекцияда, айбловчи ва оқловчи нутқида мантиқ бўлиши керак. Халқимизда «Гапингнинг тузи йўқ», деган накл бор. Мантикий маъруза, мантиқли дарслик, маитиқий илмий асар инсои томонидан тез тушунпб англанади, узоқ вақт хотирада сақланади. Биронта теорсма, формула тез эсдан чиқиши мумкин, лекин теорсмани исботлаш мантиқи, кетма-кетлиги эсдан чикмайди.

Асослилик, исботланганлик, муҳрланганлик - шахснииг тайёрлаётган ахборотини нечоглик асосли килиб тайёрлаш кўникмаси. Ҳозирда кайси мамлакат халқи, фан, техиика, технология, тижорат, валюта сиёсати ҳақидаги

ахборотларга эга бўлса шу мамлакат рпвожланган мамлакатлар каторида бўлади. Шу жиҳатдан ўқйтувчининг синфга олиб кираётган ахбороти нпхоятда асосли бўлиши лозим.

Олдиндан айтиб берувчанлик, башоратгўйлик - ходисаларни, жараёнлариииг йўсинини олдиндан прогнозлаш, олдиндан айтиб бсриш инсонинг энг ноёб хнслатларндан бири хисобланади.

Маълумки, лекцпяиинг иккита функиияси бор: 1. Умумлаштириш функцияси. 2. Олдннндан айтиб бериш прогностик функцияси. Агар лекция шу икки функцияни бажармаса у оддий суҳбат дарси бўлиб колади. Лекцнянинг прогностик фуикцияси деганда лекция ижтимоий жараён хақида бўлса, бирои китъада, давлатда социал иқтисодий ривожланшининг боришига қараб ривожланиш йўналиши, меъёрий олдиндан айтиб бериш мумкин.

Аклнинг ўткирлигини иамоёи килмок - заковатлилик, шахснинг биронбир қарорга тезкорлик билан келиш учун аклнинг ўткир бўлишини, тез-тсз «чархланиб» туришини тъмиинлаш ксрак.

Ижодкорлик, топағонлик - шахснинг ўз фаолияти давомида, ханузгача ечилмагаи муаммони ечиш, пхтиро қилиш кўникмаси. Ихтиро, ижод назарий ва амалий фаилар орасида ётадиган тилсим. Бу тнлсим политехник билим, иқтидор ва кўникмаларга эга бўлган инсонларгагина очилади. Ихтирочилик, ижодкорлик давлатнинг миллий бойлиги ҳисобланади.

Тушунарлилик, равшанлилнк, лўндалик - назария қанчалик ҳақиқатга яқин бўлса, шунчалик тушунилиши осон кечади, кўриниши содда бўлади. Мутахассисга иш топшнрилаётганида ҳам, талаб қилинаётганида ҳам масала лўнда, аниқ ва равшан бўлиши таъминланишн даркор.

Танқидийлик- шахс ўз фаолиятида ишга танкидий муносабатда бўлиши, ўз хатти-ҳаракатларни танкидий нуктаи назар билан кузатиши муҳим хислатлардан хисобланади.

Хабардорлик, омилкорлик - шахснинг ўз мутахассислиги бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши, ўз сохасининг дунёвий жараёнлардан таҳлилга мослаш, улардан ўрганиш кўникмаларини ўз ичига олади.

Саводхонлилик, билимдонлилик - шахснинг тили, ёзуви нечоғлик тўғри, адабий бўлиши, ишлатган ибораларини қисқа мантиқли, тушунарли қилиб баён этиш кўникмаси.

Одатдан ташқари фикрлаш - шахс талантининг мезони, ўзига хослигида, бошқалардан фарқли ўларок янгича фикрлаш кўникмаси.

Ҳайратлилик, ҳайратмандлик - шахс нозик жараёнларни, фактларни ниҳоятда синчковлик билан кузата олиши, бу жараёнлардан ҳайратланиб янада янги натижалар олишга қизиқиш кўникмалари.

Қизиқувчанлик, ишқибозлик - шахснинг табиатан табиатга, турли жараёнларга, фанга, санъатга кизиқувчанлиги. Психологик ички мотивация, шу жумладан ишқибозлик кўпинча ташқи таъсирдан устун туради.

Синчковлик, диққатлилик - ҳозирги ахборотни, айниқса компьютерлар ёрдамида асраш, пшлов бериш даврида синчковлик хислати ва аниқ жавоб топпш учун жуда ҳам қўл келади.

Чуқур билимдонлилик, савиялилик-савиялилпк фақат билимдонликгина эмас, балки ҳар томонламалилик ҳозиржавоблнлик мезони.

V. Иродавийлик хислатлари:

Серғайратлилик, серҳаракатлилик, қатъиятлилик- шахс темперамент турига, типига мос серҳаракатлилик даражаси фаолиятнинг самарадорлигини белгилайди.

Чакконлик, эпчпллик, уддабуронлик - шахс саьй-харакати самарали бўлиши учун уддабуронлнк хислатларига эга бўлиши керак. Бу хислат хам билвосита шахс эхтироси тилларига боғлқ.

Вазминлик, сиполилик, босиклик, камсуқумлилик - вазминлик, сиполик иродавийлик белгиси, иродаси кучли шахсдагина вазмиилпк белгилари бўлиши мумкин.

Жўшқишшк, серзавқлик, иссиқмижозлилик- шахснинг фаолиятида завки-шавқлилик, жўшқинлик, кўтаринки руҳ билаи иш юритпш одати, қалтис вазиятларнн серзавклик билан енгиш, жанжаллашиш ўрнига одамлар кўнглинн кўтариш, шахсни намуна кўрсатиб одамларни ўз ортидан эргаштириш кўникмалари.

Зардаси тезлик, серзардалилик - шахснинг эхтирос турига боғлиқ хислати, айрим холатларда зардали шахснинг иши юришади, атрофдагиларнинг уюшиши осонлашади, кўп холларда ижобший натижа беради.

Бир сўзда туришлнлик, катьиятлилик, қатъийлик - шахснинг максад йўлида оғишмай қплган фаолият. Агар рахбар тез-тез ўз карорини ўзгартираверса тез субути кетиши мумкин. Ўқитувчи бир кўйгам талабини оғишмай талаб қилаверса охири ижобий натижага эришиши мумкин.

Ташаббускорлик илғорлнк - шахснинг тезкорлик, тиниб-тинчнмаслик, тадбиркорлик хислатлари. Ташаббус жуда хам жавобгарлик талаб зтадиган хислат. Аммо айрим шахслар учун ташаббус билан чикпш ва айннкса шу ташаббусни амалда бажариш билан боғлик фаолиятни амалга ошириш хсч кандай кўшимча қийинчилик туғдирмайди.

Иитизомлнлик, босиклик, уюшганлилик - шахс характеридаги энг асосий хислатлардан бири. Интизом ишни, фаолиятни ташкил қилишнинг асоси. Интизом бўлмаса ишлаб чпқариш хам, оддий дарс хам ўз максадига эришмайди. Интизомга берилувчан шахслар бор, интизомга қийин бўнсунадиган инсонлар бор. Агарда ҳамма интизомга бўйсунса хар қандай қийинчиликни енгиш, мақсад сари илдам одимлар билан юриш имконияти туғиладн.

Интизомлилик -бу фаолиятининг керагича ва маслаҳатга мувофиқ равшида амалга оширилишига куч етмоқлигидир. Емоқ-ичмоқда, уиқуда, иш, касбда, ҳар бир ишда интизомдан чикмаган одам бахту саодатга эришади.

VI. Эҳтиросли хислатлар. Шодмонлик, ўз ҳаётидан розилик, бахтиёрлк, кўтаринкиллк, тантанаворлик, қувноқлик, хушчақчақлик -психологик жиҳатдан шахснинг доимо қувноқ юриши, иш фаолиятини яхшилашга, турли руҳий касалликларнинг олдинн олишга, оғир шароитда хам атрофдагиланинг кайфиятини, тез чарчамасликнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳазил-мутойибаллк, ҳазилкашлик, жойида усталик бллан ишлатилган ҳазил фаолиятда ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатларда, дипломатияда жуда катта аҳамиятга эга. Бир томонда ҳазилни усталик билан ишлатиш.

6.2. Ўрта Шарқ мутафаккирлари таълимотида умуминсоний қадриятлар. Жаҳон тарихий-педагогик жараёни ва унинг ҳозирги босқичи умуминсоний ҳамда миллий масалаларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишин таъқозо этади. Шарқнинг буюк олимларинпнг педагогик қарашлари бу борада катта аҳамиятга эга. Маълумки, Ал Форобий, Ибн Сино, Ал Беруний, Ал Хоразмий ва бошқаларнинг ғоялари ҳамда педагогик қарашлари ижтимоий-педагогик фикр тараққиётининг дунёвий жараёнига, хусусан,. Оврўпага кўп даражада таъсир кўрсатди. Шу билан бирга ўз навбатида унинг таъсирини ҳам ўзига ола билди.

Ўрта асрларда Шарқ қомусий олимлари томонидан Туронда янги даврнинг (I-III асрлар) кўпгина илмий тасаввурлари асослари яратилган эди. Улар қадимги Шарқ на Антик дунёнинг бой илмий меросига суяниб туриб бир қатор фан тармоқларининг: фалсафа, жўғрофия, тарих, риёзиёт ва фалакиёт илмини шаклланишига, ишлаб чиқилишига ҳисса қўша олдилар.

Уларнинг ушбу яратувчилик ишларида педагогик жиҳатдаи аҳамиятли бўлган кўплаб ғоялар ва қоидалар айтиб ўтилган. Масалан, улар томонидан биринчи бўлиб риёзиёт фани, умуман олиб қаралганда ариф-метика белгилаб, аниқлаб берилди.

Қомусий олимлар билиш жараёнига ҳаётий-амалий йўналиш бағишладилар. Қуршаб турган оламдаги ҳодисалар ва нарсаларнинг моҳиятини билиш инсонларга уларнинг кундалик ишларида, косиблпк, ва савдо-сотиқ фаолиятларида, дехқончиликда, денгизда сузишда, давлатни бошқариш ҳамда ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда хизмат қилиши лозим. Улар фанни ва илмий тузилмани шахс шаклланишининг муҳим омиллари сифатида қарар эдилар. Фан билан шуғулланиш, илмий билимларни эгаллаш улар томонидан одамни хақиқатга етиш учун ҳар доим интилишга ундовчи, шунингдек, кишилар ўртасида ҳақиқий инсо-ний муносабатларни ўрнатишга йўлловчи қудратли куч сифатида тушунтириб, изоҳлаб ўтилади. Фанни ва илмий тузилманииг ушбу вазифасига берилган юқори баҳо қомусий олимларниг педагогик категориялари мақсадларининг асосларига, мазмунига, таълим ва тарбиянинг услубларига, принципларига қизиқишларини белгилаб берди.

Уларнинг қоидалари ва хулосаларининг ўзига хосликлари, ўзига хос хусусиятлари улар томонидан илгари сурилган педагогик ғоялар фаннинг ўз мантиқидан ажралган эмас эди. Тарбия ва таълимнинг усуллари,

принциплари, мазмуни, мақсадлари каби масалалар юзасидан улар ўз фикр-қарашларини таомил бўйича ўзла-рининг махсус асарларида эмас, балки фаннинг бир аниқланган тармоғига оид конкрет билимларни баён этиш билан боғлиқ равишда келтириб ўтганлар. Бу яна шу билан тушунтирилиши мумкин; шу вақтнинг илмий трактатлари ўқув қўлланмалари сифатида мадрасада, шунингдек, фан билан мустақил равишда шуғулланган барча кишилар томонидан фойдаланилган.

Ўрта аср буюк донишмандларининг ғоя ва қоидалари -ҳозирга қадар ўзининг аҳамиятини йўқотмаган, ўткинчи бўлмаган тарихий, умуминсоний бойликдир. Тарихийлик жиҳатидан ижодий ёндошилганда улар ҳозирги замон.педагогикасини бойитиши мумкин.

Шарқ олимларининг меросидаги қимматбаҳо саналадиганлар бизнингча бошқалари билан бир қаторда қуйидагилар ҳам ҳисобланади:

1. Ал Форобий Платон ва бошқа юнон файласуф-донишмандларининг педагогик ғояларига амал қила бориб, ўзида шахсни иқтидорий, ақлий ва назарий тарбиялашни акс эттирадиган маънавиё тарбияга жуда катта аҳамият беради. Аристотелнинг издоши Ал Форобий ҳам инсоннинг ақлий кучи билан дунёни билиш мумкинлигини тан олади ва ҳимоя этади, яъни мантиқий машқлар ва машғулотлар ёрдамида ривожланадиган ва мукаммаллашадиган иқтидорни тан олади.

2. Ал Форобийнинг фикрича назарий билимлар «улар қандай ва қаердан пайдо бўлганлари» номаълум бўлган фанлар билимларини ўзида намоён этади. Ушбу билимлар шу тоифаларга ажратилади: қайсики,одам энг аввал қабул қилиб олади, шундай қилиб бу биринчи (илк) билимлар қандай ва қаердан пайдо бўлганлигини англаб етмайди, ҳамда билмайди. Шунингдек, яна шундайларга ажралади, қайсики у фикрлаш, ўрганиш, тадқиқ этиш, ўргатиш ва таълим йўли билан эгаллаб олади. Ал Форобийда фанни эгаллашнинг методологлк ва методик масалалари ўзаро боғланиб кетгандир, чунки ҳар қандай фаннинг бошланишига, манбаларига, методлар мажмуасини: фикрлаш, ўрганиш, тадқиқ этиш, ўргатиш ва таълимни қўллаш ёрдамида эришиладп. Бу ўзининг аҳамиятинии ҳозирги даврнинг дидактикаси учун ҳам йўқотмаган бунёдкорона ёндошув эди.

3. Ўрганилаётган нарсалар ва тушунчаларнинг гнесеологик илдизларини билиш уларни самарали ўрганишнинг методик йўлини таъкидлайди. Билиш самарадорлиги шарти, таълимнинг бошланиши билан турмушни билишни бошланишининг муқобиллиги билан характерланадиган билимларнинг ишончлилиги ҳисобланади. Ушбу бошланмаларни қидириш энг яқин бошланмадан энг узоқдагига ўтиш воситасида амалга ошириладл. Агар бу бузилса таълимдаги самарадорликни кутишга тўғри келмайдл.

4. Ал Форобийнинг таҳлил этиш ва бўлаклаш диалектикаси, индукцияси ҳамда дедукцияси дидактик фанлар учун жуда катта қизиқиш уйғотади. Унинг фикрича, фикрни тасдиқни «эҳтимолликдан замонавийликка кўчириш икки йўл билан амалга оширилади: 1.Бўлаклаш методи. 2. Таҳлил метод.

Қачонки эхтимоллик асосий йўналтирувчи нуқта сифатида қараладиган бўлса, таҳлил методи қўлланади».

5. Ал Форобий фикрига кўра, таълимнинг асосий шакли - ишонтириш методларидир. Улгурадиганлар учун - мавҳум фикрлар ёрдамида, ўртачалар учун кўргазмалар ёрдамида, яъни образли шаклда. Ўқитиш маърузаларга боғланган қисм сифатида, сўзлашувлар кўринишида суҳбатий тадқиқотларнинг қисми сифатидаги йўл билан амалга оширилади.

6. Ал Форобий маънодор, таъсирли, санъат ва сўзнинг жуда ҳам муҳим дидактик ролини белгилаб беради (Бизнинг моҳирлигимизга кўра).

7. Мажбур этиш методи «қўзғолончилар ёки бўйсунмас фуқароларга, халкларга; қайсики ихтиёрий равишда уйғонмайди, ўзининг хоҳишига кўра ва ақлли, доно маслаҳатларга, сўзларга қулоқ солмайдиган, қайсики уларниг ўзлари эгаллашни назарий билимларни ўзлаштиришга кимки қаршилик қилса» шундагина қўлланилади,

8.Таълимнинг дифференцияси ҳақидаги Ал Форобийнинг дидактик хулосалари ҳозирги вақтга қадар ўзининг кучини йўқотмади: «Ишонтириш методлари ва хаёлда пайдо бўлган фикрий тасаввурлар оддий халқни, халқлардаги ва шаҳарлардаги оддий кишиларга таълим бериш давомидагина қўлланади. Қайсики, ишончли далиллаш методи, яъни нарсаларнинг моҳиятига ўзининг ақли билан етишиш методи танланганлар қаторига чиқиши мумкин бўлган кишиларнигина ўқитиш давомида қўлланилади».

9. Ўрганиш бахт келтириши керак. Ал Форобийнинг ушбу тезиси ўқишда қийинчилик бўлмаслиги, нафратлантирадиган жиҳат бўлмаслиги, балки қувонч ва лаззатланиш келтириши, камолотга етишувига ҳамда ҳақиқий бахтга эришувига олиб бориши лозим деб кўрсатадиган бугунги куннинг педагог-новаторлари ғояларига қўшилиб кетади. Ал Форобий таълим жараёнида билимларнинг бошланиши ва далилларнинг асоси ҳисобланадиган кузатиш ва тажриба каби кўргазмали методларни кенг қўллашни таклиф этади.Тажриба натижасида олинган ва кузатишлар ёки тажриба йўли билан текширилгап билимлар натижасида инсоннинг фикр-ўйи ақллироқ бўлиб боради, унинг ўзи эса - кўп даражада мукаммаллашади.

10. Ал Форобий таълимнинг миллий характерини фақатгина тилни ўрганишда кўради. Бир вақтда ҳар бир тилда белгиланган қоидалар мавжуд бўлишлигини, умумий бўлган характерли белгилари, тилнинг ўзига хосликлари билан бир қаторда, қайсики уларнинг ёрдамида миллий тиллар бир-бирларидан фарқ қилиб турадиган белгилар ҳам мавжуд бўлишлигини кўрсатиб ўтади.

11. Мантиқ грамматика билан боғлиқдир, ҳатто уларнинг номланиши ҳам битта илдиздаи «нутқдан» олингандир. Мантиқнинг зарурлиги хусусида Ал Форобийнинг далиллари аҳамиятга моликдир, қайсики Ал Форобий томонидан педагогика, одоб-ахлоқ ва психология соҳасида амалга оширилган инсонпарварлик ҳамда демократик аньаналар учун хос бўлган - ўзларининг қобилиятларига кўра ҳамма кишиларнинг тенглиги ҳақидаги фикрдир.

§ 7. ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

7.1. Педагогик тадқиқот функциялари. Илмий нуқтаи назардан дидактика таълим жараёнларини тушунтириш, ривожланиш истиқболларини кўрсатиш, амалда таълим-тарбия жараёнига таъсир этиш ва уларга бахо бершни максад килиб кўяр экан, куйидаги функцияларни бажаради.

1.Дискриптив функцияси. “Дискртпив” сўзи инглизчадан олинган бўлпб, «ёритиш», “таъсвирлаш” деган маънони билдиради. Тасвирлаш кўпиича диагностнк тилда тарқалган. У ўқув-тарбия жараёнида учраётган чекланишларнинг қай йўсиндалигини аниқлаш учун хизмат қилади. Педагогик диагностиканинг мақсади фақат содир бўлган чскланишларнинг шакли, ҳажми ва хусусиятини аниқлаш эмас, балки бу чекланишлар ўқув тарбия тизимннинг қайси бўғинлари сусайганлиги сабабли юз берганини аниклашдан иборат.

2.Тушунтириш функцияси. Дидактпк тадқикотнинг бу тури экспсриментлар ўтказиш билан богликдир. Бу ерда таълим жараёнининг барча шароитлари сақланган ҳолда ўқув жараёнини ўзгартирувчи омиллар киритиллиш натижасида дидактик тадқлқот ўқув-тарбия жараёнининг асосида ётган қонунлятларни очиш имконини беради.

3.Педагогик тадқиқотларнинг таълим-тарбия жараёнларини олдиндан кура билиш функцияси. Бу хллдагл тадқиқотлар, изланишлар жараёнларнинг кандайлигини кўрсатиш билан блрга, жараён юз бераётган даврдан кейинги замонда қандал ўзгаришлар, қандай боғланган қонуниятли педагогик ва бошка жараёнлар юз беришини олдиндан кўра билишга асос бўла олади. Шу билан бирга олдилдан кўра билиш функцияси содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларни биз исталган йўналишда ривожлалтириш имкониятларини ва уларга тегишли, етарли даражадагл объектив, ҳар томонлама ўйланган баҳо бериш имкониятларини ҳам яратади. Натижада юқорлда кўрилаётган тадқиқотлар ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида мустахкам кўприк ясаш, таълим ва тарбия хакида кишилик жамияти тўплаган битмас-туганмас тажрибани тўла-тўкис келгуси авлодга татбиқ этиш учун тайёр кўрсатмалар, хулосалар ишлаб чиқиш имконини яратади.

4.Педагогикада, хусусан дидактикада ўтказиладиган тадқиқотларнинг амалий функцияси таълим жараёнидаги очилган қонуниятлар объектив дидактик хакиқатл янада чуқурроқ тушунилиш ва бу жараёнларга тадқиқотчи нуқтаи назаридан амалий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Педагогик тадқиқотларнинг функциялари бир-бирлари билан узвий равишда боғлиқдир. Нисбатан оддий, оммабоп ҳисоблангаи таснифлаш, тушунтириш тадқиқотлари таълим ва маорифнинг ҳозирги аҳволини ёритиш имконини юзага келтиради. Тажриба, эксперименталь тадқиқотлар таълим қонуниятларини англаб етиш ва тушунтириш, энг асосийси бу жараёнларни

тушунтирувчи назариялар яратиш имконини беради. Тушунтириш ва экспериментал маълумотларга асосланиб, келгусида юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар хусусида дастлабки хулосалар чиқарилади ва истиқболдаги ишлар режаси ва дастури тузилиб, бевосита амалда татбиқ этиш жараёнига ўтилади.

7.2. Педагогик тадқиқотлар методлари. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон- келажаги буюк давлат» асарларида умуминсоний қадриятларга қайтиш ҳақидаги мулоҳазаларида таълимтарбия масалаларини фаолликка асосланган принципларга ўтказиш, ўсиб келаётган ёш авлодни янгиликларни тез қабул қилишга ундаш, истиқлол яратган кенг имкониятлардан фойдаланиб, хўжалик ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида юксак натижаларга эришиш ҳақида гап боради.

Бу янгича дунёқараш халқ таълимида илгари сурилган узлуксиз таълим ва шахс хислатларини ижодкорлик таълими орқали ривожлантиришда таълим назарияси олдига япада янги вазифалар қўяди. Бундай улкан масалалар айрим камчиликларни тугатиш, «ямаш» билан ечилмайди. Халқ таълими тизимнни тубдан ўзгартириш, унинг ривожи учун педагогик, услубий, психологик шароитларни яратиш талаб этилади.

Амалиётдан шу нарса аниқ равшанки, ҳар қандай илмий хулоса тажриба ва илмий тадқиқотларга асосланади. Педагогикада, хусусан таълим ва тарбияда илмий тадқиқотлар ҳеч қачон тўхтамайди ва узлуксиз давом этаверади.

Педагогик тадқиқотларнинг предмети сифатида мактаб ва бошқа ўқув юртларининг фаолияти, унинг мақсади, дастурий маъноси, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти, ташкилий шакл ҳамда ижтимоий шароитлар хизмат қилади.

Дидактнканинг предмети тахсил ва таълим билан боғлиқ турли шакл ва турларда юз берадиган ходисалар, фактлар хлсобланади. Таълим ва таҳсил бошқа ижтимоий воқеликлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Дидактик тадкиқотларнинг предмети ижтимоий фаолиятнинг алохида шакли дидактик фаолият ҳисобланиб, унинг максади тахсил бериш на ўзгариб бораётган тарихий идеаллар ва ижтимоий талаблар асосида одамларни қайта тарбиялашдир.

Дидактик фаолият ўкитувчи ва ўқувчиларнинг хатти-харакатларидан иборат. Бундай фаолият натижасида ўқувчилар билим, иқтидор ва кўникмаларга эга бўладилар, ўз дунёқарашини, шахсий кадриятлар тизимини шакллантирадилар. Тахсил натижасида ўқувчи шахсининг турли хнслатлари шакллаитирилади. Бундай ўзгаришларни кузатиш, хисобга олиш дидактик тадкиқотларнниг асосларидан хисобланади. Юкоридаги ўзгаришлар, бир томондан, ўқитунчининг дидактик фаолияти таъсиридаги ва ўз шахсий хатти-харакатлари таъсиридаги ўзгаришлар орасидаги копуниятларни очишга, уларни тахлил қилишга имкон беради. Ўқувчилар ва

ўқитувчиларнинг ўқув вшларв шароитлари, ҳаракатлари, таълим мазмуни, услуб ва воситалари орасидаги боғлиқликлар, табиат қонуниятлари кандай объектив характерга эга бўлса, шундай объектив характерга эгадир.

Таълим ва тарбияга тааллукли хатти-харакатларни тафаккурга асосланиб тахлил қилиш редагогика ва дидактикада ягона усул хисобланади. Ян Амос Қоменскийнинг «Буюк дидактика», К.Д.Ушинскийнинг «Инсон тарбия предмети сифатида» асарларлда масалага шундай ёндашишни кўриш мумкин.

Ўқув-тарбия жараёни хакида жиддий хулосалар чиқариш учун мунтазам равишда олиб борлиган кузатишлар, тажриба, фактларга асосланган эмперик тадқиқотлар натижаларига асосланиш зарур.

7.3. Тадқиқотларнинг тарихий-таккослаш методлари. Тарихий методлар. Подагоглк тадқиқотлар, хусусан, дидактик тадқлқотлар асосан ўқитувчининг дидактик фаолияти билан ўқувчилар тахсили натижасида ҳамда ўқувчиларнннг ўз фаолиятлари натижасида улар шахси, билим, иқтидор ва кўникмаларининг ўзгариши орасидаги боғлиқликни очишга қаратилади. Хўш, бундай боғлиқлик дидактик тадқиқотлар натижасидан олинадими ёки уларни яқин, узоқ ўтмишдан олса бўлидими? Амалий ҳаёт бу муаммога ўзича жавоб беради.

Тарихий тараққиётнинг турли даврларида ижтимоий муносабатлар маълумотнинг максад ва вазифаларини белгилаб берган. Масалан, саноат ишлаб чнқаришини индустрлаштириш, илмий техникавий революция маълум даражада таълим ва тарбия мазмуни, шакллари ва услубларини танлашга таъсир кўрсатади.

Тарихан таълим-тарбиянинг барча ҳолларида юз берган ўзгаришларнинг хусусиятлари, тамойиллари, қонуниятларини ўрганмасдан туриб, маълумот масалалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

Тарихий педагогик тадқиқотларнинг мақсади шундай қонуниятларни аниқлашдан иборатки, бу қонуниятлар фақат якин ва узоқ тарихни ўрганишни эмас, шу билан бирга таълимнинг ҳозирги ахволини, ундан ҳам муҳими- келгусини белгилаш имконини бермоғи лозим

Назарий таққослаш- солиштириш методи. Бундай педагогик тадқиқот халқаро педагогик тадқиқотларга асосан уч йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш- турли мамлакатлардаги таълим ва тарбия тизимларининг умумий қонуниятларини аниқлаш. Дунёда юздан ортиқ таълим тизимлари мавжуд. Албатта, мустақил Ўзбекистон Республикасида эски таълим тизими асосида ишлаш мумкин эмас. Бошқа мамлакатларда амал қилиб турган таълим тизимларининг қулай ижобий томонларини юқорида кўрсатилган таққослаш-солиштириш тадқиқотлари асосида бизнинг таълим тизимимизга кўчириш мумкин.

Иккинчи йўналиш ҳар бир таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни, уларни тасдиқловчи фактлар тўпламини, турли тарихий даврлардаги ва турли тарбия муҳитларига оид ўзига хос томонларни аниқлашдан иборат.

Учинчи йўналиш таълим тизимларининг ички хусусиятларини аниқлаш, ўхшаш ва фарқли хусусиятларини белгилаб, уларнинг таълим тизимидаги умумий хусусиятлар билан боғлиқ аломатларини ва алохида хусусиятлари сабабларини аниқлаш имконини беради. Бу турдаги тадқиқотлар фақат статистик маълумотлар ва анкеталар натижасини таҳлил қилиш билан чегараланмайди.

Таълим тизимларини тадқиқ этиш махсус таиёргарликдан ўтган халқаро экпертлар гуруҳлари томонидан тегишли илмий-текшириш ташкилотлари билан хамкорликда ўтказилади. Бунинг учун илмий-тадқиқотнинг махсус концепцияси, усулларини танлаб олиш мезонлари ишлаб чиқилади ва матбуотда эълон килинади. Кенг китобхонлар ва қизикувчилар эьтиборидан ўтган концепция алқаро педагогик уюшмалар томонидан тасдиқланади ва бевосита ишга киришилади.

Таълим тизимларининг ўхшашлик ва алоҳидалик аломатларини, уларнинг илдизларини, сабабларини аниқлаш бирмунча мураккаб бўлиб, маориф тизимларининг ютуқларини тадқиқ этувчи халқаро ассоциация экспериментлари каби атрофлича илмий-текшириш ишларини олиб боришни талаб этадн. Таълим-тарбия омилларини тушунтириш ва уларга тасниф бериш назарий таққослаш-солиштириш усулларининг асоснй кисми ҳисобланади. Албатта, хамма илмий-тадқиқотлар йиғилган фактларни тушунтириш бмлан иш тугамайди.

Бу турдаги изланишларнинг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, табиий фанларда умумий белгилар, атамалар, бирликлар мавжуд, педагогик (дидактик) тадқикотларда эса бундай умумий халқаро бирлик ва атамалар деярли йўқ. Шунинг учун ҳам олинган натижаларнинг таснифи бирмунча субъектив тус олиши мумкин. Бундай ҳоллар таълим ҳақидаги статистик маълумотларга математик ишлов бериш орқали бир-мунча тўғриланади. Масалан, бирон мамлакатдаги бирон йилда туғилган болаларнинг мактабларга камраб олиниши ёки таълимга ажратилган миллий даромаднинг фоизи шу мамлакатнинг маориф масалаларига муносабатини асосан объектив белгиланди. Қолган омиллар таълим аҳволини белгилашда юқорида кўрсатилган статистик маълумотларни янада чуқурлаштиради.

Кузатиш методи таълим-тарбиянинг мазкур вактдаги ҳолатини аниқлаш имконини беради. Кузатиш усулининг мақсади бор фактларни ёритишдангина иборат бўлмай, бизга олдиндан қўйилган мақсад бўйича аниқланиши лозим бўлган фактларни қидириш ва аниқлашдан иборат.

Кузатиш жараёнида тадқикотчини қизиқтнрувчи муаммо ва вазифалар кузатишни сайлаб (танлаб) ўтказишни тақозо этади. Тадкиқотчи муайян танланган муаммони ҳисобга олиб, нимани кузатиш кераклигини танлаб олади. Шунинг учун ҳам у кузатиш натижасида ечилиши керак бўлган муаммони ҳали кузатишни бошламасдан олдинроқ билади. Натижада тадқиқотчининг кузатиш натижаларини умумлаштириши бирмунча осонлашади.

Кузатишга асосланган таснифлаш тадқиқотлари уч кўринишга эга: 1)обзор тадқиқотлари; 2) таълим-тарбия унсурлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш; 3) изланиш тадқиқотлари.

Бундай шароитда кузатиш тўғридан-тўғри ёки бевосита амалга оширилади. Тўғридан-тўғри ёки бевосита кузатиш фактларни қабул қилиб олиш, тушуниб етиш ва ўлчашдан иборат. Қабул қилиб олиш- сезиш органлари ёрдамида текширувчи объект аниқ жойда турганлигини қайд қилиш; тушуниб етиш танлаб олинган, қайд қилинган объект олдиндан аниқ ёки ноаниқлигини аниқлашдан, ўлчаш эса шу объектнинг сонини аниклашдан иборат.

Билвосита кузатиш объектни бевосита кузатиш имконияти бўлмаганда амалга оширилади. Шундай объектдаги шахснинг туғма қобилияти, имкониятлари, интизомлилик, ростлик, камтарлик, камсуқумлик каби хислатлари кириши мумкин. Бундай хислатларни бевосита кузатиш натижасида аниқлаш қийин. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи ўзига қулай кўрсаткичлардан фойдаланади.

Бевосита ва билвосита кузатиш билан бир қаторда фаол кузатиш ҳам қўлланилади. Фаол кузатишда дидактик жараёнда бевосита тадқиқотчининг ўзи хам қатнашади ва жараённинг боришига таъсир этади. Бунда иштирок этишнинг ижобий томони шундан иборатки, тадкиқотчи бўлиб ўтаётган жараённинг икир-чикирларини тушуниб етади, бу эса ўқув жараёнини тадқиқот талабларига йўналтириш имконини беради. Бундай усул айрим камчиликларига қарамасдан, ижодкор-ўқитувчилар томонидан ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришда кенг қўлланилади.

Билвосита кузатиш тадқиқотчини ҳодисаларни ўрганишга кўпроқ жалб этишга имконнят яратади. Машғулотлар стенограммалари, учинчи одам томонидаи тайёрланган кузатиш баёнлари, фото-кинолавҳалар, расмлар, диаграммалар, статистик машғулотлар шулар жумласидандир. Бу ҳужжатлар педагогик фаолиятнинг натижаларини хамда ижтимоий мухит, хусусан ўкитувчи фаолиятининг ўқувчи шахсида уйғотадиган ўзгаришларни кузатиш имконини беради.

Илмий-текшириш мақсадларини аниқлаш тадқиқотчини қизиқтириб қолган муаммоли холатни тахлил килиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Бундай холатни таҳлил қилиш ва унда маълум ва номаълумларни аниқлаш, қўшимча адабиётларни ўрганиш, тажрибали шахсларнинг бу масалага берган бахоси тадқиқотчииинг асосий ва кўшимча муаммоларини аниқлаш имконини беради.

Ўзгарувчан параметрларни аниқлаш ва таҳлил қилиш. Ўзгарувчилар- бу текширилаётган объектда турли ахамиятга эга бўлган омиллардир, ўзгарувчилар- текширилаётган объектнинг бизни қай томондан қизиқтираётганлиги ҳақида ахборот беради.

Таълимнинг салмоғи, ривожланиш тезлиги, мактабнинг ютуқлари каби мураккаб ўзгарувчилар маълум шкалалар асосида тартибга келтирилади.

Муаммоларни гипотезалар занжирига айлантириш тадқикот жараёнининг келгуси босқичи ҳисобланади. Тадқиқотнинг асосий муаммоси ёки шу муаммодан келиб чиқувчи саволларга тадқиқтчи дастлабки хомаки жавоблар қидиради. Изланиш давомида у янги қўшимча ахборотлар тўплайди ва жавоблар янада ривожланиб боради. Шундай килиб, қўйилган саволлар гипотезаларга айлана боради, келгуси кидириш йўналишларини белгилаб беради, бошқача айтганда, ишчи гипотезага айлана боради.

Педагогикадан олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг жиддий босқичларидан бири тадқиқот муаммосини ечиш бўйича бир ёки бир неча гипотсзаларни белгилашдир. ***Гипотеза- бу муаммони ечишнинг тахминий йўлини илмай томондан тасдиклаш демакдир.*** Тадқиқотчи қўйилган муаммоми атрофлича, хамма ўзгарувчиларни ҳисобга олган холда, таҳлил килади. Гипотеза эмпирик жнхатдан тасдикланмоғи даркор. Бунинг учун эксперимент лойихаси тузилиб, экспериментал тадкиқотлар ўтказилади.

Тадқиқот техникасини ва «асбоб-ускуналари»ни танлаш. Бу тадқиқотнинг мазкур босқичида тадқиқот объекти ўзгарувчиларни танлашга кўп жиҳатдан боғликдир. Тадқиқот техникаси атамаси ёки тадқиқот усули ёки тадқиқот фаолиятининг кетма-кетлиги атамаси ишлатилади. Илмий усул бу илмий муаммони ечишда қайта-қайта ишлатиладиган усулдир. Тадқиқот техникаси деганда, тадқиқот муаммосини ечиш учун объект ва ҳодисалар ҳақида ахборот тўплашда тез-тез кайтариладиган усул тушунилади. Масалан, кузатиш усулида турли тадқиқот техникаси ишлатилади: ***клиник кузатиш, савол-жавоб, зондлаш, танлаб текшириш ва хужжатлар таҳлили.*** Бундай технологиядаги ишлатилувчи «асбоблар» турлича бўлади. Улардан кенг таркалганлари анкеталаш, психологик ёки дидактик тестлардир.

Тезкор юз берадиган жараёнларни қайд қилиб, кейинчалик чуқур таҳлил қилиш учун махсус техникавий воситалар ҳам ишлатилади. Булардан фотоаппарат, кинокамера, проектор, магнитофон, видеомагнитофон ёкн ўлчов асбоблари ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Дидактик эксперимент методи. Экспериментни кўллаш натижасида тадқиқотчи дидактик амалиётга унинг ички таркибий тузилиши, қонупиятларини, таълим маъносн ва жараёнларини очиш мақсадида «шўнғийди».

Агар кузатишда тадқиқотчи борлиқни қандай бўлса, шундайлигича идрок қилиб текширса, эксперимент жараёни бу борлиқни ўзгартириб, унинг ички конуниятларини, унга таъсир этишнинг самарадор усулларлни аниқлайди.

Экспериментнинг биринчи хусусияти шундан иборатки, унда тадқиқотчининг ўзи қатнашади, ишни ташкил этади, амалга оширади ва натижани тахлил килади.

Иккинчи хусусияти - ўқув-тарбия жараёнининг ички қонуниятларини аниқлаш учун жараён шароитларини ўзгартириш имкони туғилади. Учинчи хусусияти- ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиб, уларни аник ўлчаш

имконидир. Тўртинчи хусусияти - экспериментга илмий тус бериб, ишчи гипотезани аииқлаштиришдир. Демак, экспернмент шундай илмий-тадқикот усулини, унда таълим-тарбия жараёнини назорат кнлиш ўлчаш ва ишчи гипотезани янада ойдинлаштириш имкони туғилади.

Юқорида кўрсатилган тўрт хусусият бажарилса эксперимент лаборатория эксперименти ҳисобланади, биринчиси бажарилмаса, бу табиий эксперимент дейилади.

Педагогикадан илмий-тадқиқот ишларининг методологик асослари:

1. Шахснинг ижодий ва фаолятлилик маъноси хақидаги таълимот.
2. Шахснинг ўзаро алока бғлаш ва ўзаро боғлиқлиги хакидаги таълимот.
3. Муносабатлар назарияси
4. Мутахассис шахсини шакллантириш хақидаги назария.
5. Билиш фаолияти ҳақидаги таълимот.

Педагогик илмий-тадқпқот ишларини ташкил этиш илмий тадкиқот методлар:

I. Эмпирик даражадаги методлар:

1) диагностик методлар (анкеталаш, ҳужжатларни ўрганиш, интервью уюштириш, сухбатлар), социометрик методлар;

2) обсервацион методлар (бевосита ва билвосита кузатиш, тўғри ва узокдан кузатиш, бевосита жараёнда қатнашиш орқали кузатиш, ўз-ўзини кузатиш);

3) прогностик методлар (экспертлар методи билан баҳолаш, бир-бирига боғлик бўлмаган характеристикаларни умумлаштириш, моделлаштириш, экстрополяция, шкалалаш, ранглаш, «Дольфа методи» ва бошқалар);

4) экспериментал методлар (сифат эксперименти, ўлчаш эксперименти, констатация эксперименти, шакллантириш эксперименти, прогностик эксперимент ва бошқалар);

5) праксиметрик методлар (фаолият натижаларини анализ қилиш, моделлаштириш, профессиографик ва психографик анализ, хронометраж);

6) математик методлар (корреляцион анализ, факторли анализ, дисперс анализ ва бошкалар).

II. Назарий даражадаги методлар:

1) Илмий билиш даражадаги методлар:

- психолого-педагогик ва социал адабиётларни анализ қилши;
- эмпирик материалларни синтез қилиш;
- тўпланган материалларни таснифлаш;
- текширилаётган жараёнини дедукциялаш;
- индукциялаш;
- аналогларни кўриш;
- моделлаштириш.

2) Мантиқий анализга асосланган методлар:

- ўхшатишлик методлари;
- ўзига хослигини аниқлаш методлари;

- ўзига хос узвий боғлиқлиги ўзгаришларини анализ қилиш методи.

Илмий тадқицот босқичлари:

1-босқич. Назарий изланиш босқичи. Бу босқичда тадкиқот муаммоси илмий жиҳатдаи обдон ўйлаб кўрилади.

Керак бўлганда муаммонинг ҳозирги ахволини чуқурроқ тушуниб етмоқ учун узоқ ва яқин ўтмишни тарихий-назарий анализ қилинади. Натижада тадкнқотнинг туб негизи аниқланади, тадқиқот мақсадига мос адекват методология ва тадқиқот методлари аниқланади, тушунчалар аппарати киритилади, умумий ва хусусий гипотезалар, тахминлар қўйилади, тадқиқотни ташкиллаштириш элементлари белгиланади.

Бу босқичда яна тадқиқот объектининг (институт, мактаб, колледж, лицей ва ҳоказолар) иш тажрибаси ўрганилади, умумлаштирилади ва анализ қилинади. Ўрганилаётган муаммо бўйича талабалар, битирувчилар, ўқитувчилар кузатилади, суҳбат, анкеталар ўтказилади, интервьюлар олинади, ўқувметодик ва режалаштириш ҳисобот ҳужжатлари ўрганилади. Тадқиқот туб мақсадларини аниқлаштириш мақсадида изланиш экспериментлари ўтказилади.

2-босқич. Экспериментал-диагностик босқичида ўқув-тарбия жараёнининг механизми, хоссалари, ўзига хос қарама-қаршиликлари, жараён ривожланишинннг сифат белгилари, тезлиги, шиддаткорлиги, даражалари ўрганилади.

Бу босқичда ҳисобга олиш эксперименти билаи бир қаторда анкеталаш, суҳбатлар, ўз-ўзини баҳолаш, рейтинг баҳолаш, шкалалаш, ранглаш каби методлар орқали дастлабки синов шакллантириш экспериментлари ўтказилади.

3-босқич. Тажриба экспериментал босқичида назарий ва методик ишланмалар, янги дарслик ўқув қўлланмалари, ўқитишнинг янги изчил методлари текшириб кўрилади ва тегишли аниқликлар киритилади.

4-босқич. Якунловчи умумлаштириш босқичи хисобланади. Тадқиқот натижасида олинган натижалар яна бир бор системага солинади, ишлаб чиқилади, ксрак бўлган холларда илмий-тадқиқот натижасида олинган методик йўриқномалар, хулосалар қайтадан текшириб кўрилади ёхуд ўқув юртлари амалиётида бевосита қўллаб кўрилиб, тегишли хулосалар олинади.

II БОБ. ДИДАКТИКА. ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

§ 8. КАСБ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИ. ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ТАНЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Таълим мазмуни таълим жараёнида ўзгача жараён элементлари билан билвосита боғлиқ бўлиб ўқув-дастурий ҳужжатлар: ўқув режаси, ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмалари шаклида мавжуд бўлади. Ўқув-дастурий ҳужжатларни тузиш, белгилаш ўқув-тарбия жараёнининг педагогик ва услубий назария билан боғлайдиган элементи ҳисобланади. Таълим мазмунини танлаш ҳозирги босқичма-босқич ўқишни ташкил қилиш шароитида алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу ерда ўқув дастурий ҳужжатлар ҳар қайси алоҳида олинган йўналишга (бакалавр, магистр, лицсй, гимназия, колледж) алоҳида-алоҳида тузилади.

8.1. Таълим мазмунининг структураси ва тузилиш принциплари. Таълим мазмунининг структураси ва тузилиши қуйидаги принципларга асосланади: 1. Таълим мазмунининг давлат социал-иктисодий ривожланиш йўналишларига боғлиқлик принципи. Ўзбекистон Республикасининг хозирги мустақиллик шароитида Республикамиз Президенти И.А.Каримовнннг Олий Кенгаш сессиясида сўзлаган нутқида баён қилинганидек республикамиз социал-иқтисодий ривожланишининг 5 та йўналиши белгиланган:

1) Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги принципи. Яъни барча сиёсий масалалар иқтисодиётга боғлаб ўрганилади ва ечилади. Сиёсий партиялар фаолиятлари ўқув юртларида бевосита фаолият кўрсатмайди.

2) Ўтиш даврида қонунларнинг устунлиги таъминланади.

3) Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнини давлат бошқаради.

4) Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кам таъминланганлар социал муҳофаза остида бўлади.

5) Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилади.

Юртбошимиз И. А. Каримов Олий Кенгаш сессиясида, фан, маданият арбоблари билан учрашувларида истиқлол мафкураси масалаларига тўхталиб таълим-тарбия масалаларида биз умуминсоний қадриятларга асосланишимиз кераклигини уқтирадилар. Бу демак, ғоявий йўналиш бизда умуминсоний ижобий хислатларни шакллантириш йўналишида, яъни сиёсий партиялар таъсири, курашиш таъсирида эмас, балки асрлар оша сайқалланиб келаётган халқ педагогикаси дурдоналари асосида,, ўзбекона одат, удумларига таянган ҳолатда юз беради.

1. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. («Ватанни севмоқ иймондандир») Ватан, она ер,онадан бошланади. Ватанни севмоқ учун ватанни билмоқ керак.

Ватан байроғи, герб нишонасини билиб, ёшларда унга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш лозим. Байроқдаги ранглар маъносини, юлдузлар сони, жойланиши маъносини билиш керак.

Ватан герб нишонаси, образи туширилган қуш тарихи, афсонаси, гербнинг ўзига хос хусусиятларини билмоқ, англамоқ, юқори даражада ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашни ташкил қилиш лозим.

Ўзбекистон мадҳиясини ҳар бир фуқаронинг ёддан билиш, оғзаки айта билиши мадҳия мусиқаси чалинганида ўриндан туриб чуқур таъзим билан олқишланиши даркор.

Ватанпарварлик тарбияси масалалари алоҳида олинган фанлар ёки ижтимоий фанлардагина ўз ифодасини топмасдан, балки бутун фанлар мазмунида ҳамма тарбиячилар - каттаю кичик барчанинг диққат эътиборида бўлиши керак.

2. Фанлараро комплекс алоқалар принципи. Бакалавр ва магистрлар тайёрлаш мазмуни структурасида ўқув материаллари орасидаги боғланиш асосаи комплекс бўлади. Бундай боғланишларнинг маъноси умумтехника, умуммуҳандислик, махсус фанлар, турли бевосита ишлаб чиқарилган, технологик жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган табиий фанларга асосланади.

Фанларнинг ўзаро мантиқий тузилишида қуйидаги боғланишлар аҳамиятли ҳисобланади:

а) турли предметларда кўриладиган умумий объектлар бўйича боғланиш;

б) турли ўқув предметларидаги турли объектларни тушунтирувчи бир-бирига яқин қонун ва назариялар бўйича;

в) тадкиқот методлари вм талабаларнинг амалий фаолиятлари бўйича;

г) турли умум фалсафнй тушунчалар бўйича;

д) турли характердаги ўлчов-хисоблаш боғланишлари;

е) ишлаб чикариш жараенини ифодаловчи илмий билимлар бўйича;

ж) таълим ва тарбия методлари услубларининг педагогик-психологик ва фалсафий билимлар билан боғлиқлиги.

3. Касбларга йўналтирилганлик принципи:

Маълумки, ўқув режасидаги барча предметлар бўйича барча билимларнинг ўзи етарли эмас. Чунки ёш мутахассис ўқишни битириб то ишга жойлашгунича реал технологик жараёнда кўпгина ўзгаришлар юз бериб бўлади. Шунинг учун ҳам таълим маъносн маълум билимларни кўзда тутади. Мутахассисда тезкор билим ва кўникмаларни шакллантириш. Касбий йўналтирилганлик кўникмаларини тараққий эттириш, жумладан, касб маҳоратини шакллантириш кўзда тутилади.

4. Таълим мазмунини танлашда ядро ва қобик ёки устивор ва ўзгарувчан (динамик) қисмларга бўлиб танлаш принципи.

Асосий устивор қисмларга бўлиб тайёрлаш умумназарий, умумтехник, умумпедагогик ва политехник билим, иқтидор ва кўникмаларни

шакллантиришни кўзда тутади. Шу жумладан, илм тарихи, ишлаб чиқариш илғор- бунёдкорлари тажрибаси ҳакидаги маълумотларни ўз ичига олади. Булардан ташқари асосий тайёргарликка политехник аҳамиятга эга бўлган техник, технологик билимлар киради ва маълум йўналиш бўйича тайерланаётган барча мутахассисликлар учун мажбурий минимумни ташкил этади.

Бўлғуси мутахассисларнипг махсус тайёргарлиги саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши масалаларини ҳамда махсус йўналиш бўйича ишлаб чиқариш билим, иқтидор ва кўмикмаларни шакллантириши, мустаҳкамлашни ўз ичига олади. Асосий ва махсус тайёргарлик орасидаги муносабат мутахассисликнинг характерига, мутахассис квалификацион характеристикасига, касбнинг ўзига хос хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

5. Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш принципи.

Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш бир томондан маълум бир йўналиш бўйича мутахассис тайёрланаётганида унинг бпр неча тур модификациясини (хилларини) тайёрлаш имкониятини кўзда тутувчи унификациялашган ўқув режаларини тузишни кўзда тутса, иккинчидан умумтехник, умумпедагогик ва махсус предметлари мазмунини табақалаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишини анъаналарини ҳисобга олади. Шунинг учун ҳам назарий, ҳам амалий махсус предметларнинг маъноси турли йўна-лишдаги мутахассисликлар учун турлича танланади.

Тайёрланаётган мутахассисликларнинг таълими мазмунини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекпстон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чиқарилган «мутахассисликлар класификаторини» асос қилиб олиб янада янги .мутахассисликларни модернизациялаш зарурати туғилади.

Бўлғуси мутахассисликларни тайёрлашда таълимнинг ягона умумполитехник тайёргарлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга мутахассисликнинг турли йўналишларини ҳисобга оладиган махсус тайёргарликнинг ўзгарувчан қисмини ажратиш лозим.

8.2. Таълим жараёнининг таркибий қисмлари. Таълим жараёни таълим берувчи - ўқитувчининг ва таълим олаётган ўқувчилар фаолиятининг йиғиндисидан иборат. Бу жараён ўқитувчи томонидан маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади, доимо динамик тарзда ўзгариб боради. Таълим давомида таълим олаётганлар-нинг шахсий хислатлари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Таълим жараёни бу бирмунча кенг тушунча бўлиб, бевосита бирон ўқув юрти билан боғлиқ ўқув жараёни, таҳсил олиш, тарбияланиш, ҳар томонлама ривожланиш каби ташкил этувчилардан таркиб топади. Таълим жараёнининг асосий вазифаси янги илмий ҳақиқатларни кашф этиш, бу ҳақиқатларни ижодни ўзлаштириш орқали юз беради. Билимларнинг кўпгина турлари ўқувчилар томонидан ўрганилаётган

объектларни бевосита кўриш йўли билан эмас, балки ўқитувчининг ҳикояси, тасвирлаши орқали идрок этиш йўли билан эгалланади. Ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи кучлар қарама-қаршиликлар бирлиги ва уларнинг ўзаро курашидан иборат. Бундай қарама-қаршиликларга жамиятнинг таълим жараёнига янгича, янада юқори талаблари билан тўхтовсиз равишда мукаммалаштиришга муҳтож бўлган жараённинг муҳим ҳолатлари орасидаги қарама-қаршиликлар мисол бўла олади. Булардан ташқари ўқув жараёнининг ички ўзига хос қарама-қар-шиликлари мавжуддир. Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар билан ушбу эҳтиёжларни қондиришнинг ҳаққоний реал имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар бунга мисолдир. Бундай қарама-қаршиликларни услублар, ўқитишнинг ташкилий шаклларини, ўқитишнинг кўргазмалилик воситаларини моҳирлик билан танлаш йўли билан ҳал этиш ўқитувчиларнипг ривожланишини таъминлайди.

Ўқув жараёнининг вазифаси фақатгина билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантирибгина қолмай, балки ўқувчи шахсига комплекс равишда таъсир этишга йўналтирилган бўлади. Таълимнинг таҳсилий жараёни билан бир вақтда тарбиявий вазифалари ҳам амалга оширилади, яъни ўқувчиларда дунёқарашни, ахлоқий, меҳнат, эстетик, этик қарашлар, тасаввурлар, ишонч, жамиятдаги актив фаолият ва шунга мувофиқ хатти-ҳаракатлар усуллари, муносабатлар, эҳтиёжлар, маданиятлар системаси келажаги буюк давлат инсонлари учун характерли бўлган шахс фазилатлари шакллантирилади. Таълимнинг тарбиявий вазифасини моҳияги унинг мазкур объектив жараёнга белгиланган мақсадга йўналганлик ва жамоавнй аҳамиятлилик бахш этиб ёндошишдан иборат.

Таълим жараёнида олиб бориладиган тарбия таълим жараёнининг боришига ижобий, фойдали таъспр кўрсатади. Тарбия интизомлиликка, уюшқоқликка, жамоавий активликка ундайди ва ўз навбатида таълим ва-зифаларини осон бажариш имконини беради.

Демак таълим жараёнини уч қиррали деб қараш мумкин. Биринчи қирраси билим, иқтидор ва кўникмаларни малакаларга айлантириш жараёни, иккинчи қирраси шахсий сифатларни тарбиялаш ва ниҳоят учинчи қирраси шаклланган хислатларни ривожлантиришдан иборат. Таълимнинг юқорида кўрсатилган учёқлама вазифасини ёнма-ён ҳолатда амалга ошириладиган жараён деб ёндошиш мумкин эмас. Бу қирралар жуда мураккаб боғликликда бўлади, бири бошқасининг давоми си-фатида юзага чиқади. Албатта, тарбия жараёни тўғри ташкил этилган ҳолатда таълимнинг бориши жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки тарбия интизомлиликка, уюшқоқликка, жамоавий фаолликка ва бошка кўпгина фазилатларга ўргатувчи шартшароитлар яратади. Ўқувчиларнинг етарли даражада тарбиялиликларисиз самарали таълим жараёни умуман мумкин эмас. Мана шунинг учун ҳам таълим жараёни ўзида таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг муштараклигини намоён этади. Таълимнинг тарбиявий ва

таълимий вазифаларининг яхлитлигини тасдиқловчи омиллардан бири таълим методлари тарбиялаш методларининг айрим таркибий қисми сифатида намоён бўлса, иккинчидан тарбиялаш методларининг ўзлари таълим олишни рағбатлантириш методлари сифатида намоён бўлади. Таълим ва тарбия шахснинг ривожланишига кўмаклашади. Агар ўқувчилар махсус ривожлантирувчилик йўналишига эга бўлса ҳамда ўқувчилар ҳаракатланиш ақлий, эркинлик, таъсирчанлик соҳаларининг ривожланишига ёрдам берадиган фаолият турларига жалб этилса, таълимнинг ривожлантирувчилик, тараққий эттирувчилик вазифаси самаралироқ амалга оширилади.

Ижтимоий тузумлар ривожланиши жараёнида таълимнинг ривожлантирувчилик функциясини таъминлашга ҳаракат қилинган, аммо таълим мазмунининг мантиқи, таълим методларининг мукаммал бўлмаганлиги сабабли ривожлантирувчи фазилатларнинг доираси бир қанча даражада торроқ бўлган эди. Ўзбекистон Республикасининг миллий тикланиш даврида ривожлантирувчи'таъсирлар доирасининг кенгайиши, ўқув фаолиятида ижодий, таркибий қисмларнинг кучайтирилиши кўзда тутилади. Шу билан бирга ривожлантиришни та-факкурни шакллантириш жараёнига тенглаштириш асло мумкин эмас.

Юқорида қайд этилган таълимнинг уч қиррасининг барчаси учта ёнма-ён ҳолатда амалга ошириладиган жараён деб ёндошиш мумкин эмас. Буларнинг барчаси жуда мураккаб ўзгарувчан боғлиқликда бўлади, бири бошқасининг давоми сифатида мавжуд бўлади, унинг сабаби ҳисобланади, бошқаси эса унинг натижаси ҳисобланади. Таълимий ва тарбиявий вазифалар биргаликда ривожланишининг асоси, манбаи саналади. Таълимнинг ривожлантирувчилик асоси ўз навбатида- таълимнинг тарбиявий ва таълимий вазифаларининг асоси деб қаралади.

Таълимнинг асосий вазифалари амалиётда ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш масалалари ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилади. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўқув фаолиятларини мувофиқлаш орқали ҳамма уч турдаги вазифаларнинг бажарилиши таъминланади, бунда машғулотнинг ҳар бир босқичида уларнинг қайсидир бири катта ёки кичик даражада берилиши назарда тутилади. Уч вазифанинг муштараклиги таълимнинг ҳар хил воситалари, шакл-лари, методларини уйғунлаштириш йўли билан амалга оширилади. Булардан ташқари таълимнинг бериш жараёнини назорат этиш ва ўз-ўзини назорат этиш ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш давомида, айнан бир вақтда уларнинг бири эмас, балки, ҳамма уч вазифаларининг амалга оширилиши баҳоланади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш давомида талабаларнинг бир-бирини тўлдириб борувчи воситаларни қўллаши уларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради, бундай жараён давомида мактаб олдида турган масалалар комплекс равишда амалга оширилади. Таълим жараёнининг таркибий тузилишини кўриб чиқиш давомида уни тузилишнинг асосий, таркибий қисмларини ва уларнинг орасидаги алоқаларни аниқлаш .зарур. Таълим икки

томонлама характерга эга бўлган инсон фаолиятининг турларидан бири ҳисобланади. У албатта. маълум даражада белгиланган шарт-шароитларда амалга ошадиган, ўқитувчи билан ўқитилаётганнинг ўзаро таъсирларини назарда тутади.Таълим жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёндан - ўқитиш ва ўрганишдан иборат. Таълим ўқитувчи ва ўқитилаётганларнинг бир вақтдаги фаолиятларисиз, уларнинг ўзаро дидактик хамжиҳатликларисиз асло мумкнн эмас. Ўқитувчи билимни етказишга қанчалик фаоллик кўрсатиб тиришмасин, агар билимларни ўзлаштиришга ўқувчиларнинг ўзида онгли фаолият йўқ бўлса, яъни ўқитувчи бундай фаолиятни ташкил этиш ва изоҳлашни таъминламаган бўлса, ҳақиқатдан ҳам таълим жараёни амалга ошмайди. Шунинг учун, таълим жараёнида педагогнинг ўқувчига оддийгина таъсири эмас, балки, уларнинг ҳамжиҳатликлари таъминланиши керак. Педагогнинг шахс си-фатидаги таъсирлари муштараклиги амалга ошади, мазкур таъсирларни ўқувчи томонидан ички таъсирланиб акс эттирилиши, ўқувчиларнинг билимларини, кўникмаларини, малакаларини, баркамоллик ва тарбияланганликларнинг маълум даражада белгиланган таркибий қисмларини эгаллаш юзасидан мустақил интилишларининг вужудга келиши содир бўлади. Шу билан бирга, таълим жараёни ўқитиш ва ўрганиш жараёнларининг механик йиғиндиси ҳисобланмайди. Бу сифат жиҳатдан янги, бир бутун ҳодиса бўлиб, унинг мазмунини турли-туман шаклдаги дидактик ўзаро таъсирлари акс эттиради. Ушбу жараённинг бир бутунлиги, яхлитлигида ўқитиш ва ўрганиш мақсадларининг умумийлиги, шундай ўрганишсиз ўқитишнинг мавжуд бўлишн мумкин эмаслиги яширинган бўлади. Таълим жараёнида фақатгина билувчанлик характеридаги жараёнларигина эмас, балки ўқитувчи ва ўқитилаётганларнинг мулоқотлари ҳам фаолият юритади. Бир турдаги маълумотлар ўқувчиларнинг ички дунёсига турлича таъсир этади. Таълим жараёнидаги мулоқот ўрганишнинг зарурлигини изоҳлашда жуда кучли таъсир кўрсатади, ўқувга ижобий. муносабатларнинг шаклланишига, фаол ўрганиш учун қулай ахлоқий-психологик шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Ўқитувчининг ўз фанига иштиёқ билан ўзаро муносабатларда ҳурматини сақлай олиши, ўқув жараёнида уларга ўз вақтида ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг ютуқлари, муваффақиятларини ўз вақтида ва ҳаққоний баҳолаш ҳамда оғир вазиятларда ўзини тута билиш - буларнинг барчаси ўзлаштириш жараёнига жуда кучли таъсир кўрсатади, ўқувчиларда ўқитувчини намуна сифатида назарда тутиб, ўзларини тутишга интилишларини вужудга келишига кўмаклашади. Ақллилик, моҳирлик билан мулоқот олиб бориш натижасида таълимнинг тарбиявийлик самараси кўп даражада ортади.

Таълим жараёнида ўқитувчилар асосий диққат-эътиборларини фақатгина ўқув фаолиятига жалб этсалар, таъсирнинг натижаси етарли бўлмаслиги мумкин ва аксинча қулай мулоқот таъминланиб, шарт-шароитлар яратилиб, аммо ўқув фаолияти ташкил этилмаса, бундай ҳолларда ҳам куч сарфлашлар самарасиз бўлиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам таълимнинг моҳиятини

очиш давомида мулоқот ва билимнинг, маълумотнинг муштараклигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг ривожланиши, таълим ва тарбияси фақатгина таълим ҳамда тарбиялаш воситасида эмас, балки уни қуршаб турган муҳит, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий фойдали меҳнат, жисмоний машқлар, ўйинлар ва бошқа шунга ўхшаш дарсдан ташқари машғулотлар ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Таълим жараёнининг таркибий қисмлари: мақсадлилик, рағбатлантирувчи-изоҳий, мазмуний, операцион-фаолиятли (таълимнипг методлари, шакллари), назорат тўғрилов баҳо, натижавий билимлардан иборатдир. Таълим жараёнининг ушбу таркибий қисмлари педагоглар ва ўқитилаётганларнинг ўз олдига мақсад танлаш, мақсад қўйишдан тортиб, уларнинг амалга оширилиб ҳаққоний натижалар келтирилишига қадар бўлган ҳамжиҳатликларининг ривожланишини акс эттиради. Шу билан бирга, таълим жараёнининг ушбу таркибий қисмлари педагоглар ва ўқитилаётганларнинг маълум даражада белгиланган даврий ҳамжиҳатликларини назарда тутиши лозим.

Таълимнинг мазмуни ўқув даражаси, давлат ўқув дастурлари ва мазкур фан юзасидан бўлган дарслик билан белгиланади. Айрим дарсларнинг мазмуни, мундарижаси ўқитувчи томонидан қўйилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда конкретлаштирилади. Фаннинг маз-мунида ўқувчиларнинг қизиқишлари «тайёргарликларининг даражаси», ишлаб чикариш ва мактабни қуршаб турган ижтимоий муҳитнинг ўзига хосликларини акс эттириш зарурияти турилади. Назорат таркибий қисми бир вақтнинг ўзида таълимнинг қўйилган вазифаларини ўқитувчи томонидан ҳал этишнинг бориши ва ўқитилаётганларнинг олинган жавобларининг тўғрилиги, ўқув операциялари бажарилишининг тўғрилигини ўз-ўзини назорат этиш юзасидан назоратнинг амалга оширилишини назарда тутади. Назорат оғзаки, ёзма, амалий машғулотлар ва бошқа амалий ишлар ёрдамида имтиҳонлар, синовлар, сўровлар, савол-жавоблар ўтказилиши орқали амалга оширилади. Ўз-ўзини назорат этиш эса, ўқувчилар томонидан ўрганилаётган материални ўзлаштириш даражасини ўз-ўзларида текшириш кўрини-шида амалга оширилади. Машқлар, топшириқларни бажарилишининг тўғрилигини тескари йўли билан, масалаларда олинган жавобларнинг ҳаётий воқеликка мувофиқлигини баҳолаш ёрдамида назоратдан ўтказилиши амалга оширилади.

Назорат ва ўз-ўзини назорат этиш ўқув жараёнида тескари алоқанинг амал қилинишини таъминлайди - ўқитувчи томонидан оддий камчиликлар, таълимнинг вазифаларини босқичма-босқич ҳал этишнинг сифати, қийинчиликларнинг даражаси ҳақида маълумот олишини таъминлайди. Тескари алоқа ўқув жараёнини тўғрилаш, таълимнинг воситалари, шакллари ва методларига ўзгаришлар киритиш, уларни мазкур вазият учун мувофиқ ҳолга келтириш зарурлигини юзага келтиради. Жараённ тўғрилаш, созлаш фақатгина ўқитувчи томонидан эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлари томонидан

ўз хатти-ҳаракатларини тўғрилаш, хатолар устида ишлаш, қийинчилик туғдирадиган саволларни такрорлаш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Таълимнинг баҳолаш - натижавий таркибий қисми педагоглар томонидан баҳолаш ва ўқувчи томонидан таълим жараёнида эришган натижаларни ўз-ўзлари баҳолашларини кўзлайди. Қўйилган ўқув-тарбиявий вазифаларнинг уларга мувофиқлигини ўрнатиш; четга оғишларнинг мавжудлигини аниқлаганда уларнинг сабабларини аниқлаш, кўникмалар ва билимларда топилган камчиликларни тўлғазиш режалаштирилган янги вазифаларни лойиҳалашни ҳам;назарда тутади. Масалан: агар берилган мазкур мавзуни ўрганишга ўқувчиларда ижобий муносабатлар, ёндошувлар мавжуд бўлса,бу ўқитувчига маълум бўлган ҳолларда ўрганишни рағбатлантиришнинг алоҳида чораларини қўллаш ҳар доим ҳам зарур эмас. Худди шунингдек, ўкитувчи томонидан назорат этиш ҳам ҳар доим шарт эмас. Баъзан ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат этишларининг ўзнёқ етарлидир. Агар қўйилган вазифани бирдан бутунлай ҳал этиш имконияти мавжуд бўлса ва ҳал этишга эришилса, жараённи тўғрилаш ва танланган методлардан фойдаланишга, уларга ўзгаришлар киритишга ҳар доим хам эҳтиёж сезилмайди. Шундай қилиб, таълим жараёнининг таркибий қисмларини амалга ошириш ва лойиҳалашга ижодий ёндошиш зарур, реал ҳолатда уларни қўллаш зарурлигидан қатъи назар қолипга солингаи қотиб қолган намуналар асосида ёндошиш мумкин эмас.

Таълим жараёнининг асосида ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш юзасидан англанган фаолиятини бошқаришни амалга ошириш ётади. Шунинг учун ўқув жараёнида раҳбарлик ролини ўқитувчи бажаради. Аммо ўқув жараёнининг ўзи ўрганишнинг субъекти сифатида ўқувчиларнинг актив фаолиятларисиз асло мумкин эмас. Ҳозирги даврда ўқувчиларнинг ўзи янги билимлар, кўникмаларни ўзлаштириш хусусида актив фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган. Ўқитувчи ўз фаолиятини режалаштириш дарс ва тақвимий-мавзуий рсжаларни тузиш воситасида амалга оширади. Намунавий- мавзуий режалар махсус методик ойномаларда нашр этилади ва ўкитувчига мазкур мактаб ҳамда синфнинг ўзига хосликларидан келиб чиқадиган баъзи бир ўзгаришларнигина киритишга тўғри кслади, холос. Дарс режаларини ишлаб чпкишга берилган фанни ўқитиш методикаси юзасидан нашр этилган махсус қўлланмалар ёрдам бериши мумкин. Ушбу қўлланмаларда дарс бериши давомида ечилиши керак бўлган масалалар, топшириқларнинг характерлари ҳусусида маслаҳатлар берилади. Мазмуннинг жуда ҳам мураккаб ва жуда ҳам муҳим таркибий қисмлари алоҳида таъкидлаб ўтилади, жуда ҳам бебаҳо, фойдали тажрибалар, мустаҳкамлаш учун машқлар, кўргазмалар, такрорлаш ва уй ишлари тавсия этилади. Шундай услубий қўлланмалардан ўқитувчининг доимий равишда фойдаланиши дарсларни режалаштириш давомида унинг ўз вақтини кўп даражада иқтисод қилиш имкониятини беради ва мумкин бўлган бир қатор вариантлардан мазкур синф учун кўп даражада мувофиқ келадиганини

танлаш имкониятини яратади. Рсжанинг матни ўқитув-чининг педагогик тажрибасига боғлиқ бўлади. Ёш, ўз иш фаолиятларини эндигина бошлаётган ўқитувчиларга ишларининг биринчи босқичларида машғулотларини бир қанча даражада батафсилроқ рсжалаштиришга тўғри келади, яъни ўқув, тарбиявий, ривожлантирувчи характердаги асосий вазифаларни ўзида, бирлаштирган ҳолда дарснинг мақсадини қайд этиш, сўров давомида фойдаланиладиган асосий саволларни хам қисқача қайд этиб ўтиши, билимларни қўллаш ва мустаҳкамлаш учун ишланадиган машқларнинг тартиб рақамларини кўрсатиши, уй иши учун топшириқларнинг мазмунини, адабиётлар, жиҳозларнинг номи ва саноғини кўрсатиши лозим.

Ўқитувчининг белгиланган режани бажариш юзасидан ташкил этадиган ўқув ишлари тайёрлов ва бажариш босқичларига бўлинадн. Дарсга тайёрланиш давомида ўқитувчи ўз имкониятига қараб қуйидагиларни таъминлайди: таълимнинг зарур бўлган техник восита-ларини, кўргазмали қуроллар, қўлланмаларни, дидактик ва тарқатиладиган материалларни тайёрлайди;- мураккабликлар вужудга кслишини олдини олиш ва энг муҳим жойларни танлаб олиш учун навбатдан ташқари, дастлабки диафильмларни кўриш, кўргазмаларни қараб чиқиш, тажрибаларни амалга ошириш ишларини ўтказади;-олдиндаги тажрибалар, амалий ишлар ва кўргазмаларни тайёрлаш ишларига ўқувчиларнн жалб этади. Уйда ва дарсда вақт сарфланишларини ҳисобга олиш учун такрорлаш, уй ишларини ҳамда ўзлаштирилган назарий мавзуни мустаҳкамлаш машқларини аввалдан бажариб қўйишга чорлайди.

Ўқитувчи дастлабки ташкилий ишлар давомида дарснинг режасига баъзи бир ўзгаришлар, аниқликлар киритади, ўқувчиларда қийинчиликлар туғдириши мумкин бўлган баъзи бир топшириқларни олиб ташлайди ёки бўлакларга ажратади. Бевосита дарсда таълим жараёнини ташкил этиш бир томондан ўқитувчининг ўз ҳаракатларини ташкил этишни, бошқа томондан ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш юзасидан фаолиятларини ташкил этиш, рағбатлантириш ҳамда ўрганишнинг зарурлигини тушунтиришни назарда тутади. Ўқувчиларнинг фаолиятларини ташкил этиш ўзида уларнинг олдига ўқув топшириқларини қўйиш, ўқувчилар ушбу топшириқларни қабул қиладиган қулай шароитларни яратиш, амалий ишларни ташкил этиш давомида ўқувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш ва улар олдида турган фаолиятнинг турлари ҳақида тушунарли, аниқ йўл-йўриқлар бериш, ўқув топши-риқларини бажариш мобайнида ўқувчиларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш кабиларни қамраб олади. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини рағбатлантиришларсиз муваффақиятли ўқитишни тасаввур этиб бўлмайди.

Рағбатлантиришлар ўқувчиларнинг диққат-эътиборларини мавзуга жалб этиш ҳисобига, шунингдск, ҳавасмандликни, тиришқоқликни, синчковликни, илмга қизиқувчанликни уйғотиш ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Дарснинг бориши жараёнида, хусусан унинг иккинчи қисмида,

ўқувчиларнинг табиий равишда чарчашлари юз бера бошлаганда ва улар толиқишни, чарчоқни кетказадиган таъсирларга ҳамда ўқув материалини фаол ўзлаштиришига хоҳишини уйғотадиган таъсирга муҳтож бўлганда фойдаланадиган рағбатлантириш усулларини ўйлаб топиш керак.

8.3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти. Давлат таълим стандартлари таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб беради.

Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланиш давлат таълим стандарти воситасида мамлакат ҳудудидаги барча ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади, Ўқув юкламалари меъёрга келтирилади, ўқувчилар билимини баҳолашнинг мезонлари ишлаб чиқилади.

Таълим олувчи давлат томонидан белгилаган таълим стандарти билан чекланиши мумкин ёки билимларни чуқурроқ эгаллаш мақсадида мустақил равишда, яъни кенг, чуқур билим олиш ва юқори рейтинг баллини тўплаш ҳуқуқига эга. Таълим олувчига қийин бўлган ёки унга хуш келмайдиган предметни ўрганишда таълим олувчига стандартда белгиланган меъёр билан чекланишига имкон берилади. Бунда таълим олувчи ўзининг қизиқиш ва хоҳиши асосида қобилияти ҳамда интилишларини рўёбга чиқаришга, ўзи учун энг мақбул йўлни онгли ва мустақил равишда танлаш имконига эга бўлади.

Давлат таълим стандартлари ўқув тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талабларнинг очиқ бўлишини назарда тутади. Шакл ва мазмун жиҳатдан тушунарли тарзда ифода қилинган мазкур талаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига олдиндан маълум қилинади.

Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти ишлаб чиқилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тармоқли стандарти-малака талабларига мос равишда касбий тавсифнома асосида муайян тайёрлов йўналиши ёки касб-ҳунар бўйича таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажми ва мақсади, ўқув юкламалари ҳажмини аниқловчи ҳамда таълим сифатининг стандарт талабларига мувофиқлигини таминловчи меъёрий хужжатдир.

Касб-ҳунар таълими дастури касб-ҳунар таълими тайёргарлигининг асосий мазмунини аниқловчи хужжатлар туплами. Касб-ҳунар таълими дастури касб-ҳунар коллежи битирувчисига эгаллаган касби бўйича ишни малакали бажариш имконини бериш ҳажмидаги умумкасбий ва махсус фанлар шунингдек, ишлаб чиқариш таълими амалиёти мазмунини акс эттиради.

Касб-ҳунар таълими дастури касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини муайян касб ва ихтисосли бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлайди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими

стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг юксак сифати мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, сифати таълим хизматларини кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва таълим фаолиятини баҳолашнинг мезонлари ва тартибини белгилашдан иборат. Шунингдек, кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таьминлаш, меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таҳминлашдан иборат. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва кадрлар тайёрлаш сифати, кўрсатиладиган таълим хизматлари турларига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш, таълим олувчиларнинг билими ва касб малкаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартиби, шунингдек, таълим фаолияти сифати устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меьёрий асосни яратиш, халқнинг бой интелектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларни маьновий –аҳлоқий тарбиялашнинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув-тарбия ва таълим жараёнини педагогик ва ахборот технологиялари билан таьминлаш, таълим даражасини назорат қилиш, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меьёр ва талабларни белгилаш; кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таьминлаш.

8.4. Таълим мазмуни тузилмасининг макродаражаси. Таълим мазмуни тузилмасининг макродаражаси модулли блок ёрдамида амалга оширилади. Модулли-блок ёндашув таълим мазмуни асосини ажратиб олишга ёрдам беради, ҳамда касбий таълим тизимининг мослашувчанлигини таьминлаб беради.

Аниқ бир йўналиш бўйича таълим мазмунини текшириш бошланғич касбий таълим соҳаларидан бошланади.

Касбий таълим мазмуни умумий ҳолда умумтаълимий ва касбий тайёргарликни ўз ичига олади. Умумтаълимий тайёргарлик гуманитар ва табиий илмий блоклар орқали олиб борилади.

Умумтехникавий блок – ўқув материали, тармоқлараро вазифасига кўра техника ва технологиянинг илмий асосини кўрсатиб беради, тармоқлар гуруҳига тавсифли (тармоқчалар, ишлаб чиқариш) ёндашувни юзага келтиради.

Тармоқли блок – ўқув материалини умутехник, умумтехнологик ва иқтисодий жиҳатдан бойитади ишлаб чиқариш асослари ва тармоқларини очиб беради, бошқа касб тармоқлари меҳнати билан танишиш, ишлаб чиқариш меҳнати хавфсизлиги тўғрисида маълумот беради, ишлаб чиқариш экологиясини ташкил қилади.

0 қатлам	Тармоқлараро (тармоқлар гуруҳи) ишлаб чиқариш Тармоқлараро (тармоқлар гуруҳи) ишлаб чиқариш	Умумий таълимий тайёргарлик Гуманитар блок Табиий-илмий блок Касбий тайёргарлик Умумтехникавий блок
		Касбий интеграция тамойили: Тармоқ тармоқлараро
1-қатлам	Тармоқлараро ишлаб чиқариш фаолият тури	Тармоқ блоки Умумкасбий блок
2-қатлам	Яқин касблар гуруҳи	Умумкасбий блок
3-қатлам	Касблар, мутахассисликлар	Касбий блок Касбий блок
		блок блок 1 2 3 1 2 3

1-шакл. Таълим мазмуни кенг миқёсдаги касблар бўйича тармоқлар ва тармоқлараро касблар интеграция блокларининг шаклланиши асосида ҳосил бўлади

Умумий таълимий блокка – назарий ва амалий ўқув материали киради, яқин касблар гуруҳи учун интеграция асосини ўтайди, тармоқлардан (ишлаб чиқариш) ажратилган ва ёки тармоқлараро даражасида бўлади. Бу умумтехник, технологик ёки касбий фаолиятнинг асосини ташкил этувчи гуруҳлар бўлиши мумкин. Агар бу касблар учун тармоқли блок унсурлари, масалан, иқтисодий тавсиф бўйича, умумий касбий блокка киритилиши мумкин.

Таълим жараёнида касбий блок энг асосийси ҳисобланиб касбий блокда ўқув материали, турли касбий фаолиятни талаб этилаётган даражада ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мутахассислик блоки-назарий ва амалий ўқув материали касб мутахассислигини ўрганиш учун зарур.

Умумий мутахассислик блоки – кенг миқёсли техник-технологияни қамраб олувчи, меҳнатнинг мазмуни бўйича нисбатан ҳар хиллигига асосланади. Бир неча мутахассисликлар учун касблар бўйича умумтаълим мазмунини ажратиб, умумий мутахассислик блокига киритиш мумкин. Масалан, «Тикувчилик» касби учун таълим мазмуни танланганда, юқори қатлам бўйича – тикувчилик ишлаб чиқаришга тўғри келади, ўрта қатлам бўйича кийимларни, якка тартибда тикиш технологиясии, яқин касблар

гуруҳи, қуйи катлам- «тикувчилик» касби мутахассисликлар масалан, аёллар енгил кийимларини тикувчи.

Биринчи қатлам учун ажратилган мазмун умутехник блок кўринишда тикувчилик ишлаб чиқариши учун хизмат қилади (фанлар «Материалшунослик», «Бозор иқтисодиёти») 2-чи қатлам-якка тартибда кийимларни тикиш – яқин касблар гуруҳи умумкасбий блок кўринишида. (фанлар «Маданият», «Кийимларни лойиҳалаш асослари») учинчи қатлам- «Тикувчилик» касби учун умумий касбий блок кўринишида (фанлар «Кийимларни тикиш технологияси асослари», «Кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш асослари»). Учта асосий юлокларга мос келувчи 3 та мутахассислик: аёллар енгил кийими, аёллар устки кийими, эркаклар кийими мутахассисликлари белгиланади. Бу блок «Кийим тайёрлаш технологияси» ўқув фани танланган мутахасисликка боғлиқ ҳолда аниқ мазмунлар билан тўлдирилади.

Қўшимча блокларнинг 4 турдаги мажмуини кўриб чиқамиз.

Йўналишни ўзгартириш блоки – эгалланган касблар асосида янгисини эгаллаш ишсизларни ўқитиш тизими учун муҳимдир. Тикувчилик қайта ўқитиб ўзининг мутахасислигига мос равишда бичувчи мутахассислигини бериш. Бундай йўналишни ўзлаштириш тикувчи учун якка фаолиятни олиб боришига ёрдам беради. Бу блокда қуйидаги «Костюм тарихи», «Менеджмент асослари», «Кийимлар конструкцияси», «Кийимларни моделлаштириш ва бадиий безаш» фанлари ўқитилади.

Касбий таълимни ошириш блоки – кадрлар тайёрлашнинг 2- тизими билан боғлиқ. Агар 2-тизим - умумтехник даража ва тармоқли тайёрлашни касбий таълимнинг ўрта даражасигача олиб бориш масаласини ҳал этишга хизмат қилса, у ҳолда таълим олувчилар касбий таълимни эгаллаганликлари ҳақидаги диплом билан бирга техник дипломни ҳам оладилар (кичик инженер).

Бизнес блок – бозор иқтисодиёти шароитида муҳимдир. Бу блок одамларни бозорга жалб этишга ва муайян фаолиятни юритишга ёрдам беради. Блок – Касбий тайёргарликни такомиллаштирувчи блоки – ўз касби бўйича янги техника ва технологиялар ҳақида маълумотлар бериш, янги техника ва технологияларда ишлай олувчи ишчи ва мутахассисларни тайёрлашда муҳимдир. Бу блок бўйича ўқитиш бирор фирма томонидан тушган таклиф асосида ўқув дастурига киритилиши мумкин.

Биз асосий ва қўшимча блоклар моҳияти билан танишиб чиқдик. Улар асосида узлуксиз касбий таълимни ташкил этиш жараёнида касбий таълим мазмуни яратилади.

Узлуксиз касбий таълим яхлитлигини таьминлаш учун блоклар сирасига ижтимоий-иқтисодий даражадаги блокларни ҳам киритиш лозим.

Улар жумласига «Компютер асослари», «Бозор иқтисодиёти ва кичик бизнес», «Молия асослари», «Ҳуқуқ асослари» каби блоклар киритилиб улар асосий тузилма унсури бўлиб хзмат қилади. Мазкур блоклар ёрдамида

таълим мазмуни ҳам шаклланади. Масалан, бошланғич касбий таълим мазмунига кирувчи бир қатор касбларни эгаллаш босқичма-босқич амалга оширилади. Бошланғич касбий таълим дастурига кирувчи «Тикувчи» мутахассислигини эгаллаш босқичма-босқич амалга оширилади. Аввал мутахассислик бошланғич даражада эгалланади, кейин ўрта даражада, Мутахассислик блоки, бу ерда «Аёллар енгил кийимларининг тикувчиси»ни асосий ва қўшма модуль асосида шакллантириш мумкин.

Тармоқли блок тикувчилик и/ч Материалшунослик Ускуналар Бозор иқтисодиёти	Умумкасбий блок Якка тартибда Кийимлар тикиш Маданият Баддий лойиҳалаш	Касбий блок Касб-тикувчи Кийимлар тайёрлаш технологияси Кийимларни конструкциялаш асоси И/ч таълими
Йўналиш блоки Тикувчилик асосида Аниқ мутахассислик Бичувчи Халқ бадиий ишлари Кийимлар дизайни Кийимларни конструкциялаш ва моделлаштириш Лаборатория-амалий ишлар Кийимларни бичиш, тикиш бўйича Диплом лойиҳалари	Мутахассислик блоки Базовий модул Бошланғич даражадаги тикувчи барча мутахасликлар Кийим тайёрлаш технологияси Ишлабчиқариш таълими	Бошланғич малака даражасидаги тикувчи
Юқори малака даражасидаги бичувчи Касбий таълим юқори блоки Моделер – конструктор	Мутахассислик блоки Қўшимча модул аниқ мутахассислик бўйича тикувчи Кийим тайёрлаш технологияси Ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти Кийим тайёрлаш технолигияси бўйича курс иши	Юқори малака даражасидаги тикувчи Касбий таълимни ошириш блоки Ишлаб чиқариш таълимининг устаси Костюмлар тарихи Халқ бадиий ижоди Кийимлар дизайни Таълим психологияси

Костюмлар тарихи Халқ бадиий ижоди Кийимлар дизайни кийимларни конструкциялаш, моделлаш Маркетинг, менеджемент асослари Лаборатория–амалий ишлар Кийимларни конструкциялаш ва техник хужжатларни и/ч тайёрлаш Конструкция бўйича лаборатория – амалий ишлар Кийимларни тайёрлаш Моделлаштириш, конструкциялаш бўйича курс иши Диплом ишлари	Бизнес блок Менеджер-кичик Корхонада (тикувчилик) Ҳисоб китоб Иқтисод Маркетинг Менеджемент Ҳуқуқ асослари Тикувчилик устахонасини ташкил қилиш ишлаб чиқариш амалиёти диплом ишлари	Педагогика Ишлаб чиқариш таълими методи ва уни ташкил қилиш Маркетинг ва менеджмент Кийимларни конструкциялаш ва моделлаштириш Конструкциялаш ва модуллаштириш бўйича лаборатория-амалий ишлар Кийим бичиш ва тикиш бўйича лаборатория –амалий ишлар Педагогик амалит Диплом ишлари
Модельер-конструктор	Кичик корхона менеджери Тикувчилик ишлаб чиқариши	Ишлаб чиқариш таълими устаси

Модуль бирлиги сифатида тавсия этиладиган фанлар ҳамда амалий таълим турлари: лаборатория-амалий ишлар, ишлаб чиқариш амалиёти, курс ишлар ва дипллом ишларини кўришимиз мумкин.

8.5. Микро даражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси. Юқори даражадаги ўқитиш мазмуни тузилгандан кейин (стандарт, модул-блок ўқув дастури касбий таълим учун таълим бериш муассасалари ёки кишиларнинг бандликка ўқитиш блоки модул ўқув дастури) модули бирликлар мазмуни очиб бериалади. (фан, фан доираси, амалий машғулот турлари, меҳнат).

Ўқув предмети дастурини ўзлаштириш учун объект, ҳодиса ва фаолият услубларини «ўқув унсури» деган умумий атама билан ифодалаймиз. Қар қандай ўқув дастури ўқув унсурлари иборат бўлади. Ўқув унсурлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳдаги ўқув жараёнининг объекти, предмети ва фаолият услублари кўриб чиқилади. Иккинчи гуруҳда – барча кўрсаткичлар киритилиб, улар ёрдамида обҳект ва жараёнларнинг авзалликлари очиб берилади.

Йирик ўқув унсури мазмуни, асосий ўқув унсури, бўғинли ўқув унсури энг асосий ўқув унсурлари орқали очиб бериалади.

Микро даражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси учун «бадиий лойиҳалаш асосларини» фанини мисол қилиб олишимиз мумкин. Умумий касбий блокка кирувчи – якка тартибда кийим тикиш, мавзувий режага мос келувчи мавзулар ўқув унсурлари асосларини ташкил этади.

– фигурали чизиш;
– силуэт шаклларни тузиш;
– кийимларни бадиий лойиҳалаш;
– журналларга қараб кийим модаларини чизиш;
– ранглар асосини белгилаш;
– костюмларни бадиий лойиҳалаш ва ҳоказолар.

Кийимларни бадиий лойиҳалашда – кийимлар деталлари ўқув унсурлари орқали очиб берилади. – Тақилма ва чўнтак турлари, ёқа адиб енг турлари, уларни безаш.

Ички тартибдаги модулни бирлик мазмуни амалий таълим ва амалий иш орқали очиб берилади. Модулни бирликда асосий ўқув элементига майда фаолият элементлари киритилади. Микро даражадаги бундай тузилмаси ўқув курслари мазмунини ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

§ 9. КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

9.1. Касбий таълим методларининг умумий тавсифномаси. Касб таълим методалри деганда ўқитувчи, уста ва ўқувчиларнинг биргаликда бажарадиган фаолият усуллари тушунилади ва бу усуллар ўқувчиларнинг техник-технологик билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, мустақил равишда билим олиш ва бу билимлардан амалда фойдаланиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлади.

Таълим методларидан унумли фойдаланишимиз учун уларни бир тизимга келтириб олишимиз зарур.

Педагогик амалиётда қуйидаги методлар – оғзаки метод (оғзаки баён, тушунтириш, суҳбат), китоб билан ишлаш (инструктив материаллар), кўргазмали метод (кўргазмалар, кино, видеофильм, кузатув…), амалий метод (машқлар, лаборатория-амалий ишлар)лардан кенг фойдаланилади.

Дидактик вазифаларга боғлиқ ҳолда қуйидаги методлар қўлланилади – билимларни ҳосил қилиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, мустаҳкамлаш, билим, кўникма ва малакаларни текшириш.

Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятига мос равишда икки метод ажратилади ва улар 2 гуруҳга бирлаштирилади: репродуктив ва муаммоли изланиш методлари.

Таълим методини 3 та асосий гурухга бўлишимиз мумкин:

1. Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методи.
2. Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методи.
3. Ўқувчилар ўқув фаолиятини самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Методнинг ҳар бир гуруҳи ҳам ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади, уларнинг алоҳида методлари бўлиб, улар таълим жараёнининг қуроли ҳисобланади.

Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методига қуйидагилар – суҳбат, кўргазмали ва амалий метод, ўқитувчи бошчилигида индуктив ёки дедуктив репродуктив ёки продуктив йўналишлардаги методлар киради.

Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методига – ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ҳамда ўқиш фаолиятига қизиқтириш методлари киритилган.

Ўқув фаолияти самарадорлигини ва ўз-ўзини назорат қилиш методига – оғзаки, ёзма ва амалий назорат ўз-ўзини назорат, ҳамда билим даражалари бўйича тестлар ўтказиш каби методлар киритилади.

Таълим методи – кўп маъноли тушунча ҳисобланади. Бу методларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, балки улардан керакли ўринда

унумли фойдаланиш зарурдир. Қар доим методлар бир-бирини тўлдириб келади, ўқитувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги фаолиятда кенг қўлланилади. Агар аниқ бир метод муайян вақтда кенг қўлланилаётган бўлса, бу метод шу вақт (жараён)да дидактик вазифаларни ечиш учун жуда муҳим ва қулайдир.

Ҳар бир метод бошқа бир метод ёрдами билан қўлланилади. Масалан, репродуктив ва муаммоли-изланиш методи суҳбат, кўргазмалар, амалий фаолият ёрдамида қўлланилади. Шу навбатда суҳбат, кўргазмали ва амалий фаолият методлари ҳам репродуктив ёки изланиш методлари орқали қўлланилиши мумкин.

Методларнинг номларидан ҳам шуни кўришимиз мумкин: муаммоли баён, эвричтик суҳбат, изланиш, тажрибавий-амалий ишлар, кузатув ва ҳоказолар.

Мазкур методлар номлари ўзида уларнинг йўналишлари мазмуни ҳамда қўлланилиш мақсадини ҳам ифода этади.

Ўқув жараёнининг энг муҳим жиҳати ушбу методларнинг турларга бўлиниши эмас, балки ўқитувчининг чуқур билимга эга бўлиши, методлардан унумли фойдалана олиши, таълим олувчиларга ўқув ҳамда ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида мазкур методларни тўғри қўллай олишга ўргатишдан иборатдир.

Таълим методлари ўқув жараёнини самарали ташкил қилишга ёрдам беради. Шунга кўра уларнинг уч жиҳатини кўришимиз мумкин: умумдидактик ва хусусий методик.

Умумий дидактик жиҳат – ўзида объектив моҳиятни, дидактик методнинг имконият ва талабларини акс эттиради, бу эса ўқув жараёни даврига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Хусусий дидактик жиҳат – методнинг таълим жараёни даврларида қўллаш шароити ҳамда таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятини ифода этади.

Хусусий методик жиҳат – методларнинг умум дидактик ва хусусий – дидактик тавсифига асосланади ва алоҳида предметларни хусусий методик жиҳатдан ўрганилишини ифода этади.

9.2. Назарий таълим методлари. Ўқув муассасаларида бошланғич касбий таълимни ўқитишнинг назарий асослари қуйидаги босқичларда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади: умумий таълим, умумий техник таълим ва касбий таълим.

Умумий таълим фанлари бўйича таълим методларининг умумий дидактик, хусусий дидактик ва хусусий методик жиҳатлари педагогик адабиётларда чуқур баён қилиб берилган.

Умумтехника ва касб фанларини ўқитиш методлари аксарият халқларда ўзига хос мазмунига кўра аниқланади, яъни:

–кўп хусусиятли тузилма, объектларни турли хил йўналишларда ўрганиш;

–материалнинг кенг қамровлигини, таълим олувчининг турли хил усуллар асосида билимларни қабул қилиши;

–таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими жараёни билан мустаҳкам алоқадорлиги;

–материалнинг кенг қамровлиги, тажрибавий изланиш сони ва сифати жиҳатидан, хизмат кўрсатиш усулларини амалий ўрганиш.

–ўқув материали мазмунида янги техника ва технологиялар ва имконияти маҳаллий шарт-шароитларнинг акс эттириш.

Таълим методларидан фойдаланишда буларни инобатга олиш зарур.

Ўқув (билиш) фаолиятини ташкил қилиш методлари.

Суҳбат методи. Оғзаки баён. Умумтехника ва касбий фанларни ўрганиш ўқув материалини оғзаки баён этиш, гапириб бериш ва тушунтириш орқали амалга оширилади, бунда мавзуни тўлиқ таққосланилади, исботланиб, мисоллар асосида тушунтирилади.

- Баён қилинаётган материал таълим олувчиларнинг тушунишлари учун қийин бўлган, янги маълумотлар берилаётган, меҳнат фаолиятини бажарилиш йўлларининг тушунтирилиб берилиши талаб қилинган холларда оғзаки баён қилиш методидан фойдаланилади.

Умумий талаблардан қуйидагиларни ажратиб оламиз:

- аниқ илмий – техник мазмун;
- мантиқийлик ва кетма-кетлик;
- таълим олувчиларга тушунарли ва осон етиб борадиган;
- ҳар бир босқичда фикрни аниқ ва равшанлиги;
- ўқувчиларнинг эҳтиборлигини, фаоллигини ошириш;

Суҳбат. Бу касб таълимининг шундай усулидирки, унда ўқитувчи саволлар ёрдамида таълим олувчиларнинг илгари ўқлаштирилган билимлари асосида уларни эсга туширади ҳамда мустақил равишда янги билимлар хосил қилишга ундайди.

Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш савол-жавоб методи орқали ҳам амалга оширилади. Бундай суҳбат эвристик суҳбат дейилади.

Суҳбатнинг дидактик моҳияти ўқитувчи таълим олувчилар олдига савол-жавоблар қўйиб, уларнинг мантиқий маьнолари ечилади ва ўқувчиларда ўқув материали бўйича аниқ фикрлар ҳосил қилинади. Бу орқали ўқитувчи ўқувчиларга олдин эгаллаган билимларидан, кузатувларидан, ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланишга, уларни таққослашга, мантиқий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Ўтказилган умумий суҳбатлар таълим олувчиларнинг қизиқиши ва диққати ошишига, билимларни яхши эгалланиши олиб келади. Лекин суҳбат методи оғзаки баён методидан кўра мураккаброқдир. Мазкур метод ўқитувчидан дарсга пухта тайёрланишни талаб қилади.

Умумтехник ва касб фанларини ўрганишда эвристик суҳбатнинг қуйидаги шартларига амал қилиш талаб этилади:

– ўқув материалининг мазмуни мантиқий тўғри тузилган бўлиши шарт;

– янги ўқув материалини ўрганиш жараёнида кўпроқ техник ва технологик хужжатлар мазмунини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ;

– суҳбатни бошқа методлар ва ўқув ишлар турлари билан қўшиб ўтказиш керак (тушунтириш, китоб билан ишлаш, кузатув).

Эвристик суҳбатда саволлар кенг қамровли тузилган бўлиши лозим. Ўуйидаги саволларни кўрсатиш мумкин:

–фанларни қарама-қарши қўйиш, уларнинг мазмуни, ўқитиш жараёни, далиллар ва бошқалар;

–таълим олувчиларнинг турли вазиятларда ўз билимларидан фойдалана олишларини аниқлаш;

–мавзу моҳиятини ташҳизли тушунтириш;

–истотлаш «ҳа» ёки «қарши»га далил қилиш;

–фанлараро боғлиқликни ўрнатиш.

Суҳбат ўтказишда унинг мантиқий режасига қатҳий риоя қилиш керак, савол-жавобларнинг кетма-кетлиги шундай тузилган бўлиши керакки, унда мавзу мураккаблашиб, ривожланиб боришини ўқувчи сезиши лозим.

Ўқитувчи суҳбатни хулоса билан тугатиши керакдир.

Таълим олувчиларнинг китоб билан ишлаши. Илмий ва амалий педагогикада таълим олувчиларнинг китоб билан ишлашларини бир қатор методик турлари кўрсатилган: тез ўқитиш, конспект олиш, асосий уларнинг аниқлаш ва режа тузиш; мисоллар муҳокамаси, назорат саволларига жавоб ва ҳоказолар.

Бироқ техника ва технологик китоблар билан ишлаганда мазкур усулларни тўлиқ қўллаш мумкин эмас.

Техник фанлар юзасидан таълим олувчиларнинг китоб билан ишлашлари жараёнида техника ва технология бўйича материални, вазифани яхшилаб ўрганиш керак бўлади. Бу вазифаларни таблиўа тўлдириш орқали ҳам ўрганиш мумкин. Жадвалда қуйидаги графиклар бўлиши керак: машинанинг аҳамияти, механизмлари, қисмлари, қисмларнинг вазифалари.

Кўргазмали метод.

Инсондаги ташқи олмни сезишининг энг муҳим органи – кўздир. Олимларнинг фикрича, 80% ахборот мияга кўз орқали узатилади. Иш операцияларининг 80% кўз орқали бажарилади. Ушбу далиллардан кўришимиз мумкинки, таълим жараёнида кўргазмали метод катта аҳамиятга эгалигини.

Умумтехник ва касб таълими фанлари бўйича кўргазмали метод табиий (асбоб, дастгоҳ, деталл, жиҳоз, материал намуналари) ва тасвирий (плакатлар, модел, макет, схема, кино-видеофильм, слайда, кинопроекция, компьютер, мельтимедиа…) жиҳозлар воситасига қўлланилади. Кўргазмали

методнинг вазифалари турлича бўлиши мумкин. Ўқитувчи мавзу тушунтиришда ёки бир хил холларда ўрганилаётган фан бўйича аниқ кўргазма сифатида, янги ахборотларни беришда кўргазмали методдан самарали фойдаланиш мумкин.

Ўқув жараёнида кўргазмали методнинг қўлланилиши дидактик қонунларга мувофиқ бўлиши даркор, кўрсатмали методни қўллаш бу мақсад эмас, балки мақсадга эришиши йўлидир.

Таълим олувчиларга саволлар берилиб, кўргазмали метод орқали кино-видеофильмни ёки ўқув телефильмни қўйилади, шундан сўнг таълим олувчилар ўзлари чиқарган хулоса асосида турли вазифаларни бажаришади.

Меҳнат ва ҳунар усулларини кўрсатиш вақтида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққати ва қизиқишини кўрсатилаётган нарсага қаратиши, уларнинг меҳнат ҳаракатларини фаол ва онгли равишда злаштиришга ундаши зарур.

9.3. Амалий таълим методлари. Машқ амалий методнинг асосий методларидан бири ҳисобланади. Машқ ўтказишнинг асосий мақсади ўқитиш жараёнида таълим олувчилар техника ва касбий фанлар бўйича эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олиш борасидаги кўникмаларга бўлишлари таьминлашдан иборатдир. Тьлим олувчиларнинг билимларини мустаҳкамлашда ҳам машқларнинг ўрни катта. Барча машқларни 3 та асосий типга ажратиш мумкин: репродуктив бадиий, изланувчанлик.

Репродуктив машқ - бу типдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар қурилманинг тузилиши, материали, асбоб-ускуналар, ёзма вазифаларини ўрганишади. Репродуктив машқда чизма, схема, график ва диаграммалар муҳокама қилинади ҳамда таълим олувчилар томонидан улар бажаради. Касбий фанлар бўйича техник хужжатлар – станок паспортлари ва технологик карталарни ўрганиш мумкин.

Бу машқда берилган мазмундаги билимларни қўллашилгандир.

Бадиий машқ. Таълим олувчилар бу турдаги машқларни бажаришда эгаллаган билим ва малакаларидан турли хил комбинацияларда фойдаланишади, яҳни олдига қўйилган вазифалар юзасидан мустақил равишда оригинал жавобларини топишади. Бадиий машқ турларидан бири продуктив масалаларни ҳал қилишдир, яъни, танлаш (асбоб, ишлов бериш тури, созловчи механизм), таққослаш ва баҳолаш (ишнинг бажарилиш йўли, асбобларнинг қўлланилиши, жараёнлар) аниқлашга боғлиқ бўлган (техник талаб, алоқадорлик), турли хил техник жараёнларни тушунтириш. Бу турдаги машқлар орқали ўрганилаётган машина, механизм, қурилмаларининг схемалари тузилади. Таълим олувчилар бу орқали иккинчи даражалисидан асосийсини, кераклисини ажратиб олишади.

Изланиш машқи – бу ҳам эгалланган билимларни машқларда бадиий қўллаш усули бўлиб, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради. Изланиш методининг техника ва касбий фанларга тегишлик бўлган турлари.

Ташҳисли машқлар. Улар 3 та босқичда йўлга қўйилади. Биринчи босқичда ўқувчилар – нуқсонларнинг бузилиш сабабларини ўрганишади, бузилишлар бўйича жадваллар, вазифалар – карточкалар тузилади. Иккинчи босқичда эса – таълим олувчилар турли вазиятлардан чиқа олишни ўрганишади.

Ташҳисли ўқитишнинг охирги босқичида – ташҳисли масалаларнинг ечилишини ўрганишади.

Изланиш машқлар сирасига яна конструкторликни ҳам киритиш мумкин. Улар кўпинча бир тизимда олиб борилиб, секин-асталик билан таълим олувчининг мустақил ва техник фикрлаш қобилиятини ошириб борилади.

– конструкцияга ўзгаришлар киритилганда масалани ҳал қилиш;

– конструкцияда етишмайдиган бўғин камчиликларини масалани ҳал этиш орқали тўлдириш;

– схема бўйича конструкция лойиҳасини тузиш;

– техник талабга кўра объектни мустақил конструкциялаш.

Лаборатория-амалий ишлар таълим методининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Касбий таълимда лаборатория-амалий ишлар назария ва амалий таълимни ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бир томондан таълим олувчиларнинг билимлари мустаҳкамланади, иккинчи томондан эса касбий билиш, кўникма ва малака шаклланади, кейин улар ишлаб чиқариш таълимида ҳам ўз билимларини қўллай олишига ёрдам беради. Лаборатория-амалий ишларнинг турлари:

– кузатиш ва таьлил қилиш, яъни жараёнлар ва меҳнат предметини (материалнинг хоссаси, маҳсулотлар) кузатиш ва таҳлил қилиш;

– кузатиш ва таҳлил асбобини ўрнатиш ва ишлатиш, меҳнат тури (машина, механизм, аппарат, қўрилма, асбоблар).

9.4. Таълимда фаоллик методи. Ҳозирги кунда илмий ва амалий педагогикада таълим методлари катта аҳамият касб этмоқда. Таълим олувчиларнинг ички ва ташқи фаоллигини ошириш учун турли хил ўйинлардан фойдаланилади. Булардан кенг, кўп қўллнилувчиси – дидактик ўйинлардир.

Касб таълимида қўлланиладиган дидактик ўйинлар: техник «диктант», кичик танловлар, «ким эпчилу», «ким чаққон», «техник курашлар», саволлар, «техник лото», «техник домино» ва ҳаказолардан иборатдир.

Фаоллик методи сирасига семинар дарслари ҳам киради. У уч босқичда ташкил этилади: семинар бўйича ўқитувчининг маърузаси, таълим олувчилар томонидан семинар мавзуси бўйича мустақил равишда уй вазифаларининг тайёрланиб келиниши ва семинарнинг ўтказилиши бунда таълим олувчи тайёрлаб келган матнлари билан чиқади ва кўргазмалари қуроллар, асбоблар ва жиҳозлардан фойдаланиб тушунтириб беради. Ишлаш жараёни, тузилиши, камчилиги, бошқаришни амалий ўрганиш учун практикумлар ўтказилади. Практикумлар бўйича хулосалар эвристик якуний суҳбат орқали чиқарилади.

Таълимнинг фаоллик методи сирасига муаммоли методни ҳам киритиш мумкин. Педагогик адабиётларда муаммоли ўқитишни назарий ва амалий томонлари ёритилиб берилган. Шунинг учун биз техник ва касбий фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган муаммоли вазиятларни кўриб чиқамиз. Бундай вазиятлар фанларнинг реал материаллари ва ишлаб чиқариш таълими моҳияти асосида яратилади:

- таълим олувчилар эгаллаган билимларни ўзларига нотаниш бўлган шароитларда амалий қўллайдилар;
- таълим олувчилар шундай шароитда ишлайдиларки, эгаллаган билимлари олдига қўйилган масалани ечиши учун ҳам етарли эмаслигини онгли тушунадилар.

Касбий таълим муассасаларида амалий ишлар жараёнида интегратив дарслар ҳам кенг қўлланилмоқда. Ушбу дарсларда икки ёки бир неча фанларнинг мавзулари ўртасидаги алоқадорлик ўрганилади. Масалан, математика ва информатика, физика ва химия, касбий технология ва ишлаб чиқариш таълими ва бошқалар. Бундай дарсларда айрим холларда мавзулар фанлар ўртасидаги боғлиқлик орқали тушунтирилади ва таълим олувчиларнинг фанни, мавзуни ўрганиш бўйича қизиқишларини ортади.

Фанлар ўртасидаги интеграцион боғлиқлик 3 даражада амалга оширилади:

I даража. Юқори – бутун даража, фанлар ўртасидаги интеграция. Масалан «электротехника ва электроника асослари».

II даража. – Дидактик синтез, ҳар бир фан сақланиб, интеграция уларнинг бирида қўлланилади. Умумий объект интеграция шакли сифатида ўрганилади.

III даража. Фанлараро алоқадорлик, интеграция шакли бўлиб, фанлар мазмунидаги умумий унсурларлар ҳисобланади.

Дидактик синтез уларнинг ичида энг муҳими ҳисобланади. Интеграция дарслари: ишлаб чиқариш таълимининг устаси ва ўқитувчи ёки икки ўқитувчи бир вазифани биргаликда ҳал этишлари асосида ташкил этилади. Таълим олувчиларнинг ўқув билиш фаолияти фаоллиги дарсдан ташқари ишларда техник кашфиётчилигини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Дарсдан ташқари ишлар – касбий таълим устаси танловлари, илмий-амалий конференциялар, рационализатор ва кашфиётчилар билан учрашув, илмий ва техник олимлар билан учрашув, намунали ишлар кўргазмаси, меҳнатни илмий ташкил гуруҳлари, техник тўгараклардир.

9.5. Ишлаб чиқариш таълими методи. Аввало ишлаб чиқариш таълимининг мақсади устида тўхталиб утиш лозим. Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади таълим олувчиларда муайян касб, соҳа бўйича устачиликни шакллантиришдир. Ишлаб чиқариш таълимида асосий мақсадга босқичма-босқич эришилади. Қуйида «касб устаси» тушунчасини очиб берувчи мезон кўрсаткичлари келтирилган:

–бажарилаётган ишнинг сифати – техник талабларни бажариш, меьёр ва кўрсаткичларга мос келиши, ижобий натижалар олиш;

–меҳнатни ташкил қилиш – белгиланган вақтда бажариш; вақтдан тўғри фойдаланиш, иш вақтида тежамкорлик;

–касбий мустақиллик – мустақил иш турини танлашни билиш, ишлаб чиқаришнинг юқори сифатини таьминлаш, тўғри хулосалар чиқариш иш жараёнида ўз-ўзини бошқариш меҳнат маданияти – ўз меҳнати, ишини режалаштириш, янги техника ва технология асосида ишлай олиш, юқори технологик интизом, касбий билимларни ишда қўллай билиш, меҳнат фаолияти ва иш жойини ташкил қилиш, меҳнат хавфсизлиги техникаси қоидаларига риоя қилиш.

Меҳнатга бадиий муносабат – рационализаторлик ва кашфиётчиликка интилиш, қобилиятини ўстиришдир.

Иқтисодий меҳнат фаолияти меҳнат жараёнини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш саналади.

Ишлаб чиқариш таълими методи билан назарий таълим методлари ўртасид боқлиқлик, ўхшашлик бор. Ишлаб чиқариш методлари сирасига: меҳнат фаолияти ҳаракатларини кўрсатиш, машқлар,мустақил кузатиш, ёзма инструкция бериш ва фаоллик методлари киради.

Меҳнат фаолияти ҳаракатларини кўрсатиш методи

Бу метод ёрдамида таълим олувчилар меҳнат фаолиятини аниқ ва равшан кўришади ҳамда иш жараёнида машқлар ўтказиш билан ўзларининг меҳнат фаолиятлари билан таққослай оладилар. Таълим олувчиларда меҳнат фаолияти тўғрисидаги тўлиқ тушунча бир лаҳзада пайдо бўлади, авввал умумий ҳолда сақланиб қолади, кейин секинлик билан деталлар аниқланади. Таълим олувчилар томонидан кўрсатилаётган нарсаларни ўргани олиш, уларни тўлиқ тушуниш, деталлар ва механизмларни ўрганиш учун етарли вақт ажратилиши керак. Шунинг учун уста меҳнат фаолиятини секинлик билан кўрсатиб, деталларни бўлакларга бўлиб, ҳар бири ҳақида алоҳида маълумот бериши, кўрсатиши керак. Таълим олувчининг диққати ҳаракатнинг якуний қисмига эмас, балки оралиқдаги харакатларга ҳам жалб қилиш зарур. Таълим олувчилар нафақат тушунишлари, балки шу билан бирга деталларни эсда олиб қолишлари лозим. Бунинг учун харакат турларини такрорлаб туриб, уни қайта-қайта кўрсатиш керак.

Машқлар. Кўникма ва малака машқлар орқали ҳосил қилинади. Машқ - бу харакатларнинг кўп маротаба такрорланишидир.

Машқ тизими. Ишлаб чиқариш таълими машқлар бир тизимда олиб борилиши зарур. Машқлар тизимида алоқадорлик мавжуд масалан, ўрганилаётган меҳнат фаолиятини тўғри бажариш, унинг аниқлиги, ишда аниқ бир тезликка эга бўлиш, касбий мустақилликни шакллантириш, меҳнатга бадиий ёндашиш. Машқлар тизимига икки томонлама ёндашиш мумкин.

Биринчидан, дидактик мақсад: касб малакасини шакллантириш бўйича машқлар, бошланғич кўникмаларни шакллантирувчи машқлар.

Иккинчидан, мазмун: меҳнат харакатларини бажариш, меҳнат операциялари ва меҳнат жараёнларини бошқариш бўйича машқлар технологик жараённи бошқариш бўйича машқлар ўтказиш.

Ҳақиқатдан ҳам касб маҳоратини эгаллаш орқали янги ўқув ишлаб чиқариш вазифаларини босқичма-босқич бажариш асосида янги мақсадларга ҳам эришиш мумкин. Бу эса – машқ ўтказишнинг муҳим шартидир. Меҳнат усулларини бажариш соҳасидаги машқлар меҳнат ва касб кўникмалари, малакаларни таркиб топтириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳаракатларни кўп марта такрорлаш билан ажралиб туради.

Машқлар ва мустақил ишлаш. Машқ методида «машқ» ва «мустақил ишлаш» терминлари кўпинча биргаликда ифодаланади. Мустақил ишлаш ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришдан ўқувчиларнинг машқлар жараёнида ҳосил қилинган меҳнат ва касб кўникма ва малакаларини тўла-тўкис шакллантириш, янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади. Дидактик мақсад-ишлаб чиқариш, касбий мустақилликка эришишга хизмат қилади.

Таълим олувчиларнинг мустақил кузатуви. Бу метод, асосан, таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими меҳнат корхоналарида, мураккаб жиҳозлар билан ишлаганда қўлланилади. Таълим олувчилар уста раҳбарлигида ўқувчилар берилган вазифалар бўйича мустақил кузатувлар ўтказишади. Вазифада мустақил кузатишнинг мақсади белгиланади, уни олиб бориш кетма-кетлиги кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича уста таълим олувчиларга қуйидагиларни тушунтириб беради: вазифа, саволлар, моҳияти кузатув кетма-кетлиги, келиб чиқиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва уларни ечиш йўллари, кимга мурожат қилиш, хулосаларни қандай тўлдириш кераклиги ва ҳоказолар.

Ёзма йўриқнома. Бу метод ишлаб чиқариш таълими дарслари учун турли инструктив ўқув хужжатлар, мустақил ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш таълимида йўриқномалар, технологик карталар, ўқув алгоритми кўп қўлланилади. Ўқув операцияларини ўрганишда инструкцион карталар (қоидалар, йўл-йўриқ, бажариш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш қоидалари) қўлланилади. Технологик карта комплекс тавсифдаги ишларни бажаришда қўлланилади – меҳёрлар, техник талаб, ўқув ишлаб чиқариш ишларини ташкил этиш моҳиятини очиб беради.

Инструктив технологик карталар эса комплекс ишларнинг бошланғич босқичда қандай бажарилиши юзасидан маълумотлар беради.

Таълим олувчиларга ўқув алгоритмини ўргатиш - хизмат кўрсатиш, бузилиш ҳолатини бартараф этиш, қийин жиҳозларни бошқариш ишни бажаришда аниқ қоидаларга риоя қилиш каби талабларни ўзида ифода этади.

Ёзма йўриқнома хужжатлари ҳар бир жойида бўлса меҳнат унумдорлиги ошади.

Ишлаб чиқаришнинг фаоллик методи. Ўқув ишлаб чиқариш ишларида фаоллик ақлий, билим, бадиий фаолликлар саналади. Улар таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятида, фаолият турини мустақил ва мақсадни танлашларида ва уларни ижобий натижаларга олиб келиш, меҳнатни режалаштириш, таҳлил ва хатоликларга йўл қўймасликда кўринади. Таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллик – машиналар, агрегатларни ишлатишдаги қобилияти, ички жараённи билиш ва қилинган таҳлиллар асосида мақсадли ечимларга келишларидир.

Ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллик методига – ишлаб чиқаришда техник масалаларни ечиш киради: ишлов бериш, тузатиш, бошқариш меьёрини хисоблаш, автоматлаштирилган жиҳозлар учун бошқарув дастурини ишлаб чиқиш (масалан, сонни дастурли бошқарув станоклари), жадвал, маълумотлар ва диаграммалардан керакли маълумотларни топиш. Ўқув ишлаб чиқариш ишларида машина, қурилма, агрегатларнинг кинетик схемалари ёрдамида меьёрлари, кўрсаткичларини аниқлаш, монтаж тузилмаларини ишлаб чиқиш.

Техник масалаларни ечишнинг юқори даражаси бадиий характердаги масалаларни бажариш ҳисобланади.

Сифатни ошириш ва ишлаб чиқариш меҳнати: ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида ўқитувчи ёки мустақил таълим олувчилар тавсия этилган тайёрлаган бир неча технологик жараёнлар ичидан энг мукаммалини топиш, иш вақти сарфи, материаллар ва энергетик тежаш йўлларини ишлаб чиқиш, кабиларни амалга оширадилар, шунингдек, ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш жараёнида таълим олувчилар маҳсулотга ишлов бериш тайёрлан, йиғиш, жиҳозларни текширишни оғзаки ёки ёзма орқали ўрганишади. Бу эса ўз навбатида таълим олувчиларда технологик жараён тўғрисида тушунчалар ҳосил қилади.

Таълим олувчилар кўникмаси ошгани сари уларга қийинроқ вазифалар топширилади ҳамда технологик жараён объектлари мунтазам равишда ўзгартириб турилади.

Ишлаб чиқариш таълимининг фаоллик методи сирасига машқлар ҳам киради. Машқлар ишлаб чиқарш жараёнида ҳосил бўладиган масалаларни ечиш учун қўлланилади. Бундай машқлар таълим олувчиларни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган вазиятларига тайёрлайди. Машқларни ўтказиш учун муайян жараён ҳосил қилинади. Масалан, агрегатларни созлаш, технологик меьёрларнинг бузилиши, иш жойида бузилиш ҳолатларининг содир бўлиши. Бундай жараёнларни ижобий ҳал этиш технологик вазифа сифатида ҳам берилиши мумкин. Таълим олувчи берилган вазифани ўрганиб, унинг аниқ ёки нима сабабдан бузилгани, бузилиш сабаблари, хатоларни тўғрилаши ва ечимини топиши керак бўлади. Бундай вазифалар таълим олувчиларга икки усулда: савол ва жавоблар саволларнинг

асосида берилиши мумкин. Биринчи усулдаги машқда аниқ жараённинг муҳокамаси ва технологик жараёнлар моҳияти ўрганилади. Бу каби вазифалар ўқитишнинг бошланғич босқичларида қўлланилади. Таълим олувчилар кўникмаси ошгани сари мустақил ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган жараёнларни ўрганишга қаратиш лозим. Бунда 2 - усулдаги вазифалардан фойдаланиш керак бўлади.

9.6. Таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш. Назорат қилишнинг 2 тури мавжуд. Биринчидан, таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини доимий кузатиш, иккинчидан, таълим олувчиларнинг билимлари ва малакаларини текшириш.

Назарий таълим жараёнида назорат қилишнинг асосий методлари, таълим олувчиларнинг билимларини оғзаки ҳамда ёзма текшириш, назорат ишлари, техник диктант ўтказиш, техник ҳужжатлар мазмуни муҳокама қилиш. Назарий таълимда таълим олувчиларнинг билимларини амалиётда қўллай олишини назорат қилиш, схемаларни йиғиш, ўлчаш, механизмларни тузатиш, бузилиш сабабларини аниқлаш ва бошқалар. Бу методга яна лаборатория – амалий ишлар орқали текширишни ҳам киритиш лозим.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқаришда бажарган ва бажараётган назорат қилишнинг асосий методлари жорий, оралиқ ва якуний назоратлар саналади.

Педагогик адабиётларда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш методлари, турлари ва шакллари тўлиқ кўрсатиб берилган. Шу боис янги турдаги назорат турлари тўғрисидагина тўхталиб ўтамиз.

Ташҳисли назорат турларидан бири – тест ўтказиш. Тестли назоратнинг асоси тест ҳисобланади, у икки унсурдан иборат: вазифа ва эталон – вазифани тўғри, сифатли бажариш учун намуна, таълим олувчилар билимларини таққослаш.

Назарий таълим жараёнида тест 2 усулда ўтказилади.

Биринчиси – ташкил қилувчи сифатида, дастурлаштирилган таълим, назорат (дастурий назорат), қайта алоқа тизими. «Таълим олувчи – техникада дастурли таълим – ўқитувчи», «таълим олувчи – дастурли таълим – ўқитувчи»

Иккинчи усул – мустақил назорат қилиш методи. Ишлаб чиқариш таълимида тест ўз-ўзини мустақил назорат қилиш методи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълими ўқув жараёнининг ҳар бир босқичда тестлар ўтказиш мумкин.

Назарий таълимда таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини тест орқали текшириш

Таълим олувчиларнинг билим ва кўникмалари уларнинг фаолиятларида кўринади, фойдаланилган ахборотлар репродуктив ва продуктив бўлиши мумкин. Қар бир тур ўқув фаолиятда мустақил ёки муайян ёрдам билан бажарилиши мумкин.

Репродуктив фаолиятда айтиб бериш орқали ўқитувчилар томонидан аниқлик киритиш, йўриқнома, маълумотнома, китоб ва бошқа ахборот манбалари асосида фаолиятни тўғри бажарилишига ёрдам беради.

Продуктив фаолиятда ёрдам беришнинг асоси – алгоритм ва фаолият турлари, уларнинг вазифалар бўйича янги алгоритмлар олишдир. Мустақил продуктив ўқув фаолиятида – изланиш унсурлари, ўқув ижодиёти, мустақил фаолият юритиш, таълим олувчиларда янги билим ва кўникмаларни субъектив шакллантириш.

Таълим олувчи қобилиятига кўра таълим фаолиятини турли даражаларга жалб этилиши мумкин, уларнинг ҳар бирини ўз мақсадлари бор. Қўлланилиши мумкин бўлган 4 даражани кўрсатиш мумкин.

1. Таниб олиш.
2. Типовой.
3. Эвристик.
4. Ижодий.

I - даражадаги тестлар таълим олувчиларга объект тўғрисида маълумотлар бериш харакатларни бажара олишларини текшириш учун мўлжалланган. Бундай тестларга: таниб олиш тестлари, турли хил тестлар мисол бўлади.

II-даражадаги тестлар – таълим олувчилар мустақил билимни ақлан қабул қилишлари ва аввал эгалланган билимларни қўллашлари учун мўлжалланган. Уларга – типовой машқ тестлари, жавобларни лойиҳалаш тестлари, типовой вазифа тестлари.

III-даражадаги тестлар – таълим олувчилар қобилиятини эвристик типдаги продуктив харакат орқали аниқлаш, уларга типовой бўлмаган вазифа ва типовой бўлмаган масалаларни ҳал қилиш.

IV-даражадаги тестлар – эгаллаган билимлардан ижодий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, уларга – муаммоли тестлар киради.

Ўзлаштириш даражалари	**Ўзлаштириш даражаларининг тавсифи**	**Ишлаб чиқариш таълими**
I репродуктив. Мустақил эмас	Фаолият уста-кузатувчи билан бирга амалга оширилади, ўқитувчи берган инструктив кўрсатмалар, таклиф, ҳужжатлар асосида ёзма йўриқнома инструктив технологик карталар, ўқув алгоритми, ишлаб чиқариш йўриқномаси, типовой қоидалар. олиб борилади.	Меҳнат, иш операциялари ва ҳаракатлари, қийин бўлмаган ишларни бажаришни ўрганиш, ўзлаштириш
II репродуктив.	Типовой алгоритмлар асосида	Ўртача оғирликдаги

Мустақил	мустақил ўқлаштириш ташкил этилади. (ишнинг технологик кетма-кетлиги, босқичлари, унсурлари)	комплекс тавсифдаги ишларни бажариш: ҳаракатлар, янги асбоб ва жиҳозларни қўллаб ишлаш турлари ҳамда янги технологияларни ўрганиш.
III продуктив мустақил	Мустақил тайёрланган алгоритмлар асосида ўзлаштириш олиб борилади. Типовой бўлмаган холларда таълим олувчилар ўзлари мустақил хулос чиқаришади.	Таълим олувчиларнинг малакасини ошириш учун аттестация: касбий билими ва касбий маҳоратининг шаклланганлигини текшириш
IV мустақил ижодий	Ижодий фаолият жараёнида билим ва малакаларидан фойдаланилади. Таълим олувчилар мустақил рационализаторлик ишларини олиб боришади.	

I даражадаги тест

Касб слесар – таьмирловчи

Фан – махсус технология

Вазифа - қуйидаги ишларни бажариш учун қандай асбоблардан фойдаланиш керак:

1. Тешикни пармалаш.
2. Тешикка конуссимон ишлов бериш.
3. Тешикнинг юқори қисмига винт каллагига ишлов бериш.
4. Ўуйидагилардаги тешикларга ишлов бериш:

А. Парма. Б. Зенкерлаш. В. Зенкер. Г. Развертка.

5. Тешикларни қайта пармлаш.

Тўғри жавоб эталони: 1-а; 2-г; 3-б; 4-в; 5-г; 6-а;,в.

Операциялар – 7.

II даражадаги тест

Касб – слесар – таьмирловчи

Фан - касбий технология

Вазифа–конуссимон тишли ғилдиракларни сифатли илашувини алоқали доғ йўли билан текширганимизда қуйидаги натижаларга эришдик:

1. Етакланувчи ғилдиракнинг тишлари ички томонида ҳам излар бўлиб, у фақат тишнинг қалин қисмидадир.

2. Етакланувчи ғилдиракларнинг тишлари икки томонда ҳам излар бўлиб, у фақат тишнинг юпқа қисмидадир.

3. Тишнинг фақат юқори қисмида тўлиқ йўл изи бор.

4. Тишнинг фақат қуйи қисмида тўлиқ йўл изи бор. Сабабини аниқлаш.

9.7. Таълим методларини танлаш. Таълим методининг умумий тавсифида кўрсатилганидек, ҳар бир методнинг таълим жараёнида аниқ вазифалари бор. Таълим жараёнида бир неча методлар қўлланилади. Бу методлар бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи-таълим олувчи ўртасидаги ўзаро фаолият моҳиятини тавсифлайди. Ўқитиш жараёнида методларнинг ўрни ва вазифалари белгилаб олинганда уларни танлаш онсон бўлади.

Методларни танлашда уларнинг мезонларини кўриб чиқиш керак бўлади. Мезонлардан бири - методларнинг дидактик қоидаларга мос келиши шартидир.

Кейинги мезон эса – методлар мазмунининг таълим мақсад ва вазифаларини таълим олувчиларни тарбиялаш ва ўстириш билан мослиги учун хизмат қилишидир.

Жадвалда методларни танлаш учун ёрдам берадиган таълим методларининг ўзаро таққосланиши кўрсатилган.

Таълим методларини танлашнинг учинчи мезони – методлар мазмуни таълим мазмунига мос келишидир. Мазмунлардан бири индуктив метод орқали яхши ёритиб берилиши, бошқаси эса – дедуктив метод ёрдамида ёритиб берилиши мумкин. Муайян дарс жараёнида муаммоли изланиш методини қўллаш, бошқа бир дарс жараёни учун тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Метод танлашнинг мезонларидан бири ўқув жараёнини ташкил қилиш шакллари, умумий гуруҳ, гуруҳ (бригада) ва якка тартибдаги ишлар учун таълимнинг турли методларидан фойдаланишнинг зарурлигидир. Таълим методини танлашда ўқитувчи ўзи имкониятлари ва педагогик билим даражасига асосланган ҳолда таълим методини танласа, бу орқали юқори даражадаги ўқув тарбия натижаларига эришиши мумкин бўлади.

№	Таълим методлари	Ютуқли (+) ёки енгил (-) масалаларни ечиш							
		шакллантириш					ривожлантириш		
		Назарий билимлар	Амалий билимлар	Амалий малака	Абстракт фикрлаш	Кўргазмали	Мустақил	Нутқ сўз	Қизиқувчанлик
1	Суҳбат	+	+	-	+	-	+	+	+
2	Кўрсатиш	-	+	+	-	+	+	+	+
3	Амалий	-	+	+	-	+	+	-	+
4	Репродуктив	+	+	+	-	-	-	-	+
5	Муаммоли изланувчан	+	-	-	+	-	+	+	-
6	Индуктив	+	+	+	+	+	+	+	+
7	Дедутив	+	-	-	+	+	+	+	+

8	Ўқитувчи бошчилигида	+	+	+	+	+	-	-	+
9	Ўқувчиларни мустақил ишлаши	+	+	+	+	+	+	+	+

9.8. Касб таълимида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини активлаштиришнинг ноанъанавий методлари. Агар таълим жараёни ўқувчида фаол ҳаракат, билим ва кўникмалар орттириш иштиёқини уйғотсагина самарали кечади ва сифатли натижалар беради.

Ўқув фаолиятини бундай ташкил қилиш учун унинг барча усуллари - оғзаки, кўргазмали ва амалий, репродуктив, қидирув, индуктив ҳамда дидуктив, шунингдек, мустақил иш усулларидан фойдаланилади. Таълим жараёнида рағбатлантиришнинг асослаш вазифасини ўтайдиган бу усулларни шартли равишда икки гуруҳга, ўқувчиларнинг билиш иштиёқини уйғотувчи ҳамда таълимда бурч ва масъулият туйғусини шакллантирувчи усуллардан иборат гуруҳга ажратиш мумкин.

Бу жараёнда ўқув фаолияти, унинг мазмуни, шакли ва амалга ошириш усулларига муносабатда ижобий ҳиссиётнинг юзага келишини таъминлаш муҳимдир. Қиссий ҳолат, доимо руҳий тўлқин изтироби билан ҳозиржавоблик, хамдардлик, қувонч, ғазаб, ҳайратланиш ўзаро боғлиқдир. Шунинг учун ҳам диққат, эслаб қолиш, англаш жараёнларига бундай ҳолатда ўқувчининг чуқур ички кечинмалари қўшиладики, бу жараённи қизғин кечадиган қилади ва мақсадга эришиш маъносида анча самарали бўлади.

Масалан, тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар билан уруш мавзуини ўрганишда шундай материал ва фактларни танлайдиларки, улар ўз бадиийлиги, ёрқинлиги ҳамда ҳиссийлиги воситасида уларда фашизмга нафрат кечинмаларини, жонажон халқидан фахрланиш, бу муросасиз жангдаги буюк ғалабадан шодланиш туйғусини уйғотади.

Таълимни ҳиссий рағбатлантириш усулларидан бири, дарсда қизиқарли вазиятни яратишдир. Бунда гап ўқув жараёнига қизиқарли мисолларни, тажрибаларни, фактларни киритиш устида боради. Масалан, физика курсида «физика рўзғорда», «физика эртакларда» каби мисоллар бўлиши мумкин. Бундай қизиқарли фактларни танлаш ўқувчиларда ҳозиржавобликни шакллантиради. Бу иш кўпинча ўқувчиларнинг ўзига топширилади.

Тажрибали ўқитувчилар ўқишга қизиқишни ошириш учун улуғ олимлар ва жамоат арбоблари ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган бадиий адабиёт дан парчаларни таҳлил қилишдан фойдаланадилар.

Қиссий кечинмалар ҳайратланиш усулини қўллаш йўли билан ҳам ҳосил қилинади. Қелтирилган фактнинг одатдагидай эмаслиги, дарсда намойиш қилинган тажрибанинг фавқулоддалиги, маълумотларни моҳирона қиёслаш, мисолларнинг ишонарли бўлиши ўқувчиларда чуқур ҳиссий кечинмаларни туғдиради.

Рағбатлантиришнинг усулларидан бири айрим табиат ҳодисаларини илм-фан нуқтаи назаридан келиб чиқиб тушунтиришдир. Масалан, бунда ўқувчиларга вазнсизлик ҳолати, эркин тушиш ва сузиш қонунларининг илмий ҳамда ҳаётий талқинларини таққослаш таклиф қилинади.

Дарс давомида ҳиссий вазиятнн яратиш учун ўқитувчи нутқининг бадиийлиги ва ёрқинлиги катта аҳамият касб этадл. Ўқитувчининг нутқи буларсиз ҳам ахборот сифатида фойдали бўлса-да, лекин у ўқувчининг ўқув - билиш фаолиятини рағбатлантириш вазифасини кераклича оширолмайди. Қизиқишни шакллантириш усуллари нутқнинг бадиийлиги, образлилиги ва ёрқинлилигини таъминлаш билан бирга ўз навбатида ўқув фаолиятига ижобий муносабатни уйғотиши ҳамда билишга қизиқишни шакллантиришда дастлабки қадам бўлиб хизмат қилиши ҳам керак.

Ўқув фаолиятига қизикишнинг асосий манбаи, аввало, унинг мазмунидир. Бу мазмун кучли рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш учун таълим принциплари қатор талабларга жавоб бериши лозим. Бунда таълим мазмунининг рағбатлантирувчи таъсирини оширадиган айрим махсус усуллари ҳам мавжуддир. Уларга биринчи навбатда янгилик ва долзарблик вазиятларини яратувчилик мазмунини, фан ҳамда техниканинг энг муҳим кашфиётларини замонавий маданият, санъат, адабиёт ютуқларига, ижтимоий-сиёсий ва халкаро ҳаёт ҳодисаларига яқинлаштиришни киритиш мумкин. Ана шу мақсадда ўқитувчи мамлакат жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотаётган, вақтли матбуотда эълон қилинаётган, телевидение ва радио орқали берилаётган фактлар, расмларни махсус танлайди. Ана шундагина ўқувчилар дарсда ўрганилаётган масалаларнинг муҳимлигини ёрқин ва чуқур ҳис қиладилар ва шунга асосан унга катта қизиқиш билан ёндашадилар.

Ўқишга қизиқишни рағбатлантиришнинг муҳим усули сифатида билишга доир ўйнларни айтиш мумкин. У ўқув жараёнида ўйин вазиятини яратади. Ўйин ўқишга қизиқишни уйғотувчи восита сифатида аллақачон тан олинган. Масалан, саёҳат, электровикторина каби ўйинлар ёрдамида муайян туманларнинг ҳайвонот дунёси, самолёт ва кемалар ўрганилади.

Таълимни рағбатлантириш ва асослаш усулларига билиш баҳси ҳам киради. Маълумки, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Баҳс мавзуга катта қизиқншни ҳам уйғотади. Баъзи ўқитувчилар таълимнинг бу фаоллаштириш усулидан моҳирона фойдаланадилар. Улар аввало у ёки бу муаммо юзасидан турли илмий нуқтаи-назарлар курашининг тарихий фактларини таққослайдилар. Масалан, «Тарбиядаги бўшлиқдан қўрқиш» тарафдорлари билан атмосфера босими тўғрисидаги таълимот тарафдорлари ўртасидаги кураш тўғрисида ҳикоя қиладилар. Натижада атмосфера босими ҳодисасини ўқувчилар қизиқиш билан ўрганишади. Илмий бахслар фан ривожининг ҳозирги босқичида ҳам давом этяпти. Мана шунинг учун ҳам юқори синф ўқувчилари физикадаги элементар бўлакларнинг жадвалини тузишга турлича ёндашиш, ердаги иқлимнинг ўзгариши сабабларига оид турлича фикрларни

солиштирадилар. Ўқувчиларни илмий баҳслар вазиятига жалб қилиш уларнинг билимни тегишли масала бўйича чуқурлаштирибгина қолмасдан, уларнинг диққатини ихтиёрсиз равишда мавзуга ҳам жалб этади. Мана шу аснода уларни таълимга интилишга олиб келади. Бунинг учун, масалан, ўқувчиларга у ёки бу ходисанинг сабаби тўғрисида ўз фикрларини айтишлари у ёки бу нуқтаи назарни асослашлари таклиф қилинади. Бунда «Ким бошқача ўйлайди?» каби саволлар анъанавий бўлиб қолган. Агар бундай усул баҳс қўзғаса, ўқувчилар беихтиёр у ёки бу изоҳларнинг тарафдорлари ёки рақибларига айланадилар ва ўқитувчилардан асосланган хулосани кизиқиш билан кутадилар. Шундай килиб, ўқув баҳси ўқишга қизиқишни рағбатлантирувчи усул ролини ўйнайди.

Мактаб иши амалиётида дарсда махсус ташкил қилинадиган ўйин тарзидаги ўқув баҳсларни тез-тез учратиш мумкин. Млсалан, бунда юкори синф ўқувчилари ўқитувчиларинннг топшириғи билан у ёки бу бадиий асарни турли хил нуқтаи назардан таҳлил қилувчи ўқув ва илмий-оммабоп адабиётларни ўрганадилар, янги флзлкавий ва кимёвий кашфиётларга турлича нуқтаи назарларни муҳокама қиладилар. Бунда ўқувчилар концеициялар тарафдорлари бўлиб чиқадилар. Табиийки, у ёки бу нуқтаи назарнинг адолатлиги тўғрисида ўқувчилар узил-кесил қарорга келадилар деб бўлмайди. Бу усул бирон-бир масалани чуқурроқ ўрганиш учун катта қизиқиш уйғотади. Ўқув баҳслари турли фанларни чуқур факультатив ўрганишда айниқса кенг қўлланилади. Масалан, тарих дарсларида ўқитувчилар ўқувчилар эътиборини ижтимоий тараққиётнинг туман, шаҳар ва ҳар бир оила ҳаётнда акс этишнни таҳлил қилпшга тортади.

Ўқишга ҳавасни рағбатлантиришнинг таъсирчан усулларидан бири ўқувчиларда қувонч ҳиссини яратишдир. Маълумки, ўқувчи муваффақият қувончини бошдан кечлрмас экан, ўқув қийинчиликларини енгиб ўтишдаги кейинги муваффақиятларга тўла ишона олмайдл. Шунинг учун ҳам тажрлбали ўқитувчилар ўқувчилар учун топшириқларни шундай танлайдиларки, улар тегишли босқичда ечилиши осон топшириқларга айланади. Бунда икки турли топшириқлардан фойдаланилади, улардан бирини ўқувчи бемалол бажара олади ва нисбатан мураккаб бошқа топшириқни ечиш учун улда интилиш базаси яратилади. Муваффаклят вазияти бир хил мураккабликдаги ўқув топшириқларини длффлрелцлялаш йўли билан ҳам яратилади. Муваффақият вазлятини яратишда у ёкл бу ўқув топширлғлнл бажарлш учун қулай маънавлй пслхологик мухмтни танлаш хам мухлм роль ўйнайди, Қулай микро иқлим ўқиш вақтида ишолчсизлик, қўрқиш туйғусини пасайтиради. Бунда иккиланиш ҳолати ишониш ҳолати билан алмашинади.

Таълим жараёни фақатгина билишга клзиқишгагина эмас, балки бир канча бошка омилларга ҳам таянади. Бу омиллар ўқувчига ўқишдаги муқаррар қийинчиликларни бартараф этиш, уларни енгишдан қувониш ва қониқиш туйғусини бахш этади.

Маълумки, ўқувчиларнинг ўқишдаги бурч ва масъуллик асослари бутун бир гурух усулларни қўллаш воситасида шаклланади. Ўқувчиларга таълимнинг ижтлмоий ва шахсий аҳамиятини тушунтириш, уларни тегишли талабларни бажаришга ўргатиш, ўз мажбуриятларини муваффақиятли, виждонан бажарганликлари учун тақдирлаш, бу талаблар бажарилишини назорат қилиш ва зарурат туғилган ҳолларда ўқишга масъулият билан ёндашишдаги камчиликларини кўрсатиш, танбеҳ бериш шу усуллар жумласига киради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқишда бурч ва масъулиятни шакллантириш таълим ва тарбия жараённининг бирлигини тақозо этади.

Ўқувчиларнинг ўқишнинг ижтимоий аҳамиятини англаб олишларида уларга ҳозирги жамиятда фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатидаги ролини тушунтириш муҳимдир. Ўқувчиларга ишонарли мисоллар асосида умумтаълим савиясининг ошиши меҳнат унумдорлигининг сезиларли даражада ошишига, ишлаб чикаришни механизациялаш ва автоматлаштириш кенг кўлам касб этишига, меҳнат жараёнлари енгиллашувига, фан ютуқларини қўллаш эса ишлаб чиқаришда инқилобий ўзгаришлар ясалишига олиб келишини тушун-тириш керак.

Ўқувчиларда ҳамма фанлар бўйича муваффақиятли ўқишнинг шахсий аҳамиятини тушунишни шакллантиришда ўқитувчи бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Агар ўқувчллар бўлажак мутахассисликларига яқин ўқув фанларини ўзлаштиришнинг аҳамиятини тез тушуниб олсалар уларга бошқа фанларнинг ўзлаштиришнинг аҳамиятини тушунтириш осон кечади. Бунда ўқувчи техник ихтисосини танласа, унга гуманитар цикл фанларининг аҳамиятини тушунтириш ўринли бўлади.

Ўқувчиларга қўйиладиган талаблар ахлоқ қоидалари, фанлар бўйича билимни баҳолаш мезонлари, ички тартиб- қоидалар ва ўрта умумтаълим мактаби низоми билан белгиланади. Шуни унутмаслик керакки, ўқиш бурчи ва масъулиятини рағбатлантириш ўқувчиларни ўқув ишлари ва талабларини бажаришга ўргатиш усуллари билан олиб борилиши лозим, чунки бундай кўникмаларнинг бўлмаслиги ўқувчиларнинг ўқишдаги қолоқликларига, шунингдек, интизомни бузишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўқувчиларни тақдирлаш улар хулқи ва ўқув фаолиятидаги ижобий жиҳатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қўлланилади. Мактабда тақдирлаш доираси нихоятда хилма-хплдпр. Ўқув жараёнида- бу ўкитувчининг мақтови юқори баҳо қўйиш ва бошқалардир. Жазолашнинг тапбеҳ бериш ва бошқа турлари таълим асосларини шакллантиришда истисно эьилади, одатда бу усул фақат иложсиз вазиятлардагина қўлланилади. Рағбатлантиришннпг турли усулларини моҳирона қўллаш ишигина ўқувчиларнинг муваффакиятли ўқишини таъминлаши мумкин.

Таълим жараёнида билим, кўникма ва малакаларниг шаклланганлик даражасини назорат килиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу хусусда оғзаки савол-жавоб шакли анъанавий усуллардан бири хнсобланади. Оғзакн савол-живоб

ўқувчи- талабаларни хозиржавобликка тайёрлайди, мантиқий жанобни тезда фикран тайёрлаб сўзларда ифода килиш кўникмасини ҳосил қилади. Оғзаки савол-жавоб якка-якка ва ёппасига сўраш орқали амалга оширилади. Якка ўқувчидан сўралганида ўқитувчи ўқувчига бир нечта савол беради. Ўқувчининг жавобларидан ўқув материалининг канчалик ўзлаштирилганлиги маълум бўлади. Бутунича сниф ёппасига сўралганида ўқитувчи ўзаро маитиқий боғланган катор саволларни танлайди ва уларни бутун синф олдига қўяди, ўқувчиларни жавоб беришда активликка чакиради.

Оғзаки савол-жавоб ўқувчилар оғзаки нутқ маданиятини ўстиради. Уларнн сўзамолликка, равон адабий сўзлар ишлатиб мантикий жавоб ахтаришга, шаклланган билимларни сўзларда ифодалашга ўргатади. Албатта ўқувчиларнинг баъзиларида огзаки нутқи ривожланмаган бўлади. Педагогнинг вазифаси ўқувчилар нуткидаги бтъзи хатоликларни усталпк билан тўғрилашдан иборат. Қўполлик билан берилган танбеҳ ўқувчиларда сўзлаш иштиёқини кайтарадн. Мактов, далда бериш каби педагогик тадбирлар ўқувчиларда ўзига ишонч уйғотади, синфда мусобакавий кўтаринкилик руҳини уйғотади, синф жамоасини янада бирлаштиради. Аммо шунга қарамасдан оғзаки савол-жавобга барча ўқувчиларни юз фоиз жалб қилиб бўлмайди. Бунинг объектив сабаб-лари айрим тортинчоқ характердаги ўқувчллар бошкалар олдида сўзлашга ийманадилар, хато гапириб кўйсам «кулгига қоламан» қабилида иш тутадилар.

Кўп ҳолларда назоратнинг ёзма шакли ўқувчилар ички сир-асрорларини, кечинмаларини, яширириб ётган истеъдодларини очиш имконини беради. Бу усул ёзма назорат, иншо, баён, диктант, ёзма синов ва ҳоказоларни 15-20 минут ёки бутун дарс давомида ўтказилиши мумкин.

Кейинги йилларда ёзма ишларнинг дастурлаштириладиган шакли ўқув-тарбия жараёнида кенг қўлланилаяпти. Бунда ўқитувчи саволлар рўйхатини тузади, уларнинг ҳар бирига мумкин бўлган жавобларни таклиф қилади, бу жавобларда биттаси тўлароқ бўлади. Ўқувчиларнинг вазифаси жавоблар ичидан нисбатан тўлароқ ва аниқроғини танлашдир. Табиий, теҳникавий фанлар бўйича ўтказиладиган ёзма ишлар чизмачилик, ҳисоблаш, график масалалар, муайян жараёнлар графигини чизиш тарзида ўтказилиши мумкин. Мактаблардаги назоратнинг нисбатан яиги усули-бу ўқувчилар тайёргарлигининг лабораториявий назоратидир. У синфнинг ярим таркиби билан ўтказилади, айни вақтда синфнинг иккинчи ярми ёзма ишни бажаради. Бу хил назоратда ўқувчиларнинг ушбу кунгача ўрганган назарий билимлари лаборатория шаронтида синаб амалга татбиқ қилиб кўрилади. Масалан, ўқувчилар меҳнат ва физика дарсларида штангенциркуль, микрометр, амперметр, вольтметр, термометр каби ўлчов асбобларининг вазифалари, тузилишларини ўрганган бўлсалар, лаборатория машғулотида шу асбоблардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашади. Унга, шунингдек, тажриба ўтказиш талаб қилинадиган, назорат вақтида амалга оширса бўладиган масалаларни ечиш ҳам киритилади.

§ 10. КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

10.1. Таълимнинг синф-дарс тизими. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум бир белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятининг ташкп кўршшшп таълимшшг ташкилий шаклини бслгилайди. Таълимнинг ташкилий шакллари ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини аниклаб беради, оммавий таьлим ва алоҳида (индивидуал) ҳолдаги таълимнинг нисбатларини белгилайди.

Ўрта Шарқ таълими алоҳидалик, айримлик, якка ҳолда ўргатиш хусусиятларига эга эди, ўрта аср даврида эса машғулотлар ўқувчиларнинг унча катта бўлмаган гуруҳларида ўтказилди. XVI асрда дунё мактабларининг тажрибаларини ўрганиш асосида Я.А.Коменский характерли жиҳати дарс шаклидаги таълимни ташкил этишдан иборат таълимнинг синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан тушунтириб берди.

Таълимнинг ташкилий шаклида – дарс давомида ўқув машғулотлари ўқитувчининг раҳбарлигида, бир хил ёшдаги ва маълум муддат мобайнидаги тайёргарлик даражаси хамда ўрнатилган жадвалга кўра доимий бўлган ўқувчиларнинг гуруҳи билан машғулотлар олиб борилади. Дарс давомида ўқитувчи томонидан катта миқдордаги ўқувчиларни бир вақтда ўқитиш мумкинлиги имкониятлари туғилади.

Таълимнинг синф-дарс шакли XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Англияда ёйилди ва белланкатер тизими дсб номланди.Бу ном уни таклиф этган муаллифлар А. Белла ва Д. Лаккастер исм-шарифларидан ҳосил қилингандир. Кичик ҳаракатлар асосида ёш авлодга оддий таълимнпнг кенг жорий этишдек жамиятнинг эҳтиёжини акс эттирадиган бу тизим ўқитувчининг бир вақт мобайнида 600 ва ундан кўпроқ ўқувчилар билан ишлашини назарда тутар эди. Тажрибали ўқитувчиларнинг фаолияти катта ёшдаги ўқувчиларни таълим жараёнига тайёрлашга йўналтирилади, улар ўз навбатида ўқув машғулотларини ўзларининг кичик ёшдаги ўртоқлари гуруҳи билан ўтказардилар, уларнинг ишларини кузатиб борар ва назорат этардилар.

Синф-дарс тизими амалда кўп жиҳатдан устун эканлигини намоён этди ва кўпгина мамлакатларда қўллана бошланди. Ўқувчиларнинг англаш фаолиятларини янада фаоллаштириш учун қилинган ҳаракатлардан бири таълимнинг янги ташкилий тури бўлди. Бу асрнинг бошларида АҚШ халқ таълимининг жамоат арбоби бўлган Е. Таркхерст томонидан таклиф этилган эди. Бу дальтон - режа деб номланиб, таълимни индивидуаллаштириш ва ҳар бир ўқувчига ўргатишда мустақил равишда ҳамда ўз тезлигида илгари силжиш имкониятини берадиган таълим тури эди.

XX йилларда дальтон-режанинг баъзи бир жиҳатлари таълимнинг бригада - амалий ташкилий турларида фойдаланилган эди. (Бу шакл синфнинг ёки бригаданинг жамоавий ишини ҳар бир ўқувчининг индивидуал иши билан мувофиқлаштирганлиги жиҳатидан дальтон - режадан фарқ қилар

эди, аммо таълимнинг бригада - амалий ташкилий турини кенг ёйилишига олиб келди.

Баъзи бир мамлакатларда таълимни ташкил этишнинг умумий анъанаси аҳолининг турли-туман ижтимоий табақалари учун таълим имкониятларини турлича бўлишини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсад йўлида шахснинг такрорланмаслигини, бир буюклигини таъминлайдиган таълимдаги жуда ҳам алоҳидалик, индивидуалликка асосланиш тенденцияси мавжуд. Кўпгина америкалик ва инглиз дидактлари (Е. Мелби, Р. Ворнер ва бошқалар) ўрганиш - бу шахсий иидивидуал жараён бўлиб, ҳар бир бола нимани ўрганиши мумкин бўлса, шунга ўқитилиши керак, дейдилар. Шу сабабли болаларни жуда ҳам индивидуал режалар ва индивидуал тезликда ўқитишни таклиф этишади.

АҚШ ўқувчиларининг жамоавий ишлари билан бир қаторда таълимнинг индивидуаллигини маълум даражада мувофиқлаштирадиган Трамп режасида техник воситалардан кенг фойдаланиш асосида ўқув жараёнини юқори даражада индивидуаллаштириш назарда тутилади. Ушбу режанинг муаллифи - амриқолик педагог Ллойд Трампанинг фикрича ўрта мактабларда ўқитиш 100-150 кишидан иборат бўлган гуруҳларда (маърузаларда таълим турли-туман техник воситалардан фойдаланиш билан) ўтказилади. Бунга ўқув вақтининг 40 фоизи ажратилади. 10-15 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳларда эса (маъруза материалини муҳокама этиш ҳамда айрим бўлимларини чуқур ўрганиш, кўникмалар ва малакаларни қайта ишлаш билан) вақтнинг 20 фоизи ажратилади ҳамда мустақил ишга (ўқувчиларнинг индивидуал ишлари) вақтнинг 10 фоизи ажратилади.

Дарс ҳозирги замон ўқув тарбия жараёнида таҳсил мақсадларини амалга оширишда асосий таълими шакли ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида таълимнинг дарс шаклидан бошқа бир янги шаклини педагогика назарияси ҳам, амалиёти ҳам таклиф этганча йўқ.

Ўтказилган дарс ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қаноатлантириш учун маълум даражада умумий баъзи бир талабларга жавоб бериши керак. Шулардан баъзиларини эслатиб ўтамиз. Айрим олинган бирон-бир дарс предмет календар дастуридаги ўз ўрнига эга бўлиши, мақсади аник белгиланган бўлиши керак. Дарс ўтиш жараёнида шакллантирилили лозим бўлган билим, иқтидор ва кўникмалар алоҳида аниқланиши даркор. Шу билан бирга мазкур дарс давомида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг эришиладигаи даражаси ҳам белгиланиши маъқул бўлади. Дарсда ишлатиладиган методлар, воситалар туркуми аниқ бўлиши олдиндан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблардан яна бири шуки, бериладиган ўқув материали системали равишда осондан- қийинга, оддийдан- мураккабга, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиш керак.

Ўқитувчи дарсни ташкил қилар экан ўқувчилар ўқув фаолиятини активлаштирувчи ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг

муқобил режаларини амалга оширишни кўзда тутмоғи лозим. Дарсга бирмунча тарбиявий талаблар қўйилади. Қар бир дарс маълум даражада ғоявий йўналган аниқ тарбиявий вазифаларни бажариши, олинган илмий бнлимлар асосида дунёқарашни, юқори ахлоқий фазилатларни, эстетик дидни шакллантириб таълимни хаёт билан мустақил алоқаларини таъминлаши зарур. Ўқувчиларда билимга қизиқишни, билимларни мустақил эгаллаш кўникмаларини қарор топтириш, ижодий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тасаввурлари чуқурлиги, ривожланиш даражасини хисобга олиш хам дарсга қўйиладиган тарбиявий талаблардан ҳисобланади.

Дарсга қўйиладиган ташкилий талаблар: мавзуий (календар) режалаштириш асосида дарс ўтказишнинг ишлаб чиқилган аниқ режаси мавжуд бўлиши, дарс ўз вақтида бошланиб, ўз вақтида тугаши керак. Дарснинг мантиқий изчиллиги, тугалланганлиги ва дарснинг бошидан то охиригача ўқувчилар онгли интизоми таъминланмоғи лозим. Дарсни ташкил этишда турли-туман воситалардан, ўқув-техник, компьютер, стационар ва динамик кўргазмали қуроллардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Дарснинг таркибий тузилиши ўрганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланиладиган таълимнинг усуллари ва методларига, ўқувчиларнинг тайёрланиш ҳамда ривожланиш даражасига, ўқув жараёнида дарснинг ўрнига боғлиқ бўлади.

Дарслар жуда ҳам турли-туман таркибий тузилишларга эга бўлиб, дарсларни бир марта доимий равишда мавжуд бўладиган кўриниш тарзида режалаштириш ва ўзгармайдиган қотиб қолган намуна асосида ўтказавериш мумкин эмас. Дарснинг таркибий тузилишига юқорида қайд этиб ўтилган омиллар қаторида мазкур синфда ишлашнинг ҳаққоний шарт-шароитлари, шунингдек, ўқитувчи иш фаолиятининг ижодий характери катта таъсир кўрсатади. ҳар бир дарс бошқа дарслар-дан ҳатто улар битта фан, битта мавзу юзасидан тенг, ёнма-ён синфларда ўтказилганда ҳам ўзининг ўзига хос жиҳатларига кўра фарқ қилади. Дарсда ҳар доим ўқитувчининг махсус «педагогик ёндошув тарзи»ни кўриш мумкин. Масалан, комбинациялашган дарс қуйидаги кўринишда ташкил этилади: ташкилий иш, ўқувчиларга берилган уй ишларининг бажарилишини текшириш, ўрганилган материал юзасидан ўқувчилардан сўраш, ўқитувчи томонидан янги материалнинг баён этилиши, ўрганилган материални мустаҳкамлаш, уйга топшириқлар, вазифалар бериш.

Дарснинг таркибий тузилиши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсдаги ҳамжиҳатликдаги фаолиятларини ташкил этишнинг ташқи кўринишини, ташқи намоён бўлишинигина эмас, балки ўқувчиларнинг актив англаш фаолияти билан боғлиқ бўлган ички жараёнларнинг моҳиятларини ҳам акс эттириши керак.

Дарснинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, шарт-шароитларига, ўқувчиларнинг тайёргарлигига ва бошқаларга боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. Янги билимларни ўзлаштириш дарси қуйидагилардан

иборатдир: ўқув материалини англаш ва қабул этиш; ундаги алоқалар, ўзаро муносабатларии англаш, билимларии умумлаштириш ҳамда системалаштириш. Аммо янги бнлимларни ўзлаштириш дарсларининг айримларини таркибий тузилишларида, яъни масалан, ўқувчилар учун бутунлай нотаниш бўлган материалларни ўрганиш давомида асосий билимларни тасаввурдан ўткалиш умумаи бўлмаслиги мумкнн. Дарсларнинг ҳар бир тури кўрсатиб ўтилган асосий босқичлардан ташқари ички тузилишга-дарснинг ҳар бир босқичида айрим дидактик вазифаларни ҳал этиш методикасига эга бўлади. Бу методика ҳар бир дарснинг кўп даражада муҳим қисми ҳисобланади, чунки дарсда қўлланиладиган методлар, усуллар ва таълим ўқитиш воситалари давомийлик ҳамда ўзаро боғлиқликларнинг турли-туман мувофиқлиги асосида қўлланилади. Масалан, янги ўқув материалини англаш ва қабул этиш босқичида ўқитувчи тушунтиришдан, муаммоли баён этишдан, эвристик суҳбатдан, ўқувчиларнинг турли-туман мустақил ишларидан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиши мумкин.

Замонавий дарслар учун ўзлаштириш, қисмларга ажратиш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, янги ўқув материалини эгаллаш ҳамда уни амалий жиҳатдан қўллаш билан боғлиқ равишда олдин ўрганилганларни назорат этиш каби таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқликлари характерлидир. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари фақатгина такрорлаш ва мустаҳкамлаш босқичларидагина эмас, балки янги материални ўрганиш давомидаёқ ташкил этилади, бу орқали ўқитиш билан ўрганиш орасида, сиифннинг жамоавий иши билан ўқувчининг индивидуал (якка ҳолдаги) иши орасидаги мустаҳкам боғлиқлик амалга оширилади. Ўқувчиларнинг қидирувчанлик фаолиятларини таркибий қисмлари фақат муаммовий характердаги дарслардагина эмас, балки ҳамма турдаги дарсларнинг (комбинацнялашган, назорат ва бошқалар) айрим босқичларида ҳам фойдаланилади. Олдинга қўйилган дидактик вазифаларни ҳал этишнинг йўлларига боғлиқ ҳолда дарс қурилиш тартибининг айрим босқичлари кисқариши ва кенгайиши, ўқитиш усуллари ҳамда ҳар хил методларнинг вазифалари, ўрни ўзгариши мумкин. Шунинг учун замонавий дарсннг таркибий тузилиши ўқитувчиларнинг бошқарувчилик роли ва ўқувчиларнинг англаш фаолиятларини ташкил этишнинг ўзига хослигини акс эттира туриб, жуда ҳам турли-туман шаклдалиги билан фарқ қилади. Дарснинг муваффақиятли ўтиши ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг дарсга тайёрланишларига боғлиқдир.

Дарсга миридан-сиригача тайёрланиш, хусусан етарли даражада педагогик иш тажрибасига эга бўлмаган ёш ўқитувчилар учун жуда зарур.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланишида дастлабки босқичлар ажралиб туради. Ўқув йили бошланиши олдидан ўқитувчи дастурдаги ҳамма мавзуларни ўрганиш вақтини тақсимлаб чиқади, ўқув машғулотларининг жадвали ва мазкур фанни ўрганишга ўқув режасидан ажратилган ҳафталик соатларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда унга мувофиқ бўлган тақвимий

муддатларни ўрнатади. Шундай тарзда белгилаб чиқилган дастур ўқитувчи учун фан юзасидан ишларнинг тақвимий (календар) режаси сифатида хизмат қилади.

Ўқитувчининг дарсга бевосита тайёрланиши ҳар бир, дарсда қўлланиладиган мавзуни режалаштиришни конкретлаштиради. Дарснинг режаси (уни баъзида мавзуий режадан фарқ қилиб, дарснинг иш режаси деб номлайдилар) ҳар бир ўқитувчи учун зарурдир. Одатда фақат унинг ҳажми фарқ қилади: эндигина ўзининг ўқитувчилик фаолиятини бошлаётганлар ўзларининг ҳамма ҳаракатлари ва дарснинг боришини тасвирлаш, кичик бўлакларигача кўрсатилган мукаммал тайёрлама ёзадилар. Тажрибали ўқитувчилар эса қисқа, ихчам режа тузадилар.

Дарснинг режаси ихтиёрий шаклда тузилади, аммо унда қуйидаги таркибий қисмларнинг акс этишини таъминлаш зарур: дарснинг ўтказилиш муддати ва унинг мавзуий режа бўйича тартиб рақами; ўтказиладиган синфнинг, дарс мавзусининг номи; таълимнинг вазифалари, шакллантириладиган билим, иқтидор ва кўникмалар; ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш; дарс босқичларининг давомийлиги ва ушбу босқичларда вақтнинг тахминий тақсимланишини кўрсатган ҳолдаги таркибий тузилиши; ўқув материалинииг мазмуни; дарснинг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва ўқувчининг иш усуллари ҳамда методлари; таълимнинг кўргазмали ва техник воситаларини қўшиб ҳисоблаганда дарсни ўтказиш зарур бўлган ўқув қуроллари; дарсда бевосита ўтказиладиган тест синовлари; уй вазифалари, топшириқлар.

Дарснинг ютуғи ва унинг натижалари нафақат ўқитувчининг тайёрлигига, балки ўқувчиларнинг тайёргарликларига ҳам боғлиқ бўлади. Афсуски, ушбу масалага кўпгина ўқитувчилар ўзларининг амалий ишларида етарли даражада эътибор бермайдилар. Шу билан бирга ўқувчиларнинг навбатдаги дарсга (ёки дарсларга) маълум мақсадга йўналтирилган тайёрланишлари уларда ижобий психологик кайфиятни вужудга келтиради, англашга, билишга бўлган юқори даражадаги қизиқишни туғдиради. Ўқувчиларни олдинда турган дарсларга тайёрлашда қуйидагиларни назарда тутади: уларни олдинда турган дарснинг дастурий ўрганиш режаси билан таништириш; (бу хусусан юқори синфлар билан ўқув ишларида жуда ҳам зарурдир) ўқувчиларнинг тушуниши мумкин бўлган дарсларнинг айрим бў-лимлари билан танишиш; олдинда турган дарсда кўтариладиган масалалар юзасидан илмий-оммабоп адабиётларни ўқиш, янги материални ўрганишга кўмаклашадиган кузатишлар ва унча мураккаб бўлмаган тажрибаларни ўтказиш.

Дарсдаги ўқув ишларининг алоҳида ҳолдаги шакли (индивидуал тури) унинг имкониятлари ҳамда тайёргарлигини ўйлаб кўриб ўрганишда хар бир ўқувчининг илгари силжиш тсзлигини назорат этиш имкониятини беради. Унинг ютуқлари дифференциялашган топши-риқларни тўғри танлаш билан, уларнинг бажарилишини ўқитувчи томонидан систематик равишда назорат

этиш билан, ўқувчиларда вужудга келадиган қийинчиликларни ҳал этишларига ўз вақтида ёрдам кўрсатиш билан белгиланади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, заиф ўзлаштирувчи (ўзлаштирмовчи) ўқувчилар учун нафақат тотшириқларнинг мураккаблигини, балки кўп даражада унга кўрсатиладиган ёрдамни ҳам даражалаштириш (дифференциялаш) зарур. Ўқувчиларнинг индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ишларини моҳирлик билан ташкил этганда уларда ўз устида ишлашнинг малака ва эҳтиёжлари шаклланади.

Ўқувчиларнинг дарсдаги индивидуал (алоҳида ҳолдаги) шаклдаги ишларини ташкил этишдаги жиддий камчиликлар шундан иборатки, улар амалий жиҳатдан бир-бирлари билан мулоқот қилмайдилар, улар эгаллаган мустақил фаолиятнинг тажрибаси эса жамоанинг мулкига айланмайди, синфдаги ўз тенгдошлари ва ўқитувчи билан биргаликда муҳокама қилинмайди. Шунинг учун ўқувчиларнинг дарсдаги индивидуал (алоҳида, якка ҳолдаги) ишлари уни ташкил этишнинг жамоавий шакллари билан мувофиқлашиб кетиши керак.

Ўқувчиларнинг дарсдаги ишларини барча учун умумий (фронтал) шаклда ташкил этиш билан бир қаторда, синф бир хил ёки турли-туман машқларни бажарадиган бир қанча гуруҳларга ажратиладигаи ўқувчиларнинг гуруҳий ишлари каби жамоавий шакллари ҳам қўлланилади. Шунга боғлиқ равишда ягона ва даражалашган (дифференциялашган) гуруҳий ишларни ажратадилар, шу билан бирга бошқа холатларда у ўқувчиларнинг индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ва ҳар томонлама (фронтал) ишлари билан жуда ҳам мустаҳкам боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўп даражада мақсадга мувофиқ бўлган гуруҳнинг таркиби 5-7 кишидан иборатдир. Қамкорликдаги муваффақиятли ишлар учун бир хил ишлаш тезлигига ва тахминан бир хил ўзлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчилардан гуруҳ жамлаш зарур. Қоида бўйича ушбу гуруҳларнинг таркиби доимий бўлмасдан ҳар бир фанлар бўйича турлича бўлади, ўқувчиларнинг ўзлари томонидан белгиланади, ўқитувчи эса ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тўғрилаб, бир йўналишга солиб боради.

Ўқувчиларнинг гуруҳий ишлари сал кам ҳамма асосий дидактик масалаларни: масала ва машқларни ҳал этиш, мустаҳкамлаш ва такрорлаш, янги материални ўрганиш кабиларни ҳал этиш учун қўлланиши мумкин. Алоҳида ҳолда (индивидуал) таълим беришдаги каби гуруҳларда ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил этилади, аммо даражалашган (дифференциялашган) гуруҳий топшириқларни бажариш ўқувчиларни жамоавий иш методларига (усулларига) ўргатади, мулоқот эса психологлар таъкидлаб ўтганларидек, шахсиятпарастликдан қутулиш имкониятини яратадиган тўғри тушунчаларни шакллантиришнинг ўзгармас шарт-шароити ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама (фронтал). гуруҳий ва индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ишлари тарбиявий ҳамда таълимий вазифаларни амалга оширишга таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларни мувофиқлаштириш, ўқитувчи томонидан ўқув фанининг ўзига хослиги-ни, ўрганилаётган материалнинг мазмунини, ўқитиш методларини синф ва айрим ўқувчининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу шаклини ўйлаб кўрилган, асосланган шакли танланиши керак.

Дарснинг, ўқувчиларнинг ўқув ишларини ташкил этишни ҳамма шаклларида таълим жараёни иштирокчилари орасидаги муносабатлар характери муҳим аҳамиятга эга бўлади. Яъни бунда таьлим жараёнининг иштирокчилари бўлган ўқитувчи ва ўқувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари орасидагп муносабатлар назарда тутилмоқда. Ушбу муносабатларнинг ижобий характери ўқувчиларнинг англаш, билиш фаолиятини рағбатлантирадн, унинг натижалилигини оширади.

Ўқитувчи дарсларда ўқувчиларга бўлган талабчанликни болаларга ҳурмат, зийраклпк, педагогик мавқе, обрўсини сақлаган ҳолда ёндошишни намоён этиш билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориши лозим. Дарсда ўқувчиларга ўқитувчининг мурожаати шакли ҳам фарқсиз эмас. Ўқувчиларни ўз исм-шарифлари билан аташи мақсадга мувофиқроқдир.

Педагог сифатида ўзлигинн намоён этишни талаб қилиш зарур ҳолатларда ўқитувчи томонидан ўз ҳиссиётини акс эттиришнп инкор этмайди: у дарсларда фақатгина зийрак ва меҳрибон, қувноқ, ҳушёр, кўнгилчан бўлибгина қолмасдан, балки жиддий, хафа ва норозилиги билинган қиёфада бўлиши ҳам керак.

Ўқитувчининг педагогик оптимизми, унинг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли-туман шаклларидаги дарсда уларнинг ҳамжиҳатликдаги изланувчанлигини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ишларига ҳаққоний баҳо бериш, уларга доимий зарур ёрдам кўрсатишга тайёр туришлик - буларнинг барчаси жуда катта дидактик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлади, ўқувчиларда жамоавий меҳнат малакаларини ҳамда ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради.

Дарсни мукаммаллаштириш, такомиллаштиришнинг замонавий босқичи янги шароитларда таълимни ташкил этишнинг асосий шаклларининг ўзига хосликларини ўрганиш билан характерланади. Бунда дарсларнинг самарадорлигини кўрсаткичи ўқувчилар томонидан олинган билимларнинг ўзинигина даражаси билан чегараланмайди, балки улар томонидан англашнинг кўникма ва малакаларини эгаллашнинг даражаси билан уларнинг билишга бўлган қизиқишларини, шакллантиришларини ҳам қўшиб олади.

Ўқув-тарбия муассасалари ишлаш шароитларига ва ўқувчиларнинг ёшига кўра имкониятларини ҳисобга олган ҳолда дарс ўзига хос характерда ташкил этилади. Масалан, қуйи синфларда, яъни ўқувчиларнинг диққатларини қиёсан жуда ҳам тез қўшиш зарур бўлиб, дарсларда ўқув ишларининг ҳар хил турлари, жумладан, ўйин ва машғулот характерига эга

бўлганларидан фойдаланилади. Таълимнинг биринчи босқичида ўқувчилар табиий фанлар ёки махсус тарқатма материалларни гербарий ва коллекциялар ҳамда ўрганадиган фанни дарслар деб юритиладиган ва изоҳий ўқиш дарслари ўтказилади.

Юқори синфларда ўқитувчи томонидан янги материални баён этиш дарсларининг (ҳикоя, тушунтириш ёки маъруза кўринишидаги) роли ортади ва ўқувчиларнинг мустақил ишлари (дарсликлари ва ўқув қўллан-малари билан) аҳамияти ошади, муаммовий дарсларда ижодий характердаги индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ва гуруҳий ишларни бажариш кенг қўлланилади. IX- X синфларда ўқув машғулотларининг жадвалига иккилантирилган дарслар деб номланадиганлари киритила-ди. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай дарсларни катта мазмунга эга бўлган янги маълумот асосидаги маърузани ўтказишда, шунингдек, амалий ишларни, семинар ва амалий машғулотларни, практикумлар ва ўқув саёҳатларини бажаришда қўллаб кўриш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи дарсларда ва кечки мактабларда ҳаётий масалаларни мустақил ҳал этиш (ишлаб чиқариш ҳамда турмуш масалаларини ҳам) малакасига эга бўлган ўқувчиларнинг мустақил ишларига кенг суянади.

Ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш давомида иш вақтининг ҳар бир дақиқасини қандай қадрлаш ва эъзозлаш кераклигини яхши тушунувчи балоғат ёшидаги ўқувчилар баъзи ҳолларда дарсларда вақтлардан тежамай фойдаланишнинг гувоҳи бўладилар.

Мактаб-интернатларда ва куни узайтирилган группаларга эга бўлган мактабларда дарсларнн ўтказишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар ўқув жараёни тўлалигича (мактаб-интернатларда) ёки сал кам бутунлигича (куни узайтирилган группаларга эга бўлган мактабларда) ташкил этилади ва мактабда амалга оширилади. Куннинг иккинчи ярми эса ўқитувчи раҳбарлигида амалга ошириладиган мустақил ишларга ажратилади. Ҳозирги вақтда куни узайтирилган группага эга бўлган мактабларда ўтказилган дарсларнинг сифатини баҳолашда ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажаришда ўз устида ишлаш вақтидаги тайёргарлиги даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб тан олинган. Куни узайтирилган группага эга бўлган мак-табни бундан кейинги ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири - илғор тажрибани таҳлил этиш асосида кўп даражада масадга мувофиқ бўлган бир бутун ўқув-тарбия жараёни тартиб-қоидаларини ташкил этиш ҳисобланади. Бунда, ўқув фанлари юзасидан олиб бориладиган фанлар ўқитувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган тўгарак ва синфдан ташқари фаолиятларининг ҳар хил турларини ўтказиш билан табиий равишда боғланиб кетади.

10.2. Касб таълимининг бошқа ташкилий турлари. Дарсни тўлғазадиган ва ўқувчиларнинг политехнпк таълимига кўмаклашадиган таълимнинг ташкилий турларидан бири практикум ҳисобланади. Практикумлар юқори синф ўқувчилари билан ўтказилади ва ўзида ўқувчилар

дастур асосида маълум бир белгиланган ишларни бажарадиган тажрибавий ҳамда амалий машғулотларни намоён этади. Практикумлар тажрибахоналарда, устахоналарда, ўқув кабинетлари ва ўқув-тажриба участкаларида, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш комбинатлари ҳамда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларида ўтказилади.

Қуйи синфларда ўтказиладиган одатдаги ва амалий машғулотлар билан қиёслаганда улар ўқувчиларнинг топшириқни бажаришга ижодий ёндошуви ва жуда катта мустақиллиги билан фарқ қилади.

Ўқитувчи практикумга ажратилган вақт доирасида иш режасини тузади, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида мавжуд бўлганларга қўшимча равишда зарур бўлган йўриқномалар ҳамда кўрсатмаларни тайёрлайди. Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида бир хил топшириқларни бажаришлари мумкнн. Синфдаги ҳар бир ўқувчини таъминлаш учун ўқув қуроллари етмагани ёки ишнинг мураккаблиги, уни бир ўқувчи томонидан бажарилишини қийинлаштирадиган ҳолатларда топшириқ бутун гуруҳ томонидан ташкил этилади. Шу билан бирга, практикумнинг дастурида назарда тутилган ҳамма ишларни бажариш ҳар бир ўқувчи учун мажбурий ҳисобланади. Ўқитувчи доимий раҳбарликни амалга ошира бориб ва зарур ёрдамни кўрсата бориб практикумнинг топшириқларини бажариш давомида ўқувчилар мустақиллигини юқори даражасига эришади.

Юқори синфларда семинарлар одатда, кўпинча ижтимоий йўналишдаги фанлар юзасидан дастурларнинг асосий бўлимларини ўрганганларидан сўнг ўтказилади. Таълимнинг ушбу ташкилий туридан фойдаланиш ўрганилган материални назарий умумлаштиришни ўтказишга имконият яратади, ўқувчиларни мустақил маълумотлар билан чиқишлар қилишга, баҳслашишга, ўз фикрини ҳимоя этишга ўргатади ва ўқувчиларни ижтимоий ҳаётда иштирок этишга ҳамда таълимни давом эттиришга тайёрлайди.

Семинар машғулотини ўтказишнинг режаси ўқитувчи томонидан муддатидан аввал тузилиб қўйилган бўлади ва уни ўқувчилар билан муҳокама этиш жараёнида тузатилиб, тўлдирилиб борилади. Қабул қилинган режага мувофиқ равишда семинарга ҳар бир ўқувчининг ва бутун синфнинг тайёрланиш дастури ўрнатилади, топшириқлар тақсимланади, ўрганиш зарур ҳисобланадиган адабиётлар (ҳамма учун мажбурий) тавсия этилади. Семинарда ўқувчиларнинг маърузалари кўпинча муаммовий кўринишда қўйилади. Ўқитувчи уларнинг тайёрланишларига раҳбарлик қилади ҳамда зарур маслаҳатлар беради.

Семинар машғулотлари одатда мазкур семинарнинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтиладиган, муҳокама этиш муаммолари илгари суриладиган қисқагина кириш сўзидан бошланади. Семинар машғулотлари ўқувчиларнинг яхши ўйлаб кўрилган хатти-харакати ва жуда ҳам мустаҳкам тайёрланиши билан таъминланадиган мустақилликлари ва юқори даражадаги фаолликларини намоён этишга мўлжаллангандир. Баъзида маълумотлар, маърузалар, рефератларнинг мавзуларини олдиндан тақсимламасдан,

семинар машғулотни ўтказишнинг ҳамма режаси юзасидан ҳар бир ўқувчининг тайёр бўлишларини ва ўзининг ташаббусига кўра ёки ўқитувчининг чақириши билан сўзга чиқишга тайёр туришлари тайинланади. Семинарга тайёрланишнинг бундай методикаси айрим, алохида ўқувчилар томони-дан чуқур ўрганишни талаб этмайдиган мураккаб саволлар бўлган ҳоллардагина ўзини оқлайди. Баъзан асосий маърузачилардан ташқари, семинар ўтказилишини фаоллаштирадиган оппонентлар ҳам тайёрлана-дилар. Машғулот жараёнида ўткир ва кундалик муаммоларни четлаб ўтмасдан мунозара ясаш зарур. Машғулотнинг сўлгида ўқитувчи имконияти доирасида уларни таълимнинг реал вазифалари билан боғлаб, хулоса чиқаради.

Ўқувчиларнинг ўз танлашлари на ҳоҳишларига кўра илмлй-назарий бйлимларини, амалпй тажрибаларинн кенгайтириш ҳамда чуқурлалштириш учун ўрганадиган ўқув фанлари факультативлар деб номлалади. Умумий таълим-ўрта мактабларнинг намунавий ўқув режаларида VII синфдан бошлаб факультатив машғулотлар киритилган. Бу машғулотлар ўқувчиларнинг кобилиятларини, касбга йўналганлигини ва ақлий манфаатларини ривожлантиришни, мажбурий дастурларини ўрганиш давомида эгаллаган билимларни кенгайтнришга мўлжалланган дифференцлялашган таълимнинг самарадор гуруҳий шаклларидан бирини ўзида намоён этади.

Мактаб олдига VII-X синфларнинг ҳар блр ўқувчисига факультативлардан бирини танлаш имконлятини беришни таъминлаш вазлфасл қўйилади, бу кейинчалик унинг учун мажбурий бўллб колади. Факультатив машғулотлар мажбурий курслар билан факультативлар ораслдаги ворисийликни, давомийликни сақлашга мўлжалланган, ўқувчиларнинг мустақиллигини ҳамда фаоллигини оширишга, уларнинг аклий манфаатларини ривожлантиришга хлзмат қиладиган махсус дастур асосида ўтказилади. Факультативларнинг сонини белгилаб чиқишда мактаб фақат ўқувчиларнннг шахсий ҳоҳишларидангина эмас, балки мактабнинг имкониятларидан ҳам келиб чиқади. Маҳаллий шарт-шароитларга мувофиқ равишда ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлашнинг вазифалари ва реал шарт-шароитлари ҳлсобга олинади.

Факультатив машғулотларда маърузалар амалий машғулотлар билан бирикиб кетади. Бунда ўқувчилар адаблётлар билан ишлаш малакасини, мустақил ақлий фаолият кўникмасини эгаллайдилар, мураккаб бўлмаган тажрибалар ва тадқлқотлар ўтказлш методикасини ўзлаштирадилар, тажриба қурилмалари ва техникани ишлатиш малакасини хосил қиладилар.

Факультатив машғулотларда муаммовий таълим ҳам кенг қўлланилади, ўқувчиларнинг индивидуал ижодий қобилиятларининг ривожланишига эришилади.

Факультатив машғулотлар мажбурлй фанлар юзасидан бўлган фанлар билан мустахкам боғлиқликда амалга оширнлиши керак. Бундай

машғулотлар таълимнинг ушбу ҳар иккала ташкилий шакллари самарадорлигининг ошувига ёрдам беради.

Ўқув саёҳатлари табиий шароитлардаги жараёнлар ва ҳодисаларни, ҳар хил нарсаларни ўрганиш, кузатиш имкониятини берадиган таълимнинг ташкилий тури, шакли ҳисобланади. Ўқув дастурларида кўрсатиб ўтилган, назарда тутилган саёҳатлар мажбурий ҳисобланади ва у ёки бу фанни ўрганиш учун ажратилган ўқув вақти доирасида ўтказилади. Таълимнинг бошқа ташкилий шакллари каби саёҳат дидактик принципларни (илмийликни, таълимнинг ҳаёт билан боғлиқлйгини, кўргазмалиликни ва бошқаларни) амалга оширади, ўрганилаётган ҳодисаларни ўзаро алоқаларда, ўзаро боғлиқликда қараб чиқишга кўмаклашади, ақлий манфаатларини, жамоавий муносабатларини, ватанпарварлик ва шахснинг бошқа фазилатларининг шаклланишига, ўқувчиларнинг амалий фаолиятига ҳамда касбга йўналганлигига тайёрланишларига имконият яратади.

Ўтмишнинг тараққийпарвар педагоглари ўқув саёҳатларига жуда катта эътибор берганлар. Тўғри ташкил этилган саёҳатларда болаларга «ҳаёт китоби»ни ўқитишнинг усулларидан бири кўрилади.

Саёҳат дарслари дастурдаги, маълум бир белгиланган бўлимларни ўрганиш билан боғлиқ равишда ўтказилади: табиатга саёҳатлар, ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатлар, тарихий жойлар ва ёдгорликларга, география саёҳатлари, адабиёт саёҳатлари ва бошқалар.

Бир қатор ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир неча ўқув фанлари юзасидан саёҳат ўтказиш амалиёти қўлланилади. Бундай саёҳатлар мажмуавий саёҳатлар деб номланади. Улар фанлараро алоқаларни амалга оширишга, унинг яхлитлиги юзасидан кузатиш объектини ҳар томонлама ўрганишга, вақтни тежаб фойдаланишга кенг имкониятлар яратади.

Мажмуавий саёҳатлар ўқувчиларни касбга йўналтириш ва политехник таълим мақсадларида ишлаб чиқаришда ҳамда табиат бағрида ўтказилади. Бир неча ўқув фанлари юзасидан бир вақтда ўтказиладиган ишлаб чиқариш саёҳатлари жуда катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар заводда, электростанцияда, жамоа хўжаликларида корхона ёки хўжаликнинг тарихи, фантехникада эришган ютуқлари, ишлаб чиқаришни- ташкил этишнинг илмий принциплари билан танишадилар.

Ўқув жарасиидаги саёҳатлар ўтказиладиган вақга қараб қуйидаги турларга ажратилади: дарсда фойдаланиш учун зарур бўлган материалларни йиғиш ёки кузатшилар ўтказиш максадида уюштмриладиган кириш саёҳатлари, дастурдаги бўлимларни дарсда ўрганиш билан бир вактнинг ўзида (ёнма-ён равишда) алйрим масалаларни конкретлаштириш ва уларни кўриб чиқиш, асослаш мақсадида ўтказиладиган даврий саёҳатлар, дастурнинг алохида бўлими ёки айрим мавзулари юзасидан ўқув ишларини якунлаш мақсадида ўт-казиладиган натижавий саёҳатлар.

Саёҳатларни ўтказиш жуда хам катта талёргарллкни талаб килади. Ўқитувчи саёҳатининг мазмулнли ва вазифаларини белгйлайди, саёҳат

қилинадиган объектни танлайди ҳамда у билан жуда хам мукаммал танишиб чиқади, олдинда турган саёҳатга рахбарлик килинг масалаларини ҳал этади. Ўқитувчииинг ўзи томонидан саёхатнинг ўтказилиши мақсадга мувофлкдир. Агар қайсидир бир сабабларга кўра ўқитувчининг ўзи ўтказиши мумкин бўлмай қолса, ўқлтувчи бўлғуси экскурсаводга (муҳандис, гуруҳ устаси ёки цех бошлиғига, жамоа хўжалиги, биргада, ферманинг бошлиғига) қайси жараёнлар ёки ҳодисаларга, қандай дарсаларга диққатини қаратиш, саёҳатнинг давомийлиги, изчллиги, муддати қандай бўлиши керак, уни ўтказиш давомида улар ҳақида ўқувчиларга қалдай тушунтиришлар бериш лозимлигини назарда тутган услубий тавслялар бериши зарур.

Ўқитувчи томонидан ўқунчилар билан хамкорликда ишлаб члқилган саёҳатни ўтказиш рсжасида ишларнинг босклчлари белгиланади, саёҳат мобайнида тўпланиши зарур бўлган материалларнинг ва кузатишларнинг рўйхати, зарур бўладиган жиҳозлар ва қурилмалар (кузатиш ва уларни қайд этиш воситалари, ўлчаш қурилмалари ва асбоб-ускуналар), саёхатнинг босқичлари бўйича вақтнинг тақсимоти, саёҳатга ўқувчиларни олиб боришнинг ташкилий тури (хар ёқлама, гуруҳий ёки алоҳида ҳолдаги ишлар) ҳам қайд этилади. Саёҳат олдидан ўқувчилар тошириқни ва у хақдаги маълумотни оладилар, улар билан кириш суҳбати ўтказилади. Топшириқларда ўқувчилардан ҳар бири (ёки ўқувчилар гурухи) қандай кузатишлар ўтказилиши лозлмлигини, қандай холларга у мустақил жавоблар бериши кераклигини, қандай матерлаллар ва қандай шаклда тўпланиши кераклиги, саёҳат ва унииг материаллари ҳақида қанча муддатга ҳисобот (огзаки маълумот, ёзма баёни, коллекция ва гербарийлар ва ҳоказолар) тайёрлаши кераклиги кўрсатилиб ўтилади.

Саёҳатнинг муддати объектнинг характерига, ўтказиш мақсадига, ўқувчиларнинг ёшига боғлиқ бўлади ва тахминан 40-45 дақиқадан 2-2,5 соатгача (бориб-келишга сарфланадиган вақтларни ҳисобга олмаганда) бўлган вақт чегарасида бўлади. Саёҳатни ўтказиш давомида ҳамма ўқувчиларнинг фаол ишлашлари таъминланади, кузатув ўтказиш имкониятлари (объектларнинг яхши кўриниши, интизом ва тартибга риоя этилиши, ўз хатти-ҳаракатларини тўғри сақлаш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларини билиш ва риоя этилиши) таъминланади.

Саёҳатнинг сўнгги босқичида ўқитувчи ўқувчиларнинг умумий билимлари системасига қўшилиб кетадиган якуний суҳбат (ёзма ишлар- кам ҳолларда) ўтказади. Ҳисоботни тайёрлаш учун тўпланган материалларни қайта ишлаш ҳақида кўрсатмалар беради. Саёҳат материаллари асосида кўргазмалар ташкил этилади, махсус машғулотлар (масалан, саёҳат ҳақидаги ёзма ишларни таҳлил этиш), кечалар ва ҳоказолар ўтказилади. Саёххатда тўпланган материаллар ўзи мувофиқ келадиган дарсларда тарқатма материаллар сифатида фойдаланилади, мактаб музейига экспонатлар сифатида қўйилиши мумкин.

Синфда ва, мактабда саёҳат ўтказишни тартибга солиш учун (хусусан комплекслиларни) мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ўқув йилида, шунингдек, ярим йиллик ёки чоракларда муддатларини, саёҳат объектларини ва раҳбарларини кўрсатган ҳолда тузади. Бундай режани унга ўхшаш бўлган мактабда дарсдан ташқари саёҳатлар ўтказиш режаси билан мувофиқлаштирган ҳолда тузиш лозим.

Ўқувчиларнинг қолоқлигини тугатиш учун қўшимча машғулотлар ўтказилади. Таълимнинг бу ташкилий туридан техника ёки санъат, илмий билимнинг қайсидир бир тармоғини ўрганиш йўлида айрим ўқувчиларнинг эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ҳам фойдаланилади. (Ушбу вазифаларни факультативлар ёрдамида ҳал этиш мумкин бўлмаган ҳолларда.) Қўшимча машғулотлар дарсдан ташқари вақтларда ўқитувчл томонидан мактабда ўтказилади. Улар гуруҳ ёки якка холида ўқувчиларнинг топшириқларини мустақил бажариш ёки маслахат дарслари сифатида ўтказилиши мумкин.

Ўқитувчининг маслахат дарслари даврий, ва умумлаштирувчи (масалан, имтихонларга ва синовларга тайёрланиш давомида) бўлади. Млслаҳат дарслари балоғат ёшлилар мактабларида (кечки ва сиртқи) катта ахамият касб этади.

Қолоқ (ўзлаштирмовчн) ўқувчилар билан кўшимча машғулотлар ўтказиш зарур холларда ташкил этилади. Ўқитувчи дарсларда айрим ўқувчиларнинг билимларидаги етишмовчиликларнинг сабабларини аниклайди (ўқув машғулотларини қолдириш, уй вазифаларини бажаришга шарт-шаротнинг етарли эмаслиги ва хоказо) ҳамда қўшимча машғулотларда уларни тугатиш чораларини кўради. Қўшлмча машғулотлар ўқувчиларнинг индивидуал ўзига хослигини тўла хлсобга олиш имкониятини беради, фанни ўрганишга қизиқишларини ва ўз кучларига ишонишларини отиради.

Қолоқ ўқувчллар билан кўшимча машғулотларни ўқитувчи ёки шу синфнинг муваффақлятли ўзлаштираётган ўқувчилари, юқори синф ўқувчилари педагогик ўқув юртларининг практикант- талабалари ўтказишлари мумкин. Ўқитувчи ушбу машғулотларни ўтказилишини доимий назорат остига олади (методик) раҳбарликни амалга оширади.

Ўқитувчи дастурдаги айрим бўлимлар ёки фанларни ўргаилшга ўқувчиларнииг эҳтиёжларини кўп жиҳатдан қаноатлантириш учун улар билан индивидуал машғулотлар ўтказади. Шунингдек, уларга юқорл мураккабликдаги топшириклар ва кўшимча адаблётларни ўрганиш юзасидан тавсляломалар бсради. Бундан ташқари ўзлаштирмовчи ўқувчилар учун синфдан ташкари ишларни ташкил этади. Уларни фан тўгаракларига, ёш-техниклар марказларида ишлашга, олимпиада, танлов, кўргазма-танлов, фан кечалари каби ўқув характеридаги оммавий тадблрларга жалб этадл.

Уйдаги ўқув ишлари ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятларини тўлдиради ҳамда мустақил бажарилиши билан характерланади.

Баъзл бир педагоглар ўқувчиларни дарсда ўқитишнинг дидактик талабларидан келиб члкиб ўқувчиларга уй вазлфаларини берлшнинг

зарурлигини инкор этадилар. Бундай нуқтаи назар хатодир, чунки биринчидан, ўрганйлаётган дастурдаги материал синфдаги ишлар билангина чегараланиши мумкин эмас, иккинчидан уйдаги ўқув ишлари мустақил ақлий меҳнат малакасини, топширилган иш учун масъулият, жавобгарлик хиссини шакллантириш учун жуда катта ахамиятга эга бўладн.

Ўқувчиларнинг уй ишлари нафақат таълимий, балки тарбиявий аҳамиятга ҳам моликдир.

Ўқувчилар томонидан уй вазифаларини бажариш дарслардаги ўқув ишларини тўлғазади, янги материални ўзлаштиришга тайёрланишни таъминлайди, шунингдек, эгаллаб олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни, янги малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда мавжудларини мустаҳкамлашни амалга оширади.

§ 11. КАСБ ТАЪЛИМИДАЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

11.1. Ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси сифатида. Ўқитиш воситалари бу моддий олам, теварак-атроф ва табиий объектлар, шунингдек, инсон томонидан ўқув – тарбиявий жараёнда ахборот олиш, педагог ва ўқитувчилар фаолиятида ўз олдига қўйган ва ўқитиш, тарбиялаш ва ривожланиш учун қўлланиладиган қурол сифатида яратилган сунъий объектлар ҳисобланади.

Ўқитиш востилари, шу билан бирга, уларнинг мазмун, услуб ва ташкилий шакллари лойихалаштирилган ўқув – тарбиявий жараённинг таркибий бўлимларидан биридир. Мазкур ҳолат ҳар бир ўқув – тарбия муассасасининг энг муҳим таркибий хусусиятидир. Педагогик фани ва амалиётида қўлланиладиган турли – хил моддий ўқитиш востилари ҳозирги пайтда жорий қилинган тизимларнинг ҳаракатланиши, қайта қурилиши ва бир-бири билан боғлиқлигини назарда тутган ҳолда бошқа таркибий қисмларга бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, янги ахборот технология воситаларининг етарли даражада кенг қўлланилиши маьлум жараённи лойиҳалаштиради, тадқиқот олиб боришда анъанавий дарс билан чегараланиб қолмасдан, таълим олувчиларнинг турли мустақил фаолиятини (якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб) назарда тутган услубларни ўқитиш мазмуни ва мақсади у ёки бу ўзгартиришларни инобатга олиб киритиш самарали натижалар беради. Айнан янги воситалар ва техникавий ютуқларнинг пайдо бўлиши ўқув дастурларига таълим олувчилар онгига олдин етиб бориши қийин бўлган мавзуларни киритиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда таълим олувчилар ўз ижодий потенциаллини намоён қилиш, табиатдан берилган истеьдод ва қобилиятларни ривожлантириш, янги техника ва технологияларини эгаллаш борасида реал имконият мавжуд. Шундай қилиб, дидактиканинг категория аппаратида моддий воситалар (иш қуроллари) мақсад, мазмун, усул ҳамда ўқитишнинг ташкилий шакллари билан биргаликда мустақиллик хусусиятига ҳам эга. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида юз бераётган технологиялаштириш муносабати билан ўқув – тарбиявий фаолиятда ўқитиш воситаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Муаммоларга оид олиб борилаётган тадқиқотларда икки асосий йўналиш: педагогик ва инженерлик нуқтаи назари бор. Педагогик ёндашиш ўқув жараёнида турли хил дидактик мақсадлар, биринчи навбатда, атроф муҳитни тасвирлаш, таълим олувчиларнинг турли хил ўқув ўрганиш фаолиятини ташкил қилиш, ўқитувчининг назорат қилиш ва тўғрилаш, ўқув тарбия ва йўналтирувчи функцияларини амалга оширишга асосланган. Инженерлик ёндашиш ўқитиш воситаларини яратувчи технологик (конструктив – технологик) хусусиятларни ҳисобга олишга имконият беради, ўқитиш

воситаларини ишлаб чиқариш усулларига боғланган ҳолда синфларга бўлиш, таълим олувчиларга таъсир қилиш каналлар ва эрголомик тавсифларни ҳисобга олиш имкониятини беради. Дидактик нуқтаи назарга С.Г.Шаповаленко таклиф қилаётган атроф муҳитни тавсифлашга бағишланган ўқув воситаларини таснифланишни биз энг асосли деб тан оламиз.

1. Табиий объектлар – изланиш ва ўрганиш учун аниқ фанларни ўз ичига олади: моддалар намуна ва коллекция, реактив хом - ашё, асбоб, детал, ўсимлик, микропрепарат гербарий ва ҳайвонлар ҳамда уларнинг қотириб қўйилган холати ва ҳоказолар. Ўқитиш воситаларининг бу гуруҳига яна маҳсус ишлов берилган мосламалар ва уларнинг механизмалари киради. Бундан ташқари касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув ишлаб чиқариш мосламалари киради.

2. Моддий объектлар (ҳақиқийлари)ни тасвирлаш ва акс эттиришга хизмат қилувчи гуруҳни ташкил этади: модел, макет, жадвал ва кўргазмали қуроллари (расмлар, фотоакси чизмалар, портретлар); экран – товуш воситалари (диафильмлар, диопозитив сериаллари, слайдалар) кинофильмлар, транспортлари, видео ва товуш ёзувлари, платинкалар, радио эшитириш ва телекўрсатувлар.

Ўз навбатида ҳар бир подгруппа аниқ асосларга кўра классификация қилиниши мумкин. Масалан: моделлар а) оргинални алмаштириш усули бўйича – моддий ва идеал (ўйлаш, белгилаш; рамзий) б) объективнинг ички ташкиллаштириш (структурали, функционал ва аралаш)

в) функционал йўналишда (намойиш қилиш, тарқатма)

г) предметни акс эттириш усуллари билан (характерли, ҳаракатсиз теккислик, хажмли, аралаш)

д) шартли воситалар билан предмет ва ходисаларни тақдим этувчи ўқиш воситалари - сўзлар, белгилар, графиклар) ўз ичига матнли жадвал, схема, график, диаграмма, режа, харита ўқув манбалари - дарслик ва ўқув қўлланмалари, масалалар тўплами, мустақил ишлар учун қўлланма, дидактик материал ва бошқалар)ларни олади.

Алоҳида гуруҳга ўқитиш техник воситалари киради. Бундай ўқитиш воситалари ўқув маълумотларини етказиб берувчи, уни ифодалаш учун хизмат қилувчи, маҳсус техник мосламалардан иборат бўлади. Бундан мосламаларга транспорт, диафильм, кинофильм, видеофильм, товуш ёзиш компьютерлари дастурлари ва бошқалар. Техник воситалар гуруҳига турли хил прекцион ва товушни қайта чиқариш аппаратлари киради (кинопроект, диапроект, графопроект, магнитафон ва видеомагнитафонлар) тренажер, универсал техник восита, лингафон мосламалар ва электрон ҳисоблаш техникаси, агар у бирор бир компьютер дастури функциясини бажарса, бу ходиса том маьнода ўқитиш воситаси деб аталади. Турли хил ахборот мухитлар, масалан, телекоммуникацияларни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак (электрон почта, электрон конференция, ахборот ресурслари,

мультимедиа тизими), булар том маьнода ўқитиш воситалари эмас, лекин ўзига хос бўлган мухитни яратадилар. Бу мухит аниқ технологиялар қўлланилган холда таълим олувчиларнинг интелектуал ривожланиш ва билиш жараёнини ташкил этиш учун хизмат қилади. Бундай классификация ривожланиш омилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, шу боис у ўқитиш воситаларининг янги турлари пайдо бўлганда уларнинг классификацион белгиларини аниқлашга имкон беради. Шундай қилиб берилган классификация анча кейин пайдо бўлган ўқитиш воситалари: видео ёзув, ЭҲТ воситалар, ўхшатиб тақлид қилиш тренажерлари ва бошқалар берилган классификацияда ўз ўрнини топди.

Ўқитиш воситалар тизимини шакллантириш нафақат ўқитиш воситаларини турли хил белгиларини аниқлаш классификация қилиш эмас, балки уларни функция ва хусусиятлари ҳақидаги билимларини ҳам таҳлил қилиш саналади.

Дидактик хусусиятлар – белгилар, ўқитиш воситаларининг бошқалардан фарқ қилувчи томонлари, дидактик функцияларни намоён қилаётган хусусиятлари фақат ўқитиш воситаларигагина хос бўлган потенциал имкониятларни акс эттиради.

Дидактик имкониятлар ўқув – тарбиявий жараёнда қўлланиладиган восита саналади ва дидактик хусусият билан дидактик функция ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

«Дидактик хусусият» ва «Дидактик имконият» тушунчаларининг яқинлиги сабабли педагогик адабиётда улар ажратилмайди.

Ўқитиш воситаларининг дидактик функциялари турлича бўлишига қарамасдан уларнинг ҳаммаси умумий хусусиятга эга; хусусан:

– ўқув ахборотни қабул қилишда тушуниб етиши ва идрок таьминловчи кўргазмалик, тушунча ва тасаввурни шакллантириш;

– ўқитиш воситалари ахборот (билим)нинг бевосита манбасидир, бошқача қилиб айтганда, аниқ ахборот (билим)нинг эгасидир;

– Компенсациялаш, ўқитиш жараёнини енгиллаштирувчи, мақсадга энг ҳам куч, вақт ва соғлиқ сарфлаб эришишга ёрдам берувчи, намойишлар ва мустақил ишларни ташкил қилувчи функция;

– Адаптивлик, ўқитиш жараёнини бўлиб ўқитишда мойилликни таьминлашга йўналтирилган, намойиш ва мустақил ишларни ташкиллаштириш, таълим олувчиларнинг ёшларига хос бўлган хусусиятларини мазмун билан мутаносиблиги, билим эгаллаш кетма-кетлигини таьминлаш;

– Интегративлик, объект ёки ҳодисани бир бўлак ёки айрим қисмлар сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Бу функция ўқитиш воситаларидан комплекс фойдаланишда амалга оширилади, бундан ташқари ахборот технологиялари воситаларни қўллашга хизмат қилади.

Умумий функцияга бундан ташқари аниқ турларнинг фаолияти харакати, операция ва қўйилган услубий мақсадларга эришишни

таьминлашга йўналтирилган инструментал функциялар киради. Ўқув воситаларининг ҳамма функциялари бир-бири билан боғлиқ ва ўқув тарбиявий жараёнга ўзининг ҳар томонлама таъсирини ўтказади.

11.2. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси. Юқорида биз ўқитиш воситаларининг умумдидактик нуқтаи назардан классификация қилинишини таъкидлаб ўтдик ва атиги битта, бироқ энг муҳим белгиларидан бири саналган атроф - муҳит предметларини акс эттириш усули бўлган умумдидактик функциялари билан танишиб чиқдик. Энди эса ажратиб кўрсатган ўқитиш воситалари гуруҳларининг тавсифномаси хусусида сўз юритамиз:

Натурал (табиий) объектлар. Табиий объектларга сирасига жонли ва жонсиз табиат объектлари киради, таълим олувчилар улар билан машғулотларда тарқатма ёки номойиш қилинадиган материаллар шаклда танишадилар. Кўргазмачилик – табиий объектларни танлаб олиш ёки табиий объектларни ўз ичига таркибий қисм қилиб киритган турли қўлланмаларни лойиҳалашга қўйиладиган асосий талаблардан бири.

Шу мақсадда ўрганилаётган тушунчаларнинг мазмунини очиб бериш учун керак бўлган айрим типик белгиларни аниқ ифодалашга ёрдам берадиган объектлар ажратиб олинади. Натурал объектларнинг қулёзмалигини кучайтириш учун турли кодлаш усуллари қўлланилади: рангли, рақамли, ҳарфли. Табиий объектларни ўқитиш жараёнида улар билан ишлаш услубларидан асосийлари кузатиш ва тажриба ўтказиш ҳисобланади. Кўргазмали қўлланмалар сифатида ишлатиладиган табиий объектлар аввало унинг жиҳоз ва мосламаларига махсус ишлов бериш зарур: уларни кесиш, айрим белгиларга махсус ранг бериш қопқоқларнинг қобиғида кўриш туйнукларини очиш, ички бўшлиқларни ёритиш, лампа сигнал берувчи ўрнатиш ва хаказо.

Ўқув моделлари, муляжлар, макетлар. Моделлар табиий объектларнинг сунъий кўриниши бўлиб, уларнинг муҳим сифатлари, алоқалари ва муносабатларини қайта такрорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар ҳисобланади. Оргинал объект (микро ва макро объектлар) хусусиятларини кўрсатишда шартлилик (рамзийлик)ка амал қилинади, размерни катталаштириш ёки кенгайтириш орқали объект қурилмаси схема тарзида акс эттирилади. Моделларнинг энг кенг тарқалган типик турлари бу моддий (предмет) моделлардир. Моделлар ўз ҳажмига эга ёки текис моджелларга бўлинади. Уларнинг оралиғида рельеф жадваллар жойлашган. Ъажмга эга моделлар таркибий қисмларга бўлиниши мумкин (резеў, муфта ва ўзаги (атом йиғиндиси билан)), қисмларга бўлинмайдиган, қимирламайдиган, (белгилаш комплекти) ва ҳаракатланувчи (ички ёниш двигатели, насос) бўладилар. Ъажмга эга бўлган моделлар сирасига муляж ва макетлар киради. Улар ҳам умутаълим ҳам техника фанларини ўқитиш жараёнида қўлланилади. Муляж (макет)лар дея биз шундай объектларни

айтамизки, улар моддий объектларга айнан ўхшатиб яратилган қўлланмалардир.

Муляж ва макетлар атроф-муҳит ҳодисалари предметларнинг ташқи белги ва хусусиятларини ўрганишда қўлланилади. Моделлар ўрганилаётган объектларнинг ички қурилмаси ва ҳаракатланиш тамойили, машина ва механизмларнинг кинематикасини ўрганилаётган вазиятларда бошқа алоқалар ва муносабатлар мазмунининг ҳам ўрганилишига имконият беради.

Таълим олувчиларга тақдим этиладиган модел ва муляж (макетлар)лар ҳам худди табиий объектлар сингари демокрацион ва тарқатма қўлланмаларга бўлинади. Турли хил моделларни лойиҳалаштиришда бу турдаги ўқитиш воситаларининг функция ва дидактик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда умумий педагогик-эргономик талабларни илгари суриш мумкин, яъни, ахборотлашган, ўқув жадвалини фаолиятнинг аниқ усулларига адеквантлик (ўрганиш, қабул қилиш плакат, схема, диаграмма, график ва бошқалар) аниқ бир тушунча, кўникма ва билимларни шакллантиришда қўлланиладиган текис моддий ўқитиш воситасидир. Ўқув жадвали аниқ ва кўргазмали ҳолда ўрганилаётган объект ҳақида илмий ахборот беради. Жадваллар турли хил бўлади. Композицион – расм ва фотосуратлар;

Графикли: (чизма, диаграмма, схема ва бошқалар);

Белгили – рамзий формула, ҳарф ва сўзлар билан ифодаланувчи. Сўнгги пайтда электрлашган жадваллар кенг қўлланилмоқда, яъни, стендлар, хавфсизлик оид техникалар.

Ўқитиш воситалари орасида охирги пайтда энг кўп қўлланилаётган воситалар – бу плакатлардир. Плакатлар - қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

– плакатнинг мазмуни ўрганилаётган мавзуга оид бўлиши;

– плакатда ифода этилган чизма етарли даражада катта ва узоқдан ҳам кўра олиш имконини бериши керак;

– плакатдаги объекталр табиий ҳолатларида кўрсатиши шарт;

– плакатда тасвирланган чизмаларнинг қисмлари масштаб мутаносибли асосида берилиши керак;

– энг эътиборга лойиқ қисмлар алоҳида (бошқа) ранг билан ажратиб кўрсатилиши лозим.

Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари

Ҳозирги замонда жуда кенг тарқалган ўқитиш воситаларидандир. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оид, иккинчидан, сифатли бўлишидир.

Диопозитив (слайд) – бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси. Диопозитив акс этган чизма ва расмлар одатда плакатдагидан яхши қабул қилинади.

Диопозитив – бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи ёрдамида материалнинг қисмини, ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиш мумкин. Қар бир кадр тўлиқ бир информацияга эга. Диофильм ҳам ҳаракатланмайдиган экран

воситасидир. Бу қўлланмаларнинг услубий ғояси муаллифларининг кадрлар кетма-кетлигини таьминланишига эътибор беришларидир. Кадрларнинг кетма-кетлиги ўзгарса информациянинг қабул қилинишида мазмун бузилиши рўй беради. Диафильмларни қўллашдаги қийинчилик – улардаги ахборотнинг кўплиги ва уларнинг қабул қилиб олиш учун вақтнинг етмаслигидир.

Бу қийинчилик дарсда диофильмларнинг айрим фрагмментларини (бўлакларини) кўрсатиш орқали енгиллаштирилади.

Транспорантлар – бу ҳам ҳаракатланмайдиган экран қўлланмаси.

Транспорантларнинг графпроектор ёрдамида кўрсатилиши ва хонани қоронғилатиш шарт эмаслиги бу ўқитиш воситасининг муҳим жиҳатидир. Транспорантлар синф доскаси ҳам ўрнини босадиган воситадир. Ўқитувчи таълим олувчиларга юзланган ҳолда, ўтилаётган мавзу ёки чизмаларни экранга проэкция қилиш орқали тушунтириши мумкин. Бу орада ўқитувчи чизмалар мазмунига керакли ўзгартириш ёки тўлдиришлар киритиш мумкин. Бундан ташқари транспорантларда информацияни тақдим этишда бир кадрнинг ўрнига иккинчисига қўйиш жуда қулайдир. Транспарантлар одатда 6-8 кадрдан иборат сериялардан иборат бўлиб, у ўқитувчи томонидан ҳам ясалиши мумкин.

Ўқув биноси яқиндагина энг самарали ўқитиш воситаси деб эьтироф этилганди. Унинг кўргазмаликлиги қуйидаги жуда бой дидактик имкониятларидан келиб чиқади; катта ҳажмли информациянинг ихчамлантирилиши, фан ва техника тарихига саёҳат қилиш, жараённи тезланиш ёки секинлаштириш, ниҳоят, уни тўхтатиш, лиривинтикация ёки моделлаштириш, заводдаги мослама ва аппаратларининг ички тузилишини кузатиш. Янги технологиясини бошқариш билан таништириш, фан арбоблари фаолияти ҳақида маълумот бериш илмий – текшириш лабораториясига «кириш», турли вазифаларни қўйиш, уларни ижобий ҳал этиш, ҳамда қиёслаш ўқув фильмлари ёрдамида амалга ошар эди.

Сўнгги йилларда ўқув фильмлари ишлаб чиқарилмай қўйди. Уларни ўрнини ўқув видео ёзуви, информацияни акс эттирувчи экран – товушли воситалари кино, радио, телевидиния, видеофильм ва диопозитивларни.

Видео ёзувини қанча лозим бўлса, шунча марта такрорланиш мумкин, вақт кўрсаткичи асосида керакли информацияни ёзиш мумкин. Видеокамера ёрдамида ёзиб олиш жуда катта имкониятни очиб беради. Келажакда ўқитувчиларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш мақсадига хизмат қилувчи видео ёзуви тизимлари чиқилади.

Ўқув материалини мустақил ўрганишда ўқув ёзувларини катта аҳамиятга эга.

Ўқув асбоблари, мосламалари, лаборатория асослари тизимнинг ўта аҳамиятли бўлган қисмини ташкил қилади. Энг, аввало, у ёки бу асбоб нима учун хизмат қилишини аниқлайлик.

Тренажерлар – техника воситаларининг алоҳида гуруҳига киради. Тренажерлар меҳнат ишлаб чиқариш шароитларини имитация (ўхшатиш) қилади.

Тренажёрлар уч гуруҳга бўлинади:

– Автомобиль ва химиявий ишлаб чиқариш технологиясини тренажерлари (моделлаштириш ёрдамида ўрганилади).

– Аниқ бир интелектуал фаолият билан боғлиқ бўлган тренажерлар. Масалан: тренажер имитаторлар, станокларни наладка қилиш имконини берувчи тренажерлар.

– Бирор бир харакатланиш кўникмасини ҳосил қилиш учун тренажерларнинг алоҳида тури қўлланилади. Масалан: метални аралаш, деталларнинг фигурали қилиб ясалиши учун хизмат қилувчи тренажерлар.

11.3. Ўқув ишлаб чиқариш воситалари. Ўқув (ўқув ишлаб чиқариш) установка рақами профессионал (касб-ҳунар) ўқув юртлари тизимига киради. Ўқув устахоналарида олиб бориладиган ишлаб чиқариш мазкур устахоналарида қулай вазиятларининг яратилиши талаб қилади.

Ўқув устахоналарининг моддий-техникавий жиҳатдан таьминланиши ниҳоятда муҳимдир. Моддий-техникавий таьминот мосламаларнинг техник муҳофазаланишига замин ҳозирлайди.

Санитар-гигиеник шарт-шароит устахонанинг табиий ва сунъий ёритилиши, санитар-гигиеник шартларига авоб бериши ва биринчи ёрдам кўрсатиш воситаларининг мавжудлигини талаб қилади.

Эстетик шароит устахонанинг ички безаги ва мосламалар рангларига эътибор бериш, ўсимлик ва гуллар билан безатилишини тақозо этади.

Техник педагогик шароит ўқув ишлаб чиқариш хоналарининг фаолият юритиш жараёнини таьминлашда бир-бири билан боғлиқлиги, таълим олувчилар учун қулай бўлган иш шароитини яратиш, шахсий иш жойи билан таьминлаш ва меҳнатни илмий-техника асосда ташкиллаштиришдан иборат бўлади.

Таълим олувчиларнинг иш жойини ташкиллаштириш қуйидагиларни тақозо этади:

– - иш жойининг техник созлиги;

– - етарли даражада ёритилганлиги;

– - зарурият вақтида авария сигналининг ишлаши ёки уста билан боғланиш мосламасининг мўьтадил ишлаши;

– - ишлаб чиқариш мосламасини тозалаш, созлаш ва йиғиштириш учун қулай шароитнинг мавжудлиги.

Ўқув устахонасининг устаси учун иш жойи шундай ёритилган ва ташкил қилинган бўлиши керакки, ўқув жараёнида уста ўз фаолиятини илмий асосда ташкиллаштира олиши, унинг мазмун ва шаклини таълим олувчиларнинг иш ўринлари билан боғлай олиши унинг педагогик фаолиятини самарасини аниқлаб берувчи сифат бўлиши керак.

11.4. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари. Касб-ҳунар мактаблари ва ўқув-моддий базалари ҳозирги замон ўқув жараёнида бир неча йўналишда ривожланиши;

– таълим олувчиларнинг ўқув техника воситаларига нисбатан ижобий ёндошуви ва улардан самарали фойдаланишга нисбатан ижобий муносабатларини шакллантириш;

– ўқув кўргазма воситаларини қўллаш;

– ўқитиш воситаларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги.

Ҳозирги пайтда тўртта йўналишдаги янги информацион технология ўқиш жараёнида қўлланилмоқда:

- Нашриёт технологиялари.
- Телекоммуникация.
- Катта макетлар ва оммавий ахборот воситалари.
- Компьютер робототехникаси.

Ҳозирги кунда илғор технологиялардан фойдаланиш борасида қатор қарорлар қабул қилинган. Ушбу технологиялардан фойдаланишга тиббиёт ходимлари ва психолог мутахассислар текширувидан сўнг рухсат берилиши лозим. Ўқитиш воситаларининг афзаллиги уларнинг юқори технологик имкониятлари билангина эмас, балки энг аввало ўқитиш самарадорлигини оширишдаги педагогик хусусиятлари билан белгиланади. Бу воситаларнинг айрим дидактик имкониятларининг кўрсатиб ўтиш кифоядир. Масалан: табиий ва техникага оид фанларни ўрганиш жараёнида янги информацион технологиялар асосидаги ўқитиш воситалари тизими, хусусан, датчик ва мосламалар мажмуи ўрганилаётган шахсга изланишни кенг кўламда олиб бориш имконини беради.

–Тадқиқот ёки унинг бир босқични бир неча марта такрорлаш лозим бўлганда ўлчамларини қайд қилиб ёзиб бориш.

–Моделлаштиришнинг турли хил йўллари, хусусан, тажриба натижаларини қўллаш.

–Олинган маълумотларини қайта ишлашда автоматлаштиришнинг юзага келиши.

–Ўрганилаётган материалининг турли шакллардаги тушунча ва тасаввурларини визуаллаштириш (кўргазмали қилиш).

–Техникавий мослама ва механизмаларга тақлид қилувчи роботларни яратиш.

Турли хил йўналишларга мўлжалланган ишлаб чиқариш дастурлари фойдаланувчилар олдида билим олиш соҳаларида кенг имкониятларни яратади. Таълим олувчи нафақат тайёр информация асосида ишлайди, балки ўзи ҳам макетлар яратиш имкониятига эга бўлади, математик масалаларни ечиш, турли вазиятларни моделлаштириш, табиий фанлар-иқтисодиёт, экологик ва гуманитар фанлар бўйича тадқиқотлар олиб бориши имкониятлари юзага келади.

Масофадан туриб ўқитишнинг келажаги порлоқдир. Масофадан ўқитиш компьютер технологиялар асосида амалга оширилади. Ўқитиш жараёнини комплекс равишда ташкил этишга катта аҳамият берилади. Ўқитувчи-педагог бу тизимни мукаммал билиши шарт. Ўқитиш воситалари турли хил функцияларини бажариш билан бирга қатор имкониятларга ҳам эга. Ўқитиш жараёнлари учта асосий функцияни бажаради: маълумот бериш, тарбиялаш ҳамда ривожлантириш. Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил этишда комплексли ўқитиш, педагогик жараённинг барча асосий функциялари ўқитиш воситалари орқали амалга оширилади. Ўқитиш жараёнини ўқитиш воситалари билан таъминлашда иқтисодий ёндошув зарур. Танланган касб-ҳунарнинг истиқболли эканлиги ва оммавийлиги ўқитиш воситаларининг комплекслиги асосида лойиҳалаштирилиши керак. Иккинчи, шундай востиларни танлаш ва яратиш керакки, улар ўқув- тарбиявий масалаларини энг кам сарф ҳаражатлар билан амалга оширишни таъминласин. Ўқитиш воситаларидан комплекс фойдаланишнинг самарадорлиги уларни қўллашда рационал жиҳозланишга нисбатан аниқ талаб ва тавсиялар қўйилиши лозим. Талаб ва тавсиялар эса қуйидагилардан иборатдир:

- кўргазмали қурол, тарқатма материал ва дарсда қўлланилаётган ўқитиш воситалари керагидан ортиқ даражада қўлламаслик;
- дарсда қўлланиладиган воситалар (плакат, схема, модель, макет, муляж, детал ва бошқалар) ҳар доим олдиндан кўриб чиқиб танлаб олинган ва фойдаланиш тартибда тайёр бўлиши керак;
- техник восита ва бошқа кўргазмали қуролларда олдиндан ишлатиб кўриш лозим;
- индивидуал қўллаш учун танланган дидактик кўргазмали қуроллар ва бошқа қўлланмалар барча таълим олувчилар учун етарли бўлиши керак;
- кўргазмали қуролланинг етарли даражада кўрилиши ва эшитилишини таъминлаш;
- ҳар бир дидактик материалнинг қўлланилиш мақсади ва ўрнини аниқ режалаштириб олиш.

Масофадан ўқитиш ўқув жараёнини олий даражада ташкил этиш ва ўқув маетриалини трансляция қилиш имкониятини беради. Масофадан ўқитишни ташкил қилиш турлари қуйидагичадир:

- сақланиб қўйилган ўқув материалини («Консерваланган») компьютер ўқитиш воситаси ёрдамида узатиш;
- турли масофада жайлашган синф ва гуруҳларга ягона материални узатиш;
- фан арбоблари, педагог наваторлар, услубчиларнинг лекция ва машғулотлари тасвирини узатиш;
- телеконференция ва мунозаралар жараён туширилган тасвирни узатиш;
- ўқув услубиёт материалларининг алмашувини таъминлаш.

Телекоммуникация тизимларининг қўлланиши янги педагогик ва касбий билимларни энг қисқа муддатда узатишни имкониятини беради. Информацион технологияларнинг ривожланиши ўқитишнинг яна бир йўналишини – медиа ўқитишни вужудга келтиради. Бунда таълим олувчилар турли хил оммавий воситалари (газета, журналларни, ТВ, кино, радио, видео ва бошқа) мазмунини эгаллаб олишга тайёрлаш йўналишида олиб борилади. Умуман олганда янги ташкил қилинган ва модернизациялашган ўқитиш воситаларида қуйидаги ўзига хос анъаналар мавжуд:

- қўлланмаларининг сонини қисқартириш (танланганлик, кераклилик ва етарлилик);
- уларни функционал имкониятларини кенгайтириш (кўплаб функционал тамойиллари);
- ўқитиш воситаларини комплектлаш ва улар тизимини ишлаб чиқиш шароитини яратиш;
- таълим олувчиларнинг мустақил ўқиши, чунончи, турли ўқитиш даражаларда илмий текшириш ва тажриба ишлари мажмуаларини яратиш;
- махсус йўналтирилган модул мажмуаларни яратиш.

11.5. Ўқитиш воситалари тизимини шаклланиш технологияси ва уларни комплекс ишлатилиши. Қеч қайси ўқитиш воситалари алоҳида қўйилган ўқитиш мақсадларини таьминлай олмайди, шу боис таълим жараёнида ўқитиш воситаларини қўллаш мақсад эмас, балки таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш имконияти яратишга хизмат қилувчи педагогик фаолият усулидир. Ўқитиш воситаларидан фойдаланиш қуйидаги ҳолатни юзага келтиради:

Ўқув дастури, предмети ва ўқув материаллари тармоқларини қамраб олиш		Ўқув жараёнида ўқитиш воситаларни белгиланган дидактик функциялар ва имкониятларга қараб мослаштириш
Ўқув жараёнининг асосий бўғинларини қамраб олиш	Таълим воситалар тизимини ўқув мажмуасида қўллаш	Ўқитиш жараёнига барча функцияларнинг олий тарбиявий, ривожлантирувчи, таълим берувчи омилларини жорий қилиш ва таьминлаш

Таълим олувчининг ўқув фаолияти ва ўқитувчининг педагогик фаолиятини таьминлаш		Қуйидагилар талаб қилинади: иқтисодий вазият, озодалик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат хавфсизликка риоя этиш

- кўргазмали ва техник воситаларидан узлуксиз фойдаланишни таьминлаш ва таълим олувчиларда улар билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- таълим олувчиларнинг дарсда ишлашларини шундай ташкил қилиш керакки, улар нафақат кузатиш асосида керакли информацияни олсинлар, балки техник воситалар ва кўргазмали қуроллар билан унумли ва самарали ишлашсинлар.

§ 12. КАСБ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

12.1. Таълим жараёнларини таҳлил этишда қўлланиладиган педагогик категориялар. Таркиб топган таълимнинг энг муҳим унсурлари қадимдан шаклланиб келган ва у ҳозирда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари педагогикада таълим жараёнларини таҳлил этишда қўлланиладиган анъанавий категориялар ҳисобланади. Айнан ўша категориялар маълум бир предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўқув тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Ўайд этилган педагогик категориялар мақсадга мувофиқ равишда йўналтирилган педагогик ва ўқув фаолиятининг қонуният ҳамда мезонларини тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

Узоқ йиллар мобайнида педагогик категориялар ҳажми жамият талаби даражасида мақсадларни рўёбга чиқариш учун етарли бўлиб келган. Тан олиш керакки, педагоглар оммаси барча даврларда педагогик фаолиятни қониқарсиз аҳволда деб баҳолаб келганлар. Бу ўринда педагогик тушунчаларнинг таъриф ва тавсифларининг ноаниқлиги, таълим жараёнларини тавсифловчи баъзи категорияларнинг етишмаслиги, таълим мақсади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари ўртасида ўзаро узвийликнинг мавжуд эмаслиги ҳамма вақт танқид остига олиб келинган ва бундай мулоҳаза ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Ушбу фикр бизнингча қуйидаги иккита муаммонинг мавжудлиги билан изоҳланади: биринчидан, касбий педагогик маълумотга эга ўқитувчиларнинг касбий маҳорат даражасининг пастлиги, иккинчидан, махсус педагогик тайёргарлик ва саводхонликка эга бўлмаган педагогларнинг сонининг салмоқли эканлиги.

Таълим натижалари ўрганувчининг педагогик жараёнлардан қандай салоҳият билан ўтганлигига боғлиқ.

Педагогик жараён моҳияти-ўқитувчининг таълим олувчи иштирокидаги фаолиятида ўз аксини топади, бунда педагог қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлида таълим олувчига ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг моҳияти педагогик жараённи йўналтирганлиги, тавсифи, шахсни шакллантириш ва тарбиялашда ҳал этиладиган вазифаларни ўзида акс эттирганлиги билан ифодаланади. Педагогик ёрдам эълон қилинган, кўрсатилган, эслатилган, тушунча берилган, йўналтирилган, ҳаққонийлаштирилган, маслаҳат берилган, кенгашилган, бартараф этилган, ҳамдардлик қилинган, илҳомлантирилган, қизиқиш ва ҳурматни изҳор қилган, талабчанликни қўллаб-қувватлаган ҳолларда ёрдам беради.

12.2. Ўқитиш технологиялари мажмуавий интегратив тизим сифатида. Замонавий ўқитиш технологиялари-мажмуавий интегратив тизимлар бўлиб, улар ўзида таълим мақсадлари билан белгиланган касбий

кўникма, малакалар ва шахс хислатларини ўрганувчилар томонидан эгалланиши ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган операция ва ҳаракатларнинг тартиблаштирилган тўпламини акс эттиради. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чиқишга татбиқ этиш (нима?), таълим жараёнларини ташкил қилиш (қандай?), таълим методи ва воситаларини белгиланиш (нималар ёрдамида?), шунингдек, ўқитувчилар малака даражаси (ким?) ҳамда эришилган натижаларни баҳолаш методи (қандай йўл билан?) га асосланиши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий қўлланилиши ўқув жараёни моҳияти ва унинг технологиясини белгилаб беради.

12.3. Ўқитиш технологиясини лойиҳалаш. Ўқитиш технологиясининг лойиҳалаш тузилишини педагогик вазифанинг қўйилиши ва уни ҳал этиш асосида кўрамиз:

Педагогик вазифанинг қўйилиши	———————	Дидактик жараённи ишлаб чиқиш

Ўқитиш технологиясини лойиҳалаш

Педагогик вазифанинг белгиланишида қуйидагилар инобатга олинади:

- таълим мақсадларининг таҳлили ва шу асосида ўқув предмети мазмунини аниқлаш;
- ўқув предмети мазмуни тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув унсурлари тизим кўринишида ифодалаш;
- ўқув унсурларининг ўзлаштирилиш даражаларини белгилаш;
- таълим олувчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш, бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмунини ифодаловчи ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади;
- ўқув-моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш.

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқитиш технологиясини лойиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолияти таълимнинг метод, шакл ва воситаларини шакллантириш билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, педагог фаолияти учта асосий хусусиятлар билан тавсифланади: бошқариш тури, ахборот алмашинув жараёнининг тури, ахборот ўзатиш воситалари типлари ва билиш фаолиятини бошқариш. Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкиллаштиришнинг қуйидаги мантиқий кетма-кетлигини қуриш мумкин. Дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, ўқитишнинг мос равишдаги методлари ҳамда таълим олувчилар билиш фаолиятини бошқариш схемаси белгилаб олинади. Шу асосда ўқитиш

воситалари рўйхати тузилади. Ушбу усули билан ҳосил қилинган метод ва таълим воситалари тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни, технология ишлаб чиқилади.

12.4. Умумлашган педагогик технологиялар. Умумлашган педагогик технологиялар маьлум психопедагогик асослардан иборат «синтетик назария» сифатида қаралади (2-жадвал).

Тадбиқий педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган натижага эришишга йўналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойиҳалаш муаммосини методик жиҳатдан ҳал этишга қаратилади.

Бугунги кунда шахсий фаолиятли ёндошув, танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал эта олиш, қарор қабул қилиш ва жамоада ҳамкорлик қилишга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқишга эҳтиёж юзага келмоқда (2-жадвал).

Шундай қилиб, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизими, таълимнинг методик усуллари, ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари, воситалари, талабаларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсади ҳамда якуний натижаларга эришиш инструментарийсини мужассамлаштиради.

2-жадвал

Педагогик технология номланиши	Мақсади	Моҳияти	Механизми
Муаммоли ўқитиш	Таълим олувчиларнинг билиш фаоллиги ва ижодий мустақиллигини ошириш	Таълим олувчиларга кетма-кет ва мақсадли равишда уларнинг билимларни ўзлаштириш фаоллигини оширишга хизмат қилувчи масалаларни бериш бориш	Тадқиқотчилик методлари; билиш фаолиятига йўналтирилган масалаларни ечиш
Мужассам-лаштирил-ган ўқитиш	Инсоннинг ҳис қилиш хусусиятларига максимал даражада яқинлаштирилган таълим жараён тузилмасини яратиш	Машғулотларни блокларга бириктириш ҳисобига фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш	Таълим олувчилар иш қобилияти динамикасини ҳисобга олувчи таълим методлари
Модулли ўқитиш	Таълим мазмунини шахс индивидуал эҳтиёжлари ва	Таълим олувчиларнинг индивидуал ўқув дастури асосида	Муаммоли ёндашув, таълимни амалга

	унинг базавий тайёргарлигига мувафиқлаштириш	мустақил ишлаши	оширишнинг индивидуал мароми
Ривожлан-тирувчи ўқитиш	Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлантириш.	Ўқув жараёнини инсоннинг потенциал имокниятлари ва уларни амалга оширишга йўналтириш	Таълим олувчиларни фаолиятнинг турли соҳаларига жалб қилиш
Дифферен-циаллашган ўқитиш	Лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларни аниқлаш учун қулай шароитлар яратиш	Турли ўзлаштириш даражалари бўйича мажбурий меьёр (стандарт) дан кам бўлмаган ҳажмдаги дастур материалини ўзлаштириш	Индивидуал таълим методлари
Фаол (мажмуа-вий) ўқитиш	Таълим олувчилар фаоллигини ташкиллаштириш	Бўлажак касбий фаолиятининг предметли ва ижтимоий мазмунини моделлаштириш	Фаол ўқитиш методлари Таълим олувчиларни ижодий фаолиятига жалб этилишининг ўйин методлари
Ўйинли ўқитиш	Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг шахсий фаолият тавсифида бўлишини таьминлаш	Ўқув ахборотларини қайта ишлаш ва ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил билиш фаолияти	

12.5. Талаба ёшларда маьнавий-ахлоқий одатларни тарбиялаш жараёни ва унинг вазифалари. Камолотга эришган, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш жараёни унинг доимий, мунтазам, изчил ва тизимли равишда тарбиялашни тақозо этади. Бу йўлда касбий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, фундаментал, касбий фанлар сингари ғоявий мазмуни талабаларга, янги жамиятнинг ҳар бир мутахассисига зарур бўлган ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи тасаввурлар заҳирасини ҳосил қилиши лозим бўлган ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга янгича ёндашув асосида ахлоқ малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Талаба ёшларда ягона педагогик жараёнда маьнавий-ахлоқий одатларни тарбиялашда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- ўзбек миллий менталитети ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянадиган маьнавий қадриятлар тизимини мустаҳкамлаш;

- Шарқ мутафаккирлари асарларида қайд этилган комил инсон ғояси, таълимотига амал қилиш;

- Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарларида таълим-тарбия хусусан, баркамол шахс, етук мутахассис хусусиятидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва уларга амал қилиш.

12.6. Тарбиявий ишлар механизми. Бундай вазифаларни ҳал этш педагогик жамоанинг жисмоний ва маьнавий баркамол авлодни тарбиялаш, талабаларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқли, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишига сезиларли ҳисса қўшаётган ёшлар билан ишловчи барча давлат ва жамоатчилик тузилмалари (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси, «Маьнавият ва маьрифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид», «Устоз» жамғармалари, Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ ва ҳоказо) бажараётган ишлар, дастурлардан фойдаланилган ҳолда тарбиявий ишлар механизмини ишлаб чиқиш ва ёшлар тафаккурига таъсир этиш кўзланган мақсадга эришишда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Касбий таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг моҳияти, унинг миллий истиқбол мафкурасига асосланган, маьнавий-ахлоқий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, фуқаровий, меҳнат, маданий-маиший, экологик ва шу сингари йўналишлар билан эришиладиган ғоявий амал ва идеалларга мос ҳолда олиб борилиши мақсадга молик масала. Бу муаммоларни амалга ошириш барча педагогларининг олдида турган юксак вазифадир.

Мустақиллик шароитида талаба-ёшларни маьнавий-ахлоқий тарбиялашда қатор вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Жумладан:

-ҳар бир таълим олувчининг онгида давлат мустақиллиги халқнинг олий ғоявий-ахлоқий қадрияти экани, ўз ватани билан фахрланиш, унинг хавфсизлигини таьминлаш ва Ўзбекистоннинг улуғ тарихий ўтмиши, бозор муносабатларига асосланган янги демократик жамият қуришда танлаб олган ўзига хос йўлини мустаҳкамлаш, ислом дини руҳи билан суғорилган олий маьнавий-ахлоқий қадриятлар, халқнинг инсонпарварлик анъаналари ҳамда умуминсоний ўивилизация ютуқлари аҳамиятини тўғри тушунтириш ва уни эьтиқодга айлантириш;

-таълим олувчиларда умуминсоний инсонпарварлик ахлоқи, маданияти меьёрлари, замонавий қадриятлар эҳтиёжи, ўзини юқори тутиш ва виқор сақлаш, оилавий тантаналарда ўзини кўрсатишга уриниш, хизмат вазифасидан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш кўринишларига муросасиз бўлиш руҳини тарбиялаб бориш уларнинг юқори ахлоқ малакалари билан қуроллантиришнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия тарбиявий ишлар мажмуида етакчи ўрин тутади. Ахлоқ ёки одоб деганда - кишиларнинг мазкур жамият учун характерли ва муайян ижтимоий муносабатлар тизими билан тарихан боғлиқ бўлган хулқ-атворларни белгилаб берадиган қонун-қоидалар йиғиндиси тушунилади. Жамият томонидан белгиланадиган талаблар шахс хулқини баҳолаш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ шахс хулқининг мазмуни мамлакатда шарқона ахлоқ-одобга асосланган миллий тарбияни амалга оширишдан иборат бўлиши лозим. Бундай жамиятни қуриш жараёни янги ижтимоий муносабатларни ҳосил қилиш билан боғлиқ. Шу маьнода бугунги кун таълим тизимида амалга ошириладиган ахлоқий тарбиянинг асосий мезонлари миллий ахлоқ меьёрларини ташкил этади.

Касб таълими муассасаларида талаба-ёшлар орасида ахлоқий тарбияни амалга ошириш аввало, уларда ахлоқий тушунча ва ишонч ҳиссини яратишдан бошланиши мақсадга мувофиқ. Чунки ёшларда ахлоқий тушунча ва эьтиқодни таркиб топтирмай туриб, ахлоқий одатлар, шунингдек, хатти-ҳаракат билан боғлиқ одат ва малакаларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда асосан талаба-ёшларга ахлоқ-одоб меьёр ва қоидалари мазмунига оид билим беришга катта аҳамият бериш лозим. Бунда асосан яхши билан ёмон ўртасидаги фарқ тушунтирилади. Сўнгра яхши хулқларни ҳосил қилишга қаратилган фаолият уюштирилади. Ана шу йўсинда ёшларда ахлоқий тушунчалар вужудга келади ва хулқий одатлар ҳосил қилинади.

12.7. Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбияни ташкил этиш муаммоси. Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммосини амалга ошириш учун қатор муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратмоғи лозим. Улар:

-ўқитиш жараёнини илғор педагогик технология ва ахборот технологияси асосида уюштириш;

-талаба ва устоз ўртасидаги ахлоқий ҳамда ақлий муносабатни қарор топтиришга эришиш;

-таълим -тарбия ишларининг қатьий режа асосида олиб борилиши;

-ўқув муассасасида ижобий эмоционал муҳитни яратиш;

-таълим олувчиларнинг ўқув муассасаси ҳаёти ички тартиби қоидаларига риоя қилишларига эришишни таьминлаш. Ягона таълим -тарбия жараёнида ахлоқий тарбияни ташкил этишда суҳбат, мунозара, маъруза каби методлардан фойдаланиш, турли машқлар фаолия орқали ижобий сифатларни ҳосил қилиш мумкин.

III БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИДА УМУММЕХНАТ ВА КАСБИЙ КЎНИКМА ҲАМДА МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

§ 13. БИЛИМЛАРНИНГ КЎНИКМА ВА МАЛАКАГА АЙЛАНИШ ЖАРАЁНИ

13.1. Кўникм ва малака тушунчалари. Кўникма деганда одамнинг билим олиши, элементар тажриба ва малакага таяниб бирон ишни муваффақиятли бажариш имконияти тушунилади. Орттирилган билимлар одам хатти-ҳаракатининг назарий асоси ҳисобланади. Билимларга асосланиб хатти-ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, алоҳида босқичлари фикран ҳаёлдан ўтказилади. Элементар тажриба талабларида айнан бирор фаолият ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бирон касб ёки фаолият ҳақида тасаввурга эга бўлишда элементар тажриба билан бирга бошқаларнинг тажрибасини тасаввур қилиш аҳамият касб этади. Бу ерда педагогнинг шахсий намунаси, новатор ишчи, хизматчиларнинг илғор тажрибаси, етук олим ижодкорларнинг иш жараёни мисол бўла олади.

Бошқаларнинг тажрибасини ўзида сингдиришнинг асосий шарти одамнинг ўзида элементар тажрибанинг бўлишидир. Бундай тажриба ўқув меҳнати, аклий меҳнат, ижодкорлик, рационализаторлик ёки оддий меҳнат операцияларини бажарлш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай элементар тажриба бўлмаса хеч қандай таълим натижа бермайди. Узатилаётган таълимни кабул қилиш учун талаба бошқалар тажрибасини ўзининг шахсий тажрибаси билан кўшиши керак.

Меҳнат кўникмаларини шаклланиш жараёнида талабалар кўриш ёки эшитиш оркали фақат ҳаракатларнинг қандай бажарилиши хақида тасаввурга эга бўладилар. Бу фақат намуна, бажарилиши керак бўлган иш хақидаги кириш инструктати хисобланади. Кўникманинг шаклланиши учун талаба бу харакатларни ўзи бажариб кўриши шарт. Талаба ёки ўқувчи бу ҳаракатларни «тотиб» кўриши жараёнида бошқаларнинг тажрибаси ўзининг шахсий тажрибасига айлана боради. ҳаракатлар тартибга туша бошлайди. Талаба ҳаракат структураси ҳақида амалий тасаввурни эгалланди. Олдинига ҳаракатлар айрим, ҳар бир кейинги харакат олдидан ўйлаш, чамалаш, солиштириш оркали сокин юз беради. Таълимнинг турли босқичларида талабалар меҳнат кўникмаларининг даражаси хар хил бўлади. Элементар кўникмалар аста-секин мураккаб кўникмаларга айланади, мураккаб кўникмалар кўп марта кайтарилиши ёки машқ қилиши натижасида малакалар пайдо бўлади.

Малака- билимларга асосланиб машк ёрдамида айланган фаолиятнинг автоматлашган компоненти ҳисобланади. Малака тез ва аниқ бажариш билан боғлиқ бўлган кўникмаларнинг автоматлашган элементлари саналади.

Талабаларнинг мураккаб машқларни бажариши давомида оддий кўникмалар мураккаб кўникмаларга айлана бошлайди. Шу билан бирга

хамма билимлар ҳам кўникмага айланавермайди. Малакалар бажарилаётган фаолиятнинг фақат маҳорат томонини, яъни айрим ҳа-ракатларни ифодалайди. Бутунича фаолият эса элементар кўникма ва элементар кўнлкмалардан иборат била туриб бажариладиган мураккаб кўникмаларга асосланиб бажарилади. Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши учун фақат тафаккурнинг ёки ақлий фаолиятнинг ўзигина етарли эмас.

Талабаларда мураккаб кўникмаларнинг, умумлашган сафарбар кўникмаларнннг шаклланиши учун улар бевосита амалий меҳнат фаолиятида, узоқ пайт машқ бажаришда қатнашишлари шарт.

Албатта, талабаларни мутахассисликка тайёрлашда кузда тутилган ва ўқув режасида мўлжалланган ҳамма кўникма ва малакаларни етарли даражада шакллантиришнинг баъзи объектив сабабларга кўра (ўқув жиҳозларнинг етарли эмаслиги, талабаларнинг табиий узига хослиги ва ҳоказолар) иложи бўлмас. Шунинг учун ҳам талабаларда умумлашган политехник кўникма ва малакаларнинг шаклланган бўлишига эришиш лозим.

13.2. Талабалар умуммеҳнат кўникма ва малакаларининг таркибий қисмлари ва уларни ривожлантириш жараёни. Инсон ўз ҳаётининг маълум даврида бошқариладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнида иштирок этади. Шу пайтдан бошлаб у махсус фаолият тури - ўқитишнинг субъектига айланади, ўқитишнинг мақсади эса билим эгаллашдан иборат бўлади.

Ўқитиш жараёни икки босқичдан иборат: 1. Ҳар қандай фойдали фаолият учун зарур бўлган, дунё ҳақида қайд этилган ва илмий тан олинган ахборотлар олиш. Малакалар ҳосил қилиш - яъни аниқ шароитларда амалга ошадиган усуллар ва автоматлашган операцияларни эгаллаш.

Қўйилган мақсадга мос келувчи билим ва малакаларнинг зарур фаолият билан боғланиши кўникма асосларини ташкил этади. Ўқитиш фаолияти шундай алоҳида хусусиятлар билан характерланадики, бунда инсоннинг фаолияти ақлий мақсадга бўйсундирилади, яъни маълум билим, кўникма ва малака эгалланади.

Талабанинг касбий кўникмаларни тез ва осон ўзлаштириши унинг нафақат умумий қобилиятлари, балки шу асосда шаклланган махсус касбий қобилиятларнинг ҳам юқори даражада эканлигини билдиради.

Кўникма ва малакаларни фаолият тавсифига кўра таснифлаш мумкин (4–шакл). Мисол учун, **бир гуруҳни интеллектуал кўникма** (эшитиш қобилияти, китоб билан ишлаш, иншо ёзиш, режа тузиш, ўз ишини режалаштириш, уни қулай ташкил этиш) ва малакалар (ёзув саводхонлиги, ифодали ўқиш) ташкил қилади. **Иккинчи гуруҳга меҳнат кўникмалари** (чизмалар бўйича буюм ясай олиш) ва алоҳида автоматлашган меҳнат операциялари (арралаш, қирқиш, рандалаш, кесиш малакалари) киради. Бу гуруҳга ҳаракат ва конструктив техник кўникма ва малакалар киради, бунда иккинчиси ҳамма вақт асбоб ва машиналар билан ишлашга боғлиқ бўлади.

Учинчи гуруҳни жисмоний тарбия ва спорт кўникмалари (жисмоний тарбия машқларини бажара олиш) ва малакалари (сакраш, сузиш, арқонга чиқиш) ташкил қилади. Одатда гигиеник кўникма ва малакаларни ҳам **алоҳида гуруҳ** сифатида қаралади. Бундан ташқари малакалар мураккаблик ва автоматлашганлик даражаларига кўра ҳам фарқланади.

Кўникма ва малакаларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Кўникма ва малакаларни уларнинг индивид фаолияти усуллари эканлиги, яъни ўзлаштирилган билимлар асосида амалга ошириладиган операция ва услублар тизими эканлигини бирлаштиради. Уларнинг фарқи - ўрганувчилар тавсифи турлича эканлигидадир.

Кўпчилик ҳолатларда инсонлардаги малакалар ҳаракатни онгли автоматлашув асосида, ҳаракатни бажаришнинг автоматлашган компоненти - "онгли операция" сифатида ҳаракатларнинг операцияга айланиши асосида ҳосил бўлади. Унинг аҳамияти онгнинг ҳаракат таркибига кирувчи усул ва операцияларни бажариш устидан бевосита назорат қилиши билан белгиланади. У битта ҳаракатни бир хил шароитларда бир неча марта такрорлаб машқ қилиш орқали икки йўл билан амалга оширади: 1) махсус ташкил қилинадиган тор мақсадли машқлар ёрдамида; 2) ўрганувчидан турли малакаларни бирлаштиришни талаб қилувчи умумий тавсифдаги машқлар таркибида ўзлаштирилиши лозим бўлган ҳаракатни кўп марталаб киритиш йўли билан. Мисол учун тез ўқиш малакаси товушларни қўшиб талаффуз қилишга қаратилган машқлар тизимини бажариш ёрдамида ҳосил қилинади.

Аниқ ҳолатлар билан белгиланадиган, мақсад сифатида қабул қилувчи ҳар қандай малака (автоматлашган операция) А.Н.Леонтьев томонидан олға сурилган инсон фаолияти концепциясига кўра иккита ўзаро боғлиқ бўлмаган йўллар билан шаклланиши мумкин. Агар фаолият давомида ҳаракат алоҳида қисмларнинг битта мураккаб ҳаракатга бирикуви юзага келса, у ҳолда илгари мустақил бўлган (ўз мақсадларига йўналтирилган) алоҳида ҳаракатлар уни бажариш учун унда таркибий ўрин эгаллайди, яъни операцияга айланади. Бу "онгли операциялар" (малакалар) деб қабул қилинади. Бироқ, А.Н.Леонтьев фикрича, бир ҳаракатнинг иккинчисига ёки намойиш қилинадиган эталон операцияга ўхшатиш ҳолатига "бириктириш" билан белгиланувчи иккинчи йўли ҳам мавжуд. Онгли операциялар (малакалар) ҳаракатни бажариш шароитларига оддий кўникиш воситасида ҳосил бўлган операциялардан мослашувчанлик ва бошқарувчанликка эга бўлади.

Таълимда англаб олинган операциялар дастлаб мақсадга мувофиқ жараёни сифатида шаклланади, улар фақатгина кейинчалик автоматлашган малакага айланиши мумкин. Бунда ўрганувчининг олдига шундай мақсад қўйиш керакки, натижада берилган ҳаракат бошқа бир ҳаракатни бажариш усулига айланиб қолади. Илгари кичик мақсадларга йўналтирилган ташкил қилувчилар ҳаракатни бажариш жараёнида янги мураккаб мақсадга эришиш усулига айланиб қолиши лозим.


КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР ТАСНИФИ
КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР ТУРЛАРИ
Меҳнат кўникма
Амалий кўникма ва малакалар
Касбий кўникма ва малакалар
Умумфаолият кўникма ва малакалар
Умуммеҳнат кўникма ва малакалар
Умуммеҳнат кўникма ва малакалар
Политехник кўникма ва малакалар
Кўникма ва малакаларнинг ҳисқача тавсифи
Фаолиятни бевосита материалларни ўзгартириш кўникмаси асосида ташкил қилиш:
1.Ақлий кўникмалар.
2.Сенсор кўникмалар.
3.Ҳаракат кўникмалари.
Мавжуд моддий муҳитни бевосита ўзгартиришга йўналтирилган кўникма ва малакалар
Меҳнат ҳаракатлари бажаришнинг юқори сифатини ифодалайди.
1. Махсус кўникмалар.
2. Ишлаб чиқариш кўникмалари.
3. Касб бўйича назорат
Ишчи ҳолатини сақлаш, талаффуз, хусусият ва ҳоказолар
Ишни режалаштириш ва ташкил этиш, ўз-ўзини назорат ва ғ.к.
Конструкторлик.
2.Техник кўникмалар.
3.Ташкилий техника.
4.Тезкор назорат.
Чизмаларни бажариш ва ўқиш, технологик ҳисобларни амалга ошириш, технологик қурулмаларни ростлаш ва ҳ.к
Технологик обектлар ишлаб чиқариш жараёнининг умумий ва хусусий ҳолатлари тўғрисидаги билимларнинг Амалий қўлланиши.
Ақлий (ҳисоблаш ўлчов асбоблари) кўрсаткичларини қайд қилиш, метчикда белгилаш, чизмаларни ўқиш ва ҳ.к
Сенсор (чизмалаш двигател ишини товушига кўра кузатиш, кўриш эшитиш).
Ҳаракат (ҳаракат мақсадига эришиш турли объектларни бошқариш ва ҳ.к)
Меҳнат ва умуммеҳнат кўникма ва малакалар турлари таснифи
Конструкторлик техник
Ташкилий технологик. (мақсадни белгилаш, режалаштириш, меҳнатни ташкил эти шва назорат қилиш, касбга ўргатиш).
Операцио н назорат

4- шакл

Операция (малака) ларнинг ҳаракатга боғлиқлигидан ташқари, А.Н.Леонтьев ҳаракатлар шаклланишининг операция(малака)лар шаклланишидан тескари алоқасини уқтириб: "операциялар ривожланишининг етарлича юқори даражаси нисбатан мураккаброқ операцияларни бажариш имкониятини беради, бу мураккаб ҳаракатлар ўз навбатида янада янги ҳаракатларни келтириб чиқарувчи янги операцияларга замин тайёрлаши мумкин ва ҳ.к." деган фикрни билдиради. Чамаси бу боғлиқликни инобатга олиш педагогик фаолият соҳасида кўникма ва малакалар шаклланишини бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Малаканинг характерли жиҳати шундаки, машқлар ёрдамида ўзлаштирилган ва автоматлашган ҳаракат услублари нисбатан анча мустаҳкамлиги билан фарқланади. Бу жиҳат инсонларнинг кўплаб малакаларига тегишлидир (юриши, саломлашиши учун қўл узатиш), бунда бир операциянинг ўзи турли операцияларга жавобан амалга оширилади.

Турғунлик билан бир қаторда малакалар **мослашувчанлик** билан ҳам характерланади, яъни ҳаракат усулининг шароит ўзгаришига мос равишда ўзгариб боришдир (албатта маълум чегарада). Шу сабабли малакани қўллашда бу шароитлар қанчалик турли-туман бўлса у шунчалик мослашувчан бўлиб боради, ёки аксинча бир хиллик малакалар бир хиллигига олиб келади.

Малакалар (автоматлашган операциялар) инсон фаолиятининг барча турларида зарур бўлади. Малакаларни эгалламасдан туриб: меҳнат қуролларидан муваффақиятли фойдаланиш мумкин эмас, ҳисоблашларни амалга ошириб бўлмайди, илмий-бадиий адабиётларни ўқиб бўлмайди, санъат, спорт, илмий ёки ҳар қандай бошқа касбий фаолият билан шуғулланиб бўлмайди. Англанган операциялар (малакалар) айниқса ҳаракат тўхтовсиз ўзгариб турувчи шароитда амалга ошганда, ҳаракат усулини шошмасдан ўйлаб олиш мумкин бўлмаганда, ўзгарувчан шароитда тезкор ва аниқ ҳаракат қилиш талаб этилганда муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун бундай ҳолат педагогларда доимий ҳисобланади. Демак, худди мана шу ўринда мослашувчан ва бошқарувчан англанган операциялар талаб этилади.

Умуммеҳнат кўникмалари табиати тўғрисида муаммони ҳал қилишда биз кўникмалар деганда операция ва ҳаракатларнинг нисбатан мураккаб тизимини эгаллаш, инсон учун янги бўлган шароитларда қўллаш, фаолияти ўзлаштирилган билим ва малакалар асосида мақсадга мувофиқ ростлашни қабул қилувчи психологлар фикрларидан келиб чиқиб иш кўрдик.

Бу фикрларга Е.А.Милерян томонидан билдирилган: "умуммеҳнат кўникмалари политехник билим ва малакаларга асосланган ишчининг ўзгарувчан шароитларда ўзи учун янги бўлган меҳнат фаолиятида умумлашган, турли меҳнат шароитлари учун хос бўлган ишни бажаришга турли усул ва услублар ёрдамида эришиш қобилиятига айтилади" - деган сўзлари жуда яқин келади.

Бунда, физиологик нуқтаи назардан қараганда бир ёқдан илгари ҳосил қилинган даврий боғланишларнинг қўлланиши амалга ошади, иккинчидан у ёки бу даражадаги мураккаблигидаги комбинация ва қайта комбинациялашув амалга ошади. Масалаларни еча олиш кўникмалари, режа туза олиш, конспект ёзиш кўникмалари, ва ҳ.к., шунингдек меҳнат кўникмалари ҳам шулар қаторидадир.

Е.А.Милерянинг юқорида келтирилган фикрини шарҳлаб ўтиш лозим. Кўникмаларни инсон фаолиятида муваффақиятга тез ва осон эришишидан фарқлаш лозим. Бошқа жиҳатдан, фаолият техник жиҳатларни ривожлантиришга мос равишдаги қобилиятларни етарли даражада ривожлантирмасдан туриб эришиш мумкин эмас.

Кўникма асоси бўлиб нафақат мос равишдаги ҳаракат ва операциялар, балки бошқа фаолиятни амалга оширишда ўзлаштирилган билим ва малакалар ҳам хизмат қилиши мумкин. Ишчи, гарчи у ҳозирда ечилаётган вазифалар билан бевосита боғлиқ бўлмасада бу янги вазифаларни эгаллаган билим ва малакаларга асосланиб бажариши мумкин. Бизнинг фикримизча, манбаларда учрайдиган "дастлабки кўникма" атамасини ўрганилувчи аниқ ҳаракат моҳиятининг асл, такомиллашган кўникмалардан фарқ қилишини англатувчи атама сифатида шартли равишда қабул қилиш мумкин.

Шундай қилиб, индивидда кўникманинг мавжудлиги ҳар хил шароитларда уни қўллаш учун ҳаракатлар тизими (операцияларнинг) мавжудлигини билдиради. Албатта шу сабабга кўра кўникмаларда қўлланилувчи билимлар ҳам мослашувчанлик, кенглик, кўчирувчанликка эга бўлиши лозим, чунки улар турли шароитда қўлланилиши мумкин.

Малака шаклланишида қўлланиладиган билимлар нисбатан статик ҳисобланади. Улар қандайдир битта шароитда қўллашга мўлжалланган. Кўникма эса янги шароитларга мўлжалланган ва кўпчилик ҳолатларда тўпланган тажрибани оддий такрорлаб кўчириб эмас, балки ҳаракатларни (операцияларни) янги ўзгарган шароитларга кўчиришни англатади.

Кўникмалар шаклланишида ҳосил бўлувчи алоқалар мустаҳкамлиги бирламчи аҳамиятга эга бўлади (бошқача қилиб айтганда малака мукаммаллиги). Бу алоқалар асабларнинг жавоб реакциясини тезлаштиришга хизмат қилувчи жараёнларни қўзғалувчанлигини мустаҳкамлашда бўлгани каби машқлар ёрдамида амалга оширилади.

Ўз-ўзидан маълумки, кўникмалар тўла ўзлаштирилган автоматлашган операциялар асосида шаклланмайди. Агар шундай бўлганда эди, таълим жараёни мазмунсиз бўлиб, догма хусусиятига эга бўлиб қолар эди.

Инсоннинг ақлий ривожланиши у тўплаган ахборотлар, билимлари кўлами билан белгиланмайди. Қайси ўзлаштирилган ўқув материали ақлий ривожланишга сабаб бўлганлигини аниқлаш учун ўқув материали қандай ўзлаштирилганлиги, бунда қайси фикрлаш қобилиятлари ва қайси интеллектуал кўникмалар иштирок этганлигини билиш лозим. Талаба билимларни ўзлаштиришда қўллайдиган фикрлаши, кўникма ва усуллари,

интеллектуал кўникмалари, асосийси шакллантирилган операциялар (малакалар) тизими имкониятлари ва кўчирилиш кенглиги, яъни мос равишдаги ривожланиши кўрсаткичлари ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам таълим жараёнида талабаларга фақатгина билимларни эмас, балки мос равишдаги тўлақонли кўникмаларни ҳам шакллантириш талаб этилади.

Умуммеҳнат ва касбий малакаларни шакллантириш қуйидаги асосий босқичларда амалга оширилади (5-шакл):

- дастлабки босқичда малаканинг шаклланиши талабаларга ўзлаштиришлари лозим бўлган ҳаракатни бажариш тартиби тушунтирилади. Ҳаракатни бажариш усулини билиш уни тўлақонли бажаришни таъминлай олмаса-да, у малака шаклланиши учун зарур бўлади. Одатда, ҳаракатлар билан танишиш уни ўрганишга қадар, яъни, малака шакллангунга қадар амалга ошади. Лекин, ҳаракат вазифаси билан юзаки танишиш ва уни тавсифлаш малака шаклланиши учун етарли эмас. Ҳаракатларнинг бажарилишини ўқитувчи раҳбарлигида чуқур ва мустаҳкам ўзлаштириш лозим. Ҳаракатларга ўргатишнинг дастлабки босқичларида педагогнинг вазифаси ҳаракат тартибини тушунтириш, уларнинг амалий аҳамиятини кўрсатиш, талабалар билимларини тўлдириш, чуқурлаштириш ва тизимлаштириш билан, бошқача қилиб айтганда, унга машқлар тавсифи ва мақсади, қандай ўзлаштириш кераклиги тўғрисида аниқ билимлар бериш билан белгиланади;

- иккинчи босқич - малаканинг шаклланиши асосини ташкил этувчи қоидаларни шакллантириш ва билимларни ўзлаштириш, қайта тиклаш босқичи ҳисобланади;

- учинчи босқич - навбатдаги машқларни бажариш жараёнида турғунлашиб қолиши мумкин бўлган ҳаракатлар, бошланғич хатоларни бартараф қилувчи намуналарни намойиш қилишдир. Ўқитувчи у ёки бу ҳаракатларни қандай амалга ошириш лозимлиги, иш жараёнида талаба учрайдиган қийинчиликларни кўрсатиб беради;

- тўртинчи босқич - ҳаракатни амалий ўзлаштириш, малакани шакллантириш билан боғлиқ. Малака шаклланиши ҳаракатни бажариш усулини такомиллаштиришга қаратилган машқлар жараёнида амалга ошади. Бунда талаба онгли ҳолда қоидалардан фойдалана бошлайди. Бу ўринда айниқса ҳаракатларни таҳлил қилиш, хатоларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади;

- бешинчи босқич - мустақил ва тизимли бажариладиган машқлардан иборат бўлади. Бу машқларда мураккабликни ошириб бориш билан биргаликда уларнинг хилма-хиллигига эътибор берилади, шунга мувофиқ фаолият қизиқарли ва кўп ҳолларда ижодий тавсифга эга бўлади.

Малакалар шаклланишида машқларни вақт бўйича тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга. Узоқ вақт давомида узлуксиз бажариладиган машқлар натижаси толиқиш туфайли кутилмаган самарани бера олмаслиги мумкин.

Бундан келиб чиқадики, машқларни бошқа турдаги ишлар ва дам олиш билан алмаштириб олиб бориш мақсадга мувофиқ.

5- шакл

Машқлар самарадорлигига улар орасидаги танаффуслар ҳам се-зиларли таъсир қилади. Жуда чўзилиб кетадиган танаффуслар машқлар натижасини ёмонлаштиради ва уларга сарфланадиган вақтни кўпайтиради. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича машқларни қуйидагича тақсимлаш энг қулай ҳисобланади: таълим бошида тез-тез такрорлаш ва аста-секин улар оралиғини ошириб бориш.

Малакаларнинг шаклланиб бориш даражасини ҳаракатларни бажариш тезлиги ва аниқлигига кўра билиш мумкин. Бундан ташқари ҳаракат натижалари турғунлиги ҳам муҳим омил ҳисобланади. Юқори даражада шаклланган малакалар ҳаракатларни бажаришдаги алоҳида муваффақиятлар билан эмас, балки давомли равишда юқори натижаларга эришиб бориши билан белгиланади. Агар ҳаракатларни бажаришнинг яхши натижалари уни янги, янада мураккаброқ ҳаракатлар тизимига киритилганида ҳам сақланса, бу тўлақонли шаклланган малакадан далолат беради ва унинг шаклланганлигининг яна бир муҳим босқичи ҳисобланади.

13.3. Малакаларнинг кўчиши ва мослашувчанлиги хусусиятлари. Меҳнат таълими ва тарбияси муаммоси билан кенг жамоатчилик, жумладан, оилалар, мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари жамоаси шуғулланиб келмоқда. Бугунги кунда ўқитувчиларнинг педагогик ва психологик маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бунда нафақат ўқитувчиларни, балки шу билан бирга олий маълумотли ишлаб чиқариш таълими усталарини, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда маълум муваффақиятларга эришилмоқда.

Умуммеҳнат кўникма ва малакаларининг шаклланиши маълум меҳнат фаолияти таркибига кирувчи ҳаракатларни эгаллашнинг мураккаб мажмуий жараёни ҳисобланади. Уларнинг шаклланиши жараёнида шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, умумий ва касбий қобилиятлари, меҳнат фаолиятида талаб этиладиган ирода хислатлари, маънавий ва жисмоний сифатлари камол топади. Меҳнат кўникма ва малакаларининг эгалланиши ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқаришга асосланган ҳамда интеллектуал, сезги ҳаракат ва ирода хислатларини ўз таркибига олувчи фаол идрок этадиган жараён ҳисобланади. Кўникма ва малакаларни интеллектуал ва ижодий жараёнларга қарама-қарши қўйиб бўлмайди, уларни ўзаро боғлиқликда қараш лозим.

Бу омилларнинг барчасига умумтаълим мактабларида ҳам педагогика институтларида ҳам тўла амал қилиб бориш зарур. Меҳнат таълими дастурларида нафақат бажарувчилик малакалари, балки кенгроқ аҳамиятга эга бўлган меҳнатни режалаштириш ва ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш, ишдаги зиддиятларни бартараф қилиш каби малакаларни ҳам эгаллаш кўзда тутилмоғи лозим. Бу жараёнлар эса барча меҳнат турлари таркибига кирганлиги сабабли уларга мос келувчи кўникма ва малакалар умуммеҳнат аҳамиятига эга бўлади.

Умуммеҳнат кўникма ва малакалари талабаларнинг тарбияси ва ривожланишида муҳим ўрин тутади. Улар шахснинг фаоллик, мустақил фикрлаш каби сифатларининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда, ОЎЮ талабаларида умумеҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш зарурати ҳануз тан олинмай келинмоқда. Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими тизимига бағишланган баъзи тадқиқотларда талабалар шахсини ривожлантириш учун зарур бўлган кўникма ҳамда малакаларига етарли аҳамият берилмай келинаётир.

Умуммеҳнат тузилмалари аҳамиятига етарли эътибор бермаслик ижрочилик кўникма ва малакалари ҳиссасининг ҳаддан ташқари ортиб кетишига, меҳнат таълимининг интеллектуал мазмуни ва тарбиявий аҳамиятини сусайтиришга олиб келади. Касбий тавсифдаги махсус кўникма ва малакаларнинг аҳамияти пасайтирилгани эса меҳнатнинг ҳаддан ташқари интеллектуаллашиб кетиши ва талабаларнинг сезги, перцептив ва ҳаракатлари ривожланишига кам таъсир этишга олиб келади.

Шундай қилиб, умуммеҳнат кўникма ва малакалари политехник ва касбий аҳамият касб этади. Бу жиҳатларни эса меҳнат таълими мазмунини аниқлашда, унинг усул ва ташкилий шаклларини танлашда ҳисобга олиб бориш лозим.

Умуммеҳнат кўникма ва малакаларининг психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш ва амалий тажрибаларни умумлаштириш натижасида барча ҳолатлар учун унинг муваффақиятли ривожланиш шарт-шароитлари ишлаб чиқилган. Улар қаторига қуйидагилар киради: талабаларда ўрганилаётган касби ва ўқув машғулотларига ижобий муносабат ва қизиқишни тарбиялаш; ўқув ишларининг ўқув-услубий савияси; таълим услубларининг турли кўникма ва малакалар хусусиятларига мувофиқлиги; талабаларда уларни қўллай олиш кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги; йўриқноманинг самарадорлиги, машқларнинг етарли миқдорда ва юқори услубий савияда бўлиши, талаба ҳамда педагогларнинг фаолликлари.

Ўз ҳаракатларини такомиллаштириш усулларини топишга ҳаракат қилиш талабаларнинг малакаларни эгаллашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли, талабаларнинг фикрлаш фаоллигини оширишга хизмат қилувчи таълим усул ва услубларини қўллаш лозим бўлади. Талаба ишининг барча хусусиятларини ўқитувчи ўзи белгилайдиган ва бажарилишини талаб қиладиган меҳнат машғулотларида одатда юқори натижаларга эришилади.

Машғулотларни талаба ташаббускорлиги ва фикрлаш фаоллигини ривожлантирувчи қилиб тайёрлаш қийинроқ, бироқ бунда унга шароитларни мустақил фикрлаш асосида ечимини топишни талаб қилувчи масалалар таклиф этилади. Мураккаброқ масалаларни ечишга босқичма-босқич ўтилади, бироқ талабалар мустақиллигини дастлабки машғулотларданоқ фаоллаштириб бориши лозим. Меҳнат таълими амалиётига муаммоли услубларни тадбиқ қилиш ҳам юқори самара беради.

Умуммеҳнат кўникма ва малакаларнинг муваффақиятли шаклланиши шароитларини қараб чиқишда нафақат уларнинг мустаҳкам эгалланиши заруриятини балки малакалар мослашувчанлиги, яъни янги шароитларга малакани кўчира олиши ва ўзгарувчан шароитларга мослашишини таъминлашни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Маълумки, янги малакаларнинг шаклланишига талаба тўплаган тажрибаси катта таъсир кўрсатади. Тажриба қанчалик катта бўлса янги кўникма ва малакаларни эгаллаш осонлашади, янги иш шароитларига мослашиши тезлашади. Тўпланган тажрибанинг амалда қўлланилиш ҳолатларидан бири - малакаларнинг кўчиши, яъни илгари ҳосил қилинган малакаларнинг кейингиларини ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатишидир. Малакаларнинг кўчиши аввало иш усулларининг умумийлигига кўра, илгари ҳосил қилинган малакаларнинг янги шароитга кўчишида амалга ошади. Мисол учун, токарлик станогида ҳосил қилинган малакалар бошқа металлга ишлов берувчи станокларда ишлашга ўрганишни осонлаштиради.

Малакаларнинг ижобий таъсири одатда, кўз билан чамалаш, рангларни фарқлаш, иш маромини ҳис қилиш каби қобилиятлар ривожи билан боғлиқ бўлади. Бунда, ранглар ёрқинлигини фарқлаш қобилияти ривожланиш натижасида бир рангни бошқасидан ажрата билиш сезгиси бошқа шароитларга мисол учун бўёқ цехи лабораториясида махсус асбобларда ишлашга кўчирилади.

Малакалар кўчиришда қонуниятлар ва алоқаларни тушуниш ва умумлаштириш тўғрисида билимлар алоҳида аҳамият касб этади.

Замонавий шароитларда техника ва технологиялар жадал ривожланиб бориши ва ишлаб чиқаришнинг такомиллашиб бориши малакаларнинг қайта қурилиши заруратини ошириб бормоқда.

Ҳар бир маълум меҳнат турига, ҳар бир касбга ўзига хос кўникма ва малакалар мос келади. Аниқ меҳнат турлари сони жуда кўп бўлгани сабабли ўқув юрти талабаларини барча турдаги касбий кўникма ва малакалар билан қуроллантиришга қодир эмас. Бунга эҳтиёж ҳам мавжуд эмас. Малакалар кўчиш хусусиятига эга. Шунга мувофиқ илгари бир фаолият туридан ўзлаштирилган малака шунга ўхшаш бошқа фаолият турини ўзлаштиришни бир мунча осонлаштиради. Шу сабабли ўқув юрти талабаларини энг умумий ва типик фаолият турига оид кўникма ва малакалар билан қуроллантириши лозим. Малакаларнинг кўчиш шакли фаолият турларининг психологик тартиби, мазмуни ва амалга ошириш усуллари билан белгиланади. Мисол учун металлни арра ёрдамида қирқиш ва эговлашда унга мос босим бериш ҳаракати учрайди. Уларни бажаришда талаба ҳолати, асбобни тутиш ва ҳаракатларни назорат қилиш бир хил амалга оширилади.

Зубило билан қирқишда, парчалашда, тўғрилашда, эгишда, тоблашда зарбий ҳаракат асосий ҳисобланади, уларнинг барчасида асбобни тутиш гавда холати, ҳаракатларни умумий назорати бир хил бўлади. Шунингдек, бошқа кўплаб ҳаракатларни бажаришда ўхшашликлар мавжуд. Бу ўхшашликларни меҳнатдан дастурий мавзуларни ўрганишда ўқув йилида ва турли синфларда эътиборга олиш лозим бўлади.

Замонавий тараққий этаётган ишлаб чиқаришнинг илмий-техник асоси ишчиларнинг турли соҳалардаги меҳнатини янада яқинлаштириб боради. Шунга мувофиқ талабаларнинг ўқув юртидаги политехник таълими асосида ўзлаштирган кўникма ва малакаларини турли аниқ касбларга кўчиришга қулай имконият яратади.

Малакаларнинг кўчишида уларни ўзлаштиришнинг англанганлиги муҳим аҳамият касб этади. Маълум бир малакани ўзлаштиришда талаба нафақат мос равишдаги харакатларни, балки уни муваффақиятга олиб келувчи усул ва йўлларни ҳам ўзлаштиради. Кейинги фаолиятида у илгариги тажрибадан фойдаланишга, йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка интилади ва бунинг натижасида янги малакаларни ўзлаштиришни осонлаштиради.

Малакалар ўзгариб бориш хусусиятига эга: машқлар такрорлаб борилганда улар такомиллашиб боради, автоматизмга эришилади. Машқ узоқ вақт бажарилмаганида - унинг ноавтоматлашуви юз беради.

Ноавтоматлашув жараёни асосида мия пўстлоғида мушакларнинг тормозланиши ётади: агар ташқи кузатув мустаҳкамлаб борилмаса, унга хос бўлган боғланишлар сўниб боради ва жавоб реакцияси тормозланади. Мустаҳкам бўлмаган, такомиллашмаган малакаларга хос алоқалар тезда сўнади. Шу сабабдан ўқув юртидаги политехник таълим бериш жараёнида талабаларда мустаҳкам ва такомиллашган малакаларни шакллантириш лозим, бунда уларни амалий қўллаш даврига қадар сақланиши кўзда тутилади.

Малакаларни қайта қуришнинг аҳамияти ва масъулияти юқори-лигини эътиборга олиб меҳнат ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари: биринчидан, таълим жараёнида малакаларни қайта қуришни осонлаштирувчи шароитларни яратиш; иккинчидан, фаолият шароитлари ўзгаришида қайта қуриш имконини берувчи мослашувчан ишлаб чиқариш малакаларини шакллантиришлари лозим.

Вазифаларни тушуниб, ишларни бажаришнинг у ёки бу усулини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги таянувчи билимларга малакалар мослашувчанроқ ва қайта қуришга мойилроқ бўлади. Асосан такрорланувчи машқларни бажаришга асосланган, механик тавсифдаги малакаларнинг кўчиши ва қайта қурилиши қийинроқ бўлади, янги шароитларга қийинроқ кўчади.

Малакалар мослашувчанлигини таъминловчи иккинчи муҳим шарт - бу малаканинг ўзини турли шароитларда ўзлаштриш, турли масалаларни ҳал қилиш учун қўлланиладиган машқларни бажаришдан иборат бўлади. Бу машқлар стереотип машқлар таъсирини камайтириш учун бажарилади. Ҳаракатларни онгли фаол бошқариш, малакаларнинг умумий назорати остида ўзгариши малаканинг шаклланишидаги дастлабки босқичларга қайтишига олиб келади.

13.3. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш технологияси

Таълим-тарбия жараёнининг янгиланиши ва мазмунан ислоҳ қилиниши, фақат тизимни янгилашнигина эмас, уни амалга оширишда етакчилик вазифасини, ўқитувчининг ҳам янгича тайёрланиши ва шакллантирилишини талаб этади, ўқув-меъёрий ҳужжатлар (концепция, низомлар, таълим стандартлари ҳамда тараққиёт дастурлари ва бошқалар), ўқув-услубий мажмуа (ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дидактик материаллар тўплами ва бошқалар) янги авлодини яратиш ва амалиётга жорий этиш анчагина мураккаб, машаққатли жараён ҳисобланади. Албатта, таълим-тарбия жараёнининг зарур самарадорлигига эришиш учун ҳар бир фан соҳасида, ҳар бир таълим муассасасида, ҳар бир машғулотда зарурий

моддий, хом ашёвий, ўқув-услубий, техник-технологик таъминот амалга оширилмоғи лозим. Таълим жараёнини моддий техникавий, хом ашё таъминоти умумдавлат миқёсида амалга ошириладиган, ниҳоятда мураккаб, зарурий, кўп харажат талаб этадиган, аммо жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августида бўлиб ўтган I чақириқ XI сессиясида сўзлаган нутқида "Очиқ тан олиш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор. Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол ва вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак", - деб алоҳида уқтириб ўтди.

Бу ҳолнинг аҳамияти, моҳиятини чуқур таҳлил этар экан, Президентимиз И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш комиссияси аъзолари билан бўлган йиғилишда (1998 йил январ) «Биз учун энг муҳим, оғир масала бу таълим муассасаларининг моддий техник, таьминотидир», - деб таъкидлайди.

Албатта, таълим тизимининг ўқув-услубий ва моддий-техникавий, хом-ашё таъминоти алоҳида эьтиборга молик масалалардан бўлиб, илмий-назарий, педагогик-психологик, методик, иқтисодий, ҳатто ижтимоий хусусиятларга эга муаммо ҳисобланади.

Чунончи, биргина касб ва меҳнат таълими соҳасини олиб қарасак: таълимнинг турли босқичларида ўқув жараёнини самарали, маҳсулдор ташкил этиш учун турли ўйинчоқлар, қоғоз, картон, елимлар, бўёқлар, асбоблар, мосламалар, қурилмалар, хом ашё (ёғоч, металлар, металмаслар, газлама, пластмасса, шиша ва бошқалар), махсус бинолар (устахоналар, лабораториялар, шийпонлар, техникани сақлаш учун кўтарма айвонлар, омборлар ва бошқалар), дала майдонлари, машқ қилиш ва юмуш бажариш воситалари, тренажёрлар, ҳайдов ва синов майдонлари (полигонлар), технологик, операцияли,техник гувоҳномалар, меҳнат хавфсизлиги ва қонунчилик, санитария-гигиена қоидалари ва бошқалар талаб этилади.

Махсус иш кийимлари, ҳимоя воситалари, машиналар, ёқилғи, механизмлар, макетлар ва моделлар, таълим воситалари (қўзғалмас ва ҳаракатдаги, аудивизуал, босма, видео, товушли ва товушсиз, дастурли ва бошқалар) каби юзлаб номдаги ва мингдан зиёд турдаги жиҳозлар зарурдир. Ана шундай, таълимнинг сиртдан қараганда сезилмайдиган, аммо, муҳим ва жуда улкан кўламдаги моддий-техникавий, хом ашё таъминоти республикамизда ечимини кутаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Биз қуйида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида мақбул бўлган таълим воситаларига тўхталамиз:

I. Босма таълим воситалари. Босма таълим воситалари типография усулида ёки ўқитувчи, уста ва талабалар кучи билан тайёрланади. Иккинчи ҳолда кўпайтириш қўлда ёки «Эра», «Вега», «Canon» ва бошқа типдаги кўпайтириш қурилмаларида бажарилади.

Таълимнинг босма воситаларини ишлаб чиқиш бошқа таълим воситаларини ҳисобга олган ҳолда, структураси ва унинг қисқача мазмунини ёритилган режа-конспект ёзиш асосида амалга оширилиши лозим.

Ҳар қандай воситани қўллашда матн ва график маьлумотларнинг қулай нисбатини сақлаш лозим. Матнни тасвир билан алмаштириш имконияти бўлган ҳолларда, иккинчисидан кўпроқ фойдаланилади.

Графиклар ва матн ўз вазифалари доирасида қўлланиши, ортиқча ғализликка эга бўлмаслиги, шунингдек мавжуд стандартларга мос келиши лозим.

Чизма, тасвирлаш асосий воситаси бўлиб хизмат қиладиган ҳолларда уни схемалаштириш, фрагментларга ажратиш, иккинчи рангни қўллаш ёки алоҳида қисқача тушунтириш ёзувлари бериб борилади.

Таълим босма воситаларини қўллаш самарадорлигини ошириш учун уларнинг шакли, структура ва мазмунига боғлиқ ҳолда махсус талаблар ҳам қўйилади.

Таълим босма воситаларига ишчи дафтарлар, йўриқнома карталари ва тестларнинг киришини ҳисобга олиб, қуйида уларнинг ҳар бирига қўйиладиган махсус талаблар келтирилади:

Ишчи дафтарлар ёки босма асосли дафтарлар бир тарафдан мазмунан жавоблари эркин белгиланадиган тестларга, иккинчи тарафдан вазифасига кўра чизиқли таълим дастурига яқинроқ. Гап шундаки, ўргатувчи дастурлардан фарқли равишда ишчи дафтарларида берилган жавобнинг тўғрилигини тасдиқловчи тескари алоқа мавжуд бўлмайди. Жавоб матн, эскиз, схема, график ҳолида ёзма равишда берилади. Бундай ишчи дафтарлари ишлаб чиқилишига одатда дарслик, алгоритм, йўриқнома ёки йўриқнома технологик картаси матни асос қилиб олинади. Матн бўйича маълум вазифани бажаришда талаба ўз билимларини ижодий равишда тўлдириб бориш, ҳаракатнинг дастлабки тасаввурларини шаклантириб бориш имкониятига эга бўлади. Бундай дафтарларнинг мустақил ёзма ишлардан фарқи шундаки, уларда жавоблар стандартлаштирилганлиги сабабли натижаларни текшириб кўришга ҳам вақт сарфланади. Ўқув карталари мазмуни тайёр эмас, балки энди шакллантирилиши, ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлардан иборат. Шу сабабли ўқув амалий ва касбий-амалий вазифаларни фарқлаш лозим. Улар шакли мазмунига кўра мос, лекин вазифасига кўра эмас. Йўналтирувчи асосни ташкил этувчи биринчи вазифани бажаришда улар эндигина шаклланиб бошлайди, иккинчисини бажаришда улар шаклланган ҳисобланади ва кўникманинг йўналтирувчи асосий вазифасини ўтайди. Мисол тариқасида ўқув картаси лавҳасини келтирамиз.

Ўқув картаси N__

Мавзу: Ташқи цилиндрик юзаларни эговлаш.

Топшириқ. Цилиндрик патронда, қўлда узатиш воситасида эговлаш.

1-топшириқ таҳлили.

Мақсад: Буюм тайёрлаш - Цилиндр:

- ташқи диаметри.....
- узунлиги.....
- аниқлик класси.....
- ишлов бериш тозалиги.....
- материал.....

Буюм: Заготовка – тавсифномасининг таҳлили:

Фаолият 1. Заготовка ва буюм ўлчамларини таққослаш ва олинадиган қатлам катталигини аниқлаш:

- диаметрдан олинадиган катталик.....
- узунликдан олинадиган катталик.....

2 . Заготовкада брак йўқлигини текшириш:

ёриқлар, ўйиқлар, чуқурлар.....

шакл деформацияси.....

Фаолият воситалари.

А - 281 токарлик станоги. Кесиш режими ва ўтишлар сонини (формула бўйича) аниқлаш:

кесиш тезлиги.....……

шпиндел айланиш тезлиги.……

лимб бўлинишларида кесиш чуқурлиги (мм)

ўтишлар сони……

Кесувчи асбоб. Унинг характеристикаси тури…

геометрияси……

материали……

Ўлчов асбоби. Унинг характеристикаси номи…

Фаолият таркиби (режаси)

Вазифани бажаришга тайёргарлик: кесувчи станокниишга тайёрлаш, заготовкани маҳкамлаш.

Технологик жараённи бажариш:

- диаметр дастлабки ўлчамини олиш;
- берилган ўлчамни олиш……

Буюм (маҳсулот) сифатини таҳлил қилиш.

Қуйида охирги 3 пункт мазмунини ўрганувчилар буюмни тайёрлаш давомида бажариши лозим бўлган назорат турлари кўрсатилган ҳолда очиб берилади.

Мисолдан кўриниб турибдики картанинг биринчи қисми йўналтирувчи асосларни, иккинчи қисми эса дастлабки ҳаракат тасаввурлари асосида кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган. Амалий таълим машғулотларида ўргатувчи дастурлар сифатида алгоритмлар, йўриқномалар,

йўриқнома-технологик карталар қўлланилади. Бу таълим воситаларини қўллаш талабаларнинг касбий малака ва кўникмаларини шакллантириш бўйича мустақил ишларини ташкил этишдан иборат бўлади. Алгоритмлар, йўриқнома-технологик карталар талабалар фаолиятидаги йўналтирувчи асосларни ҳосил қилиш ва таълимда ўз-ўзини назорат даражасида бошқариш асосларини яратиш имкониятини беради.

Алгоритмлар - маълум ҳаракатларни бажаришнинг шакллантирилган тартиби.

Алгоритм шаклидаги маълумот талабаларда ақлий ва жисмоний меҳнат малакаларининг шаклланишида уларнинг мустақил ишларига раҳбарлик ва ўзлаштириш учун вақт сарфининг камайишини таъминлайди. Алгоритмлар, умумий синфга оид масалаларни ечишга мўлжалланган ҳамда маълум вазифани ечишда аниқ натижа берувчи хусусий бўлиши мумкин.

Биринчи типдаги алгоритмларни қўллашда талабалар барча ҳолларда уларда мавжуд бўлган умумий билимларнинг трансформацияси масаласига дуч келадилар. Фаолиятнинг бу тури ҳамма вақт масалани ҳал қилиш учун назарий асос топиш имконини берадиган аниқ тушунчалардан абстракт тушунчаларга ўтиш жараёни билан биргаликда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш таълими машғулотларида алгоритм ёрдамида асбобларни ростлаш, электр ва радио занжирлардаги носозликларни топиш, станоклар тузилишини ўрганиш каби малакалар шакллантирилади.

Уста (инструктор) алгоритмдан нафақат фронтал таълимда, балки индивидуал машғулотни ташкил қилишда ҳам фойдаланиши мумкин. У талабалар фаолияти учун яхши йўналтирувчи асос ҳосил қилади, бу билан устага ўқув жараёнини бошқаришга ёрдам беради: у талабаларни ортиқча синов ва хатоликлардан сақлаб, улар фаолиятини оптимал йўналишга солиб туради. Шундай қилиб алгоритмнинг характерли жиҳати унинг педагогик йўналтирилганлигидадир.

Алгоритмларда:

- талабалар конструктив - ижодий фаолияти асосий босқичлари акс эттирилади;
- ҳар бир кўрсатма имкон даражасида содда бўлиши лозим;
- масаланинг характери ва мураккаблик даражасига боғлиқ ҳолда кўрсатмалар миқдори турлича бўлиши мумкин.

Алгоритмлар чизиқли ва тармоқланган схема бўйича тузилади ҳамда бир қисмдан иккинчисига ўтиш кўрсатилган блоклар кўринишида ифодаланади:

- **йўриқномалар** - кўрсатмалар бўлиб, уларнинг ёрдамида талабалар қурилма тузилиши ёки қандайдир объект ишини мустақил ўрганишлари мумкин:
- **йўриқномалар** - лаборатория ишларини бажариш, ишлаб чиқариш таълими машғулотлари, тренажёрларда машқ бажариш ва саноат жиҳозлари билан иш бажаришда қўлланилади.

Йўриқномада маълумотлар шундай ташкил қилинмоғи лозимки, улар ёрдамида талаба ўзгалар ёрдамисиз қурилма асосий қисмлари билан танишиш, ишларнинг маьлум кетма-кетлиги ва уни йиғиш, ишга тушириш ва тўхтатиш, иш маромини ростлаш каби вазифаларни бажара оладиган бўлсин.

Амалий ишлар ҳажми ва касбнинг оммавийлигига боғлиқ ҳолда йўриқномалар тўпламини нашр қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар дастурда фақат бир нечтагина ишни бажариш кўзда тутилган бўлса йўриқномалар дарсликнинг ўзида жойлаштирилиши мумкин. Тўплам структураси маълум даражада дарслик структурасига мос бўлиши лозим, барча амалий ишлар бўлимлар, боблар ва мавзулар бўйича тақсимланиши лозим. Уларнинг сони кам бўлган ҳолда ишлар номини айтиб ўтиш билан кифояланиш мумкин.

Ҳар бир йўриқномада қуйидагилар ёритилиши лозим:

- амалий иш рақами ва номи;
- унинг мақсади;
- жиҳозлар ва материаллар;
- ушбу мавзу бўйича асосий назарий маълумотлар;
- бажариш тартиби (алгоритми);
- ҳисобот шакли;
- назорат саволлари;
- матн расмлар, схемалар, графиклар ва ҳоказолар билан тўлдирилиши мумкин, ҳисоботни расмийлаштиришда турли жадваллардан фойдаланилади. Назорат саволлари билан бирга очиқ ва ёпиқ тестларни ҳам қўллаш мумкин. Уларни ҳар бир йўриқноманинг бошланишида жойлаштириш мумкин. Бу ўқитувчи(уста)га ҳар бир талаба билимини уни ишга туширишдан илгари тезкор аниқлаш имкониятини беради.

Амалий иш номи ва унинг ҳар бир қисми асосий матн шрифтида ажралиб турадиган қилиб бажарилиши лозим. Луғат ва мундарижа тўплам сўнггида берилади. Юқорида айтилганлар марказлаштирилган ҳолда нашр қилинувчи тўпламларга тааллуқли бўлиб, мустақил ишлаб чиқиладиган йўриқномаларга ҳам шу талаблар қўйилади, бироқ улар тўпламга киритилмайди. Зарур миқдордаги нусхаларни тайёрлаб, алоҳида жилдларда сақлаш тавсия этилади.

Йўриқномалар сифатини талабаларда у ёки бу амалий ишни бажаришда туғиладиган савол ёки муаммолар ҳосил бўлиш миқдори билан аниқлаш мумкин.

Йўриқнома-технологик карталар - устахона ёки ишлаб чиқариш шароитида ишларни операциялар бўйича бажаришга кўрсатма. Тўғри тузилган йўриқнома-технологик карталар талабалар фаолиятини йўналтирувчи асосларини ҳосил қилади, ишлаб чиқариш топшириғини бажаришда билимларни онгли равишда қўллаш ва уни бажариш сифатини объектив текшириш имкониятини беради. Йўриқнома-технологик

карталарида ҳам маълумотлар йўриқномалардаги каби матн, расм, схема ва чизиқлар воситасида берилади.

Йўриқнома-технологик карталари қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- ҳаракат, сезги ҳамда интеллектуал малака ва кўникмаларни шакллантириш, амалий фаолиятнинг қулай мароми ва суръатини ҳосил қилиш янада самарали ишлаб чиқариш меҳнати усуллари ва уни ташкил қилишнинг юқори даражасини яратиш имконини бериш;
- малакали мутахассис меҳнат фаолиятининг ўқув жараёни ҳақиқий шароитларини ҳисобга олган ҳолдаги таҳлилига асосланган мазмунга эга бўлиши;
- эгалланган малака ва кўникмаларнинг амалга ошириладиган ҳаракатлар мувофиқлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш таълимининг икки жиҳати: зарур натижага эришиш учун нимани ва қандай кетма-кетликда бажарилишини белгиловчи-технологик ва уни амалга оширишни ўргатувчи-ўқув жараёнини ифодаловчи мазмунга эга бўлиши;
- зарур материаллар, асбоблар, мосламалар, жиҳозлар, меҳнат жараёнини амалга оширишнинг операциялар бўйича усуллари, ёрдамчи ҳаракатлар, меъёрий технологик ҳужжатлар ва қўшимча маълумотлар манбаи тўғрисидаги материалларга эга бўлиши;
- тавсия этилаётган ҳаракатларни асословчи маълумотлар, мавжуд қийинчиликлар ва йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар, уларни огоҳлантириш ва йўналтириш усуллари ҳақидаги маълумотлар берилиши.

Умумий касбий усуллар, шунингдек меҳнатни, иш жойини ташкил қилиш бўйича умумий кўрсатмалар, хавфсизлик техникаси қоидалари махсус йўриқнома-технологик карталарга киритилади.

Йўриқнома-технологик карталарни тузишда меҳнат ҳаракатларини, усулларини ва ўтишларини бажаришнинг тўғрилиги мезонлари кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишни ташкил этишга алоҳида эҳтибор қаратиш лозим. Битта мутахассислик учун тузилган йўриқнома жараёнлар, шунингдек мутахассисни тайёрлаш мазмунини ташкил қилувчи комплекс характердаги ишлар тавсифини ўз ичига олади. Бу ҳужжатларнинг тузилиши ва мазмуни касбий малака, кўникма ва билимлар шаклланиш босқичларига мос бўлиши талаб этилади.

Йўриқнома-технологик карталарда тасвирий образлар, йўналтирувчи аниқ тизим ва матнлар воситасида меҳнат жараёнининг асосий ташкилий қисмлари очиб берилиши лозим, шу сабабли уларда иш ҳолатлари, асбобни тутиш, қўлда бажариладиган операцияларнинг алоҳида элементлари тасвири ва мураккаб операциялар учун оддий алгоритмик тавсифлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Уларда комплекс характердаги ишларни бажаришдаги конкрет технологик жараёнларнинг алоҳида меҳнат усуллари ва операцияларини мувофиқлаштириш йўллари очиб берилиши лозим. Бунда аниқлик, тезлик ва

ҳоказоларни оширувчи услубларга асосий эътиборни қаратиш зарур. Мазкур босқичда назорат буюм ёки маҳсулотга қўйиладиган техник асосда амалга оширилиши муҳим.

Таълим босқичига боғлиқ ҳолда йўриқнома-технологик карталарида ишлаб чиқариш ҳолатида бажариладиган ҳаракатлар тўғрисида умумий тасаввурларни шакллантирувчи нисбатан мураккаброқ алгоритмларни кенгроқ қўллаш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълимининг якунловчи босқичида йўриқнома-технологик картаси шакли ва мазмуни кўпроқ ишлаб чиқариш технологик жараёни шароитларига бўйсиндириб борилади. Уларда талабаларнинг мустақиллигини оширувчи шароитлар яратиш ҳамда ҳаракатларни қатьий белгилаш жараёнида босқичма-босқич жиҳозларни, мосламаларни, иш тартиби ва асбобларни эркин танлаш имконини берадиган муаммоли ҳолатларни ҳосил қилиш кўзда тутилиши лозим. Бундай карталар мазмуни режалаштириш, технологик жараёнлар, меъёрлар, вақт ҳисоби, иш тартибини асослаш, хатоликларни топиш алгоритмлари тузиш бўйича маълумотларга эга бўлиши керак.

Тестлар. Назорат дастурлари (тестлар) топшириқларнинг алоҳида тури бўлиб, унда назарий ва амалий таълим жараёнида билимларнинг ўзлаштирилишини, малака ва кўникмаларни шакллантирилишини гуруҳлар бўйича тезкор назорат қилиш, ички ва ташқи қайтар алоқани ўрнатиш имконияти туғилади, шу асосда ўқитувчи (уста) ва талабалар таълим жараёнини бошқариш функциясини амалга оширадилар. В.П.Беспалько ўзининг охирги ишларидан бирида у ёки бу материални ўзлаштиришда билим, малака ва кўникмаларга мувофиқ тестлар классификациясини таклиф қилган. Ўзлаштириладиган материал таҳлили асосида у тўртта даражани ажратиш имконини берган.

Биринчи даражали тестлар - талабалар кўникмаларини текшириб, уларнинг фақатгина берилган маълумотларни қайта намойиш этишида тайёр савол ва жавоблардан тўғри фойдаланилганлиги аниқланади. Биринчи даражали тестларга В.П.Беспалько таниб олиш («тўғри-нотўғри» туридаги жавобни талаб қилувчи машқлар), фарқлаш (таклиф этилаётган жавоблар қаторидан тўғрисини танлаш) ва классификация тестларини киритади. Қуйида биринчи даражали тестларга намуна келтирамиз.

1-тест.

Таълим мақсади: диапроектордаги кадр ҳолатини ва ундан фойдаланишнинг оптимал шароитларини аниқлаш.

Экранда объектнинг тўғри тасвирини ҳосил қилиш учун диапроектордаги кадр … бўлиши керак.

а) тўғри; б) ағдарилган.

Диапроектор нури кучсиз бўлганда хона ёритилганлиги… бўлмоғи лозим

а) максимал; б) минимал.

Диапроектор экранга қанчалик яқин бўлса, тасвир ёрқинлиги шунчалик…

а) катта; б) кичик.

Диапроектор тўғри ростланганда тасвирнинг ҳар бир элементи … партадан кўринмоғи лозим.

а) биринчи; б) охирги.

Диапроектор экранга қанчалик яқин бўлса, ундаги тасвирлар ўлчами шунчалик …

а) катта; б) кичик.

Тестни баҳолаш бўйича кўрсатма: тўғри жавоблар б) пунктида берилган. Машқни бундай тузишнинг қулайлиги баҳолашнинг соддалигидадир, чунки тўғри жавоб олдиндан белгилаб қўйилган. Бундай машқларни ечиш учун вақт талаб қилинади. Камчилиги шундаки, 50 имконият билан дарсни ўзлаштирмаган талаба ҳам тўғри жавоб бериши мумкин. Бундай ҳолатни камайтириш мақсадида тестда 10 тадан 12 тагача бир турдаги машқлар берилиши лозим.

2-тест

Таълим мақсади: грейфер механизми ва товуш блоки вазифасини аниқлаш.

Грейфер механизмининг, вазифаси шундан иборат: у …

а) фильмонусханинг фильм каналидаги ҳаракатини таъминлайди;

б) проекцияланадиган кадр ҳолатини фокаль текислигида тутиб туради;

в) фильмонусхани фильм каналида узлуксиз ҳаракатини таъминлайди;

г) фильмонусханинг бир текис ҳаракатини таъминлайди.

«Украина-5» кинопроектори товуш блоки … учун мўлжалланган

а) оптик фонограммани ўқиш;

б) магнит фонограммани ўқиш;

в) фонограммани ўқиш ва фильмонусханинг бир текис силжишини таъминлаш;

г) оптик ва магнит фонограммани ўқиш.

Тестни баҳолаш бўйича кўрсатма: тўғри жавоблар: биринчи саволда г, икинчи саволда в.

Намунадан кўриниб турибдики ҳар бир саволга 3-4 та турда жавоб бериш мумкин бўлиб, улардан фақат биттаси тўғри. Бунда тўғри жавобни тасодифан топиш имконияти 25 % гача камаяди.

Тестдаги жавоблар сонининг ортиб бориши тўғри жавобни тасодифан топиш имкониятини камайтириб боради. Бундан ташқари тасвирланган объект алоҳида қисмлари /ташкил этувчилари/ позициясини топиш керак бўладиган машқлар ҳам юқорида кўрсатилган типдаги тестларга киради. Бундай машқларни тузиш ва текшириш нисбатан осон.

3-тест

Таълим мақсади: талабаларнинг ҳозирги пайтда мавжуд бўлган проекцион аппаратлар тўғрисидаги билимларини аниқлаш:

Келтирилган проекцион аппаратларни кўрсатилган қаторлардаги рақами бўйича гуруҳларга ажратинг:

1. «Свет»	5.«Украина»	9. «Квант»	13. «Луч»
2. «Каштан»	6. «Горизонт»	10. «Школьник»	14. «Протон»
3. «РУСЬ»	7. «Радуга»	11. «Свитязь»	15. «Лектор-600»
4. «ЛЭТИ»	8. «Альфа»	12. «Волна»	16. «Пеленг»

диапроекторлар:……

кинопроекторлар:……

Шу усулда 16 ва 18 мм.ли кинофильмларни намойиш қилишга мўлжалланган кинопроекторларни тақсимланг.

16 мм.ли фильмларни намойиш қилувчи кинопроекторлар ……

18 мм.ли фильмларни намойиш қилувчи кинопроекторлар……

Тестни баҳолаш учун кўрсатма: қуйидаги жавоблар тўғри ҳисобланади:

диапроекторлар: 1, 4, 6, 8, 11, 14, 15, 16;

кинопроекторлар: 2, 3, 5, 7, 9, 10, 12, 13;

16 мм.ли фильм учун кинопроекторлар: 2, 5, 6, 10

18 мм.ли фильм учун кинопроекторлар: 3, 9, 12, 13

Кўпчилик ҳолларда классификациялашга оид топшириқли тестлар объектларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда тузилади. Бу топшириқ шундай тузиладики, тушунчалар гуруҳини талаба икки ёки ундан ортиқ категорияларга ажратиши лозим бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир тушунча учун талаба икки ёки ундан ортиқ тушунчалар орасидан биттасини танлайди. Тестларни текширишни тезлаштириш учун барча объектлар сон ёки ҳарфлар билан белгилаб олинади.

Иккинчи даражали тестлар - талабаларда маълумотларни кўрсатмаларсиз аниқлаш кўникмаларини шакллантириш учун мўлжалланган. Шунга мувофиқ В.П.Беспалько қуйидаги типдаги иккинчи даражали тестларни кўрсатади: алмаштириш; конструктив; типовой.

Биз ўзимиз бунга йўл қўйилган хатоликларни топиш ва қайта гуруҳлашга оид тестларни қўшамиз.

1-тест

Таълим мақсади: талабаларнинг ўзлаштирилган атамалар мазмунини билишини аниқлаш.

Алгоритм бу ……

Тестни баҳолаш бўйича кўрсатма: …… ҳаракатларни бажариш тартиби.

2-тест

Таълим мақсади: талабаларнинг ички тескари алоқали тренажёр тузилиши ва блоклари орасидаги асосий алоқаларни билишини аниқлаш.

Топшириқ: ички тескари алоқали тренажёрнинг структурали схемасини тасвирланг.

Тестни баҳолаш бўйича кўрсатма: тренажёр структураси схемаси.

3-тест

Таълим мақсади: талабаларнинг кесиш режимлари формулаларини билишини аниқлаш.

Топшириқ: Бир ўтишда детални йўнишдаги кесиш режими элементларини аниқланг, бунда Дҳ18 мм, Аҳ100 мм, П-1200 айл/мин ва 2 минҳ600 мм.

Тестни баҳолаш бўйича кўрсатма: ҳ 2 мм, ҳ 75,5 м/мин, ҳ0,2 мм/об.

Таълим мақсади: Талабаларнинг кинематография жараёни асосий тушунчалари тўғрисидаги билимини аниқлаш.

Кино намойиш этиш юзасидан имтиҳон топшираётган талаба қуйидагича жавоб берди:

Кинематография биринчи марта 1905 йилда Францияда ака- ука Люмпьерлар томонидан ихтиро қилинган.

Экрандаги узлуксиз ҳаракат тўғрисидаги тасаввур ассоциатив хотира ва кўриш хотираси орқали ҳосил қилинади.

Кадр ойнасида фильм секундига 24 кадр тезликда ҳаракат қилади.

Экрандаги тасвирни намойиш қилишда унинг аниқлигини таъминлаш учун грейфер деб аталувчи махсус қурилмадан фойдаланилади.

Алоҳида кадрларнинг алмашиниш тезлиги кинопроекция частотаси деб аталади.

Фикрларни яна бир марта диққат билан ўқиб, уларнинг қайси бирида хатога йўл қўйилганлигини кўрсатинг.

Тестни баҳолаш учун кўрсатма: 1, 2 ва 4.

Бундай типдаги тестлар мазмунини ишлаб чиқишда нотўғри жавоблар сони эркин белгиланади.

5-тест

Таълим мақсади: кинопроекторни тўғри ишга тушира олишни текшириш.

Қуйида келтирилган қаторлардан «Украина-5» кинопроекторини ишга тушириш учун тўғри бўлган тартибини кўрсатинг.

Чап қўл билан моторни ишга тушириш;

Экрандаги тасвир аниқлигини ўрнатиш;

Переключателни «Проекция» ҳолатига ўтказиш.

Переключательни «Электродвигатель» ҳолатига ўтказиш.

Қўлни мотордан секин олиш.

Кинопроектор қўйидаги кетма-кетликда ишга туширилади. Тестни баҳолаш учун кўрсатма: тўғри ҳаракатлар қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: 1, 4, 5, 3, 2.

Бу тестлар мазмуни одатда меҳнат ва технологик жараёнларни ўрганишга қаратилган. Алоҳида операцияларни бажариш бўйича кўрсатмалар одатда меъёрланиб, бироқ бажарилиш тартиби бузиб келтирилади. Бунда вазифа қўйилган мақсадга эришиш учун лозим бўлган кетма-кетликни аниқлашдан иборат бўлади.

Келтирилган намунадан англанадики, фаолиятнинг ўзлаштирилган алгоритмини ўзгартирмасдан ечиш мумкин бўлган тестлар типовой ҳисобланади. Агар ўзлаштирилган услубни олдиндан ўзгартириб

топшириқдаги вазиятга мослаш керак бўлса эвристик фаолият билан иш кўрилади ва бунда топшириқ типовой бўлмайди, яъни учинчи даражали тест ҳисобланади. Уларга мисол қилиб йўл ҳаракати қоидаларини моделлаштирувчи тестларни олиш мумкин.

Тўртинчи даражали тестлар талабанинг ижодий кўникмаларини, унинг берилгани фан тармоғи учун янги бўлган маълумотни топа билишдаги тадқиқотчилик имкониятларини аниқлайди. Бундай тестлар сифатида ечиш алгоритми номаълум бўлган муаммо - топшириқлардан фойдаланилади. Бу турдаги тестлар учун тайёр эталон мавжуд бўлмайди, талабаларнинг топган ечими сифатини фақатгина тегишли экспертлар гуруҳигина баҳолаши мумкин.

Ўқув материалини турли даражада ўзлаштирилишини назорат қилишда қўлланиладиган тестлар мазмунининг таҳлили уларнинг биринчи учтасига нисбатан қуйидаги талабларни шакллантиради:

- тест таркибига маълум билимлар асосидаги, шунингдек, муаммоли характердаги топшириқларнинг киритилиши;

-тестлар мазмунини ишлаб чиқишда бир хилликка йўл қўймаслик;

- далилларни классификациялашга йўналтирилган ғояларга мувофиқ талабаларнинг ўқув материаллини пухта таҳлил қилишини таъминлаш;

- далилларни тизимлаш, ўрганилаётган объектдаги умумийлик ва алоҳидалик жараёнлар моҳиятини аниқлашни талаб қиладиган сабаб ва оқибат боғлиқлигини ифодаловчи топшириқларга эътиборни қаратиш;

- мураккаб топшириқларни бир нечта оддийларига ажратиш;

- топшириқ мураккаблиги уни бажариш учун талаба амалга ошириши лозим бўлган операциялар сони билан белгиланади;

- жавобларни эркин шакллантиришни талаб қилувчи топшириқли тестларни имкони борича камроқ қўллаган маъқул;

- эркин танланадиган жавобли топшириқларни компьютерлар воситасида қўллаш мақсадга мувофиқ;

- «тўғри - нотўғри» жавобли тестларни ишлаб чиқишда тўғри ва нотўғри фикрлашлар тизимидан иборат бир турдаги бир нечта топшириқларни киритиш;

- жавоблари танланадиган топшириқлардаги жавоблар сони 4 тадан ортиқ бўлмаслиги;

- тест саволларига жавоблар шаклига ва ҳажмига кўра, бир - биридан кескин фарқ қилмаслиги;

- нотўғри жавобларни типик хатолар асосида келтириш (улар орасида етарлича бўлмаган ёки ортиқча маълумотга эга бўлган жавоблар бўлиши мумкин);

- тўғри жавобни топиш имкониятини камайтириш учун «билмайман» шаклидаги жавобни ҳам келтириш мумкин;

- агар жавоблар ичида 203 та тўғри жавоблар берилган ҳолда тўрттадан ортиқ жавобли тестлар тузишга рухсат этилади;

- классификациялашга оид топшириқли тестлар асосий мазмуни объектни ўрганишга оид маълумотлар асосида қурилиши мумкин;

- қайта гуруҳлашга оид тестларда меҳнат ва технологик жараёнларни ўрганишга оид маълумотлар берилиши лозим;

- бир неча топшириқли тестларда, топшириқлар рақамлар билан, жавоблар эса ҳарфлар билан белгиланади.

Экранли таълим воситалари. Экранли таълим воситалари талабаларда системали, мустаҳкам билим, малака ва кўникмаларни назарий ва амалий машғулотларда шакллантиришига хизмат қилади.

Экран воситасида бериладиган маълумотлар илмий асосланган фан янгиликларига, ишлаб чиқариш техника технологиясига мос бўлиши, ўз асосида истиқболли технология ва меҳнатни ташкил қилиш элементларига эга бўлмоғи лозим.

Экран воситалари ёрдамида маълумотларни узатиш дедуктив ва индуктив усулларда амалга оширилиши мумкин. Экран воситалари талабаларни илмий билиш, усул, йўллари ва касбий маҳоратни ошириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништиришига хизмат қилади.

Таълим воситаларида мавжуд бўлган маълумотлар мазмуни, ҳажми ва қамрови махсус, умумтехник, умумтаълим фанлари ўқув дастурларига, талабалар тайёргарлик даражасига мос бўлиши ҳамда амалиётни назария билан боғлашни таъминлаши лозим.

Экранли таълим воситаларини тайёрлашда уларнинг ўқув дастуридаги ўрнини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Назарий ва амалий таълим машғулотлари учун вазифасига боғлиқ ҳолда шакли ва мазмуни бўйича турлича таълим воситаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Экранли таълим воситалари нафақат ўқув машғулотлари ёки кўргазмали восита сифатида, балки талабаларга педагогик таъсир ва уларнинг билиш фаолиятини бошқариш воситаси сифатида ҳам яратилади. У ёки бу экран воситасининг яратилиши дидактик жиҳатдан асосланган бўлиши ҳамда нисбатан арзон ва содда, анъанавий воситалар кутилган натижани бера олмайдиган ҳолларда қўлланилади. Экран воситасини яратишда дастурнинг берилган қисмини ўрганишда қўлланиладиган бошқа воситалар билан унинг алоқасини таъминлаш зарур.

Экран воситаси материали мантиқий кетма-кетликда, қизиқарли ва жонли шаклда берилишига эътибор қаратилади. Ўқув материалини баён қилишни қисмларга бўлиб, оддийдан мураккабга томон, талабага тушунарли шаклда амалга ошириш лозим. Суратга олиш, композиция ва тасвир монтажи ўқув материалини аниқ қабул қилиш ва тушунишни таъминлайди.

Экран воситаси мазмунига ўқув мавзусига алоқаси бўлмаган материалларни киритиш тавсия этилмайди. Проекция учун мўлжалланган кадрлар мавзуга оид бўлмаган ортиқча объект ва буюмларга эга бўлмаслиги керак. Агар кадрга ўрганилаётган объектдан ажралмайдиган ҳолдаги кадрлар

мавжуд бўлса, уларнинг белгиланишини тушунтириб ўтилади. Талабаларга намойиш қилишда бирорта ҳам кадр тушунтирилмасдан қолмаслиги алоҳида эътиборга олинади.

Экран таълим воситаларини танлашда янги тушунчалар учун асос бўладиган талабалардаги ўзлаштирилган тажриба ва билимлар ҳисобга олиниши зарур.

Экран воситаларининг асосий ташкил этувчиси тасвирлар қатори бўлиб, уни тушуниш ва қабул қилишда товуш қатори ва субтитр муҳим рол ўйнайди. Бу иккала қатор бир-бири билан боғланган бўлиши ва бир-бирини тўлдиради.

Рангли экран воситаларидан у дидактик аҳамиятга эга бўлгандагина фойдаланилади. Экран воситалари санитария-гигиена талаб ва меъёрларига жавоб бериши, тасвир сифати қоронғулаштирилган хонада унинг бутун гуруҳ ёки босқич талабалари томонидан аниқ ва тўла қабул қилишига мослаштирилган бўлмоғи лозим.

Намойиш қилиш учун материалларни танлашда эътиборни кўпроқ йирик ва ўрта планли тасвирларга қаратиш муҳим. Проекция экранида бир вақтда намойиш этилувчи объектлар 5-7 тадан, бир вақтда трансформацияланувчи ва экранда ҳаракатланувчи объектлар сони 5 тадан ошмаслиги талаб этилади.

Матндаги алоҳида сўзлар ва сўзлар бирикмаларини ажратиб кўрсатиш мақсадида курсив, қатор ташлаб ёзиш, йўғон ҳарфлар, ёзма ҳарфлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Узатиладиган товушлар сифати 50 дан 1500га оралиғида таъминланади. Барча экран воситалари энг юқори бадиий ва кинематография даражасида бажарилиши ва бунда кино соҳасига оид тасвирий воситалар (планлар алмаштирилиши, кинокамера ҳаракати, ракурсни ўзгартириш, монтаж, маълумот ўзатиш маромини ўзгартириш) оқилона қўлланиш, ҳар бир экран воситасига оид бўлган аннотацияли махсус брошюралар, тушунтирув ёзувлари ва услубий ёзувлар чоп қилиш мақсадга мувофиқ.

Диапозитивлар. Диапозитивларда ўқув маълумотлари алоҳида кадрларга фотоуслуб ёрдамида чиқарилади. Диапозитивларни мустақил тайёрлашда қайта тикланадиган кинофотоплёнкалардан фойдаланиш мумкин. Агар диапозитив мазмуни фақатгина чизмалардан иборат бўладиган бўлса, уни негатив плёнкаларда тайёрлаш мумкин. Битта мавзу остида бириктирилган диапозитивлар йиғмаси серияни ташкил этади. Диапозитив кадри асосий формат ўлчамлари 24 * 36 мм, қўшимчаси (зарур рамкалар мавжуд бўлганда) - 18-24 мм катталикда қабул қилинади. Диапозитивлар асосан иллюстрация вазифасини бажаради, шу сабабли тушунтирув ёзувининг кадрдаги сони минимал бўлиши ёки тушунтирув ёзувларисиз диапозитивлар танлангани маъқул. Баъзи ҳоллардагина топшириқлар, тестлар, изоҳи маълумотларга эга диапозитивлардан фойдаланиш мумкин. Ёзувлардаги ҳарф ва рақамлар баландлиги 0,8 - 2,0 ва 0,5 - 1,2 ораликда бўлиши тавсия этилади.

Диапозитивлар сериясида маълумотлар шундай бир тартибда жойлашиши лозимки, бунда уста ёки инструктор ўтилаётган мавзуга мос ҳолда кадрлар тартибини ўзгартириш имконига эга бўлиши лозим. Зарур ҳолларда диапозитивлар сериясига маълум бир жараённи босқичлар бўйича очиб берувчи бир нечта кадрни киритиш мумкин.

Барча экран воситалари ичида диапозитивларгина ўзида рангларни дидактик қўллаш имкониятини берувчи восита ҳисобланади.

Диапозитивлар сериясини комплектлашда оқ-қора тасвирлар билан биргаликда рангли тасвирлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кинофильм. Ўқув кинофильми ўзлаштириш учун мураккаб ва қийин материални узатиш лозим бўлган принципиал аҳамиятга эга ҳолларда қўлланилади. Бунда экрандаги объектлар ва ҳодисалар динамикаси (ҳаракат, трансформация) ўрганилаётган жараён ва машқларнинг очиб берилиши ва ўзлаштирилишига жиддий таъсир кўрсатиб, иш мазмунини кўргазмали, фактларни тартиблироқ қилади ҳамда асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатади. Кинофильмлар бевосита кузатиб бўлмайдиган ҳолларда, шунингдек бир қанча касбий малака ва кўникмаларни ўзлаштириш учун зарур восита ҳисобланади. Ишлаб чиқаришдаги ёки табиий шовқинни қўллаш фақатгина экранлаштирилган материални тўлароқ очиб берганда ва уни ўзлаштириш учун хизмат қилгандагина ўзини оқлайди. Мусиқали фильмлардан эса материални ўзлаштиришни яхшилаш ва тушуниш учун ҳамда талабаларни эстетик тарбиялашга хизмат қилган ҳолда фойдаланилади.

Ўқув кинофильмлари 8 ва 16 мм.ли киноплёнкаларда чиқарилиши мумкин. 250 кишигача сиғадиган кинозаллар учун кинофильмлар фақат 16 мм.ли киноплёнкаларда олиниши лозим. Ўқув материалини фрагментлар воситасида кўрилган кинофрагмент ва кинофильмлар энг юқори педагогик самарадорликка эга ҳисобланади. Бунда битта фрагментни намойиш қилиш вақти 5 минутдан ошмаслиги лозим. Даврий ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнлари, кўп марталаб такрорий ўрганишни талаб қилувчи ҳодисаларни ўрганиш учун кинохалқалар яратиш мақсадга мувофиқ.

Ҳужжатли материаллар, мультипликация, таққослаш услублари, кинога олишнинг махсус усуллари (тезлаштириш, секинлаштириш, микро ва макро тасвирлар, кўринмас нурлар билан тасвирга олиш, ўта паст ва ўта юқори температураларда, босим остида ишлаш) турлари мавжуд. Бунда янада авария ҳолатларини яратиш учун кенг имкониятлар туғилади.

Кинофильмнинг дикторлик матнидан соддалик, силлиқлик, луғат бойлиги ва талабалар хусусиятларига мослик талаб этилади.

Таълимнинг товушли воситалари. Таълимнинг товушли воситалари мазмунини сўзлар, мусиқа ёки бошқа сигналлар воситасида узатилиши мумкин бўлган ўқув маълумотлари ташкил қилади.

Таълимнинг товуш воситаларидаги маълумотлар ҳажми ва чуқурлиги ўқув дастурлари мазмунига мос бўлиши лозим.

Товуш воситаларини тайёрлашда уларнинг ўқув жараёнида ўрни ва аҳамиятини аниқ белгилаш ҳамда мазкур муаммо ёки дастур мавзусини ўрганишда қўлланилаётган бошқа воситалар билан алоқасини таъминлаш лозим. Ижтимоий фанлар бўйича маьлумотларни узатишда ўқув радиоэшиттиришлари, магнит ёзувлари максимал дидактик имкониятларга эга. Нутқни ривожлантириш ва чет тилларини ўрганишда юқоридаги товуш ёзуви нурлари алоҳида аҳамият касб этади. Кўриш имкониятлари йўқлиги туфайли товуш ёзувлари ва радиоэшиттиришлар тили алоҳида эътиборни талаб қилади.

Унинг лексикаси талабаларнинг билим даражаси ва луғат бойлигига жавоб бериши талаб қилади. Олиб борувчи тили талаффузда намунали жаранглаш тиниқлигига жавоб бериши лозим. Товуш ёзуви сифати паст частотада ҳам, юқори частоталарда ҳам юқори бўлиши талаб қилинади.

Магнит ёзувлари. Магнит ёзувлари плёнкада ёзилган маълум кетма-кетликдаги фонограммалар ёки машғулот мақсадига боғлиқ ҳолда махсус тайёрланган бир ёки бир нечта радиоэшиттиришлардан иборат бўлиши мумкин.

Магнит ёзувлари янги атамаларни ўрганиш ва касбий эшитиш қобилиятини шакллантиришда қўлланилиши мумкин.

Касбий эшитиш қобилиятини шакллантиришга мўлжалланган магнит ёзувини эшиттириш учун эшитиш картаси тузиб олинади.

Ёзиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда машина иши нормал режимда ёзиб олинади, кейин эса носозликлар бўлган ҳолда ёзилади. У ёки бу механизм ишидаги аномал шовқинларни тўғри ёзиб олиш учун эшитиш зоналари, ёзиш учун микрофон ўрнатиладиган қулай масофаларни билиш лозим. Характерли товушлар (поршень тиқиллаши, бармоқ пошипниклари ва бошқа деталлар шовқини)ни ёзиш учун микрофон манбадан 0,25 - 0,35 м масофага ўрнатилади, двигател умумий шовқинини ёзишда бу масофа 0,5 м га тенг.

Магнит ёзувларидан шунингдек, алгоритмларни, диапозитивлар сериясини ва диапозитивларга овоз беришда фойдаланиш мумкин.

Магнит ёзувларини А4407-65 ва А4009-65 плёнкаларида 9,5 смғс тезликда ёзиш мақсадга мувофиқ, чунки бунда юқори тонларда ёзилиши таъминланади ва ёзув узоқ сақланади.

Тренажёрлар. Ишчилар меҳнат фаолияти ва тренажёрларнинг дидактик имкониятларининг таҳлили уларга нисбатан қуйидаги талабларни шакллантириш имкониятини беради:

- тренажёрларда предметнинг, меҳнат воситалари ва уларнинг модели, таққослаш схемаси ва маълумот қурилмалари блоклари бўлиши;

- уларни ишлаб чиқиш ўрганувчида стандарт ҳолатларнинг чекланган қатори учун касбий малака ва кўникмаларни шакллантириш лозим бўлганда ёки ўқув жараёнларини бажариш ҳаёт учун хавфли бўлган ҳолларда, ўрганувчини қимматбаҳо жиҳозлар билан таъминлаш имконияти

бўлмаганида, ишлаб чиқариш шароитида кам учрайдиган меҳнат операциялари(авария ҳолатлари)ни ўзлаштириш лозим бўлган ҳолларда мақсадга мувофиқ;

- улар оддий машқлардан мураккабларига босқичма-босқич ўтишни таъминлаши;

- маҳоратни такомиллаштириш ва малакани оширишда қўлланиладиган тренажёрлар турли мураккаблик даражасидаги кўникмаларни шакллантиришни таъминлаши;

- уларда меҳнат жараёнларининг муҳим жиҳатларига эътиборни кучайтирувчи соддалаштиришлар қўлланилиши;

- уларда меҳнат восита ва буюмларини моделлаштириш физик, шунингдек математик йўллар билан амалга оширилиши;

- атроф-муҳит соя проекцияси, кинопроекция ёки телевизион тасвир воситасида моделлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу мақсадда ЭҲМлар қўлланилади;

- тренажёрни конструкциялашда унда бажариладиган ишлар алгоритми ҳам яратилиши;

- тренажёр иш дастурини белгилашда ўрганувчи у ёки бу ҳаракатларни ўрганишда йўл қўядиган четга чиқишлар ҳисобга олиниши;

- малакаларнинг нотўғри шаклланишини олдини олиш мақсадида ҳаракатларни бажариш устидан қадамли назоратга эга бўлиш;

- тузатиш йўли билан ўқув жараёнини бошқариш ва назорат қилишга мўлжалланган ички тескари алоқага эга бўлиш;

- ўз-ўзини тузатиш ва уста ёки инструктор томонидан тузатиш йўли билан ўқув жараёнини бошқариш ёки назорат қилишга мўлжалланган тренажёрлар ички ва ташқи тескари алоқага эга бўлиши;

- тренажёрларда тескари алоқа ёруғлик ёки товуш сигналлари, мнемосхема, ўлчов асбоблари, матн ёки магнит ёзувлари воситасида амалга оширилиши;

- тузатиб бўлмайдиган ҳолатларнинг олдини олиш учун тренажёрларнинг узилиб қолиш ҳолларида хотира қурилмаси бўлиши;

- ташқи хотира қурилмасини тайёрлашда электр сигналлари счётчиги, ўзи ёзувчи қурилмалар, перфораторлар, видеомагнитофон ва бошқалар;

- конструктив жиҳатдан хотира қурилмалари электр лампалари, реле ва бошқа элементлар асосида яратилиши мумкин, улар асосида олинган маълумотлар қайд этиб борилади;

- ҳосил қилинадиган малака ва кўникмалар мураккаблик даражасига боғлиқ ҳолда тренажёрда бир ёки бир неча дастур (таққослаш схемаси)нинг бўлиши;

- тренажёрда бир неча дастур /таққослаш схемалари/ мавжуд бўлган ҳолларда уларни қўлда ёки автоматик равишда алмаштириш мумкин;

- тренажёрлар комплексга бириктирилган ҳолда ўрганувчилар фаолияти устидан назорат уста (инструктор) пультида жамланиши;

- комплексга битта ёки бир нечта аралаш касблар бўйича турли малака ва кўникмалар шакллантириладиган тренажёрлар киритилиши мумкин;

- тренажёрда у ёки бу блок мавжудлиги унинг тури ва ўқув жараёнини бошқариш даражаси билан белгиланади;

- тренажёрни ишлаб чиқишда унинг дидактик йўналтирилганлиги, мақсад ва вазифалари, берилган мутахассисликни ўргатиш комплексида у эгаллаши лозим бўлган ўрни ҳисобга олинади;

- тренажёрда ҳосил қилинадиган малака ва кўникмалар тўплами мазкур меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўладиган малака ва кўникмаларни қамраб олиши;

- малака ва кўникмаларни шакллантиришга сарфланадиган вақт таълимнинг бошқа турларига нисбатан қисқартирилиши;

- тренажёрда шакллантириладиган малака ва кўникмалар юқори даражада ишончли бўлиб, ҳаракатчанлик, ушбу фаолиятни амалий шароитларда бажаришга ўтказа олиш хусусиятларига эга бўлиши.

Барча таълим воситалари қуйидаги талабаларга жавоб бериши лозим:

- ўқув дастурининг замонавий фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига мос келиши;

- мутахассисларни тайёрлаш хусусиятларининг акс эттириши;

- тушунчалар, атамалар ва шартли белгилар бирлигини таъминлаш;

- дидактиканинг асосий принципларига мос келиши ҳамда назарий ва амалий таълим хусусиятларини ҳисобга олиши;

- замонавий услублар ва таълимнинг замонавий шаклларини қўллашни рағбатлантириши, талабалар фаоллигини таъминлаши ва билиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилиши;

- ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш ва талабалар фаолиятида йўналтирувчи асосларни ишлаб чиқаришда асос қилиб олиниши;

- зарур ҳолатларда билим, малака ва кўникмаларни индивидуаллаштириш;

- талабалар малакасини шакллантиришда алгоритмликка яқин дидактик йўналтирилганликни таъминлаши;

- педагог ва талабалар меҳнатини илмий ташкил қилишни таъминлаш, хусусан вақт исрофгарчилигини камайтириш;

- иш хавфсизлигини таъминлаши, ҳамда эстетик ва гигиеник талабларга жавоб бериши;

- ишлатишда мустаҳкам ва ишончли бўлиши;

- уларнинг минимал миқдори энг кам сарф-харажатлар билан максимал педагогик самарани таъминлаши.

Умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг таркибий қисмларини аниқлаш учун ўқитиш жараёнлари босқичлари, педагогик ва психологияда ҳамда хусусий методикада кўникма ва малака тушунчаларининг талқинлари, ушбу муаммога билдирилган фикрлар тўғрисидаги фикрларнинг таҳлили натижасида умуммеҳнат ва касбий

кўникма ва малакаларнинг фаолият тавсифига кўра таснифи ишлаб чиқилди. Малакаларни мураккаблик ва автоматлашганлик даражасидаги фарқлари, кўникма ва малакаларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари очиб берилди. Малаканинг характерли жиҳати машқлар ёрдамида ўзлаштирилган ва автоматлашган ҳаракат услублари нисбатан анча мустаҳкамлиги билан фарқланиши асосланди.

Кўникма ва малакаларнинг шаклланиш жараёнини таҳлил қилишда ўқув дастурлари таҳлил қилиниб, таълимнинг ҳар бир босқичида мақсад ва вазифаларни тўғри тушунсагина ўзининг фаолиятини режалаштириши мумкинлиги, меҳнат ва касб таълимини бошқариш талабалар амалий билиш фаолиятини ташкил қилишда анъанавий бўлган босқичлар асосида амалга оширилиши, малакалар шаклланиши жараёнининг умумий жиҳатлари кўрсатиб берилди. Шу асосда умуммеҳнат ва касбий малакаларни шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилди.

Умуммеҳнат кўникма ва малакаларининг муваффақиятли шаклланиши шароитларини қараб чиқишда нафақат уларнинг мустаҳкам эгалланиши заруриятини, балки малакалар мослашувчанлиги, яъни янги шароитларга малакани кўчира олиши ва ўзгарувчан шароитларга мослашишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилди. Шу билан биргаликда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш технологияси, уларга қўйиладиган талаблар ҳам ишлаб чиқилган.

§ 14. ТАЛАБАЛАРДА УМУММЕҲНАТ ВА КАСБИЙ КЎНИКМА ҲАМДА МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЙЎНАЛИШ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

14.1. Умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакалар. Билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш касбий таълим жараёни негизини ташкил этиб, унинг асоси, муҳим шарти сифатида юзага келади. Шунга кўра

педагогика назарияси ва амалиётида ушбу тушунчалар фундаментал аҳамиятга эга. Билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ҳамда уларнинг шаклланиш жиҳатлари психология, дидактика, хусусий методика ва талабаларнинг амалий машғулотларига оид кенг кўламдаги адабиётларда назарий жиҳатдан асослаб берилган. Бу тушунчаларга қанчалик аниқ таъриф берилганлигига қарамай мазкур тушунчалар янада чуқурроқ ўрганишга ва назарий жиҳатдан ҳар томонлама таҳлилга муҳтож.

Педагогикага доир адабиётларда «билим» тушунчаси одатда инсонлар томонидан мавжуд билим ва ҳодисаларни, табиат ва жамият қонуниятларини билиш маҳсули сифатида баҳоланади.

Бундай таъриф асосан билимларнинг фалсафий қиррасини очишга хизмат қилади. Дидактика назариясида эса «билим» тушунчаси асосан икки томонлама изоҳланади: талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган маълумотлар ҳамда улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажриба асосида янада мустаҳкамланган маълумотлар.

Биз юқорида келтирган биринчи таъриф таълим мазмунини белгилаб беради. Бу билимлар адекват характерга эга бўлиб, жамият ҳаёти амалиётида тасдиқланган моддий борлиқни ифодалайди. Билимлар қотиб қолган, ўзгармас тушунча эмас, жамият ҳаётининг тарихий тараққиёти давомида билимлар ҳам узлуксиз ривожланиб, аниқланиб, чуқурлашиб ва баъзан жиддий ўзгаришларга учраб, такомиллашиб боради. Педагогика назариясида билимлар икки гуруҳга ажратилади: мувофиқ тарзда фан асосларини ифодаловчи илмий билимлар, ҳамда долзарблик ва турғунлик жиҳатидан ўзгарувчан бўлган ахборотлар кўринишидаги илмий маълумотлар. Илмий маълумотлар одатда назариянинг маҳсули сифатида юзага келади. Бу билимларнинг мунтазам жамланиши ҳозирги фаннинг муайян ҳолатини ифодаловчи дедуктив тизимдаги ахборотлар ҳажмининг ортиб боришига олиб келади, лекин мазкур фан негизини ташкил қилувчи билимлар тизимига ҳеч қандай ўзгартириш киритмайди. Бу ҳолда янги маълумотларнинг фақат бир қисмигина илмий назариянинг асосий ҳолатларини ўзгартириб бориш учун хизмат қилади. Бундай ҳолда билимлар қанчалик умумлашган бўлса, улар шу даражада турғун характерга эга бўлади. Табиийки, ўқитувчи талабалар билиш фаолиятини бошқариш жараёнида уларга маълум бир фанга оид фундаментал билимлар бериш билан бир қаторда шу билимларни бойитувчи, улар орасидаги турли алоқадорлик ва муносабатларни намойиш қилувчи, жамият ва шахснинг мунтазам ортиб борувчи эҳтиёжларини, ҳаётдаги мавжуд муаммоларни ифодаловчи жорий ахборотларни ҳам бериши лозим.

Билимлар ўрганилаётган асосий жиҳатларни мантиқий кетма-кетликда қамраб олиши, ўзаро боғлиқ бўлиши ва ҳар бир ўрганилаётган тушунчадаги барча аҳамиятли жиҳатларни очиб бериши, яъни, изчил бўлиши лозим. Ўзлаштириладиган билимларнинг асосий сифати - уларнинг англанганлик,

тушунилганлик даражасида ифодаланади. Улар талабанинг буюм ва ҳодисаларни нафақат тавсифлаб бера олиши, балки ўрганилаётган далилларни асослай олишида намоён бўлади. Шунингдек, билимлар ўрганилаётган буюм ва ҳодисалар мазмуни ва қараш кўлами кенглигига хизмат қилувчи мукаммалликка эга бўлиши лозим.

Ўзлаштириладиган билим ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Кўникма ва малакаларнинг мазмуни ва ўзаро нисбати ҳақида бир қанча йўналишдаги қарашлар мавжуд. Дидактикада мавжуд бўлган анъанавий нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, кўникма малакадан илгари ҳосил бўлади ва машқ натижасида кўникма малакага айланади. Чунончи, «Педагогик энциклопедия»да «Кўникма ишлашга тўғри келадиган шароитларга мос ҳаракатларни самарали бажара олиш» деб таърифланади. Кўникмалар ҳам амалий, ҳам назарий характерга эга бўлади. Худди шу «Педагогик энциклопедияда» «Малака - юқори даражадаги ҳаракат» сифатида таърифланади. Ушбу босқичда ҳаракатлар автоматлашади, ақлий бошқарув бир даража камаяди. Малака амалий фаолиятнинг шу қадар тезроқ бажарилишидирки, ҳаракат ўз-ўзидан амалга ошаётгандек кўринади.

В.Г.Казаков ва Л.Л.Кондратьевалар таҳрири остида нашр этилган «Психология» асарида малака қуйидагича таърифланади: «Машқлар натижасида мустаҳкамланган ҳаракат усулига малака дейилади». «Кўникмалар эса ишни бажаришнинг мустаҳкам ва тартибли даражасига эришиш имконини берувчи машқларни талаб қилмайди».

М.А.Данилов кўникмаларни ҳаракатларни билиш деб, малакани эса ҳаракатнинг айрим автоматлашган қисмини ифодалайди деб ёзади.

Касб мактаблари учун тавсияномада кўникмага қуйидагича таъриф келтирилган: «Кўникма фаолиятнинг шундай турики, ундаги ҳаракатлар етарли даражада фикрлаб, автоматлашувсиз бажарилади; малака эса автоматлашган ҳаракатни ифодалайди. Кўзда тутилган ҳар қандай операция жуда оз ўйлаб амалга оширилади».

К.К.Платоновнинг фикрича, «Кўникма илгари шакллантирилган билим ва малакалар асосида ҳосил бўлади; малака - бу мақсадли фаолият давомида уни ташкил этувчи ҳаракатларни автоматлашган ҳолда, унга нисбатан махсус йўналтирилган диққатсиз, бироқ ақлий назорат остида бажарилишидир». К.К.Платонов ўз фикрини давом эттириб, шу адабиётнинг бошқа жойида яна шундай ёзади: Ҳар қандай малака, билим ва кўникмаларни ўз ичига олиб, мавжуд билим ва кўникмалар асосида шаклланади, уларни янги шароитларда етишмайдиган элементларини қайта шакллантиради. Психология соҳасидаги адабиётларда кўникма ва малакаларга оид қуйидаги фикрлар билдирилган: «Мақсадли ҳаракатларнинг инсон томонидан қисман автоматик равишда бажарилишига малака дейилади». Сўнгра «кўникма» атамаси билан субъект эга бўлган билим ва малакалар фаолиятини мақсадга мувофиқ бошқариш

учун зарур бўлган педагогик ва психологик ҳаракатлар тизимини ифодалайди.

Малакаларни шакллантириш фандан олинадиган билим ва маълумотларни қайта ишлаш бўйича ҳамма операциялар тизимини бу маълумотни аниқлаш, уни ҳаракатлар билан таққослашни ўрганишдир. Субъектив махсус фаолият сифатида малакаларга мустақил ўқитиш жараёни мавжуд эмас, деган фикрни К.К.Платонов танқид қилиб, қуйидагича таъкидлайди: «Малакаларга албатта ўқитиш керак, бундан чиқадики керакли методика тўғрисида ўйлаш керак». «Малака» деб - одамнинг билим ва оддий тажриба асосида эгаллаган муайян ҳаракатларни онгли бажариш қобилияти тушунилади. Билимлар бажарилаётган ҳаракатларнинг назарий асосидир. Билимлар туфайли ҳаракатларнинг айрим даврлари ва уларнинг кетма-кетлиги тушунарли бўлади.

Ҳар қандай малакаларни эгаллаш билимларга асосланган аниқ фаолият, амалиётни талаб қилади, уларсиз умуман малакалар бўлиши мумкин эмас.

Малакани психологик асоси деганда фаолият мақсади, шароит ва уни бажариш усуллари орасидаги ўзаро алоқадорлиги тушунилади. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, малака билимларга таянади. Билимсиз малака йўқ. Кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни илмий тадқиқот ишларида турлича талқин қилинган. Кўпчилик адабиётларда кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни қуйидагича қабул қилинган: билим – кўникма – малака.

Психология, педагогика, дидактика, социология ва ишлаб чиқариш педагогикаси соҳаларида олиб борилган илмий-амалий изланишларга таяниб, малакаларнинг шаклланиш жараёни 1-шаклда келтирилган босқичлардан иборат деган тўхтамга келдик.

Демак, «Кўникма - ҳаракатларни самарали бажариш имкониятидир; кўникма маълум даражада фикрлаб бажариладиган ҳаракатлар; кўникмалар - қандайдир ҳаракатни янги шароитларда бажариш усулидир; кўникма - мураккаб тизимли психик ва амалий ҳаракатларни эгаллашдир».

Малакалар қуйидагича таърифланади: «Малака - юқори ўзлаштирилганлик даражасига эга бўлган ҳаракатлар мажмуасидир; малака - машқлар натижасида мустаҳкамланган ҳаракат усулидир».



1 – шакл. Билимларнинг кўникма ва малакаларга айланиш технологияси

Касбий педагогик малакалар туркумини аниқлаш учун эса вазифа(масала)ларни ечиш йўлларини кўриб чиқамиз. Масалан, ўқув-тарбиявий жараённи лойиҳалаш қуйидаги малакаларнинг мавжудлигини талаб этади: истиқболдаги ва жорий мақсадларни аниқлаш, перспектив ўқув режаларини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини таҳлил қилиш, ўқув материалини танлаб олиш ва бир тизимга келтириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан билиш, дарс турларини, унинг структурасини, шаклини, ўқитиш воситалари ва методларини танлаш, ўқув тарбиялаш жараёнини баҳолаш. Шундай қилиб, биз талабалар педагогик фаолиятини амалга ошириш учун малакалар туркумини қуйидагича аниқладик:

–**Талабалар шахсини шакллантириш малакалари** - педагогик билимларни тарғибот қилишда таълим олувчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича ижтимоий аҳамиятга эга бўлган малакалар. Ўқув юртларининг талабаларида бу малакалар юқори даражада шаклланган.

–**Талабаларнинг ўқув - касбий фаолиятини шакллантириш малакалари** - таълим олувчи шахсининг касбий йўналишини шакллантириш, ўз-ўзини бошқариш ва тарбиялашни ташкил этиш ҳамда ўзаро ҳаракатларнинг воситаларини танлаш, тарбиявий жараённи ривожлантириш бўйича умумпедагогик малакалар. Иш стажига боғлиқ ҳолда қуйидаги малакаларнинг шаклланганлиги яққол намоён бўлмоқда. Тарбиявий жараённи режалаштириш, ўқувчи, талаба тарбияланганлик даражасининг диагностикаси, якка ҳолда тарбиявий таъсирчанлик, ўқувчи ва талаба жамоаларини шакллантириш, ўқувчи ва талабаларнинг касбий муҳим хислатларини шакллантириш.

Кўпчилик ташкилий - педагогик малакалар вақт ўтиши билан сезиларли ўзгармайди, касбий фаолият қуйидаги малакаларни такомиллаштиришга

қаратилади: тарбиявий жараённи ташкил этиш, тарбиявий таъсирчанликни амалга ошириш, таълим олувчилар билан алоқа ўрнатиш. Бироқ, бу малакаларни ривожлантириш кўп ҳолда муҳандис-педагог шахсининг сифатлари билан аниқланади. Шунинг учун ўқув жараёнида муҳандис-педагог шахс сифатларини шакллантириш ўқув жараёнининг асосий мақсадларидан бири бўлиши керак. Ўқув юртларида ўтказилган суҳбатлар талабаларнинг касбий аҳамиятга эга бўлган малакалар таркибида, таълим олувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш малакалари бўшроқ намоён бўлганлигини кўрсатади.

Шахс касбий йўналишини шакллантириш малакалари таълим беришнинг аниқ мақсадларини аниқлаш, ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини танлаш, педагогик муаммоларни ҳосил қилиш, ўқув ишлаб чиқариш материалларини тушунтириш, техник объектнинг шу усулларни намойиш этиши бўйича умумпедагогик малакалардан иборат. Талабаларнинг касбий ўсиши билан ўқув материалининг тузилишини лойиҳалаш, таълим беришнинг шакл ва методларини, ўқув мақсади ва мазмунини танлаш малакаларини намоён бўлиш даражаси ошиб боради. Вақт ўтиши билан қуйидаги малакаларнинг такомиллашуви кузатилмайди: ўқув тарбия жараёнининг стратегик ва тактик мақсадларини аниқлаш, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиб, ўқув материалини ажратиб олиш, илмий-техникавий маълумотларни ўқув матералига айлантириш, ўқув вазифалари ва муаммоларини лойиҳалаш. Бунинг сабаби, ўқув юртлари, айниқса, билим юрти ва техникумларда тайёр методик кўрсатма ва тавсиялар билан ишлашга ўрганиб қолинганлигидир. Бу эса ўқитувчиларни ижодий фаолият кўрсатишга ундамайди.

Таълимнинг шакл ва методларини танлаш малакалари ўқув-тарбиявий педагогик малакалар: ўқишни англашни шакллантириш, таълим олувчиларнинг ўқув-касбий фаолиятини ташкил этиш, ўзини оқлайдиган педагогик алоқаларни ўрнатиш, жамоани ташкил этишни шакллантириш, ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш. Ўқитувчи иш стажининг ошиб бориши билан кўпчилик малакалар такомиллашиб боради. Лекин, улар талабаларнинг фаолиятида етарли даражада намоён бўлмайди.

Таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлашларини ташкил этиш, уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш. Иш стажининг ортиб бориши билан ўқитувчиларнинг ўқув муаммоларини ҳосил қилиш ва таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш малакаларининг ривожланиши етарли даражада бўлмайди.

5**. Педагог-режиссёрлик малакалари** - нотиқлик ва педагогик режиссура малакаларини ўз ичига олувчи умумпедагогик малакалар.

6. **Турли ностандарт педагогик ҳолатларни таҳлил қилиш малакалари** ўқув-тарбия жараёнга кирувчи шахсни ва жамоани диагностика-ташҳис қилиш: педагогик ҳолатларни таҳлил қилиш; педагогик фаолиятнинг муқобил моделларини тузиш, жамоа ва шахс ривожланишини

лойиҳалаш, таълим ва тарбия жараёнини ҳамда уларнинг натижаларини назорат қилишни олдиндан айтиб бериш бўйича умумпедагогик малакалар. Касбий ишлаш стажи ошиб борган сари қуйидаги малакаларнинг сезиларли ривожланиши кузатилади: таълим олувчиларнинг психологик ривожланишини тарбияланганлигини; таълим олганлигини диагностика қилиш; ўқув - тарбия жараёнини лойиҳалаш; педагогик фаолиятдаги қийинчиликларни кўра билиш.

Шу билан бирга талабалар ўзларида касбий ўсиш ҳамда ўз фаолиятини муваффақиятли бўлишини олдиндан айтиб бериш малакалари етарли шаклланмаганлигини қайд этишди.

7. **Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш малакалари.** Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва бир тизимга келтириш, ундаги асосийларини ажратиш, педагогик, ишлаб чиқариш ва муҳандислик соҳасидаги малакаларни ҳосил қилишдаги билим малакалари. Кўрсатилган гностик малакалардан илғор педагогик тажрибани таҳлил этиш ва қўллаш малакалари иш стажи ошиши билан ривожланиб боради. Янги педагогик ва муҳандислик билимларни эгаллаш бўйича билим малакалари, илмий-техникавий маълумотлардаги касбий аҳамиятга эга бўлган мазмунни ажратиб олиш малакалари ва бошқалар вақт ўтиши билан сезиларли равишда такомиллашиб бормайди, бунинг сабаби ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши ва малакасини ошириш етарли даражада эмаслигидадир.

8**. Муҳандислик-техник малакалар** - ўзида 5 та гуруҳдаги малакаларни умумлаштиради: умуммуҳандислик, конструктив - техникавий, ташкилий-технологик, махсус малакалар ҳамда ишлаб чиқаришдаги операцион малакалар.

Умуммуҳандислик малакалари - чизма, шакл ўлчамларини ўқиш ва тузиш, техник ташхис ҳисоб график ишларини бажариш, ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича политехник малакалар.

Конструктив-техникавий малакалар - талабаларнинг касбий таълимини лойиҳалаш, техник қурилмаларнинг технологик жараёнини лойиҳалаш ва конструкциялаш: талабаларнинг ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини лойиҳалаш, конструкторлик ишларини бажариш, техно-логик карталарни тузиш, талабаларнинг техник ижодкорлигини ташкил этиш, техник қурилмаларни ишлатиш бўйича политехник малакалар.

9. **Махсус малакалар** - ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси бўйича мутахассисликнинг муҳандислик-техникавий малакалари.

Касбий педагогик малакалар таркиби умумлашган фаолиятнинг 3-босқичини ташкил этади. Шахсни касбий таълим жараёнида малакаларининг ҳаракати ўзгаради: ҳаракат ва операцияларни репродуктив бажариш даражаси ижодий бажариш билан алмашади.

Педагог, психолог ва физиолог олимларнинг ишларини таҳлил қилиш натижалари фаолиятни ҳосил қилувчи малакаларнинг таркибий тузилмасига аниқлик киритиш имконини беради. Улар қуйидагилардан иборат:

- муҳандис-педагог, стратегик мақсадлар билан йўналтирилганлик;

- аниқ шароитда педагогик ўзаро ҳаракатларни амалга ошириш йўллари ва унинг натижаларини баҳолаш.

Бу фаолиятнинг таркибий қисмлари талабаларнинг касбий функцияларини ажратиш учун асос бўлади:

- мотивация;

- операциялар бўйича: илмий-методик, ташкилотчилик, муҳандислик-техникавий, ишлаб чиқариш, технологик ва диагностик.

Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг педагогик фаолияти таҳлилидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Изланишларда «кўникма» ва «малака» атамаларининг маъносини тўғри тушуниб олиш ва уларни шакллантириш кетма-кетлигини аниқлаб олиш зарур.

2. Кўпчилик олимларнинг тадқиқот ишларида талаба фаолияти касб-ҳунар коллежлари ўқув-тарбиявий жараён доирасида ёритилган, олий ўқув юртларидаги ўқув жараёни эса назардан четда қолган.

3. Ташкилий-педагогик малакаларни амалда муввафақиятли ва самарали қўллаш учун ўқув жараёнида талабаларнинг шахсий сифатларини шакллантириш ўқув-тарбия жараёнининг асосий мақсадларидан бири бўлиши керак.

4. Бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тавсиялар ишлаб чиқишга ўргатиб бориш лозим.

5. Меҳнат ва касб таълими бўйича таълим олаётган талабаларнинг дидактик малакаларини қуйидаги тартибда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади: маъруза, лаборатория машғулотлари, педагогик амалиётлар, якуний билим ва малакаларни текшириш ҳамда баҳолаш, курс ва диплом лойиҳаларини бажариш ва ҳимоя қилиш.

Муаммога оид манбалар мазмунининг таҳлили натижаларига таянган ҳолда қуйида талабаларга умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнининг асосий моҳиятини ёритувчи тушунчалар ва уларнинг мазмуни борасида батафсил сўз юритамиз.

Педагогика илмида фаолият, технология ва маҳорат бир хил тушунчани англатади.

Уларнинг ҳаммаси юксак даражадаги касбий тайёргарликни тавсифлайди. Уларни боғлаб турувчи бўғин – бу ўқитувчнинг умумий ва ижодий маданиятидир.

Қуйида ушбу тушунчаларнинг моҳиятини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Педагогик фаолият – бу инсоннинг мустақил фаолият тури бўлиб, авлоддан-авлодга ижтимоий тажриба, моддий ва маънавий маданиятнинг ўтишини таъминлайди.

Педагог олимлар бу фаолиятни олий ўқув юртларида шахсни ривожлантириш ва ўз-ўзини англашга йўналтирилган катталар (ота-оналар,

ўқитувчилар, ижтимоий фаолият хизматчилари)нинг ижтимоий, жамоатчилик фаолиятининг махсус тури деб қарайдилар.

Педагогик фаолият – бу педагог ва талабанинг ўзаро боғлиқ фаолиятидир.

Педагог ва талаба фаолиятининг ўзаро алоқасисиз ўқув-тарбия жараёни мавжуд бўлмайди. Бу таълим ва тарбия қонунидир.

Педагогик фаолият предмети ва маҳсули – бу талаба шахси ва унинг гармоник жиҳатдан ривожланишидир.

Педагогик фаолият тузилмаси тизим сифатида касбий фаолиятни қамраб олади ва унинг асосий жиҳатлари мақсад, мазмун, восита, ҳаракат, шароит, технология, педагог меҳнатининг объекти ва субъекти, эришилган натижа ҳисобланади.

Педагогнинг **фаолият тизими** турли хил педагогик фаолиятнинг бир бутун кетма-кетлигини ташкил қилади: ташҳислаш, лойиҳалаш, конструктив, коммуникатив, ташкилий, аналитик, таҳлилий натижалар.

Педагогнинг **ташҳислаш фаолияти** талабалар жамоаси ва талабаларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, ташҳис натижалари ўқув-тарбия жараёнини таҳлил қилишда намоён бўлади.

Лойиҳалаш ва конструктив фаолият талабалар жамоаси ва улар ривожланишининг истиқболини башоратлашни кўзда тутади, мақсад, вазифа, мазмун, шакл ва ишлаш методларини (фаолиятни режалаштиришни) аниқлайди.

Ташкилий фаолият – таълим ва тарбиянинг мавжуд турларини белгилашда педагог ва талабалар фаолиятининг муайян тизимини ифодалайди.

Коммуникатив фаолият – бу педагог ва талабаларнинг педагогик жиҳатдан мақсадли алоқаларини ташкил этиш.

Корректив (таҳлилий) фаолият – таълим-тарбияга муҳтож талабаларга кўмак бериш, уларга таълим-тарбия бериш ва ривожлантиришда самарали натижаларга эришиш мақсадида ўқув-тарбия жараёнига ўзгартириш киритиш.

Аналитик фаолият – ўқув-тарбия жараёнига ўзгартириш киритиш ва башоратлаш мақсадида педагогик фаолиятни таҳлил қилиш.

Фаолиятнинг айрим турларини ташкил этишга **тизимли ёндашув** ўз навбатида мақсад ва натижаларнинг ўзаро алоқасини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай тизим инсон томонидан ҳаракатга келтирилади; педагогик фаолиятда эса педагог ва талаба бош ҳаракатлантирувчи субъектлар ҳисобланади. Айнан улар педагогик фаолиятнинг ҳар бир босқичида бир-бири ва жамоа билан бир бутун бўлиб ҳаракат қилишлари натижасида тарбия, таълим ва ривожлантириш масалаларини ечадилар.

Педагогик фаолиятнинг субъекти сифатида педагог ўқув-тарбия жараёнини бошқаради, унинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш тавсифини таъминлайди.

Педагогик фаолиятни такомиллаштириш педагог ва талаба шахсининг ривожланишига таъсир этади, чунки ташқи ҳаракат, қоида бўйича психик жараёнларни тавсиф этади ва улар ўз навбатида фаолиятни сифат жиҳатидан ўзгартиради, уларни ижодий даражага кўтаради.

Педагогик технологиялар (ПТ) – бу педагогик мақсадга эришишни кафолатловчи, олдиндан лойиҳаланган ўқув-тарбия жараёнини маълум кетма-кетликда амалиётга татбиқ этувчи тизим.

ПТ – бу педагогика илмининг махсус йўналиши бўлиб, аниқ вазифаларни ечиш, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш ва унинг юқори даражасини таъминлашни кафолатлайди. Шу асосда турли хилдаги педагогик фаолиятни ташкил қилишда маҳорат ва ижодкорлик даражасидаги вариатив технологиялардан фойдаланилади. Шу билан биргаликда фаннинг назарияси ва амалиётида педагогик технологиянинг моҳиятини изоҳловчи бошқа таърифлар ҳам берилган.

Масалан, гуманитар йўналишда ишлаб чиқилган технология илмий асосланган тарбия воситаси, шакл ва методлар тизимини назарда тутади ва талабаларни умуминсоний, маданий қадриятларни билиш, шахс сифатларини шакллантириш, шу мақсадда педагог ва талабалар ўртасида инсоний алоқаларнинг тарбиявий муҳитини ташкил қилишни таъминлайди. Бу эса педагогдан ижодкор шахс бўлиш, ўз иши ва талабаларни севиш, ўз устида ишлаш, маҳоратини ошириш ва технологияларни ривожлантиришни талаб этади.

Қисқа қилиб айтганда, педагогик технология - ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш усуллари ёки қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ва педагогнинг аниқ фаолиятига боғлиқ бўлган ҳаракатлар, операциялар кетма-кетлигининг йиғиндисидир (технологик занжир). Технологик занжир деганда, тарбиявий ишларнинг турли шакллари орқали дарсни ташкил этишга тайёрланишда педагог, гуруҳ раҳбари фаолиятларининг кетма-кетликдаги ҳаракатлари алгоритми тизими тушунилади.

Умумий ҳолда эса талабалар ва ўқув-тарбия жараёнининг ҳолатини ўрганиш, ташҳисий мақсад ва вазифаларни қўйиш, истиқболларни аниқлаш, натижаларни олдиндан кўра билиш, режалаштириш, ташкилий фаолият ва вазифаларни амалга ошириш, педагогик таҳлил ва навбатдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда кўплаб турдаги технологиялар мавжуд: умумпедагогик, ўргатувчи, тарбиявий, ривожлантирувчи, компьютерли, ўйинли, жамоанинг ижодий фаолият технологиялари, ўзаро алоқа ва бошқалар.

Ўйинли фаолият технологиялари асосини уни тайёрлаш, ўтказиш ва умумий жараён моҳиятини таҳлил этиш ташкил қилади. Ҳар бир бўғин бош бўғиннинг бир қисми сифатида педагог ва талабалар иштирокида муайян бир

ўйинни ўтказиш юзасидан тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва ўйин натижаларини таҳлил қилиш босқичларини ўз ичига олади. Масалан, ўйинни ташкил этишга тайёрланиш босқичи – ўйин тури ёки шаклини танлаш, мақсадни аниқлаш ва уни ўтказиш дастурини ўз ичига олади. Ўйинни ташкил этиш – бу ишлаб чиқилган дастурни амалий фаолиятга ўтказиш, ҳар бир ўйин иштирокчисининг вазифаларини аниқлашдан иборат. Сўнгра қоида ва атрибутларни инобатга олган ҳолда ўйин ташкил этилади. Ўйин натижаларини жамоа иштирокида таҳлил қилиш ва ҳар бир қатнашчининг ҳаракатига реал, ҳаққоний баҳо бериш каби фаолият энг сўнгги босқичда амалга оширилади.

Жамоанинг ижодий фаолият технологиясини қуйидаги ўзаро боғлиқ олти босқичга бўлиш мумкин: I – педагогларнинг олдиндан бажарадиган ишлари; II – жамоавий фаолиятни режалаштириш; III – жамоа бўлиб фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш; IV – жамоанинг ижодий фаолиятини уюштириш; V – жамоа иштирокида фаолият натижаларини таҳлил қилиш; VI – навбатдаги фаолиятни режалаштириш.

Ҳар бир босқич ёки талабанинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари алгоритмини ўз ичига олади, ушбу ҳолат олдинга қўйилган мақсадга эришишни таъминлайди. Масалан, олдиндан қилинадиган ишлар босқичига қуйидаги ҳаракат тартиби киради: вазифани қўйиш, иш вариантларини ишлаб чиқиш, жамоа асосидаги ижодий фаолиятини ташкил этиш, истиқболдаги вазифаларнинг муҳокамасини ўтказиш.

Ҳозирги кунда педагогик жамоалар ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда ўзларининг тарбиявий тизимларини ишлаб чиқилган концепция, мактабларни ривожлантириш бўйича муаллифлик дастурлари, педагогик фаолиятни ташкил қилиш лойиҳаларига асосланган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

Технологияларни ишлаб чиқиш, қоида бўйича бирон-бир назарий концепцияга асосланади. Янги технологияларни лойиҳалаш – бу қи йин жараён бўлиб, бир қанча даражаларни ўз ичига олади. Масалан, концептуал, методик, операцияли, аналитик, назорат, баҳолаш, натижавийлик. Шунинг учун педагогик технологиянинг тизимли-ташкилий воситаларини аниқлаш муаммоси юзага келди. Замонавий педагогик технологиянинг ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш педагог шахси, унинг маҳорати, ижодкорлигига қўйиладиган аниқ шартларга риоя қилишни талаб қилади. Булар: ахборот технологияларини ўрнатиш, мавжуд технологик ресурсларни таҳлил қилиш, фаолиятни лойиҳалаш кўникмаси, мақсадни тақсимлаш, фаолиятни ташкил ва таҳлил қилиш, рефлекция орқали ўз тажрибасини ўзлаштириш кўникмаси, уни технологик шаклда билдириш, технологиянинг эскирганлиги аниқлаш ва уни янгилаш кўникмаси.

Педагогнинг предметли-технологик савияси таълим-тарбия мазмунини ўзлаштирганлиги, самарали педагогик технологиялар (анъанавий ва янги)ни, яъни педагогик янгиликларни қабул қилиш, самарали педагогик

технологиялар бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини амалиётда қўллай билиши билан белгиланди.

Буларнинг ҳаммаси педагогда юқори даражадаги маҳоратни талаб қилади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида кўплаб ўз ишининг устаси – педагоглар фаолият олиб бормоқдалар: йил ўқитувчиси, тажриба олиб борувчи педагоглар, илмий изланувчи, ижодкор педагоглар ва бошқалар. Булар юқори малакали, маданиятли, муаллифлик дастурларини ишлаб чиққан альтернатив педагогик технологияларни биладиган, индивидуал иш услубига эга, ўзининг ижодий салоҳиятини тўлиқ намойиш эта олувчи, натижада таълим, тарбия ва талаба шахсини ривожлантиришда юқори натижаларга эришаётган мутахассислардир.

Ҳар бир педагог ўзининг касбий маҳоратини ўстиришга ҳаракат қилиши керак.

Педагогик маҳорат – бу педагогик фаолиятнинг олий даражаси бўлиб, педагогнинг ижодкорлиги, таълим бериш санъати, инсон тарбияси ва ривожланишининг такомиллаштиришда кўринади. Педагогик ижодкорлик педагогик фаолиятнинг ҳолати сифатида қаралиб, илмий-амалий муаммоларни ечиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва мазмунан янги яратувчиликда кўринади.

Педагогик фаолият педагогда ахлоқий сифат, илмий изланиш кўникмасини ҳамда булар ичида муҳим ўрин тутадиган ташаббус ва фаоллик кўрсатиш, чуқур диққат ва кузатувчанлик, бой тафаккур ва интуиция, ўқув-тарбия ҳолатларини таҳлил қилиш, педагогик вазифаларни ечиш, мустақил фикрлаш ва хулоса чиқариш каби ижодий қобилиятлар йиғиндиси бўлишини назарда тутади.

Педагогик маҳорат, аввало педагог шахси ва унинг мажмуавий сифатлари билан боғлиқ бўлиб, касбий фаолиятини юқори даражада амалга оширилишини таъминлайди.

Педагогик маҳорат технологик нуқтаи назарда олиб қараганда бир тизим бўлиб, унинг асосини юқори умумий маданий инсонийликка йўналтирилган, касбий билим ва кўникма, ижодкорлик ва педагогик қобилият ташкил этади.

Педагогнинг умумий маданияти – нафақат педагогик маҳорат компоненти, балки ўзига хос механизми бўлиб, унинг асосида педагогнинг касбий муҳим сифатлари ривожланади. Педагог маданияти - бу педагогик фаолият воситаси, педагогик ижодкорлик шарти ва педагогик маҳорат асоси. Педагог ўзининг касбий фаолиятида ўз шахсининг потенциал имкониятларига таянади, умумий маданиятини такомиллаштириш эса унга ижодкорлик ва педагогик маҳоратини ўстиришга ёрдам беради.

Педагог шахсининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги – бу унинг қизиқиши, қадриятлари ва идеали. Ҳар бир педагог инсонпарвар бўлиши, шахсни ер юзидаги энг бебаҳо мавжудот сифатида қабул қилиши, ўз

педагогик фаолиятида талаба шахсининг муҳимлилигини тан олиши, талабалар билан ўзаро алоқасини муҳаббат ва ҳурмат асосига қуриши керак.

Педагог ва талабанинг ўзаро алоқасин инсонпарварлик ғояларига асосланишини педагог касбий маҳоратининг кўрсаткичи сифатида қабул қилиш лозим.

Педагогик маҳоратнинг муҳим қисми касбий билим ва кўникмадир. Бу, аввало, фалсафий, психологик-педагогик, ижтимоий, махсус ва қўшимча билимлардир. Педагогнинг касбий билими ҳамма даражада (методологик, ахборотли-мазмунли, методик, технологик, ижодкорлик) шаклланади ва педагогик тафаккур ва фикрлаш учун база ҳисобланади, психологик-педагогик тафаккури эса педагогнинг муваффақиятли ишлаши омилидир.

Педагогнинг фаолиятида касбий қобилияти алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқотчи олимлар уларнинг қуйидаги етакчи касбий қобилиятларини қайд этадилар: прецептив (касбий ўткир, кузатувчи), эмоционал (сезиш қобилияти, ўзини бошқара олиш), прогностик (истиқболни белгилай олиш), креатив ва импровизация (ижодкорлик қобилияти), интуиция (олдиндан кўра билиш).

Технологиявийлик педагогик маҳоратга бошқача сифат, мазмун бағишлайди – маҳорат ўзлаштириш, масалан, педагогик (ташҳисли, ахборотли, ижтимоий, ўйинли, дидактик) технология, лойиҳалаш, суҳбатни ташкил этиш ва бошқалар педагогик технологияни ўзлаштириш педагогик маҳоратни оширади. Шундай ҳол бўлиши ҳам мумкинки, ўртача қобилият билан педагог-мастер(уста) ҳам бўлиши мумкин.

Педагогнинг педагогик маҳорати даражаси унинг технологик компотентлигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги асосий мезонлар асосида аниқланади: 1) мақсадлилиги (йўналиши бўйича), 2) ижодкорлик (фаолият мазмуни бўйича), 3) технологиявийлик (педагогик техника даражаси бўйича), 4) оптималлиги (самарали воситаларни танлаш бўйича), 5) маҳсулдорлиги (натижа бўйича). Педагог технологияни қанча яхши ўзлаштирса, демак, унинг педагогик маҳорати шунча юқори бўлади.

Бўлғуси педагогнинг педагогик маҳоратини ошириш босқичида педагогик маданияти ва инсонпарварлик йўналишини шакллантириш керак бўлган билим ва кўникмасини эгаллаш, қобилиятини ўстириш ва педагогик техникани ўзлаштириш ниҳоятда муҳимдир.

Педагоглар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида педагоглар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

Педагогик технология назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера олувчи манбаларнинг етарли эмаслиги.

Мавжуд манбаларда хусусий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Янги педагогик технологияларни таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги ҳамда бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида сусткашликнинг мавжудлиги.

Таълим муассасалари, шу жумладан, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг янги педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари.

Педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг кўламли амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммеҳнат ва касбий малакаларни такомиллаштиришга имкон яратган бўлар эди.

14.2. Умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг психофизиологик асослари. Инсон ўзининг ташқи дунёга бўлган муносабатини фаолият орқали ифодалайди. Фаолият - бу инсоннинг муҳит билан фаол ўзаро алоқаси бўлиб, бунда у ўзида ҳосил бўлган маълум эҳтиёжларини қондириш учун фикран қўйилган мақсадга эришади. **Мақсад** деганда инсон ўзининг у ёки бу эҳтиёжини қондириш йўлида ташкил этилаётган ҳаракатининг кўзда тутилган натижасидир**. Ҳаракат** - бу фаолиятнинг нисбатан якунланган элементи бўлиб, бу жараёнда янада соддароқ, бўлакларга бўлинмайдиган маълум англанган мақсадга эришилади. Инсон фаолиятида унинг ташқи (жисмоний) ва ички (руҳий) жиҳатлари чамбарчас боғлангандир. Ташқи жиҳат - ташқи оламга таъсир кўрсатиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар: ирода, билиш, сабаб каби ички (руҳий) фаолият воситасида амалга оширилади ва бошқарилади.

Ички руҳий фаолият ўз навбатида буюмлар, жараёнлар, хоссаларни, улардаги ўзгаришлар мақсадини белгиловчи руҳий моделли мутаносибликни аниқлайди, шунингдек, олинган ва кутилган натижаларни ташқи фаолият воситасида **йўналтиради ва назорат қилади.** Бунда икки турдаги жараёнлар: интериоризация ва экстериоризация муҳим вазифани амалга оширади. **Интериоризация** - бу ташқи, моддий ҳаракатдан ички идеал ҳаракатга ўтиш жараёнидир. Интериоризация туфайли инсон психикаси берилган вақтда кўриш майдонида бўлмаган буюмлар образлари билан амалларни бажариш имкониятига эга бўлади. Бунда сўз ўтиш жараёнининг муҳим қуроли бўлиб, сўзлашув ҳаракати асосий восита вазифасини бажаради. Бу фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади. У амалий ва назарий фаолиятда режалаштирувчи босқич сифатида юзага келади. Ички ва ташқи

сўзлашув усуллари мавжуд. Одатда ички сўзлашув ташқисининг асосида вужудга келади. Ташқи сўзлашувнинг ички сўзлашувга ўтишида ташқи сўзлашув структурасининг қисқаруви кузатилади, ички сўзлашувнинг ташқи сўзлашувга ўтиши эса аксинча, унинг мантиқий ва грамматик жиҳатдан мос равишда кенгайиб боришини талаб қилади. Бу иккала қисм ҳам турли фаолият турлари, хусусан, ҳаракатнинг босқичма-босқич такомиллашиб бориш жараёнида муайян касбий фаолият ёки ҳаракат элементларини ўзлаштиришда ҳам муҳим ташкилий қисм бўлиб хизмат қилади.

Экстериоризация - бу ички руҳий харакатнинг ташқи ҳаракатларга ўтиш жараёнидир. Интериоризация ва экстериоризация жараёни уларнинг ташқи (жисмоний) ва ички (руҳий) жиҳатлари ўзаро боғлиқлиги сабабли фаолият жараёнида узвий алоқадорлик хусусиятини касб этади. Бу жараёнлар таҳлили меҳнат ва касб таълимида муҳим аҳамиятга эгадир.

Фаолиятнинг ташқи жиҳати ҳаракат орқали ифодаланиши туфайли уларни механик, физиологик, психологик нуқтаи назардан тавсифлаш мумкин. Ҳаракатнинг механик жиҳатдан хусусиятлари унинг траекторияси, мароми ва кучи билан белгиланади.

Ишчи ҳаракатларни ўзлаштиришнинг физиологик жиҳати ҳаракатнинг траекторияси, мароми ва кучини энергия сарфи ва толиқиш кўрсаткичларини камайтириш, шунингдек, маълум ишчи ҳаракатларни ўзлаштиришдаги машқларни физиологик жиҳатдан асослашни назарда тутади. Ишчи ҳаракатларни физиологик жиҳатларини асослаш психологик жиҳатлар билан узвий боғлиқ равишда олиб борилиши лозим, чунки психоген факторлар (маълум юмуш ва унинг мазмунига қизиқиш, меҳнат шароитлари ва бошқалар) толиқиш ва иш қобилиятининг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳаракатларнинг бажарилиши унинг моҳиятини натижаларга узлуксиз равишда таққослаш воситасида назорат қилиниб, кузатиб борилади.

Ҳаракатларни бошқариш қайтар алоқа принципи асосида олиб борилади. Бундай алоқа воситаси сифатида сезги органлари ҳаракат йўналтирувчиси вазифасини бажарувчи буюм ва ҳаракат белгилари маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Йўналтирувчилар ҳаракат натижасини ўз-ўзидан эмас, балки ташкил этилувчи фаолият мақсадига мувофиқ равишда белгилайдилар. Масалан: шофёр машинани тормозлашда педалга берадиган кучни ҳаракат тезлиги, йўл ҳолати, машина массаси ва бошқа кўрсаткичларга нисбатан мувофиқлаштиради. Шундай қилиб, ҳаракатларни назорат қилиш ва тўғрилаш асосида онгда мақсад сифатида мавжуд бўлган, кутилаётган ҳаракат образларини олинган натижалар билан таққослаш асосида сезги органлари ва мускул ҳаракатларининг ўзаро мутаносиб равишда ишлашини таъминлаш ҳолати ётади.

Фаолиятнинг жараён эканлигини ҳисобга олиб, уни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Мақсаднинг қўйилиши (маълум вазифанинг аниқ англаниши).

2. **Ишни режалаштириш** (ҳаракатлар кетма-кетлиги, ҳар бир ҳаракат учун маълум воситаларни танлаш, ҳаракат ва назорат шаклларини белгилаш, ҳаракатнинг бажарилиш мезонларини аниқлаш ҳамда усулларни танлаш кабиларни ўз ичига олади).

3. **Фаолиятни амалга ошириш** зарур ҳолларда фаолиятни назорат қилиш ва уни мазмунан ва шаклан қайта қуриш таъминланади.

4. **Фаолият натижаларини текшириш** мавжуд хатоларни тўғрилаш.

5. **Режалаштириш ва олинган натижаларни** таққослаш (ушбу ҳаракат ишга хулоса ясаш ва уни баҳолаш ҳисобига амалга оширилади).

Таълим жараёнида йўлга қўйилувчи фаолиятлар кўп жиҳатдан маълум ҳаракатларни босқичма-босқич такомиллаштириш қонуниятига асосланган бўлиб, у ўзлаштириш жараёни, унинг босқичлари таҳлили ва моҳиятининг очиб берилиши ҳамда ўрганувчининг ҳар бир босқичдаги фаолиятини қуриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилади. Қонуниятнинг марказий тушунчаси - ўрганувчининг характери бўлиб, у **шакли, умумлашиш даражаси, ўзлаштириш меъёри** каби тушунчалар билан тавсифланади.

Фаолият шакли - ўрганувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни ташқи(моддий)дан ички(ақлий)га узатилишидаги ўзлаштириш даражаси тушунилади. Фаолият шакли буюм ёки буюмлашган, ташқи сўзлашув (нутқ ёрдамида), ақлий (ҳаракат тасаввур ёки тушунчалар) асосида амалга оширилиши мумкин.

Фаолиятнинг умумлашганлик даражаси - муайян ҳаракатни бажариш учун буюм хоссасини бошқа аҳамиятсиз белгилар ичидан ажратиб олиш даражасини белгилайди.

Фаолиятнинг кенглик даражаси - ўрганувчи томонидан барча бажарилаётган жараёнлар таркиби кичрайиб, ҳаракатлар камайиб боради.

Фаолиятлар ўзлаштириш даражаси - ҳаракатларнинг автоматлашганлик ва тезлик даражасини ифодалайди (бошида у секинроқ бажарилади, ҳар бир жараённинг ўзлаштирилиши давомида иш маромии тезлашиб, автоматлашиб боради).

Шундай қилиб, босқичма-босқич шаклланиш қонунияти шаклан аниқ фарқланадиган (моддий сўзлашув, ақлий) ҳаракатлар кўринишида, ўрганувчининг ўқув - билиш фаолияти сифатида қаралади.

Кўникмалар одатда фаолиятнинг бажарилиш мустақиллиги ва енгиллиги билан тавсифланади. Бу белгилар касбий кўникмаларга ҳам тегишли.

Меҳнат фаолиятининг касбий жиҳатдан усталик ва маҳорат билан бажарилиши касбий бўлмаган кўникмалардан меҳнат натижаларига қўйиладиган замонавий талаблардан келиб чиқувчи, юқори сифат ва сон кўрсаткичларини таъминлаш имконини берувчи, бажарилишнинг мукаммаллиги билан белгиланади.

Шаклланган касбий кўникмаларга хос белгилар: фаолиятнинг аниқ ташкил этилиши ва тезлиги, турғунлик (ҳалақит берувчи ҳолатларга

қарамасдан ҳаракатларнинг аниқлиги ва маромни таъминлаш кўрсатгичи), мустаҳкамлик (кўникманинг амалий жиҳатдан ҳаракат бажарилмаган даврдаги сақланиш ҳолати), мослашувчанлик (турли ҳолатларда самарали фойдалана олиш ҳамда маълум ҳолатларда энг кўп фойда берувчи услубни қўллаш).

Меҳнат кўникмасини меҳнат фаолияти мажмуини англаган ҳолда, берилган ҳолат учун мақсадга мувофиқ услуб танлай олиш ва шунга кўра юқори сифат ва миқдорий меҳнат кўрсатгичларига эришишдир деб баҳолаймиз.

Меҳнат кўникмаларининг юқорида қайд этилган хусусиятларидан англанадики, касбий кўникма бу нафақат жисмоний балки ақлий ҳаракатларга ҳам тайёргарлик, маълум ишлаб чиқариш вазифаларини бажара олиш, уларни ҳал қилишнинг энг қулай усулларини танлай олиш, зарур ҳаракатларни режалаштириш ва бажара олиш қобилияти ҳамдир. Касбий кўникманинг ақлий жиҳатларини жисмоний жиҳатлар каби мукаммал шакллантириб бориш талаб этилади.

Юқори касбий кўникмани эгаллашга босқичма-босқич эришилади. Таълимнинг дастлабки даврида талаба содда бошланғич кўникмаларни эгаллайди, меҳнат ҳаракатларини номукаммал, секин бажаради, ҳар бир ҳаракатни онгли равишда кузатиб, назорат қилиб боради, лекин барибир зарур натижага эриша олмайди.

Дастлабки кўринишдаги кўникма ҳаракатни мақсадли равишда такрорлаш натижасида малакага айлана боради, бунда бир шароитнинг ўзида ўша ҳаракатлар онгли назорат қилмасдан, худди автоматик ҳаракатлардек енгил ва осон бажарилади. Шундай қилиб, малака - шакллантирилган кўникманинг машқлар давомида ҳосил қилинган автоматлашган кўринишидир.

Бундай ҳолатларда малака фақат маълум шароитларда қўлланиладиган малакаларга айланиб бориши кузатилади. Мисол учун чилангарда текис юзани эговлаш малакаси шаклланади. Қандай юзани қанақа аниқликда эговлашни билгач, мос аррани танланиб, намуна ўрнатилади, бироқ чилангарнинг эговлаш жараёнида аррани қандай тутиши, қандай ишчи ҳолатда туриши, юза силлиқ чиқиши учун кучни қандай тақсимлаш лозимлиги тўғрисида ўйламаслиги мумкин. Лекин ишдан чиққан машинани созлаш, технологик жараённи режалаштириш ва умуман бошқа ўзгарувчан ҳолатларда фойдаланиладиган ҳаракатлар фақат қисмангина малакага айланиши мумкин.

Шу билан биргаликда ҳар қандай ижодий, рационализаторлик ёки ихтирочилик фаолияти бир қанча ташкил этувчи малакалардан иборат бўлиб, уларсиз бу фаолиятни амалга ошириш қийин ва ҳатто мумкин бўлмай қолади.

Малака ва кўникмаларни амалга оширишда улар тегишли бўлган меҳнат фаолияти билан боғлиқ холда турли даражадаги мураккабликка эга бўлади.

Хусусан, меҳнат усули, операцияси, меҳнат жараёнини амалга ошириш шулар жумласидандир. Бунда кўпчилик ҳолатларда меҳнат усулини қўллаш кўникмаси тўла автоматлашиши ва малакага айланиши мумкин. Операцияни бажариш кўникмасида одатда фақат бир қанча усулларнинг стандарт бирикмаларигина автоматлашади. Меҳнат жараёнларига келсак, уларнинг муввафақиятли бажарилиши ҳамма вақт мураккаб тузилишга эга кўникмаларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади.

Психологик жиҳатдан малакаларнинг ҳаракатли, ақлий ва сезги каби турлари фарқланади.

Ҳаракатни малакаларида меҳнат ҳаракатларининг тўғри бажарилишига тайёрлик (уларнинг аниқлиги, тезлиги ва бошқарилувчанлигини таъминлаш) муҳим аҳамият касб этади. Бу малакалар ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ кўникмаларда яққол намоён бўлади. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштиришдан ташқари бошқа меҳнат кўникмаларида ҳам маълум аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш, техник ҳужжатларни ўрганиш, ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш кабилар билан боғлиқ кўникмаларда фикрлаш жараёнлари ва, демак, **ақлий малакалар** етакчи аҳамиятга эга бўлади. Кўпчилик замонавий касб эгаларига ақлий малакалар барча турдаги функцияларни бажаришда у ёки бу даражада зарурдир. **Сезги малакаларига** олов рангига кўра унинг ҳароратини аниқлаш, материал ташқи кўринишига кўра унинг навини аниқлаш, станок иши ҳолатини унинг шовқинига кўра баҳолаш ва бошқа турли қўзғатувчилар таъсирида бўладиган сезги хислари билан боғлиқ ҳолатларни киритиш мумкин. Маълумки, кўпчилик ҳолатларда бу малакалар ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш кўникмаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади; улар ишлаб чиқариш жараёнларини тайёрлаш, амалга ошириш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўникмаларда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳаракатли, ақлий ёки сезги малакалари кескин юқори бўлган ҳолатлар билан биргаликда шундай ҳолатларда ҳам мавжудки, бунда келтирилган малакаларнинг иккаласи ёки барча уч тури ҳам деярли бир хил аҳамиятга эга бўлади. Мисол учун бошқариш асбобларидан фойдаланиш ақлий, сезги, ҳаракатли малакалари қаторига киради. Келтирилган турдаги малакалар янада мураккаброқ турдаги малака ва кўникмаларга бирикади. Мисол учун асосий токарлик операцияси - цилиндрик юзага ишлов беришни қараб чиқайлик. Уни бажариш учун талаба намунани ва кескични ўрнатади ва станокни ростлайди. Бу ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб кўникмадир. Унинг таркиби чизмани тез ва аниқ ўқиш, қирқиш режимини ҳисоблаш, намуна ўрнатиш усулини ва ишга тез тайёрланиш учун мураккаб бўлмаган ҳаракат малакаларини ўз ичига олади.

Станок ишга туширилганда талаба қиринди қалинлиги, ранги ва шаклини, станок товушини, металл қирқиш жараёнини диққат билан

кузатади ва лозим бўлган детал элементларини ўлчаб туради. У буюмга ишлов беришдаги шароитда кичик бузилишларни ҳам сезишга тайёр туради ва юз берган ноаниқликларни вақтида бартараф этади. Бу ўринда ишлаб чиқариш жараёни ва уни назорат қилиш билан боғлиқ **мураккаб кўникма** намоён бўлади. Унинг таркибига ишлов бериш жараёнининг меъёрида бориши учун барча шароитлар тўғрисидаги аниқ билимларга эга бўлиш, мумкин бўлган носозликлар, уларнинг белгилари, сабаблари, бартараф қилиш йўлларини билиш, технологик жараённи ташқи белгиларига кўра аниқлаш учун зарур сезги малакалари; ҳолатни тўғри ва тез таҳлил қилиб, хулоса чиқариш учун ақлий кўникма ва малакалар; зарур машқни тез ва аниқ бажариш, диққатни ҳаракатнинг ўзига эмас, балки иш жараёнидаги унинг натижасига қаратиш учун ҳаракат малакалари киради.

Шундай қилиб, деярли ҳар қандай ихтисосликдаги мураккаб кўникма таркибига психологик турдаги барча малакалар киради. Бироқ, ишчи амалга оширадиган ишлаб чиқариш жараёни хусусиятларига кўра алоҳида малакаларнинг нисбий салмоғи ва аҳамияти турлича бўлиши мумкин.

Демак, талаба малакали ишчилар каби ишлай олиши учун унинг билимларини бойитиш ва ихтисослаштириш, касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш лозим бўлади.

Олий ўқув юртларидаги касб таълими - бу педагогнинг талабалар билан ҳамкорликда режали ташкил қилинган фаолияти бўлиб, у талабаларнинг замонавий ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси даражасига мос касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, талабалар маънавий онгини тарбиялашга, уларнинг ақлий ва жисмоний қудрати ва қобилиятларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш техникаси, технологияси, ташкилий иқтисодий асослари тўғрисидаги илмий тушунчаларни, меҳнатга ижодий муносабатни шакллантиришга йўналтирилганидадир.

Шундай қилиб, таълимнинг бошқа турларида бўлгани каби меҳнат ва касб таълимида ҳам икки жиҳат фарқланади. **Улардан биринчиси -** талаба фаолияти томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши. Бу жиҳат **таълим олиш** деб аталади. **Иккинчи жиҳат**, талаба фаолияти бўлиб, талабанинг билим ва амалий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ жараён назарий таълимда **ўқитиш** деб, касб таълимда **йўриқнома** бериш деб юритилади.

Таълим бериш жараёнини бошқариш таълим жараёни мазмунини аниқ белгилаш ва уни тўғри тақсимлашни кўзда тутади. Ўрганилиши лозим бўлган материаллар ва уни ўзлаштиришга йўналтирилган талаба фаолияти нисбатан тугалланган қисм ёки бўлакларга ажратилади.

Амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш учун талаба асослари ўзлаштирилаётган касб-ҳунарга мос бўлган меҳнат машқлари ва ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши лозим. Бироқ ишлаб чиқариш машқлари ўз-ўзидан меҳнатни амалга ошириш жараёнини такомиллаштириш усулларини эгаллашга хизмат қилмайди. Бунга эришиш учун талабаларни

ишлаб чиқариш меҳнати жараёнини ўқув - тарбиявий мақсадларга бўйсундириш лозим бўлади; маълум малака ва кўникмалар шаклланишига хизмат қилувчи ишларни танлаш, талабаларни ушбу ишлар ва уларга раҳбарлик қилишга тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқув масалаларини муввафақиятли ҳал қилинишига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув жараёнини бошқаришнинг муҳим шартларидан бири ўқитувчининг ҳар бир ишга маълум кўникма ва малакалар мажмуи сифатида қараши, талабалар уларнинг қайси бирини эгаллаганликлари ва қайси бири улар учун янги эканлиги, уларни ўзлаштиришга талабанинг қай даражада тайёр эканлигини аниқлашдан иборат.

Гап шундаки, ҳар бир ҳолатда таълим мазмуни талаба учун янги бўлган ёки унинг томонидан тўлиқ ўзлаштирилмаган усул, операция ва жараёнлардан иборат бўлган. Илгари ўзлаштирилган ҳаракатлар кейингиларини ўзлаштириш учун восита бўлиб хизмат қилади. Таълим мазмунини ташкил этувчи қисмларга ажратишда ўқитувчи аввало мазкур кўникманинг меҳнат жиҳатидан эмас, балки ўзлаштириш жиҳатидан мураккаблигини эътиборга олиш лозим бўлади. Шу сабабли талабанинг тайёргарлигига боғлиқ ҳолда ажратилган қисм бир ҳолатда бутун меҳнат жараёнини, бошқа бир ҳолатда операцияни; яна бир ҳолатда ягона усулни қамраб олиш мумкин. Талабаларнинг янги кўникмаларни тез ва тўғри эгаллашлари учун қатор ҳолларда реал меҳнат вазифаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Янги ўрганаётган талабага гарчи у аввалдан унинг таркибига кирувчи операцияни эгаллаган бўлсада жуда мураккаб бўлиб кўриниши мумкин. Бундан ташқари реал меҳнат фаолияти шароитида алоҳида ўрганиш учун баъзи меҳнат операцияларини ажратиб ўрганиш ва уларни такрорлаши баъзи ҳолларда мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолларда ўқув мақсадларида меҳнат фаолиятини моделлаштиришнинг турли усуллари қўлланилади: оддий қуроллар ёрдамида бажарилувчи машқлар, тренажерларни қўллаш, ақлий вазифаларни ҳал қилиш ва ҳоказолар зарур.

Ҳар қандай кўникманинг шаклланиш жараёнида агар талаба ўрганаётган ҳаракатининг аҳамиятини тушунмаса, унинг мақсади ва мазмунини англаб етмаса талаб даражасида бўлмайди. Талаба ўз ҳаракатлари мевасини ўзи аниқ тасаввур қила олиши лозим, яъни - меҳнати маҳсули (унинг миқдорий хусусиятлари ва талаблари), меҳнат предмети (жараённи тўғри бажаришда ҳисобга олиниши лозим бўлган материаллар хусусиятлари), меҳнат қуроллари (машина, қурилма, асбоб ва мосламалар) ҳамда меҳнат жараёнининг моҳиятини (у таркиб топадиган барча ҳаракатлар) тўлақонли англаши, шунингдек, уларнинг вазифанинг тўғри бажарилишини таъминловчи ҳаракатнинг объектив шартлари деб билиш зарур.

Ҳаракатнинг шартлари тўғрисидаги билимлар талабага ўқитувчи томонидан маълум қилинади ёки у ўзи уларни амалий ўзлаштиради, бунда у реал ишлаб чиқариш объектларини кузатади ва ўлчаш ҳамда техник хужжатлар мазмунини ўрганиб чиқади. Бироқ барча ҳолларда улар - маълум

ишлаб чиқариш вазифасини ҳал қилишнинг воситаси ёки шарт-шароитлари вазифасини ўтайди.

Бу жиҳатдан энг мураккаб мавзу «Текис юзаларни эговлаш» мавзуси ҳисобланади. Эговлаш малакаларини ўзлаштириш эговлашдаги эгов ҳаракатини доимий назорат қилиш ва мувозанатда тутиш, аниқ кўринадиган юза ноаниқлиги белгиларининг мавжуд эмаслиги билан характерланади. Бу мавзу талабаларни эговлашга ўргатишнинг турли ҳолатларини ўргатишни кўзда тутади, текшириш ва назорат ўлчов асбобларидан фойдаланишда муҳим ўринга эга.

Эговлаш операциясини ўрганиш содда усулларни бажаришдан бошланади. Талабалар текис юзаларни эговлашни ўлчов ва текширув асбобларисиз ўрганадилар.

Текис юзаларга ишлов бериш малакалари ҳосил қилингач, ишчи ҳолатини тўғри эгаллаш ҳамда эговни тутиш, юзаларни маълум ўлчамлар асосида эговлаш, кейинчалик эса бу жараённи назорат - ўлчов воситалари ёрдамида эговлаш топширилади. Ўрганиш турли ишлов бериш аниқлигини талаб қилувчи деталларга ишлов бериш билан олиб борилади.

Ушбу мавзуни ўрганишда дастлаб асосий эътибор иш ўрнини ташкил этиш, текшириш усулларини тўғри бажариш, асосийси эса ўз ҳаракатларини назорат қила олиш, яъни ўз-ўзини назорат усулларини қанчалик пухта ўзлаштирга қаратилади. У мустақил ишлаш кўникмаларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, касбини муввафақиятли ўзлаштиришда ёрдам беради.

Меҳнат ва касб таълимида қўлланиладиган билим шакллари турлича бўлиб, кўргазмали ҳаракат шаклида, масала шарти кўргазмали шаклда, уни ҳал қилиш эса ҳаракатлар воситасида амалга оширилади; сўзли ҳаракат шаклида эса масала шарти сўзлар ёрдамида ифодаланиб, уни ҳал қилиш маълум ҳаракатларни талаб этади. Меҳнат ва касб таълимидаги охирги ўринда шакл кўпроқ оралиқ ҳолат бўлиб ҳисобланади, чунки ечим одатда амалиёт билан синаб кўрилади. Кўпчилик ҳолатларда икки ёки уч шакл биргаликда қўлланилади.

Таълим олиш нафақат ташқи меҳнат ёки ўқув, балки янада аҳамиятлироқ ўқув материалини англаш, қабул қилиш, берилган шароитлардан абстракция, илмий фаразлар қуриш, уларни текшириш кабиларни ўз ичига олувчи талаба ички фаолиятини ҳам кўзда тутади.

Ушбу ички фаолиятни йўриқномалар асосида бажариш лозим бўлади.

Чунончи, таълим бериш га йўналтирилган фаолиятни ташкил этишнинг ҳам йўриқноманинг ҳам, мақсади талабаларни ақлий ва жисмоний ҳаракатларни бажаришнинг энг қулай усуллари билан қуроллантириш ҳисобланади, бунда тескари алоқани таъминлаш, яъни ҳаракат натижалари тўғрисида ўз вақтида ва ишончли маълумотларни олиб туриш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Йўриқнома давридаги тескари алоқа, таълимнинг бориши ва натижасини назорат қилиш шаклида, таълимда эса ўз-ўзини назорат шаклида намоён бўлади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, маҳсулот ва меҳнат жараёни тўғрисида энг аниқ тасаввурлар ҳам меҳнат малакаларини тез ва аниқ бажарилишини кафолатламайди, ўз ҳаракатлари муваффақиятини назорат қилиш кабиларни ўзлаштириши лозим бўлади. Устанинг муҳим услубий вазифаси шундаки, у талаба янги ҳаракатларни бир йўла тўғри бажара олиш ёки унга эришиш йўлларини тасаввур этиш йўналишларини бера олиши билан белгиланади. Меҳнат касб таълимида ўқитувчи ва талабанинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш учун ўқувчи таълим олишга онгли ёндашиши лозим бўлади. Шу сабабли ўқитувчи нафақат талабага кўникма ва малакаларнинг шаклланиши учун лозим бўлган ахборотларни бериш, балки уларнинг мустақил ва тиришқоқлик билан ўқиши, малака ва кўникмаларни эгаллашда зарур бўладиган энг қулай услубларни топиши ва қўллай олиши ҳам зарур бўлади.

Таълимнинг турли босқичларида ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти тавсифи ўзгариб боради. Дастлаб ўрганиш секин боради, ҳар бир кўникманинг эгалланиши ўқитувчининг узлуксиз ва тизимли назорати остида боради, ўрганиш онглилиги ва кўникмаси орта боргани сари талабанинг ҳаракатларини назорат қилиш асосларидан ўқитувчининг диққати бу ҳаракат натижаларига кўчирилади.

Касбий кўникма ва малакалар шаклланиши жараёнини бир нечта босқичларга ажратиш мумкин. **Биринчи босқич** дастлабки таништирув аҳамиятига эга бўлади. Унинг вазифаси талабани нимага ва қандай эришиш тўғрисидаги билимлар, ўз ҳаракатларини мустақил назорат қила олиш имконини берувчи йўналишлар билан таништиришни кўзда тутади.

Бироқ, янги меҳнат усули, операцияси жараёни ўзлаштирилганда ўқитувчи уларни ўргатиш учун куч, вақт ва ҳаракат фазовий тавсифларни тушунтиргани билан талабада ҳамма вақт ҳам уларни амалга ошириш тўғрисида аниқ тасаввурлар ҳосил бўлавермайди. Ҳаракатни бажаришда талаба кўпчилик ҳолларда қўпол хатоларга йўл қўяди ва мақсадга эриша олмайди. Нима учун шундай бўлади?

Ҳар қандай жисмоний ҳаракат инсон органлари ва асбоблар ҳосил қилувчи инерция ёки оғирлик кучи, реакция кучлари, ишлов бериладиган материал ва ички мушак ҳаракатлари натижасида юзага келувчи мураккаб ўзаро таъсир натижасида пайдо бўлади. Ҳаракат тўғри бажарилишини таъминловчи ҳаракатнинг йўналиш, тезлик ва тавсифларини кўриш, ҳаракат, эшитиш ва ишнинг ҳар бир дақиқасида ҳосил бўлувчи сезги ва тасаввурлар асосида назорат қилинади. Назоратнинг бундай тизими ҳаракатларни бажаришнинг кўп маротаба такрорланиши, у ҳақдаги билимларни амалий қўллаш асосида ҳосил бўлиши мумкин.

Иккинчи кўникма ва малакалар ҳосил бўлишининг амалий босқичи ҳаракат элементларини эгаллашдан бошланади. Талаба ҳаттоки меҳнат

малакалари бошқарилмайдиган, тартибсиз ҳаракат кўникмаларини эгаллай олмаслигига ишонч ҳосил қилганида ҳам талаб этиладиган натижани қондирувчи ақлий меҳнат усул ва ҳаракатлар йиғмасини бажаришда диққатни интуитив кўчира олади. Бу босқичда дастлабки кўникманинг шаклланишини бошқариш жараёнида уста талабага ўрганилаётган ҳаракатни янада кичикроқ бўлакларга бўлиш, қийинроқ ҳаракатни осонроқ бажариш, ўз-ўзини назорат қилиш йўналишлари билан таъминлайди.

Бу босқичда алоҳида ҳаракат элементларини бажаришда автоматизм талаб этилмайди ва кўпчилик ҳолларда у зарарли ҳамдир. Шу сабабли талабани кейинги ҳаракат элементини эгаллашга, кейин эса барча меҳнат элементларини тўғри бажариш - умумий ҳаракатни тўғри бажаришга ўрганиш зарур.

Мазкур босқичда кўникмаларни эгаллашдаги бошқаришнинг муҳим вазифаси - талаба хатоликларини бартараф қилиш ва огоҳлантириш ҳисобланади. Бунда талаба ҳаракатни қандай бажаришни билмаслиги билан боғлиқ хатоларни диққатсиз, шошилинч, ўз ҳаракат ва хатоликларини нотўғри назорат қилиш, малака ва кўникмалар асосида ётувчи физиологик ва психологик жараёнлар билан боғлиқ хатолардан фарқлаши лозим.

Бу даврда янги мураккаб кўникмани эгаллашда кўплаб ортиқча ҳаракатлар юзага келади. Аниқ йўналишларнинг мавжудлиги уларни осон йўқотишга хизмат қилади, бироқ уларни умуман такрорланмаслигини таъминлай олмайди.

Дастлабки даврларда алоҳида харакатлар ўзаро тўғри келмасдан кетма-кет амалга ошади, талаба диққати ҳам уларга нисбатан кетма-кет қаратилади. Кўпчилик ҳолларда бир ҳаракат иккинчисини бажаришга халақит беради. Мисол учун талаба исканани болға билан уриш оралиқларида уни силжитиш тўғрисида тасаввурга эга бўлади, бироқ уни вақтида амалга оширишни унутиб қўяди. Дастлаб талаба ҳаракатни жуда секин маромда бажариши мумкин, бунда у алоҳида ҳаракатлар ўртасида тўхталишга мажбур бўлади. Фақатгина баъзи ҳаракатларни тушириб қолдириш ҳолатлари камайиб бориши билан унутилган қисм шу пайтдаёқ эсга тушади ва амалга оширилади.

Талаба алоҳида ҳаракатларни ўрганиб, уларни умумлаштиришни ўрганиб олгач, уни дастлабки кўникмаларни эгаллаган деб ҳисоблаш мумкин.

Навбатдаги малака ва кўникмалар шаклланишининг **учинчи босқичи** дастлабки кўникмаларнинг такомиллашиши ва мустаҳкамланиши, унинг машқлар ёрдамида малакага айланиб бориши билан белгиланади. Машқлар ўрганилаётган ҳаракатни кетма-кет такомиллаштириш мақсадида кўп марталаб такрорлашни талаб этади.

Агар дастлабки босқичда талабанинг диққати асосан ҳаракат элементларига қаратилган бўлса, эндиликда у ўз диққатини ҳаракат элементлари, умуман ҳаракатнинг ўзи ва унинг натижаларига қаратишга ҳаракат қилади. Зарур натижа билан мустаҳкамланган ҳаракатлар аста-секин

тормозланиб боради, зарур натижа берадиганлари эса мустаҳкамланиб боради. Алоҳида ҳаракатлар ва алоҳида қисмлар ўртасида умумлашганлик ортиб боргани сари, улар аста-секин битта умумий ҳаракатга айланиб боради.

Дастлабки кўникмани қайта қуришнинг машқлар жараёнидаги асосий жиҳати бажариладиган машқларни назорат қилиш билан белгиланади. Ҳаракатнинг дастлабки босқичларида ҳаракат асосан кўриш орқали назорат қилиб борилади, кейинчалик у мушак сезгилари ва ҳислар орқали бажарилади. Бу ҳолат диққатнинг ҳаракат усулларини қабул қилишдан фаолият натижалари, шартларига кўчиб боришида намоён бўлади. Бу эса харакатни бажариш услуби автоматлашиб бораётганлигидан далолат беради. Бироқ автоматлашган ҳаракатларни онгли назорат қилиш жараёни тўхтатилмайди. Қандайдир тўсиқлар юзага келганда, шароитлар ўзгарганда автоматлашган ҳаракат онгли амалга оширилиши мумкин.

Бу босқичдаги малакаларнинг шаклланишини назорат қилиш етарли даражадаги машқлар бажариш, машқлар учун объектларни танлаш, уларнинг аста-секин мураккаблашиб боришини таъминлаш, енгилларидан қийинроқларига ўтиш, меҳнат ҳаракатлари суръатини оширишдан иборат бўлади. Баъзи ҳолларда кўриш ҳиссини аниқлаштириш учун махсус машқлар талаб этилади, шунингдек, ҳаракатларни кўриб назорат қилишдан мушаклар ёрдамида сезиш ва назорат қилишга ўтиш зарур бўлади. Бу босқичда иккита қарама-қарши ва ўзаро боғлиқ жараёнлар: ҳаракатларни янада автоматлашуви ва уларнинг моҳиятини англаб олиш даражаси ошади. Ҳаракатлар моҳиятининг англанганлиги даражасини ошириш талабанинг ҳаракатларини ўзгариб бораётган шароитларга мос равишда ўзгартириш, турли ишлаб чиқариш вазифаларини хал қилиш учун талаб этилади.

Талабани машқлар жараёнида фаол фикрлаш, ўз ҳаракатларини назорат қилиш, уларни таққослаш ва хулоса чиқариш, дўстлари ҳаракатларини баҳолаш ва улар хатоларини топа билишга ўргатиб бориш лозим.

Бир қатор физиолог ва психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларининг кўрсатишича, агар талаба ўзи бажараётган ҳаракатларини «гапириб» бажарса, малакаларнинг англанганли даражаси янада юқори бўлар экан. Зеро, бу ўринда талаба ўзи бажараётган машқлар жараёнидаги ҳаракатларни уларни изоҳловчи сўзларни айтиш билан биргаликда бажаради. Бу биринчи ва иккинчи сигнал системалари функцияларининг умумлашувига олиб келади, йўриқномада олинган кўрсатмаларни ўз ҳиссиётлари билан боғлаш ва ўрганилаётган ҳаракатнинг бир бутун қиёфасини тасаввур қилишига олиб келади.

Таъкидлаб ўтилганидек, ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш ва назорат қилишда ақлий ва сезги малакалари асосий аҳамиятга эга бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш бу меҳнат фаолиятини муҳим қисми ҳисобланади ва вазифасига кўра нисбатан камроқ автоматлашади, лекин бунда бажарилиши мустаҳкам малакага айланиб қолиши мумкин бўлган стандарт усуллар мавжуд.

Ишлаб чиқариш топшириғини таҳлил қилиш, зарур асбобларни танлаш, иш тартибларини аниқлаш ва ҳисоблаш билан боғлиқ баъзи жараёнларда ақлий малакалар назарий таълим жараёнида - махсус технология ва чизмачилик дарсларида олиб бориладиган махсус машқлар воситасида шаклланиб боради. Лекин, ишни бажариш давомида юзага келадиган турли ҳолатларда тўғри ечимларни тезроқ топиш учун зарур бўладиган малакаларнинг асосий қисми касб таълими жараёнида шаклланади.

Бироқ меҳнат ва касб таълими амалда бу малакаларнинг мақсадга мувофиқ шаклланиши учун етарли муҳит яратиб бера олмайди. Одатда меҳнат ва касб таълимини ташкил этиш малакаларини эгаллаш учун машқлар тизимидан фойдаланилади. Амалда бўлсада, режалаштириш билан боғлиқ ҳаракатларни талабалар фақатгина йўл-йўлакай, операция ёки тугалланган ишни бажариш мобайнида бажарадилар. Бу ҳолат ақлий меҳнат малакаларини шакллантиришнинг тўлақонли бўлишини қийинлаштиради.

Етакчи олий ўқув юртлари ва психологлар тажрибалари ақлий малакаларни сингдириш учун машқларни бажариш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқламоқда. Мисол учун металл кесувчи станокларни созловчилар учун носозликларни топиш, уларнинг сабабларини аниқлаш, бартараф қилишнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқиш, мураккаб ва кам учрайдиган тиниқ ҳолатлар учун режалар ишлаб чиқишни моделлаштирувчи ишлаб чиқариш машқлари сериялари яратилмоқда. Талабаларнинг қийин ва кутилмаган ҳолатлардаги машқлари юз бериши мумкин бўлган бузилиш ва ҳалокатларнинг олдини олиш учун тренажерлар ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш малакаларини шакллантиришда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Баъзи касблар юзасидан назарий машғулотлар ҳисобидан энг оддий назорат-ўлчов асбоблари билан ишлаш малакасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бироқ, ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш малакалари шу билангина чегараланиб қолмайди. Ташқи белгиларга кўра ишлаб чиқариш жараёнлари ҳолатини баҳолашда зарур бўлган сезги малакаларини шакллантириш учун зарур бўлган операциялар ва турли тугалланган ишларни бажариш жараёнида амалга оширилувчи йўлдош машқлар бу ўринда муҳим аҳамият касб этади.

Тракторчиларда двигател носозликларини унинг товушига қараб аниқлаш ёки бошқа қатор касб эгаларининг материаллар тузилиши ва рангининг жуда кичик фарқларини сеза олиш малакаларини ривожлантиришга қаратилган махсус машқларни ишлаб чиқиш тизимларини кенг миқёсда ёйиш мақсадга мувофиқдир. Бундай машқлар тизимларини бошқа сезги малакаларини шакллантириш учун ҳам ишлаб чиқиш мумкин.

Юқорида тавсифланган малака талаба учун янги бўлган нисбатан мураккаб ҳаракатларни ўзлаштиришни кўзда тутади. Бироқ талабалар ишлаб чиқариш таълими амалиётида янги операция ёки бошқа турдаги ишларни бажаришни бошлашда одатда у ёки бу даражада ўхшаш малакаларни

эгаллаган бўладилар, бу эса ўз навбатида янги малакаларни эгаллашга ўз таъсирини кўрсатади. Илгари ўзлаштирилган малакаларнинг янгиларини ўзлаштиришга кўрсатадиган ижобий таъсири **малаканинг кўчиши** деб аталади.

Конуссимон юзага ишлов бераётган талаба уни бажариш учун лозим бўладиган усулларнинг катта қисмини цилиндрик юзаларга ишлов бериш жараёнида ўзлаштирган бўлади. Табиийки, у фақатгина мураккаб усулларнигина ўзлаштириб, кейин бутун малакани тўлалигича мустаҳкамлашга киришиши мумкин. Чилангар талаба текис юзаларни эговлаш малакаларини ўзлаштириб, олдиндан эгаллаган қирқиш усуллари, икки қўлда босим бериш, эговни горизонтал ҳолатда тутиб туришни енгиллаштиради, бироқ бу барча талаб этиладиган машқларни ўтказишнинг ўрнига ўтмайди.

Йиғиш, монтаж қилиш кўникмалари алоҳида ўрин тутади. Бир қарашда, улар оддий кўринсада, ўз таркибига назарий, амалий, перцептив ҳаракатларни қамраб олади. Йиғиш, монтаж қилиш операциясини бажаришда талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши лозим: график тасвирларни тўғри ўқиш ва таҳлил қила олиш, шакллар, турли таркибий қисмларга кирувчи жараёнларни тасаввур қилиш ва яхши тушуна олиш; деталларнинг таркибий ва функционал вазифаларини фаҳмлай олиш; деталларнинг ўлчамини кўз билан фарқлай олиш, фазовий жойлаштиришнинг тўғрилигини инобатга олиш; техник қурилма ғоясини хаёлда сақлаб тура олиш ва аниқ ҳолатлар учун уни мослаштира олиш. Шулар билан биргаликда, у бир қатор амалий ҳаракатларни ҳам ўзлаштириб олиши лозим.

Малакаларни кўчиришда нафақат ҳаракатни бажаришдаги умумий ҳолатлар, балки, вазифани таҳлил қилиш, режалаштириш ва уни бажаришни назорат қилиш усулларининг яқинлиги ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мураккаб ҳаракатни таҳлил қила олиш, хусусий ўқув вазифаларини кетма-кет ҳал қила олиш, ўз-ўзини назорат қилиш каби ўқув малакаларининг эгалланиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу малакаларнинг ривожланиши янги, илгаригиларига умуман ўхшамайдиган операция ёки иш турларини ўзлаштириш, таълим охирига келиб бошидагига нисбатан анча тез ва осон ўзлаштирилади.

Бундан ташқари талабанинг машқларни англанган ҳолатда ўзлаштириши, унинг ташқи, одатда тасодифан юз берувчи ҳолатларга эмас, балки аҳамиятли ҳолатларга кўра иш тутишини кўзда тутиб ташкил қилишга эътиборни қаратиш лозим.

Илгари ўзлаштирилган малакалар нафақат ижобий, балки салбий таъсирга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бу салбий таъсир малакалар **интерференцияси** деб аталади ва эски ва янги малакалар қўшилиб кетганида ёки улар умуман ташкил этувчиларга эга бўлган ҳолатларда юз беради.

Агар талаба олий ўқув юртига ўқишга киришдан илгари эговлашдаги ишчи ҳолатни нотўғри ўзлаштирган бўлса, уни тўғри ҳолатга ўргатиш эговлашни билмайдиган талабага ўргатишдан кўра қийинроқ бўлади. Бундан ташқари, талаба тўғри ишчи ҳолатни ўрганди деб ҳисоблагандан кейин ҳам у ўзи билмаган ҳолатда, эски нотўғри ҳолатга қайтиши мумкин.

Малакалар интерференциясининг олдини олиш учун талабаларни усулларни бажаришни тўғри ўзлаштиришларига таълимнинг дастлабки даврларидаёқ эътиборни қаратиш лозим бўлади. Бироқ, бу қайта ўрганиш ҳолатларини бекор қила олмайди, чунки даврлар ўтиши билан турли касбларни бажаришдаги меҳнат усуллари ва йўналишлари такомиллашиб боради. Шу сабабли янги ва эски ҳаракат усулларини имкон даражасида англаб ўзлаштириш, улар мақсади ва бажарилиш усулларини ўзлаштириш, мақсад ва бажарилиш шартларини тушуниш жуда муҳимдир. Янги малакаларни ўзлаштиришда машқларни бажариш оралиғидаги танаффусларнинг жуда катта бўлишига йўл қўймаслик лозим бўлади.

Малакаларнинг шаклланиши жараёнига талабалар индивидуал хусусиятлари ҳам аҳамиятли таъсир кўрсатади. Талабаларнинг янги ҳаракатни ўрганиш вақтидаги тезлиги ва аниқлиги билан боғлиқ индивидуал хусусияти энг кўп амалий аҳамият касб этади.

Одатда ҳар қандай гуруҳда биринчи уринишдаёқ ўрганилаётган ҳаракатнинг энг юқори суръатларига эришишга ҳаракат қиладилар ва бунда ўзлари яхши ҳис қилмайдиган кўпчилик хатоликларга йўл қўядилар. Деярли барча ҳолларда ўрганишнинг бошида ўрганишнинг паст суръатдаги ва шу билан боғлиқ ҳолда йўл қўйиладиган хатоларнинг камлиги билан характерланувчи ҳолатлар ҳам бўлади. Улар барча ҳаракатларни ва йўл қўйилган камчиликларни диққат билан ўйлаб кўрадилар ҳамда жуда секинлик билан бўлса-да бир маромда олға қараб борадилар. Бошиданоқ меъёрий суръат ва етарли аниқлик билан ҳаракат қилувчи талабалар камроқ учрайди.

Биринчи тоифадаги талабаларга нисбатан ҳаракатларни секинлик билан аниқликни ошириб борувчи услубни қўллаш тавсия этилади. Иккинчи тоифа учун бажарилиш суръатларини аста-секин ошириб бориш билан бажарилувчи бутун ҳаракатлар мажмуини такрорлаб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ниҳоят, учинчи тоифа талабаларнинг тобора мураккаблашиб ва янгиланиб борувчи машқларни бажаришига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаракатларнинг автоматлашуви ва у билан боғлиқ ҳолдаги аниқлик, тежамлилик, турғунлик, диққатнинг натижага жамланиши каби ҳолатлар ҳали малака шаклланишини тугалламайди. Малака шаклланишининг кейинги босқичи унга янада кўпроқ умумлашганлик, эгилувчанлик, турли ҳолатлардаги ҳаракатларга мослашувчанликка эга бўлиши билан характерланади.

Бу босқичдаги малака ривожланишининг асосий йўли турли шароитлар учун турли усулларни қўллаш ва шунингдек, малаканинг кўчиши сифатида намоён бўлади.

Малаканинг турли шароитларда қўлланилиши ўзлаштирилган меҳнат ҳаракатини бажариш, мисол учун уни турли материаллардан фойдаланиб бажариш, бир асбобга турдош асбоблардан фойдаланиб бажаришни кўзда тутади. Кўпчилик ҳолатларда шартларнинг бундай турларда бажарилиши - турли ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишнинг фақатгина ташқи кўринишини ифодалайди.

Юқори даражадаги автоматлашган малака бундай масалаларни ечиш жараёнида бошқа ҳаракатлар билан қўшилиб, кўпчилик ҳолларда мустақил малака бўлмасдан, энди фақатгина мураккаб харакатни бажариш услубигина бўлиб қолади; усул операцияни бажариш, операция - иш турини бажариш ва умуман жараённи бажариш йўлига айланиб қолади.

Малакаларнинг кейинги ривожланиб бориши давомида такомиллашиб борувчи сезги назорати асосида тракторчи ва ҳайдовчиларда кўз билан чамалаш ҳамда тезликни сезиш, токар ва силлиқловчида ўлчамларни ҳис қилиш, дурадгорда материални сезиш каби мураккаб сезги тизимлари шаклланиб боради.

Малаканинг умумийлик ва мослашувчанликка эга бўлишида умумий ташкил этувчиларни кўчириш ёрдамида янги ёки бу даражада мос келувчи малакалардан англанган ҳолда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат усулларини такомиллаштириш ҳамда техника тараққиёти таъсирида тез ривожланиб бораётган меҳнат қуролларига хизмат кўрсатиш учун янгиларини шакллантириш ҳамда эскиларини мослаштириш тез-тез қайта ўрганиб туришни тақозо этади ва натижада уларнинг кўчишидан фойдаланиб умумлашганлик ва мослашувчанликни ошириш учун қулай имконият яратади.

Бу босқичда малакаларнинг такомиллашиши касбий кўникмаларнинг ривожланиши билан умумлашиб кетади.

Олий ўқув юртида талабаларнинг малакаларини ривожлантириш муайян хусусиятга эга. Хусусан, назарий машғулотлардан кейин амалий машғулотлар бошланади - унинг асосий вазифаси эса муҳандис-педагог мутахассислиги бўйича касбий малакаларни ривожлантиришдир.

Талабалар фаолиятининг аниқ соҳа бўйича асосий турлари қуйидагиларни ташкил этади: ижтимоий - сиёсий, педагогик ва махсус билим. Бу турдаги фаолият қуйидаги гуруҳ малакалари билан амалга оширилади: педагогик, прогностик (олдиндан билиш), гностик (билиш) ва муҳандислик - техникавий.

Операцияли малакалар касбий аҳамиятга эга бўлган ҳаракат ва операцияларларни бажариш усулларини белгилайди ҳамда касбий-педагогик ва ишлаб чиқариш. Натижада биз қуйидаги гуруҳлар бўйича операцияли муҳандис педагог малакаларини ҳосил қиламиз: умумтехникавий,

конструктив - техникавий, технологик, ишлаб чиқариш, операцияли ва педагогик техника бўйича малакалар.

Маълумки, малакалар бир неча босқичда шаклланади. Талабаларда малакаларни ҳосил қилиш учун унда қўйилган масалани ҳал қилишга йўналтирувчи, маълум ижобий характердаги интилишлар бўлмоғи лозим.

Малакалар шаклланишининг биринчи**, дастлабки босқичи** - бунда ўрганувчи харакатлар мақсади, фаолият объекти, вазифаси, иш жойи, бошқариш органларининг жойлашиш жойи ва ахборотни билдирувчи воситалар, улар таъсири ва стимуллар тўғрисида зарур тушунтиришларни ўзлаштиради.

Иккинчи - аналитик босқич. Бу босқичдан бошлаб ўрганувчилар ҳаракатни мустақил бажара бошлайдилар. Шу сабабли улар топшириқни мазмунини ўзлаштириб борадилар.

Бунинг учун талаба ўзи бажараётган ҳаракатларни овоз чиқариб, гапириб бориш тавсия этилади. Унинг идрок қилиши паст бўлади, талаба ёрдамчи сигналларни қабул қилмайди, бутун диққат бир нуқтага йўналтирилганлиги сабабли улар ноаниқ, кўплаб ортиқча ҳаракатларга йўл қўядилар, малакаларни ҳосил қилиш ва уларни илгаригилари билан ҳамжиҳатлиги амалга оширилмайди. Ҳаракат мазмуни ўзлаштирилиб, етарлича умумлаштирилгач, учинчи босқичга ўтилади.

Учинчи - синтетик босқич. Ҳаракатлар ўз-ўзига гапирган ҳолда бажарилади, ҳаракатни алоҳида ташкил этувчилари яхлитлашиб боради ва диққат умумлашуви натижасида малакалар ўзлаштирила бошлайди, ҳаракатлар тезлашиб автоматлашиб боради. Малакаларни ошириб бориш учун ўрганувчи ҳар бир бажарилган харакатлари тўғрисида маълумот олиб туриши ҳамда уни кейинги такрорлашда янада такомиллашиб боришига интилиш зарур.

Барча ҳаракатларнинг автоматлашувига фақат **тўртинчи автоматлашув босқичида** эришилади, бунда ўрганувчи диққати ҳаракат жараёнига, унинг натижасида эришиладиган мақсадга кўчирилади, ҳаракатлар англанмайди ва ўз-ўзини назорат амалга оширилмайди, ортиқча ҳаракатлар йўқолиб боради. Ҳаракат юқори аниқлик, тезлик, тежамкорлик ва турғунлик касб этади, енгил бажарилади, уларнинг мароми ва суратини эркин ростлаш мумкин бўлади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, малакалар шаклланиши физиологик механизм бўлиб, инсон бош мияси катта ярим шари пўстлоғига вақтинчалик асаб алоқаларининг юзага келиши хизмат қилади.

Бу алоқаларнинг юзага келиш жараёнини меҳнат малакалари шаклланиши холати учун кўриб чиқамиз. Талаба ўқитувчидан вазифа ва йўриқнома олгач, уни бажаришга ҳаракат қилиб кўради. Вазифа ва йўриқнома - талаба бош мияси пўстлоғида қўзғалишни юзага келтирувчи ҳисобланади. Бу қўзғалиш ҳаракат маркази билан боғлиқ бўлган мия пўстлоғининг кўплаб қисмларига тарқалади. Лекин бунда қўзғалиш мия пўстлоғининг кўплаб қисмларига тарқалганлиги сабабли ҳаракатларни

бажаришда мақсадга мувофиқ бўлмаган мушаклар ҳаракатга келади. Шу сабабли янги ҳаракатларни бажаришнинг дастлабки даврида ўрганувчи кўплаб ортиқча ҳаракатларга йўл қўяди, уларни тўла бошқара олмайди, ҳаракатлар унумсиз, катта зўриқиш билан бажарилади. Ҳаракат такрорланиб бориши давомида қўзғалишнинг мос келувчи ҳужайраларида тўпланиш жараёни боради. Мия пўстлоғининг қолган қисми тормозланади ва ортиқча ҳаракатлар тўхталади. Қўзғалиш ва тормозланишдаги асаб жараёнларининг ўзаро таъсири натижасида берилган ҳаракатни бажаришдаги зарурий ва мақсадга мувофиқ ҳаракатлар саналади: ўрганувчи меҳнат кўникмаси ва моҳирликка эга бўлади.

Кейинги машқлар натижасида мия пўстлоғида таъсир этаётган қўзғатувчига мос ҳолдаги ва унинг жавоб берувчи асаб боғланишлари юзага келади ва ривожланиб боради. Бу боғланишлар ташқи кўриниши ҳаракатларни бажаришда автоматлашганликда намоён бўлади. **Билимлар кўникмаларга ва малакаларга ўтади.** Ҳаракатларни бажаришдаги маълум кетма-кетлик такрорланишида динамик стереотип кўринишда сақлаб қолади, яъни, таъсир қилувчи қўзғалувчига нисбатан мия ишининг маълум тизими юзага келади.

Ўрганувчи онгининг ҳаракати ёки унинг алоҳида қисмини бажаришдаги йўналтирилганлик даражасига кўра малака шаклланиши жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин.

Аналитик (таҳлилий) босқичга ўрганувчи ҳаракатининг ҳар бир қисмини алоҳида ўрганишга ҳаракат қилади. Ҳаракатнинг бир бутунлиги эса уни ташкил этувчи таркибий қисмларини бирлаштиришга йўналтирилган махсус ақлий ҳаракатлар натижасидагина ҳосил бўлади. Мисол учун автомобил двигателини ишга туширишда ўрганувчи, аввало, уни таркибига кирувчи алоҳида ҳаракатларни эгаллайди. Бу ҳаракатлар бир-биридан ажралган ҳолда бажарилади ва кўпчилик холларда улар кетма-кетлиги бузилишига йўл қўйилади.

Синтетик босқичда ўрганилган ҳаракатлар умумий ҳаракатларга бирикиб боради. Ҳаракатнинг тугалланганлиги ва унинг талаб даражасидаги бажарилишига машқларни маълум вақт такрорланганидан сўнг эришилади, бунда мия пўстлоғида ҳосил бўлган боғланишлар тобора мустаҳкамланиб боради. Ўрганувчининг онги алоҳида ҳаракатларни умумлаштириш жараёнига қаратилган бўлади.

Автоматлашиш босқичи алоҳида ҳаракатларнинг тамомила умумлашиши билан белгиланади. Машқларни бажариш давомида ҳаракатларнинг автоматлашиши ва малаканинг ҳосил бўлиши кузатилади. Мия пўстлоғида асаб боғланишлари мустаҳкамланади ва динамик стереотип ҳосил бўлади. Ўрганувчи онги алоҳида ҳаракатлардан охирги эришилган натижага кўчади. Сезги малакаларининг ҳосил бўлиши ўрганувчи онгини алоҳида кўриш ва эшитиш ҳолатларидан уларнинг аҳамиятига кўчиши билан тавсифланади. Мисол учун, тажрибали металл қуювчи металл рангига кўра

уни қуйишга тайёрлигини, шофёр эса мотор шовқинига кўра унинг ишчи ҳолатини баҳолай олади.

Ҳаракат малакаларининг автоматлашиши жараёнида кўриш назорати ҳаракат анализатори билан алмаштирилади. Ортиқча харакатлар ва ишдаги кучланиш йўқотилади, ишлар равонлик ва чаққонлик билан, энг кам мускул кучи сарфи билан амалга ошади.

Машқлар давомида кўникмалар **мослашувчанликка** эга бўла боради, яъни, ҳаракатни бажариш ҳолатларига кўра мос услубларни танлаш қобилияти ҳосил бўлади. Ўқув устахоналарида талабалар ишчи малакаларни мустаҳкамлаш учун ўрганувчи машқларни бажаришга деярли вақтлари бўлмайди.

Меҳнат таълими психологияси амалий билиш фаолияти сифатида бир нечта асосий йўналишларга эга:

- меҳнат билим ва малакаларни шакллантириш психологияси;
- ишонч қарорларни шакллантириш психологияси;
- касбий маҳоратнинг маълум даражасига эришишнинг психологик шарт-шароитлар.

Меҳнат таълимини бошқариш талаблар амалий билиш фаолиятини ташкил қилишда анъанавий бўлган босқичлар асосида амалга оширилади.

Биринчи босқич - меҳнат турлари, унинг таъсири ва психологик хусусиятлари тўғрисидаги зарур маълумотларни қабул қилиш билан белгиланади. Талабалар меҳнат объектларини кузатиш ёки меҳнат жараёни билан дастлабки танишувлар асосида меҳнат вазифаларини белгилаб оладилар.

Иккинчи босқич - меҳнат фаолияти асосларини ташкил қилувчи тушунчаларни англаш жараёни амалга ошади. Талабалар меҳнат жараёнларини тушуниб оладилар, у ҳақида янги билимларни эгаллайдилар.

Учинчи босқич - олинган билимлар машқлар тизими, мустақил ишлаш, қўшимча тушунтиришлар ёрдамида мустаҳкамланиб боради.

Тўртинчи босқич - эгалланган билимлар аста-секин амалий фаолиятга тадбиқ қилиб борилади. Билим, кўникма ва малакалар шаклланишининг барча босқичларида уларни назорат қилиб борилиши лозим, бу эса ўз навбатида меҳнат таълимида зарур тузатишлар киритиш имконини беради.

Меҳнат таълими психологиясида малаканинг учта асосий тури фарқланади:

- сенсор-перцептив (сезги малакалар);
- мотор (харакат);
- интеллектуал (вазифаларни бажариш усуллари). Ҳар қандай малаканинг шаклланиши жараёни бир қанча умумий жиҳатларга эга бўлади.

Уларнинг биринчиси бир қатор элементларнинг умумий ҳаракатга бирикишидир. Малаканинг ушбу жиҳати намоён бўлишининг алоҳида шакли вақт ўтиши билан бир нечта турли ҳаракатларнинг умумлашувидир (мисол

учун, бошқарув органлари билан ишлаш ва бир вақтнинг ўзида жараённи назорат қилиш).

Иккинчи жиҳати - диққат кучланишнинг аста-секин сусая боришига қаратилади.

Учинчи жиҳати - диққатнинг фаолият жараёнидан меҳнат натижасига кўчирилиши. Машқни бажаришда дастлаб диққат ўз ҳаракатларини бошқарушга қаратилади, кейинроқ у меҳнат даражасига кўчирилади.

Тўртинчи жиҳати - ҳаракатларнинг бажариш маромини шаклланиши. Малакага эга бўлгани кишининг бир маромда ишлай олиши унга узоқ вақт толиқмасдан ишлаш имконини беради.

Бешинчи жиҳати - меҳнат маромини истаганча ўзгартира олишнинг кенг имкониятларига эга бўлишдир.

Меҳнат психологияси ва муҳандислик психологиясида малака ва кўникмаларга ўргатишнинг **операцион - предмет** тизимидан фойдаланилди. Ҳаракат элементларини ўрганиш меҳнат натижасини берувчи реал ҳаракатларни бажариш билан боғлаб олиб борилади. Бошқача қилиб айтганда, таълим реал меҳнат фаолияти билан боғлаб олиб борилади. Предмет-операцион тизимида қуйидаги педагогик таъсир чоралари кўзда тутилади: оғзаки йўриқнома, тўғри ҳаракатларни кўрсатиш, натижаларни текшириш.

Меҳнат ва касб таълимининг муҳим жиҳати бу нафақат натижаларни, балки меҳнат малакасини ўзлаштириш жараёнининг ўзини ҳам назорат қилишдан иборатдир. Малаканинг ўзлаштиришни мураккаблигига боғлиқ ҳолда уларни соддалаштириш учун йўналишлар танланади:

- **тренировка характеридаги машқлар** - диққатни жамлаш ва берилган маромда ишлашни ўрганишда фойдаланилади; ўргатувчи характердаги машқлар - агар ўрганувчи дастурда кўрсатилган ҳаракатларни ўтказиб юборганида ёки етарлича аниқ, бажарилмаганида қўлланилади;

- **шошилинч ахборотни киритиш** - ўрганувчи меҳнат ҳаракатларини бажаришда келадиган тескари алоқа сигналларини ўз вақтида таҳлил қила олмаган ҳолатларда бажарилади;

- **психологик асосланган йўриқнома** - берилган ҳаракатларни бажаришда йўриқномани олган ва ўзлаштирган ўрганувчи бажарилаётган ҳаракатларни оғзаки гапириб амалга оширади; **ёзма йўриқноманинг турли кўринишлари** - ўрганувчи мураккаб ақлий ҳаракатларни бажаришда уларни режалаштиришда қийналадиган ҳолатларда қўлланилади.

Инсонлар томонидан ўзлаштирилган малакалар бир-биридан ажратилган ҳолатда мавжуд бўла олмайди. Улар муқаррар равишда ўзаро таъсирда бўладилар. Бунда баъзи ҳолатларда эски малакалар янгиларини эгаллашга ёрдам беради (малакаларнинг ижобий кўчиши), иккинчи бир холатларда эса уларнинг шаклланишини секинлаштиради (малакалар интерфренцияси). Малакалар кўчиши педагогик психологиянинг муаммоларидан бири ҳисобланади. Малакалар ўзаро таъсирини айниқса ўрганувчи меҳнат

малакаларининг бир тизимини ўзлаштириб иккинчисига ўтишида ҳисобга олиш лозим бўлади.

Инсоннинг меҳнат ва касб таълимида ўзлаштирган ҳаракат ва малакаларини янги меҳнат вазифаларини ҳал қилишга қаратиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Янги билимлар ҳаракатларнинг янги объектларга кўчишига асос бўлиб хизмат қилади. Билимларни ўзлаштириш жараёни - бу мураккаб бир бутун психологик фаолият ҳисобланади. Унда кўплаб психологик жараёнлар иштирок этади (билиш-қабул қилиш, хотира, тасаввур, фикрлаш; хиссиёт, ирода хислатлари ва ҳаказо).

Билимларни ўзлаштиришда муваффақият бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлади: инсоннинг таълим олишга тайёрлиги; унинг фан асосларини ўзлаштиришга тайёрлиги. Билимларни ўзлаштириш маълум психологик қонуниятлар асосида амалга ошади ва ўз кетма-кетлигига эга бўлади.

Фаолиятнинг маълум турига тааллуқли бўлган билим ва малакалар асосида меҳнат кўникмалари, яъни, инсоннинг аҳамиятли белгиларини образлар ва ҳаракатлар шаклида ифодалай олиш қобилияти шаклланади.

Ўқитиш фаолияти шундай алоҳида хусусиятлар билан тавсифланадики, бунда инсоннинг фаолияти ақлий мақсадга бўйсиндирилади, яъни, маълум билим, кўникма ва малака эгалланади.

Биз олиб бораётган илмий тадқиқот ишларимиз натижаси ўлароқ қуйида билим, кўникма ва малакаларнинг психофизиологик механизми ва ижтимоий-тарихий ўрнига тўхталмоқчимиз.

Иккиламчи рефлектор сигналлари билимларнинг физиологик механизми бўлиб ҳисобланади, унинг психологик асоси сифатида эса фикрлаш ва хотира эътироф этилади. Бизни ўраб турган объектив оламдаги буюм ва ҳодисалар билиш фаолият натижасида фикрлаш воситасида субъектив идеал образларга айланиб боради. Улар ўз навбатида тасдиқланган тушунчалар, тасаввурлар тизими шаклини олади. Бундай кўринишдаги билимлар хотирада сақланади. Шунинг учун хам билимлар психологик-педагогик тушунча сифатида инсон хотирасининг тилдаги инъикоси тарзида билиш фаолияти ва бу фаолиятнинг усулларини ифодалайди.

Инсон фаолиятининг турли-туманлиги ва у қўллайдиган кўникма ва малакаларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда дидактикада "кўникма" ва "малака" тушунчалари педагогик, психологик ҳамда ижтимоий-тарихий маъноларда қўлланилади. Бу шу билан изоҳланадики, биринчидан, талаба психологик-педагогик таъсир объекти ҳисобланиб, бу таъсир натижасида билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди. Иккинчидан, аста-секин эгалланган билим, кўникма ва малакалар таъсирида ижтимоий аҳамият касб этувчи шахсга айланиб боради.

Шу билан бир қаторда билим, кўникма ва малакалар шахснинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади.

Кўникма дастлаб амалдаги ақлий назорат остида бажарилади. Шартли рефлектор алоқалари мустаҳкамлангач ушбу назорат сусайиб боради. Шунга кўра айтиш мумкинки, инсон фаолиятидаги кўникма маълум даражадаги ақлий назорат остида амалга оширилади. Бунда ақлий назоратни ташкил этувчи ҳаракатлар тизими онгли тарзда амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида кўникманинг психолого-педагогик моҳиятини ифодалайди.

Малакаларнинг психологик асоси бир томондан фаолият мақсадини иккинчи томондан ушбу фаолиятнинг дастлабки ҳолати билан ўзаро алоқасини ифодалайди.

Малаканинг физиологик асоси сифатида юқори мустаҳкамликка эга бўлган вақтли нерв алоқалари тизими хизмат қилади. Шунга мувофиқ тарзда дастлабки ҳаракатлар ўзидан кейинги барча ҳаракатларни эргаштириб боради. Юқоридаги фикрга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инсон эгаллаган малакалар барча билимлар тизимидаги ҳаракатлар таркибидан фақатгина дастлабкисини англаб, уларга қатьий назоратсиз эришишни ифодалайди. Малаканинг психолого-педагогик моҳияти шундан иборат.

Малаканинг амалга оширилиши учун кўникмадан фарқли равишда дастлабки воситалар ва фаолият шартлари талаб этилади. Агар пианино чолғучиси учун аккордеон мусиқа асарини ижро этишда одатдаги восита вазифасини бажармаса, у мусиқани белгиланган талаб даражасида ижро эта олмайди. Шунингдек, муайян талаб даражасига эришиш учун етарли шароит бўлмаса тез ёза олиш малакасига эришиш ҳам мумкин эмас. Масалан, юриб кетаётган поездда. Бироқ кўникма кўрсатилган иккала ҳолда ҳам амалга ошиши мумкин. Инсон секин бўлсада ўз билимлари ҳамда ўзи эга бўлган восита ва шароитларга мос равишдаги усулни топиб, ҳаракатни бажариши мумкин.

Машқларни бажаришдан тўхташ натижасида шартли рефлектор алоқаларининг шаклланган малакани аста-секин йўқолиб боришига олиб келади ва у кўникма сифатига ўтиб боради. Агар инсон бажарадиган ишини нима воситасида ва қандай бажаришни унутадиган бўлса, унда шаклланган малака охир оқибатда йўқолиб кетади.

Кўникма ва малакаларнинг ўзаро фарқи ҳаракатни хатосиз бажариш тезлиги билан белгиланади. Мустаҳкам малака учун бу ҳолат умуман характерли эмас. Бошқача қилиб айтганда ҳосил қилинган малака ишчи томонидан тайёрланган энг кўп деталлар сони ва улар сифатининг давомли юқори даражаси билан белгиланади.

Кўникма келиб чиқишига кўра малакага устқурма сифатида шаклланади. Бу ҳолат инсондаги ҳаракатлар турли-туманлиги, атроф муҳитга ижодий муносабатни талаб қилиш билан белгиланади. Ҳар бир янги кўникма ҳар доим ҳам анализ ва синтез натижаси, илгари маълум бўлган билимларга янгиларини қўшилишидир, малака эса бир ҳаракатнинг ўзини кўп марталаб такрорлаш натижасидир.

Ижодий фаолият сифат жиҳатидан янги натижаларга эришиш имконини беради. Шаклланган малакада эса натижа амалда бир хил бўлиб қолаверади. Малака ўзининг консервативлиги билан ижодни бўғиб қўяди. Тўғри, малакага эришиш қийинроқ кўчади, бироқ у кўникмага нисбатан инсон онгига мустаҳкамроқ сингади, шу сабабли малакани ўзгартириш ёки ундан умуман халос бўлиш қийинроқ амалга ошади. Шахснинг меҳнат жараёнини фақат малака асосида кўриб бўлмайди, чунки ҳаётимизда учрайдиган ҳар бир ҳолат учун зарур бўлган малакани ҳосил қилишга инсоннинг меҳнат фаолияти учун яроқли бўлган ҳаёти етарли эмас. Шу сабабли кўникма инсон фаолиятида устивордир, малака эса кўникманинг техник асосини ташкил этади.

Жамият ҳамма вақт ҳам инсонларнинг маълум соҳадаги кўникма ва малакаларни эгаллаши ва уни амалий фаолиятида қўллашига хайрихоҳ бўлиб келган. Шу сабабли давлат ва жамият ёш авлодга зарур йўналишда таълим-тарбия бериб боради. Инсонларнинг кўникма ва малакаси шахсий эҳтиёжлари ва жамият эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда бир хил қадрланади. Қачонлардир бебаҳо бўлган дарахтлар ғўласидан қайиқлар ясаш кўникмаси ўзини аҳамиятини йўқотган ва ҳозирги пайтда озчилик халқлардагина уларга эҳтиёж мавжуд. Қачонлардир инсон ҳаёти учун муҳим ўрин тутган тошдан болталар ясаш ёки тошга ишқалаш йўли билан олов ҳосил қилиш бугунги кунда инсонлар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Шундай қилиб, кўникма ва малака ижтимоий-тарихий тушунча бўлиб, муайян воситаларни қўллаган ҳолда, маълум шароитларда ва аниқ тезликда ривожланади. Талабалар учун ижтимоий амалий фаолият тақозо этувчи, мақсадга мувофиқ ҳаракатлар тизими сифатида мавжуд бўлади.

§ 15. КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ ЎҚУВ-ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁНГА ТАДБИҚ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Таълим – инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун таълим тизимида инсон фаолияти билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу вазифаларни илмий-техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни, фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва амалий кўрсаткичларини ривожлантириш натижасида амалга ошириш мумкин.

Республикада таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишлар билан боғлиқ. Бу йўналиш кенг қамровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш, таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш ҳисобига уни индивидуаллаштиришни кўзда тутади.

Педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш моҳияти хусусида сўз юритиш учун «таълим технологияси» тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади.

«Технология» юнонча сўз бўлиб, «techne»-маҳорат, санъат ҳамда «logos»-тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан иборат. «Таълим технологияси» тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча «an educational technology») таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади.

Қайд этиб ўтиш жоизки, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан «педагогик технология» тушунчасига нисбатан турлича ёндошувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни «амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси» дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратади. Н.Ф.Талызина эса педагогик технологияни «фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан» бўлиши лозимлигини қайд этади.

ЮНЕСКО ташкилоти «таълим технологияси»ни изчил метод дея баҳолади, яъни «...таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва

инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методи».

Сўнгги ўн йил давомида нутқимизда «педагогик технология», «замонавий педагогик технология», «ўқитиш технологияси» каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. Аксарият педагоглар «таълим технологияси» ҳамда «педагогик технология» тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидламоқдалар. Бизнинг назаримизда, бундай ёндошув у қадар тўғри эмас ҳамда бу борада ягона тўхтамга келиш муҳимдир.

«Таълим технологияси» хусусида яратилган адабиётларда мазкур тушунчага берилган таърифларга асосланган ҳолда биз ушбу тушунчани қуйидагича шарҳлашга журъат этдик: педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси дастлаб /арбий Европа ҳамда АҚШда юзага келган эди. Бизга маълумки, /арбий Европа мамлакатлари ва АҚШда «Педагогика» фани мавжуд эмас, шу боис «педагогик фаолият», «педагогик тизим», шунингдек, уларга боғлиқ равишда юзага келувчи «педагогик технология» тушунчаси ҳам истеъмолда йўқ. Ушбу мамлакатларда шахсга таълим бериш жараёни «таълим жараёни» сифатида номланади, шахсга билимлар бериш, унинг маълумотини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи фанлар мажмуи «Методика» деб юритилади. Методика фанларини ўқитишда асосий эътибор таълим сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси (шу жумладан, МДҲ мамлакатлари) таълим тизими амалиётида ўқитилиб келинаётган «Педагогика» фанининг предмети шахсни шакллантириш, унинг камолотини таъминлашга йўналтирилган таълимий ҳамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жараёнининг мазмунидан иборатдир. Яъни, шахснинг етук камолоти икки муҳим фаолият-таълимий ва тарбиявий фаолият жараёнининг самараси натижаси сифатида намоён бўлади.

Ривожланган мамлакатлар таълими тизимида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, биз шахснинг шаклланишида таълим ҳамда тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга эканлигига урғу берамиз. Аксарият ҳолларда эса тарбия жараёни бу борада устувор бўлиши лозим, чунки ўзида ахлоқий хислатларни намоён эта олган шахсгина ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида улар мазмунининг ижобий хусусият касб этишни таъминлайди, ахлоқли инсонгина таълим (билим)ни қадрлай олади, зеро, ахлоқнинг асосий категорияларидан бири ҳам билимлилик саналади, деган ғояни илгари сурамиз. Шундай экан, бу ўринда «педагогик технология» тушунчасининг ишлатилиши, шунингдек, асосий эътиборни фақат таълим жараёнини

самарали ташкил этишгагина қаратмай, балки ҳам таълим, ҳам тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга бирдек қаратиш лозимдир.

Ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида таълимда техник воситаларни қўллаш масалалари "педагогик технология" йўналиши билан қўшилиб кетди ҳамда асосий эътибор талабалар аудиториясини кенгайтиришда техник воситалардан самарали фойдаланиш, мазкур имкониятни ошириш, уларнинг ахборот сиғими ҳамда ахборотнинг узатилиш сифатлари ва таълимни индивидуаллаштириш каби жиҳатларига асосий эътиборга берила бошланди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларда ўқув воситаларининг техник имкониятларини ўқув жараёнининг таянч нуқтаси сифатида эътироф этилиб, мазкур жараённи жараёнини "технология"лаштиришнинг ташқи жиҳатларига асосий эътибор қаратилди.

XX асрнинг 60-йиллари бошларига келиб дастурлаштирилган таълим «таълим технологияси» назариясининг таянч тушунчаси бўлиб қолди. Дастурлаштирилган таълимни амалга оширишда ўқув жараёнига алоҳида қисм сифатида эмас, балки изчил, узлуксиз тизимли тарзда амалга оширилувчи жараён сифатида ёгдошув қарор топди. Дастурлаштирилган таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган қўмита (Америка Қўшма Штатлари) тавсияларида «яхлит таълим дастури»нинг технологик тушунчаси илгари сурилди. Мазкур тушунча ўз ичига таълим мақсади, вазифалари, уларни ўзгартириш таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билим ва амалий фаолият кўникмаси ҳамда малакаларини баҳолашнинг мақбул мезонлари, таълимий муҳитнинг аниқ тавсифини қамраб олади. Бу эса ўргатиш мажмуасини тўлалигича қайта ташкил қилиш тушунчасига мос келади.

Таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узоқ муддатли вақт оралиғида кечди. Қатор мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мустақиллик шароитда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш борасидаги фаолият бир қатор етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, Халқаро SOROS фонди (Очиқ институт), AXELS, IREX, JICA каби ташкилотлар томонидан олиб борилган фаолият ўзининг самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сўнгги беш йиллар давомида юқорида номлари келтирилган ташкилотлар кўмаги ва рағбати асосида Республиканинг бир қатор етакчи олий ўқув юртлари қошида инновацион (педагогик технология) марказлар(и) ташкил этилди.

Таълимнинг глобаллашуви шароитида таълим соҳаси билан жамиятнинг ривожланиб бораётган ижтимоий эҳтиёжлари ўртасида номутаносибликнинг юзага келганлиги кузатилмоқда. Таълим тизими олдига баркамол шахсни шакллантириш, таълим соҳаси билан меҳнат бозори ўртасидаги номутаносибликни қисқартириш ҳамда ахборот технологияларидан

фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби янги вазифалар қўйилмоқда. Мазкур вазифалар педагогик технологик назариясини яратиш ва таълим жараёнини лойиҳалашга эришиш заруриятидан келиб чиқади. Қайд этилганидек, педагогик технологиянинг назарий аосларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа саналиб, таълим технологияларини яратиш муаммолари бўйича олиб бориладиган умумий ва амалий тадқиқотларга кенг йўл берган ҳолда ушбу назария моҳиятини тўлақонли очиб берувчи терминологияни шакллантиришни тақозо этади. Бугунги кунда назарий ва амалий жиҳатдан пухта асосланган умумий ишланмаларнинг мавжуд бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, умумий назарий базага эга бўлмасдан туриб, айрим муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

Педагогик технология назарияси ва уни таълим жараёнида қўллаш муаммоларига бағишланган замонавий тадқиқотлар мазкур назариянинг таълим ривожини таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаб етиш, унинг имкониятларини аниқлаш ва кенг кўламли ахборот майдонини эгаллашга ёрдам беради.

Педагогик технология назариясини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизмини билиш таълим жараёнини ривожлантириш ва бошқаришнинг энг самарали шакл ва методларини аниқлаш имконини берадики, бунинг фақат назарий, балки амалий аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Техно-педагогик мазмунда эълон қилинаётган илмий ишлар сонининг тобора ортиб бораётганига қарамай, мавжуд муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаяпти. Педагогик технологиянинг назарий-методологик асосларини яратиш, унга илмий фан мақомини бериш заруриятини асослаш борасидаги билдирилган таклифга ҳануз тавсия ва истак шаклида қаралмоқда.

Таълим назарияси ва амалиётида педагогик технологияларни тадқиқ этиш иши фанлараро (педагогика, психология, методология, педагогик методология, фалсафа, социология ва бошқа фанлар) алоқадорлик ва боғлиқлик асосида ёндашувни талаб этади. Кўрсатиб ўтилган фан йўналишларининг ҳар бирида таълим технологияларининг маълум назарий жиҳатлари ва технологияни таълим жараёнига тадбиқ этишда алоҳида ўрин тутувчи қулай шарт-шароитлари бир қадар тўлиқ таҳлил қилинган.

Педагогик технологияларнинг моҳияти, уларни таълим жараёнида қўллаш механизмини таълим фалсафаси ва социологияси контекстидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас. Зеро, мазкур фанлар таълимнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, шунингдек, ижтимоий вазифаларини ҳар томонлама таҳлил этади, таълим методологияси муаммоларининг чегарасини кўрсатиб беради.

Таълим соҳаси – бу асосида инсон ҳамда унинг фаолияти турган алоҳида ижтимоий институтдир. Шу боис умумий методологиянинг барча элементлари техникашунослик методологиясининг тизимли, фаолиятли ва

комплекс ёндашувлари ҳамда хусусиятлари, яъни, умумий методологиянинг элементларига таянмоғи лозим. Шу билан бирга педагогик технология педагогик жараённинг амал қилиш шаклларидан бири сифатида намоён бўлади. Бинобарин, педагогик технология муаммоларини тадқиқ қилишнинг методологик плани педагогика назарияси методологияси билан тўлдирилиши керак. Техно-педагогик фономен (ҳодиса)ни тадқиқ методологиясини ишлаб чиқиш илгари сурилган илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш доирасида ғоятда долзарб вазифа ҳисобланади.

Педагогик технология назариясига оид муаммоли вазиятни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, муаммоли вазият қисқа тавсиф орқали ифода этилади. Ушбу ҳолат тадқиқ этилаётган муаммонинг хусусиятларини аниқлаш ва кенгайтирилган ҳамда мантиқан бир-бирига зид келмайдиган предметли блокни шакллантиришга асосли равишда ўтиш имконини беради.

Педагогик технологиянинг методологик асослари умумий методологиянинг асосий тамойиллари тизимида янги ҳодиса сифатида уни диалектик мантиқ ва билаш назариясининг категория ва тамойиллари тизимидаги эвристик имкониятлар даражасига олиб чиқади. Тамойиллар тизими назарий методологик базис сифатида намоён бўлиб, мазкур базис асосида педагогик технологиянинг концептуал моделини қуриш имкониятлари аниқланади.

Таълим мажмуининг концептуал таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- ҳар қандай технология негизида меҳнат фаолияти кўринишидаги ўзаро жамоавий таъсир ётади. Технология меҳнат жараёнининг ўзига сингдирилади. Технологиянинг амалга оширилиш шаклидан қатъий назар, асосий мақсад умумий жараёнининг операциялар тавсифи, предмети, воситалари ва якуний натижа билан белгиланади. Бинобарин, педагогик технологиянинг педагогик жараённи амалга ошириш шакли сифатидаги моҳияти педагогик фаолият соҳасида намоён бўлади;

- инсоннинг онги жамоавий ўзаро таъсир инъикосининг идеал шакли ҳамда диалектик қарама-қаршилигини ифода этиб, ўзгартирилган меҳнат сифатида намоён бўлади. Шунга кўра онгни қайта шакллантириш қонуниятларини ижтимоий технологиядан, ушбу қонуниятларини жорий этишнинг асосий шаклларини эса педагогик технологияга асосланган педагогик амалиётдан излаш тақозо этилади;

- педагогик технология ижтимоий технологиядан ажралиб чиқиб, ўз тараққиётида шартли жамоавий репетициявий (машқлантирувчи) рефлекс босқичини босиб ўтган ҳолда, асосий технологик ўзаро таъсирларини мақсадга мувофиқ тарзда такрорловчи ҳаракат ва операциялар тизимига ажратилади. Бундан кузатилган мақсад ижтимоий онгни мустаҳкамлаш ва

тўпланган ижтимоий тажрибани янги авлодларга етказишдан иборат бўлган, унинг предмети эса идеаллаштирилган тавсифга эга;

- педагогик технология моҳиятининг умумий жиҳатлари, шакл ва мазмуни, қарама-қаршиликлар тизими, миқдорий ва сифат ўзгаришлари диалектикаси, қурилиш, амал қилиш ва ривожланишининг умумий қонун ва қонуниятлари технологиянинг умумфалсафий концецияси доирасида муваффақиятли равишда кўриб чиқилиши мумкин. Унинг ҳаракат мантиқи моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги юқорида кўриб чиқилган қонуниятлар (объектив технология), унинг диалектик нуқтаи назардан қарама-қарши томони бўлган – маънавий ишлаб чиқариш, шунингдек, таълим соҳаси қонуниятларини кўчириш жараёнини акс эттиришдан иборат;

- педагогик технология назарий негизга эга, зеро, асл технология ўзининг мустаҳкам илмий-назарий пойдеворига асосланади. Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмасини шакллантириш жараёни ҳар қандай фаннинг шаклланишида муҳим ўрин тутувчи асосий қонуниятларга бўйсунади. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси ривожланган сайин эътибор умумназарий элементларнинг синтез этилишига қаратилади;

- педагогик технология назариясининг яратилиш ва ривожланиш мантиқи асосий босқичларда умумий технологик назариянинг шаклланишини акс эттирувчи ҳолат сифатида намоён бўлади. Мазкур ҳолат асоси фикрлаш жараёнининг энг муҳим шакли сифатида хулоса чиқариш имконини берувчи дедуктив ёндашув ҳисобланади;

- педагогик технология назариясининг яратилиши учун «ғишт қўйишнинг» асосий даври педагогик технологиянинг бошланғич «ҳужайраси»ни ифода этувчи педагогик жараёнда технологик жиҳатнинг моҳиятини очишга ёрдам берувчи, ўзига хос тушунча ва категориялар тизимини акс эттирувчи технологик ўзгариш, технологик восита ҳамда техно-педагогик ўзаро таъсир билан боғлиқдир.

Юқорида баён этилган хулосалардан педагогик технологияни ривожлантиришнинг бошланғич шарт-шароитлари (техно-педагогик феноменни ривожлантиришнинг зарурий шароитлари ва пойдевори бўлган дастлабки элементлар ёки бошланғич шакллари), педагогик технология назариясини тараққий эттиришнинг асосий босқичлари ва асосий анъаналарини хусусий-илмий жиҳатдан аниқлашга йўналтирилган педагогик технология генезеси ҳам тасдиқлайди. Моддий ишлаб чиқариш технологиясини қарор топтириш ва ривожлантириш жараёнидаги асосий босқичларни аниқлаш, шунингдек, педагогик технология назариясининг келиб чиқишини асослаш мақсадида педагог, психолог, файласуф, иқтисодчи ҳам методолог олимлар томонидан олиб бораётган ишлар юзасидан ўтказилган таҳлил натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- одамнинг табатга кўрсатувчи ўзаро таъсири жамоавий, мақсадга мувофиқ ва технологик ўзаро таъсир сифатида майдонга чиқади. Ушбу ҳолат технологик восита тузилмасидаги сабабий боғланишларни умумий жараёнда мазкур восита бажарадиган технологик вазифа асосида тушунтиради. Мавжуд детерминация (сабабий боғланишларни аниқлаш) технологик воситани технологик ҳаракатнинг мустасносиз барча босқичларида ривожланишини таъминловчи объектив қонун сифатида намоён эттиради;

- ҳар қандай меҳнат ўзаро боғланган элементлар: физиологик, ишлаб чиқариш ва моҳиятан технологик саналувчи элементлар мажмуасини ифода этади. Моддий ишлаб чиқариш технологиясида бу элементлар мануфактур ишлаб чиқариш жараёнига қадар алоҳида мусатақил қисмларга бўлиб чиқади. Бу ерда ҳунармандчилик фаолияти техникавий базиси, алоҳида олинган ишчининг ҳунармандчилик санъати эса ишлаб чиқаришнинг технологик асоси саналади. Шу боис бундай ишлаб чиқаришнинг кейинги тараққиётида табиий ва ижтимоий тўсиқлар билан чегараланади;

- моддий ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг технологик элементини ажратиш мануфактура ривожланиши ниҳоиясига етган босқичда амалга оширилади ва ишлаб чиқариш жараёнининг айрим элементар операциялар якунига еткач намоён бўлади; алоҳида ишчи томонидан эпчиллик, иқтисод қилиш ва ички ишонч асосида, муайян бирор миқдордаги маҳсулотни иш вақти бирлигида тайёрлаш технологик инқилобни таъминлаш учун объектив замин яратадиган технологик қонун бўлиб қолади;

- технологик инқилоб моҳияти технологик вазифанинг инсон зиммасидан соқит этиб, технологик восита зиммасига ўтиши билан асосланади. Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини йўлга қўйиш ҳамда инсоннинг бу жараёндаги бевосита иштироки учун сарфланадиган вақт ўртасидаги фарқ ўтиш даврининг ўлчов кўрсаткичи ҳисобланади. Айни пайтда технологик ҳаракатда ташкил этиш бўйича ҳунармандчилик санъати ўз ўрнини фанга бўшатиб беради. Қайд этилган ўтиш даври техникавий жараённинг бош йўли сифатида майдонга чиқадиган ва хусусий техник-технологик феноменларнинг ички қонуниятларида ўз аксига эга бўлган технологик восита зиммасига инсон томонидан бажарилаётган технологик вазифасини топширилиш қонуни билан боғлиқдир;

- моддий ишлаб чиқариш технологияси педагогик технологиянинг пайдо бўлиш ва ривожланишининг бошланғич шарт-шароитлари сифатида намоён бўлади. Тарихий куртак сифатида у биоижтимоий технология тарзида намоён бўлди. Педагогик технология ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, яратиш, амалга ошириш ва ривожлантиришга асосланувчи илмий-назарий қонунлар, ижтимоий қонун ва мустақил равишда мавжуд бўлиш шарт-шароитлари сифатида акс этади.

Генезис ҳам педагогик технология феномени бўлган тадқиқот мантиғи ва натижаларини моддий ишлаб чиқаришнинг техник-технологик ҳаракати контекстида очиб беради. Техно-педагогик феномен моҳияти юзасидан олиб

борилган тадқиқот мантиғи қуйидаги чизма орқали тақдим этилади: ижтимоий буюртма (ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихан таркиб топган тизимида янги ишчи кучига меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган инсонга қўйиладиган талаблар йиғиндиси кўринишида), таълим тизими эҳтиёжлари (таълим дастурнинг мазмуни ва тузилиши шаклида), ўқитиш ва ўқиш мотивлари; технологик (қайта) ўзгаришлар объекти ёки предмети; педагогик жараён субъектлари (ўқитувчи ва ўқувчи) нинг технологик вазифаси, технологик воситанинг табиати ва таркибий тузилмаси, таълимнинг технологик усули (методи) ва таъмин қилинаётган натижа. Айни пайтда технологик ҳаракат қонуни замирида оддий технологик ўзаро таъсир, технологик вазифаларнинг инсон зиммасидан соқит этилиб, технологик восита зиммасига юклатиш қонуни, техно-педагогик феноменни тадқиқ этиш жараёнида юқорида кўрсатиб ўтилган структуравий-мантиқий элементлар акс этади. Шу нарса аниқландики, техно-педагогик ўзаро таъсир – бу педагогик жараён субъектларининг техно-педагогик восита билан боғланган, муайян технологик мақсадга бўйсундирилган ва маълум технологик вазифани жорий этишга йўналтирилган фаолиятининг кўриниши (педагогик ўзаро таъсирининг кўриниши) саналади. Ўзаро таъсир зарур ҳаракат ёки муайян бошланғич ҳолатда белгиланган (башорат қилинаётган) натижага қараб ўз-ўзидан юзага келадиган ҳаракат асосида намоён бўлади. Оддий технологик ўзаро таъсир – бу техно-педагогик воситанинг педагогик жараён субъектлари билан бевосита таъсирга кирувчи (бир-бирига ўзаро таъсир ўтказадиган) технологик қисми даражасидаги ўзаро таъсирдир. Оддий техно-педагогик ўзаро таъсир табиати қуйидаги қисмларга бўлинувчи педагогик воситаларни яратишга имкон беради. Табиий (мулоқот ва фикрлар воситасида сифатидаги тил, идрок воситаси сифатидаги ҳис туйғулар ва англаш воситаси сифатида фикр), ижтимоий (оддий кооперация даражасидаги субъект-объект ўқув муносабатлари ва мураккаб кооперация даражасидаги субъект-объект ўқув муносабатлари), техник (ёруғлик, аудио ва видеоаппаратура, шахсий компьтерлар, локал ва долзарб ахборотларни тарқатувчи компьютер тармоқлари ва ҳоказолар).

Технологик ўзаро таъсир, таълимнинг технологик воситалари ва улар ёрдамида ташкил этилувчи педагогик жараённинг бевоситалик даражаси (технологиялаштириш) борасидаги тасаввур асосида қисқа антологик-социологик таҳлил ўтказилди. Таҳлил жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик, илмий ва динамик жараёнининг ривожланишидаги объектив анъаналар педагогик жараённи айрим ўқитувчиларнинг санъати, педагогик маҳорати ва техникасига асосланган таълим технологиясидан кўп сонли педагогларнинг касб маҳорати ва фаолиятининг мазмунига асосланган таълим технологиясига ўтказиш заруриятини кун тартибига қўймоқда. Ушбу педагогик жараёнда урғунинг мураккаб кооперация даражасидаги ҳиссий билишдан мантиқий билишга томон силжиши, субъект-объект муносабатларидан субъект-субъект

муносабатларига ўтиш ва педагогик жараёнда таълимнинг хилма-хил техника воситаларини кенг қўллашга эришиш билан боғлиқдир.

Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмаси (тузилиши) кўриб чиқилаётган муаммолар мажмуида марказий ўринни эгаллайди. Педагогик технологиянинг қуйидаги муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: предметлилик (педагогик технология назариясига оид барча атама, тушунча, категория ва таъкидлар бир предметли ёки муайян соҳага тааллуқли бўлиши керак); бир-бирига мослик ёки тўлиқлик (педагогик технология назариясининг тили, унинг асосий тушунчалари, категориялари, тамойиллари, моделлари ва ҳоказолар); аниқлик (объекти маъносини икки аспектда: эмпирик ва семантик жиҳатдан очиб беради); текширувчанлик (назариянинг реал объектга мослик даражасини текширади); ҳаққонийлик (педагогик технология назариясининг асосий таъкидлари ишончли бўлиши зарур); тизимлилик (техно-педагогик қонунларни табақалаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи алоқалари ёрдамида ягона тизимга бирлаштириш).

Юқорида қайд этилган ҳолатларга таянган ҳолда педагогик технология назарияси моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи қуйидаги вариант таклиф этилади: педагогик технология назарияси (ёки илмий техно-педагогик назария) – бу идеаллаштирилган объектни ўзига хос илмий тили воситасига кўра ишончли ва мос тарзда тасвирловчи ва изоҳловчи илмий техно-педагогик билимларни ташкил этувчи тизимли шакл.

Педагогик технологиянинг моҳиятини белгилаб олиш унинг таркибий тузилмаси, вазифаси, назарий конструкцияларини кўриб чиқишга, шунингдек, бир қатор таянч тушунча ва категорияларнинг тўлдирилган таърифлари моҳиятини тушунишга имконини беради.

Педагогик технология назариясининг таркибий тузилмасида қуйидаги элементлар ажратиб кўрсатилади ва таҳлил этилади: ўз ичига техно-педагогик, шунингдек, эмпирик қонунларни оладиган бошланғич эмпирик асос; ўз ичига педагогик технологиянинг ўзаро боғланган оддий мавҳум объектлар (назарий асосланмалар) тизимини оладиган концептуал асос; ўз ичига мавҳум объектлар моҳиятини тасвирловчи ва тушунтириб берувчи бошланғич, оралиқ ва якуний тушунчаларни оладиган мантиқий тил асоси; ўз ичига қонунлар йиғиндиси ва улар асосида келиб чиқувчи оқибат ва таъкидларни оладиган назарий асос.

Таркибий тузилма таҳлили педагогик технология функциясига аниқлик кириш ва унинг концептуал моделини қуришга оид ёндашув вариантини асослаш имконини берди. Концептуал ва мантиқий тил асоси, шунингдек, илмий техно-педагогик билимларнинг асосий салмоғини ишлаб чиқишда дедуктив ёндашув ва педагогик технология назариясининг концептуал асосига аниқлик киритиш учун эса индуктив ёндашувдан фойдаланилади.

Назариянинг концептуал асосини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Ушбу асос педагогик технология матрицаси деб аталади. **Педагогик технология матрицаси (техно-педагогик матрица) – бу**

минимал даражада зарур белгилар (назарий конструктлар)га таянувчи ранг-баранг, сифатли педагогик технологияларнинг мавжуд модели. Унинг негизида қуйидаги элементлар: асосланган элементар техно-педагогик ўзаро таъсир, техно-педагогик ўзгаришлар (қайта қуришлар)ни акс эттирувчи предмет талабаларнинг билимлари, малакалари, кўникмалари; технологик-педагогик восита табиатини қайд этувчи элементлар, табиий, ижтимоий, техникавий; предметнинг техно-педагогик ҳаракат босқичлари ва уларнинг ўзгаришларини (қайта қурилишини) белгиловчи техно-педагогик натижага бирлаштирадиган, шунингдек, педагогик технология назариясининг концептуал асосини ифода этадиган элементар техно-педагогик ўзаро таъсир хусусида ишлаб чиқилган тасаввур ётади.

Педагогик технология назарияси дедуктив – хулосавий тавсифга эга бўлган ҳамда педагогик технологиянинг асосий моҳиятини ишонарли ва аниқ акс эттирувчи илмий назария сифатида намоён бўлади.

Таълимни «технологик» йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аниқ ва пухта ўйланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Мазкур ҳолатда асосий (умумий) ҳамда жузъий мақсадларни амалга ошириш учун муайян қонуният, жараён, тизим ва унга мос амаллар мажмуи мавжуд бўлиши тақозо этилади. «Педагогик технология»нинг воситавий йўналтирилганлиги унинг бир неча услублар ёрдамида турли таълим жараёнларини ташкил этишдаги кенг имкониятларини очиб беради. Бу ўринда таълимнинг ташкилий жиҳатлари, аввалдан, гўёки ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш усули сифатида қаралади. Мос равишда амалга оширилиши талаб этиладиган жараёнлар моҳиятини таҳлил этиш, уларни саралаш ўқув фаолияти мазмунини ҳисобга олмаган ҳолда йўлга қўйилади. «Педагогик технология» доирасида аниқланиб олинадиган мақсадларнинг эмпирик таҳлилигина берилади. Таълим мақсадлари юзасидан олиб борилган таҳлил эмпирик тавсифда «технологик» ишланмаларнинг дидактик жиҳатдан тўлақонлиги бўлмаслигини кўрсатади. Умумий дидактик мақсадларнинг «техник» дедукцияси таҳлили «педагогик технология» дидактик имкониятларини кўрсатувчи муҳим жиҳат ҳисобланади. Таълим мақсадларининг таҳлилий баёнидан ташқари ҳар бир ўқув жараёни учун таълим услубларини танлашнинг муҳим шарти сифатида таълим олувчиларнинг билим даражаларини олдиндан ташҳислаш, уларнинг кўникма ва малакаларини мавжуд меъёрий талаблар билан таққослаш эътироф этилади.

Таълим жараёнининг бориши талабаларнинг белгиланган мақсад сари ҳаракатланишини узлуксиз назорат қилишни кўзда тутади. Ушбу фаолиятни ташкил қилиш технологик таълим тизимининг юқори даражали имкониятларини очиб берувчи ҳисобланади.

Агар технологик тизимларда асосий эътибор билимларни узатиш ва ўзлаштирилган билимлар даражасини аниқлаш юзасидан назоратни олиб бориш борасидаги ҳаракатни ташкил этишга қаратилган бўлса, услублар мажмуасини танлаш асосан эмпирик асосда амалга оширилади.

Ўқув жараёнини лойиҳалашга технологик жиҳатдан ёндошиш қуйидаги асосий босқичлардан иборат бўлади:

1. Таълим жараёнининг умумий асосий мақсадини белгилаб олиш;

2. Таълим жараёнини реал муайян босқичларга бўлиш, ҳар бир босқич учун хусусий мақсадларни белгилаш, яъни, асосий мақсадни амалга оширишда жузъий мақсадларни ҳам ҳал этиб бориш;

3. Таълим олувчиларнинг билим даражасини олдиндан ташҳис қилиш.

Босқичлар кетма-кетлигининг моҳияти ўқитувчи ҳаракатларининг даврий, такрорланувчи кетма-кетлиги мазмунини англаб кўп маротаба мос равишда мақсадлар, аниқ назорат усуллари ва таълим жараёни турлари билан такрорланиб бориш эвазига унинг ниҳоясига етказилишини англатади.

Технологик ёндашишнинг яна бир хусусияти бўлган ҳамда режалаштирилган стандарт натижаларга эришиш имконини берувчи даврий кетма-кетлик педагогик технологиянинг назарий асосларини акс эттиришга хизмат қилади.

Таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндашишга хос бўлиб, у дидактикада таълимнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилувчи ва кейинги йилларда бутун жаҳон педагогикасининг тадқиқот объектига айланган ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини ифодалайди.

Бундай ёндашув таълим самарадорлигига эришиш муаммоси, таълим жараёнининг мазмуни, унинг таҳлили, шунингдек, ўқувчига таълим мазмунини турли узатувчи воситалар орқали етказиб беришни назарда тутади. Педагогика фанида илгари суриладиган яхлит умумпедагогик тамойил нуқтаи назаридан таълим натижаси маҳсулдор равишда ўзлаштириладиган билим, биргаликдаги тадқиқотчилик фаолияти тажрибаси ҳамда ҳиссий сифатларнинг қарор топганлиги билан белгиланади.

Таълим мақсадлари, баҳолаш мезонлари ҳамда таълим шароитларини такрорий ҳосил қилишдаги имкониятларини инобатга олиш асосида педагогик жараённинг тарбиявий фаолият жараёнига ҳам технологик ёндашувни самарали тадбиқ этиш мумкин. Шу тариқа педагогик технологиянинг асл моҳияти намоён бўлади, таълимий ва тарбиявий фаолият ўртасидаги тафовут барҳам топади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаштириш, яхлит жараённи қисмларга ажратиш, таълим натижаларини стандартлаштириш, таълим жараёнидаги самарали тескари алоқа, автоматлаштириш имкониятларини такомиллаштириш каби муҳим таълимий муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради. Мазкур муаммоларни ҳал этишда таълим тузилмаларини ташкил этишдаги мавжуд (автоматлашган ва автоматлашмаган) тажрибани ҳисобга олиш ва унга танқидий муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологиянинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий таҳлил қилиш, таълим жараёнига маҳсулдор ёндашишни ташкил этиш билан белгиланади. Яъни, муайян вақт оралиғида

педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан биргаликда унинг «муаммо майдони»ни ҳам ўзгартириш лозим бўлади.

Таълим жараёнининг технологик қурилиши қатор вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Чунончи, дидактик мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён ҳамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, талабалар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча таълим олувчилар билим ва тафаккур даражаларини тенглаштириш ва ошириш кабилар.

Бўлғуси мутахассисларни сифат жиҳатидан замон талаби даражасида тайёрлашга уларга аниқ мутахассислик билимларини бериш, уларнинг касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш, амалий фаолият жараёнида уларнинг эгалланган билимларини самарали қўллай олиш маҳоратларини юзага келтириш орқали эришиш мумкин. Шундай экан, ўқув-тарбия жараёнини таълим назарияси фаолияти нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, халқ таълимида олиб борилаётган таълим-тарбия ишларини "педагогик технология" йўналишига ўтказиш ҳамда олий таълим амалиётида ихтиёрий равишда педагогик фаолиятнинг ҳар бир элементини жиддий асослашга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологияни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг умумлашган кетма-кетлигини қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ саналади (тажриба ишларини амалга оширишда мазкур кетма-кетликдан услубий асос сифатида фойдаланганмиз):

- талабаларнинг истиқболдаги фаолияти мазмунини таҳлил қилиш, таълим жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни белгилаш;
- умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришда таълим воситаларини қўллашга оид таълим услуби мазмунини ишлаб чиқиш;
- олий ўқув юртлари ўқув дастурларида талабалар томонидан таълим воситаларидан фойдаланиш технологиясини ўзлаштиришлари учун вақт мезонини белгилаш;
- талабаларда кўникма ва малакаларни ривожлантиришга оид машқлар тизимини ишлаб чиқиш;
- талабаларда ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг сифатини назорат қилиш билан боғлиқ объектив назорат ўтказиш ва тестлар тизимини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган "педагогик технология"ни амалда синаш ва уни ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

Келтирилган босқичларнинг тавсифи амалда ўқитувчи фаолиятининг даврий алгоритмини ифодалайди ва уларнинг мос равишда таълим мақсадлари, аниқ белгиланган назорат усуллари ҳамда яхлит жараённи

қамраб олади. Ушбу жараён стандартлаштирилган таълим мақсадига мувофиқ педагогик тизим воситасида амалга оширилади.

Маьлумки, ҳар қандай педагогик тизим тузилмасида икки асословчи тушунча: қўйилган вазифа ва уни амалга ошириш технологияси яққол кўзга ташланади. 2 – шаклда ПТнинг дидактик вазифаларини ва таълим технологиясини таркиб топтирувчи элементлари акс эттирилган.

Дидактик вазифа тузилмасида олий педагогик таълим тизимида талабаларда кўникма ҳамда малакаларини амалга оширилишининг шарт-шароитлари, фаолият тўғрисида ахборот билан шартланувчи мақсад акс эттирилган. Бу ҳолатда дидактик вазифа учун мақсад - талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш бўлса; шарт-шароитлар бу уларнинг дастлабки шаклланганлик ҳолатлари, ахборот эса - кўникма ва малакаларини мазмуни билан белгиланади. Кўриниб турибдики, ҳар қандай дидактик вазифа ўзига хос равишда таълим технологияси ёрдамида ҳал этилади, унинг бир бутунлиги эса дидактик жараён, ташкилий шаклларда ҳамда ўқитувчи малакасининг ўзаро боғланган ташкилий ишланмаси асосида амалга оширилади. Демак, айтиш мумкинки, педагогика фанида ҳар қандай педагогик технология асосини педагогик тизим ташкил этади. Бундай педагогик технологияни режалаштирилган самараси унинг қандай тизимлаштирилганлиги ва тузилишига боғлиқ (2-шакл).

Педагогик технология ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Педагогик технология педагогик жараённи такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омили саналади.

2. Педагогик технология дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи, методологик фан сифатида намоён бўлади.

3. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараёндир.

4. Педагогик технология – йўналтирувчи вазифани бажаради, яъни, у шахсни ривожлантириш, тарбиялаш, шакллантиришга хизмат қилади.

5. Педагогик технология-шахсийлик хусусиятига эга бўлиб, янги технологияни таълим-тарбия жараёнида қўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар қўйилмайди. Ҳар бир педагог у фаолият олиб юритаётган таълим-тарбия муҳитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташқи шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндошувни амалга ошириш имкониятига эга.

6. Педагогик технология ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти (камолоти) бирлигини ифода этади.

Талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик тизими



2 - шакл.

Педагогик технологиянинг асосий мақсади комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараённи такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, таълим олувчининг мустақиллигини таъминлаш, ўқитиш жараёнида техник воситалар имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишдан иборат.

Педагогик технология доирасида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- Таълим жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш.
- Таълим жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш.
- Таълим жараёни моҳиятини башоратлаш (таҳмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш.
- Таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, метод, усул ҳамда техник воситаларни танлаш.
- Таълим жараёнида таълим олувчининг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташҳислаш.
- Таълим олувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш.
- Ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамоада синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш.

Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши қуйидаги шартларга амал қилинишига боғлиқ: мавжуд шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиш; таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш; таълим олувчилар фаолиятини объектив назорат қилиш ва баҳолаш; хусусий фанларни ўқитиш жараёнида имкон қадар албатта, самарали равишда техник воситалар имкониятидан кенг фойдаланиш; педагогик тизимда мақсад аниқ ва равшан қўйилмоғи лозим.

Педагогик технологиянинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий таҳлил қилиш, таълим жараёнига маҳсулдор ёндашишни ташкил этиш билан белгиланади. Яъни, муайян вақт оралиғида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан биргаликда унинг «муаммо майдони»ни ҳам ўзгартириш лозим бўлади.

Таълим жараёнининг технологик қурилиши қатор вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Чунончи, дидактик мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён ҳамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, ўқувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча таълим олувчилар билим ва тафаккур даражаларини тенглаштириш ва ошириш кабилар.

Бугунги кунда талаба фаолияти тажрибаси дунёқарашининг кенглиги, илмий тавсифланиш босқичлари, савияси, сифати ва мустаҳкамлиги каби ташҳисли кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Уларни кўриб чиқишни **тажриба кенглик кўрсаткичини** тавсифлашдан бошлаймиз. Инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти ҳамма вақт ўзига хос равишда ахборотли ўзлаштириш асосида амалга ошади. Бунда фаолиятни амалга оширишдаги қоида ва метод **ҳаракатнинг йўналтирувчи асоси** (ҲЙА) деб аталади, у ўз навбатида таълим мазмунини ташкил қилади. Шахс тажрибаси ҳамда фаолиятнинг такомиллашиб бориши ҲЙАнинг эгаллаб олиш аниқлиги ва тўлақонлигини белгилаб беради. ОЎЮларида таълим беришнинг мазмуни, шаклланиш амалиёти ва назариясининг асосий муаммоси - уни замонавий фан ва маданият даражасига асосланиб саралаб олишдир. Республикамизда талабаларни тест орқали саралаб олиниши ва рейтинг тизимининг жорий этилиши шу талабларга жавоб беради.

I. Тажриба тавсифи ва кенглигининг ўлчови. Ҳар қандай фаннинг мазмуни эгалланаётган касб хусусиятларига мос объектлар, жараёнлар ва фаолият услублари тўғрисидаги маълум ахборотлар мажмуидир. Ўқув предметлари объектлар таркиби, фаолият услублари ва жараёнлари билан фарқланади. Баъзи фанлар умумий объектга, ҳодисага ёки фаолият методига эга бўлиши мумкин бўлган ҳолдагина, улар ўртасидаги фанлараро алоқа тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Объектив мавжуд бўлган ҳодиса, услуб ёки объектлар тўғрисидаги маълум соҳага тегишли ахборотлар қараб чиқилаётган фан соҳасини ифодалайди. Бугунги кунда инсонлар мисли кўрилмаган суръатларда ўсиб бораётган ахборотлар ҳажмини ўзлаштириб улгуришга қодир эмас, бироқ у ёки бу соҳага оид фикрлаш ҳамда фаолият услубларини эгаллаш мумкин. Бунинг учун тўлақонли ҳамда онгли фаолият олиб боришни таъминлай олувчи билимлар асосида мустақил ўрганиш учун асос яратувчи объектлар фан мазмунидан ажратиб олиниши лозим бўлади.

Фан ютуқларидан келиб чиқиб, ўқув предметига аниқ йўналтирилган материалларни танлаб олиш нисбатан восита ўрнида қўлланилади. Табиийки, таълим мазмунини бу йўсинда ташкил қилишнинг асосий мезони сифатида олий ўқув юртларини маълум касбий ёки бошқа йўналишлар билан табақалаштириш қабул қилиниши лозим. Ўқув предмети дастурини ўзлаштириш учун киритилган фан объектлари, ҳодисалар ва фаолият услубларини "ўқув элементи" (ЎЭ) деган умумий атама билан ифодалаш мумкин.

Ҳар қандай ўқув дастури ЎЭларидан иборат бўлади, ўқув предметлари ЎЭ тадбиқи ҳамда миқдори билан ўзаро фарқланади.

Бугунги кунда ўқув дастурларини яратишда ҳам табақалаштирилган тўлақонли бўлмаган ЎЭ ни ёзма тавсифлаш усулидан фойдаланилади, бу эса дастурни янгилаш, таҳлил қилишни мураккаблаштиради. Унга киритилган

материал ҳажми ва мураккаблигини ҳисоблашни қийинлаштиради. Дастур тузувчи унга киритилаётган ҳар бир ЎЭ ни асослаб бериши лозим бўлади, бунинг учун эса дастурни тузиш ва таҳлил қилишда унинг таркибига кирувчи ЎЭ ларининг тўлақонли ва ўзаро боғликликда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу талабга таълим мазмунининг мантиқий тузилмасини қуриш методи жавоб бера олади.

Инсон ўзининг ҳар қандай онгли фаолиятини илгари ўзлаштирган маълумотлар асосида амалга оширади. Инсон маҳорати даражаси ҳам фаолияти доирасидаги ахборотларнинг ўзлаштирилганлиги билан белгиланади. Фаолият тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш алоҳида ЎЭлари тавсифларини ўзлаштириш ва умуман, ўқув фанини ўзлаштиришга, яъни,- ҲЙАни ўзлаштириш сифатига боғлиқ бўлади. Бунда ҲЙА қандай ўзлаштирилган бўлса, шу таҳлитда қўлланилиши ёки фаолият шароитларидан келиб чиқиб ўзгартирилиши ҳам мумкин. Ўзлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш усули икки турда: репродуктив ва продуктив бўлиши мумкин. Фаолиятнинг ушбу турларини ажратишда умумий мезон сифатида дастлабки ахборотлардан юзага келган масалаларни ҳал қилишда фойдаланиш усули қабул қилинади. Шубҳасиз, репродуктив фаолият продуктивдан олдин амалга ошади.

Репродуктив фаолиятда ҲЙА, унинг алгоритми ва қоидалари фақатгина турли ҳолатда қайта бажарилади, бу ўринда талабанинг фанлардан ўзлаштирган билимларига ҳеч қандай янги ахборот қўшилмайди. Репродуктив фаолият учун асосан алгоритмик ёки маълум шароитларда бажарилиш кетма-кетлиги аниқ баён этилган ҳаракатларга хос бўлиб, умумтаълим ва касбга йўналтиришга оид ўқув қўлланмаларидаги барча масалалар ушбу масалаларни ечишга қадар мавжуд бўлган қонуният ва алгоритмларга асосланиб ечилади. Шунинг учун ҳам талаба репродуктив фаолият доирасидан четга чиқмайди.

Продуктив фаолият жараёнида талаба ҳамма вақт ўқув предметини ўрганишга нисбатан янги ҲЙАни яратади, яъни, ўқув қўлланмасида мавжуд янги ахборотларни ишлаб чиқади. Бунда янги ахборотнинг яратилишида ҳамма вақт тадқиқотчилик фаолиятидаги мавжуд тажрибага таянади. Иккала турдаги фаолият ўзаро генетик боғланган ҳолда тажриба эгаллашдаги мос тузилмани ҳосил қиладилар. Репродуктив ҳамда продуктив фаолиятни талаба масалани ҳал қилиш жараёни сифатида амалга оширади.

Педагогик-психологик тушунчада масала дейилганда маълум ҳолатда аниқ ҳаракатлар ёрдамида эришиш мумкин бўлган маълум мақсад тушунилади. Шундай қилиб, масалани мақсад, ҳаракатлар ва ҳолат ташкил қилади. Репродуктив ёки продуктив фаолиятдан фойдаланишда масалада келтирилган таркибий қисмлар вариантлари билан белгиланади.

Педагогик технология амалдаги таълим жараёнини кузатиш ва баҳолашда шакллантирилган мақсадлар самарадорлиги тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда

мактаб амалиётида мавжуд бўлган ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг авторитар методлари - улар ишини янги технологиялар асосида ташкил қилиш йўлидаги энг катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Шу билан бирга педагогик технология жонли педагогик жараёнга киритилаётган қуруқ педагогик тузилма эмас, балки таълим жараёнларининг самарадорлигини белгилаб берувчи, кўплаб омилларни баҳолаш ҳамда уйғунлаштирувчи чуқур ўйланган, ижодий меҳнатнинг натижаси эканлигига амин бўлишимиз мумкин. Бу ишда тайёр андоза ва мувофиқ ечимларга таяниб эмас, балки ҳар сафар юзага келадиган мураккаб масалаларни ҳал қилишда замонавий фан асосларига таяниб, ижодий иш кўриш демакдир. Бу жиҳатдан олиб қаралганда педагогик технология мумтоз дидактикани ривожлантиради. Бу ривож педагогик технология мезонлари - яхлитлик тузилмаси ва мазмунан ташхисли мақсадга йўналтирилганлиги, тугалланганлиги, ижтимоий ва табиий мувофиқлиги ва ниҳоят, барча жараёнларнинг интенсивлигида намоён бўлади.

Педагогик технология тараққиёти барча ишланмаларнинг ўлчамлилик, тизимлилик ва бошқарувчанлик каби умумий мезонларга амал қилинганлиги билан ҳам тавсифланади. Педагогик технологияда умумий дидактикадан фарқли ўлароқ, аниқ ўлчови, тизимли қурилмаси ва амалиётда бошқарилувчан яратилиш имкониятлари бўлмаган ҳолатлар баён этилмайди.

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни муваффақият қўллашнинг муҳим омилларидан бири - муайян, яхлит таълимий жараённи олдиндан лойиҳалаш, таълим олувчилар томонидан ўзлаштириладиган назарий ва амалий билимлар, кўникма ва малакалар даражасини ташҳислаш ҳамда таълим мақсадининг муваффақиятли натижаланишини башоратлай олишдан иборатдир. Айни вақтда педагогик йўналишда фаолият олиб бораётган илмий тадқиқот институтлари, халқ таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари олдида ўқув жараёнини лойиҳалашнинг энг мақбул, барча турдаги ўқув муассасаларида шакли, метод ва воситаларидан қатъий назар ташкил этиладиган таълим учун бирдек хизмат қилувчи андозани яратиш мақсадга мувофиқдир. Биз илмий-тадқиқотларимизни амалга ошириш учун педагогик технологияни лойиҳалашнинг қуйидаги кетма-кетликдан иборат босқичларини ишлаб чиқдик (3 – шакл):

- **биринчи босқичда** касб таълими факультети талабаларининг келажакдаги касбий фаолиятини таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида талаба фаолиятининг истиқболини белгиловчи ва келажак фаолиятида у дуч келадиган вазифалар аниқлаб олинди.

- **иккинчи босқичда** умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг психофизиологик асослари; ўқитувчилар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқилди ва таълимнинг ҳар бир даври учун унинг мазмуни аниқлаб берилди.

- **учинчи босқичда** умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг таркибий қисмлари, шакллантириш жараёни; малакалар

кўчиши ва мослашувчанлиги хусусиятлари, умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида таълим воситаларини қўллаш технологияси ишлаб чиқилди;

- **тўртинчи босқичда** умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш дидактик жараёнининг энг мувофиқ таълим шакллари аниқланди. Унинг натижаси сифатида кўникма ва малакаларни ривожлантириш педагогик тизимида ўқитувчи ва талаба муносабатлари мазмуни ишлаб чиқилди;

- **бешинчи босқичда** умуммеҳнат ва касбий малакаларни қўллашга оид таълим методи мазмуни ишлаб чиқилди, унинг натижаси сифатида умуммеҳнат кўникма ва малакаларни ривожлантириш жараёнида тренажерлардан фойдаланиш технологияси яратилди;

- **олтинчи босқичда** таълим мақсади асосида кўникма ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган машқлар тизими ишлаб чиқилди ҳамда ўқув қўлланмалари мазмуни билан умумлаштирилди, натижалар белгиланган кўрсаткичлари даражасида таълим жараёнига тадбиқ этилди;

- **еттинчи босқич** - ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари ва таълим мақсадларига мос келувчи талабаларнинг билим ва кўникмаларини аниқ назорат қилиш билан боғлиқ тестлар тизими ишлаб чиқилди. Таълим мақсадларига эришиш имконини берувчи ўқув машғулотларининг тузилмаси ва мазмуни шакллантирилди, ҳамда талабаларнинг умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга қаратилган топшириқлар мажмуаси ишлаб чиқилди;

- **саккизинчи босқичда** - умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожланганлик даражасини баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонлари тажриба-синов ишлари асосида синаб кўрилди. Босқич натижасида лойиҳага тегишли тузатишлар киритилди.

Ўқитувчилар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида ўқитувчилар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

– педагогик технология назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера олувчи манбаларнинг етарли эмаслиги;
– мавжуд манбаларда хусусий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги;



3 – шакл. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантириш педагогик технологияларини лойиҳалаш босқичлари

- янги педагогик технологияларни таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги ҳамда бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида сусткашликнинг мавжудлиги;
- таълим муассасалари, шу жумладан, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг янги педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари;
- педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг кўламли амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни такомиллаштиришга имкон яратади.

Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш муаммоларининг таҳлили унинг педагогик муаммо сифатида ўзининг тўлақонли ечимини топмаганлигини кўрсатди. Бу йўналишнинг таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун ўқитиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш услубларини ишлаб чиқиш, кўникма ва малакаларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш, уларни таълим тизимига жорий қилишнинг самарали йўналишларини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг психофизиологик шароитлари, психологик хусусиятлари, билим, кўникма ва малакаларнинг психофизиологик механизми ва ижтимоий-тарихий ўрнининг таҳлили асосида таълим олувчиларнинг билим даражасини янада оширишда етарлича фойдаланилмаётган кўплаб имкониятлар мавжуд эканлиги аниқланди. Шу асосда талабаларда билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланиши ва биридан иккинчисига айланиш жараёнлари мазмуни очиб берилди.

Ислоҳотлар туфайли таълим тизимига янги педагогик технологиялар кенг кириб келмоқда, бироқ бунинг натижасида юзага келадиган улкан дидактик имкониятлардан фойдаланиш учун етарли назарий - услубий асос яратилган эмас. Ўқитувчиларни тайёрлашнинг ўқув-тарбиявий жараёнига янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш муаммоларини ўрганиш натижасида тадқиқот муаммосини ҳал қилишда педагогик технологиялар ва технологик йўналиш имкониятлари таҳлил қилинди.

§ 16. КАСБИЙ КЎНИКМА ҲАМДА МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

16.1. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш педагогик тизимида ўқитувчи ва талаба муносабатлари мазмуни. Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, талаба шахсини тарбиялашда, унда касбий маҳоратни ҳосил қилишга йўналтирилмоғи керак. «Таълим жараёнининг фаол субъектлари педагог ва талабалар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари муайян мавзу (ёки фанлар асослари) бўйича кам куч ва вақт сарфлангани ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди. Технологик ёндашув асосида ташкил этилган таълим жараёнида мақсадга мувофиқ ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакалари ҳам шаклланади. Амалий фаолиятни йўлга қўйишга имкон берувчи кўникма ва малакаларнинг шакллантирилиши муайян фаолиятнинг узлуксиз ташкил этилиши ҳамда доимий равишда такомиллашиб бориши ҳисобига таъминланади. Шундай экан, бу икки шахс ўртасидаги ўзаро мулоқот, бир-бирига кўрсатадиган таъсири, шунингдек самарали фаолият якуни сифатида кўринувчи ҳамкорлик юксак талаблар асосида ташкил топиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари, йўллари, талабани ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, талаба шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш мавжуд муаммо ва келишмовчиликларни биргаликда бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитни вужудга келтириш, талаба фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш имконини берувчи методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Ўқитувчининг фаол, самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим жараёнининг методик ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчи(талаба)ларга нисбатан йўналтирилган бўлиб, уларнинг шахсий, шунингдек ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилади. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборатдир.

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳиятини билиш мазкур жараён борасида аниқ тасаввурга эга бўлишимизга имкон яратади. Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши

билан бирга, айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эгадир. Улар қуйидагилар:

Бир бутунлик, яҳлитлик тамойили. Ушбу тамойил икки жиҳатни ўзида акс эттиради:

таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги;

педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги («тизимлилик» тушунчаси бу ўринда ҳам маьлум ўқув фанини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади).

Асослилик (фундаментлик) тамойили. Мазкур тамойил фанларнинг ўрганиш объекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун «ядро», «ўзак» саналувчи маълумот (ахборот)ларга эга бўлиб, ушбу маълумот (ахборот)лар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, уни гуруҳлаштириб ва кенгайтириб бориш учун таянч тушунчалар бўлиб хизмат қилади.

Бундай моҳиятли ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ишида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг йирик йўналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зўриқишни камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади, тафаккурнинг юзага келишини таьминлайди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида таълим жараёнининг ташкил этилиши талаба (ўқувчи)ларга барча соҳалар бўйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талқин этилган бўлса, 90-йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши маълум, аниқ фан моҳиятини ўзлаштириш, ўзлаштирилган билимлар негизида янги маълумот (билим)ларга эга бўлиш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтириш жараёни сифатида эътироф этилди.

Моҳиятли ёндашув асослантириш (фундаменталлаштириш) нинг муҳим омили саналади. У шунингдек, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларни умумлаштириш тарзидаги синергетик ёндашувни ҳам кўзда тутади.

Маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили. Мазкур тамойил олмон педагоги Дистервег томонидан XIX асрда муомалага киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили талаба (ўқувчи)ларга ижтимоий жамият маданий тараққиётининг мавжуд даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади. Бу борада замонавий таълим имкониятлари: компьютер, мультимедия воситалари, жамият ижтимоий маданияти ва иқтисодий тараққиёти кўламининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда биз «мутахассисларни билиш, бажара олиш, улгуриш ва эриша олиш» ғоясига таянувчи бозор иқтисодий муносабатлар жараёнини ташкил этишга тайёрлай олишимиз лозим.

Таълимни инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш. Тилга олинган ушбу ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юнонча humanus-инсонийлик, humanitas-инсоният), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. Инсонпарварлаштириш ОЎЮда ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)ни киритилишини, инсонийлаштириш тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошқача айтганда, инсонпарварлаштириш - бу инсон ва ижтимоий жамият билан боғлиқ барча муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолият жараёни бўлса, инсонийлаштириш «барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун» деган ғоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга қатьий амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият манфаатлари билан уйғун келишига эътибор бериш лозим. Эндиликда педагог (ўқитувчи) талабаларнинг қобилияти ва имкониятларини ўрганиб, авторитар (якка ҳокимлик) тарзда эмас, балки таълимий ҳамкорлик ғояларига содиқлик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маьнавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил қуйидаги икки жиҳатга эга:

- биринчидан, ОЎЮнинг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига талабаларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим.
- иккинчидан, ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади.

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва талабаларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрланишига замин ҳозирлайди.

Таълимнинг узлуксизлиги тамойили. Мазкур тамойил талабаларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, уларнинг ҳаёт фаолияти давомида такомиллаштириб борилишини назарда тутади. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, чунки мавжуд билимлар ҳар беш-ўн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эьтибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган ўқитишдан талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришини ифода этади.

Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси икки хил маънода изоҳланади: талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳамда улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар. Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустаҳкамланади, шу сабабли талабаларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги тадбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

У ёки бу педагогик технологияни танлаш режалаштирилган дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назарда тутилганлигига боғлиқдир.

Ўқув-билиш фаолияти изланувчи, эвристик характер касб этганида юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим методи, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар методи, ишчан ўйинлар, мустақил ишлар, муаммоли характердаги топшириқлардан фойдаланиш зарур.

Таълим жараёнининг дидактик таркиби қуйидаги педагогик технологияларни ажратиш имконини беради: муайян ўқув-тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгусида ўқув омилларини яратиш технологияси), фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида ўқувчи фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда уйғотиб бориш мақсадини кўзда тутади. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология талабаларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижани кўзланмаган топшириқлар машғулотнинг самарасиз якунланишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар кўп ҳолларда ўқитувчининг талабага нисбатан салбий муносабатда бўлишига олиб келади. Бу ҳол талабанинг ортиқча ҳиссиётларга берилиши, ўқув фаолиятига ундовчи рағбатнинг пасайиши, ўқишдан безиши ҳамда ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, нохуш ҳиссиётларни бартараф этишга йўналтирилмоғи лозим. Ўқитувчи билан талаба орасидаги муносабат эришилган ютуқлардан завқланиш, ўқув фаолиятига нисбатан чанқоқлик билан интилиш ҳамда биргаликдаги ижодий мулоқотга чорлаши керак. Бу эса педагогик таъсирини ташкил этиш учун зарур бўлган ўзаро алоқа воситаси, «кўприк»ни вужудга келтиради. Таълим жараёнида талаба шахсига нисбатан ҳурматсизлик билан ёндашилганда кўзда тутилган талабчанликка, айниқса, онгли интизомни ўрнатишга эришиш мумкин эмас.

Бошқа бир томондан олиб қараганда, педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулоқот (коммуникатив фаолият)ни қуйидаги шакл асосида тадбиқ этиш мумкин: педагогик жараённи андозалаштириш, таълим

олувчилар гуруҳи билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқот (коммуникатив ҳамкорлик)ни ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқот жараёнини бошқаришни ташкил этиш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш давомида мулоқот тизимини андозалаштириш.

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва талаба орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқотнинг бир неча турлари (стиллари) мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: ўқитувчининг талабалар жамоасига нисбатан муносабатини суст-ижобий, барқарор-ижобий ҳамда беқарор муносабат тарзида гуруҳларга ажратиш мукин.

Суст-ижобий хусусиятга эга ўқитувчиларнинг умумий ҳиссий-ижобий ҳолатдаги вазиятларда талабалар жамоаси билан ижобий, аммо фаол бўлмаган муносабатни ташкил этишлари билан тавсифланади.

Ўқитувчининг талабаларга нисбатан барқарор-ижобий муносабати, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, қийинчиликларни енгишга ёрдам бериш, улар билан вазмин ва тенг оҳангда мулоқотда бўлиш билан тавсифланади.

Беқарор хусусиятга эга муносабат ўқитувчиларнинг умумий ҳиссий-ижобий ҳолатдаги вазиятларда талабалар жамоасига нисбатан беқарор муносабатда бўлишлари билан тавсифланади.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларга мулоқот асосида таъсир этиш йўлларини ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган метод ёки мулоқот таъсирлари қуйидагилардан иборат: ишонтириш, исботли натижаларга асосланиш, бевосита ҳамда билвосита таъсир, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммонинг ечими бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланиши билан боғлиқдир.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун дарснинг анъанавий шакллари (уйғунлаштирилган дарслар) билан биргаликда конференция дарси, ишчан ўйин дарслари, интеграллаштирилган (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак. Чунончи, билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган

топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар.

Етарли даражадаги рағбат (мотивация) ҳамда талабалар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришиш кафолатланмайди. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина, ушбу жараённи ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради: фаолиятни бошқаришни ва талабалар жамоасини бошқаришни. Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришга имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширилади. Шунингдек, вариантли тарзда дарс ҳолатини ўзгартириш чораларини кўришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқаришга қўйилаётган талаб, шунингдек, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг хусусияти билан боғлиқдир.

Юқорида таъкидлаганидек, педагогик технология шахсини ривожлантиришга имкон беради.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) асосида турли фанларга оид билимларни умумлаштириш; мосланувчанлик таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим муассаларида қўлланувчанлиги; уйғунлик-муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсини ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши; яратувчанлик - турли ўқув муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари; табиийликни ҳис этиш - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослиги, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Бизга маълумки, таълим-тарбия жараёни ўзида учта ўзаро алоқадор учлик - таълим, тарбия ва шахс ривожланишини акс эттиради. Мазкур учликни таълим жараёнига баробар тадбиқ қилиш модуллашган технологияни қўллаши осонлаштиради. Модуллашган технологиянинг афзалликларидан бири-таълим мазмунини тартибга солишдан иборат бўлиб, бунда мавжуд ахборотдан шундайларинигина қатъийлик ва қунт билан танлаб олиш керакки, улар давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчилар фаолиятини етарли даражада муваффақиятли амалга ошириш имконини бериш лозим.

Модулли технологиянинг моҳияти таълим жараёнини модуллар асосида лойиҳалаштиришдан иборатдир (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш). Сўнгра ажратилган ҳар бир модул бўйича шу модулнинг

ўзигагина тааллуқли бўлган фаолият мазмуни ва таъсири доираси белгиланади. Модулли технология мақсадини рўёбга чиқариш учун модул босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу жараёнда содир этилаётган ҳар бир ҳаракат (қўйилаётган қадам) ўқув элементи сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига қуйдагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар, таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар, мақсадлар идентификацияси, яъни, таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар, ўқув материаллари, ўқув шароитини назорат қилиш инструментлари, чунончи, ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар, тестлар, мақсад эталони ва бошқалар.

Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади бир неча даражаларда ойдинлашади: биринчиси - таълим муассасасининг мақсади ҳамда педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, иккинчиси - ўқув предмети (бўлим)нинг мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти индентификацияси, учинчиси - ушбу модул (ўқув элементи)нинг мақсади ва унинг талабалар фаолиятидаги алоҳида модулга ҳам, унинг ташҳис қилинадиган охирги натижаларига ҳам ўтказилади.

Режалаштиришнинг анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш назарда тутилади. Модулли педагогик технологияни ишлаб чиқиш тартиби қуйидаги кетма-кетликдан иборат босқичларни ўз ичига олади: аналитик, концептуал, мақсадли ва жараёнли.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг аналитик босқичида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, уларда илгари сурилган ғоялар асосида чиқариладиган хулосалар, ёш авлоднинг баркамол шахс этиб шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини, шунингдек, тегишли машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишнинг концептуал босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, умумий хулосалар ҳисобга олинади. Модулнинг таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб -ҳунар коллежи, бакалаврият, магистратура, умуман, социумнинг таркиби сифатида ифодаланади. Бу айниқса, босқичли таълим тизимининг алоҳида элементлари учун характерлидир.

Педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (умумий ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, институт ёки университет)нинг узоқ муддатга мўлжалланган

мақсади, таълим соҳалари ва шу блокдаги алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг ифодаланиши ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалда қўллашнинг мазмунли босқичида таълим соҳалари, шунингдек, шу блок тизимидаги ўқув предметлари мазмунини танлаш тамойиллари ва мезонлари аниқланади. Блоклар ҳамда улар таркибидаги алоҳида элементларнинг, яъни, аниқ ўқув индентификацияси ўқув предметлари мазмунини ташкил этадиган йирик мавзуларда акс этиши керак.

Педагогик технологияни амалда қўллашнинг жараёнли босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, талабаларнинг ўқув фаолиятини бажаришга йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг демократик тамойил, самарали усул, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланишига алоҳида урғу берилади.

Талабаларнинг умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантириш жараёнида тренажёрлардан фойдаланиш технологияси

Техник воситалар орасида маълум ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган сезги-мотор ва ақлий ҳаракат малакаларини шакллантирувчи тренажёрлар алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда тренажёрлардан ишчиларни касбга тайёрлашда кенг фойдаланилмоқда. Тренажёрларни қўллаш амалиёти уларни кенг педагогик имкониятга эга эканлигини тасдиқламоқда, афсуски, бу имкониятлардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Жойларда зарурий илмий-педагогик асосга эга бўлмаган тренажёрлар яратилмоқда, уларни қўллаш эса кутилган самара бермайди. Буни услубий тавсифдаги қатор ҳал этилмаган масалаларнинг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тренажёрларни ўқув жараёнига татбиқи комплекс характерга эга бўлиб, уларни яратиш ва қўллаш жараёнини чуқур таҳлил қилишни, ўқув воситаси сифатида ижобий тарафларини ҳамда юзага келадиган дидактик имкониятларни аниқлашни талаб қилади.

Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш амалиётида тренажёрларни татбиқ қилишда, уларни қўллашнинг илмий педагогик асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқув жараёнини ташкил этишнинг илмий асосларига таяниб, унинг қонуниятларига амал қилган ҳолдагина масалани муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Ҳар қандай дидактикадаги каби тренажёрларни қўллашнинг дидактик асосларини таълимнинг мазмуни, услуби, шакллари ва воситалари билан боғлиқ муаммолар ташкил қилади. Шу сабабли қуйида бу муаммолар меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш даражаси асосида кўриб чиқилади.

Тренажёр деб - тескари алоқа асосида касбий малака ва кўникмаларни шакллантирувчи, меҳнат фаолиятининг реал шароитини моделлаштирувчи қурилмаларга айтилади.

Саноатда ишлаб чиқарилган, касб-ҳунар коллежларида, техникумларда, олий ўқув юртларида яратилган кўплаб тренажерлар мавжуд.

Тренажёрлар воситасида шакллантириладиган касб ва мутахассисликларнинг ўз кўлами бўлиб, буларга транспорт воситалари ҳайдовчилари, турли ишлаб чиқариш жараёнлари операторлари, экскватор машинистлари, кранчилар, металлга ишлов берувчи ишчилар, электропайвандчилар, пўлат қуювчи ишчилар ва бошқаларни тайёрлашни мисол қилиш мумкин. Бу эса тренажёрлар касб фаолиятга тайёрлаш воситаларининг энг кенг тарқалган тури эканлигидан далолат беради.

Тренажёрлар талабаларнинг лозим бўлган фаолият турига боғлиқ равишда бир-биридан жиддий фарқ қилади. Вазифасига кўра уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- алоҳида жараёнларни амалга ошириш малакаларини ҳосил қилувчи тренажёрлар (металл қирқиш ва эговлаш, болғада зарб бериш борасидаги кўникмаларни ҳосил қилишга хизмат қилувчи, қўлда электропайвандлаш ишларини оширишда кўникмаларни шакллантирувчи ва бошқалар);
- иш жараёнида зарур кетма-кетлик ва иш маромини ўзлаштириш учун мўлжалланган тренажёрлар (станокларда, машиналар, қурилмалар ва бошқа техник жиҳозлар);
- ўзгарувчан шароитларни баҳолаш ва тегишли ҳаракатларни амалга ошириш малакаларини ҳосил қилишга мўлжалланган тренажёрлар (мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, автомобилни бошқариш ва бошқалар);
- техник объектларнинг ишлаш меъёрининг бузилиш сабабларини аниқлашга мўлжалланган тренажёрлар (замонавий ишлаб чиқариш жиҳозларини, радиотехник асбобларни ва бошқаларни таъмирлаш).

Тренажёрларда турли объект ва жараёнларни моделлаштиришнинг физик ва математик усулларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, атроф-муҳитни моделлаштиришда кўпроқ соя проекцияларидан, кинопроекция, телевизион тасвир ва компьютерлар хизматидан фойдаланилади.

Тренажерлар ҳақидаги тушунча, уларнинг тавсифи ва тузилишини структура ёки схемалар даражасида ўрганиш имконини берувчи ўқув курслари махсус адабиётлар мазмунини ўрганиш, Жиззах педагогика институти, мактаб ва лицейларда талаба ва ўқувчиларида фаолият жараёнида тренажерларни қўллаш тажрибасининг ҳосил қилинганлигини аниқлаш, шунингдек, меҳнат ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига тузатишлар киритиш, уларни жорий қилиш борасидаги тажриба ишлари мазмунини таҳлил қилиш имконини берди.

Ушбу таҳлил асосида ўқув дастури мазмуни ишлаб чиқилди ва қўшимча синовлардан сўнг «Таълимдаги замонавий техник воситалар» курси

ғояларини маърузалар жараёнида оммавий татбиқ этиш йўлга қўйилди. Курс мавзуларининг моҳияти хусусида қуйида сўз юритамиз:

МАВЗУ №: ___ ТРЕНАЖЁРЛАР

Тренажёрлар ва тренажёрлар комплекси. Уларнинг вазифасига, моделлаш услубига ва тескари алоқа турига кўра тавсифи.

Алоҳида фаолият жараёнини амалга оширишда берилган кетма-кетликнинг ечимларини топа билиш кўникмалари; техник объектлар ишлаш меъёрининг бузилиши сабабларини аниқлаш, амалий билимларни шакллантиришга мўлжалланган тренажёрларнинг қисқача тавсифи.

Меҳнат фаолияти шароитларини математик ва физик усулда моделлаштирувчи тренажёрлар тавсифи.

Ички ва ташқи, шунингдек, ички ва тезкор ташқи тескари алоқали тренажёрлар тавсифи.

Тренажёрларга микропроцессор техникасини қўллаш истиқболлари.

Тренажёрларни қўллашнинг услубий муаммолари. Тренажёрларнинг ўқув воситалари тизими жараёнидаги ўрни ва аҳамияти. Тренажёрларнинг вазифаси ва тескари алоқага боғлиқ ҳолдаги ахборот, дидактик, агрономик ва иқтисодий имкониятлари. Тренажёрларни қўллашнинг самарали шартлари.

Тренажёрларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишга таъсири. Тренажёрлар билан ишлашда талабалар билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари. Тренажёрларни ўқув жараёнида уларнинг вазифаси ва тескари алоқа турига боғлиқ ҳолда қўллаш хусусиятлари. Меҳнат ўқитувчисини тренажёрлар қўлланиладиган меҳнат дарсларига тайёрлаш. Тренажёрларни ўқитишнинг бошқа техник воситалари туркумида қўллаш.

Касбий йўналтирилганлик нуқтаи назаридан тренажёрлар фондини таҳлил қилиш.

Мавзуни ўрганиш натижасида «Касб таълими» факультети талабаларининг қуйидагиларни билишлари талаб этилади:

- тренажёрлар, уларнинг вазифаси ҳамда тескари алоқа типи, меҳнат шароитларини моделлаш усуллари бўйича тушунчаларни ўзлаштириш;

- тренажёрларнинг меҳнат таълими тизимидаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг дидактик, агрономик ва иқтисодий имкониятлари, қўллаш услубини билиш;

маълум касб йўналиши бўйича тренажёрлар ва уларнинг тавсифидан хабардор бўлиш;

тренажёрли ўқитиш жараёнида тегишли малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш учун зарур ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш шакл ва усуллари ҳақидаги тушунчаларга ҳам эга бўлиш.

Тренажёрли ўқитиш шакл ва усуллари хусусиятлари. Тренажерли ўқитишни ташкил қилишнинг асосий шакли дарс (машғулот) бўлиб, бу

жараёнда талабаларнинг фронтал, гуруҳли ва индивидуал фаолияти амалга оширилади.

Фронтал шаклда барча талаблар умумий вазифани амалга оширадилар. Бу таҳлитда ташкил этилган фаолият жараёнида кириш, жорий ва якунловчи йўриқномалардан фойдаланиш бир қанча афзалликларга эга. Ўқитувчи материални бутун гуруҳга бир вақтнинг ўзида намойиш қилиш, типик хатоларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имкониятини туғдиради. Талабада шахсий ҳаракатларни ўртоқлари томонидан ташкил этилаётган ҳаракат билан солиштириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва берилган топшириқни тезроқ бажариш имконияти туғилади.

Шу билан биргаликда ишни фронтал ташкил қилишда баъзи муаммолар юзага келади. Биринчи навбатда, бир тур шунингдек, катта миқдордаги жиҳозларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади, аксарият ҳолларда эса ўқув муассасаси жиҳозларининг камёблиги ёки улар нархининг қимматлиги туфайли уларни харид қилиш имконияти чекланади. Бундай холларда ўқув-таълим жараёни талабаларнинг гуруҳли фаолият юритишлари йўлга қўйилади.

Тренажёрли ўқитишни ташкил қилишда талабалар ўқув - билиш фаолиятининг худди мана шу шакли кенг қўлланилади.

Меҳнат дарсларида ўқув-билиш фаолияти жараёнини ташкил қилишнинг энг кўп қўлланиладиган усули - машқдир. Турли адабиётларда машқ тушунчаси турлича таърифланади. Бизнинг фикримизча, ушбу тушунча А.М.Новиков томонидан тўлақонли ёритилган. Машқ-меҳнат малакаларини шакллантиришга мўлжалланган ва ўз-ўзини назорат усулларининг доимий такомиллаштирилишига йўналтирилган ҳаракатларнинг такрорланишидир.

Бунда, машқларнинг такрорланиш миқдори биринчи навбатда ўз-ўзини назорат усулларини ўзлаштиришнинг мураккаблик даражаси билан белгиланади. Ўзлаштиришга сарфланадиган вақт, зарурий машқлар миқдори, талабанинг ўзи йўл қўяётган хатоликлар тўғрисида қанчалик тўлиқ ва тўғри маълумотга эга бўлишига боғлиқ. Шу сабабли тренажёрли таълим жараёнида талабалар хатосини янада аниқроқ қилиш ва бу билан уларга хатоларини вақтида тўғрилаш имкониятини яратиш вазифаси қўйилади. Меҳнат таълимидаги ўз-ўзини назорат қилиш масалаларига В.В.Чебўшева, Ю.З.Гильбух ва бошқалар ишларида катта эътибор берилган.

Меҳнат малакаларини шакллантиришнинг замонавий услубияти асосан талабаларнинг натижавий тавсиф, яъни, ҳаракатларнинг зарур аниқлиги ва талаб қилинадиган меҳнат унумдорлигига эришишга йўналтирилган.

Бироқ бир қатор сабабларга кўра бу соҳадаги ютуқлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти, бунинг сабабларидан бири амалда ўқитувчи фаолиятида уларни қайта ҳосил қилиш имкониятининг йўқлигидир. Бундай имкониятни тренажёрнинг дастурлаштирилган ҳолда, яъни, тренажёрли таълимда амалга ошириш мумкин бўлади.

Тренажерли таълимга кўп жиҳатдан ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш мос бўлиб, у ўзлаштириш жараёни, унинг босқичларини таҳлил этилиши ва очиб берилиши ҳамда ўрганувчининг ҳар бир босқичидаги фаолиятини кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган. Қонуниятнинг марказий тушунчаси - ўрганувчининг характери бўлиб, у шаклан умумлашиш даражаси, ўзлаштириш меъёри каби тушунчалар билан тавсифланади.

Ҳаракат шакли - ўрганувчи томонидан унга бериладган ҳаракатларнинг ташқи (моддийдан) ички ақлийга узатилишидаги ўзлаштирилиш даражаси тушунилади. Ҳаракат шакли буюм ёки буюмлашган, ташқи сўзлашув (баланд овозда) ақлий (ҳаракат тассаввур ёки тушунчалар асосида амалга оширилади) бўлиши мумкин.

Ҳаракатнинг умумлашганлик даражаси - ҳаракатни бажариш учун буюм хоссасини бошқа аҳамиятсиз белгилар ичидан ажратиб олиш даражасини белгилайди.

Ҳаракатнинг кенглик даражаси - ўзгарувчи томонидан барча характерларни бажарилаётганлиги даражасини ифодалайди. Ҳаракатларни шаклланиш жараёнида бажарилаётган жараёнлар таркиби кичрайиб, ҳаракатлар камайиб боради.

Ҳаракатларнинг ўзлаштириш даражаси - ҳаракатларнинг автоматлашганлик ва тезлик даражасини ифодалайди (бошида у секинроқ бажарилади, ҳар бир жараённинг ўзлаштирилиши жараёнида иш маромн тезлашиб, автоматлашиб боради).

Ўқув-билиш фаолиятининг бундай ёндашиш Гильбух Ю.З., Решетов З.А. ва бошқаларнинг ишларида кўзга ташланади.

Шундай қилиб, босқичма-босқич шаклланиш қонунияти шаклан аниқ фарқланадиган (моддий сўзлашув, ақлий) ҳаракатлар кўринишининг субъекти бўлган ўрганувчининг ўқув-билиш фаолияти сифатида қаралади.

Аниқ координацияни талаб қиладиган амалий ҳаракатларни шакллантириш услубияти биринчи навбатда ўз-ўзини назорат усулларини яхшилашни талаб қилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш деганда режалаштиришнинг унумдорлиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, бажариладиган меҳнат ҳаракатларини ростлаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган сезги, ҳаракат ва ақлий фаолият мажмуаси тушунилади.

Ўз-ўзини назорат қилишнинг уч тури мавжуд: жорий, текшириш ва хулосавий**. Жорий назорат** - ҳаракат фаолиятини бажариш жараёнида амалга оширилади ва уларни тўғрилаш учун хизмат қилади. Буни қуйидаги мисолда атрофлича кўриб чиқамиз. Ўрганувчи хом ашёни арралаш жараёнида қайси жойда ва қанча металл арраланаётганлигини баҳолай олмайди ва натижада ўз-ўзини назорат тенглашади. Бажарилган иш натижасини билиш учун аррани олиб хом ашёни кўздан кечириш ёки ўлчов

асбоби билан аниқлаш лозим бўлади, лекин, арраланган металл кўплаб ҳаракатлар натижаси бўлганлиги туфайли улардан қайси бири тўғри, қайси бири нотўғри эканлигини аниқлаш муҳим. Шу сабабли хатоларни аниқлаш ва тўғри ҳаракатларни баҳолаш жараёни мураккаблик касб этади. Агар ўрганувчига унинг хатосини бевосита ҳаракатни бажариш мобайнида намойиш қилиш имконияти бўлганда, яъни, ўз-ўзини назорат унумли ташкил қилинганда ўрганиш жараёни янада тезлашган бўлар эди. Бу муаммони фақат махсус техник воситалар - тренажёрлар воситасида ҳал қилиш мумкин. Агар ўрганувчига систематик равишда жорий назорат ва ўз хатосини тўғрилашга эталонлар ва тренажёрлар воситасида, сўнгра эса уларни алмаштирувчи бошқа воситалар билан ўргатиб борилмаса, ўрганувчиларнинг мустақил иш бажариш ҳақидаги фикрлари қуруқ гап бўлиб қолади.

Меҳнат малакаларини фаолиятнинг автоматик ташкил этувчиси сифатида шакллантириш нуқтаи назаридан ўз-ўзини назорат усулларини эгаллашда энг кўп қийинчилик, узлуксиз кузатиш малакаларини ҳосил қилиш жараёнида юз бермоқда, чунки ўз-ўзини назорат қилишнинг худди мана шу шаклини йўриқномадаги сўзлар воситасида тушунтириб бўлмайди. Бу ҳолда ўз-ўзини назорат усуллари тартибсиз равишда, шунингдек, ҳаракатларни кўп марта такрорлаш давомида англанмаган ҳолда ўзлаштирилади. Бу яна бир марта ижрочилик фаолиятининг шаклланиш жараёнида тренажёрларни қўллаш заруриятини тасдиқлайди, бунда ўргатувчи автомобилни йўл траекториясида доимий тутиб туриш учун ҳайдовчи бажараётган ҳаракатларини келтириш мумкин.

Ўрганувчилар ҳаракати устидан жорий назоратни уста ҳам амалга ошириши мумкин. Бунда у ўз ихтиёрида ягона бўлган кузатиш усулини қўллайди. Лекин уста бир вақтнинг ўзида барча ўрганувчилар фаолиятини кузатиб бориш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли, у фақат бир нечта танланган ўрганувчилар билан ишлай олади, қолганлар эса ўз ихтиёрига қўйиб қўйилади.

Булар ҳаммаси тренажёрларнинг ижобий имкониятларини кўрсатади. Ҳар бир ўрганувчи уни ўз ихтиёрига кўра танлаши ва таълим жараёнида йўл қўйилган хатони тўғрилаб бориш мақсадида қўллаши мумкин.

Юқорида биз фаолият мазмуни ва тузилишини яхлит равишда, шунингдек, ўқув-билиш фаолияти таркибида кўриб чиқдик, энди саноатда ва талабалар кучи билан ўқув юртларида ишлаб чиқилган тренажёрларни қўллаш ва меҳнат ўқитувчиларининг меҳнат ва касбий тайёргарлиги билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият турларига тавсиф берамиз.

Чилангарлик ишларининг алоҳида турлари. Арралаш._Арралашда ҳаракат содда, тўғри чизиқли илгариланма қайтма характерга эга бўлади. Бу ҳаракатларда хатолик асбобни текисликнинг кўндаланг қисмида бурчак оғишлари асосида белгиланади. Улар асосан арранинг кесиш жараёнида вертикал ва горизонтал текисликларда йўналтирилганлик даражасига кўра қайд этилади. Асбобнинг вертикал текисликда оғиши қирқилаётган детал

торец қисми шаклининг кенгайиши ва ўзгаришига олиб келади, горизонтал текисликда эса торец текислигини вертикал ўқи атрофида бўлишига олиб келади. Бу оғишлар катталиги ўрганувчининг кўриш ва мускул ҳаракат сезгилари чегараси билан белгиланади. Ўрганишнинг дастлабки босқичида мускул ҳаракат сезгиси, кўриш сезгисидан бирмунча юқорироқ бўлади. Бу даврда талабада кўриш сезгиларини дифференциялаш ҳиссиёти бўлмайди. У бир вақтнинг ўзида арранинг икки текисликдаги оғишини назорат қилиш имконига эга эмас. Шу сабабли, аввало, арранинг горизонтал текисликдаги ҳолати ишлаб чиқилади ва бунда вертикал текислигида оғишлар кузатилади. Кейинчалик малакаси ошиб бориши давомида ўрганувчи диққати арранинг вертикал текислигидаги оғишига ўтказилади.

Шундай қилиб, қирқиш малакаларини такомиллаштириш учун кўриш ва мускул ҳаракат сезгиларини дифференциялашни талаб қилади, улар чегараларни ва критик кучланиш чегарасини аниқлаши лозим бўлади. Бунда ҳаракатлар бир маромда арранинг бутун юзаси бўйича амалга оширилиши керак. Ҳаракатларни бажариш давомида аррани қирқиш буюмига нисбати устидан доимий ўз-ўзини назорат амалга оширилиши лозим. Ҳаракатларни ростлаш жараёнида кинестатик аҳамияти кўриш таҳлилига нисбатан аста секин ошиб боради ва тўла шаклланган малакада етакчи аҳамият касб этади. Шунга мувофиқ, охир-оқибат ўз-ўзини назорат қилишда кўришнинг кинестатик чегараси етакчи аҳамиятга эга бўлади.

Қирқиш. Текисликни қирқишни меҳнат ҳаракатларини ростлашни ўрганишда қулай модел сифатида қараш мумкин: ҳаракат содда- тўғри чизиқли илгариланма - қайтма траекторияга эга; ҳаракатлардаги хатолик горизонтал бурчакка нисбатан оғишдан иборат бўлиб, бу ҳолда ростлаш механика нуқтаи назардан бирмунча осон, чунки аррани мувозанатлаш буюмни таянчдаги мувозанати масаласидаги каби ҳал қилинади.

Арранинг оғиши, шунингдек, ҳар қандай бошқа талаб қилинадиган ва амалга оширилган ҳаракатларнинг бир-биридан фарқини иккита ташкил этувчига бўлиш мумкин: доимий ва динамик. Доимий ва динамик ташкил этувчилар оғишларини ростлаш механизми турлича бўлганлиги сабабли уларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Арра ҳаракати траекторияси доимий ҳолатда горизонтал текисликка нисбатан бурчак остида жойлашади ва натижада ишлов берилаётган намунада қиялик ҳосил бўлишига олиб келади.

Оғишнинг динамик ташкил этувчиси арранинг тасодифий тебранма-айланма ҳаракати туфайли юзага келади, ишлов берилаётган текислик чеккаларини арраланиш натижасида чуқурчалар ҳосил бўлади.

Кесиш. Ҳаракатларни бажаришнинг дастлабки босқичларида иш бажариш ҳолати ноқулай бўлиши мумкин, бунинг оқибатида ўрганувчилар ўзларига қулай янги ҳолатларни излайдилар, улар оёқлари ҳолатини верстакка ва бир-бирига нисбатан тез-тез ўзгартириб турадилар. Асбобни ҳам

нотўғри ушлайдилар. Болғанинг сопини тубидан худди зубила каби маҳкам ушлаб олади.

Ҳаракатларни бажариш вақтида зубила болға воситасида берилаётган зарблар аниқлигини кузатиш учун қулай бўлган вазиятда тутиб турилади. Натижада зубила жойлашиши бурчаги талаб қилинган ҳолатда бўлмайди. Бундан ташқари, зарблар бериш маромида зубила қирраси қирқиш чизиғи бўйлаб бир текис силжитиб олинмайди. Зарблар аниқлиги ва мароми паст, бу ўнг қўл ҳаракатини чеклаб қўяди. Ўрганувчи томонидан бериладиган куч импульси кичик. Бутун диққат зубиланинг зарб бериладиган қисмига қаратилади.

Ўргатишнинг бошланғич босқичи таҳлили кўрсатишича, ўрганувчилар кириш йўриқномасидан олган кўрсатмаларига дастлаб тўла амал қилишга интиладилар. Кейинчалик улар кўпроқ аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларга алоҳида эътибор бера бошлайди.

Ҳаракатларни ишлаб чиқишни асосий босқичи нисбатан бир хил бўлган ўлчов ишлари билан тавсифланади. Бу даврда иш унумдорлиги метални кесиш тезлиги (зарбда, мм) секин ортиб боради, асбобни тутиш яхшиланади.

Шундай қилиб, металларни кесишнинг кўриб ўтилган ҳаракатлари англанган ва англанмаган ҳолда комплекс ва кўп комплексли мақсадга мувофиқ тузилмаларни излаш билан боғлиқ бўлган жуда мураккаб шаклланиш жараёни эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, марказий нерв системаси бир вақтда фақат бир йўналишда изланиш олиб бориши мумкин, лекин у тизимни бутунлигича қамраб ололмайди, шу сабабли изланиш фаолияти ўзаро қарама-қаршидир. Битта таркибий қисмга эътиборнинг кучайтирилиши бошқаларининг вақтинчалик сусайишига олиб келади.

Токарлик ишларининг алоҳида турлари. Кескич ёрдамида резба қирқиш. Токарлик винт қирқиш станогида резба қирқиш учун ҳаракат узатилиши, резба қадамига тўла мос бўлиши зарур. Замонавий станокларнинг кўпчилик қисми ҳар қандай резба қадамини таъминловчи узатиш механизмига эга. Шу сабабли кескич ёрдамида резба қирқиш малакаларини шакллантиришда асосий вазифа станокни берилган резба қадамига мослаш билан белгиланади. Ишнинг дастлабки босқичида талабалар йўл қўядиган хатоликлар станокни ишга нотўғри мослаш, кескични ўрнатиш ва чархлашдаги ҳаракатлар билан боғлиқ бўлади. Бу резба қадамининг белгиланганига тўғри келмаслиги резба профил бурчаги ўзгариши биринчи ва охирги излар кенглигининг турлича бўлиши ёки резбаланган юза ғадир-будурлиги ортишига олиб келади.

Станокни ростлаш жараёнида ўрганувчи тугмачаларни босиш, дастак ва ричагларни буриш билан боғлиқ модда ҳаракатларини эгаллайди. Психофизиологик нуқтаи назардан бу ҳаракатларни бажариш алоҳида қийинчиликлар туғдирмайди. Энг кўп қийинчилик станокни ишга созлаш

билан боғлиқ жараёнлар алгоритмини эгаллашда юзага келади. Бунда хатоликлар асосан баъзи жараёнларни бажармаслик ёки уларнинг кетма-кетлигининг бузилишидан келиб чиқади. Шу боис бошланғич ҳаракат кўникмаларини ҳосил қилишда ёзма йўриқнома катта аҳамият касб этади. Алоҳида жараёнлар ва уларнинг кетма-кетлигини ўзлаштира бориш йўриқнома заруриятини камайтира боради. Бироқ мустақил ишлашнинг дастлабки босқичларида ҳали ўрганувчи фаолиятини тўғри олиб бориш зарур бўлади.

Станокни ишга созлаш ва резба очиш операцияларини бажаришда кўплаб хатоликларга йўл қуйилиши сабабли катта миқдордаги материал исроф бўлиши мумкин. Пўлатни тежаш мақсадида бу ишни тренажёрда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, деталлга ишлов бериш сифати ва токар меҳнати унумдорлиги сезиларли даражада суппортни бошқариш малакаси, яъни, кескични аниқ ва равон йўналтиришга боғлиқ. Айниқса, фасон юзаларига кўндаланг ва бўйлама комбинациялашган усулда ишлов беришда малака муҳим аҳамият касб этади. Бироқ уни шакллантириш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ, чунки бунда дасталарни айлантиришда иккала қўл ҳаракатининг ҳам аниқ ростланиши ва йўналтирилиши талаб қилинади. Фасон юзаларга ишлов бериш малакаларини ҳосил қилиш кўп миқдорда машқ бажаришни, демак, электр энергияси материал ва вақт сарфини талаб қилади. Уларни тежаш ва ўрганувчи меҳнатини енгиллаштириш мақсадида турли мослама, ўхшаш қурилма ва тренаржёрлардан фойдаланилади.

Автомобилни бошқариш. Ҳайдовчи фаолияти шуниси билан ажралиб турадики, у қатнашадиган жараён аралаш типда бўлиб, бунда қўл меҳнати, механизациялашган меҳнат ва бошқа элементлар мавжуд. Биринчидан у фақатгина ахборот асосида бажарилади. Ахборот турли анализаторлар орқали қабул қилинади, ҳаракатланаётган объектни бошқаришдаги бутун фаолият жуда катта тезлик, ахборотнинг узлуксиз узатилиши билан характерланади ва инсондан қабул қилинаётган ахборотни сақлаш, ҳолатни узлуксиз назорат қилиш баъзида кутилмаган ҳолда узатиладиган сигналларни аниқ ва тез баҳолашни талаб қилади.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг психологик жиҳатлари авария ҳолатларида инсон омилини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Илмий-техника тараққиётининг ривожланиб бориши бу масалаларни янада чуқурлаштирмоқда, чунки машина ва агрегатлар кучи инсон томонидан бошқариш имкони бўлмай қоладиган авария ҳолатларида нафақат катта иқтисодий талофат етказиши, балки инсон ҳаётига ҳам хавф солиши мумкин.

Шундай қилиб, бундай ҳолларда йўл қўйиладиган хатолар жорий ўз-ўзини назорат қилишнинг қийинлашуви, айни ҳолларда ўрганувчи олд ғилдиракларнинг автомобилнинг кўндаланг ўқига нисбатан ҳолатини кўра олмаслиги, автомобилнинг йўлга нисбатан оғишини баҳолай олмаслиги билан боғлиқ бўлади. Бундай малакаларни ҳосил қилиш автомобилни

бошқаришга ўргатишнинг дастлабки босқичи муҳим элементи ҳисобланади. Бундай ҳолларда ўқитишнинг техник воситалари, яъни, тренажёрларни қўллаш даражасида самарали ўз-ўзини назорат ташкил қилинса, ўрганиш жараёнини такомиллаштириш имконияти ортади.

Ўрганувчилар томонидан талаб даражасидаги малака ва кўникмалар ҳосил қилиш машқлар тизимининг ҳамда шу машқларни бажаришга мос келувчи ва психологик-педагогик принциплар ва услубларнинг мавжуд бўлишини талаб қилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: мақсаднинг аниқлиги ва англанганлиги, унга етишиши учун ҳаракатнинг мавжудлиги, машқларнинг содда бўлиши ва талабаларнинг индивидуал хусусиятларга мос равишда босқичма-босқич мураккаблашиб бориши; ҳаракат натижаларини билиш; таълим услубларининг шакллантирадиган малака ва кўникмалар тури ва таълим босқичига мутаносиблиги.

Ҳар бир машқ мақсади аниқлиги талабанинг машқларни онгли ва фаол равишда бажаришда фаолиятининг аниқ кўрсаткичларини билиши билан белгиланади. Ўрганилаётган ҳаракат мазмуни ва вазифасини англаш, характерларни ўзлаштиришда хавфли ва жисмоний тиришқоқлик, бу ҳаракатнинг амалга ошиши ва натижаларини таҳлили қилиб бориш малакалар шаклланишига асос бўлади.

Машқларни бажариш мақсади имкон даражасида ўрганувчининг шахсий мақсадларига мос бўлиши лозим.

Машқларнинг содда бўлиши ва уларнинг босқичма-босқич мураккаблашиб бориши йўл қўйиладиган хатоларни камайтириб боради, ўрганувчи ишончини ошириб, бир қанча усулларни қўллашга имкон беради. Машқни бошлашда талабага нисбатан мураккаб бўлмаган, у амалга ошира оладиган, лекин амалга ошириш учун етарлича тиришқоқлик ва мустақил фикр юритишни талаб қилувчи вазифа берилади. Бундан ташқари дастлабки босқичларда жиҳозларни соддалаштириш, қўшимча шовқин ва титрашларни йўқотиш, бошқа талабалар билан бирга бажарилиши ва ҳоказолар ҳисобига машқларни бажариш ташқи шароитлари соддалаштирилади. Кейинчалик малакаларни эгаллаб бориш мобайнида шароитлар ҳақиқийси яқинлаштирилиб босқичма-босқич мураккаблаштирилиб борилади, бу эса ўз навбатида ўрганувчининг ижодий фикрлаши, фаоллиги ва ташаббускорлигини оширади. Малаканинг бир қисми ўзлаштирилгач, кейингисини шакллантиришга ўтилади. Бундай услубни Ю.З.Гильбух **компонентли тренировка** деб атаган.

Ҳаракатларнинг тўғрилиги-бу ўзлаштирилаётган фаолиятни қатъий кетма-кетлик ва хатосиз бажарилишидадир. Ҳаракатлар тўғрилиги ҳаракатнинг йўналтирувчи асоси (ҲЙА) схемасига таянган ҳолда барча машқларни бемалол, секин ва кетма-кетликни сақлаган ҳолда бажариш билан амалга оширилади. Бундан ҳаракатларнинг аниқлиги ва тезлигига эътибор қаратилмайди. Қисқа вақтдан кейин ҲЙА схемаси бир мунча

қисқартирилади, кейинчалик фаолият барча элементларининг ўзлаштириб борилиши ва таълим умуман ҲЙА схемасини қўлламасдан олиб борилади. Бундай услубда малакалар шакллантирилиши бир мунча тез ва хатосиз амалга оширилади.

Ишнинг аниқлиги - бу ўрганувчи ҳаракатларининг берилган дастурга мослигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Иш аниқлигининг миқдорий катталиги берилган ўлчамни ўлчаётган-ўрнатаётган ёки ростлаётган бирликда ҳисоблаётган хатолик қиймати билан белгиланди. Хатоликнинг рухсат этиладиган қийматларида у тизим ишига ёки натижага сезиларли таъсир кўрсатмайди. Агар хатолик белгиланган қийматдан ошиб кетса бу талаба хатосининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Талаба ҳаракати аниқлигига ҳал этилаётган масала аҳамияти машқлар мобайнида кўриш-ҳаракат алоқасининг ривожи, эталондан оғиш қийматлари тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида олиниши, ўргатиш ва йўналтириш касбий факторлар таъсири тўғрилигидаги касби бунда ҳам бир вақтнинг ўзида, ҳам юқори аниқликка, ҳам ҳаракатлар тезлигига интилиш мақсадга мувофиқ эмас.

А.М.Новиковнинг фикрига кўра, малакалар шаклланишида ҳаракат аниқлигига қуйидаги факторлар ҳисобига эришилад:

- ҳаракатнинг бошланғич кўринишини шакллантириш ва аниқлаш;
- фазовий ва куч дифференцировкаси аниқлигини ошириш;
- энг кичик хатолик қийматига мос келувчи координацион структураларни танлаш.

Ҳаракатлар тезлиги, ҳаракат, машқ ёки вазифаларнинг бажарилиш вақти; реакция вақти, ҳаракатларни тузатишга сарфланадиган вақт ва бошқалар билан тавсифланади.

В.В.Чебишева томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, битта мутахассисликни эгаллашда мос малакаларни шакллантириш натижалари ўз-ўзини назорат мазмуни ва шакли ўзгаришига қараб турлича бўлади. Шу сабабли таълим шарт-шароитларини танлашда ўз-ўзини назорат ва у билан боғлиқ ҳаракатларни аниқлаштириш кўрсаткичлари алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ўз-ўзини назорат малакаларини шакллантириб бориш натижасида тренажёр ва ўқитувчига бўлган ёки бир неча хато ҳаракатларга йўл қўйилганида даврий равишда бериб борилиши лозим. Бу даврда ўрганувчида бошланғич машқларда зарур тажриба бўлмаганлиги сабабли етарлича аҳамияти ошиб боради.

Талабага унинг фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборотни бериш иложи борича автоматлаштирилган бўлгани маъқул, шу сабабли машқларни бажариш жараёнида тренажёрларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу талабаларда ўз-ўзини назорат, шунингдек, англамаган равишда амалга ошириладиган кўрсатгичларни назорат қилишнинг барча усулларини тўлақонли шакллантириш имконини беради. Таълим жараёнида ўқитиш

воситалари ва улар сирасига кирувчи тренажёрлар муҳим аҳамиятга эга. Қуйида биз ўқитиш воситалари ва улар сирасига кирувчи тренажёрларга тавсиф берамиз.

16.2. Тренажёр - ўқитишнинг техник воситалари тизимида. Машқлар бажариш жараёнини талабалар фаолиятининг мустақил иш турига киритиш мумкин. Шу сабабли қуйида уни ташкил қилиш учун зарур бўлган ўқитиш воситалари ҳақида сўз боради. Чоп қилинган ишларнинг кўпчилигида мустақил ишни ташкил қилиш ва ўтказиш таълимининг умумий шакл, услубларига боғлиқ ҳолда кўрилади ва бизнинг фикримизча, уларда машқларни бажариш жараёнидаги ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш етарлича чуқур очиб берилмаган. Ўқитиш воситалари тўғрисидаги масала аниқ бир предмет ёки касб таркиби сифатида кўрилиб, хусусий услуб ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилганлиги учун биз меҳнат дарсларида талабалар мустақил ишлаши услуби умумий масалалари, бизнинг ишимизга татбиқан-тренажёрли таълимни кўриб чиқиш билан чегараланамиз.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, меҳнат таълими дарсларида назарий дарсларга нисбатан мустақил ишларга кўпроқ вақт ажратилади ва уни ташкиллаштириш учун турли таълимий воситалар (йўриқнома технологик карталар, таълимининг товуш ва экран воситалари, тренажерлар ва кўплаб табиий объектлар)дан фойдаланилади. Ўтказилган тадқиқотлар ва амалиёт натижаларининг кўрсатишича, машқлар бажариш жараёнидаги таълимнинг техникавий воситаларини қўллаш услуби, унинг мазмуни, талабалар ўқув-билиш фаолияти тавсифи, улардан талаб қилинадиган мустақиллик даражаси, шунингдек, қўлланиладиган ўқитишнинг техникавий воситаси турига боғлиқ бўлади.

Талабалар меҳнат дарсларида машқ бажариш жараёнида фойдаланиладиган табиий объект, ҳаракатланувчи модел, йўриқнома, инструкцион технологик карта ва тренажёрлар каби ўқитишнинг техникавий воситалари кенг тарқалган. Мустақил иш бажаришда маълум даражада бошқа қолган барча таълим воситаларидан фойдаланиш мумкин, лекин улар уни ташкил қилишда асосий ўринни эгалламайди.

Меҳнат дарсларида мустақил ишни ташкил қилишда ўқитишнинг техникавий воситалари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ахборот (дарслик, маълумотнома, диапозитив, диафильм, транспорант, кинофильм, видеоёзув, алгоритм, йўриқнома, инструкцион-технологик карта, ўрганувчи дастурлар, ўқув плакатлари ва магнит ёзувлари каби тренажёрлар);
- ташкилий (алгоритмлар, йўриқномалар, инструкцион-технологик карталар, ўрганувчи дастурлар ва тренажёрлар);
- бошқарув (тестлар, ўрганувчи дастурлар ва тренажёрлар).

Айтиб ўтиш керакки, ҳар бир ўқитиш воситасига кўрсатилган барча вазифалар ва келтирилган тавсиф қайси бир вазифа қолганларидан устун эканлигини ифодалайди.

Шу билан бирга тренажёрларда бу вазифалар комплекс ва талаб даражасида тўлиқ мужассамлаштирилган.

Таълим воситалари таҳлили кўрсатадики, уларнинг кўпчилиги ўқитувчига бошқарувчи вазифасини юклайди ва фақат ўрганувчи дастурлар ва тренажёрларгина меҳнат дастурларида талабалар мустақил ишини ташкил қилишда ва ўтказишда маълум даражада юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажариши мумкин.

Турли таълим воситаларининг дидактик имкониятлари С.Г.Шаповаленко, С.И.Кочетов ва бошқа муаллифларнинг ишларида етарлича изчилликда кўриб чиқилган.

Меҳнат дарсларида мустақил дарсларни бажариш самарадорлигини ошириш учун дидактик вазифалар таълим воситалари номенклатураси ва мазмунини ишлаб чиқишда ўйлаб кўрилиши лозим. Бунда ўқитувчи алоҳида қийинчиликларсиз улардан берилган босқичда таълим мақсадига мосини танлаб фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

16.3. Талабаларни автомобилни бошқаришга ўргатишда тренажёрларни қўллаш методикаси. «Касб таълими» факультети талабалари "Автомобилни бошқариш" курсини ўрганишни институтнинг 4-курси 7-семестрида амалга оширадилар. Автомобилни бошқариш - меҳнат ва касб таълими ўқитувчиси мутахассисларини тайёрлашдаги асосий фанлардан бири ҳисобланади. Автомобилни бошқариш бўйича машғулотлар талабаларни автомобилнинг умумий тузилиши билан таништирилгач, амалга оширилади. Таълимни ташкил қилиш "Ҳаракат хавфсизлиги асослари" фанларидан олган билимларига бевосита боғлиқ бўлади. Бундан ташқари агар талабалар тегишли йўл ҳаракати қоидалари ва бошқариш қоидаларини билмаган ҳолларида автомобилни бошқаришга ўргатиш фани асоссиз (фанлараро боғланишсиз) бўлиб қолади. Бу ниҳоятда аниқ - равшан ҳолдир. Шу сабабли машғулотларга бажарилаётган машқларга оид қонунларни ўрганган талабаларгина қўйилади. Айтилганларни таъминлаш учун таълимда "Автомобилни бошқариш" фани етакчи рол ўйнайди, қолган шунга оид фанларни бошқариш асосларига боғлиқ равишда тузилган иш дастури асосида таълимни ташкил қилиш зарур. Бу қаторга яна тренажёрли таълимнинг психофизиологик ва дидактик асосларини ҳам киритиш лозим, чунки бунда талабаларни тайёрлашга бевосита алоқаси бўлган асосий тушунча ва қонуниятлар кўриб чиқилади. Ҳаракатланаётган объектларни бошқаришда инсон фаолияти моҳияти "Ҳаракатланаётган объект - инсон - ҳаракат муҳитлари" тизимидаги ахборотни кўп тармоқли қабул қилиш ва қайта ишлашдан иборат бўлади. Бу тизимни бошқариш ва ростлаш вазифалари аниқ ифодаланган операторлик характерига эга. Бунда фаолият илгаридан ишлаб чиқилган алгоритм асосида эмас, балки ҳаракат ўзгарувчан ҳолатларига мос ахборот модели билан ўзаро таъсирда бўлади. Бу фаолиятнинг етакчи элементлари муҳит - вақт муносабатлари ва уларнинг ҳаракат қоидалари ва бошқарилувчанлигини ифодаловчи сезги ва ақлий

ҳаракатлар ҳисобланади. Бу ҳаракат малакалари билан биргаликда ташқи муҳит ўзгаришига мос мураккаб реакциялар комплексини шакллантиришга имкон берувчи таълимни ташкил қилиш шароитлари билан белгиланади.

Ҳайдовчиларда сезги малакалари шаклланишини етарлича баҳоламаслик уларнинг тайёргарлик сифатини ва ахборотини пасайтиради ҳамда ўз навбатида ёш ҳайдовчилар содир этган авария ҳолатларининг асосий сабабчиларидан бири ҳисобланади.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, бундай мураккаб малакаларни шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири махсус техникавий воситалар(тренажерлар)дан мақсадга мувофиқ фойдаланишдир.

Ўқитишда ҳаракатдаги машиналарни бошқаришда тренажёрларни қўллаш амалиёти таҳлилининг кўрсатишича, мавжуд услублар таълим мазмуни хусусиятларини, машқлар йўналишини ва фойдали техниканинг потенциал - дидактик имкониятларини етарли даражада қамраб ололмаган. У ўзининг тузилишига кўра, ҳақиқий автомобилда ўтказиладиган машғулотдан фарқ қилмайди. Натижада машқ жараёнида таълимни ташкил қилувчи энг умумий ҳолатларгагина амал қилинади ва бунда замонавий таълимнинг психологик назарияси ва техник қурилмаларнинг дидактик имкониятлари ҳисобга олинмайди.

16.4. Машқлар кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида. Таълимда машқлар фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, машқ деганда ҳар қандай ҳаракатнинг такроран бажарилиши тушунилмайди, чунки такрорлаш ўз-ўзидан малаканинг ривожланиши ва такомиллашишини таъминлай олмайди. Бунга хунук имлода ёзишни мисол келтириш мумкин, агар махсус услублар қўлланилмаса қанча такрор ёзган билан у яхшиланиб қолмайди. Бундан ташқари, маълум ҳолатларда битта ҳаракатнинг такроран бажарилиши унинг сифати пасайишига олиб келади. Бир маромдаги иш узоқ вақт бажарилганида ушбу ҳолат кузатилиши мумкин.

Психология ва педагогикада машқ деб кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун маълум тарзда ташкил қилинган ҳаракатларни кўп марталаб такроран бажариш тушунилади. Илгари ҳосил қилинган муваққат алоқалар янги ҳаракатларни бажариш учун иш услубларини тўғри бажаришнинг ўзи етарли бўлмаган барча ҳолларда машқ талаб қилинади. Машқларни такрорий бажариш натижасида талаба бошқа усул билан эриша олмайдиган ҳаракатлар тақсимотига эришади, янги муваққат ҳаракат алоқалари ҳосил бўлади ва илгари мавжуд бўлганлари қайта қурилади. Машқларни бажаришнинг сўнгги босқичларида бу алоқалар мустаҳкамланади ва тартибга келади.

Машқлар бажаришнинг бутун жараёни давомида илгари ҳосил бўлган ва янги шаклланаётган муваққат алоқаларнинг шаклланиши ва қайта қурилиши амалга ошиб боради. Бунда марказий асаб тизими томонидан ростлаш жараёни ўзгаради ва такомиллашади. Ўрганишнинг дастлабки босқичларида

идрок қилинадиган фаол бошқарув ёрдамида талабанинг барча ҳаракатларини назорат қилиб бориш талаб этилади, кейинчалик унга бўлган эҳтиёж сусайиб боради ёки умуман йўқолади. Фаолиятнинг бир маромда бажарилувчи таркибий қисмлари кейинчалик идрок қилинадиган фаол бошқарувсиз амалга ошади. Фаол бошқарув фақатгина фаолият шароитлари ўзгарган ҳолда бузилиши мумкин, ундан четга чиқилганда қайта бошланади ёки кучаяди.

Психологик нуқтаи назардан малакаларни шакллантириш учун бажариладиган машқлар давомида жиддий ўзгаришлар амалга ошади, жумладан ҳаракат ва назорат усуллари, сезги аниқлиги ўзгариб боради. Ортиқча ҳаракатлар бирикади, фаолият ҳиссий хусусиятларининг енгиллик ва мураккаблик даражаси, диққат ва хотиржамлик ўзгариб боради. Бу ўзгаришлар машқ босқичларига мувофиқ равишда, малака хусусиятлари, машқ шартлари, талабалар индивидуал хусусиятларида юзага чиқади. Меҳнат кўникма ва малакаларининг шаклланиши учун зарур бўлган машқлар жараёнлари бир вақтнинг ўзида шахс ривожига, унинг ирода хислатлари, қатъийлиги, кузатувчанлиги ва диққатига жиддий таъсир кўрсатади.

Машқлар-меҳнат кўникмалари ва маҳоратига эришишнинг зарурий шарти ҳисобланиб, фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Бунда билим ва малакаларнинг такомиллашиб бориши билан биргаликда шароитнинг, сифат ва тезликка бўлган талабнинг ортиб боришига мос равишда улардан фойдаланиш даражаси ортиб боради.

Машқлар фақатгина маълум шартларга амал қилинган ҳолдагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Аввало йўриқнома ўқувчига машқлар мақсадини, уни муваффақиятли амалга ошириш йўлларининг тўғри етказилишини таъминлаши лозим. Машқларни бажариш давомида ўқувчилар белгилайдиган хусусий мақсадлар ва улардан эришилиши кўзда тутилган натижалар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу тушунчаларнинг аниқ бўлмаслиги тўғри ҳаракатларни ва зарур натижаларни ўз ҳаракат ва натижалари билан таққослашга асосланган машқлар давомида ўз-ўзини назорат қилишни амалга ошириш имкониятидан маҳрум қилади.

Меҳнат ва касб таълимида талабаларни кузатиш натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик ҳолларда улар ўз олдига қўйган мақсадлари ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш устаси қўйган вазифалар билан мос келмаслиги мумкин. Бунга мисол қилиб фрезалаш жараёнини кузатиш натижаларини келтириш мумкин. Уларнинг барчаси бир вазифани бажарадилар, бироқ турли мақсадларни назарда тутадилар. Бир талаба ўз ишини тежамли усулда бажариш вазифасини мақсад қилиб қўяди. Иккинчи талаба эса ўқитувчининг ишлов бериш давомида детални аниқ ўлчаб бориш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмасини аниқ бажариб, тезликка, умуман, эътибор бермайди. Учинчи талаба ёнидагига нисбатан ишни тезроқ бажаришга ҳаракат қилади, тўртинчиси эса машғулот тугашини сабрсизлик билан кутиб эътиборсизлик билан ишлайди. Шу сабабли машғулот давомида мақсадни аниқ қўйиш билан

биргаликда унинг машқ давомида тўлиқ эришишга ҳам эътибор бериш талаб қилинади.

Бажарилган ҳаракатларнинг бориши натижасини кузатиш машқлар самарадорлигининг асосий шартидир. Иккинчи бир муҳим шарт - талабаларнинг қийинчиликларни енгиб ўтишдаги фаоллиги, вазифани тўғри амалга ошириш йўлларини қатъиятлик билан қидириш, хатоларни енгиш ва муваффақиятларни мустаҳкамлаб бориш ҳисобланади. Шу шартлар бажарилган ҳолдагина машқлар бир ҳаракатни кўр-кўрона такрорлаш эмас, балки уларни такомиллаштиришнинг фаол воситасига айланиб қолади. Фаоллик ўқувчиларнинг қизиқишлари ва уларнинг янада юқорироқ натижаларга эришишга интилиши туфайли ошиб боради. Шу сабабли машқларни бажаришда шахс ҳислатлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Машқларни турли-туманлигини таъминлаш лозим, чунки бир хиллик талабаларнинг қизиқишлари ва фаоллигига салбий таъсир кўрсатади.

Машқларнинг муваффақиятли амалга оширилишининг маълум бўлган шартларидан бири - машқларнинг тобора мураккаблашиб, ишнинг тезлигига, аниқлигига бўлган талабларнинг ортиб бориши, ишнинг танаффуссиз давом этиши ва тезлиги марошининг ортиб бориши кабилар ҳисобланади.

Машқлар жараёнида ўқув фаолиятида амалга ошувчи мураккаб ички ўзгаришлар қатор объектив кўрсаткичлар: ўзлаштириладиган ҳаракатларни бажариш тезлиги, уларни бажаришдаги хатоликлар миқдори, танаффуслар сони ва давомийлигида намоён бўлади.

Бошқа турдаги оғзаки ва ёзма кўрсатмалардан фарқли равишда касб таълимида йўриқнома деганда талабалар амалий фаолиятининг лозим бўлган ва уни бажариш усулларига тегишли бўлган кўрсатмалар тушунилади. Йўриқномалар кириш, жорий ва якуний турларга бўлинади, шунингдек уларнинг оғзаки ва ёзма шакллари ҳам мавжуд. Йўриқномада тушунтириш, намойиш қилиш ва уларнинг биргаликда қўлланишидан фойдаланишади.

Йўриқномага қўйиладиган педагогик талабаларга биринчи навбатда талаба томонидан вазифанинг аниқ ва тўғри тушунилиши, унга эришиш усуллари, шунингдек ҳаракатлар тўғрилиги ва хатоларни аниқлаш имконини берувчи кўрсаткичларнинг мавжудлигини келтириш мумкин. Шу сабабли йўриқномани ишлаб чиқаришда ўқувчиларни тайёрлашдаги тўпланган тажрибаларни ҳисобга олиб бориш, талабалар қизиқишларини ошириб бориш воситаларини аниқлаш ва уни амалга оширишни фаоллаштириш йўлларини аниқлаб бориш талаб этилади.

Йўриқномаларнинг тўлақонлилиги ва равшанлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади: у ўзида барча зарурий маълумотларни акс эттириши ва турли маънодаги талқинларга ўрин қолдирмаслиги лозим. Бу фикрларни асослаш учун бир қатор содда малакаларни кузатишларимиз натижаларидан мисоллар келтирамиз. Синов олиб борилаётган талабалар кўзларини ёпиб, металл пластинкадаги кесилган жой узунлигини ушлаб кўриб аниқлаш таклиф қилинди. Талабалар унинг узунлигини сантиметрларда тўғри ифодалаб,

шаклини чизиб кўрсатдилар. Иккинчи бир шундай тажрибада йўриқномада кесим узунлигини эмас, унинг қанақалигини аниқлаш топширилди. Йўриқнома иккинчи вариантидаги ноаниқлик уни талқин қилишдаги бир қанча хатоликларга олиб келди. Тўғри чизиқли кесим талабаларга ёйсимон бўлиб кўринди ва ҳ.к. кесимларни тавсифлашда улар кўпроқ аҳамиятга эга бўлмаган жиҳатларга эътиборларини қаратдилар, кесим узунлиги тўғрисидаги жавоблар эса кўпчилик ҳолларда ноаниқ бўлди. Йўриқноманинг етарлича аниқ эмаслиги тушунча ва тасаввурларни кескин ўзгартириб юборди.

Кам ҳажмли, ортиқча тафсилотларга эга бўлмаган йўриқнома энг самаралиси бўлди. Жорий босқичда талабалар фойдаланмайдиган ва уларсиз ҳам вазифани бажариш имконияти мавжуд бўлган кўрсатмаларни йўриқномага киритмаслик лозим. У ёки бу мураккаблик даражасида бўлган малакаларни эгаллашда талабалар битта жиҳатга ўз эҳтиборларини жамлаб, иккинчи бир жиҳатни эътиборсиз қолдирадилар. Малаканинг барча ташкил этувчиларига тааллуқли бўлган йўриқномадан улар дастлабки даврда тўла фойдалана олмайдилар. Йўриқноманинг ўз вақтида берилиш шарти, кириш йўриқномаси билан талабаларга машқларни бажариш самараси, кейинги машқларни бажаришда унинг ўрни тўғрисида сўз юритиш шарт эмас деган фикрни бермаслик лозим.

Йўриқнома, шунингдек, талабанинг уни қабул қилиш нуқтаи назаридан ҳам махсус тайёрланишни талаб қилади. У айниқса, ишлаб чиқариш шароитларида кўпроқ зарур бўлиб, у ерда ўқитувчининг тушунтириши ҳамма ўқувчилар томонидан тўла қабул қилинганлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Талабаларда меҳнат малакаларининг шаклланишини фаоллаштиришда ўқув йўриқномаси муҳим рол ўйнайди. Йўриқнома шаклини танлаш ижодий ёндашишни талаб қилади. Чамаси, йўриқномаларнинг учта варианти, маълумотлари тўлиқ бўлмаган, тўлиқ ёки ортиқча маълумотлисини танлашда таълим босқичи ва хусусиятларидан келиб чиқишимиз маъқул. Масалан, дастлабки босқичларда биринчи йўналиш бўйича бирмунча тўлақонли бўлган йўриқномалар талаб қилинади. Бироқ кейинги таълим даврида нафақат тайёр маълумотларни ўзлаштириш, балки ўз имконияти даражасидаги баъзи ечимларни ўзи топиши лозим бўлади. Аниқланиши лозим, аммо кам маълумотларга эга бўлган, ва шунингдек ортиқча маълумотли йўриқномадаги шартлар ичидан зарурини танлаш талаб қилинганида мустақил фикрлаш зарурати пайдо бўлади.

Тушунтириш ва намойиш қилиш ёки уларнинг бирикмасидан иборат йўриқнома услубларидан фойдаланишда ўрганиладиган ўқув материали хусусиятларидан келиб чиқиш лозим. Ушбу усулларнинг ҳар бири ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга, шу сабабли уларнинг ҳар бирининг маълум ҳолат учун йўналишида мақсадга мувофиқлигини аниқлаб олишга тўғри келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тушунтириш ҳам, шунингдек намойиш

қилиш ҳам талабада махсус машқларсиз қайта қурилувчи алоқалар тизими илгариги тажрибалар давомида шаклланган бўлиб, уларни бир-бири билан алмаштириш мумкин эмас.

Тушунтириш ҳам, намойиш қилиш ҳам таълим методлари сифатида ўрганилаётган ҳаракатлар тезлиги ва сифатига таъсир этувчи ўз хусусиятларига эга. Оғзаки тушунтиришда бажариладиган ишнинг шартлари ва мақсадига мувофиқ ҳолда фаолиятни ташкил қилиш имконини берувчи муваққат алоқалар тизими фаоллашади. Турли масалаларни ечишда турли усулларни қўллаш мос келганлиги сабабли талабалар уларни чуқур таҳлил қилиб, турли усулларни қўллайдилар. Шу сабабли, тезлиги кичик бўлган ҳоллар учун оғзаки тушунтириш юқорироқ сифатга эришиш имконини беради.

Намойиш қилиш усулининг оғзаки усулга кўра кўпроқ даражада ишни бажаришда алоҳида хусусиятга эга бўлган хусусий тизимларни фаоллаштириш тадқиқотларимиз давомида тасдиқланди.

Намойиш қилиш усули биз тавсия этган услуб ва иш маромини ўзлаштиришга хизмат қилиши билан оғзаки тушунтиришга нисбатан иш мақсади ва вазифасини камроқ даражада англаш имконини беради. Шу сабабли намойиш қилиш асосида ишни бажариш тез ва ишончли амалга ошади, бироқ унинг сифати пастроқ даражада бўлади.

Намойиш қилиш ва тушунтирш боғлаб олиб борилганда иш намойиш қилингандагидан кўра сифатлироқ ва фақат тушунтириш билан олиб борилганидан кўра тезроқ амалга оширилади. Шундай қилиб, тушунтириш ва намойиш қилишнинг биргаликда қўлланилгандаги самарадорлиги уларнинг ҳар бирининг алоҳида қўлланилганидан кўра юқорироқ бўлади.

Ишни бажариш методларини намойиш талаблари уни таҳлил қилиш заруратини туғдиради. Бунда, оғзаки тушунтиришга узоқ вақт талаб қилинадиган ҳаракатларни намойиш қилиш усулида бир уринишда талабага тўла тушунтириш мумкин бўлади. Фикримизга кўра бу ўринда тушунтириш услубига нисбатан намойиш қилишда ҳаракатнинг бевосита намойиш этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тақлид қилиш икки турда бўлади: механик тарзда ва англанган, мақсадга йўналтирилган ҳолда. Биринчи ҳолатда талабалар ҳаракатнинг фақатгина ташқи хусусиятларини қабул қиладилар ва бажарадилар. Кўпчилик ҳолларда бажарилаётган ҳаракатларнинг маъносини англаб етмайдилар. Масалан, электромонтаж ишларини тушунтириш асосида олиб борилган баъзи ҳолатларда бундай тақлид кузатилган эди. Кабел учларини бириктиришда талабалар кўрсатилган усулларни тиришқоқлик билан бажаришга ҳаракат қилардилар: симларни кабелга қунт билан тортдилар ва ҳ.к. Бунда бажариладиган ишнинг асосий мақсади-кабел учларини бир-бири билан маҳкам бириктиришда кўпинча улар хатога йўл қўяр эдилар. Натижада кабел ўрами тиғиз бажарилгани билан, улар чеккаларида очиқ жойлар қолиб кетади, чунки ўқувчилар ўрамнинг тиғизлигини таъминлашга ҳаракат қилиб,

кабел учларини бир-бирига тортишга эътибор бермай қўядилар. Шу сабабли ишни бажариш тақлид усули мақсадга мувофиқ тушуниш асосида амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқариш таълимида талабаларнинг мустақил кузатишлари муҳим аҳамиятга эга. Бироқ талабаларнинг барчаси ҳам ўз кузатишларини ўқув топшириғига мувофиқ ташкил қила олмайдилар. Кузатиш кўникмаларини тарбиялаш (кузатувчанлик ва диққатни ривожлантириш) ишлаб чиқариш таълимининг муҳим вазифаларидан биридир. Талабалар ишлаб чиқариш таълимидаги кузатиш жараёнида ёрдам ва маслаҳатга муҳтож бўладилар. Йўриқнома ёки ёзма равишда бериладиган ўқув-ишлаб чиқариш топшириғида аввало кузатишдан кўзланган мақсад ва унинг предмети нималардан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим, чунки бу вазифалар талаба учун мураккаб бўлган шароитларда амалга оширилади. Бундан ташқари, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда кузатишларни олиб бориш, аниқ шакллантирилган мақсади бўлмаган кузатишлардан кўра самаралироқ ҳисобланади. Мураккаб кузатиш объектини алоҳида қисмларга бўлиб ўрганиш талабанинг ўзига қийинлик қилади: бу вазифа йўриқномада берилган бўлиши лозим. Шу ернинг ўзида талаба эътиборини қаратиш лозим бўлган асосий ҳолатлар, кузатишлар кетма-кетлиги ва жавоб топилиши лозим бўлган саволлар бериб борилиши талаб этилади.

Энг кенг тарқалган машқ турларидан бири - бу тасаввурлар асосида машқ бажариш бўлиб, у кўпроқ физкультура ва спорт соҳасида кенг тарқалган. Бундай машқлардан турли малакаларни ўргатишда фойдаланилади. Мисол учун бир қатор ҳаракатларни умумлаштиришни талаб қилувчи мураккаб малакаларни эгаллашда талаба диққатини машқ олдидан дастлабки босқичларидан бирига қадалиб қолиши албатта бошқа бир ҳаракатнинг тушириб қолдирилишига олиб келади. Бундай хатога бир неча марта йўл қўйган талаба машқларни бажаришдан олдин ўзига хос усулни қўллай бошлайдилар, яъни бутун иш жараёнини ва айниқса тушириб қолдирилаётган ҳаракатларни қамраб олишга ҳаракат қилган ҳолда тасаввур қиладилар.

Тасаввурларга асосланган машқлар эса техникалардан фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда қўлланилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, узоқ танаффусдан кейин бажариладиган касбий малакаларни тиклашда бундай машқлар ижобий натижаларга эришиш имконини беради. Ушбу машқлар асосида ҳаракат тўғрисидаги тасаввурларнинг унинг ўзи билан боғлиқлиги ётади (икки сигнал системасининг ҳаракат анализатори билан алоқалари). Ишлаб чиқариш малакаларига ўргатишдаги машқлар тизимида алоҳида малакаларга ўргатишдаги машқлар тизими алоҳида малакалар ва уларнинг таркибий қисмларини, шунингдек мураккаб малакаларни эгаллашдаги машқлар, жумладан тренажёрлар натижасида бажариладиган машқлар алоҳида аҳамият касб этади. Бундай машқлар талабалардаги баъзи махсус сифатларни (мисол учун, кўз билан чамалаш ёки маромни ҳис қилиш

ва ҳ.к.), алоҳида амалий малакаларни шакллантириш (иплар узилишининг олдини олиш), мураккаб фаолият турларини эгаллаш (ҳайдовчиларни тайёрлаш, қурувчи ишчиларни тайёрлаш)да қўлланилади.

Мисол сифатида ер ости ишлари машинисти билан полигонларда бажариладиган машқларни ёки машинистларни юзага келиши мумкин бўлган хавфни бартараф қилишга ўргатишдаги машқларни келтириш мумкин. Машқ машғулотлари махсус жиҳозланган ўқув устахоналарида ишчиларни қурувчилик (ғишт терувчи, бўёқчи, сантехник ва ҳ.к.) малакаларига ўргатишда қўлланилади. Машиналарни бошқаришнинг баъзи реал шароитларни яратувчи макетлардан фойдаланган ҳолдаги тренировка машғулотлари бўлажак ҳайдовчиларни тайёрлашда қўлланилади. Ҳалокат ҳолатида ишловчи баъзи мутахассисликлар бўйича ишчилар тайёрлашда ҳам тегишли ҳолатларни яратувчи воситалардан фойдаланилади.

Тренажёрлар билан биргаликда ташқи шароит билан ўхшаш бўлмаган ҳолатларда иш кўриш учун психологик машқ шароитлари ҳам яратилиши муҳим. Мисол учун, талабада белгиланган вақт ичида ечимини топиши лозим бўлган машқ шароитлари сифатида оғзаки тавсифни яратиш учун маълум шароит мумкин. Тренажёрлар ёки махсус сабабларсиз бажариладиган методларни яратишдаги асосий вазифа - бу нафақат ташқи ўхшаш шароитларни яратиш балки уларнинг психологик мувофиқлиги ҳамдир.

Мисол учун локомотив кабинасининг аниқ нусхасини яратиш мумкин. Бироқ бунда муҳимроқ ишчи шароитнинг ўзгаришига мос ҳолда бошқарувчи қурилмалар билан ишлай олиш, меъёридан четга чиқишларни аниқлаш ва тўғрилаш, ва шунингдек ўз ҳаракатларини назорат қилиш ва унинг тўғрилигини баҳолай олиш кабилардир. Тренажёр ва ўрганувчи машқларнинг таълимда қўлланилиши қатор афзалликларга эга: малаканинг мураккаб қисмларини ажрата билиш, ўқув диққатини жамлай олиш, машқларни кўп марта такроран бажара олиш ва бошқалар. Бундай машқлар самарадорлиги қатор синов ишлари, шунингдек амалий тажрибалар билан асослаб берилган. Тренажёрлар ва ўрганувчи вазифаларни яратишда реал ишчи шароитларни яратиш учун биринчидан: реал ҳолат ва яратажак моделнинг ўртасида психологик мувофиқликни таъминлаш мақсадида жиддий таҳлил қилиш, иккинчидан бу мувофиқликни махсус тажрибалар воситасида текшириб кўриш лозим. Бунинг учун дастлаб қулай машқлар туркуми бажарилади, кейин эса машқ натижалари амалий иш жараёнида синовдан ўтказилади. Амалиётнинг кўрсатишича, баъзида тренажёрнинг ташқи жиҳатдан амалий шароитни муваффақиятли акс эттирса ҳам тажриба-синов ишлари давомида ўрганиладиган малакаларга психологик жиҳатдан мос эмаслиги туфайли таълимда қўллаб бўлмаслиги маълум бўлиб қолади.

Талабалардан турли малакаларни шакллантирувчи ўрганувчи методлари ва уларнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда, амалда ишлаб чиқиш вазифаларини ҳал этиш малакаларини, ривожлаштирувчи машқларни ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Амалий шароитларда бажариладиган машқлар билан

биргаликда оғзаки тавсифлар бўйича бажарилувчи машқлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнатга доир кўникма ва малакаларни махсус касбий ва умумеҳнат турларига ажратилиши маълум маънода шартлидир. Меҳнатнинг касбий шаклларини эгаллаш жараёнида шаклланувчи умумеҳнат аҳамиятига эга бўлган кўникма ва малакалар уларнинг махсус хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради. Шу билан бирга улар ўртасида ишлаб чиқариш таълимида эътиборга олиниши лозим бўлган маълум фарқлар ҳам мавжуд.

Махсус касбий кўникма ва малакаларни қараб чиқиш билан биргаликда психологик нуқтаи назардан у ёки бу даражада ўрганиб чиқилган иш турлари ва касбларни санаб ўтамиз:

- кўпроқ қўлда иш бажаришни талаб қилувчи касблар(дурадгорлар, сувоқчилар ва ҳ.к.);
- станокда ишловчилар(токарлар, фрезаловчилар, пардозловчилар, автоматлашган станоклар операторлари);
- машина ҳайдовчилар(шоферлар, темир йўл ва сув транспорти ҳайдовчилари, қишлоқ хўжалиги механизаторлари);
- асбобчилар(пўлат қуювчилар, кимё саноати операторлари);
- техника ва технологик жараёнларни масофадан бошқариш;
- таъмирлаш, ишга тушириш, ростлаш ишлари.

Аввало касбий кўникма ва малакаларни алоҳида гуруҳларга ажратиш имконини берувчи умумий хусусиятларга тўхталиб ўтамиз:

Махсус касбий кўникма ва малакаларнинг асосий хусусияти. Уларнинг маълум касблар (металл қирқиш, иплар узилишини бартараф этиш, автомобилни бошқариш ҳ.к.) билан чегараланган, нисбатан тор аҳамиятлилиги.

Махсус кўникма ва малакалар даражасининг мураккаблиги ва вазифаларига кўра турли-тумандир. Улар нисбатан мураккаб бўлган асосий ва ёрдамчи операциялар таркибига кирувчи бажарувчан ёки назорат қилишга оид бўлишлари мумкин. Кўпчилик холларда улар қисман эгалланган малакалар бўлиб, улар, ўз навбатида мураккаброқ малаканинг таркибий қисмига кирадилар.

Ушбу кўникма ва малакаларнинг шаклланишида амалий ҳаракатларни бажаришдаги машқлар муҳим аҳамият касб этади. Кенгроқ умуммеҳнат аҳамиятига эга бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш учун эса ақлий малакаларни ечишдаги машқлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Баъзи махсус қобилиятларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган махсус кўникма ва малакалар асосан сезги-ҳаракат билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уларни турли шароитларда кўриш учун кенг имкониятлар очилади.

16.5. Машқлар жараёнида режалаштиришни ўргатиш (технологик жараёнларни қуриш). Юқорида ўқув операцияси тушунчасини ўрганишда ва машқлар тизимини таҳлил қилишда ёрдамчи операциялар (ўлчаш, станокни ростлаш ва ҳ.к.)ни бажаришга тааллуқли кўникмаларни ҳосил

қилишда кўпроқ ўқув машғулотларини бажаришга оид машқлар ўрни белгилаб берилган эди.

Бу ўринда ушбу машқларни икки масалани ҳал қилиш учун қараб чиқилди: 1) умуммеҳнат кўникма ва малакаларнинг шаклланиши; 2) назарий ва амалий таълим алоқасини ўрнатиш.

В.В.Чебишева фикрига кўра, умуммеҳнат малакалари икки хусусияти билан тавсифланади; 1) ақлий тавсифга эга бўлади; 2) малакалар мустаҳкамланиб бориб, шахснинг турғун хислатига айланиб қолади.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, умуммеҳнат кўникмалари ва умумлашган кўникмалар тушунчалари айнан бир ҳолатни ифодалайди.

Нафақат умуммеҳнат, балки умуммеҳнат кўникма ва малакалари ҳам умумийлик, мослашувчанлик ва кўчирилувчанликка эга бўлиши лозим. Улар шаклланишининг аҳамиятли жиҳати талабалар томонидан тегишли ҳаракатларнинг ўзлаштирилиши ва уларнинг қўлланилиш шароитларининг турланишидир. Умумлашган кўникмаларни шакллантириш шароитларини амалга ошириш маълум даражада ўқувчилар қобилиятининг ривожланиши, мустақиллигининг ошиши билан боғлиқ.

Умуммеҳнат кўникмаларида шахсни тавсифловчи ақлий компонентлар салмоғи ошиб боргани сари уларни шакллантириш шу даражаси ҳам юқорида кўрсатилган шартларни кўпроқ талаб қилиб боради.

Е.А.Милерян умуммеҳнат - политехник кўникмаларини уч турга бўлиб кўрсатади: конструктор-технологик, ташкилий-технологик ва операцион-назорат.

Ташкилий - технологик ва операцион - технологик кўникмаларга ўргатишни қараб чиқамиз. Режалаштириш кўникмаси ташкилий-технологик кўникмалар қаторига киради. Кенг маънода олинганда технологик жараёнларни лойиҳалаш ҳам режалаштириш ҳисобланади. Бу тушунча иккала турдаги таълим шаклларининг ҳам таркибига киради. Шуни таъкидлаш лозимки, технологик йўналишни тузиш талабага ишлаб чиқариш устаси томонидан уйга вазифа сифатида берилади, бироқ у кириш инструктажи(йўриқномасида)да таҳлил қилинади.

Технологик жараёнларни кўриш мезонлари ишлаб чиқариш таълими машғулотларида ўрганилмайди. Улар назарий таълим таркибига киради. Лойиҳалаш ва ҳисоблаш - бу олий техника ва ўрта ҳунар-техника ўқув юртларида таълим мазмунини белгиловчи элементлар ҳисобланади. Улар назарий билимларни қўллашнинг муҳим таълим воситаси ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам техника ОЎЮларида курс ва диплом ишларига алоҳида аҳамият берилади. Лойиҳалаш ишлаб чиқариш жараёнини белгили шаклда ифодалайди. Шу сабабли ҳам таълим турини боғлашга хизмат қилади.

В.В.Чебишеванинг таъкидлашича, умуммеҳнат малакаларига ўргатишнинг биринчи шарти - уни алоҳида вазифа сифатида ажратиб олишдир. Ҳар қандай ишлаб чиқариш таълими хоҳ у операцион - комплекс, операцион-предметли ёки бошқа машинасозлик технологиясида қабул

қилинган таснифга асосланган бўлсин, ёки йўқ, у ўз-ўзидан умуммеҳнат малакаларига ўргатиш муаммосини ҳал қилиб бера олмайди. Бу умумий таълим услуби ёки кенг маънодаги таълим тизими муаммоси ҳисобланади.

Шу маънода (мазмун жиҳатидан) унинг кўрсатмалари ишлаб чиқариш таълими учун қўлланма вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бироқ таълим усуллари ҳамда шакллари нуқтаи назаридан муаммо тўла ишлаб чиқилмаган. Ҳар ҳолда у, озроқ, ҳеч бўлмаганда қисман, айнан ишлаб чиқариш таълими чегарасидан чиқмасдан ва камида иккита таълим услуби: 1) уйга вазифалар; 2) лаборатория амалий машғулотларини ёки уларнинг иккаласини биргаликда қўлламасдан амалга оширилмайди.

Уйга вазифа ва кириш йўриқномасини муваффақиятли қўллашни корхонадаги ишлаб чиқариш амалиётидан илгари ўтказиладиган дастурнинг сўнгги "1-3 тоифали мураккабликдаги деталларга ишлов бериш" мавзуси мисолида қараб чиқамиз.

Бу мавзуни ўрганиш жараёнини тавсифлаб, режалаш таълимига алоҳида эътибор бердик. У қуйидагилар билан белгиланади.

Дарсдан бир хафта илгари уйга вазифа берилади: маълум детални тайёрлашнинг технологик жараёнини ишлаб чиқиш; унда қуйидаги маълумотлар берилади: материал, намуна тури, деталлар сони; жиҳозлар. Машғулот мазмуни тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: технологик йўналишни ишлаб чиқиш, кесувчи ва ўлчовли асбобларни танлаш; цилиндрнинг ташқи юзасига ишлов бериш учун шпиндел айланишлари сонини аниқлаш. Дарсдан аввал (албатта ўша куни эмас) махсус технология ўқитувчиси билан биргаликда бажарилган вазифалар текшириб кўрилади.

Уларни баҳолаш билан биргаликда кириш инструктажини қандай ўтказиш ўйлаб қўйилади: қайси вариантларни асос сифатида қабул қилиш, қайсиларини қайта кўриб чиқиш лозим ва муаммолар доирасини белгилаб олиш.

Суҳбат давомида, кириш инструктажи бошланғич талабалар билан биргаликда деталларга ишлов беришга оид асосий вазифалар муҳокама қилинади ва аниқланади. Сўнгра олдиндан белгилаб қўйилган талаба ўзи таклиф қилган вариантни кўрсатиб беради, кейинчалик у муҳокама қилиниб аниқлаштирилади.

Дидактик нуқтаи назардан муҳим имконият юзага келади: уйга вазифадан олдиндан фойдаланиш; дарсни ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш; муҳокама учун энг яхши намунани танлаб олиш; янада кенгроқ ва фаолроқ муҳокама қилиш учун яна бир нечта намуна танлаб олиш: ўқувчиларнинг ўз ишларини баён қилишларидан олдин уларни фаоллаштириш учун саволлар белгилаш; бажарилган вазифаларни таҳлил қилишга махсус технология ўқитувчисини жалб қилиш.

Юқоридаги топшириқ уйга вазифа эканлигини ҳисобга олмаганда, белгиланган режани амалга ошириш жараёнида амалий машқларга ўтиб борувчи машқлар шакли ҳисобланади.

Талабаларнинг машқларни режалаштиришдаги ташкилий жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Ишлаб чиқариш таълими мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
- Ҳаракатларнинг кетма-кетлигини белгилаш.
- Асбоб ва мосламаларни танлаш.
- Ўз-ўзини назорат қилишнинг усули ва кетма-кетлигини аниқлаш.
- Вазифани бажариш босқичларини вақт бўйича тақсимлаш.

Таълим босқичи ва услубларига келганда, улар қуйидаги кўринишда бўлади:

- Кириш йўриқномаси ишлаб чиқариш вазифасини бажаришда ишлаб чиқариш устасининг оғзаки кўрсатмаси.
- Машғулотларда ўқувчиларга карточка топшириқларини бериш.
- Кейинги дарсга режа тузиш учун уйга вазифа бериш.
- Талабаларга бериладиган карточка-топшириқлар қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади.
- Тайёргарлик.
- Бажариш жараёни.

Биринчи бўлим тартибига вазифани таҳлил қилиш, чизмани ўрганиш (материал, аниқлик синфи, ва ҳ.к.), намунани текшириш, ишлов бериш кетма-кетлиги ва тартибини аниқлаш, қисмларни вақт бўйича тақсимлаш, иш ўрнини ташкил қилиш киради.

Иккинчи бўлим таркибига ишлов беришни (ташкил қилиш) амалга ошириш ва ўз-ўзини назорат усуллари киради.

Талабаларга карточка топшириқларини бериш, асосан биринчи босқичда уларга инструкцион-технологик карталарни бериш билан қўшиб олиб борилади. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳолатда ўқувчиларнинг режалаштириш бўйича олиб борадиган мустақил ишлари ҳажмининг камайишига олиб келади. Бу борада психологларнинг ишчилар томонидан ўз ишларини режалаштиришнинг мазмуни ва босқичлари тўғрисидаги маьлумотлари қизиқарлидир.

Биз қуйида режалаштириш жараёнини, учта босқични таҳлил қиламиз:

Биринчи босқич - янги вазифани амалга оширишдаги умумий, йўналиш берувчи режалаштириш. Бу ҳолда мақсад ва унга эришиш воситалари, янги вазифани ҳал қилиш йўлларини белгилаб олиш лозим.

Иккинчи босқич - ташкилий-режалаштириш, бунда ишчи нафақат маълум ва мавжуд воситаларни, балки мумкин бўлган янги воситаларни қўллашни ўз ичига олувчи зарур тадбирларни аниқлайди ва улар асосида ечимни топиш йўналишини танлайди.

Учинчи босқич - вазифани амалга оширишдаги бажариладиган жараёнлар батафсил аниқлаб олинади, яъни операциялар таркиби ва кетма-кетлиги тартиби, асбоб ва мосламалар, назорат воситалари ва бошқаларни аниқлайдиган ишчи лойиҳа тайёрланади.

Шубҳасиз биринчи ва иккинчи босқичлар таълимда муҳим аҳамият касб этади, чунки талабаларга, ишчилардан фарқли равишда кўпчилик вазифалар янгилик ҳисобланади.

Бизнинг фикримизга, биринчи ҳамда иккинчи босқич маълум даражада махсус технологлар эътиборида бўлмоғи лозим. Шундай қилинганда назарий ва амалий таълимнинг ўзаро боғлиқлиги тўлароқ бўлади. Бироқ биринчи ва иккинчи босқични амалга оширишда ишлаб чиқариш таълими салмоғи кўпроқ бўлади.

Ҳозирда кўпроқ эътибор берилаётган учинчи босқичга келадиган бўлсак, ундан назарий ва ишлаб чиқариш таълими жараёнидаги машқлардан ташқари лаборатория амалий машғулотларида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб режалаштиришда ўқитишнинг амалий тизими қуйидаги бўғинлардан иборат бўлиши лозим:

– Назарий таълим жараёнидаги машқлар (асосан учинчи ва қисман биринчи, иккинчи босқичлар).

– Машғулотларда ва уй вазифаси сифатида бажариладиган ишлаб чиқариш таълими машқлари (режалаштиришнинг барча учала босқичида).

– Назарий ва ишлаб чиқариш таълимидаги лаборатория амалий ишлари (учинчи босқич).

Бу ўринда келтирилган босқичлар В.В.Чебишева томонидан қуйида шакллантирилган таълимни режалаштиришнинг уч босқичига ҳеч ҳам зид келмайди:

1) режа бўйича ишлаш одатини тарбиялаш;

2) уста томонидан таклиф қилинган режалар орасидан энг мақсадга мувофиғини танлаш машқлари;

3) мустақил режа ишлаб чиқиш. Бу босқичларнинг ишлаб чиқариш таълимига кириши В.В.Чебишева томонидан белгилаб берилган.

Назарий машғулотларда режа бўйича ишлаш одатини тарбиялаш мумкин эмас. Лекин мустақил ишлаб чиқиш иккала ҳолда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоғи лозим.

Машқлар воситасида назорат-ўлчов операцияларига ўргатиш

Энди назорат-ўлчов малакаларини шакллантириш машқларини қараб чиқамиз. Е.А.Милерян бўйича кўникмалар қўлда ва машина - қўлда бажарувчи меҳнат операцияларининг натижаларини назорат қилиш билан боғлиқ жараёнларни умуммеҳнат малакалари деб ҳисоблаймиз, Е.А.Милерян фикрига кўра, умуммеҳнат кўникмаларига оператор фаолияти билан боғлиқ назорат ва ростлаш ишлари билан боғлиқ умуммеҳнат бўлмаган, аксинча унинг тескариси бўлган ўта ихтисослашган фаолият турлари киради.

Ўлчов назорат кўникмаларини шакллантириш муаммоси меҳнат фаолиятидаги ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш билан чамбарчас боғлиқдир.

В.В.Чебишева ўз-ўзини назоратнинг иккиламчи эканлиги тўғрисида ҳақли фикр юритади. Биринчидан, у ҳар қандай малакани эгаллашнинг

зарурий шарти, иккинчидан янада тўғрироғи у ўз-ўзидан мураккаб малака ҳисобланиб, ишнинг мақсад ва усулларини ўз ичига олувчи билим ва малакалар тизими ҳисобланади. Шунинг учун, бу даражадаги ўз-ўзини назорат ҳақида гапириш - нафақат бутун таълим, балки тарбиявий тизимининг ҳам бутун жиҳатлари тўғрисида гапиришдир. Шуниси аёнки, машқлар тўғрисида сўз кетганда ўз-ўзини назоратнинг қандайдир бир қисмини ёки жиҳатини, ушбу ҳолатда бўлса назорат-ўлчов операцияларини ёки усулларини кўзда тутиш мумкин. Келтирилган усулларни эгаллаш малакаларини ўзлаштириш учун махсус машқларнинг зарурлиги анча катта касбий гуруҳга тегишли назорат-ўлчов ишлари хусусиятлари билан тушунтирилади.

Улар кўпчилик ҳолатларда технологик операциялар оралиғидаги танаффуслар вақтида амалга оширилувчи ёрдамчи операциялар ҳисобланади. Уларнинг таълимдаги иштирокини ишлаб чиқариш ишлари билан умумлаштириб бўлмайди.

Ўзининг психологик табиатига кўра назорат-ўлчов кўникма ва малакалари меҳнат жараёнининг бошқа таркибий қисмларидан ажралиб туради. Улар асосан сезги, ақлий кўникма ва малакалар ҳисобланиб, ҳаракат кўникма ва малакалари бўйсинувчи характерга эга бўлади.

Уларнинг ёрдамчи жараёнларга тааллуқли эканлиги ўқув машқларини ўтказишни осонлаштиради, чунки бунда материалларнинг исроф бўлишига йўл қўйилмайди.

Универсал асбоблар билан ўлчаш улар иштирок этадиган технологик операцияларга бевосита боғлиқ бўлмайди. Мисол учун тешик диаметрини ўлчаш уни йўниш, пармалаш ва бошқа мақсадларда бажарилаётганлиги билан боғлиқ бўлмайди. Шу билан ўлчанадиган деталнинг қаерга жойлашганлигига (ишчи қўлида ёки станокда ва бошқа жойларда), қандай ишчи ҳолатда эканлигига боғлиқ бўлади.

Бу турдаги операцияларнинг қисман эслатиб ўтилган хусусиятларидан бири уларнинг фаол ақлий фаолиятини талаб қилишидир. Мисол учун лимб бўйича кесиш чуқурлиги ўрнатиш учун бир қатор ҳисоб-китоб ишларини бажариш талаб этилади. Лимбдан фойдаланиш ва ўлчаш ишлари анча масъулиятли вазифалар эканлигини ва бунда хатоларга йўл қўйиш муқаррар равишда бракка олиб келишини эътиборга олсак, мос равишдаги кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Услубий қўлланмаларда, масалан токарларни тайёрлаш қўлланмасида бундай машқлар таълимнинг дастлабки даврларига мўлжалланади. Бунинг тўғрилиги, биринчидан, "Қўйимлар ва техник ўлчовлар" предметининг техник ўлчовлар бўлими ҳали ўтилмаганлиги билан белгиланган. Иккинчидан, деталларни станокда ўлчаш каби усулларнинг ўқув шароитларида бажариб бўлмаслигидир. Бироқ, афсуски, келтирилган қўлланмадаги жиддий камчиликлардан бири ўлчовлар сериясини ёзма равишда қайд қилиш кўзда тутилмаганлигидадир.

Ҳисобга олиниши лозим бўлган иккинчи ҳолат қуйидагилар билан белгиланади: аввало талабаларга асбобнинг ўзида: штангенциркулда, микрометрда берилган ўлчамларни ўрнатишни ўрганиш ва шундан кейингина уларга деталларни ўлчаш юзасидан машқлар бериш.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, берилган ўлчамларни ўрнатишни ўрганмасдан туриб, талаба ўлчов ишларини бажариш кўникмаларига эга бўла олмайди. Ўлчов машқлари (кўрсатилган иккала йўналишда ҳам) шуниси билан аҳамиятлики, фақат биргина ўқув устасининг ҳаракати талабанинг бу ҳаракатни ўрганиши учун етарли бўлмайди. Тўғри ўлчаш ва ўлчамни ўрнатиш фақатгина асбоб мезонини тўғри тушуниш ва ундан тўғри фойдаланиш билангина оширилиши мумкин.

Белгиланган ўлчамларни ўрнатиш ўқув устаси томонидан берилади ва шу сабабли қайд қилиш талаб этилмайди. Бироқ бундан фарқли равишда турли деталлар йиғмасини ўлчаш натижаларини қайд қилиб бориш зарур бўлади. Битта йиғманинг ўзини катта аниқликда ўлчаб кўриш мумкин. Қайд қилиб бориш аниқлик даражасидаги фарқларни дарров аниқлаб беради.

Ўлчов машқларини назарий ва амалий машғулотларда ўтказиш имкони мавжуд ва зурур. Иккинчи ишчи ҳолатда, мисол учун станокка ўрнатилган детални ўлчашга, алоҳида ҳолатларда, эса, масалан конуссимон юзаларга ишлов беришдаги машқларни бажаришга катта аҳамият берилади.

16.6. Лаборатория-амалий машғулотлар машқларининг алоҳида тури. Барча машғулотларда бўлгани каби, уларда ҳам турли таълим услубларини қўллаш кўзда тутилади. Лаборатория машғулотларини соф лаборатория иши, яъни тажрибалар ўтказиш ва маълум кўникмалар шаклланишига имкон берувчи лаборатория машғулотларини синонимлар сифатида қабул қилмаслик лозим. Ушбу ҳолатда лаборатория машғулоти атамаси аввало уни ўтказиш учун шарт-шароитларни тавсифлайди. Тўлиқ ҳолдаги лаборатория иши эмас, балки одатдаги ўқув ишлаб чиқариш ва ҳатто ишлаб чиқаришдагидан ҳам кўпроқ даражада ишнинг алоҳида турларини ёки қисмларини ажратиб кўрсатиш, уларни тезлаштириш ёки секинлаштириш талабаларни гуруҳларга ажратиш ёки аксинча якка-якка ҳолда тақсимлаш, ишни гуруҳнинг маълум аъзолари ўртасида тақсимлаш, ишлаб чиқаришда унумсиз бўлган жиҳозлардан фойдаланиш имконини берувчи шароитлар кўзда тутилади.

Ҳозирги пайтда тажрибалар ўтказиш ёки тажрибасиз амалга ошириладиган лаборатория шароитидаги амалий ишларни ўз ичига олувчи лаборатория-амалий ишлар шунингдек, лаборатория амалий машғулотлари тушунчаси шаклланиб қолган. Шу маънода олганда лаборатория - амалий машғулотлар ўқув тажрибаси шакли ёки машқлар шаклида тушунилиши мумкин.

Лекин одатда ўқув тажрибаси лаборатория машғулоти сифатида олиб борилса, машқлар эса фақатгина лаборатория амалий машғулотлари сифатида амалга оширилади.

Таълимда лаборатория-амалий машғулотлари ўзида тадқиқотчилик элементларини ҳам машқлар элементларини ҳам мужассамлаштиради. Юқорида келтирилган ўлчов кўникмалари, лимбдан фойдаланиш кўникмалари моҳияти жиҳатидан лаборатория амалий ишлари шаклида амалга оширилади.

Лаборатория амалий машғулотлари имкон даражада амалий таълим тизимида ҳам, ишлаб чиқариш таълими тизимида ҳам ўтказилиши мумкин ва зарур. Агар бундай ишлар назарий таълим йўналишида амалга оширилса, унинг мазмунидаги назарий таълимнинг маълум элементига тегишли мос келувчи қисмини ажратиб олиш лозим. Бу ҳолатда амалий кўникмаларнинг ҳосил қилиниши асосий, лекин бўйсундирилган йўналишга эга бўлиши лозим.

Таълим тизимидаги ишлар учун бу вазифа асосий назарий билимларни аниқлаштиришга бўйсундирилган вазифа бўлиши мумкин.

Иккита лаборатория-амалий машғулотини битта: мавзуда бирини назарий йўналишда, иккинчисини ишлаб чиқариш таълими бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биз қуйида таълим жараёнида ўтказилиши мумкин бўлганларини санаб ўтамиз:

– Жиҳозларни аниқликка текшириш
– Жиҳозларни кучланиш таъсирида синаш.
– Жиҳозларни салт ишлатиб синаш.
– Жиҳозларнинг типовой қисмлари асосий геометрик параметрларини ўлчаш усуллари.
– Типовой-пневматик ва гидравлик қурилмаларни таъмирлаш.

6. Жиҳозларнинг типовой деталларидан яроқсизларини саралаш.

Биринчи учта иш тадқиқотчилик йўналишига эга.

Келтирилган 6 та ишдан ташқари рўйхатда бошқа топшириқлар ҳам мавжуд. Масалан чилангарлик, йиғувчилик технологик карталари таҳлили ва уларнинг ишлаб чиқилиши ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган лаборатория амалий машғулотлари мазмунига келсак, таъкидланганидек, уларнинг камида биринчи учтаси илмий техник тадқиқот ёки синов ишларига хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли лаборатория амалий машғулотларнинг таълим услуби сифатидаги муҳим жиҳатига тўхталиб ўтамиз.

Ҳар қандай тажриба-тадқиқот усули умуман ҳар қандай илмий тадқиқот усули сифатида усул аспекти сифатидаги ташқи ва моҳият аспекти сифатидаги ички жиҳатларга эга. Баъзида ўқувчиларнинг услубини фақат ташқи, яъни уни қўллаш натижаларига эътибор бермаган ҳолдаги жиҳатларини эгаллашлари етарли ҳисобланади. Мисол учун техник ўлчовлари бўйича лаборатория ишларини бажаришда ўқувчига ўзига ўлчаш учун берилган объектлар йиғмасини аниқ ўлчаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўлчаб топилган натижалар, яъни ўзига берилган деталларнинг ўлчамлари

аҳамиятга эга бўлмайди. Ўлчовлар қўйим ва ўтказишларни ўрганиш билан қўшиб олиб борилганда ёки бир неча деталлар яроқлилигини аниқлашда ўзгача мазмунга эга бўлади. Бунда ўлчовларнинг ўрганиш усули ҳам, унинг натижалари таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жиҳозларни аниқликка ўлчаш ёки уни синаш билан боғлиқ ишлар ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрларни билдириш мумкин. Бу ҳолатда иккала жиҳат ҳам муҳим ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатларда, айниқса бундай ишларни гуруҳ шаклида ташкил қилиш ишнинг иккинчи жиҳати ўқувчилар диққатидан четда қолади ва улар фақат мўлжалланган йўриқномалар талабалар диққатини лаборатория амалий ишларни тушуниши ва таҳлил қилиши асосий эътиборини жалб қилмайдиган даражада яратилган. Бу ерда гап фақатгина олинган натижаларни меъёрий хужжатлар билан қиёслашда эмас, балки амалга оширилаётган ҳодисаларни синчиклаб кузатиш, улар белгилари ва турларини ўрганиш, юз бериши мумкин бўлган сабаб- оқибат муносабатларини таҳлил қилиш ва ҳоказолар амалга ошириши лозим. Таълимда кузатиш усули баъзи ҳолатларда экскурсия давомида алоҳида услуб сифатида фойдаланилади.

Юқоридагилар асосида шундай хулосаларга келиш мумкин: таълимдаги амалий кўникмалар ва малакалар назарий таълимдаги билимлар каби уларнинг маълум маънода ёки умумлашган ҳолдаги таълим услублари билан таққослаш мумкин бўладиган даражада дифференциаллашмаган.

Кўникма ва малакаларни ҳаракат, сезги ва интеллектуал турларга ажратиш муҳим эмас, лекин бари бир қайсидир таълим услублари таснифи ёки улар умумлашмасига қиёсланиши мумкин.

Таълим мазмуни хусусиятлари билан дифференциаллашиш эҳтиёжи мос ҳолда биринчи навбатда турли тушунтириш ва намойиш қилиш усулларида мавжуд. Бу ҳолат машқлар дифференциаллашуви имкониятини инкор эмайди. Уларни машқлар тизими учун ҳам зарурий деб ҳисоблаш лозим. Назарий таълимда, амалий услублар тушунчаси билан боғлаш мумкин бўлган ҳолатлар ишлаб чиқариш таълимида максимал чегаралаб қўйишни талаб этади, назарий таълим жараёнига киритилган амалиёт талаблари ишлаб чиқариш таълими талаблари жиддий фарқ қилади. Бунда таълим услубининг таълим жараёнига, аниқроқ айтганда уларнинг бир бирини тақозо қилишига боғлиқ.

Қўл ва машина-қўл меҳнатини ўрнатишда тушунтириш ва намойиш қилиш ҳамда уларнинг умумийлашувини биринчи навбатда қисмларни ажратишга меҳнат воситаси ва буюмларнинг муносабат ва хусусиятлари каби психологик ҳаракатни бажариш диққат марказидаги ҳолатларга қаратилмоғи лозим. Муносабатлар ҳаммасидан кўра кейинроқ ажратилади. Ҳаммасидан кўра осон ажраладигани - бу эни оддий ажратиладиган қисмлар ҳисобланади. Юқоридаги ҳолат асосан маълум кўникма ёки малаканинг ажратиб кўрсатилгани ҳисобланади. Иккинчи муҳим ҳолат - ҳаракатлар кетма-кетлигини ажратиш ва бўлиб кўрсатиш ҳисобланади. Ажратиб кўрсатиш

зарурияти реал меҳнат буюми ва маълум кўникма сифатидаги мазмун бирлигининг ўзаро номувофиқлиги билан характерланади.

Кейинчалик таълим методлари ва улар бирикмасининг ўзлари ажратиши ва қайд қилиши учун йўналтирилган ҳолатларга боғлиқ равишда дифференциаллаши мумкин. Бундай ишларга ўргатишдаги машқлар тизимини қисмларга ва бир бутунликка нисбатан дифференциаллаш лозим.

Шундай қилиб, қўл ва машина-қўлда таълим беришда икки босқич мавжуд, уларнинг ҳар бирида муаммо турлича ечилади: биринчи босқич ҳаракатга усул ёки операция сифатида ўргатиш, иккинчи босқич бир нечта босқичлардан иборат ишларга ўргатиш. Муносабатларни ажратиш услуби масаласи биринчи босқичга, машқлар тизимини ажратиш иккинчи босқичга таълуқлидир. Лекин кўпчилик ҳолатларда иккала босқич ажралиб кетади.

Қисмларга ажратиш ва бир бутунлик доимий равишда ўзаро таъсирлашиб турувчи ва сезги ҳамда ақлий компонентлар салмоғи юқори бўлган автоматлашган жараёнларни бошқаришда ишлаб чиқариш таълими услубий муаммоси қўлда ёки қўл машинада ишлашга ўргатишдан кўра бошқачароқ ҳал этилади. Бу ҳолда назарий таълимга кўпроқ таълуқли бўлган услуб ва усуллар у ёки бу даражада кенгайтирилган баён қилиш ҳолатларини таҳлил қилиш бўйича масалалар ечиш, эвристик суҳбатлар, схемалар бўйича машқ бажариш, лаборатория-амалий ишлари асбоблар моделлари билан ишлашни анча кенгроқ даражада қўллаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, амалий таълимдагидан бу ёрдам ҳам шартли, яъни белгили фаолият элементларидан гарчи чекланган бўлса-да, фойдаланиш мумкин бўлади.

Бироқ назарий таълим ёки қўл ва қўл-машина машқлари эмас, айнан турли ҳолатларни таний олишга доир (идентификация) барча рўй бериши мумкин бўлган ҳолатлар алфавитини ўзлаштириш бир томондан, иккинчи томондан мос ҳолдаги зарурий ҳаракатларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур бобда умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантириш технологияларини лойиҳалашнинг дидактик хусусиятларини очиб бериш учун барча таълим воситаларининг имкониятларини қиёсий таҳлил қилдик. Талабаларга ўқув топшириқларини беришда йўриқномалардан фойдаланиш имкониятлари, классификациялашга оид топшириқли тестлар ўрганиб чиқилди ҳамда уларда йўл қўйилган хатоларни топиш ва қайта гуруҳлашга оид тестлар ишлаб чиқилди. Ўқув материалини турли даражада ўзлаштирилишини назорат қилишда қўлланиладиган тестлар мазмунининг таҳлили асосида уларга нисбатан қўйиладиган талаблар шакллантирилди. Техник воситалар орасида маълум ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган сезги-мотор ва ақлий ҳаракат малакаларини шакллантирувчи тренажёрларнинг аҳамияти ёритилди.

Маълумки, таълимда машқлар фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Машқлар - меҳнат кўникмалари ва маҳоратига эришишнинг зарурий шарти ҳисобланиб, фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини

таъминлайди. Бунда билим ва малакаларнинг такомиллашиб бориши билан биргаликда шароитнинг, сифат ва тезликка бўлган талабнинг ортиб боришига мос ҳолда улардан фойдаланиш даражасини орттиради. Машқлар жараёнида ўқув фаолиятида амалга ошувчи мураккаб ички ўзгаришлар қатор объектив кўрсатгичлар: ўзлаштириладиган ҳаракатларни бажариш тезлиги, уларни бажаришдаги хатоликлар миқдори, танаффуслар миқдорида намоён бўлади.

Талабаларда умуммеҳнат ва касбий малакаларни шакллантиришда таълим воситаларидан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи томонидан ўқув материали мазмунининг таҳлил қилиниши, ўқитиш услубини танлаши ва у билан боғлиқ бўлган таълим воситаларини белгилаш жараёни асос қилиб олинди.

§ 17. УМУМЕҲНАТ ВА КАСБИЙ КЎНИКМА ҲАМДА МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ

17.1. Тажриба-синов ишларининг ташкилий асослари ва методикаси. Биз ўқитиш технологиясида асосий эътиборни ҳаракат образини шакллантириш услубига қаратдик. Инсоннинг ҳар қандай онгли фаолияти ушбу ҳаракатни бажариш услуби тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади. Инсон маҳорати даражаси фаолият тўғрисидаги ахборотларни ўзлаштириш билан белгиланади. Бунда ўзлаштирилган дастлабки ҳаракат образи ўзлаштирилган ҳолда фойдаланилиши, ёки фаолият шароитларидан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин. Ўзлаштирилган ахборотлардан фойдаланишнинг репродуктив ва продуктив турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шубҳасиз, репродуктив фаолият продуктив фаолиятга замин тайёрлайди, яъни иккинчиси биринчисининг негизида юзага келади, талабалар фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўқитиш воситалари ёрдамида иккинчи даражали репродуктив фаолият тури шаклланади.

Ўзлаштириш даражаларини аниқлаш учун мос ҳолда тестлар ишлаб чиқилди. Тестлар берилган фаолият турига кўра белгиланган вазифа ва эталонни, яъни ҳаракатни тўғри, тўлиқ бажариш намунасини ўз ичига олади. Эталонга кўра тест ечимини берувчи асосий машқлар сони (р) осон топилади. Талабанинг жавоблари тест операцияларини тўғри бажарилганлиги сони (а) га таққослаш ўзлаштириш коэффициенти $К_\alpha$ ни топиш имконини беради. Шундай қилиб, $К_\alpha = а/р$ – бу ерда $К_\alpha$ ўзлаштириш сифатини аниқловчи мезон ҳисобланади.

Ўзлаштириш коэффициенти меъёрланиб ($0<K<1$), шу асосда баҳолаш шкаласи билан осон таққосланади. Барча ўзлаштиришни назорат қилиш жараёни эса автоматлаштирилади.

Ўзлаштириш коэффициентига кўра, таълимнинг тугалланганлиги баҳоланади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, токар ва слесарларни тайёрлашни $К_\alpha$ 0,7 дан кичик бўлмаслиги керак ва таълим жараёнини тугалланган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, кейинги таълим жараёнида талабалар ўз билимларини такомиллаштириб боришлари мумкин. Ҳайдовчилар учун бу фаолият маълум ҳолларда ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлишини эътиборга олиб, ўзлаштиришнинг қуйи чегарасини 0,9 гача кўтардик. Педагогик жараёнларга ўзлаштириш сифатини аниқловчи $К_\alpha$ нинг киритилиши педагогик технологиянинг асосий мезонларидан бири - **таълимни якунланганлик мезонини** шакллантириш имконини беради. Агар ҳаракат фақат мазмун билан тавсифланадиган бўлса, уни **кўникма** деб ифодалаш мумкин, агар ҳаракат тезлик билан ҳам тавсифланадиган бўлса, у

ҳолда малака тўғрисида сўз юритиш мумкин бўлади, яъни ҳаракат автоматлашади.

Фаолият умумий структарасидаги ҳар қандай ҳаракат тури ўзига хос функция ва структурага эга бўлади. Дастлабки ҳаракатлар билан фаолиятнинг тўғри бажарилиши, ишга киришиш тезлиги, бу фаолият бажарилишининг аниқлиги ва сифати, назорат ва тузатувчи ҳаракатлар билан унинг англанганлиги аниқланади.

Ўзлаштиришнинг "автоматлашув" кўрсаткичи асосан дастлабки ҳаракатларнинг бажарилишига боғлиқ бўлади. Ҳолатга йўналтириш қанчалик яхши бажарилса (дастлабки ахборотнинг тўғри ўзлаштирилганлиги), услубни тўғри танлаш ва фаолиятни тўғри бажариш учун шу даражада кўпроқ белгиларни ўзлаштиришга зарурат туғилади. Ҳаракатни ўзлаштириш автоматлашув даражасига етгач, у қисқартирилган йўналтирувчи қисм бўйича бажарилади, натижада ўша ҳаракатни бажаришга сарфланадиган (Т) вақт камаяди. Вақтнинг қисқариши асосан фаолиятнинг йўналтирувчи қисми ва ҳаракатнинг қолган қисмларини камайганлиги сабабли ҳаракатларнинг хатосиз бажарилиши ҳисобига амалга ошади.

Замонавий педагогика ва психология фанларида амалга оширилган тадқиқотлардан келиб чиқиб, инсон томонидан тажрибаларнинг ўзлаштирилиши дидактик жараён структурасини учта ўзаро боғлиқ компонентлар кўринишида тасаввур қилиш мумкин: яъни мотивацион, талаба билиш фаолияти ва бошқариш. Дидактик жараённинг ҳар бир компонентини қуришда қандай педагогик тасаввурлардан келиб чиқилганлигига асосланиб, ўқув-тарбия жараёнининг турли технологияларини қуриш мумкин.

Психология ва педагогика фанларида "мотивация" деганда индивид фаолияти маълум маънога эга бўладиган мазмунга, шахс қизиқишларининг турғунлиги, фаолият ташқи мақсадларининг ички талабларга айланишига айтилади. Педагогик амалиётда қуйидаги учта турдаги мотивация ажратиб кўрсатилади: жалб этувчи, мотивацион-муаммоли ҳолатлар ва касбий қизиқишлар.

Мотивациянинг мавжудлиги талабаларнинг режалаштирилган таълим кўрсаткичларига эришишини тўлиқ таъминлай олмайди. Таълим жараёнларини бошқаришни ташкил қилишнинг тўғри усули танлангандагина дидактик жараённинг тугалланганлиги таъминланади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг барча ўқув-билиш ҳаракатлари, уларни ўзлаштириш ва тузатиш, яъни ўзлаштириш жараёнини бошқариш зарур бўлади. Ўзлаштиришни бошқаришнинг энг содда усули бу ўзлаштиришни мос даражадаги тестлар ёрдамида даврий тарзда назорат қилишдан иборат.

Ўзлаштиришни турли назария ва фаразлар таркибида баён қилинган ва машқлар тизими кетма-кетлиги кўринишида келтирилган, яъни ўқув-билиш фаолияти кетма-кетлиги, операцион кетма-кетлик сифатида ўқув фаолияти умумий формуласи функциялаш алгоритми (ФА) ни ташкил қилади.

Талабага функциялаш алгоритмини бажариш ёки ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш унинг ўқув-билиш фаолиятини бажаришидир.

Агар, таълим жараёнини кузатиш маълум қонуниятлар асосида амалга оширилса, бу қоида шу даражада маълум бўлган алгоритм асосида амалга ошириладиган таълимни мақсадга мувофиқ бошқариш тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бу алгоритмни "бошқариш алгоритми" (БА) деб номладик. Шундай қилиб, бошқариш алгоритми - бу талаба фаолиятини кузатиш, тузатиш тизими бўлиб, ФА ни бошқаришдаги турғунликни таъминлаш ва қўйилган таълим мақсадларига эришиш учун амалга оширилади.

Агар БАни кўрсатмалар тизими сифатида ёзиб олиш мумкин бўлса, уни ФА билан биргаликда талабанинг ўзи бажаришга тўсқинлик қилмайди. Шундай қилиб, талаба нафақат бажарувчилик, балки назорат ҳаракатларини ҳам ўрганиши мумкин.

Умуман олганда, таълим жараёни структурасида ўрганувчига таъсир кўрсатишнинг икки йўналиши кўзга ташланади: биринчиси ФА мантиқ бўйича бўлиб, ахборотни таҳлил қилиш ва ўзлаштиришни амалга оширади; иккинчиси - БА мантиқ бўйича бўлиб ФА кўрсатмаларини кузатиш ва бажарилишини назорат қилишга йўналтирилган.

БА кўрсатмаларининг маълум қисмини узатишда педагогдан талабага узатиладиган билимлар ва уларнинг самарадорлиги ўзгаришга учрайди.

Умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонлари

Педагогик технологияларни баҳолаш мезонлари тизими таълимдаги миқдорий кўрсаткичлар билан биргаликда сифат кўрсаткичларни ҳам баҳолаш имконини беради.

Мазкур тизимнинг аҳамияти унда нафақат натижалаш босқичида, балки лойиҳалаш босқичида ҳам аниқ олинган педагогик технологияларни муфассал тавсифлаш имконини берувчи мезонларнинг бир неча гуруҳлари мавжудлиги билан белгиланади (6 –шакл).

17.2. Янги технологияларни лойиҳалаш босқичида баҳолаш мезонлари. Биринчи мезон - жараённи ўзаро ички боғлиқликка эга бўлган босқичлар, даврлар ва операцияларга ажратиб олиш.

Иккинчи - алгоритмлилик мезонининг асосий функциялари технология таркибига кирувчи операцияларнинг бажарилишини баҳолаш ҳамда белгиланган натижага эришиш ишончлилигини таъминлашдан иборат.

Алгоритмлилик мезони ўзида қуйидаги энг асосий кўрсаткичларни мужассамлаштиради:

- технология таркибига кирувчи операцияларнинг бажарилишидаги аниқлик ва қатъийлик;
- функционал тўлақонлилик мезони.



6 – шакл. Педагогик технологияларни баҳолаш мезонлари тизими

Субъект ҳаракатларида технологияда белгиланган кўрсаткичлардан оғиш даражаси қанчалик юқори бўлса бутун лойиҳаланган жараённинг бузилиши ва кўзланган натижага эриша олмаслик эҳтимоли шу даражада ортиб боради. Шунингдек, операциянинг бузилиши технологик тизимининг бутун кетма-кетлигига ўз таъсирини кўрсатади ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқаради.

Функционал тўлақонлилик мезони ўқитиш технологиясини, ўқитиш жараёни барча функцияларини мажмуавий ҳолатда амалга ошириш имкониятлари нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Технологик кетма-кетлилик мезони - технологик жараённинг муваффақиятли амалга ошувини таъминловчи қуйидаги талабларни баҳолаш имконини беради:

- технологик жараён таркибига кирувчи операциялар мажмуаси ва кетма-кетлиги ушбу жараённинг амалга оширилишидаги ички мантиққа ва унинг ривожланишига асосланиши ҳамда унинг таҳлили асосида бажарилиши лозим;
- технологияларни бажариш учун талаб этиладиган барча ҳаракат ва операцияларнинг қатъий қайд этилиши ва уларни амалга ошириш учун зарур шароитларнинг аниқлаб берилиши;
- ҳар бир операцияни амалга ошириш тескари алоқа учун имкон яратувчи ҳаракатлар воситасида бажарилмоғи лозим.

Жараёнларнинг объектив амалга ошиш жараёнида ўқитувчининг аралашуви учун ҳамма вақт имкон бўлади, у ҳаракатларнинг бажарилиш тезлигига, самарадорлигига ва мақсадга мувофиқлигига мос ҳолда операцияларни бажаришнинг маромини ёки тартибини ўзгартириши мумкин.

Лойиҳалаш босқичидаги баҳолаш мезони ўз ичига таълим жараёнини бошқариш мезонини ҳам қамраб олади. Унинг асосий вазифаси ўқитишнинг лойиҳаланган технологиясини унда мужассамлаштирилган амалдаги ўқитиш жараёнларини амалга оширишни назорат қилиш ва ростлаш нуқтаи назаридан баҳолаш ҳисобланади.

Ушбу мезон қуйидаги энг аҳамиятли кўрсаткичларни ўз ичига олади:

- ўзлаштириш кўрсаткичи бирлигини (ўқитувчи модулни) танлаш;
- амалда бажариладиган операцияларни эталон (идеал модул) билан қиёслаш;
- коррекция усули кўрсаткичини танлаш усули;
- мақсадга эришганлик даражаси кўрсаткичи.

Янги технологияларнинг қўлланилиш босқичини баҳолаш мезонлари.

Ўқитиш мазмуни қуйидаги сифат ва миқдор кўрсаткичлари билан тавсияланувчи таълим мазмунини баҳолашнинг хусусий мезони воситасида баҳоланиши мумкин.

Сифат кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- ўқитишда таълим, тарбия вазифалари ва уларни ривожлантириша мазмунини акс эттиришнинг бир бутунлиги;

- ўқитиш мазмуни қабул қилинган ўзлаштиришнинг педагогик-психологик концепциясига тузилмавий мослиги;

- ўқитиш мазмунида фан, техника ва ишлаб чиқариш замонавий тараққиёт даражасининг акс эттирилиши;

-эмпирик ва назарий, образли ва тушунчали, конкрет ва абстракт ҳолатларнинг гносеологик жиҳатдан тўғри нисбатда олиниши.

Ушбу кўрсаткичлар самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш ва унинг сифат жиҳатидан таҳлилини амалга ошириш имконини беради. Шу билан биргаликда миқдор кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиш лозим, у тадқиқ этилаётган жараён моҳиятини акс эттирмасада, педагогик фаолиятни яҳшилашга ёрдам беради.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- ўқув материалининг ахборот миқдори, у дастурда белгиланган мазмун элементларини ўқитувчи томонидан бериладиган ахборотга нисбати сифатида белгиланади;

- ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражаси, у вақт бирлигида ўқувчи томонидан ўзлаштирилган ўқув материалининг шу вақт мобайнида ўқитувчи томонидан узатилган ахборотга нисбати сифатида аниқланади.

Ўқув материалини ўзлаштириш бирлиги шартли қабул қилинади, бунда формулалар, қоидалар ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методлар самарадорлигини баҳолашда хусусий мезондан фойдаланиш мумкин. У қуйидаги сифат кўрсаткичлари билан ифодаланиши мумкин:

- услублар мақсадининг ўқув материали мазмунига мувофиқлиги;

- услубларни танлашнинг перцептив, гностик, мантиқий, назорат-баҳолаш, мотивацион ва бошқа омилларга кўра асосланганлиги. Ушбу кўрсаткич воситасида баҳолашда ўқитувчи томонидан талабалар шахсий хусусиятларнинг, улар назарий ва амалий тайёргарлигининг, шунингдек, шахсий имкониятларининг эҳтиборга олинганлик даражаси аниқланади;

- қўлланиладиган услубларни турли-туманлиги ва қўлланиладиган ўқитиш усулларининг вариативлиги;

- қўлланиладиган услубларнинг мавжуд моддий-техник база ва ажратилган ўқитиш вақтига мувофиқлиги.

Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган дидактик воситаларнинг самарадорлиги қуйидаги сифат кўрсаткичлари бўйича белгиланади:

- кўрсатмалилик ҳамда таълимнинг эришувчанлиги;

- дидактик вазифаларга, ўқитиш услублари ва мазмунига функционал мувофиқлик;

- қўлланилишнинг мажмуавийлиги;

- қўлланилиш универсаллиги ва таълим воситаларини ишлатиш қулайлиги.

Таълим воситалари самарадорлигини миқдор кўрсаткичлари воситасида баҳолашда улар қўлланиладиган дидактик восита туридан келиб чиқиб танланади.

Ўқув жараёнини самарали ташқил қилишнинг хусусий мезонини очиб берувчи сифат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- таълимни ташкил қилиш шаклларининг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг қабул қилинган даврларига мослиги (психология ва мантиқий аспект);
- таълим шаклларининг ўзаро алмашинувчанлиги ва хилма-хиллиги, улар турларининг вариативлиги;
- ўқувчилар жамоа ва индивидуал фаолият шаклларини энг мақбул нисбатини таъминлаш.

Бунда миқдорий кўрсаткичлар сифатида қуйидагилар қабул қилинади:

- қўйилган масалани ҳал қилиш учун белгиланган ва сарфланган вақт;
- ўқув жараёнининг амалга оширилиш маромн;
- ўқувчилар мустақил фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчининг ёрдам бериш даражаси.

17.3. Таълим натижалари самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Ўқувчилар билимларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- билимларнинг чуқурлиги, у эгалланган билимнинг унга яқин билим соҳалари билан англанган аҳамиятли алоқалари орқали тавсифланади;
- билимларнинг қўлланувчанлиги, ўқувчининг ўзлаштирган билимларини алоқадор соҳаларда қўллай олишга тайёрлиги ва бу борадаги кўникмаларини ифодалайди;
- тизимлилик, ўқувчилар онгидаги билимлар мажмуи сифатида тавсияланади ва унинг тузилмаси илмий билимлар тузилмасига мувофиқ равишда қаралади;
- билимларнинг англанганлиги, улар ўртасидаги алоқаларда, билимларни олиш йўллари ва уларни исботлай олишда намоён бўлади.

Ўқиш натижалари самарадорлигини баҳолашга мисол сифатида ўзлаштириш даражаларига боғлиқ равишда билимлар чуқурлигининг ўзгаришини кўрсатиб берамиз.

1-даража (билиш) - талаба объект ёки жараённинг ташқи характеристикаси билан юзаки таниш эканлигини намойиш қилиб, берилган объект ёки ҳаракатни бошқаларидан фарқлаш билан чегараланади.

2-даража (маҳсулсиз) - талаба қатор белгилар асосида маълум объектни фарқлаш билан биргаликда унга таъриф бера олади ва ўқув материалини тушунтириб беради.

3-даража (маҳсулли фаолият) - ўқувчи ўрганилаётган ҳодисалар алоқадорлигини билиши ҳамда объектни тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиш билан биргаликда, қўйилган масалаларни сабаб-оқибат

алоқадорлигини очиб берган ҳолда еча олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади.

4-даража (трансформация) - ўқувчи ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш доирасини мақсадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йўналишларни топа олади.

Ҳар бир сифат кўрсаткичига кўра ўзлаштирилган билимлар самарадорлиги даражалари бўйича юқоридаги тартиб асосида аниқланади.

Бундан ташқари, қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир даража бўйича ўзлаштирилган билимларни миқдорий баҳолаш мумкин:

- ўзлаштирилган билимлар ҳажми;
- ўқув материалини ўзлаштириш тезлиги;
- ўзлаштириш пухталиги;
- ўзлаштириш аниқлиги ва ҳ.қ.

Ишлаб чиқариш таълими учун интеграл мезон асосида берилган таълим шакли натижалари самарадорлигини баҳолашни таъминловчи махсус кўрсаткичлар мавжуд.

Интеграл мезон иккита хусусий мезонлар асосида ташкил топади:

- ҳаракат йўналтирувчи асосининг шаклланганлик даражаси мезони;
- кўникма ва малакалар шаклланганлик даражаси мезони.

Ҳаракатни йўналтирувчи асосининг шаклланганлик даражаси белгиловчи мезон сифатида талабалар томонидан тузилган ўқув-йўриқнома картаси хизмат қилиши мумкин. У бир томондан ҳаракатни йўналтирувчи асосини ўзлаштириш жараёнини ташкил этувчи восита сифатида, иккинчи томондан фаолият мазмунининг меъёрий асоси, уни амалга оширишнинг эталони сифатида хизмат қилади. Қайд этилганлар асосида қуйидагилар биринчи мезоннинг кўрсаткичлари саналади:

- ўқувчилар томонидан тўлдирилган карталардаги ахборотнинг тўлиқлиги;
- карталарни мустақил тўлдирилганлиги;
- карталарни тўлдиришнинг тўғрилиги.

Ахборотнинг тўлиқлигига карталарга олиниши талаб этиладиган натижа учун аҳамиятли бўлган барча предмет шароитлари ва тавсифларини киритиш йўли билан эришилади.

Карталарнинг мустақил тўлдирилиш даражаси вазифани бажаришда ишлаб чиқариш устасининг талабага берган ёрдами даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Карталарнинг тўлдирилиш тўғрилиги ҳаракатларни тавсифлаш орқали назорат қилиб борилади.

Адекват тушунчалар тизимида фаолиятни хатосиз тавсифлаш, унинг мазмуни тўғрисида тўлиқ ҳисобот бера олиш кўникмаси ишлаб чиқариш устасига талабада ҳаракатни йўналтирувчи асоси шаклланганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Иккинчи мезон касбий кўникма ва малакалар шаклланганлик даражасини баҳолаш учун хизмат қилади. Бунда юқорида қайд этилган омиллардан ташқари кўрсаткичларнинг инвариант тўпламини қуйидаги тартибда келтириш мумкин:

а) сифат кўрсаткичлар:

- бажариладиган ҳаракатларнинг тўғрилиги;
- иш ўрнини ва меҳнатни тўғри ташкиллаштириш;
- ишни мустақил бажариш;
- хавфсизлик техникаси ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши;
- вазифаларни бажаришда назарий билимларни қўллай олиш;
- новаторлар илғор иш услубларини қўллай олиши;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот мураккаблиги;
- технологик жараённи кулай кетма-кетликда амалга ошириш;

б) миқдор кўрсаткичлари:

- ишни бажариш аниқлиги (нормативдан оғиш қиймати);
- вазифани бажаришга ажратилган вақт;
- вазифани бажаришда йўл қўйилган хатолар сони;
- хом-ашё сарфи меъёрига амал қилиш;
- технологик жараёнларни бажариш учун жиҳоз ва асбоб-ускуналарнинг қулай рўйхатини ишлаб чиқиш.

Умуман олганда, келтирилган барча кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда таълим натижаларини тест назорати ёки компонентли таҳлил методлари воситасида баҳолаш мумкин.

Ушбу назорат методларининг хусусияти ҳам назарий, ҳам ишлаб чиқариш таълими турларига нисбатан бирдек самарали қўлланилиши билан белгиланади. Фарқи эса биринчи ҳолатда баҳолашнинг интеграл мезони сифатида ўқув материалининг ўзлаштирилганлик мезони, иккинчи ҳолатда эса - мос равишдаги махсус мезонлар асосида таъминланувчи касбий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги мезони хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот соҳасига оид илмий адабиётларнинг ҳамда талабаларнинг умуммеҳнат ҳамда касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришдаги психофизиологик хусусиятларининг таҳлили асосида (I боб) биз бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларида билим ва кўникмалар шаклланганлигининг 3 - жадвалда келтирилган мезонларини аниқладик. Бунда кўриниб турганидек, мезонлар беш баллик баҳолаш тизимига асосланган учта даражадан иборат, шаклланганлик даражаси эса ҳар бир даража учун алоҳида аниқлаб олинган.

Бўлажак ўқитувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёнини такомиллаштириш мақсадида биз махсус машқлар тизимини ҳамда уларни бажариш учун талабаларга индивидуал топшириқлар мажмуасини ишлаб чиқдик (3 - жадвал).

3 - жадвал

Талабалар билим ва кўникмаларининг шаклланганлик мезон ва кўрсаткичлари

Даражалар кўрсаткичлари	Баллар	Шаклланганлик мезонлари
Юқори	4 ва ундан юқори	Тайёрланадиган буюмлар тўғрисида назарий билимларга эга бўлиш. Буюмларни лойиҳалаш ва тайёрлаш кўникмалари. Буюмга бадиий ишлов беришни баҳолаш
Ўрта	3	1.Буюмларни тайёрлай олиш кўникмаси. 2.Буюмга бадиий ишлов беришни баҳолаш
Паст	2	Буюмларни тайёрлай олиш кўникмасига эга бўлиш.

Тадқиқотнинг тажриба-синов ишларини амалга оширишда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган таълим мазмуни, таълим воситалари йиғиндиси, тренажёрлар ва ишлаб чиқилган таълим услуби асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот жараёнида ташқи тескари алоқа ёрдамида дидактик имкониятлари кенгайтирилган тренажёрлар системасидан фойдаландик. Бу алоқа талабалар вазифасини бажаришда йўл қўйган хатоликларни аниқлаш имконини берувчи электр импульслари счётчиги ёрдамида амалга оширилди. Ташқи тескари алоқанинг киритилиши ўқитувчининг талаба фаолиятини назорат қилишига сарфлайдиган вақтини қисқартиради ва эгов билан ишлаш, металл қирқиш, болға билан зарб ҳаракатларини машқ қилиш, кескич ёрдамида учбурчак резьба очишда токарлик станоги суппортини бошқариш ва фасон юзаларга ишлов беришда таълимни бошқариш тизимини яхшилаш имконини берди. Шу билан биргаликда биз таълим мазмунини ишлаб чиқдик ва асосладик, унинг педагогик-психологик ва услубий туркумдаги ўқув дастурларидаги ўрни белгилаб берилди. Ўқув қўлланмаси билан биргаликда талабаларнинг тренажёрларда ишлашини ташкил қилиш учун зарур бўлган алгоритмлар тизими, ушбу фаолият тўғрисида дастлабки тасаввурларнинг шаклланганлигини текшириш учун тестлар тизими ҳам ишлаб чиқилди.

4 - жадвал

Махсус машқлар тизимини ҳамда уларни бажариш учун талабаларга индивидуал топшириқлар

Топшириқ номи	Бажарилиш шакли
Меҳнат ва касб таълими ўқитувчисининг ташкилий фаолияти турларини санаб беринг	Оғзаки
Ўзининг ўқитувчилик фаолиятида ҳар кунги ўз-	Ёзма

ўзини назорат қилиш усулларини аниқлаш	
Бадиий буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган маҳаллий ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналарини санаб беринг	Ёзма
Республикамизнинг таниқли ҳунармандларини номларини айтиб беринг	Оғзаки
Бадиий объектга ишлов бериш мезонларини тушунтириб беринг	Ёзма
Буюмларни лойиҳалаш босқичларини санаб беринг	Оғзаки
Буюмларга қўлда ва механик усулда ишлов беришнинг хусусиятларини баён қилинг	Ёзма
Тайёрланган буюм сифатини баҳоланг	Ёзма
Меҳнат таълими дарсларини ташкил қилишда маҳаллий ҳудудингизда мавжуд шароитларни тавсифлаб беринг	Оғзаки

Назорат ва тажриба гуруҳларини шакллантиришда асосан талабалар ёши, кириш имтиҳони натижалари, металлга қўлда ва механик ишлов бериш малакаларининг мавжуд эмаслиги ҳамда ўқув материалини ўзлаштириш тезлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест натижаларидан фойдаланилди. Тестлар таркибига киритилган тушунчаларнинг илгари ўзлаштирилган материалларга боғлиқлигига эътибор қаратилди. Вазифа шундан иборат эдики, талабалар ушбу тушунчаларни ўзлаштириб, уларни ёзма равишда баён қилишлари лозим эди. Тушунчаларни ўзлаштириш учун ажратилган вақт чекланган бўлиб, бунда фақатгина ишнинг бошланиш ва тугаш вақти қайд этиб борилди. Кейин эса белгиларда ифодаланган, баён қилинган ахборот ҳисобланиб, ўзлаштириш тезлиги аниқланади. Шундай қилиб, биз интеллектуал имкониятлари бир хил бўлган учта гуруҳни шакллантирдик, уларнинг иккитаси тажриба, учинчиси назорат гуруҳи қилиб белгиланди.

17.4. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилишнинг асосий йўналишлари ва хусусиятлари. Металларга қўлда ишлов бериш. Тажриба ва назорат гуруҳидаги таълимнинг фарқи шундан иборатки, назорат гуруҳида ишлаб чиқариш таълимининг анъанавий услубидан фойдаланилди, тажриба гуруҳида эса биз таклиф этган услубдан фойдаланилди. У шундан иборатки, дастлабки ҳаракатлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш мақсадида дарснинг ёйилган схемасидан фойдаланилди ва ушбу намуна неча йиллар мобайнида амалга ошириб борилди ҳамда тренажерли таълимнинг умумий асосларини, унинг психофизиологик ва дидактик услублари асосларини, шунингдек бизнинг фаол ёндашувимиз натижасида ишлаб чиқилган интенсив таълим технологиясини қўллаш билан чуқурлаштириб борилди. Бунинг учун фойдаланилаётган тренажёрлар имкониятлари ташқи тескари алоқа киритилиши ҳисобига кенгайтирилди, диапозитив ва тестлар

тизими ишлаб чиқилди ҳамда улар асосида иккинчи ўзлаштириш даражасидаги дастлабки ҳаракатлар тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши объектив назорати амалга оширилди. Диапозитив, тест ва ташқи тескари алоқанинг қўлланилиши талабаларнинг иш бажариши учун ажратилган вақтни узайтириш ва бошқариш алгоритми сифатида яхшилаш имконини берди. Бундан ташқари тажриба гуруҳда компонентли машқ бажариш услубидан фойдаланилди ва унинг ёрдамида дастлаб малаканинг алоҳида элементлари шакллантирилиб, сўнгра улар бир бутун ҳолатга келтирилди. Малаканинг ушбу ташкил этувчилари ҳар бир гуруҳдаги тренажёрли таълим якунида хатолар маълум вазифани бажаришга сарфланган вақт, намуна эговлан қисми узунлиги ва унинг сифат кўрсаткичлари сифатида қайд қилиб борилди. Ушбу маълумотлар асосида ўзлаштириш коэффициенти аниқланди ва баҳолар беш балли шкала бўйича қўйиб борилди. Назорат ва тажриба гуруҳлардаги тестлар биз таклиф қилган услублар асосида олиб борилди. Қуйида биз ушбу тест натижаларининг металлга ишлов бериш, уни қирқиш ва болғалаш бўйича якунланган тренажёрли таълим кўрсаткичларини келтирамиз (5-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳда ҳосил қилинадиган малака туридан қатъий назар барча кўрсаткичлардан юқори натижалар қайд этилган. Шуни таъкидлаш жоизки, назорат гуруҳида ўзлаштириш коэффициенти 0,7 дан юқори бўлган бўлса-да, ушбу гуруҳда металларга ишлов беришга оид тренажёрли машқлар якуни бўйича бешта талаба умумий мезон асосида 2 баҳо олдилар. Бундан келиб чиққан ҳолда ўзлаштириш коэффициенти 0,7 дан кичик бўлади. Агар назорат гуруҳи талабаларининг тест синовлари натижаларини алоҳида олинган талабалар учун кўриб чиқадиган бўлсак (6 - жадвал) бошқа металларга нисбатан ҳам худди шу манзарани кузатишимиз мумкин. Шу вақтнинг ўзида тажриба гуруҳи талабалари биронта ҳам салбий баҳо олмадилар.

Талабалар "Металлга қўлда ишлов бериш" мавзусини ўзлаштириб бўлганларидан сўнг биз илгари ишлаб чиқилган услуб бўйича тест ва кўрсатилган ҳисобни амалга оширдик. Ушбу натижалар 6 - жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар илгари олинган натижаларни тасдиқлади, ўзлаштириш даражаси учала гуруҳда ҳам кўтарилгани намоён бўлади. Бироқ тажриба гуруҳлардаги нисбатан юқори ўзлаштириш коэффициенти (0,84) ва юқори ўртача балл сақланиб қолди. Ушбу ҳолат тажриба жараёнида қўлланилган услубларнинг самарадорлигидан далолат беради.

Тажриба синов ишларининг навбатдаги босқичларида "Мактаб ўқувчилари меҳнат ва касбий тайёргарлигининг психофизиологик асослари", "Ўқитишнинг замонавий техника воситалари", "Мактаб ўқувчиларини меҳнат ва касбга тайёрлашнинг назарий асослари" ва "Меҳнат ва касб таълими услуби" фанларига мувофиқ равишда "Тренажёрлар ва уларнинг таснифи",

"Тренажёрларни қўллашнинг психофизиологик ва дидактик асослари" ва "Тренажёрларни қўллашнинг услуби" каби мавзулар бўйича фаолият мазмуни ишлаб чиқилди.

Ҳар бир мавзу ўрганиб чиқилган металлга қўлда ва механик ишлов бериш, шунингдек автомобилни бошқаришга оид дастлабки харакатлар тўғрисидаги тасаввурларни чуқурлаштирувчи сифатни назорат қилиш амалга ошириб борилди. Бир вақтнинг ўзида назоратдан сўнг металлга қўлда ишлов бериш юзасидан илгари хосил қилинган малакаларни тест ўтказиш ёрдамида аниқланди. Ушбу тестларнинг миқдорий кўрсаткичлари 7 ва 8 - жадвалларда келтирилган.

Ушбу жадвалларни қиёслаш шуни кўрсатмоқдаки 7, 8 ва 9 семестрлар давомида иккала гуруҳда ҳам малакалар ўзлаштирилган даврдагига нисбатан сўниб борган. Бироқ, у тажриба гуруҳда аста-секин тикланиб борган ва 8 семестрда дастлабки даражасига эришган. Шу билан бир вақтда назорат гуруҳида у аста-секин пасайиб борди ва амалда йўқ бўлиб кетди, чунки талабалар уни кўплаб синаб кўриш ва хатоликлар билан амалга оширдилар. Металларни эговлаш бўйича кечиктирилган эговлашни биз илгари олган натижаларимизни тасдиқлаш мақсадида ўтказдик.

5 – жадвал. Металлга ишлов бериш бўйича тренажёрли таълим кўрсаткичлари

Гурух	Металларни арралашда ўртача кўрсаткичлар					Металларни эговлашда ўртача кўрсаткичлар					Металларни болғалашда ўртача кўрсаткичлар			
	Хатолар сони	20 та ҳисоб ҳаракатини бажариш учун сарфланган вақт (с)	Қирқилган жой узунлиги	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо	Хатолар сони	100 та ҳисоб ҳаракатини бажариш учун сарфланган вақт (с)	Эговланган жой узунлиги (мм).	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо	Зарб вақтида йўл қўйилган хатолар умумий сони	60 та зарб бериш учун сарфланган умумий вақт	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо
ТГ	3	13,5	18,9	0,85	3,8	15,7	108	6,56	0,84	3,88	9,06	106,9	0,84	3,81
НГ	4,6	14,1	18,7	0,77	3,0	20,56	118	6,96	0,79	3,31	14,63	114,7	0,76	3,13

6 -жадвал. Металлга ишлов бериш бўйича тренажёрли таълим кўрсаткичлари

Гурух	Металларни арралашда ўртача кўрсаткичлар					Металларни эговлашда ўртача кўрсаткичлар					Металларни болғалашда ўртача кўрсаткичлар			
	Хатолар сони	20 та ҳисоб ҳаракатини бажариш учун сарфланган вақт (с.)	Қирқилган жой узунлиги	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо	Хатолар сони	100 та ҳисоб ҳаракатини бажариш учун сарфланган вақт (с.)	Эговланган жой узунлиги (мм).	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо	Зарб вақтида йўл қўйилган хатолар умумий сони	60 та зарб бериш учун сарфланган умумий вақт	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо
ТГ	1,8	29,4	20,1	0,91	3,8	7,69	117	7,41	0,92	4,1	4,5	100,5	0,93	4,1
НГ	3,44	33,13	20,38	0,83	3,5	17,2	120	6,85	0,83	3,5	8,88	110,7	0,85	3,5

Металларга механик ишлов бериш. Металларга механик ишлов бериш иккинчи курсда ўрганилади. Тажриба гуруҳи талабаларига таълим беришда металларга қўлда ишлов беришда қўлланилган услублардан фойдаланилди. Фарқи шунда эдики, тренажёрли таълимнинг дастлабки даврида талабалар ёзма йўриқномадан фойдаландилар. Бу шунинг учун амалга оширилдики, ҳаракатларни амалга ошириш даврида ёдда сақлаш ва амалга ошириш лозим бўлган ахборотнинг катта ҳажмда эканлиги, малакаларнинг шаклланишини қийинлаштирар эди. Кейин аста-секин йўриқномалар олиб ташланди ва талабалар машқни хотирага асосланиб давом эттирдилар.

7-жадвал.Металлга қирқиб ишлов беришдаги ўртача кўрсаткичлар

Гуруҳ	Хатолар сони	20 та ҳисоб ҳаракатини бажариш учун сарфланган вақт (с.)	Қирқилган жой узунлиги	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо
6-семестр					
ТГ	2,5	28	17,63	0,88	3,69
НГ	4,25	22,25	21,13	0,79	3,0
7-семестр					
ТГ	2,38	26,56	18,88	0,88	3,75
НГ	7,31	25,8	19,0	0,64	2,5
8-семестр					
ТГ	1,94	24,44	20,75	0,9	4,0
НГ	9,5	22,56	22,88	0,53	2,06

8-жадвал.Металлга эгов билан ишлов беришдаги ўртача кўрсаткичлар

Гуруҳ	Хатолар сони	20 та ҳисоб ҳаракатини бажариш учун сарфланган вақт (с.)	Эговланган жой узунлиги	Малакани ўзлаштириш коэффициенти	Баҳо
6-семестр					
ТГ	12,44	118,13	7,92	0,88	3,75
НГ	20,94	113,38	8,06	0,79	2,88
7-семестр					
ТГ	10,13	120,06	7,36	9,0	4,0
НГ	28,5	122,81	7,53	0,72	2,63
8-семестр					
ТГ	7,9	120	7,26	0,92	4,05
НГ	36,19	118,25	8,19	0,64	2,19

Шу даврда учбурчакли резьба очувчи кескич бўлмаганлиги сабабли фақатгина фасон юзаларга ишлов бериш малакаси ҳосил бўлиши кузатилар

эди. Бунда ҳам металлга қўлда ишлов беришда кўзланган натижаларга эришилди. Дастлабки ҳаракат тўғрисидаги тасаввурларнинг уй шароитида шакллантирилиши талабаларнинг дарсдаги амалий иш бажариши учун кўпроқ вақт ажратиш имконини берди. Бу эса шакллантирилаётган малакалар сифатининг ошишига хизмат қилди.

Илгаригидек, тренажёрли таълим жараёнида компьютерли машқ услубидан фойдаландик, у эса тажриба гуруҳи талабаларининг шакллантирилаётган кўрсаткичлари натижаларининг юқори бўлишига олиб келди. Тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган тест натижалари ҳажми катталиги сабабли улар келтирилмади. Фақатгина мазмуни ўрганиб бўлингач ўртача ўзлаштириш коэффициенти тажриба гуруҳларда 0,92, назорат гуруҳида эса 0,64 ни ташкил қилганлигини кўрсатдик.

Автомобилни бошқариш. Тажриба ва назорат гуруҳларида талабаларга таълим беришнинг умумий мақсади ўзлаштириш коэффициенти 0,9 дан кичик бўлмаган автомобилни бошқариш малакасига эришиш эди. Назорат гуруҳи анъанавий услубда тажриба гуруҳ эса ишлаб чиқилган ва юқорида баён қилинган услуб ёрдамида ўқитилди. Ушбу технологиянинг фарқи шундаки, биз тажриба гуруҳ талабалари олдига бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари сифатида мустақил тест ва алгоритмлар тузишга оид қўшимча вазифа киритдик. Бу вазифалар ишлаб чиқариш таълими билан боғлиқ у ёки бу фаолият соҳасига оид бўлиши лозим эди. Айни ҳолда бундай фаолият сифатида автомобилни бошқариш қаралади. Бу топшириқни бажариш учун илгаригидек дарсдан ташқари вақтдан фойдаланилди. Тажриба гуруҳ талабалари тўртта кичик гуруҳга ажратилди ва уларнинг ҳар бирига у ёки бу мавзу бириктирилди. Мавзулар номлари қуйидагича эди.

1. Двигателни ишга тушириш ва тўхтатиш.

2. Автомобилнинг ўрнидан қўзғалиши, тўғри йўлда ҳаракатланиши ва уни тўхтатиш.

3. Автомобилни тўғри йўл ва равон бурилишларда узатмани алмаштириб ҳаракатлантириш.

Ушбу топшириқ бўйича тест ва алгоритмларни ишлаб чиқишда талабалар керакли ўқув илмий адабиётлар ва луғатлардан фойдаландилар. Вазифани амалга ошириш давомида улар билиш фаолиятининг бажарилаётган ишни амалга оширишдаги ўрни, унинг мазмуни, тузилиши ва ташкил этиш усулларини очиб бердилар, кейин ўзлаштирилган билим ва эгалланган тажриба, шунингдек мавжуд тест ва алгоритмлар асосида улар топшириқни бажаришга киришдилар. Ҳар бир талаба ўз алгоритми ва тестини берилган мавзу асосида тузиб чиқди. Бунда талаба маслаҳат сўраб, у ёки бу масалада бизга савол билан мурожаат қилиб турдилар. Улар бажарган материалларнинг баъзилари маъқулланди, баъзилари эса қайта кўриб чиқишга берилди. Сўнгги ҳолатда талабаларга билим олиш манбалари кўрсатиб берилди. Тест ва алгоритмлар ишлаб чиқилгач, улар

бизга текшириш ва баҳолаш учун берилди. Уларнинг энг яхшиларини биз талабаларда ҳайдовчилик малакаларини шакллантириш учун фойдаландик.

Амалий машғулотлар бошланишидан олдин алгоритм чоп этилиб, тажриба гуруҳнинг барча талабаларига уй шароитида тўлароқ ўрганиш учун берилди.

Тажриба гуруҳда қўлланиладиган услубнинг илгаригиларидан яна бир фарқи магнит ёзувларининг қўлланилиши эди. Улар ёрдамида таълимнинг дастлабки босқичларида алгоритмлар мазмуни эшиттириб турилди. Ушбу алгоритм аста-секин камайтириб борилганда ва талаба вазифани хотирасига асосланиб бажара бошларди. Талаба бу даврга келиб ўз фаолияти алгоритмини билса-да, биз бу босқичда магнит ёзувларини йўриқнома бериш мақсадида қўллашни лозим деб топдик. Малака шаклланишининг дастлабки босқичида талаба ижрочилик фаолиятини алгоритмнинг кейинги қисмини ёдга олиш жараёни билан қўшиб олиб борди, бу эса кўпчилик ҳолларда бу фаолиятдан чалғишга, қўшимча хатоликларга йўл қўйилишига олиб келади.

Тренажёрли таълим ёрдамида автомобилни бошқаришга ўргатиш амалга оширилгач, баҳолашнинг асосий мезони, малаканинг ўзлаштирилиши ва уни шакллантиришга сарфланган вақт бўлиб қолди. Агар автомобилни тўғри йўлда ва равон бурилишларда узатмаларни алмаштириб бошқаришда ўзлаштириш ўртача коэффициентнинг 0,91 қийматига 4 соат ўқув миқдори сарфланган бўлса, Тажриба гуруҳда ушбу масала 3 соатда амалга оширилди ва 0,94 қиймат малакани ўзлаштириш коэффициентига эришилди.

Бунда назорат гуруҳида 2 та талаба 0,9 дан кам бўлган ўзлаштириш коэффициентига эришди. Юқорида айтиб ўтилган малакаларни шакллантиришдан тежалган вақт бизга талабаларда автомобилни орқага ҳаракатлантириш, тўхтаб турган транспорт воситаларини айланиб ўтиш, тезкор тўхташ ва бурилишларда бошқариш каби қўшимча малакаларни шакллантириш имконини беради. Бунда бизга тренажёрларнинг юқорида баён қилинган услубда келтирилган катта дидактик имкониятлари ёрдам берди. Тўртинчи ўқув йили сўнггида биз янги тренажерларни лойиҳалаш бўйича талабалар орасида мусобақа ўтказдик, унда иштирок этмоқчи бўлган талабалар лойиҳаланиши лозим бўлган шартлар билан таништирилди. Мусобақада 15 та талаба иштирок этди, уларнинг 12 таси тажриба гуруҳда, 3 таси назорат гуруҳида таълим олади. Дастлаб лойиҳа ва таклиф даражасидаги натижалар қараб чиқилди. Жами 2 та лойиха маъқулланди ва улар ўқув жараёнига татбиқ этилди. Уларнинг биринчиси таълимда динамик диапозитивлар сериясини қўллаб, ҳайдовчилар тайёрлашдаги тренажёрлар имкониятларини кенгайтиришга асосланган; иккинчиси токарлик станогида кескич ёрдамида учбурчак резьба очиш малакаларини ҳосил қилиш учун тренажёр яратиш билан боғлиқ эди. Бу танловда тажриба гуруҳ аъзолари дипломант бўлдилар, бу ҳолат бевосита бўлсада биз илгари сурган ғояни тўғрилигини исботламоқда.

Бизнинг талабалар билан педагогик амалиётдан сўнг ўтказган суҳбатимиз ҳам тажриба гуруҳ талабаларининг фаоллигини тасдиқлади; улар мактабга тренажерлар келтирилишига ёрдам бердилар ва уларни таълим жараёнида фаол қўлладилар.

Биз ишлаб чиққан тренажерли технологияни қўллашнинг самарадорлигини тасдиқловчи яна бир ҳолат ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун топширилган имтиҳон натижаларидир: тажриба гуруҳ талабаларидан 12 таси биринчи уринишда имтиҳонларни муваффақиятли топширган бўлсалар, назорат гуруҳида эса фақат 8 талаба муваффақиятли топширди.

Бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришдаги тажриба-синов ишлари таҳлилига кўра қуйидаги фикрларни келтириш мумкин:

- талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш мақсадида амалга оширилган кўп йиллик тадқиқотларимиз қўлланилган услубларнинг самарали ва ишончли эканлигини тасдиқлади;

- талабаларда шакллантирилган умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакалар даражасини ва унинг бўлажак мутахассиснинг касбий шаклланишидаги аҳамиятини ўрганиш учун қўлланилган услублар мажмуаси олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги ва ижобий тавсифдалиги намоён бўлди;

- тажриба-синов ишлари умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг меҳнат ва касб таълими ўқитувчиси шахс сифатларининг ҳамда касбий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Талабаларнинг билим ва кўникмалари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан тавсия этилган педагогик технология асосида таълим олган тажриба гуруҳи талабаларининг касбий сифатлари назорат гуруҳи талабаларига нисбатан бирмунча юқори эканлиги исботланди;

- тажриба-синов ишлари натижаларига кўра меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари тайёргарлик даражасини уларнинг умуммеҳнат ҳамда касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш орқали амалга ошириш ишлаб чиқилган педагогик технологияни таълим тизими амалиётига тадбиқ қилиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

IV БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

§ 18. ПЕДАГОГИК ЖАМОА – ТАЪЛИМ МУАССАСИНИ БОШҚАРАШНИНГ ОБЪЕКТИ

Ўқув-тарбиявий жараённи бошқариш педагогик жамоа фаолиятини ташкиллаштириш орқали амалга оширилади. Шу сабабли ўқув муассасини бошқарашнинг асосий объекти педагогик жамоа ҳисобланади.

Ижтимоий бошқарувнинг асосий моҳияти қуйидаги икки масалани ечишга қаратилади: педагоглар фаолиятини йўналтириш ва уни фаоллаштириш. Биринчи масалани ҳал қилиш бошқарув субъекти ходимлар фаолиятини талаб этиладиган йўналишга солувчи махсус дастурни ишлаб чиқиш орқали амалга оширади. Иккинчи масалани ҳал этиш шахснинг ҳиссий-ижтимоий талаблари (моддий ва маьнавий, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни яхшилаш, меҳнатни ташкиллаштиришнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш)ни рағбатлантиришга қаратилган қулай шароитлар яратиш орқали амалга оширилади.

Педагогик фаолиятни фаоллаштиришда бошқарув дастурининг сифати, яъни, унинг аниқлиги, реал шароитга асосланганлиги, пировардида юқори натижа бериши, ишланганлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Қар бир соҳага оид дастурлар алоҳида хусусиятларга эга бўладилар, бироқ уларнинг барчасида қуйидаги қонуният кузатилади: бажариладиган иш қай даражада кўпроқ ижодий меҳнатни талаб қилса, жамият шу даражада инсонпарварлашиб ва демократлашиб боради, чеклашлар қай даражада кам бўлса ташаббускорлик асосида ишлаш даражаси ортиб боради.

18.1. Педагогик фаолиятни бошқариш дастури. Ушбу қонуният ўқитувчилардан ташаббус, мустақил қарор чиқара олиш ҳамда ўз вазифасига ижодий ёндашувни талаб қилувчи педагогик фаолиятга ҳам таалуқлидир. Шу сабабли бу соҳада бажарилиши қатьий талаб этиладиган директив дастурларнинг камроқ қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, бундай дастурларда иш тартиби, ҳужжатларни юритиш ва меҳнат фаолиятининг охирги натижасига аниқ талабларни белгилаш орқали чекланиш рўй бериши мумкин. Таълим натижасига нисбатан талаб қатьий белгиланади ва у давлат таълим стандартларида расмийлаштирилади. Педагогик фаолиятнинг сифат кўрсаткичи эса, мос равишда таълим олувчилар фаолиятининг ушбу талаблар даражасига мувофиқлигида ўз аксини топади. Демак, директив бошқарув дастурларидан воз кечиш педагогларга чекланмаган ҳажмдаги эркинликнинг берилишини англатмайди. Ушбу йўналишда асосий эътибор таълим жараёни мазмуни ва усулларидан унинг якуний натижасига кўчирилишига қаратилган.

Бажарилишининг мажбурийлиги нуқтаи назаридан бошқарув дастурларини информатив ва директив турларга ажратиш мумкин. Жумладан, матбуотда нашр этилаётган турли илмий-методик тавсиялар информатив дастурлар ҳисобланади ва уларнинг бажарилиши мажбурий деб белгиланмайди. Педагоглар улардан фақат ўзлари учун зарур деб билган қисмини бажариш ҳуқуқига эгалар. Информатив дастурлар талабларининг жариши тўлалигича педагогнинг хоҳиши, эҳтиёж ва истакларидан келиб чиқиб белгиланади. Директив ҳужжатларнинг бажарилиши мажбурий бўлиб, у тегишли тартибда назорат қилинади. Жамиятимизнинг демократлашиб бориши натижасижа информатив дастурларга бўлган эҳтиёж ортиб бориши кузатилмоқда.

Таълим муассасини бошқариш концепцияси кўплаб бошқарув ғояларини ўзида мужассамлаштирган ташкилий модел сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Фаолият нуқтаи назаридан ёндошилганда, бошқарув моделида қуйидаги таркибий унсурларни кўрсатиш мумкин: мотив, мақсад, режалаштириш, жорий ахборотларни таҳлил қилиш, қабул қилиш, ҳаракат, натижаларни баҳолаш ва тизимга тегишди тузатишлар киритиш. Бошқарувчанлик фаолиятининг мазкур умумпсихологик тузилмаси бошқарув субъектларининг индивидуал фаолиятига қаратилган бўлиб, бу ўринда бошқарув жараёни ва фаолияти ҳамма вақт ўзаро мувофиқ ҳолатда бўлади ва муомала қонуниятлари асосида ўзаро уйғунлашиб боради.

Бошқарув жараёни даврий характерда бўлиб, бу даврларнинг ҳар бири ўз давомийлиги, тадбиқ этилиш соҳаси, вазифалари ва ўз ечимига эга. Бошқарувнинг алоҳида олинган даврини қуйидаги жараёнларни қамраб олган бўғин сифатида тасаввур қилиш мумкин: ахборотларни қабул қилиш ва уларнинг таҳлили, бошқарув қарорининг қабул қилиниши, таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, режани бажариш учун ишни ташкил қилиш, ҳисоб-китоб, назорат ишлари ва натижаларни таҳлил қилиш.

18.2. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг. Бугунги кунда касбий таълим муассасалари ҳам бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият кўрсатиши ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаб беришлари талаб этилади. Бунда таълим муассасасида йўлга қўйилган маркетинг хизмати муҳим ўрин тутади. Маркетинг тадқиқотлари кўплаб соҳа масалаларини қамраб олади:

- қисқа (1 йилгача) муддатли ижтимоий-педагогик башоратлар;
- узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатли ижтимоий-педагогик башоратлар;
- бозорнинг жорий ва истиқбол потенциалини ўрганиш;
- битирувчиларнинг иш жойлашиш статистикасининг таҳлили;
- янги соҳалар мутахассисларнинг иш ўринларини ўрганиш;
- янги иш ўринларини яратиш йўналишларини тадқиқ қилиш;
- бозор нархларини белгиланиш хусусиятини ўрганиш;
- таълим муассасаси иш фаолияти самарадорлигини белгилаш (тескари алоқа).

Таълим муассасаси бошқарувининг педагогик йўналтирилганлиги барча имкониятларни асосий мақсад - ёш авлодни ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига муваффақиятли кириб боришини таьминлашга қаратилган бўлади. Таълим муассаси раҳбари томонидан олға суриладиган режалар, режалаштирилаётган муҳим тадбирлар жамоада муҳокама қилиниши ва мувофиқлаштирилиши лозим. Раҳбарнинг бу борадаги ҳаракатлари қўйилган вазифани амалга оширишга изчил ва қатьий ёндашувга асосланган бўлса, жамоа аьзолари томонидан қабул қилинади ва қўллаб-қувватланади. Билим юрти раҳбари жамоа бошқарувини ўзаро ҳурмат ва талабчанлик асосида ташкил этиши лозим.

Раҳбарлик қилувчи шахс ўз ҳатти-ҳаракатлари билан жамоага ибрат кўрсата олиши, амалга ошириладиган қатьий чоралар моҳиятини тушуниши ва уларнинг ижодий самарасини таьминлаши лозим.

§ 19. КАСБ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

19.1. Касбий малакавий тузилмада ишчи кадрларнинг ўзгариши. Фан-техника тараққиёти даврида ишчиларнинг меҳнат қилиш шароити ўзгаради, чунки ишлаб-чиқариш жараёнида ишчининг бажарадиган фаолияти, дунёқараши, ўрни ўзгаради. Ушбу ўзгаришлар ишлаб-чиқариш босқичларининг ривожланиши янги майлларнинг ўсишига олиб келади. Ишчи ушбу ривожланишдан фойдаланган ҳолда янгича ишлашни ҳоҳлайди. Ишчиларда юзага келаётган ўзгаришларнинг кучайишида ишлаб-чиқариш омиллари кучли роль ўйнайди. Бунинг асосида жисмоний меҳнат, яъни инсоннинг бажарувчилик функцияси ётади.

Меҳнатдаги асосий ўзгариш, авваламбор, инсонларнинг жипслигидан келиб чиқади. Маьлумки, ишлаб-чиқариш жараёнида инсон асосан 4 та асосий функцияни бажаради:

- ишчи ўз жисмоний ҳаракати билан айлантирувчи ва ҳаракатлантирувчи ҳаракатлар ҳосил қилиш учун меҳнат қуролларини ишлатади;
- меҳнат қуролларини бошқаради ва уларга таъсир кўрсатади;
- уларни тўғрилайди ва таьмирлайди;
- уларни лойиҳалаштиради ва ишлаб-чиқариш жараёнига татбиқ қилади.

Меҳнатни бошқаришда замонавий ишчига 1- ва 2-функциялар доирасидаги кўрсаткичлар аҳамиятли бўлиши билан бир қаторда меҳнатнинг мазмуни ва ижодийлигини оширишда 3-4-функциялар ҳам муҳимдир.

Машинасозликда асосий ўринни комплексли механизациялаштириш ва автоматлаштиририлган ишлаб-чиқариш эгаллайди.

Тарихга назар солиб кўрсак, машинасозликда юқори малакали иш даражаси ошиб бормоқда. Масалан: 30-йилларда слесар таьмирловчи 9-10 та станокда ишлай олган, ҳозирда эса 25-30 та станокда бемалол ишлай олади ва 100 дан ортиқ металл ва нометалл материаллардан фойдаланади. Бундан ташқари у пайвандлашни ҳам билиши керак. Токарлик иши йиллар ўтган сари сезиларли даражада ўзгаради. 30-йилларда 3-разрядли токар оддий ишларни мастер қўл остида қиларди. 40-йилларда эса станокнинг асосий қисмларини, яъни зўриқиш бўлганда синадиган жойларни, оддий қирқувчи ва ўлчов асбобларни совитиш ва мойлаш, мойлаш суюқлигини ишлатишни ҳам билиши керак бўлган. Яна токар станок маркаларини ва нуқсонли маҳсулотни аниқлай олиши ҳам керак.

60-йилларда эса токар кенг тарқалган ва универсал станоклар тузилишини, оддий ва қирқувчи асбобларни қўллашни кўрсатма беришни, материал ўлчовлари ва юза тозалигини билиши талаб этилар эди.

70-йилларда токар станокнинг тузилиши, ишга яроқлилиги ҳамда станокларни бошқариш қоидаларини текширувчи ўлчов асбобларидан фойдаланиш қоидаларини билиши керак бўлган.

80-йилларда эса 3 - разрядли токар станокда ишлаш билан бирга электроника ишларини ҳам бажара олиши талаб қилинган.

90-йилларда техниканинг ривожланиши янги типдаги станок ишчиларини шакллантирди. Кенг тармоқли универсал ишчилар вужудга келди. Ҳозирда бу ишчилар 14 та ихтисосликларни эгаллаган. Бу ихтисосликлардан токарлик автоматларини созловчилар, ярим автомат ва автоматлаштирилган станокларни созловчи ҳамда бошқалар. Ишчи созловчиларнинг бу гуруҳи электротехник билимга ҳам эгадирлар.

Ўора металлургия соҳасида ҳозирда 58,3% ишчилар ақлий иш функцияларини бажариш имкониятига эга.

Кўмир саноатининг техник мукаммаллашган механизациялашишида ишчиларнинг ўрни катта. Оғир ишларни машиналар бажараяпти. Ўурилиш соҳасида ҳам оғир ишлар камайди, механизация ишлари кучайди. Бугунги кунда қурилиш соҳасида 20 та қурувчилар ўрнида 7 та қурувчи ишламоқда.

Ўишлоқ хўжалигида юқори малакали ишчилар шаклланмоқда. Масалан, 20-йилларда тракторчилар пайдо бўлган. Ўшанда уларнинг сони 600 та эди. Тракторни таьмирловчи механиклар пайдо бўлди. 30-40-50-йилларда комбайнчилар, картошка терувчилар шаклланди. 50-йилларда машиначи-тракторчилар пайдо бўлди. Ҳозирда жисмоний иш камайиб ақлий фаолият ўсиб бормоқда. Бу ишчилардан кенг кўламда пухта билимларни ўзлаштиришда талаб қилмоқда.

19.2. Ишчилар ихтисослигини таҳлил қилиш методикаси. Кенг тармоқли ва юқори малакали ишчилар малакасини текширишда ишчи ихтисослиги таҳлил қилинади. Комиссия тузилади. Комиссия аьзолари ўқитувчи ва врачлардан иборат бўлади.

Режа тузилади:

Меҳнат тури ва миқдорини аниқлаш;

Техник-ташкилий шароитлар;

– Қандай маҳсулот ишлаб чиқилади?

– Қандай ёрдамчи материаллар ишлатилади?

– Қандай меҳнат турлари (асбоблар, хусусиятли белгилар)дан фойдаланилади?

– Қандай ўлчамли ва ростлаш асбобларидан фойдаланилади?

– Қандай текшириш асбоблари қўлланилади?

– Қандай иш методлари қўлланилади?

– Ишлаб чиқариш қандай ташкиллаштирилади?

Ишчилар бажарадиган ишлар:

- Ишчилар қандай ҳаракатларни қиладилар?

- ушбу ҳаракатларнинг давомийлиги ва ишлаб-чиқаришдаги аҳамияти.

Квалификация:

Ишчи қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши техник, иқтисодий ва ташкилий ишларни бажариши керак?

Махсус тажриба:

Қайси соҳаларда ишчилар махсус тажрибаларга эга бўлиши керак ва улар нима билан тавсифланади?

Бу билимларни олиш учун қандай имкониятлар бор?

Жавобгарлик.

Махсус техник талаблар.

Махсус жисмоний-техник талаблар.

Ташкилий тайёрлашга нисбатан билдирилган таклиф.

Илмий-техник тараққиётга етиб бориш:

- механизация ва автоматизацияланишни ошириш, меҳнат воситаларини ўзгартириш;
- материалнинг сифатини ўзгартириш;
- меҳнат методининг ўзгариши;
- меҳнат, ишлаб-чиқаришни ташкиллаштириш моҳиятини ўзгартириш;

Бу таҳлиллар шароитни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак. Ишчиларни ўқитиш учун ташкилот етарли даражадаги ўқув материалига эга бўлиши керак. Таҳлилнинг натижаси ишчилар таркибига боғлиқ ва ушбу таркиб корхона ривожланишига таҳсир қилади. Юқори малакали илмий-техник ривожланишга олиб келади. Меҳнатнинг сифати - унинг механизациялашган ва автоматлаштирилганлиги ва юқори малакали ишчилар билан таьминланганлиги билан белгиланади. Шу билан бир қаторда ишчининг маьлум бир соҳадаги аниқ фаолиятини белгилаб беради. Маьлум соҳадаги ишчиларнинг муайян иш қуроли билан ишлаши сифатли бошқаришни белгилаб беради. Ишчилар иш жойини таҳлил қилишга қуйидагилар киради:

иш жойи миқдори;

цехдаги смена алмашинуви;

цехнинг ишлаб-чиқариш тури;

иш жойининг жиҳозланганлиги;

механизациялаштирилганлик даражаси;

техник-хавфсизлик холати;

иш жойини ўрганишнинг давомийлиги;

ускуна холати;

ишлаб-чиқариш жараёнидаги назарий билимни амалий фаолиятда қўллаш имконияти;

ишлаб-чиқариш вақтининг режаси;

янги иш усуллари;

ишчиларнинг иш билан зўриқиш даражаси;

меҳнат шароити (мускулларни ишлатиш, чарчаш);

иш жойининг санитар -гигиена холати;

тарбиявий иш шароити;

иш жойини таҳлил қилишда банд бўлиш даражаси;

операцияларни бажаришга кетган вақт, текширишга кетган вақт, ишдан-ишга ўтишга кетган вақт, танишиш учун кетган вақт, иш бажариш тезлиги ва х.

Иш жойини таҳлил қилиш ҳар бир иш жойида шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак. Малакали ишчилар тайёрлаш 3 гуруҳда ташкил этилади: 1. Юқори. 2.Ўрта. 3. Паст.

-Жадвал

Иш жойининг таьминланиши ва ташкил этилиши

Меҳнатнинг мўьтадил холати	-иш жойи меьёри; -миқдор ва меҳнат сиғими; -техник асосланган меьёр миқдори; -ҳисобланган меьёр миқдори ва унинг ривожланиши; -иш меьёрининг бажарилиши; -меҳнатга ҳақ тўлашнинг жорий этилган меьёри самарадорлигини ошириш;
Иш жойини лойиҳалаш ва ташкил этиш	-иқтисодий ва оператив лойиҳанинг холати; -моддий техник таьминланганлик холати; -иш жойида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилишни ташкил этиш; - иш жойига таалуқли бўлмаган зўриқиш даражаси;
Асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш	-машина иш вақтини кўрсатувчи жиҳоз; -иш вақтида тартибни жорий қилиш; -жиҳознинг технологик афзалликларини жорий қилиш; -иш жойининг жиҳозланганлиги; -асбобларни қўллаш;
Иш жойи ва меҳнат шариот-ларини реж-алаштириш	-иш жойини режалаштириш; -ишчилар иш шароити; -мускул энергиясини сарфлаш; -чарчаш.
Техник жараён	-техник жараёнларнинг ривожланиши; -механизациялашган техник жараён даражаси; -узвийликни таьминлаш.
Меҳнатни ташкил этиш ва унинг усуллари	-жорий этилган меҳнат тартиби; -меҳнатни умумийлаштириш ёки ажратиш; -пухта ўйланган ҳаракат.
Ишчиларнинг ижодий ёндошуви	-ишчи малакаси; -мусобақада иштирок этиш; -рационализацияда қатнашиши; -тажриба алмашишда қатнашиши.

19.3. Кенг тармоқли ва юқори малакали ишчилар ҳақида тушунча. Кенг қамровли ва юқори малакали ишчиларни бошқаришда автоматлаштирилган бошқарув тизими номли янги меҳнат тури пайдо

бўлди. Уларнинг меҳнатида бир қанча умумийликлар бор. Турли русумдаги машиналарни таьмирлаш, бошқарувни олиб бориш, жараёнларни бошқариш.

Кенг қамровли ишчи ўз фаолиятида бир қанча касбларни қамраб олади, зарур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлади.

Бу аралаш технологик участкаларда ишлаб чиқариш функцияларини амалга оширишда қўл келади. У ишлаб-чиқариш соҳасидаги билимлар билан қуролланган бўлиб, ишлаб-чиқаришнинг ўзгариб турадиган шартларига тез кўникиб кета олади.

Кенг тармоқли ишчиларнинг 4 та кўриниши мавжуд. Бу кўринишларни аниқ мисолларда кўриб чиқамиз.

Кенг қамровли ишчи (1-кўриниш), масалан: «қурувчи-монтажчи» ўз фаолиятида сувоқчи, бетончи, дурадгор, электр пайвандчи, тош йўнувчи, пўлат ва темирбетонли материалларни монтаж қилувчи, монтажчи каби касбларни ўзлаштиради. Зарур шароитларда ушбу гурухга кирувчи ишчиларни бир асосий йўналишга асосланиб тайёрлаш мумкин. Бошқа мисол: ишчи-штампловчи, илгари мавжуд бўлган якка тартибдаги калибрловчи-штампловчи, совуқлайин штампловчи, эксўентрик пресслаш-штампловчи, графикловчи ва ҳ.о. каби мутахассисликларни қамраб олган. Кенг қамровли ишчи (2-тури) ўз иши билан бирга бошқа соҳа кўникма ва малакаларга эга бўлади, уни ўз меҳнат жараёнида қўллайди.

Бу турдаги ишчи бошқа касбларнинг фақат бир қисминигина бажаради. Унга ишлаб-чиқаришнинг кенг кўлами, амалга оширилаётган ишларнинг хилма-хиллиги, уларнинг қишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳаларида тарқалганлиги кабилар характерлидир.

Тўлиқ ҳолдаги ишчи ишнинг барчасини бажаради. Бу каби ишчиларни биз 3-турга киритишимиз мумкин. Улар 3 та мутахассисликка эга бўлиб, шу соҳада олган билимларини ўз касбида қўллайди. Ишчиларни бу тарзда тайёрлаш станокларнинг тўхтаб қолмаслиги, уларнинг тўхтовсиз ишлаши ва қўшимча ишчи кучидан фойдаланиш заруратини қолдирмаслик учун асқотади.

Бир вақтда ва бир иш ўрнида 2 та мутахассисликда ишловчиларни 4 турга бириктиришимиз мумкин.

Мутахассисликлар чегарасининг кенгайиб бориши ҳисобига халқ-хўжалигида уларнинг сони камайиб бормоқда. Эскирган мутахассисликлар йўқолиб, янги мутахассисликлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўз ўрнини топмоқда. Кенг тармоқли малакали ишчи - бу паст малакали ишчи дегани эмас. Юқори малакали ишчи кенг соҳада иш бажаради ва маьлум номенклатурада ишлайди. Турли соҳажа малаканинг юқорилиги ҳар хил. Булардан келиб чиқадики, ҳозирги замонавий маҳсулот ишлаб-чиқаришдаги меҳнат предметларида илгари универсаллик бўлган бўлса бунда ишчининг кенг соҳа мутахассиси эканлиги тушунилади. Ҳозирда универсал ишлаш кўпроқ машиналарга хослиги учун бу тушунча мазмуни ўзгаради. Кенг тармоқли ишчи меҳнати билан юқори малакали ишчи меҳнати бир-биридан фарқ қилади.

Узоқ вақт бир хил маҳсулот чиқарадиган корхонада ишчилар малакаси бир даража паст бўлади. турли малакали ишчиларни ишлатиш қўлланаётган техник жараёнга боғлиқ.

Ишлаб-чиқаришда ишчилар малакасини ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак: тайёрловчи цехларда кўпроқ металл хусусиятларини ўрганиш, механик цехларда ишлов бериш методлари терувчи цехларда тайёр маҳсулот ишлаб-чиқариш билимларига амал қилиш талаб қилинади.

Кенг кўламли ишчининг профессионаллиги нима билан белгиланади?

Кенг кўламли ишчининг профессионаллиги шу билан белгиланадики, у янги жойга ва янги шароитга тез кўникади. Бундай ҳолларда қайта қуриш ва тўғрилаш кўникмалари ҳосил бўлади. Амалий кўникмалар ўзидан-ўзи ўзгармайди, булар ишлаб-чиқариш шароитлари ўзгариши, меҳнат жараёнлари тузилмалари ва унинг миқдори билан ўзгаради.

Профессионалликнинг юқори босқичларга кўтарилиши ишчиларнинг кўплаб фунцияларни бажариши бошқа комплекс меҳнат билимлари ҳамда иш фаолиятининг кенгайиши асосида юзага келади. Профессионал ишчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сифатини таҳлил қила олади. Бу жараёндаги асосий ҳолат, бу назарий билимларни билиш эмас, балки уларни амалиётда қўллай олишдир. Профессионал игчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сифатини таҳлил этиш билан бирга металларга юқори даражада ишлов беради. У ҳар қандай станокда ишлай ва уларни таьмирлай олади. У берилаган вазифани қиммат металларда ҳам 1-2-даражали аниқлик билан бажара олади. Унинг амалий билимлари ва кўникмалари ишлаб-чиқариш технологияси жараёнларини қамраб олади. Бундай ишчилар техника ривожланишидаги ўзгаришларга тайёр турадилар.

Интеграция жараёни техник жараёнда янги техникани бошқара оладиган ишчиларни талаб қилади. Юқори малакали ишчилар-юқори умумий техник билим ва тажрибага эга бўлган ҳамда янги билимларни ишлаб-чиқаришда ўзининг амалий фаолиятида қўллай оладиган ишчидир.

Юқори малакали ишчи турли қийин меҳнат тури фаолиятларини бажара олади. Унда якка фаолият ривожланган бўлади. Бу ишчи кўп техник тайёргарлик ва малакага эга. Ўз ишида фаол, ижодий иш қила олади. Унинг назарий билимлари етарлидир. Бу ишчи маьсулиятни ҳис қила олади. Юқори малакали ишчининг меҳнати шу билан белгиланадики, у кўп томонлама кўникма ва малакаларга эга. У бир ишдан бошқа ишга тез ўта олади.

19.4. Кенг тармоқли ва юқори малакали ишчилар тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Охириги йилларда турли хил станокларда ишлай олувчи, уни таьмирлай олувчи, маҳсулот сифатини юқори қилиш учун лозим асбоблар орасидан қулайини танлай олиб ишлатадиган ишчиларга талаб ортиб бормоқда. Ушбу ишчилар меҳнат қилиш жараёнлари ва кўп имкониятдан қулайини танлай олиши керак.

Бундай ишчилар, яъни, таьмирловчилар эски тушунча бўйича оллий бажарувчи эмас.

Ушбу ишчилар бажарувчанлик билан бир қаторда янги технологиянинг ривожланиши ва ишлаб-чиқаришни бошқаришда муҳим роль ўйнайди.

Уларга қулай вазиятларни топиш жараёнида қуйидаги талаблар қўйилади:

- пневматика, динамика, электротехникани, физикани ҳеч бўлмаганда ўрта мактаб таълим олувчиси даражасида билишлари керак;
- яхши технологик тайёргарликка эга бўлишлари керак;
- металл ва нометалл материалларнинг номланиши ва хусусиятларини билишлари керак;
- кесувчи асбобларнинг зўриқишига чидамлилигини билишлари керак;
- автоматик линияда ишловчи ҳар хил типдаги станокларда ишлагани учун уларнинг ишга тайёргарлиги ҳамда уларнинг режалаштирилганлигини билишлари керак. Улар шундай ҳолатларга тушадиларки, оқибатда турли хил носозликларни ечишга тўғри келади. Шунинг учун улар юқори малакали бўлишлари керак;
- жамоа учун шароит яратиб бериш, таьмирлаш ишини қисқа вақтда тугаллашлари керак;
- улар ижтимрий -иқтисодий билимларга эга бўлишлари керак;
- бригаданинг иш режасини туза олишлари керак;
- улар жамоа билан яхши муомалада бўлишлари, яъни тиллаша олишлари керак;
- улар қандай ўзгаришларларга тайёр туришлари ва бошқа бригадага ўтиб ишлаш лозим бўлганда ишлаб кета олишлари шарт;
- ишчиларнинг бажарувчанлик функцияси камайиб, ақлий меҳнати улушлари ортиши керак;
- ишчилар меҳнатида ақлий меҳнат ва физик функциянинг органик бирикмаси, яъни, ҳисоблаш, тўғрилаш, аналитик ва назорат функцияларини бажарувчи, техник жараённи ўлчовчи ва текширувчи, автоматлаштирувчи асбоблар ёрдамида бошқара ола билишлари лозим;
- юқори малакали ва кенг тармоқли ишчилар функцияларининг қўллай олишлари керак;
- маданият, техника ва фаннинг ривожланишида меҳнат умумдорлигининг ошиши;
- умумий фаолияти ва ишлаб-чиқариш ҳолатларига мослашувчанлик;
- ўрганиш жараёнида тизимли равишда малакасини ошириш эвазига кейинги иш фаолияти малакасининг ошишини таьминлаб бериш.

Юқори малакали ишчилар замонавий ишлаб-чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Айниқса уларнинг рационализаторлик ва ижодкорлик хусусиятлари асқотади. Бундай ишчиларнинг пайдо бўлиши шундан дарак берадики, инсоннинг ишлаб-чиқариш ва техник жараёндаги ривожланиши, билимларининг кенгайиши, чуқурлашиши ва малакасининг ошиб боришини тақозо этади.

19.5. Ишчилар олий таълими. Ҳозирда профессионал ўқишга нисбатан талаб ошиб бормоқда. Ушбу талаблар доирасига нафақат ўз ишини бажариб қолмаслик, балки камчиликларни тузатиш ва ўз профессионал фаолиятини бошқариш ҳам киради. Масалан, хориж тажрибасига эътибор берсак, Урал Давлат профессионал педагогика университети (УДППУ) ишчилар малакасини янада ошириш учун қуйидагиларни таклиф қилдилар:

Юқори малакали ишчилар шундай тайёргарликка эга бўлишлари лозимки, касбий тайёргарлик якунида улар профессионал ишчи ҳамда уста бўла оладилар. Улар яна маданиятли ҳам бўлишлари керак. Бунақа билимни берадиган ўқув юрти янги типдаги-Ишчилар таълим институти (ИТИ) деб юритилади.

ИТИ ўзида қуйидагиларни жамлаган: кўп функцияли, тизимли, кўп даражали таълим ҳамда махсус профессионал фаолият.

Ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган ишчилар иш режасини туза олишлари керак.

ИТИда тор соҳа ишчисидан тортиб иш устаси даражасигача бўлган ишчилар тайёрланади. Булар маҳсулот тайёрлашдан иашқари ишлаб-чиқариш фаолиятини ҳам ташкил этади ва бу маҳсулотларнинг бозорга олиб чиқилишига кўмаклашади.

Шундай қилиб, юқори билимли ишчининг мақсади қуйидагилардан иборат:

- корхоналарда натижали меҳнат фаолиятини ташкиллаштириш;
- техник, технологик, ижтимоий ва иқтисодий маҳсулотлар ҳақида ахборот олиш;
- зарур бўлганда маҳсулотни сифатли ишлаб чиқара олиш.

УДППУ да юқори билимли ишчилар тайёрлаш мақсадида махсус режа ишлаб чиқилган. Ушбу режада:

- босқичли рейтинг тизими асосида ўзлаштиришни ташкил қилиш;
- умумий фаолиятга профессионал даражада йўллаш;
- инегратив таълим;
- профессионал таълимнинг кўп қирралилигини тушунтириш;
- таълимнинг индивидурллиги (рейтинг тизимидаги тартибнинг ихтиёрий танланиши);
- таълим олувчиларни профессионал ихтисосликни танлашга ўргатиш.

ИТИда 2 та даража бор.

I - даража: 3 йил муддат давом этади.

даража: 4 йил муддат давом этади.

I - даражани тугатганлар III-IV разрядли слесар бўлишади. II - даражани тугатганлар эса юқори даражали ишчилар бўлади.

ИТИни тугатганларга электромеханика соҳаси бакалаври ва юқори малакали ишчи ихтисослиги дипломи берилади. Улар мураккаб ишларни қимматбаҳо материаллар ёрдамида ҳам бажара олишади. Улар халқ - хўжалигининг турли соҳалари ўз мутахассислиги бўйича ишлашади. Улар амалий ишларни юқори даражали ишчилардек ишончли бажаришади.

ИТИда талаба кейинги фаолият жараёнини тўлиқ ўрганиб олади. ИТИни тамомлаш ўрганиш фаолияти тугади деган эмас. Бу ерда фақат фаолиятнинг ривожланишига турики берилади. ИТИнинг ҳар бир курси ўхига хос бўлади. ИТИда талаблар рейтинг тизимида ўқитилади. Битирувчининг меҳнат малакаси билан шахсий хусусиятлари ривожи уйғунлашиб бориши керак. Ўқишни битириш шахснинг ривожланишига боғлиқ:

1-даража - шахсий тайёргарлик ижтимоий профессионал фаолиятни танлаш.

2-даража - ижтимоий профессионал фаолиятда шахсий, базавий тайёргарликка эга бўлиш.

3-даража - шахснинг профессионал тайёргарлик даражаси.

Қар бир даражадаги таълим тизимли равишда махсус даражада ташкил этилади.

1-даража - дунё ҳақидаги билимлар, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганилади.

2-даража - талаба иш фаолиятининг амалий кўникмалари ўрганилади. Бу тўлиқ малакавий фаолиятни таьминлайди.

3-даража - иш фаолиятида тажриба орттирилади. Бунинг учун махсус ўикллар киритилади. Малакавий фаолиятда назарий ва амалий кўникмалар шакллантирилади.

§ 20. УНИВЕРСИТЕТ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН МУТАХАССИС ХОДИМЛАРНИ ТАЙЕРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Педагогик маҳорат, педагоглнк касби билим ва кўникмаларини фақат шахсий хислатларни шакллантириш орқалигина эгаллаш мумкни. Педагоглик касбида профессионал билимлар бнлан шахсий хислатлар уйғуилашиб бир бутун бирикмани ташкил этади. Хозирги университет таълими худди ана шу ўзига хослнкни инобатга олади.

Университет маълумотига эга бўлган педагоглар тайёрлаш концепцияси куйидаги ғояларга асосланади:

-психолого-педагогик ва хусусий методик тайёргарликнинг асосий омил килиб олиниши;

-бўлғуси педагогннинг умуминсоиий қадриятларга асосланган шахсий хислатларнинг шаклланганлиги:

-гуманизация ва гуманитаризацияга асослангаи педлгоглик касбини эгаллаш янги мазмунини жорий қилиш;

-талабалар ижодий меҳнат ва ўқув фаолиятларини ташкил қилишда турли ўқув методлари, таълимнинг турли ташкилий шаклларидан фойдаланиш;

-педагогика, психолигия ва хусусий методикалар бўйича умумлашгал ва поллтехник билим, иктидор ва кўнлкмаларнинг шакланган бўлиши.

Ҳозлргача ишлаб турган университст таълими мазмуни педагогик фаоллятли бутунича, слстемали шакллантириш имконини бермайди. Бир қатор билимлар берилади, аммо бириктирувчи ўзак слстсмалл билимлар берилмайди, Булдай камчиликни йўқотиш максадида моддалаштириш методига мурожаат кллш мумкин.

Пировард мақсад университет маълумотига эга бўлган педагог мутахассисларни тайорлаш экан ана шу мутахассис шахснинг моделини тузишдан бошлаш керак.

Моделлаштириш педагогнинг профессионал фаолияти, мавҳумлашган шахс параметрларини очиш билан бирга ана шу хислатларни шакллантирши жараёнини ҳам очиб беради. Моделлаштириш натижасида идеал шароитда мутахассисда шаклланиш ксрак бўлган билим, иқтидор ва кўникмалар, профессионал устивор тайёргарлик каби параметрларни ўз ичига қамраб олган давлат хужжати сифатида ва квалификацион характеристика ёки профессиограмма кўринишида расмийлаштирилади. Ҳозиргача тузилган квалификацион характеристикалар университст маълумотига эга бўлган мутахассислар профессионал фаолиятини тўлиқ акс этдирмайди. Шу боис ҳозирги талабларга жавоб бермай қолди. Шунинг учун ҳам предмет педагогларини тайёрлашда ўқув дастурлари, ўқув режаларини тузишда профессиограмма ва психограммалардан бевосита фойдаланиш имконияти йўқолиб бораяпти.

Педагог фаолиятида, айникса талабаларни ҳам, жараён иштирокчиси, субъекти деб қаралаётган ҳозирги даврда ностандарт шароитлар кўплаб содир бўлади. Ностандарт муаммолардан муваффакиятли чикиб кетиши

учун ўқитувчи шахсида ижобий хислатлар юаклланган бўлиши керак. Фақат ўқитувчи ўзинннг ўқитиш, тарбиялаш услубини яратгандагина хусусий ҳол-лардан кечиб ҳар қандай шароитда хам муваффақиятли фаолият кўрсата олади.

Бошқача қилиб айтганда мутахассис университетда олган билимларини бевосита қўллаши учун таълим-тарбия жараёнини шахсни шакллантиришга тўла йўналтирмоғи лозим. Ўқув жараёнида дарсдан, мактабдан ташқари иш амалиётида бундай жараёнлар бир неча ўнлаб топилади. Лекин бу жараёнларни ташкил-қилиш учун дарсликларда келтирилгаи юзлаб кў-никмалар ўрнига бир неча умумлашган кўникмалар шаклланган бўлиши етарлидир. Бундай умумлашган кўникмалар сирасига шахснинг ва жамоанинг шаклланганлик даражасини аниқлаш кўникмаси; ўқувчилар жамоасини жамоа олдида турган вазифаларни ечишга йўллаш, фаолиятга тайёр туриш ҳиссасини ривожлантириш; олдига қўйилган мақсадни амалга ошнриш учун керакли воситаларни танлаш ва қўллай олши кўникмаси; ўқув тарбия жараёни натижасини, хулосасини ўлчаш, баҳолаш кўникмаси, олинган натижаларни қўйилган мақсадлар билан солиштириш ва орада фарқ ҳосил бўлган бўлса, яъни қўйилган мақсаднинг ҳаммасига эришилган бўлинса бундай холни тушунтира билиш кўникмалари киради. Юкорида келтирилган умумлашган кўникмаларнинг ҳар бири айрим олинган шароитларда учраидиган ўнлаб бошқа кўинкмаларни ўз ичига олади.

Мана шундай умумийликдан уииверситетда мутахассис тайёрлашнинг амалиётига ўтишда бир мунча номутаносибликлар юзага чикади. Кўпинча бўлғуси педагогларнинг профессионал билимларини шакллантириш биринчи ўринга кўйилиб шахсини шакллантириш иккинчи навбатга сурилади. Мутахассис дунёқарашини факат ижтимоий фанлар шакллантиради, махсус фанлар мутахассисни билим, иктидор ва кўникмалар билан куроллантиради, психолого-педагогик туркум эса уларни ўқув юртларида тарбиявий ишларга тайёрлайди деган чегаралганган тушунча хали кўпчиликда мавжуд.

Ҳозирда Ўзбекистон республикасида кўп поғонали мутахассис тайёрлаш спстсмасига ўтиш муиосабати билан анъанавий таълим мезоилари билан бирга мутахасслсларни умуминсоний кадриятларга асосланган шахсий хислатларини ривожлантириш, педагоглик касбига қизиқиш, тинмай изланиш, ўқувчилар психик оламига янада чуқурроқ кириб бориши ҳиссини уйғотиш долзарб масалалардан, ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади.

Педагогик таълимнинг хозирги қонунияти ва талаблари узлуксиз таълим тизимига ўтиш, педагоглик меҳнатинннг тобора мураккаблашиши, мактаб- интернатлар, фанлар бўйича чуқурлаштирилган синфлар, мактаблар, гимназиялар, коллежлар, лицейларнинг оммавий тус олиши, программалашган, компьютерлашган илғор услубларнинг кенг қўлланиши билан боғлик. Бу эса ўз навбатида педагог кадрларни янада юкори

стандартларга жавоб берадиган қилиб тайёрлаш вазифасини илгари суради.

Педагогик таълим системасинииг келажаги университет таълими прогностик моделини тузиш билан боғлик. Прогностик модел университет таълимнни янада фундаментлаштириш, гуманизациялаш ва гуманитар-лаштириш билан алоқадордир. Фуидаментал билимлар тез эскирмайди, секин ўзгаради, юқори илмий умумлаштириш билан характерланади, кенг соҳаларга ўтиш хусусиятига эга, қайишқоқлиги, сафарбарлигн, илм ва маърифат юксалишига тез мослашунчанлиги билан ажралиб туради.

Босқичли олий таълим тизимида педагогик таълим системасининг қуйидаги структураси мўлжаллаишни максадга мувофик:

I. босқич. Бакалавр (ўкитпш муддати 4 йил).

1. Педагогика курси 40 соат лскция, 20 соат практик машғулот.

2. Фанлар ўқитиш методикаси 90 соат лекция, 60 соат лаборатория амалиёт дарси.

3. Махсус курс, махсус семинарлар:

а) Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатн

б) ёшлар физиологияси ва мактаб гигиснаси

в) этнопедагогика

г) психолого-педагогик диагнозлаш методикаси

д) артистлик санъати асослари

е) мулоқот педагогикаси ва техникаси

ж) мактабда касб танлашга йўллаш

з) ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш методикаси

и) ижтимоий фикрлар социологияси.

II босқич. Магистр (ўқиш муддати 2 йил)

1. Олий таълим педагогикаси 20 соат лекция, 20 соат лаборатория амалий машғулоти.

2- Педагогик психология 20 соат лекция, 10 соат лаборатория амалий машғулоти.

3. Педагогика тарихи 20 соат лекция, 10 соат лаборатория амалий Машғулоти.

4. Махсус курс, махсус семинарлар:

а) педагогик технология

б) маданий ҳордиқ чиқариш методикаси ва педагогикаси

в) социал тарбия методикаси

г) патопсихология ва дефиктологля асослари.

5. Курс иши.

6. Олий ўқув юртлари, лицей, колледжларда педагогик практика.

7. Педагогика, психология, фанлар ўкитиш методикасидан синтетик диплом ишлашлари.

Хулоса қилиб айтганда, тарбия соҳасп бўйича мутахассис ходимларни тайёрлашда таълим-тарбиянинг юкорида зикр қилннган концепцион тамойиллари мутахассис ходимларни тайёрлашда назарий ҳамда амалий муҳим аҳамият касб этади.

§ 21. КАСБИЙ ТАЪЛИМ ДИРЕКТОРИЙСИ

Мазкур параграфда касб таълими педагогикаси масалалари бўйича ахборот порталлари, ахборот технологияси элементлари ва янги педагогик технологиялар билан ахборот технологияларининг умумий ва хусусий жиҳатлари келтирилган.

Касбий таълим натижасида назарий билим, кўникма ва малакалар тизими шакллантирилади, ишлаб чиқариш таълими жараёнида эса ўқувчилар асосан амалий касбий кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Бу иккала муштарак жараён маҳсули сифатида муайян касб ва малакага эга бўлган кичик мутахассисни тайёрлаш таъминланади.

Замонавий мутахассис ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб бориши, истиқболдаги тараққиёт йўналишлари ҳамда юзага келувчи муаммоларни ечиш йўлларини кўра билиши лозим. Бундай талаблар даражасидаги мутахассисни тарбиялаш учун касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълимини амалга оширишнинг самарали шакллари, фаол методлари ҳамда замонавий воситалари мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда илмий-методик жиҳатдан асослаш лозим бўлади.

Малакали мутахассис тайёрлаш ишлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: мутахассислик бўйича давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилганлиги; таълим мазмунида кўзланган таълим-тарбия мақсади ва вазифаларига мос келиши; малакали мутахассис тайёрлаш жараёнининг барча таркибий қисмлари (назарий машғулотлар, лаборатория-амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти) ўзаро боғлиқ ҳолда узвий ташкиллаштирилиши; касбий таълим бериш мазмунининг фан, техника ва технология тараққиёти даражаси талабларига жавоб бериши.

Ҳар қандай таълим жараёни ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ўқитиш – ўқиш фаолиятини кўзда тутади. Бунда, махсус ихтисослик фанлари бўйича машғулотларни ташкил қилишда ўқувчи фаолияти икки томонлама характерга эга, яъни назарий билимларни ўзлаштириш ҳамда уларни қўллашнинг амалий кўникма ҳамда малакаларини ўзлаштириш. Улар таълим жараёнида бирлашади ва бир бутун педагогик жараённи ташкил этади. Ушбу хусусият таълим бериш жараёни ва методларига ҳам таалуқлидир.

Республикамизда бозор муносабатлари ўтиш шароитида тобора кенг кўлам олаётган янги техника ва илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчилари учун замонавий талаблар даражасига ўқув ва методик қўлланмалар яратиш талабаларнинг касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Қуйида жадваллар кўринишида баён қилинган бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш борасидаги назарий билимларини пухта эгаллашларига кўмаклашиш, амалий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга пухта замин тайёрлашга қаратилган.

1-жадвал

АСОСИЙ ИХТИСОС ТУШУНЧАЛАР

БИЛИМ - кишиларнинг назарий маълумотлар мажмуида ифода ќилинган ва ишлаб чиќариш топшириќлари (жараёнларни) онгли равишда бажариш учун зарур бўлган, умумлаштрилган тажрибадир. Билимларни ўзлаштириш фактлар, ѓодисалар, тушунча ва ќонуниятларни ўзлаштришни кызда тутади.

ЎЌУВ - инсоннинг ўзидаги билимларига асосланган ѓолда, маълум талабларга риоя ќилиб туриб, мећнат жараёнларини бажара олишидир. Ўќувчилар бирор ишни бажариш учун зарур бўлган ва етарли даражада эпчил ѓаракатларни ўз ичига олади.

КЎНИКМА - онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил мећнат усуллари кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган компоненти - таркибий элементидир.

КАСБ - инсоннинг доимий такрорланиб турадиган ишлаб чиќариш фаолияти бўлиб, у умумий ва махсус таълим асосида эгаллаб олинадиган билим ва малакаларни талаб этади.

ИХТИСОС - касбдан шу билан фарщ щиладики, у инсонлар орасида мећнат тащсимоти натижасида вужудга келган ва шахс томонидан мукаммал эгаллаб олинган тор мећнат фаолиятидир. Масалан: механик йиґиш ишлари слесари, асбобчи-слесар, токар-универсал, токар-револьверчи каби.

МАЛАКА (квалификация) - кишининг касбий маѓоратни эгаллаш даражасидир. Ишчининг малака кўрсаткичи тоифа ёки унвон билан белгиланади (3-тоифа слесар, II тоифа шофёри, пўлат пиширувчининг шогирди каби).

ИШЛАБ ЧИЌАРИШ ЖАРАЁНИ – турли машина, механизм ва деталларни (ишлаб чиќариш турига ќараб) яратиш; бу жараён охиригача бажарилган ишлаб чиќариш давридан иборат бўлиши билан характерланади.

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН - ишлаб чиќаришнинг бир ќисми бўлиб, тайёр буюм ѓосил ќилиш маќсадида бевосита ишлаб чиќариш маѓсулотининг ѓолатини ўзгартиришдан иборат (штамплаш, ќуйиш, ќирќиш-кесиш, йиґиш ва ѓ.к.).

ТЕХНОЛОГИК ОПЕРАЦИЯ – технологик жараённинг бир иш ырнида, бита ёки бир неча ишчи томонидан охиригача бажариладиган ќисмидир, масалан, ќирќиш, арралаш, эговлаш.

ИШ УСУЛИ - ишчининг технологик операцияда айрим технологик ўтишларни бажаришни кўзда тутган мећнат ѓаракатлари мажмуидир. Масалан, эговни ќўлга олиш, тўґри иш вазиятида туриш, эгов билан илгариланма-ќайтма ѓаракатлар бажариш каби.

МЕЋНАТ ЂАРАКАТИ - ишчининг бирон технологик ўтиш элементини бажариши. Масалан, бир ваќтнинг ўзида зубило ва болтани ќўлга олиш учун асаб-мускул фаолиятини физиологик маънода ишга олишдир.

ИШ ЂАРАКАТИ - ишчининг иш ќабули ичида (чегарасида) бажарадиган ва бирон технологик ўтишни уддалашни кўзда тутган, масалан, болта билан зубилонинг чеккасига (тўмтоќ учига) уриш каби, мећнат ѓаракатларининг мажмуидир.

2-жадвал

КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

ТАМОЙИЛЛАР	У НИМАНИ ИФОДАЛАЙДИ?
Таълим ва тарбия бирлиги	Бу тамойил унумли меҳнат, яъни ижтимоий фойдали буюмлар яратиш асосида ишлаб чиқариш таълими беришни кўзда тутади. Бундай меҳнат ва технологик жиҳатдан яхши таъминланганлиги, чуқурроқ билим таълаб этиши, ўқувчиларнинг моддий манфаатдор бўлиши билан тавсифланади.
Таълимнинг илмийлиги	Ҳозирги замон фанида узил-кесил аниқланган қоидаларни ўзлаштириш. Фақат айни фан-техникада қабул қилинган атамалардан фойдаланиш. Фан-техниканинг турли соҳаларида эришилган энг янги ютуқларни ўрганиш.
Таълимда тизимлилик ва изчиллик	Касб таълими дастурида кўрсатилган тизимда ташкил этиш. Таълим жараёнида эгалланадиган билим, кўникма ва малакаларнинг мантиқий кетма-кетлигига риоя қилиш. Таълим жараёнини амалга оширишда, ўқув материалларини ўрганиш ва ўқитувчининг ишини ташкил қилишда изчиликка амал қилиш.
Назария ва амалиёт бирлиги	Назарий билимлардан амалиётда фойдаланиш ва ўқувчиларнинг амалий тажрибаларидан назарий машғулотларда фойдаланиш. Бу тамойил ўқувчиларнинг ўқув материали пухта ўзлаштиришини, шунингдек, улар дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қилади.
Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш	Таълим мазмуни ва таълим методларининг ўзаро мослиги, бунда ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва ёш хусусиятларининг эътиборга олиниши. Бу талабларнинг бажарилишига ўқув материалини қисмларга тўғри тақсимлаш (бажаришга куч етарли бўлиши, оддийдан мураккабга ўтишини таъминлаш, ўқитишнинг турли методларидан фойдаланиш)нинг объектив меъёрларини белгилаш, таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўқувчилар индивидуал хусусият ҳамда қизиқишларини ўрганиш йўли билан эришилади.
Таълимнинг политехник хусусиятга эгалиги	Бу тамойил ҳозирги замон саноати тўғрисида умумий маълумот бериш, ишлаб чиқаришда энг кўп учрайдиган технологик жараёнларни билишни, машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлашидаги умумийликни билиш, хилма-хил меҳнат уқув ва малакаларига эга бўлишни, меҳнатга алоқадор масалаларни ижодий ҳал қила олиш ва рационализаторлик ишларни олиб боришни, умумтаълим ва махсус фанлардан олинган билимларни моҳирлик билан татбиқ эта билишни кўзда тутади.
Онглилик ва фаоллик	Таълим ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллиги тарбиялайдиган тарзда олиб борилиши керак. Бу сифатлар машғулотлардан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни тўғри ифодалаб олиниши, ўқув материалининг онгли ўзлаштирилиши, назарий ва ишлаб чиқариш таълимнинг узвий боғлиқликда бориши, ўқитишда самарали усуллардан фойдаланиш натижасида вужудга келади.
Таълимда кўргазмалилик	Бу тамойил ўқитишни ўқувчиларда тасаввур ва тушунчаларнинг, шунингдек, уқув ҳамда малакаларни буюм ва ҳодисаларни жонли мушоҳада этиш асосида вужудга келишини таъминлайдиган қилиб олиб бориш заруратини билдиради. Кўргазмалилик экскурсиялар ташкил этиш, меҳнат усулларини кўрсатиб бериш, плакат, жадвал, буюм намуналарини, жиҳозларни кўрсатиш, мультимедиа, электрон дарслик ва экспонатларни намойиш қилиш йўли билан амалга оширилади.
Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкам ва пухталиги	Бунда онгли ва пухта ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида ўтилган материални тизимли равишда такрорлаб боришни, янги материални мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарурлиги назарда тутилади. Бунга эса тушунарли қилиб баён этиш, машқлар ўтказиш, илгари ўтилганларни ўз ўрнида такрорлаш, ўқув материалини босқичма-босқич мураккаблаштириб бориш, ўқувчиларнинг билимларини, уқув ва малакаларини тизимли равишда ҳисобга олиб бориш йўли билан эришилади.

3-жадвал

КАСБ-ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР

Ҳужжатларнинг номи	Нимани белгилайди	Ҳужжатнинг мазмуни	Ҳужжатнинг вазифаси
Малака тавсифномаси	Ишлаб чиқариш (корхона)нинг айни ихтисос (касб) ва айни малака эгасига назарий билимларга нисбатан (нимани билади) ва ишлаб чиқариш тайёргарлигига нисбатан (нимани бажара олади) қўядиган талаблари	1. Касб, ихтисос 2. Малака (квалификация) 3. Техника билимлари ва махсус билимлар 4. Меҳнат уқувлари ва малакалари	Ўқув режа ва дастур тузишда асос бўлади. Битирув малака имтихонларида ўқувчилар билимларининг сифатини аниқлаш учун хизмат қилади.
Ўқув режаси	Таълимнинг мазмуни ва умумий шарт-шароитларини ҳамда фанни ўрганиш тартибини белгилайди.	1. Таълим муддати. 2. Ўқитишнинг тузилиши ва тартиби. 3. Ўқиладиган фанлар рўйхати. 4. Ҳар бир фанни ўрганиш тартиби (вақт жиҳатидан), 5. Ҳар бир фанга ажратилган ва ҳар бир ҳафтага тегишли вақт.	Ўқитиш ишларини режалаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.
Ўқув дастури	Ўқитишнинг аниқ мазмунини, айни фаннинг ҳажмини ва уни ўрганиш тартибини белгилайди.	1. Фаннинг номи. 2. Айни фан, айрим боб ва мавзу бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳажми. 3. Фанни ўрганиш тартиби. 4. Ҳар бир мавзуни ўтиш учун белгиланган вақт. 5. Айни фан бўйича дарслик ва қўлланмалар.	Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бажариши мажбурий бўлган ҳужжат.

4-жадвал

ПРЕДМЕТЛИ (БУЮМЛИ) КАСБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

ТИЗИМНИНГ МАЗМУНИ

Предмет (буюм)ли тизим ишлаб чиқаришнинг қўл меҳнатини ишлатишда ва босқичларга (даврларга) ажратилмаган технология ҳукм сурган ҳунармандчилик даврида вужудга келган. Бу даврдаги касб таълимининг мазмуни ўқувчининг айни ҳунарга тааллуқли буюртмани (буюмни) бошдан охиригача ишлаб тамомлашдан иборат бўлган. Келадиган буюртмалар эса бозор талаблари билан аниқланадиган тасодифий буюртмалар бўлган. Асосий ўқитиш методи буюмига қараб ўқитишдан иборат бўлган.

Тизимнинг афзаллиги

Ўқитиш фойдали маҳсулот асосида боради.
Ўқувчи буюмни ишлаш вақтида меҳнат жараёнини унинг тўла ҳажмида ўзлаштириб олади, ўз меҳнатининг мақсади ва натижаси ана шундан иборат деб тушунади.
Тайёр буюмни бозорга сотилиши ўқувчиларнинг моддий манфаатдорлигига сабаб бўлади.

Тизимнинг камчиликлари

Буюмларни тайёрлашда қўл меҳнати ва босқичларга ажратилмаган технологик асос қилиб олинган.
Ўқувчиларнинг меҳнат жарёнини меҳнат савияларига ва операцияларига доир ўрганиш машқлари ўтказмасдан туриб уни тўла ҳажмида ўзлаштиришга мажбур бўлиш.
Тақлид усули ўқувчиларнинг ижодий ривожланишига тўсқинлик қилади.
Ўқитиш аниқ режасиз боради, натижада оддийдан мураккабга ытиб бориш тамойили бузилади, ишда ўринсиз қийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

5-жадвал

ОПЕРАЦИЯЛИ КАСБ-ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
(Слесарлик иши мисолида)

Бажариладиган ишлар	**Слесарлик операциялари**									
	Режалаш	Кесиш (қирқиш)	Тўғрилаш ва эгиш	Металлни қирқиш	Эговлаш	Пармалаш	Резьба қирқиш	Парчинлаш	Шаберлаш	Ишқалаб мослаш
1.Ўқув иши	+									
а) «		+								
б) «			+							
в) «				+						
г) «					+					
д) «						+				
с) «							+			
ж) «								+		
з) «									+	
2. Комплекс ишлар:										
а) гайка калитлари	+	+	–	+	+	+	–	–	–	–
б) квадрат мухрали болға	+	–	–	–	–	+	–	–	–	–
в) омбур	+	–	+	+	+	+	–	–	–	–
г) рейсмус	+	+	+	+	+	+	+	–	+	+

ЭСЛАТМА: 1) (+) ишора айни операциянинг буюмини тайёрлашда борлигини, (–) ишора эса операциянинг йўқлигини кўрсатади.
2) Ёзма матнни қисқароқ қилиш мақсадида жадвалда слесарлик операциялар турлари тўла берилмади.

Асосий мазмуни

Бу ўқитиш жадвали бўйича тайёрлаш айни ҳунарга хос операция сонини ўзлаштиришдан иборат. Ҳар бир операция учун меҳнат амалларини бажаришга доир машқлар серияси ишлаб чиқилган.

Афзалликлари

1. Ҳар щайси операцияни ўзлаштиришдан олдин ме=нат амалларига доир ўрганиш машщлари ўтказилади.
2. Буюмлар сонига нисбатан анча кам сонли операцияларни ўрганиб олиш ўщитиш муддатини щисщартиришга ёрдам беради.

Камчиликлари

1. Операцияларни тегишлича муста=камлаш, кетма-кет ўзлаштириш, илгари ўрнатилган ме=нат, ўщув ва малакаларининг щисман бузилишига сабаб бўлади.
2. Истеъмол щимматига эга бўлмаган буюмлар асосида операцияларни ўрганиш бошда касб-таълимига щизищишни бўшаштириб щўяди.

6-жадвал

ЦИТ КАСБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

Асосий мазмуни

Бу тизимда ўқувчиларга касб-таълими бериш тўрт даврга бўлинади:
Махсус тренажёрлардан фойдаланиб меҳнат ҳаракатлари ва амалларини ўрганиш машқлари.
Меҳнат операцияларини бажаришга доир ўрганиш машқлари.
Ўқувчиларни махсус танланган буюмлар устида илгари ўзлаштирилган меҳнат операцияларини операциялар комплексига бирлаштиришга ўрганиш.
Мустақил давр, бунда ўқувчилар айни касбга доир характерли бўлган буюмларни тайёрлайди.
Ўқувчиларни, айниқса 1-2 даврда ўқитиш олдиндан тузилган инструкцияга амал қилиб олиб борилди.
Ўқувчиларни амалий тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Афзалликлари

Дастлаб меҳнат жараёнини амалий ўрганишнинг «амал – операция – меҳнат» жараёнидан иборат дидактик тўғри кетма-кетлиги ишлаб чиқилади ва татбиқ этилади.
Меҳнат амалларини ва операцияларни ўзлаштиришдан олдин пухта ишлаб чиқилган ўрганиш машқлари серияси ўтилди.
ЦИТ системасида иш ўрнида юксак меҳнат маданияти кўзда тутилган. Ўқитиш жараёнига меҳнатни илмий асосда ташкил этиш кенг татбиқ этилди.

Камчиликлари

Ўқишнинг бутун даврини тўртга ажратиш меҳнат жараёнини сунъий равишда қисмларга ажратишга олиб келди.
Меҳнат амалларини махсус аппаратлар воситасида механик равишда машқ қилиш ўқитишнинг онгли ва ижодий характерда боришига тўсқинлик қилди.
Ҳар бир машғулотни муфассал инструкция тарзида қатъий регламентлаш ўқувчиларда малака ҳосил қилишга тўсқинлик қилди.
Ўқитиш жараёнидаги ишчида ҳосил қилиш воситаси сифатидаги ақлий фаолият ва унумли меҳнатни камситиб баҳоланувчи ЦИТнинг роли пасайтирилди.

7-жадвал

КАСБ-ТАЪЛИМИ ОПЕРАЦИЯ-КОМПЛЕКС ТИЗИМИ
(Слесарлик иши мисолида)

Бажари-ладиган ишлар	**Слесарлик операциялари**									
	режалаш	Кесиш (кирқиш)	Тузатиш ва эгиш	Кесиш	Эговлаш	Пармалаш	Резба кирқиш	Парчинлаш	Шаберлаш	Притиркалаш
1.Ўқув иши	+									
2. Ўқув иши		+								
3. Ўқув иши			+							
4. Ўқув иши				+						
5. Ўқув иши					+					
6.I. Комплекс иш (зубило)	+	+	_	_	+					
7. Ўқув иши						+				
8. Ўқув иши							+			
9. Ўқув иши								+		
10.Ўқув иши									+	
11. Ўқув иши										+
12.II.Комплекс иш	+	+	+	+	+	+	+	_	+	+

Эслатма: 1) (+) ишора айни операциянинг буюмни тайёрлашда борлигини, (-) ишора эса операциянинг йўқлигини кўрсатади.
2) Ёзма текстни қисқароқ қилиш мақсадида жадвалда слесарлик операиялар турлари тўла берилмади.

Асосий мундарижа

Ўқитиш икки босқичдан иборат:
1. 3-5 та операция ўқув характердаги объектларда машқ қилиш йўли билан ўзлаштирилади.
2. Бу операциялар бирон меҳнат объектида комплекс меҳнат тарзида бирлаштирилади. Ҳамма операциялар ўзлаштирилмагунча бу даврлар такрорланаверади.

Афзалликлари

1. Операция босқичига комплекс ишлар киритилиши туфайли билимларни унутиб юбориш ва ўқув ҳамда малакаларнинг бузилиши камаяди.
2. Ҳар қайси операцияни ўзлаштиришдан олдин меҳнат амалларига доир ўрганиш машқлари ўтказилади.

Камчиликлари

1. Ўқитишдаги сунъий тузилган босқичларнинг қатъий жадвали уни (ўқитишни) айниқса операциялар босқичида истеъмол характерида бўлган маҳсулот устида ташкил этишга тўсқинлик қилади.

2. Операциялар босқичининг кўп вақтга мўлжалланиши ва такрорланмаслиги ўқитиш сифатини пасайтиради ва ўқитиш муддати чўзилади.

8-жадвал

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ

Шакллари	*Методлари*
Дарс (амалий машғулот) – ўқув устахоналарида ўқитишни ташкил этишнинг асосий шакли. Ўқувчилар бригадаси. Ишчилар бригадасига қўшилиб ўқитиш (ўрганиш). Ўқувчиларни малакали ишчиларга бириктириш. Ўқувчиларнинг штатли (маош тўланадиган) иш ўринларда амалиёт ўташлари. Ўқувчиларни ўқув цехларида ва корхонада махсус ажратилган участкаларда ўқитиш (ўргатиш). Техника ижодчилигининг тўгараклари. Касб-таълими шаклларига яна қуйидагилар =ам киради: а) фронтал машғулот; б) звенолаб ўқитиш; в) индивидуал ўқитиш; г) бу турларнинг аралашмаси.	Оғзаки усуллар: а) ҳикоя; б) ўқув материалини оғзаки баён қили; в) суҳбат. Кўргазмали усуллар: а) ишлаб чиқаришга экскурсия ўтказиш; б) меҳнат амалларини кўрсатиб бериш. Амалий усуллар: а) машқлар; б) лаборатория-амалий ишлар; в) техника адабиёти, ўқув-техника ва технологияга оид ҳужжатлар устида ишлаш; г) ўқитишда техника воситаларидан фойдаланиш; д) дастурлаштирилган ўқитиш ва контрол-ўргатувчи қурилмалардан фойдаланиш.

9-жадвал

О/ЗАКИ БАЁН ЌИЛИШ МЕТОДЛАР

Сўз – билим олиш манбаларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг билим олиш ва амалий фаолиятини йўналтириш, ўз олдида турган ишларнинг мазмунини, уларни ташкил этиш ва бажариш тартибини тушунтириб бериш воситасидир. Сўз ўқитувчига билимларни ўқувчиларга ўргатиш имконинигина бермасдан, ихтисос (касб)га қизиқишни тарбиялашга, ўрганилаётган фақт ва ҳодисаларни анализ қилиш, умумлаштиришга ўргатишга, мустақил ўйлаб чиқиш ва ўрганиш учун ўқувчилар олдига саволлар қўйишга ҳам имкон беради.

Ҳикоя – ўқув материалини жонли, образли қилиб баён қилиб беришдир. Ҳикоя ва назорат ўқувчиларнинг галдаги ишларига жипс боғланган бўлиши шарт. Ҳикояни дарс мавзусини қисқача умумлаштириб тамомлаш керак.

Ўқув материалини оғзаки баён этиш – ҳақиқий материални изчиллик билан баён қилиб беришдир; ундан мақсад: қоида ва тушунчаларни очиб беришдир. Бунда фактларни таҳлили ва исботлаш катта ўрин олади. Ўқитувчи баёнида ёзмаларидан, ҳисоблашларидан фойдаланади, бунда галдаги ишнинг характери ойдинлаштирилади.

Суҳбат – бунда ўқувчилар ўқитувчининг саволига жавоб беради ёки саволнинг мазмунига мувофиқ сўзга чиқадилар. Суҳбатдан ўрганиладиган материал тўғрисида ўқувчиларда маълум ҳажмда билим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Суҳбат охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштиради.

ОҐЗАКИ МЕТОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Барча усулларга тааллуқли талаблар

Усул тўғри танланган бўлсин.Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини акс эттирсин, мантиқий, ўқувчиларга тушинарли бўлсин.

Ҳикояга нисбатан талаблар

Ҳикоянинг тили саводли, ҳар бир иборанинг тўғри тузилиши ва ойдин талаффуз этилиши шарт.

Оғзаки баёнга нисбатан талаблар

Баён кўргазмали, образли, равон, исботли бўлсин, нутқ ҳаяжони, ойдин бўлсин.

Суҳбатга нисбатан талаблар

Бунда ҳам оғзаки ва ҳикоя қилиб беришга нисбатан қўйиладиган талаблар; бу усулдан ўқувчиларга маълум ҳажмда билим ва тажриба бўлганда фойдаланилади.

Бериладиган саволлар маълум тартибда, ихчам, тушинарли, илгари ўтилган материалга ва суҳбат мавзусига асосланган бўлсин.

Суҳбат аниқ мақсадни тутсин, суҳбатда ҳамма ўқувчилар қатнашсин. Саволни ҳамма ўқувчиларга ташлаш, сўнгра эса жавоб бериш учун ўқувчилардан бири чиқарилади.

10-жадвал

КЎРГАЗМАЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

К ў р г а з м а (намойиш) – шахсан мўнат амалларини кўрсатиш, жиҳозларни, кўрсатма ҳуролларни, ўқув конифилмларини, диафилм ва ҳоказоларни намойиш қилиш демакдир.

Кўрсатиш учун тайёргарлик кўришдаги асосий ишлар

Ўқитувчининг тайёргарлик кўриши.
Зарурий моддий-техникани тайёрлаш.
Ўқувчиларнинг тайёргарлиги.

Асосий талаблар

1.Тушунишни, тўла идрокни таъминлаш.
2. Кўрсатилаётганларга ўқувчиларнинг қизиқишини ва диққатини уйғотиш.
3. Кузатишларга ишнинг кўзини билиб, тўғри раҳбарлик қилиш.
4. Кўрсатишни тушунтириб олиб бориш.
5. Ҳамма ўқувчиларни кўриб туриб зехнга олишини таъминлаш.
6. Идрокнинг сифатини текшириш.

Кўрсатиш турлари

Натурал

Заготовкалар, материаллар, асбоб, дастгоҳ, машина, мосламалар, буюмлар ва ҳ.к.ларни кўрсатиш.

Ясси ва ҳажмий кўргазма ҳуролларни кўрсатиш

Плакат, жадвал, модел, диаграмма,макет ва ў.ш.

Экран ҳўлланмаларни кўрсатиш

Кинофилм, диафилм, диапозитивлар

Мўнат амалларини кўрсатиш

Асбобни ишлатиш. Жиҳозни бошқариш. Ишчининг иш вазияти. ҳаракат турлари; тезлик, куч ҳаракатнинг аниқлиги ва координацияси

Мўнат усулини кырсатиш методикаси

Мўнат усулини тўлалигича ва иш тезлигида кўрсатиш.
Бутун мўнат усулини секинлаштириб ва унинг энг мураккаб элементларини айрим кўрсатиш.
Мўнат усулини иккинчи марта иш тезлигида кўрсатиш.
Ўқувчининг кўрсатилган мўнат усулини ўзлаштириш даражасини текшириш (синаш ишини бажариш)

11-жадвалнинг давоми

КЎРГАЗМАЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Экскурсия – кўргазмали ўқитиш бўлиб, бунда ўқувчилар буюмларини технологик ходиса ва меҳнат жараёнларини, меҳнатини ташкил этишни ишлаб чиқариш шароитида ўрганадилар

Экскурсия тури

Кириш (экскурсияси). Ўрганилмощчи бўлган мавзуга кириш сифатида фойдаланилади

Иллюстрация Мавзуни щрганиш жараёнида щтказилади.

Якуний (экскурсия). Мавзуни, бўлимини, дастурни ўтиб бўлингач ўтказилади

Тайёргарлик

1. Ўтказиладиган экскурсиянинг мақсадини аниқ белгилаш.

2. Кузатиш учун объектларни белгилаб олиш, зарур тушунтиришларни ўйлаб қўйиш.
3. Экскурсия ўтказиладиган жойни олдини бориб кўриш, экскурсияни ўтказиш режасини тузиш.
4. Ўқувчиларни экскурсияга тайёрлаш. Бунинг учун уларга экскурсиянинг мақсади, режани, ўтказилиш вақти ва ҳоказолар айтиб қўйилади.

Экскурсияни ўтказиш

1. Мақсад ва вазифаларни тўлароқ баён қилиб бериш.

2. Бориладиган цех, корхона тўғрисидаги маълумотларни бериб, кузатиш объектларини айтиб қўйиш.
3. Хавфсизлик техникаси тўғрисида суҳбат ўтказиш.
4. Экскурсиядан кейин ўқувчиларнинг жавоб бериши керак бўлган саволларни бериб қўйиш.
5. Экскурсияга раҳбарлик қилиш, изоҳлар бериб бориш, саволларга жавоб бериш, ўқувчиларга саволлар бериб туриш.

Мустаҳкамлаш

1. Якунлаш: кириш суҳбатида қўйилган саволларга ўқувчиларнинг жавобларини эшитиш, фикр алмашишни ташкил этиш, олинган билимларни мустаҳкамлаш.

2. Кузатишларни, ўқувчиларнинг жавобларини ва ёзма ҳисобларини қисқача умумлаштириш.

АМАЛИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

12-жадвал

Машқ – меҳнат ўқувларини шакллантириш ва секин-аста уларни малакага айлантириш учун иш ҳаракатларини онгли равишда ва кўп марта такрорлашдан иборат.

а) Машқлар – касб таълимнинг асосий усулидир.

Машқларнинг турлари	Машқлардан кутилган асосий ўқув вазифалари
1. Меҳнат усулларини бажариш машқлари.	1. Комплекс (биргаликда) ишлатиш тарзида ўзлаштириш қийин бўлган айрим усулларни машқ қилиш. 2. Энг муҳим усул ва ҳаракатларни автоматлаштириши (ўз-ўзидан бажариладиган даражагача машқ қилиш). 3. Турли шароитларда фойдаланиладиган мураккаблаштирилган меҳнат усулларини ўрганиш.
2. Операцияларни бажариш машқлари.	Илгари ўзлаштирилган айрим меҳнат усулларини операцияларни бажаришдаги бутун жараёнда ишлаш (иш усулини танлаш, уларнинг кетма-кетлигини белгилаб олиш, хар хил вариантларни ишлатиш). 2. Иш ҳаракатларини тўғри бажариш.
3. Комплекс ишларни бажариш машқлари.	1. Буюмларни тайёрлашда (иш бажаришда) илгари ўрганилган операцияларни ишлатиш. 2. Ишда аниқлик. 3. Ишда тезлик. 4. Ҳозиргача маълум бўлмаган мураккаброқ меҳнат усул ва операцияларни ўрганиш ва ишда тадбиқ этиш.
4.Ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини мустақил бажариш машқлари.	1. Ўқувчиларда касбий мустақилликни тарбиялаш. 2. Ўз-ўзини назорат қилиш. 3. Ишлаб чиқариш шароитини ўрганиш (маром, суръат, техникавий талаблар, ҳужжатларни тайёрлаш).

Кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни таъминловчи асосий шарт-шароитлар

1. Кўникма ва малакаларнинг онгли, тушуниб туриб ва мустаҳкам шаклланиши.
2. Ўзлаштирилган билимларга таяниш.
3. Хатоларнинг олдини олиш, ўз вақтида тузатиш. Нотўғри иш усулларига қарши кураш.
4. Ўқувчиларга ягона талаблар қўйиш.
5. Топшириқларни босқичма-босқич мураккаблаштириб бориш (энг оддий иш ҳаракатларидан мураккаброқларига ўта бориш).
6. Машқлар учун ажратилган вақтдан тўғри фойдаланиш.
7. Малакалар тамоман шакллангунча машқларни давом эттириш.
8. Ўқувчиларнинг эътиборлилиги.
9. Машқларнинг системали равишда ўтказилиши.

12-жадвалнинг давоми

Амалий таълим методлари

б) лабораториядаги амалий ишлар

Бу хилдаги ишлар турли касб ва ихтисос ишчиларини тайёрлашда тадбиқ этилиши мумкин. Бундай ишлар айниқса энергетикалар, химиклар, назорат ўлчаш асбобларига хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ҳамда автоматика ва ҳ.к. учун слесарлар тайёрлашда хосдир.
1. Ўқувчиларни мустақил ишлатиш методи билан ўқитишда, уларнинг билиб олиш қобилиятини ўстиришда лаборатория- амалий машғулотларнинг аҳамияти ғоят катта.
2. Топшириқ беришда айни ишга тегишли умумий маълумотлар, топшириқни бажаришда ишлатиладиган жиҳоз ва асбоблар рўйхати берилади; топшириқни бажариш ва иш натижаларини якунлаб тахт қилиш тартиби (зарур топилса, хавфсизлик техникаси тўғрисидаги маълумотлар ҳам) кўрсатилади
3. Лаборатория-амалий машғулот берганда ықитувчи ўқувчиларнинг ишини диққат билан кузатиб боради, зарур кўрсатмалар бериб туради.
4. Ишни турлича якунлаш мумкин: жамоавий сухбат, ҳисобларни муҳокама қилиш, группа олган натижаларни умумлаштириш ва бошқача.

в) техникага доир адабиёт устида ишлаш, ўқув **техника ва техника ҳужжатларни ўрганиш**

Ўқувчилар кўпроқ қуйидаги техник адабиёт ҳужжатлаштириш ишлари билан шуғулланадилар:
1. Уйга берилган топшириқларни бажаришда дарслик, қўлланмаларни мустақил ўқиш.
2. Уй топшириқларни бажаришда чизма эскизларини ва технологик жарёнларнинг жадвалларини мустақил чизиш.
3. Ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда чизма, йириқнома ва технологик карталардан моҳирлик билан фойдаланиш (ўқувчиларга ёзма инструкция берилади).
4. Касб таълими дарсларида жадвал, диаграмма, турли маълумотномалардан фойдаланиш.
5. Хавфсизлик техникасига доир, жиҳозлар қаровини ытказиш ва бошқа шу каби йириқномаларни ырганиш.

г) таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш

Бу усул ўқувчиларнинг билимларини, амалий кыникма ва малакаларни ўзлаштиришда назорат қилишга, ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради.
Бу гуруҳтехника воситаларига қуйидагилар киради:
1. Дарсдан ташқари вақтларда турли компьютер ва бошқа қурилмалардан фойдаланиш; бу воситалар ҳаракатларни қатъий тартибда бажаришни ўқувчилар билиш даражасини аниқлашга имкон беради.
2. Бевосита иш ўрнида айни технологик жараённи бажариш учун рационал режим (тартиб) танлашга имкон берадиган турли дастурлаштирилган қурилмалардан фойдаланиш.
3. Бевосита иш ўрнида ўз-ўзини назорат қилиш мақсадида хар хил тренажёрлардан фойдаланиш (слесарлик ишларида сиртларни эговлашда, токарлик станогида шаклдор сиртларни ишлашда, машина, механизм, турли жиҳозларни бошқаришда).

12-жадвалнинг давоми

Амалий таълим методлари

д) дастурлаштирилган ўқитиш ва назорат ўқитиш қурилмаларидан фойдаланиш

Бу усул ўқувчиларнинг дарслик ва қўлланмалар билан мустақил ишлашларини кучайтиради, ўқиш тезлигини оширади, ўқишда ўқувчиларнинг юксак фаоллигини таъминлайди, ўқувчиларнинг тўғри ахборот олишлари учун шароит яратиб бериш билан бирга, қисқа вақт ичида ўқувчилардан тескари ахборотни олишни ҳам таъминлайди.

АСОСИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

1. Ўқиш жараёнида ўқувчиларда билим, ўқув ва малакаларнинг ҳосил бўлиш жараёнини, шунингдек, уларнинг бутун фаолиятини унумли бошқариш.
2. Ўқиш тезлигининг яккаланиши: ҳар бир ўқувчи ўз қобилиятига ва кучига мос тезлик билан ўқийди.
3. Ўқувчи ва ықитувчи орасида тугри ва тескари алоқанинг мавжудлиги. Материални ырганишнинг ва ызлаштиришнинг бориши тўғрисида ўз вақтида маълумот олиб бориш, яъни муттасил равишда ўз-ўзини назорат қилиш, ўқувчиларнинг тўғри иш олиб боришлари, ўзлаштириш сифатини назорат қилиб бериши. Мустақил ишлашга таянган ҳолда ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштириш.
4. Ўқув материалини ўқувчилар кучи етадиган қисмларга бўлиш.
5. Материалнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ахборотга асосланиб, ўқитувчининг ўқув жараёнини ўз вақтида ростлаб туриши.

Махсус ўқитиш воситалари назорат ўқитиш машиналари, тренажер ва энг оддий мослама - назорат варақлари, карточка-топшириқ кабиларни кенг суръатда ишлатиш

Ўқувчилар фаолиятиниг муайян тўғри тартибда боришини таъминловчи махсус ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги.

Дастурлаштирилган ўқитиш усулини таълимнинг бошқа усулларига қарши қўйилмайди, балки у бошқа усуллар қаторида ҳисобланиб, қайси фанларни ва уларнинг қайси бўлимларини ўрганишда энг яхши самарали бўлса, ўша ҳолларда қўлланилади.

Дастурлаштирилган таълим ўқитишнинг самарадорлигини оширадиган муҳим воситалардан бири сифатида қаралади.

13-жадвал

КАСБ ТАЪЛИМИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Касб таълимини режалаштиришдан мақсад	Асосий ҳужжатлар
Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш талабларига мувофиқ равишда, ўқитиш жараённи бир маромда ташкил этиш. Назария билан амалиётнинг боғланишини таъминлаш тамойилга амал қилиш Ўқув режалари ва дастурларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш. Ўқувчиларда юқори савияли билим, кўникма, малакалар ҳосил қилиш, уларнинг янги техникани, замонавий технологияни ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторларининг тажрибасини ўрганишни таъминлаш. Ўқув жараёнини режа асосида моддий-техникавий таъминлаш учун (материалларни, заготовкаларни, асбоб, мослама, жиҳоз, ўқув-техник ҳужжатларни, кўргазмали қуролларни ўз вақтида тайёрлаш учун) шароит яратиш. Ўқув-моддий базадан, ўқув-ишлаб чиқариш устахонасидан, ўқув хўжалиги, жиҳоз ва ҳоказолардан бир маромда фойдаланиш.	Ҳар қайси ихтисос (касб) бўйича ўқувчилар ўқув устахонасида бажарадиган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати. Бевосита ишлаб чиқаришда ўргатиладиган ўқувчилар учун корхоналарда ажратиладиган ўқув амаллари ва бажариладиган ишлар рўйхати (ярим ўқиш йили учун). Ҳар қайси ўқиш гуруҳи учун ишлаб чиқариш режа (бир ойга). Зарур бўлганда ўқувчиларни бир иш ўрнидан иккинчи иш ўрнига кўчириш графиги. Дарс режа (бир кунлик).

14-жадвал

Касб-ҳунар коллежларининг ўқув режаси

МАХСУС ТЕХНОЛОГИЯ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ДАСТУРЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН (ҚЎШМА) МАВЗУИЙ РЕЖАСИ

Режанинг мақсади махсус технология ва касб таълимининг боғланишини таъминлашдан иборат.
Бирлашган-техник режа бажарилиши махсус технология курсини ишлаб чиқариш дастурига нисбатан илгарироқ ёки унга параллел ўтилишини таъминлайди. Ҳар бир касб таълими ўқитувчиси бу ҳужжат билан муфассал танишиб, уни билиб олиши зарур.

Биринчи тоифа

Ихтисос (касб) – слесар-таъмирловчи

Биринчи ярим йил

Махсус технология			Касб таълими		
Ҳафта	Мавзулар	Соат	Ҳафта	Мавзулар	Соат
1	2	3	4	5	6
1	**Умум слесарлик курси**	2	1	**Умумий слесарлик ишлари**	3
1-6	Кириш		1	Кириш машғулотлари	
	Меҳнат гигиенаси ва саноат санитарияси	6		Ўқув устахонасида хавфсизлик техникаси	3
1-2	асослари	4	1	қоидалари, ёнғинга қарши тадбирлар	6
2-3	Ясси текисликларни режалаш	4	1-2	Корхонага экскурсия	12
3-4	4. Металлни қирқиш	4	2-3	Ясси сиртларни режалаш	18
4-5	5. Металлни тўғрилаш ва эгиш	4	3	Металлни қирқиш	12
5-6	Металлни кесиш	6	4	Металлни тўғрилаш ва эгиш	12
7-8	Металлни эговлаш	6	4-7	Металлни кесиш	54
4-9	Пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалаш	6		Ясси сиртларни эговлаш	24
9-10	9. Резьба қирқиш	4	7-8	Пармалаш, зенкерлаш ва разверткалаш	18
10	Парчинли бирикишларни бажариш	4		Резьба қирқиш	12
11	Фазовий релаш	4		Парчинли бирикишларни бажариш	
11-12	Арралаш ва пресслаш.	6	9	Текисликда эгри чизиқли туташ контурларни	12
13	Шаберлаш.	5	10	режалаш	42
14	Притиркалаш ва ишлаб етказиш		11-13	Эгри чизиқли сиртларни эговлаш Комплекс	66
	15. Кавшарлаш, оқартириш ва подшипникларни	4		(бирлашган) ишлар	
14-15	қўйиб тўлдириш (тиклаш).	6	13-17		
	Механизациялашган асбоблар.				

15-жадвал

ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Бу рўйхатда касб таълими дастур ва малака белгилаш характеристикасида кўрсатилган касбий билим, кўникма, малакаларни эгаллаш учун айни ихтисос ўқувчиси қандай аниқ ишларни бажариш кераклиги кўрсатилади.

1. Рўйхатга кирган ҳар бир иш дастурдаги мавзу ўщув вазифаларига мос келиши шарт

2. Рўйхатларни ўқитувчи раҳбарлигида ярим ўқиш йили учун тегишли ихтисос касб-таълими ўқитувчилари ишлаб чиқади.

3. Ишлаб чиқилган рўйхатлар методик кенгаш ёки касб-ҳунар коллежи педагоглари кенгашида кўриб чиқилади ва директор ёки унинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

4. Рўйхатга база корхонаси буюртма марказлаштирилган буюртмадаги ва касб-ҳунар коллежи ихтисосларига хос (кўргазма қуроллар тайёрлаш, жиҳозларни, мосламаларни таъмирлаш ва бошқа) буюмлар киритилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатининг тахминий шакли
(саноат жиҳозининг таъмирловчи қилувчи слесарлар учун)

Дастур мавзулари ва кичик мавзу	Соатлар	Ўқув ишлари	Вақт меъёри (муддатлар)		Буюмларга ўқув-техника талаблари
			Ишчи учун	ўқувчи учун	
10-мавзу. Резьба ўйиш		2118а станокнинг шпилькаси М=10	5	15	Резьба тўла ва тоза бўлиши шарт
Режа	18	Ўша станокнинг М=12 винти	3	10	
а) ташқи резьба ўйиш		Токарлик станогининг М=14болти	5	15	
б) Очиқ ва берк тешикларда ички резьба ўйиш.	16	2118а станогининг сўриш қутиси М=14 ва М=16	40	120	
		2118а станогининг колонкаси, 40 140 гайкалар	7	20	

5. Ўқувчилар корхоналарда, қурилишларда, қишлоқ хыжалигида, транспорт ва бошқа ташкилотларда ықитиладиган былса рыйхат, дастурдаги ҳар бир мавзу ва былимга тегишли иш бажариладиган ықув ырни ёки объекти кырсатилган былиши шарт

6. Рўйхатга кирган ҳар бир иш учун албатта чизмалар, йириқнома ёки технологик карталар ишлаб чиқилган, ишнинг мураккаблик даврига ҳамда тадбиқ этиладиган технологик жараёнга мос ҳолда вақт меъёри белгиланади.

16-жадвал

ТАБИИЙ-ИЛМИЙ ФАНЛАРНИНГ БИРЛАШГАН МАВЗУИЙ РЕЖАСИ

Дастур мавзуларининг қисқача мазмуни						
Махсус технология	*Ишлаб чиқариш*	*Металлар технологияси*	*Физика*	*Математика*	*Химия*	*Чизмачилик*
Кесиш жараёни ва кесувчи асбоб (унинг геометрияси), қиринди ҳосил бўлиш жараёни тўғрисида умумий тушунчалар, кесиш чуқурлиги, суриш ва кесиш тезлиги, кесишдаги куч (зўриқиш), асбобнинг турғунлиги, кесувчи асбобларни турлари кескич, парма ва фрезалар	Станокни кесиш режимига созлаш, асбобни танлаш ва чархлаш, ўқув -ишлаб чиқариш топшириғини бажаришда станокни боқаришнинг тўғри қоидаларини ишлаб чиқиш	Қора ва рангли металлар, уларнинг қотишмалари ва механик хоссалари, металлнинг машинасозликда ишлатиладиган асосий навлари	Қаттиқ жисмларнинг хоссалари (кесиш-қаттиқроқ жисмнинг бошқа юмшоқроқ жисмга ўтишидир), пона, куч, масса ва тезланиш, иш ва энергия	Тақрибий ҳисоблашлар, алгебрик касрлар, тўғри чизиқ ва текисликларнинг фазода параллеллиги, кўп ёқли бурчакларнинг ҳоссалари	Эритмалар, эмульсиялар, минерал ва мойловчи ва совитувчи суюқликлар	Қирқим ва кесимлар

Эслатма: Махсус технология ва касб таълими мавзу методларни механик ишлов бериш мисолига боғлаб олинди.

ҲУЖЖАТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Бу ҳужжатда юқорида санаб ўтилган фанларнинг айрим бўлимлари ва мавзулари орасида боғланиш ўрнатилади. Бу эса ўқитувчи, касб таълими ҳамда махсус технологияни ўрганишда ўқувчиларнинг умумий таълим фанларидан олган билимларидан фойдаланиш учун, аксинча, умумий таълим ўкитувчиларининг табиат қонунларини ўқувчиларга яхшироқ, чуқурроқ тушунтиришлари учун, уларнинг ўз ихтисоси бўйича олинган тажрибаларидан фойдаланиш учун зарур. Бу ҳужжатнинг муваффақиятли амалга оширилиши ўқувчиларнинг ўзи танлаган ихтисос бўйича сифатли тайёрланишни таъмин этибгина қолмай, балки кенг политехник тушунчаларни эгаллаб олишга ҳам ёрдам беради.

17-жадвал

ТАҚВИМИЙ-МАВЗУИЙ РЕЖА

Таквимий мавзуий режалаштириш ўқитувчининг дастур бўйича, касб талимининг ҳар бир дарсига пухтароқ тайёрланишга имкон беради. Ўқув ишлаб чиқариш машғулотларининг сифатини яхшилашга ёрдам беради.

КАСБ ТАЪЛИМИ ДАСТУРИ МАВЗУЛАРИНИ ЎРГАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШИНИНГ ТАҲМИНИЙ СХЕМАСИ

1. Ўқув дастури мавзуси номи, уни ўрганишга ажратилган соатлар сони.
2. Мавзуни ўрганишга ажратилган вақтни йириқнома, машқлар ва ишлаб чиқариш фаолиятига тақсимлаш.
3. Мавзуни айрим дарсларга ажратиш ва ҳар бир дарснинг мақсадини белгилаш.
4. Ҳар бир дарсда ўқувчилар бажарадиган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ва ўрганиш машқларнинг рўйхати.
5. Бажариладиган ишларга қўйиладиган техник талаблар.
6. Мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган ўқув-моддий база (жиҳоз, мосламалар, керак-яроқлар, асбоблар, материаллар, кўрсатма қуроллар, техник ҳужжатлар, ўқитишда ишлатиладиган техника воситалари ва ҳ.к.).
7. Касбга таалуқли назарий фанлардан (махсус технология, металлар технологияси материалшунослик, чизмачилик ва бошқалар) дастурнинг айни мавзуни ўрганишда тадбиқ этилиши ва ўзлаштирилиши зарур бўлган саволлар рўйхати.
8. Айни мавзуни ўтиш муносабати билан ўрганилиши керак бўлган илғор меҳнат методлари, юқори унумли асбоблар ва мосламалар.
9. Дастур мавзусида кўрсатилган ишлар ва ўрганиш машқларини бажаришда хавфсизлик техникаси талаблари.
10. Мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчилар йўл қыйиши мумкин бўлган типик хатолар.
11. Ўқувчиларга бериладиган уй топшириқлари.
12. Мавзуга доир тавсия этиладиган адабиёт (дарсликлар, техник адабиётлар, маълумотномалар).

18-жадвал

КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ НАМУНАВИЙ РЕЖАСИ

I. Режа тузишдан мақсад

1. Ўқувчиларнинг айни дарсга доир материални сифатли ўзлаштиришни таъминлаш.
2. Ўқув материалининг мазмунига мос ҳолда дарснинг турини, тузилишини ва ўқитиш методини тўғри танлаш.

II. Дарс режасига қўйиладиган талаблар

1. Дарс режани алоҳида дафтарга ёзилади ва унга дарс конспекти илова қилинади.
2. Дарс режасига ўқитувчи доимий вазифалари (журнал бўйича текшириш, ўқувчиларнинг ташқи кўринишини текшириб чиқиш кабилар) ёзилмайди.
3. Режада дарснинг ҳар бир элементи ва унга ажратилган вақт аниқ кўрсатилади.
4. Янги материални баён этиш режада равшан ифодаланган, асосий саволлар тарзида ёзилади.
5. Ўқув материалини такрорлашга ва ўзлаштиришга доир саволлар равшан ифодаланади.
6. Дастур мавзусини мазмунига мувофиқ равишда режанинг тузилишининг ўзгариши, яъни режа айрим элементлари туширилиб қолдирилиши мумкин.
7. Дарс корхонада ўтиладиган бўлса, режа айни иш турига доир умумлаштирилган маълумотлар акс эттирилган бўлиши керак.

III. Дарс режасининг тахминий жадвали

1. Дарс ўтказиладиган сана.
2. Дарснинг мавзуси
3. Дарснинг мақсади (равшан ва қисқа ёзилади).
4. Иш объекти (тайёрланадиган буюм).
5. Ўтилган мавзуни сўраш (саволлар).
6. Кириш йириқномаси (янги мавзунинг асосий саволлари).
7. Янги материални мустаҳкамлаш (саволлар рўйхатида).
8. Мураккаброқ меҳнат қоидаларига доир ўрганиш машқлари.
9. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Ўқувчиларнинг иш ўринларини айланиб чиқиш ва камчиликлар ҳақида якка ҳамда умумий кўрсатмалар бериш.
10. Якуний йириқнома (ўқувчилардан иш қабул қилиб олиш, уларни анализ қилиш, баҳо қўйиш). Ўқувчиларга айни дарснинг натижаларини (ишнинг яхши бажарилиши ва ёмон бажарилиши сабабларини кўрсатиб эшиттириш).
11. Уйга топшириқ бериш.

19-жадвал

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАШҒУЛОТГА ТАЙЁРЛАНИШИ

Ўқув йилига тайёрланиш

Касб таълими ва махсус фанлар бўйича дастур ҳамда ўқув календар режаларни, малака характеристикасини ўрганиб чиқиш. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг рўйхатини тузиш, ўқувчиларнинг иш ўринларини алмаштириш жадвалини тузиш. Ўқув устахонасининг жиҳозларини текшириб тартибга солиш, ўз иш ўрнини ташкил этиш.

Тасдиқланган ишлар рўйхатига мослаб, материаллар, асбоб, ярим фабрикатларга буюртма тузиш.

Ўқитиш дастурини мавзулар бўйича ўтишга тайёрлаш

Мавзуларга мослаб педагогик, методик ва техника адабиё-тини тайёрлаш.

Мавзуни ўрганишнинг ташкилий формаларини, усулларини ва ўқитиш ишларининг тарбиявий ишлар билан боғланиш формаларини белгилаб олиш.

Ўқув материалини мавзу, мавзуча ва дарсларга тақсимлаш, уларга доир ўқув мақсадларини белгилаб чиқиш.

Мавзу бўйича ойлик касб таълими режани тузиш. Ўқув- моддий база тайёрлаш.

Дарсга тайёрланиш

Галдаги иш кунига доир ўқув материалини танлаб, тизимлаштириш, машғулот режасини ва кириш йўриқномасини режасини тузиш.

Ўтган дарсни таҳлил қилиб, хатоларнинг олдини олиш чораларини белгилаш.

Айни дарсга доир ва илғор тажрибани акс эттирувчи педагогик, методик ва техника адабиётини ўрганиш.

Илғор иш методларини ўрганиб, галдаги ўрганиладиган опе-рацияларни бажариш учун энг рационал меҳнат қоидаларини амалий ишлаб чиқиш.

Сўраш, мустаҳкамлаш вақтида ва якуний инструктаж вақтида ўқувчиларга бериладиган саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиш.

Ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини, техник ҳужжатларни, иш ва ўлчаш асбобларини, мослама ва жиҳозларни тайёрлаш.

Зарурий кўрсатма қуролларни танлаб, улар кўрсатиладиган вақтни белгилаш.

Таълим шакли ва методини белгилаб олиш.

Дарс тузилмасини ва унинг ҳар бир элементига тегишли вақтни белгилаб қўйиш.

20-жадвал

ЎҐУВ УСТАХОНАСИДА ЎРГАТИШ

Ўґувчиларнинг касбий моҳирлик асосларини ўзлаштириб олиш учун энг маъқул шароит яратиб бериш учун ўґув устахоналари ташкил этилади, бу устахоналарнинг фаолияти бутунича ўґув-тарбия вазифаларига бўйсунади.

ЎҐУВ-УСТАХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҐЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Устахона учун ажратилган бино педагогика, санитария-гигиена ва ишлаб чиґариш-техника талабларига жавоб бериш керак.

Ўґув устахонасининг жиҳозланиши техниканинг замонавий савиясига мувофиґ юксак меҳнат маданиятига мос бўлиши, унда ишлаб чиґариш таълими дастурининг ҳамма мавзуларини ўрганишга имкон бўлиши шарт.

Устанинг группа билан ўґув-ишлаб чиґариш ишларини олиб бориш учун тўла шароит бўлиши шарт.

Ҳар бир ўґувчи учун алоҳида ўрин ажратиш, бу иш ўрни тегишли жиҳоз, ґурол ва мосламалар билан таъминланган бўлсин.

Устанинг иш ўрни мувофиґ жиҳоз, ґурол ва мосламалар билан таъмнланган бўлсин.

Устахонада ўґувчиларнинг ишлаши учун яхши ва хавфсиз шароит яратилган бўлиши, унда етарли миґдорда йириґнома, плакат, ҳар хил ҳажмий ва ясси кўргазма ґуроллар, шунингдек, ўґитишда фойдаланиладиган техника воситалари бўлиши шарт.

Ёрдамчи хоналар (омборхона ва ҳоказолар) ўґув устахонасига яґин жойлашган бўлсин.

Ўґувчиларни ишдан ажратидиган шовґин ва бошґа ташґи сабаблар бўлмаслиги керак.

ЎҐУВ УСТАХОНАСИДА ИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА НИСБАТАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Ўґувчилар ишлаб чиґариш ґимматига эга бўлган ишлар устида, давлат стандартларига мувофиґ чизма ва технологик карталар асосида айни буюмни ишлашга белгиланган меъёрга риоя ґилиб ўґитилади.

Танланган буюмлар ишлаб чиґариш таълими дастурига ва дидактика талабларига тўла мос келиши шарт.

Ишланадиган буюмларга ґўйиладиган техника талабларига ўґитишнинг ҳамма босґичларида ґатъий амал ґилиш ва ўґитиш жараёнида энг илґор меҳнат ґоидаларидан фойдаланиш керак.

Ўґув устахоналарида ишнинг ташкил этилишини меҳнатни илмий асосда ташкил этиш талабларига мос бўлиши керак.

Устахонада ўґитишнинг энг самарали шакллари ва методлардан фойдаланиш, ишлаб чиґариш дарсларида ўґувчиларга меҳнатга ижобий муносабатда бўлишни тарбиялаш учун шароит яратилган бўлиши керак.

21-жадвал

КОМПЛЕКС ИШЛАР ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқитишнинг бу даврдаги вазифалари илгари ўрганилган операцияларда ўзлаштирилган ме=нат ўқувларини такомиллаштириш, технологик жараёнларни тўғри режалаштира билиш, ме=натнинг юқори унумли усулларини ўрганиш, ўқувчиларда табиий мустақиллик ва ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

КИРИШ ЙЎРИҚНОМА

Дарснинг мавзуси ва мақсади эълон қилинади.

Буюмга доир чизма кўриб чиқилади, тегишли технологик талаблар, иш учун белгиланган вақт маълум қилинади.

Ишда қўлланиладиган характерли иш қоидалари ва усуллари кўрсатилади ва буюмни ишлаш ёки ишни бажариш тартиби айтилади.

Иш ўрнини ташкил этиш тартиби ва бу тартибга риоя қилиш шартлари айтилади.

Юз бериши мумкин бўлган носозликнинг сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари айтилади.

Иш жараёнини назорат қилиб бориш усулини тушунтириб кўрсатиб берилади.

Ишни бажариш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик техникаси тўғрисида кўрсатма берилади.

Ўқувчиларнинг кириш йўриқномаси қандай ўзлаштирганликлари текширилади.

Ўқувчиларни иш жойларига қўйилади ва ишлар тарқатилади.

ЖОРИЙ ЙЎРИҚНОМА

Жорий йўриқнома =ам маълум мақсад билан иш амалларини айланиб чиқиш вақтида ўтказилади.

Бунда:

а) иш амалларининг а=волига, асбоб ва жи=озларнинг =олатига;

б) ўқувчиларнинг иш чизмаларини тўғри ўқий билишига, ме=нат қоидаларининг тўғри бажарилишига ва иш асбоблари =амда ўлчаш асбобларидан тўғри фойдалана олишларига эътибор берилади;

в) дарс тугашига 10-15 минут қолганда ўқувчилардан ишлар қабул қилинади, уларга ба=о қўйилади;

г) иш ўринлари йиғиштирилади, тозаланади, асбоб ва мосламалар жойлаштирилиши текширилади.

ЯКУНИЙ ЙЎРИҚНОМА

Ўқувчиларнинг ишда эришган муваффақиятлари таъкидланади. Ўқувчиларнинг типик хатоларига айниқса тўхталиб, уларни йўқотиш чоралари белгиланади.

Ўзлаштириш ба=олари айтилади ва уйга топшириқ берилади.

Эслатма. Ўқувчилар хилма-хил ишларни бажарадиган бўлса, кириш инструктажида бир-иккита хилма-хил иш кўздан кечирилади, яна, айниқса мураккаб иш олган ўқувчиларга индивидуал йўриқнома ўтказилади.

22-жадвал

КАСБ ТАЪЛИМИНИ КОРХОНАДА ТАШКИЛ ЭТИШ

ТАЙЁРГАРЛИК

Уста корхона билан, ишлаб чиқариш характери ва чиқариладиган маҳсулот билан танишади. Ўргатишни (ўқитишни) ташкил этиш шаклларини ва ўргатиш усулларини аниқлайди, ўқувчилар учун ишлар ва иш ўринлари танлайди.

ИШЛАРНИ ТАНЛАШ

Иш объектлари ўз мазмуни жиҳатидан ўқув дастурига мувофиқ бўлиши, айни ихтисос учун типик бўлиши шарт мураккаблиги жиҳатидан эса ўқувчилар малакасининг ривожланиш босқичига мос келиши, характери жиҳатидан хилма-хил бўлиши керак.

Ишларни бажариш технологик жараёни ўқувчиларнинг юксак унумли меҳнат усулларини эгаллаб олишга, энг янги асбоб ва мосламаларни қўлланишга изчиллик билан меҳнат

ИШ ЎРНИНИ ТАНЛАШ

Иш ўринлари айни ихтисос характерига қараб танланиши, унинг жиҳозланиши техника ва ишлаб чиқаришнинг замонавий даражасига мувофиқ бўлиши шарт.

Иш ўрнида бажариладиган иш ҳажми ўқувчининг иш билан тўла банд бўлишини таъминлаши шарт.

Ўқувчиларнинг ҳам, кадр ишчиларнинг ҳам иш ўринларини материаллар билан асбоб-мослама, транспорт воситалари ва шу кабилар билан таъминлаш керак. Буларнинг ҳаммаси хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси талабларига тўла жавоб бериши зарур.

РАСМИЙЛАШТИРИШ (ШАРТНОМА ТУЗИШ)

Касб-ҳунар коллежи ва корхона орасидаги шартнома касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти тўғрисида мавжуд қоидага мувофиқ тузилади. Шартномада амалиётдан ўтиш керак бўлган ўқувчилар сони белгиланади.Ўқувчилар қайси иш ўринларида ва қандай мақсад билан ишлашлари белгиланади. Ўқувчилар шартноманинг мазмуни билан таништирилади. Ўқувчилар иш ўринларига тақсимланади, ҳар бир иш ўрнида ишни бажариш характери ва шарти билан таништирилади.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КОРХОНАЛАРДА ЎҚИТИШДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Бу взифалар ўқувчиларнинг ўқув устахоналарида ва полигонларда олган билимларини, ўқув ва малакаларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш - такомиллаштиришдан, хилма-хил жиҳоз ва энг янги мосламалар, махсус асбоблар ҳамда илғор технологияни қўллаб, амалда илғор иш қоидаларини ва усулларини эгаллашдан иборат;

- юксак унумли меҳнат ўқувларини ўстириш, иш меъёрини малакали ишчилар қаторида бажаришдан;
- ўқувчиларда касбий мустақиллик, топширилган иш учун масъулият туйғусини тарбиялашдан;
- ўқувчиларни корхона ҳаётига, ишчилар жамоасига ва ишлаб чиқариш шароитига кыниктириш;
- ишлаб чиқариш шароитида амалий тажриба орттиришдан иборат.

22-жадвалнинг давоми

ТАЪЛИМ ШАКЛИНИ ТАНЛАШ	УСТАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ
1. Дарс. 2. Ўщувчилар бригадаси. 3. Малакали ишчилар бригадасида. 4. Штатли иш ыринларида. Ишлаб чиқариш дастурини тўларощ ўтиш учун ўщувчиларнинг бир иш ўрнидан иккинчи иш ўрнига, бир хил ишдан иккинчи хил ишга ўтиб ишлаш графиги тузилади.	Бу вазифалар касб таълими дастури талабларига мувофиқ равишда ўқитишдан; – корхонада ўқитишни ташкил этиш учун белгиланган режим ва тартибга риоя қилишдан; – бирон мавзуни бутун гуруҳ билан бир вақтда бошлаш ва мумкин қадар бир вақтда тамомлашни таъминлашдан; – кириш, жорий ва якуний йириқномани амалга оширишдан, шунингдек, бригада, группа усулида ва таълимнинг индивидуал шаклларини тадбиқ этишда; – корхона ходимлари билан доим алоқада бўлиш, ўқувчилар бирикитирилган бригадир ва ишчиларни касб таълими дастурининг тегишли талабларидан хабардор қилиб туришдан; – ўқувчиларнинг кундалик дафтарларини доим текшириб, улар бажарган иш характери билан касб таълими дастурининг мос келишини назорат қилиб туришдан иборат. – Зарур топилса, ўқувчиларнинг касб таълими дастурини тўлароқ ўтишини таъминлаш мақсадида, уларни бир иш ўрнидан иккинчи иш ўрнига ўтказиб турилади. – Уста цех кенгашларига қатнашади, цехнинг бутун иши тўғрисида хабардор бўлиб туради, ўқув ишлаб чиқариш амалиётини яхшироқ ташкил этишда цех ходимларига ёрдам бериб туради. Шунингдек, уста цехнинг ижтимоий ташкилотлари билан яқиндан алоқада бўлади, цехдаги жамоатчилик ишларига ўқувчиларни актив иштирок эттиради. Гуруҳда тизимли равишда ишлаб чиқариш кенгашлари ўтказиб, унга корхона ва цех ходимларининг қатнашишини таъминлайди.

23-жадвал

КОРХОНАДА КАСБ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАКЛЛАРИ

1. Дарс

Корхонада ўқитишнинг асосий шакли - дарсни ўқув цехларида махсус ажратилган жойларда гуруҳдаги барча ўқувчилар билан бирга ўтказишдир. Бу шакл ишлаб чиқариш ва таълим вазифаларини энг самарали равишда бирлаштириб амалга оширишга имкон беради. Ўқув устахонасида ўтказиладиган дарснинг барча элементларини ҳам ташкил этади. Бу формага мувофиқ, машғулотлар ишлаб чиқариш участкаларида ёки ўқув ишлаб чиқариш цехларида

2. Ўқувчилар бригадалари

Афзаллиги. Ўқувчиларда масъулият туйғуси тарбияланади, мустақиллик, жамоа бўлиб ишлаш элементлари вужудга келади; кўникма ва малакала мустаҳкамланади, уларнинг ишлаб чиқариш меҳнатида иштирок этишини ҳамда моддий манфаатдорлигини кўзда тутади. Бунда уста йириқнома ўтказиш, меҳнат усулларини амалда кўрсатиш имконига эга.

Камчиликлари. Ўқувчилар маълум даражада ишчилар жамоасидан ажралган, шу туфайли малакали ишчиларнинг илғор меҳнат тажрибаларини бевосита иш жараёнида ўрганиб олиш имконидан маҳрум бўладилар.

Бунда устанинг иш шароити ҳам мураккаблашади, чунки у таълим, ташкилий ва ишлаб чиқариш мақсадларини улар бир-бирига мос келмай қолган ҳолларда ҳам бир вақтнинг ўзида ҳал қилиши керак бўлади.

3. Малакали ишчилар бригадаларини ўқитиш

Корхонада ўқувчилар бригадаларини ташкил этиш мумкин бўлмаган, ёки буни ташкил этиш мақсадга мувофиқ келмаган ҳолларда бу шаклдан фойдаланилади.

Афзалликлари. Ўқувчилар хилма-хил ишлаб чиқариш топшириқларини бажарадилар. Бу шакл ўқувчиларнинг ишчилар билан бевосита ёндошиши асосида ишлаб чиқариш илғорларининг илғор меҳнат қоидалари ва усулларини бевосита ўрганиб олишга имкон беради; умумгуруҳ учун кириш ва якуний йириқнома дастурнинг бутун бир мавзуси бўйича ўтказилади.

Камчиликлари. Ҳар бир ўқувчига нисбатан методик раҳбарлик сусаяди, чунки унга раҳбарлик қилувчи малакали ишчининг методик тайёргарлиги кўпинча етарли бўлмайди.

4. Штатли (маошли) иш ўринларида ишлаб чиқариш амалиёти

Ўқувчилар ўз ихтисосларига доир кыникма ва малакаларни мустаҳкамлайдилар; цех устаси ва бригадирдан йириқнома оладилар; ўқувчилар ҳам ишчилар учун белгиланган иш меъёри, вақт меъёрини бажаришга мажбур бўладилар; ўқувчилар бажарган ишни ёки тайёр маҳсулотни техник назорат бўлими қабул қилади; ўқувчилар корхона иш тартибига ўрганиб қолади. Амалиёт одатда, ўқувчилар кейинчалик доимий ишлаб кетадиган корхоналарда ташкил этилади.

24-жадвал

КАСБ ТАЪЛИМИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА УСТАНИНГ ҲИСОБОТИ

Ишларни ҳисобга олиш таълим-тарбия ишларининг сифатини яхшилаш тадбирларидан биридир.

Ҳисобга олишдаги вазифалари

1.Ҳисобга олиш индивидуал ва ҳар тарафлама бўли-шини. 2 Ҳисобга олиш ўз вақтида, тизимли боришини. 3. Ҳисобга олиш объективлигини таъминлаш.

Ҳисобга олишга нисбатан асосий талаблар

1) ўқитишнинг боришини назорат қилишдан;
2) илгари ўтилган материалларни системали равишда такрорлаб бориш; янги ўтилганларни эса мустаҳкамлаб боришдан;
3) ўқувчиларда ўз билим, кўникма ва малакалари сифати учун масъулият туйғусини тарбиялашдан;
4) устанинг ишларини таҳлил қилишдан иборат.

Нималар ҳисобга олинади?

Ўқув режа дастурнинг бажарилиши; ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг ва ишлаб чиқариш таълимининг бажарилиши; ўқувчиларнинг билим, ўқув ва малакаларининг савияси ва ниҳоят, ўқувчиларнинг дарс машғулотларга қатнови ҳисобга олинади.

Иш қоидалари ва усулларининг тўғрилиги, иш ўрнининг ташкил этилиши ва ишнинг сифати, техникавий талабларга амал қилиш, билимларини амалда ишлата билиш, ишда мустақиллик даражаси, белгиланган вақт нормасини (маҳсулот бериш вақтини) тўғри бажариш, хавфсизлик техникасига амал қилиш мана буларнинг ҳаммаси ҳисобга олиш элементлари жумласидандир.

Ҳисобга олиш турлари

Жорий (машғулот ваҳтида) ҳисобга олиш

Кузатиш, ўқувчиларнинг галдаги ишларини текшириш, оғзаки ва ёзма сўроқ.

Оралиқ (ойлик, ярим йиллик) ҳисобга олиш

Ўқув материалининг аниқ бўлим ўтиб бўлингач ёзма иш, тест сўрови, мустақил иш шаклида ўтказилади.

Якуний ҳисобга олиш (йиллик ва бутун ўқиш даври бўйича)

Битирув-малакавий иш, назорат ишлари, Давлат имтихонларидан савол-жавоб

ҲИСОБГА ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ишлаб чиқариш таълимини ҳисобга олиш журнали.

Ишлаб чиқариш амалиёти кундалик дафтари, режа топшириқлар, ўқувчиларнинг иш ўринларини алмаштириш графиги.

Ҳисобга олиб бориш натижалари ва ҳисобга олишга доир барча ҳужжатлар эҳтиёткорлик билан сақланиши, касб-ҳунар коллежининг келгуси ишларида фойдаланилиши керак.

УСТАНИНГ ҲИСОБОТИ

Уста ўқув режа, дастурнинг ишлаб чиқариш таълими режанинг бажарилиши, ўқувчиларнинг ойлик вақт меъёри (буюм тайёрлаш вақтининг) бажарилиши, ўқувчиларнинг улгуриши, давомати, интизоми тўғрисида, синфдан ташқари ишлар ва ўқувчиларнинг ижтимоий ишларда қатнашиши тўғрисида ҳисобот беради.

25-жадвал

НАЗОРАТ ИШЛАРИ

Ишлаб чиқариш таълимини даврий равишда ҳисобга олиб бориш турларидан бири дастурнинг ўрганилган бўлими ва мавзулари юзасидан назорат ишлари ўтказишдир. Бунда ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари текширилади ҳамда уларнинг техникага доир билим, кўникма ва малакаларининг савиясини, назорат топшириқни мустақил равишда бажара олиш даражасини аниқлаш мақсад қилиб қўйилади.

НАЗОРАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўқувчиларнинг иш амалларини тайёрлаш; заготовка ва ярим фабрикатлар олиш, уларнинг яроқли ёки яроқли эмаслигини аниқлаш;
- асбобларни мосламалар ва техника ҳамда технология ҳужжатларини тайёрлаш;
- гуруҳлар бўйича назорат ишлар ўтказиш графигини тузиш;
- ассистентлар тайинлаш.

НАЗОРАТ ИШНИ ЎТКАЗИШ

- назорат ишига нисбатан қўйиладиган шарт ва талабларни ўқувчиларга тушунтириш;
- ўқувчилар назорат ишларини мустақил бажаради;
- ўқувчилар назорат ишларини бажарганда, уста ва ассистентлар уларни кузатиб, юз берган камчилик ва яхши томонларини тегишли варақаларга ёзиб борадилар;
- бажарилган ишларни ўқувчилардан қабул қилишда уста турли саволлар бериб, ўқувчининг ўз назарий билимларини амалда татбиқ эта билиш-билмаслигини аниқлайди;
- қабул қилинган ишлар бўйича ўзлаштиришни баҳолаш мезонларига амал қилиб уста томонидан баҳоланади.

ЯКУНЛАШ

Назорат ишларини таҳлил қилишга асосланиб, уста қуйидагиларни аниқлайди;

а) ўқувчилар томонидан қандай умумий ва якка (айрим ўқувчиларда юз берган) хатоларга йўл қўйилган;

б) аниқланган хатоларни йўқотиш учун қандай чоралар кўрилиши керак.

Назорат ишларнинг якунлари методик кенгаш мажлисида муҳокама қилинади ва ўқувчиларда юз берган хатоларни, устанинг ишида юз берган камчиликларни йўқотиш тадбирлари белгиланади.

26-жадвал

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирув-малакавий иш - ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимига доир билимларини, меҳнат, ўқув ва малакаларини якуний ҳисобга олиш шаклларидан биридир.

БУ ИШДАН МАҚСАД

1) ўқувчиларнинг ўрганиладиган технологик жараёнларни, меҳнат операцияларини, бу операцияларнинг комплексини ўзлаштиришини текширишдан;
2) иш амалларида топшириқларни мустақил бажаришга тайёргарлик даражасини аниқлашдан;
3) айни малака даражасига тегишли ишларни мустақил бажара олиш-олмаслигини текширишдан;
4) ўзи танлаган ихтисосга мувофиқ замонавий техника, технология ва илғор меҳнат қоидаларини эгаллаш даражасини аниқлашдан;
5) олган назарий ва техник билимларини ва илғор меҳнат усулларини ҳамда технологик жараёнларни амалда тадбиқ эта билиш-билмаслигини аниқлашдан иборат.

ИШЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ

1) битирув-малакавий иш учун деталлар, узеллар, буюм ёки ишлар айни ихтисосга мос бўлиши, малака тавсифномасига ҳамда белгиланган малака даражасига мувофиқ бўлиши шарт;

2) бажарилган ишни баҳолашда талабчанликка асосланиш ва ҳолис бўлиш шарт;

3) малака тайинлаш ишининг натижаларига асосланиб, ўқувчи талаб этилган малакага эришганми, зарурий меҳнат ўқувчилар ва малакаларини эгаллаганлик даражаси аниқланиши керак.

битирув-малакавий ишига баҳо қўйишда комплекс ишларни баҳолаш мезонларига амал қилинади.

Ўқувчига касблар класссификаторига мувофиқ малака белгиланади

27-жадвал

КАСБИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ЎҐУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШИНИНГ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ўґувчиларнинг ишлаб чиґариш таълимига доир билимларни, ўґув ва малакаларни ўзлаштиришдаги асосий кўрсаткичлар ґуйидагилардан иборат:

а) меҳнат ґоидаларининг ва меҳнатни ташкил этишнинг тўґрилиги;

б) ўґув-ишлаб чиґариш ишларининг сифатига нисбатан техник талабларга амал ґилиш;

в) белгиланган ваґт нормасини (ишни бажариш ваґти нормасини) бажариш;

г) топшириґни мустаґил бажариш даражаси.

Бу кўрсаткичларнинг аҳамияти мавзудаги ёки айрим топшириґдаги ўґув-тарбия вазифаларига мувофиґ равишда турлича бўлиши мумкин. Буни ґуйидаги жадвалдан кўрса ҳам бўлади.

Балл (баҳо)	Топшириққа доир техник талабларга амал қилиш	Вақт меъёри (буюм ишлаш меъёрини) бажариш	Меҳнатда рационал қоидаларни ўзлаштириш, иш ўрнини тўғри ташкил этиш, ишда мустақиллик даражаси
1	2	3	4
5	Иш белгиланган техник талабларга мувофиқ равишда аъло бажарилган	Иш учун белгиланган вақт меъёри бажарилган ва орттириб бажарилган	Ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда рационал меҳнат қоидалари пухта ўзлаштирилган, қоидалар турли кўринишдаги ишларда эркин ва бехато қўлланилган. Меҳнат ва иш ўрни тўғри ташкил этилган. Иш мустақил бажарилган.
4	Иш техник талабларга мувофиқ яхши бажарилган	Иш учун белгиланган вақт меъёри бажарилган	Ишлаб чиқариш операциялари ёки ишларнинг асосий қоидалари етарли даражада пухта ўзлаштирилган. Иш устанинг айрим ҳолларда озгина ёрдами билан мустақил бажарилган.
3	Иш устанинг кўрсатмалари натижасида техник талаблар чегарасида қониқарли бажарилган	Белгиланган вақт меъёри бажарилган	Ишлаб чиқариш операциялари ёки ишларида айрим қоидалар пухта ўзлаштирилмаган. Меҳнатни ёки иш ўрнини ташкил этишда айрим хатоларга йўл қўйилган. Ишда мустақиллик тўла эмас.

28-жадвал

МЕТОДИК ИШЛАР ШАКЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш усталари билан олиб бориладиган методик ишларга доир муҳим вазифалардан бири уларнинг методик малакасини оширишдир. Касб-ҳунар коллежларидаги методик ишлар икки хил: мустақил методик ишлар ва жамоавий методик ишлардан иборат.

МУСТАҚИЛ МЕТОДИК ИШЛАР

Методика, педагогика ва психология, техникага доир адабиётлардан танланган ихтисосга тегишли материалларни ўрганиш.

ЖАМОАВИЙ МЕТОДИК ИШЛАР

- Амалиётлар
- Педагогик кенгаш
- Метод бирлашмалари
- Педагогик ўқувлар
- Семинарлар
- Методик-йўриқнома кенгашлари

Касб-ҳунар коллежидаги касбий педагогика хонаси

Бу хонада ташкил этиладиган ишлар:

1) усталарнинг педагогик тажрибаларини жорий қилиш мақсадида педагогик семинарлар ташкил этиш;
2) усталар билан ишлаб чиқаришдаги янги техника ва янги технологияни тадбиқ этишга доир меҳнат қоидаларини амалий эгаллаб олишга бағишланган амалиёт;
3) машғулот ва очиқ дарсларга ўзаро қатнашиш;
4) педагогик ўқувлар;
5) умумтехника, педагогика ва махсус масалаларга доир лекциялар;
6) инструктив-улубий кенгашлар;
7) айни билим юрти ҳодимларининг ишлаб чиқариш маърузалар, бошқа таълим муассасаларининг ықитувчи ва усталари билан учрашувлари;
8) ёш уста дарс ытказиш;
9) раҳбарлар учун педагогик мавзуларда маъруза ўтказиш.

29-жадвал

КАСБИЙ ТАЪЛИМ УСТАСИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИ

Тарбия ўќувчи шахсини жамиятдаги мећнат ва касбий фаолиятига тайёрлашнинг объектив-ќонуниятли жараён.
Уста гуруђда тарбиявий ишларни икки йўл билан амалга оширади:
а) ишлаб чиќариш таълими жараёнида;
б) дарсдан ташќари ишларида.

ИШЛАБ ЧИЌАРИШ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА

Ўз ихтисосига муђаббатга ва мећнатга ижодий ќараш туйѓусини сингдириш.

Мећнат маданиятини ва ижтимоий мулкка муносабатда тарбиялаш.

Ишлаб чиќариш асосида ташкил этилган ишлаб чиќариш таълими даврида ўќувчиларнинг мусобаќада ќатнашиши тарбиянинг таркибий ќисмидир.

Ватанпарварлигини, жамоавийлик, дўстлик ва ђамкорликни тарбиялаш.

Онгли интизом туйѓусини тарбиялаш.

Ўќувчиларга нисбатан ќаттиќ талабчанлик ва уларни топшириќларни бажаришларини назорат ќилиш.

Раѓбатлантириш (таќдирлаш) ва ўз ўринида жазо ђам ишлаб чиќариш жараёнида ёш авлодни тарбиялаш воситасидир. Устанинг шахсий намунаси ва обрўси.

ДАРСДАН ТАШЌАРИ ИШЛАРДА ТАРБИЯ МЕТОД ВА

Маънавий-маданий ахборот, суђбат ва маърузалар ўтказиш.

Савол-жавоб кечалар, мунозара ва дискуссиялар ўтказиш.

Ўќувчиларнинг ишлаб чиќариш илѓорлари, фан ва маданият арбоблари билан учрашувларини ташкил этиш.

Техника тўгараклари, санъат ђаваскорлик тўгараклари ва спорт секцияларига ќатнашиш.

30-жадвал

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Ижодкорлик фаолияти бўлажак касб эгаларини билимларни кенгайтиради, уларнинг тафаккурини ривожлантиради, ихтирочилик ва рационализаторликка ҳавас уйғотади.

ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ

ТЎҒАРАК ИШЛАРИ

Техник ижодчилик, ихтирочи ва жамоатчи конструкторлар тўгараклари.

КЎРГАЗМАЛИ ТАРҒИБОТ

Фан -техниканинг илғор ютуқларини, ижодкорлик фаолиятини тарғиб қилувчи ўқув қўлланмалар, журнал ва бошқа даврий матбуот нашрлари

ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Корхонадаги ишлаб чиқариш илғорлари, муҳандис, техник ходимлари билан учрашиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, ижодкорлик фаолиятига доир маъруза ва суҳбат ҳамда саёҳатлар

Халқ хыжалиги ва касбий фаолият соҳасига оид муаммоларни муҳокама қилишга оид баҳс ва мунозаралар ўтказиш, ижодкорлик сифатларини намоён қилишга оид мусобоқалар, олимпиада ва викториналар

АДАБИЁТЛАР ВА БОШҚА МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ

Китобхоналар анжуманлари, маълум мавзуга оид китоблар кўргазмаси, ижодкорлик фаолиятига оид тавсия қилинган манбалар рўйхати

ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ДОИР КЎРГАЗМАЛАР

Шаҳар, вилоят республика кўргазмалари ва танловлари учун ижодкорлик фаолиятининг энг қимматли намуналарини танлаш

ЖАДВАЛЛАРГА ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1-ЖАДВАЛГА

Ўқитувчи касбий таълим педагогикасини ўрганар экан, «билимлар», «ўқувлар», «кўникмалар», «ихтисос», «ҳунар», (муттахасислик), «малака» («квалификация») ва шу каби тушунчалар билан ўқувчиларни жадвалдагидан ҳам мукаммалроқ таништиришни, буларга доир мисоллар келтиришни кўзда тутиши керак. Ўқувчилар ўрганиладиган касбий тушунчаларни қуруқ ёдлаб олмай балки тушуниб, пухта ўзлаштириб олсинлар.

2- ЖАДВАЛГА

Таълимнинг асосий дидактик тамойиллари ўрганилар экан, уни ўзи нимадан иборат эканини ойдинлаштириш зарур. Дидактика амали деганда: таълимнинг асосини ташкил этувчи, унинг барча жиҳатлари, яъни мазмунини, таълимнинг ташкилий шакллари ва методларини белгиловчи дастлабки қоидалар тушунилади. Сўнгра, дидактик тамойилларни умумий дидактика амалларининг таркибий қисмидан иборатлигини эътиборга олиб, мисоллар ёрдамида махсус таҳлил воситасида касбий педагогик таълим тамойилларининг ўзига хослигини ойдинлаштириш зарур.

Мисол тариқасида кўргазмалилик тамойилини олиш мумкин. Бу тамойилнинг жадвалда, берилган тавсифини аниқлаб олгандан кейин, кўргазмалиликнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришдаги ўрнини аниқлаш зарур. Кўргазмалиликнинг энг асосий вазифаси сезги идрокини тафаккур билан боғлаш, уйғунлаштиришдан иборат. Кўрсатиш (намойиш қилиш) дан олдин ўқувчиларга ҳозир уларнинг нимани кўришини, унда нимага эътибор бериш кераклигини тушунтириб бериш зарур. Масалан, токарлик винт қирқар станогининг тузилиши ва ишлаш принципини тушунтиришда ўқувчиларнинг тафаккур фаолиятини фаоллаштириш ва дарсга қизикишини кучайтириш мақсадида станокнинг умумий кўриниши плакатидан ва унинг кинематик схемасидан фойдаланиш мумкин. Таълимда кўргазмалилик ўқувчиларга билимларни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Агар ўқитувчи фақат плакат ва схемаларни кўрсатиш билангина кифояланиб қолса, кўргазмали ўқитишдан кўзда тутилган вазифа тўлақонли ҳал этилмаган бўлар эди. Ўқувчиларни токарлик станогининг аниқ (ёки буюм намунаси) билан, унинг тузилиши ва ишлаши билан таништириш ҳам зарур. Буни эса саёҳат вақтида ёки ўқув устахонасидаги амалий машғулотларда амалга ошириш мумкин. Тўғри тайёрланган буюм намунаси бу ерда чизманинг, уни тайёрлашга доир технологик картаси ва унга тегишли техник талабларнинг ўрнини босолмайди, лекин улар учун зарурий тўлдиргич бўлади. Бу эса айниқса ўқишнинг биринчи даврида ғоят муҳимдир, бу даврда ўқувчииларда буюмнинг геометрик шакллари, аниқлик синфлари ва сиртларни ишлаш тозалиги тўғрисида етарли тасаввур бўлмайди.

Бирон операцияни бажариш вақтида айрим қийин қоидаларни амалда кўрсатиш ҳам кўргазмалиликнинг таркибий қисмидир. Бу ишни бошда иш

темпида, сўнгра эса операциянинг айрим қисмларини секинлаштирилган темпда кўрсатиш лозим. Ўқитишда ана шундай тартиб шунинг учун керакки, бу амалларни фақат иш темлида кўрсатиладиган бўлса, уларни идрок қилиш ва тез ўзлаштириш қийинлашади. Дастурнпнг ўрганиладиган мавзусига) қараб, диафильм ва ўқув фильмларидан ҳам кўргазма қурол воситасида фойдаланиш мумкин. Ўқув фильмлари технологик жарёнларни, жиҳоз, мосламалар ва асбобларнинг ишлашини тўла кўламда намойиш қилиш, қўлланиладиган меҳнат қоидаларини харакатг кўрсатишга имкон беради, бу эса жадал ёки чизмага қараб тушунтиришдан кўра самарали бўлади.

Шундай қилиб, дидактик тамойиллар билан танишар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу тамойиллар алоҳида кўриб ўтилсада, улар орасида жипс боғланиш мавжуд, бу тамойиллар тизимидан фақат биттасини қўллаш билан чегараланиб таълим жараёнини ташкил этиш мумкин эмас. Фақат биргаликда, муайян бир тизимда, мақсадга мувофиқ биргаликда ишлатилгандагина улар таълимни тўғри ташкил этиш имконини беради.

3- ЖАДВАЛГА

Энг аввало ўқитувчи ўқувчиларни касбий таълим таълимнинг мазмуни билан таништириши зарур: ишлаб чиқариш таълими ўқувчиларнинг унумли меҳнати билан биргаликда умумий билими, умумтехник ва махсус тайёргарлигидир. Сўнгра жадвал ёрдамида элементларни алоҳида- алоҳида ўрганиш зарур. Масалан, малака (квалификация) характеристикаси айни ихтисосга нисбатан ишлаб чиқариш томонидан қўйиладиган талаблар асосида белгиланади, бунда тегишли тоифа ишчисининг назарий ва амалий тайёгарлик савияси ҳам ҳисобга олинади. Бирор аниқ малакани муфассал кўриб чиқиб, ўзи танлаган ихтисосига тегишли малакани олиш учун имкон берувчи кам ҳажмда, бу ихтисосга назарий билимларга, амалий кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозимлигини аниқлаб олиш керак.

Таъкидлаб жоизки, малака тавсифномаси абадий, ўзгармас бир нарса эмас. Унда тегишли ихтисос ишчиси ишлаб чиқариш характеристикасида мумкин бўлган барча ўзгаришлар (қўшимча ихтисосни эгаллаш, ишлаб чиқариш қуролини ва иш усулларини такомиллаштириш ва шунга ўхшашлар) акс эттирилган бўлиши керак.

Бу маънода тегишли таълим муассасаларида ўқиладиган фанлар, уларни ўқув йилларига тақсимлаб ўрганиш тартиби, ҳар бир фанга ажратилган соатлар сони, шунингдек, ҳар ҳафтага тегишли соатлар сони кўрсатилган. Ихтисос ва ҳунар турига кўра, шунингдек, таълим муассасасининг турига ва ўқувчиларнинг билим савиясига мувофиқ ўқув режасида алоҳида ўзгаришлар бўлади, бу дастурнинг тушунтириш хатида баён этилади.

Дастурни таълим муассасаларининг раҳбарлари ҳам, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари ҳам ўзгартира олмайди, таълим муассасалари учун уни тўла бажариш мажбурийдир.

Касбий таълим дастурии қуйидаги қоидаларга асосланиб тузилади:

а) илмийлик ва методикага тўла амал қилиш;

б) фан-техниканинг замонавий ютуқларни, ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибаларини акс эттириш;

в) ўқув материалини тизимли баён этиш;

г) таълимни унумли меҳнат асосида ва унумли меҳнат жараёнида олиб бориш;

д) ўқув материалини ўрганишда айрим фанлар ва ўқиш даврларининг ўзаро боғланишини ва ўзаро ёрдамини таъминлаш;

ж) замоний ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ асосий касбий билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашни таъминлаш.

4- ЖАДВАЛГА

Дастлаб предмет (буюм) асосида ўқитишнинг жадвалда баён этилгани асосий мазмуни билан танишиб чиқилади.

Қунармандчилик даврида инсониятга ҳали меҳнатнинг турли операцияларга ажралиши маълум бўлмаган, шунинг учун шогирдларга ҳам бу нарсалар тушунтирилмаган, албатта. Шогирдлар малакалироқ ҳунармандларнинг ишни қандай бажаришини узоқ вақтлар давомида кузатиб бориб, уларнинг маҳоратига тақлид қилиб ўрганганлар. Аммо таълимда оддий тақлид методи меҳнат жараёнини, унинг операцияси ва меҳнат усули каби элементларини тушунишга имкон бермаган. Шунинг учун ҳам шогирдлар ишдаги анча катта қийинчиликларни енгишга, бутун диққат-эътиборларини беришга мажбур бўлиб, ўзларининг иш вазиятларининг тўғрилигини назорат қилиш, асбобни тўғри ушлаш, меҳнат ҳаракатларини уйғунлаштириш имконидан маҳрум бўлганлар.

Шундан кейин, предмет (буюм)ли касб таълими тизимининг схемада баён этилган афзаллик ва камчиликларини кўздан кечириш лозим.

5-ЖАДВАЛГА

Бу тизимнинг асосий мазмунини ўрганишни бошлашдан олдин ишлаб чиқариш таълимининг операция тизими вужудга келган тарихий шартларга тўхталиб ўтайлик. Маълумки, ҳунармандчилик ўрнини эгаллаган мануфактура ишлаб чиқаришига оид қуролларининг тез суръат билан ривожланиши ҳамда такомиллашиши хосдир. Бу даврда маҳсулот тайёрлаш айрим операцияларга ажралади, кишининг меҳнати эса айрим иш қоидаларига ажралади ва шунинг билан меҳнат унумдорлиги ошади. Демак, ишлаб чиқариш таълимининг операция тизими фақат инсоният меҳнат тақсимоти соҳасида етарли даражада тажриба тўплагач, ҳунармандларга нисбатан эҳтиёж йўқолгач ва мануфактура ишлаб чиқариш учун фақат бир неча операцияни моҳирлик билан бажара оладиган ишчиларга эҳтиёж туғилгачгина вужудга келиши мумкин бўлган.

Шундай қилиб, бу ҳилдаги таълим тизимининг мазмуни ўқувчилар томонидан ҳар қандай буюмни тайёрлашда тадбиқ этилиши мумкин бўлган бир қатор хилма-хил ва энг муҳим операцияларнинг ўзлаштирилишини кўзда тутади. Шу билан бирга бу операциялардан ҳар бири учун айрим меҳнат қоидаларини қўлга киритиш машқлари тизими ишлаб чиқилиши шарт.

Бу тизимда ўқитиш икки даврга бўлинади: биринчи даврда ўқувчилар ўқув устахонасида операцияларни бир-бирига боғланишсиз ҳолда ўқув

ишлари (яъни истемол аҳамиятига эга бўлмаган буюмлар устида бажариладиган ишларни) бажариб туриб ўрганганлар. Схемада бу операциялар даври тарзида кўрсатилган бўлиб, ўрганиладиган операциялар шартли равишда диагонал жойлаштирилган. Ўқитишнинг иккинчи даври корхона шароитида ўтказилиб, унда ўқувчилар товар, яъни тайёр буюмлар тайёрлашга ўргатилар эди. Жадвалда бу давр катта бўлмаган комплекс ишлар рўйхати (гайка калити, муҳраси квадрат шаклидаги болға, омбур, рейсмус) тарзида тасвирланган. Бу ишлардан мақсад илгари алоҳида ҳолатда, боғланишсиз ўрганилган операцияларни комплекс ишларга бирлаштириш, шу билан бирга, бу операцияларга доир меҳнат кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш бўлган.

Бу тизимнинг қисқача мазмунини, унинг ижобий ва салбий томонларини ўрганар эканмиз, жадвалга мурожат этишимиз керак. Масалан, операцион даврнинг давом этиши (Қ) ишоралар ёрдамида қия эгри чизиқ тарзида тасвирланган. Бу эгри чизиқдан ўрганиладиган операцияларнинг мустаҳкамланмай боришини пайқаш мумкин. Ўрганилган операция узоқ вақт давомида такрорланмас экан. Илгари қўлга киритилган меҳнат қоидалари ва малакалар унутилиб кетади.

6- ЖАДВАЛГА

Дастлаб буюм-операция тизимининг мазмуни тўғрисида бир - икки сўз. Бу система XIX асрнинг 90-йилларида вужудга келиб, муҳим камчиликлари туфайли ривожланмай қолди. Бу тизимда шогирд меҳнат операцияларини тўғри танланган буюмлар тайёрлаш йўли билан ўрганиш кўзда тутилар эди, шунинг учун унга «буюм операция тизими» - номи ҳам берилган. Бу тизимга мувофиқ буюмларнинг танланиши қуйидагича бўлган: биринчи хил буюмларни тайёрлашда шогирд енгилроқ 3-5 операцияни ўрганар, кейинги хил буюмларни тайёрлашда эса мураккаброқ операцияларни эгаллаши керак экан. Бироқ бу тизимни яратувчилар қуйидагини эътиборга олмаганлар. Бунга бирон операцияни ўрганишда дастлабки тўғри кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсадида ўрганиш машқлари ўтказилмайди, бу эса тўғри иш усулларини шакллантиришдаги самарадорликни жуда пасайтиришга сабаб булган.

Шу билан бирга янги буюмни тайёрлашда 3-5 операцияни ўрганиш ҳам ўқувчилар учун анча оғир вазифа бўлган.

ЦИТ тизимида меҳнат жараёнларини амалий ўрганишда дидактик тўғри кетма-кетликни ишлаб чиқилган: иш усули – операция – жараён. Лекин, ўқиш (ўрганиш) даврининг сунъий равишда тўрт босқичга ажратилиши туфайли меҳнат жараёни ҳам айрим элементларга ажратилар ва бу элементлардан ҳар бири ўрганиш даврларидан иборат бўлиб, ўқувчилар бу ўрганиш машқларини бир-бирига боғланишсиз ҳолда бажарар эди. ЦИТ тизимига мувофиқ, таълим жараёни махсус мосламалар воситасида, боғланишсиз ўрганиш машқларини бажаришдан иборат бўлиб қолар эди. Шунинг учун ҳам, ЦИТнинг ўқувларни меҳнат жараёни элементларини онгли равишда ижодий эгаллашга ўргатиш билан боғлиқ талабларга жавоб бера олмай қолди.

ЦИТ тизими асосида ўқитиш мазмуни билан танишиб чиққанимиздан кейин, жадвалда баён этилган унинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинади.

7- ЖАДВАЛГА

Операцион-комплекс тизим ёшларни эгалланаётган касб-ҳунар кўламида меҳнатга тайёрлаш мезонига асосланган. Бу жадвалдан операцион-комплекс тизимнинг тузилишинигина эмас, балки бу тизимнинг бундан олдин кўрилган тизимларга нисбатан ўзига хослигини кўриш ҳам мумкин; операцион-комплекс тизими ва операцион тизимдаги операцион даврлар маълум даражада бир-бирига ўхшаш эканини кўрамиз. Уларнинг фақат шундаки, операцион-комплекс тизимда таҳминан ҳар 3-5 операциядан кейин комплекс иш бажарилади, бундан мақсад эса илгари ўзлаштирилган операцияларни мустаҳкамлашдир. Лекин, бунда илгари ўзлаштирилган билим ва ўқувчиларнинг эсда туфайли билимларнинг эсдан чиқиб кетиши, меҳнат ўқувлари ва малакаларининг бузилиши кабиларни батамом йўқота олмайди. Демак, операцион операцион-комплекс тизимда ҳам илгариги тизимлардаги меҳнатдан ажралишга хос камчилик. Бунда ҳам ўқувчилар иш усулларини ўқув характеридаги ишлар, яъни истеъмол аҳамиятига эга бўлмаган нарсалар устидаги ишлар воситасида ўрганар экан. Фақат комплекс ишларни бажаришда ва штатли иш ўринларида ишлаб чиқариш амалидагина ўқувчилар айрим буюмларни тайёрлаб, ўз меҳнат натижаларини кўра олар эдилар.

Ўқиш (ўрганиш)нинг айрим даврларида корхоналардан буюртмалар олиб кўриш ҳам яхши натижа бермади, чунки сунъий яратилган босқич (3-5 операцияни ўзлаштириб олиш) ва даврлар (ўзлаштирилган операциялар чегарасида комплекс ишлар бажариш) дан иборат ҳаддан ташқари қаттиқ жадвал буюртмаларни бажариш муддатини чўзиб юборар эди. Бу эса корхоналар учун мутлақо маъқул келмас эди.

Ҳозирги вақтда ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими бериш тўғрисидаги талаблар шундан иборатки, таълим бошданоқ унумли меҳнат жараёнида ташкил этилиши лозим. Демак, кадрлар тайёрлаш тизими, жумладан операцион-комплекс тизимни ҳам такомиллаштириш, яъни замонавий талабларга мослаштириш керак.

8- ЖАДВАЛГА

Мазкур мавзуни ўрганишда дастлаб таълим шакли тушунчаси аниқлаб олиниши лозим. Таълим шакли деганда ўқувчиларнинг конкрет машғулот (дарс)дан кўзда тутилган мақсадга эришиши учун, яъни касб таълими устаси раҳбарлигида ўқув материалини онгли ва фаол равишда пухта ўзлаштиришга қаратилган ўқув-тарбия фаолиятини тушунмоқ керак.

Шундан сўнг, жадвал асосида касб таълимида қўлланиладиган турли шакллар баён қилинади.

Ўқув устахонасидаги ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг асосий шаклларидан бири дар сёки амалий машғулотдир. Ўқув-ишлаб чиқариш иши сифатидаги дарснинг асосий белгиси: ўқувчилар таркибининг тайёргарлик даражасининг бир хил бўлиши, ўқув ишлари учун белгиланган маълум вақт

давом этиши, ишлаб чиқариш таълими устасининг бевосита раҳбарлиги, унинг хилма-хил таълим методларидан фойдаланиш, дарсни фронтал, звено ва индивидуал шаклда амалга ошириш имконига эга бўлишидан иборат дейиш мумкин.

Шундай қилиб, дарс ўқитиш жараёнига ташкилий аниқлик киритади ва ишлаб чиқариш таълими ва бошқа фанлар дарсларини кетма-кет ташкил этишга, бинобарин ўқувчиларнинг юқори унумдорлик билан ўқишини ҳамда дам олишини таъминлашга имкон беради.

Лекин, касб таълими таълими тизимида ўқувчиларга ҳунар ўргатиш юзасидан қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун фақат айрим дарсларни яхши ташкил этишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш таълими мақсадлари вазифаларига мувофиқ равишда қуйидаги ўхшаш ҳар хил дарс турларини қўллаш мумкин:

1) комбинацияли (ўқитиш жараёнини ҳамма звеноларини ўз ичига олган) дарс;

2) операцияларни ўзлаштиришга бағишланган дарс;

3) комплекс ишларни бажаришга бағишланган дарс;

4) назорат-текшириш топшириқлари ва малака олишга бағишланган дарс;

Таълимнинг ташкилий шаклани танлашда ўқувчилар бажарадиган ишнинг мазмуни муҳим ўрин тутади. Масалан, ўқувчиларнинг ҳаммаси бир ишни бажарадиган бўлса (болға тайёрлаш, калит ясаш ва ҳ.к), дарснинг фронтал шаклини қўллаш мумкин. Бу ҳолда уста ўқувчиларнинг ҳаммаси учун битта умум буюмни тайёрлаш технологиясининг тўғри бажарилишини кузатиб боради.

Бир хил тайёрлаш технологиясига эга, лекин конструкцияси бошқа-бошқа бўлган ҳолларда дарс звено шаклида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан токарлик станогини йиғиш (мураккаб маҳсулот воситасида ўргатиш-ўқитиш)да ишни узелларга ажратади (узатишлар қутиси, тезликлар қутиси, кетинги скоба ва шунга ўхшаш) ва ҳар бир узелни 2-3 кишилик звенога топширади. Йиғиш операцияларига оид барча умумий маълумотларни ишлаб чиқариш устаси фронтал йўриқнома тарзида ўқувчиларга айтиб беради, ҳар бир узелнинг ўзига хос маълумотларини эса ҳар бир звенонинг ўзига айтади. Таълимнинг мазкур шаклидан фойдаланилганда устанинг иш ҳажми, айниқса жорий йўриқнома беришда фронтал шаклдагига нисбатан анча ортади. Бироқ, бундаги хилма-хил ишлар сонининг кўп бўлиши ўқувчилар касбий билимларининг ўсишига олиб келади.

Индивидуал (якка) таълим шакли ўқувчиларнинг конструкцияси ҳар-хил, мазмунан эса бир-бирига яқин бўлган ишларни бажарганларида қўллаш мумкин. Бу хил ишлар, масалан: ўқув устахонаси учун хилма-хил майда буюртмалардан ёки миқдори унча катта бўлмаган турли-туман деталлар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда уста тайёрланиши керак бўлган буюмларнинг тайёрланиш технологиясини таҳлил қилиб чиқиб, ўқувчиларга фронтал йўриқнома тарзида умумий белгиларни ва индивидуал таълим

шаклини қўллаган ҳолда айтиладиган маълумотларни олдиндан ажратиб қўяди. Бунда индивидуал тарзда айтиладиган маълумотлар кўпроқ бўлади. Кўрамизки, дарсни индивидуал шакл асосида ташкил этганда, уста кўпроқ тайёргарлик кўриши керак бўлар экан. Бунда дарснинг индивидуал шакли ва индивидуал йўриқномадан иборат иккита тушунчани бир-биридан фарқ қилиш зарур. Индивидуал йўриқномани ҳар кандай шаклда ташкил этилган дарсда қўллаш мумкин, лекин бу ишнинг ҳажми фронтал дарс шаклида камроқ индивидуал шаклдаги дарсда эса кўпроқ бўлади.

Аралаш шаклдаги дарс юқорида кўрсатиб ўтилган уччала дарс шаклларининг элементларидан таркиб топади.

Ўқувчиларни корхона шароитида ўргатишнинг яна бир шакли, уларни ишчилар бригадасига қўшиб ўқитишидир. Бу шаклни, масалан, слесарь-таъмирчи, йиғувчи сантехник, монтажчилар, шунингдек, қурилиш каби ихтисосликларда мутахассисларни тайёрлашда қўллаш мумкин. Мазкур таълим шаклини қўллашда юқорида айтиб ўтилган ихтисосликларга доир ишлаб чиқариш бригадаларига умумслесарлик ёки бошқа бирон тайёргарлиги бўлган бир ёки бир неча ўқувчи бириктирилади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш таълими устасининг вазифаси даврий равишда жорий йўриқнома ўтказиб туриш, кундалик топшириқнинг характер ива ҳажмини аниқлаб туриш, бериладиган топшириқ мавзусига тегишли кириш йўриқномаси ва иш натижасига бағишланган якуний йўриқнома беришдан иборат бўлади.

Лекин, ўқувчилар турли объектларга тарқатилган бўлиши туфайли уста ҳар бир ўқувчига топшириқ бериш ва ундан ишни қабул қилиб олиш имконидан маҳрум бўлади. Шу туфайли бу ҳолда ўқувчиларни ўқитиш (ўргатиш) вазифаси қисман ишчилар бригадаси аъзоларига ёки бригадирнинг ўзига топширилади. Ўқувчилар ишчилар бригадасида баъзан ўқилган (ўрганилган), дастурни тизимли равишда бажариш принципи бузилади.

Касб таълимининг муҳим шаклларидан бири – ўқувчиларни малакали ишчиларга бириктиришдир. Бунда ўқитиш асосий ишдан озод қилинмаган йўриқчи томонидан олиб борилади. Бир йўриқчига бир ўзида иккитадан ортиқ ўқувчи бириктирилмайди. Бу шаклнинг ижобий томони бевосита илғор техника-технологик ускуналар билан таъминланган ишлаб чиқариш цехларида исталган ҳунар бўйича янги ишчилар тайёрлаш имконининг мавжудлигидир.

Касб таълимининг махсус шакли – ўқувчиларнинг штатли иш ўринларида (истеъмол махсулоти ишланадиган иш ўринларида) ўтказадиган амалиётидир. Бу шакл таълимнинг охирги ойларида, корхона шароитида ўтказилади. Бу шакл ўқитишда ҳар бир ўқувчи штатли жойда ишлаб, маҳсулотга корхона томонидан қандай талаблар қўйиладиган бўлса, ўша талабларга тўла амал қилиб буюм тайёрлайди. Бу ҳолда ўқувчи буюм ишлаб чиқариш вақт меъёрини бажаришга ҳам мажбур бўлади. Ўқувчи тайёрлаган маҳсулотни корхонанинг техник назорат бўлими ходимлари қабул қилиб олади. Ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини шу хилда ташкил этиш

ўқувчиларни айни ихтисос ишчилари ишлайдиган шароитда меҳнат қилишга одатлантиради.

Бундан ташқари, иш объектлари сифатида корхона цехларининг буюртмалари ҳам бажарилади. Бу эса ўқувчиларни айни корхонанинг унумли меҳнатига ёндаштириш учун энг маъқул тадбирдир. Бироқ бунда кириш йўриқномаси, жорий ва якуний йўриқнома ўтказиш учун зарур шароитнинг бўлмаслиги, таълим шаклининг самарадорлигини камайтиради.

Ниҳоят, дарсдан ташқари машғулотлар уюштиришнинг сўнгги шакли техник ижодкорлик тўгаракларидир. Дарсдан ташқари машғулотларнинг ташкилий шаклларини ўрганишга киришишдан аввал, ишдаги бу босқичнинг ўқувчилар касбий маҳоратини ўстиришдаги аҳамиятини аниқлаб олиш керак. Зеро, ўқувчиларнинг дарсларда оладиган билим, кўникма ва малакалари фақат ўқув дастурида белгиланган минимумни ўзлаштиришга қаратилади. Қолбуки, кўпчилик ўқувчилар замонавий техникага қизиқадилар. Шу сабабли, уларнинг турли техника тўгаракларида қанташуви техникага оид билимларини ўз қизиқиш ва қобилиятларига мувофиқ равишда ривожлантиришга имкон беради. Худди шу техника тўгаракларида айрим ўқувчиларнинг моҳирлиги, конструкторлик ва техник ижодкорлиги намоён бўлади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг техник ижодкорлик тўгаракларида жиддий шуғулланиши ўзлари танлаган ҳунарни муваффақиятлироқ ва сифатлироқ эгаллашга ёрдам беради. Техника тўгараклари «Моҳир қўллар», «Авиамоделчилар», «Кемамоделчилар», «Конструктор» ва бошқа номлар билан ташкил этилиши мумкин. Бу тўгаракларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари ишлаб чиқариш усталари ва ўқитувчилар бўлиши мумкин. Бунда тўгаракларга кимларни ёзиш, ишни кандай ташкил этиш, тўгарак ишларининг натижаларини қандай ташвиқот қилиш кераклигини алоҳида эслатиб ўтишимиз лозим. Фақат тўгарак ишларини ташвиқот қилишнинг энг маъқуллари (кўргазмали техника кечалари, техникага бағишланган олимпиадалар, деворий газеталар, маърузалар, суҳбат, танлов ва ҳ. к.) гина техника ижодкорлиги тўгаракларига ўқувчиларнинг кўплаб жалб қилиши мумкин.

9- ЖАДВАЛГА

Таълим методларини тўғри танлаш масаласи ғоят муҳим масаладир. Ўқитиш методи даставвал ўқитишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан, ўқувчиларнинг билимларини кўникма ва малакаларини онгли ва пухта ўзлаштириши, уларда ижодий фаоллик ва мустақилликни ўстириши билан белгиланади.

Касб таълимини ташкил этишга нисбатан қўйиладиган муҳим талаблардан бири методларнинг хилма-хил бўлиши ва уларнинг муайян мақсадга хизмат этишидир.

Таълимда қўлланиладиган оғзаки метод барча таълим муассасалари учун умумий ва энг кўп тарқалган методдир.

Касб таълимида уста кўпинча оғзаки баён ва суҳбатдан ёки оғзаки баён билан ҳикоядан биргаликда фойдаланади. Устанинг кириш йўриқнома,

жорий ва якуний йўриқнома ўтказгандаги тушунтиришлари махсус технология дарсларида ўқитувчи айтиб берган материални такрорлашдан иборат бўлмай, балки соф амалий йўналишда бўлиши ғоят муҳимдир. Назарий фан ўқитувчиси маълум материални ўтишда қандай атамалар ишлатган бўлса, уста ҳам ўз ўрнида худди ўша атамаларни ишлатиши керак.

Материални баён қилишда уста ўқувчиларнинг назарий билимлари савиясига, уларнинг ишлаб чиқариш таълими жараёнида ўзлаштирган тажрибаларига таяниши лозим. Бу мақсадда у махсус технология курси билан яъни: материалшунослик, чизмачилик дастури билан муфассал танишиб чиқиши, бу дарсларни таҳлил қилиб бориши керак

Самарали таълим методларидан бири – суҳбат ишлаб чиқариш таълимида ўқувчиларнинт ақлий фаолиятини ва диққатини ривожлантиради. Суҳбат олдиндан тузилиб қўйилган режа асосида муайян масалаларни муҳокама қилиш, берган саволларга ўқувчиларнинг жавоб беришлари тарзида бориши мумкин. Ўқувчиларда айни мавзуга доир бирмунча билим ва тасаввурлари бўлган тақдирдагина суҳбат усули самарали бўлиши мумкин. Суҳбатнинг муваффақиятли чиқиши кўп ҳолларда устанинг ўқувчиларга турли савол қўя билишига боғлиқ. Суҳбатни шундай олиб бориш керакки, у белгиланган таълим тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам этадиган бўлсин. Суҳбат аниқ белгиланган мақсадга қаратилган бўлсин.

Суҳбат вақтида муаммоли вазият яратиш йўли билан ўтилган ва янги материал орасида боғланишни таъминлаш мумкин.

Касбий таълим устасининг суҳбатдан моҳирлик билан фойдалана билиши ўқувчиларда фаолликни тарбиялашга, ижодий тафаккурнинг ва ишда мустақилликнинг ривожланишига ёрдам беради.

10- ЖАДВАЛГА

Кўргазмали таълим методлари орасида ишлаб чиқариш экскурсиялари муҳим ўрин тутади, бу экскурсиялар эса ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш шаклларидан бири ҳамдир.

Ишлаб чиқариш ўқув-экскурсиясининг боришида ўқувчиларнинг мустақиллик даражаси турлича бўлиши мумкин, бу кузатилаётган жараён, жиҳоз ва саёҳаттдан кутилган мақсад ҳамда вазифаларга боғлиқ бўлади. Айрим ҳолларда объектни ишлаб чиқариш устасининг ўзи, бошқа холларда эса ўқувчилар тушунтириб беради.

Экскурсияларнинг ишлаб чиқариш таълимидаги ўзига хослиги ҳам унинг муайян мақсадга қаратилганлигидадир. Кириш саёҳатлари катта аҳамиятга эгадир, бу хил саёҳатлар ишлаб чиқариш таълими дастурининг деярли барча ихтисосликлар бўйича белгиланган. Кириш экскурсияси ҳам, бошқа ҳар қандай саёҳатлар сингари пухта тайёрланиши керак. Бу хил саёҳатлар ишлаб чиқариш таълимининг бошланишида ўтказилади, бинобарин, ўқувчиларнинг ўзлари таянган ихтисос тўғрисидаги тасаввурлари маълум даражада уларнинг муваффақиятли ўтказилишига боғликдир.

Қар-хил кўргазмали қуролларни ва меҳнат қоидаларини кўрсатиш (намойиш қилиш) методи касб таълимида муҳим ўрин тутади. Ушбу метод

асосида дарс ўтишда тайёргарлик кўриш босқичларига ва намойишга нисбатан талабларга алоҳида эътибор беришимиз керак бўлади.

Кўргазмали қуролларни танлашга келганда ўз-ўзидан бир савол туғилади: бунда буюмларнинг ўзига устунлик бериш керакми ёки уларнинг рамзий тасвирларигами? Бу масала камайишдан кўзда тутилган мақсад, вазифага қараб ҳал этилади. Масалан, агар ўқувчининг буюм билан таништирмоқчи бўлсак, унга буюмнинг ўзини намойиш қилганимиз маъқул, агар объектнинг ички хусусиятларини тушунтириш зарур бўлса, унинг символик тасвирини - чизмасини, схемасини намойиш қилиш, сўнгра буюмнинг қирқимини намойиш қилиш керак.

Одатда кўргазма қуроллари дарс бошланмасдан кўрсатиб қўйилмайди. Ўқувчиларнинг вақтидан илгари кўргазма қуроллар билан қизиқиши, бу қуролларга жиддий қизиқиш ҳавасини сусайтириб қўйиши мумкин.

Баъзан кириш ёки якунлаш йўриқномаси вақтида тарқатиб бериладиган материалдан (деталлар намуналари, асбоб ва шунга ўхшашлардан) фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларни токарликка, фрезачи, слесар, дурадгорлик ва ҳоказо ҳунарларга тайёрлашда «ҳажмий технологик карталар» деб аталадиган воситалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, слесарлик асбобини тайёрлашдаги технологик жараённи тушунтиришда махсус планшетдан фойдаланилади, унда ишлов беришнинг бутун кетма-кетлиги бошидан охиригача, яъни заготовкадан бошланиб, буюм тайёр бўлгунгача ўз катталигида тасвирланган. Бу эса ўқувчиларда кузатувчанлик ва билиб олиш хислатларини тарбиялаш чораларидан биридир.

Ишлаб чиқариш таълимида меҳнат қоидаларини кўрсатиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бу, ўқитишнинг асосий кўргазма методларидан биридир. Бундан ташқари, устанинг меҳнат қоидаларини ва жараённи кўрсата билиши учун, юксак касбий малакали бўлишинигина эмас, балки етарли даражада педагогик тажрибага эга бўлишини ҳам талаб этади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, намойиш қилинадиган меҳнат қоидалари ва жарёнлари барча ўқувчиларга яхши кўринадиган бўлиши шарт. Ўқувчилар айни иш қоидаларини шакллантириш учун қандай ҳаракатларни ва қай тартибда ишлатиш кераклигини яхши фаҳмлаб олишлари зарур.

11- ЖАДВАЛГА

Касб таълимида ўтказиладиган лаборатория-амалий ишлар ўқувчиларнинг назария ва амалий ишлари орасидаги боғланишни чуқурроқ тушуниб олшга ёрдам беради. Бу ишлар баъзан тадқиқот тарзида бўлиши ҳам мумкин, бунда ўқувчилар экспериментни бошлаганларида охирги натижа қандай бўлишини билмайдилар. Айрим ҳолларда лаборатория-амалий ишларда ўқувчилар қисқача ёзиб, мураккаб бўлмаган ҳисоблашлар тарзидаги чизмалар, формулалар, жадвал ва эскизларни бажариб борадилар.

Ўқувчиларга лаборатория ишидан топшириқ берганда ундан кутадган мақсад, бажариш тартиби, хавфсизлик, техникаси қоидалари тўғрисида пухта йўриқнома бериш зарур. Иш мураккаброқ бўлган тақдирда уни бажариш вақтида ҳам ннструктаж-кўрсатмалар бериб бориш керак.

Лаборатория-амалий ишларга доир топшириқларни ишлаб чиқариш таълими устаси тайёрлайди ва махсус технология ўқитувчиси билан келишиб олади. Айрим ҳолларда бу ишга электротехника ўқитувчиси, техник чизмачилиги ўқитувчиси ва бошқа баъзи фанларнинг ўқитувчилари ҳам қатнашиши мумкин.

Ўқувчиларнинг дарслик устида ишлаши, маълумотнома ва техник адабиётидан фойдаланиш малакалари асосан назарий фанларни ўтиш жараёнида вужудга келади. Лекин, китоб устида, ўқув техника ва техника ҳужжатлари устида ишлаш айрим усул тарзида ишлаб чиқариш таълимида ҳам қўлланилади. Бунда ишлаб чиқариш дарсларида ёзма йўриқнома, лаборатория-амалий ишлар вақтида турли йўриқнома ва технологик карталардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутади.

Дарс барча ўқувчилар билан бирга (фронтал) олиб борилмаган ва мураккаб ўқув иши бажарилганда, шунингдек, одатдаги дарсларда муҳимроқ операция ва комплекс ишлар бажарилганда ишлаб чиқариш устасининг оғзаки йўриқномасидан ташқари ёзма, йўриқнома ҳам қўшимча қилинади.

Ишлаб чиқариш таълими дарсларида йўриқнома ва технологик карталардан фойдаланиш ўқувчиларда мустақилликни тарбиялашга ёрдам беради, уларни ижодий фикрлашга одатлантиради, ўқитишни яхшироқ ва сифатлироқ ташкил этишга ёрдам беради.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш таълими тизимида «тренажёр», «Имтиҳон олувчи», ўқувчиларнинг билимини назорат қилиш қурилмалари каби техник воситаларининг қўлланила бошлаши ҳам эътиборлидир. Слесарлар, токарь ва бошқа ҳунарлар бўйича ишчилар тайёрлашда бу воситаларнинг қўлланишига бир неча мисол келтириш ҳам мумкин: металлни эговлашдаги ҳаракатларни назорат қилувчи мослама; металлни қирқишда ўқувчининг ҳаракатнии ростлаб турувчи мослама ва ҳ.к.

Мураккаб технологик жараёнларни, аппарат ва механизмларни (кимёда, энергетика ва бошқаларда) бошқаришга боғлиқ бўлган ҳунарлар бўйича малакали ишчилар тайёрлашда тренажёр тарзидаги мураккаброқ ва самаралироқ техник қурилмалар ишлатилади.

15- ЖАДВАЛГА

Бу жадвал табиий-математик фанлар орасидаги ўзаро боғланишни кўрсатади. Унда келтирилган бирлашган-мавзуий режада илмийлик ва назария билан амалиётнинг боғланиши асосида фақат ишлаб чиқариш таълими махсус технологик фанниинг айрим мавзулари орасидагина эмас, балки бошқа умумий таълим фанлари орасида ҳам умумий техника фанлари орасида ҳам худди юқоридагидек боғланиш амалга оширилади. Бу маънода номлари келтирилган барча фанлар худди табиий-математик туркум фанлариинг ўзгинасидир.

Шундан кейин аниқ мисоллар билан (ўқувчилар эгаллаётган ихтисосликлари йўналишини ҳисобга олиб) номлари келтирилган фанлар мавзулари орасидаги объектив мавжуд боғланишларни аниқлаш зарур. Шундан кейин бирлашган мавзуий режанинг асосий мазмуни, уни ишлаб чиқариш босқичлари билан танишилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, табиий-математик фанларнинг бирлашган мавзуий режасини ишлаб чиқишнинг аҳамияти айниқса сўнгги йилларда, яъни мамлакатимизда янги тур касб-ҳунар таълими муассасалари ташкил этилганидан кейин яна ортди.

17-ЖАДВАЛГА

Касб таълими дарс режасининг типик жадвалини ўрганишга киришишдан олдин бу касб таълими дастури ва режаси асосида, махсус технологик ва бошқа фанларга доир дарсларнинг режалари айрим дарслар – тақвимий режалари асосида тузилишини айтиб ўтиш зарур.

Дарс режасининг жадвалини кўриб чиқишда (бу жадвалда дарс мазмуни очилмасдан берилган) ҳар бир ўқитувчи (уста) ўз ихтисосига доир мавзулардан бирининг муфассал дарс режасини келтирса жуда яхши бўлади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш таълимининг келтирилган дарс схемаси дастурниинг мавзусига, дарсдан кутилган мақсадга қараб, бошқачароқ тузилиши ҳам мумкин. Масалан, дарс режасида «ўтилганларни сўраш» ёки «ўрганиш машқлари» банди бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки, уларни энг мураккаб операцияни ўрганиш вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Тузилган дарс режасига дарсни муваффақиятли ўтказишни таъминловчи асбоб-мосламалар, материаллар рўйхати, шунингдек, дарснинг муфассал конспекти илова қилинади.

18-ЖАДВАЛГА

Бу мавзуни ўрганиб бошлаганда касб таълими ўқитувчисининг роли тўғрисидаги масалани ўйлаб чиқиш зарур. Зеро у касб-ҳунар таълими муассасасида малакали кичик мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашда муҳим вазифаларни бажаради. Бунда ишлаб чиқариш таълими устасининг асосий вазифалари, унга ўқитувчи ва тарбиячи сифатида қандай талаблар қўйилиши тўғрисида асосий тушунчаларни бериб ўтиш лозим.

Ўқувчиларнинг билим сифати кўп жиҳатдан ўқитувчининг ўқув машғулотларини ўтказишга тайёргарлик даражасига (ўқув йилига тайёрланишдан тортиб, ҳар бир дарсни ўтказишгача тайёрланишга) боғлиқ. Бу ишларнинг уч босқич тарзида амалга оширилишини таъкидлаб ўтамиз: моддий-техника базаси тайёрлаш, ўқув жараёнини режалаштириш устанинг шахсий тайёрланиши.

Уста дарсга тайёрланишида қуйидаги кетма-кетликка амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) ўтган машғулотларнинг якунларини таҳлил қилиш, айни дарснинг мавзусини, мазмунини ва мақсадини аниқлаш;

2) дарснинг тузилмасини ва унинг ҳар бир элементига тегишли вақтни белгилаб қўйиш;

3) дарсга доир материални танлаш ва уни ўрганиш, дарсни ўтказиш усулларини белгилаш;

4) кириш йўриқномасининг режаси ва конспектини тузиш.

21-ЖАДВАЛГА

Бу мавзуда ўзаро боғланган, лекин мустақил икки масала қаралади. Улардан биринчиси, яъни «ўқув устахонасини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар» – жадвалда етарли даражада муфассал баён этилган, шунинг учун бу ўринда иккинчи масалага доир баъзи изоҳларни бериб ўтиш жоиздир.

Жадвалда ўқув жараёнини ташкил этишга нисбатан қўйиладиган талаблар, одатда ишлаб чиқариш таълими дарсларининг исталганига нисбатан қўйилиши мумкин, шунинг учун уста дарсга тайёрланар экан, ўзининг режасида бу талабларнинг ҳаммасини ҳисобга олиши керак.

Уста ишлаб чиқариш таълими дарсидаги иши қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Кириш йўриқномаси жараёнида:

а) ўқувчиларни навбатдаги машғулот материали ва дарснинг мақсади билан таништириш;

б) савол-жавоб ёрдамида махсус технология ва бошқа фанлардан ўтилганлардан бугунги ишни онгли равишда бажариш учун зарур бўлган маълумотларни ўқувчиларг эслатиш;

в) ўқувчиларни улар бугун бажариши лозим бўлган иш билан – технологик ҳужжатлар ва ишга нисбатан техник талаблар билан таништириш; кўргазма қуролларни тайёрлаб, уларни намойиш қилиш вақтини белгилаш, иш ва ўлчаш асбобларини тайёрлаш;

г) иш қоидаларини тушунтириш ва кўрсатиб бериш;

д) ишни назорат қилиш қоидаларини тушунтириш ва кўрсатиб бериш;

е) ишга тайёрланиш тартибини, иш ўрнини ташкил этишни, техника хавфсизлиги қоидаларини тушунтириб бериш;

ж) ўқувчиларнинг кириш йўриқномасини ва меҳнат усулларини ўзлаштириш даражасини текшириш.

Кириш йўриқномасидан кейин уста жорий йўриқнома ўтказади, бундан мақсад эса меҳнат қоидаларининг тўғри бажарилишини, иш ўрнининг тўғри ташкил этилганлигини назорат қилиш, хатоларнинг олдини олиш ва юз берган хатоларни тузатишдан иборат.

2. Жорий йўриқнома вақтида:

а) ўқувчиларнинг операцияларни бажаришда тўғри ва энг маъқул меҳнат қоидаларини ишлатишларига эришиш;

б) ўқувчиларнинг ишларига раҳбарлик қилиш ва айрим мақсадни кўзда тутиб, иш ўринларини айланиб чиқишда, уларга ўз вақтида ёрдам бериш.

Ўқувчиларнинг иш ўринларини айланиб чиқиш вақтида уста ҳамма ўқувчилар ишни бошлаганми, иш ўрни тўғри ташкил этилганми, меҳнат қоидаларига ва иш сифатини назорат қилишга тўғри амал қилмоқдаларми, техник ҳужжатлардан ва ўлчаш асбобларидан тўғри фойдаланмоқдаларми, иш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қиляптиларми - ана шуларга эътибор беради.

Хатоларга кўпроқ йўл қўядиган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш, агар уларда ишга қизиқиши йўқлиги аниқланса, уларда қизиқиш уйғотиш чораларини кўриш, мусобақа вазиятини яратиш керак. Лекин уста зарур

бўлмаганда ўқувчининг ишига аралашмаслиги, хатосини тузатиш юзасидан тўғридан-тўғри кўрсатма бериши ёки дарс охири яқинлашгани туфайли ишни ўзи ишлаб бериши (хатосини тузатиши) мумкин эмас, бу билан ўқувчиларда қийинчиликларни енгиш хислатларини тарбиялаб бўлмайди.

Якуний йўриқнома дарсдан кейин, мавзу ёки унинг алоҳида қисмини ўтиб бўлингач, қисқача хулоса чиқариш тарзида, ўқувчиларда тўпланган ишлаб чиқариш тажрибаларини умумлаштириш тарзида ўтказилади. Бажарилган ишлари пухта таҳлил қилиниб, ишларга баҳо қўйиш, яхши бажарилган ишларни таъкидлаб, ёмон бажарилган ишларнинг сабабларини очиб ташлаш керак.

Уста иш жараёнида меҳнат ва технологик интизомнинг бузилиш ҳолларини ва сабабларини таъкидлаб ўтади.

20- ЖАДВАЛ

Комплекс ишлар ўқувчилар билаи ўқув устахонасида ўтказиладиган машғулотларда ҳам, корхонадаги ишларда ҳам ўтказилади. Комплекс ишларни бажаришда ўқувчилар технологик жараёни мустақил режалаштириш малакаларини ҳосил қиладилар, айни ихтисосга хос буюмларнинг конструкциялар билан танишадилар, мураккаброқ ишларни бажаришда илгари ўрганилган операцияларни татбиқ этишга ўрганадилар, ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини такомиллаштирадилар, ишда хилма-хил асбоб, мослама ва жиҳозлардан фойдаланишга одатланадилар шунингдек меҳнатни илмий асосда ташкил этишга энг сўнгги ютуқларни эгаллайдилар. Комплекс ишлар ўқув устахонасида бажарилиши режалаштирилган тақдирда, унинг айрим босқичлари турли машғулотларда бажарилади, уста буни ҳисобга олиб, таълимнинг турли даврларига мослаб ўқув топшириқларини белгилаши керак.

Комплекс ишлар икки хил-операцияларни ўрганиш билан бирга ўтказиладиган оддий операциялар ва ҳамма операциялар ўрганиб бўлингандан кейин ўтказиладиган мураккаб комплекс операцияларга бўлинади, оддий комплекс ишларни бажариш вақтида устага кириш йўриқномаси галдаги топшириқнинг мазмунини муфассалроқ тушунтириб беришга тўғри келади. Мураккаб комплекс ишларни бажариш вақтида эса дарсни шундай ташкил этиш керакки, бунда ўқувчилар ишни кўпроқ мустақил бажарадиган бўлсин. Бироқ ўқувчиларнинг ўз ихтисоси бўйича қўлга киритилган тажрибани ҳисобга олиб, уларнинг диққат эътиборини ҳозирча уларга маълум бўлмаган технологик ўтишларга ва янги иш қоидарига жалб этиш зарур.

21- ЖАДВАЛ

Бу жадвалдан фойдаланиб, касб-ҳунар коллежи билан корхона ўртасида тузиладиган шартномани ўрганиб чиқиш зарур. Корхона шароитида ҳам уста ўз гуруҳини ўқитиш ҳамда тарбиялашда асосий шахс бўлиб қолишини таъкидловчи бандларга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўқув устахонасидаги каби, корхона шароитида ҳам, кириш, оралиқ (жорий) ва якуний йўриқнома ўтказилади. Лекин корхона шароитининг ўзига

хос томонларини ҳисобга олиб, асосий раҳбарлик ишлари жорий йўриқнома бериш тарзида бажарилишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Корхонада ўқитишда ўқувчиларнинг эътиборини юқори унумли илғор иш қоидаларини ва усулларини ўрганишга қаратиш керак.

23- ЖАДВАЛ

Касб таълими ишларини ҳисобга олишни яхши ташкил этиш учун устанинг таълим-тарбия ишини ўз вақтида ва холисона таҳлил қилишига, камчиликларни бартараф қилиш тадбирларини кўришига ва таълим-тарбия усулларини такомиллаштириш йўлларини топишига имкон беради.

Қисобга олиш ишларига қўйиладиган асосий талаб, бу ишларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашдир. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳисобга олиш муҳим тарбия воситаси ҳамдир, у ўқувчиларда ўз билимлари ва ўқувларига нисбатан масъулият туйғусини тарбиялайди, интизомни яхшилайди, ўзига, бажариладиган топшириқнинг сифатига нисбатан талабчанлик хислатларини тарбиялайди.

Касб-ҳунар коллежини тугатиш муносабати билан қабул қилинадиган имтиҳонлардан кўзда тутилган мақсад ўқувчилар билимлар, меҳнат кўникма ва малакаларни қанчалик тўла ва пухта ўзлаштирганлигини аниқлаш, ўзи танлаган ихтисос бўйича замонавий техника, технология, илғор меҳнат қоидаларнни эгаллаш, олган билимларини амалда тадбиқ эта билиш даражасини аниқлашдан иборат.

Битирув-малакавий иши корхонада (ўқувчи ишлаб чиқариш таълими курсини қайси иш ўрнида тамомлаган бўлса, худди ўша иш ўрнида) бажарилади.

Бир вақтда битирув-малакавий иши топширувчиларнинг сони 12-15 кишидан ошмагани маъқул. Иш бошлашдан олдин ўқувчиларга амалий топшириқлар, зарур техник ҳужжатлар, материаллар, асбоб ва мосламалар берилади, шунингдек, синов ишига қўйиладиган ва баҳо беришда эътиборга олинадиган талаблар айтилади.

Ишлаб чиқариш таълими устаси мунтазам равишда таълим муассасаси маъмуриятига ҳисобот бериб туриши керак (ҳисобот ёзма равишда топширилади). Касб-ҳунар коллежида таълим-тарбия ишларини меъёрлаштириш ва ҳисобга олишга оид йўриқномаларга мувофиқ, ёзма ҳисоботлар ярим йилда, бутун ўқиш йили учун ва айни фан бўйича бутун курс учун топширилади. Устанинг ҳисоботидан касб таълими ўқув ва дастурининг бажарилиши, касб таълими режасини ва вақт меъёрининг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларнинг улгуришлари, интизомлари тўғрисидаги, дарсдан ташқари ишлар ва ўқувчиларнинг таълим муассасасидаги жамоат ишларда қатнашишлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Қисобот маълумотларини анализ қилиш ишни яхшилаш ва камчиликларни йўқотиш йўлларини топишга ёрдам беради. Уста ҳисоботларидаги маълумотлар таълим муассасасида ишлаб чиқариш таълимининг ташкил этилишини умумлаштириш учун манба бўлади.

24-25- ЖАДВАЛ

Бу схемаларга амал қилиб, ўқитишнинг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари даражаси текшириб борилиши кераклигини тушуниб олиш керак. Касб таълими дастурининг ўтилган бўлимларининг ўзлаштириш, даражасини аниқлаш учун ишлар қабул қилинади, бу текширишни ярим йилдан кейин ёки ишлаб чиқариш таълими дастурининг энг мураккаб мавзуларини ўрганиб бўлгач ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Корхона шароитидаги ишларни олиб боришда қўлланиладиган методик қоидалар худди ўқув устахонасида мураккаб комплекс ишларни бажаришда қўлланиладиган қоидаларнинг ўзидай бўлади. Ўқувчиларни корхонада малакали ишчилар бригадасига қўшганда ҳам уста иш жараёнига раҳбарлик қилаверади. У ўқувчиларнинг иш билан таъминланишини, ишчиларнинг уларга йўл-йўриқ беришини кузатиб туради, иш вақтида ўқувчиларга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, касб-ҳунар коллежини тамомлашдан олдинги ишлар ўқувчиларни корхонада мустақил ишлашга тайёрлашдаги сўнгги босқичдир. Бу давр малака олиш ишларига тайёргарлик босқичи ҳам ҳисобланади.

26- ЖАДВАЛ

Ўқувчининг ишини тўғри баҳолаш учун ўқувчиларнинг касб таълими бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш жадвалларидан фойдаланилади. Бироқ бу жадваллар ўқувчининг ишига тўғри баҳо бериш учун устага фақат асосий йўналишни кўрсатиб беради, шу сабабли ўқувчининг ишига тўғри баҳо беришда устанинг педагогик тажрибаси ҳам катта роль ўйнайди. Ишга баҳо беришда шуни эсда тутиш керакки, юқори баҳо ҳам, паст баҳо ҳам ўқувчининг ишини яхшилашга хизмат килиши керак. Баҳони асоссиз ошириш ҳам, камайтириш ҳам ўқувчининг дарсларга қатнашишига, шунингдек, тарбиясига катта зиён етказиши мумкин; уста баҳо қўйиш масаласига бефарқ қараши мумкин эмас. У ўзи қўйган баҳосини асослай олиши, ишдаги ижобий ва салбий томонларини изохлай олиши лозим.

27-ЖАДВАЛ

Ишлаб чиқариш устаси ва ўқувчилар билан методик ишлар олиб боришдан кўзда тутилган асосий мақсад – уларнинг малакасини ошириш. Бу эса таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришда муҳим воситадир. Бу иш уста ва ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан олиб борадиган ишларида катта ёрдам беради, уларнинг маънавий-маърифий савияси, педагогик ва ишлаб чиқариш малакасини оширади.

Шунга эътибор бериш керакки, ишлаб чиқариш устаси ўқитувчиларнинг методик ишлари асосини уларнинг бу соҳадаги мустақил ишлари ташкил этади. Бу иш муайян мақсадга қаратилган бўлиши, мунтазам олиб борилиши ва таълим-тарбия ишларида ўз ифодасини топиши керак. Уста ва ўқитувчиларнинг мустақил методик ишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) маънавий-маърифий савияни ошириш;

б) ўз ихтисосига доир назарий билим ва амалий кўникмаларини кенгайтириш;

в) психология ва педагогикага доир билимларни такомиллаштириш;

г) таълим-тарбия методларини такомиллаштириш.

Бу иш касб-ҳунар коллежи раҳбарларининг бевосита назорати ва раҳбарлигида олиб борилиши керак.

Касб-ҳунар коллежида мустақил методик ишлар жамоавий ишлар билан бирга олиб борилади. Жамоавий методик ишлардан энг муҳими ихтисослар бўйича ташкил этиладиган метод комиссиялардир. Метод комиссияларда кўриладиган масалалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1) янги ўқув дастури, дарслик, қўлланма ва услубий ишланмаларни ўрганиш;

2) методик йўриқнома ва буйруқларни ўрганиш, уларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш;

3) ўқув-ишлаб чиқариш ишларини, ўқув-техник ҳужжатларини, турли ишлар учун вақт меъёрларини, ўқувчиларнинг иш ўринларини ташкил этиш ва жиҳозлаш масалаларини муҳокама қилиш;

4) ўқув дастури мавзуларини ўрганиш методларини муҳокама қилиш, текшириш ишларини ва малакаларини белгилашни ташкил этиш;

5) очиқ дарслар ўтказиш ва натижаларини муҳокама қилиш;

6) ўқитувчи ва усталарнинг ўқув гуруҳларидаги тарбиявий ишлари, дарсдан ташқари ишларини бажариш методикаси;

7) ўқитувчи ва устанингг таълим-тарбия ишларига доир тажрибалари, ўқувчилар билан фан ва техника ютуқларини, илғор меҳнат қоидаларини ўрганиш каби масалалар тўғрисидаги ахборотлари.

Педагогик кенгаш касб-ҳунар коллежида таълим-тарбия жараёнининг жамоавий раҳбаридир. Бу кенгаш ўқув-услубий ва ташкилий-хўжалик ишларига раҳбарлик қилишда директорга ёрдам беради; кенгаш ўз ишини директор раҳбарлигида олиб боради. Педагогик кенгаш қуйидаги масалалар билан шуғлланади:

1) касб-ҳунар коллежининг ярим йиллик, ўқув ишларининг якунларини, шунингдек, малака имтихонлари натижаларини муҳокама қилади;

2) ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тадбирларини белгилайди, ўқитувчи ва усталарнинг ўз иш тажрибаси ҳақидаги маърузаларини эшитади;

3) ўқув гуруҳларида дарсларнинг ўзлаштирилиши, дарсга қатнашиш, уста ва ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан олиб борадиган тарбиявий ишларига доир масалаларни кўради;

4) ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши ва бошқа шу каби масалаларни кўради.

Ўқитувчиларнинг техник ва педагогик малакаларини оширишнинг жамоавий шакллари семинар-тренинг, педагогик ўқишлар ва бошқа шакллари бўлиши мумкин.

28- ЖАДВАЛ

Дастурнинг бу бўлимини ўрганишда таълим ва тарбияга катта аҳамият берилади, ҳар бир педагог ўқитиш жараёнида тарбиявий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия ишлари ҳар томонлама етук, малакали касб эгаларини тарбиялашни кўзда тутади. Гуруҳларда тарбия ишларини уста, тарбиячи ва ўқитувчи биргаликда олиб боради. Уста тарбия ишида асосий ролни ўйнайди.

Уста ўқувчида ўзи танлаган ихтисосга муҳаббат, меҳнатга ижодий ёндашиш, ижодкорлик ва ихтисосга онгли ёндошиш хислатларини тарбиялайди. Касб-ҳунар коллежида тарбиялаш шакллари хилма-хил бўлиб, улар борган сари такомиллашиб боради.

30- ЖАДВАЛ

Техник ижодкорлик ўқувчиларда мустақил, танқидий фикрлаш, фаоллик, зийраклик каби юксак шахсий сифатларни тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бўлиб, уларнинг билимларини кенгайтиради, тафаккурини ривожлантиради, ихтирочилик ва рационализаторликка ундайди, ўз ихтисосига қизиқишни кучайтиради, ўзи танлаган ихтисосга оид фанлар ҳамда техникага қизиқиш уйғотади, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Дарсдан ташқари ишлар техник ижодкорлик, рационализаторлик, ихтирочилик тўгараклари, ўқувчилар конструкторлик бюроси кабилардан иборат бўлади. Касб-ҳунар коллежида техник ижодкорликни ривожлантириш шаклларидан яна бири техник билимларни ташвиқот қилишдир. Бунда кўргазмалар, танловлар ҳамда техникага доир адабиётларни тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига мувофиқ жаҳон таълими стандартларига мувофиқ, шунингдек, ижтимоий жамиятда юзага келаётган бозор муносабатлари шароитида рақобатга бардошли, илмий билимларни чуқур эгаллаган, касбий билим асосларини пухта ўзлаштирган, шунингдек, муайян йўналишда фаолият олиб бориш кўникма ҳамда малакаларини ўзида ҳосил қила олган кадрларни тайёрлаш, уларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб талаби ҳисобланади. Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда олий педагогик таълим тизимида ҳам туб ислоҳотларни амалга ошириш, талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бўлажак мутахассислар томонидан умумий ўқув ва ихтисослик фанлари асослари, шунингдек, касбий фаолиятни самарали ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг пухта ўзлаштирилишига эришмасдан туриб, моддий ҳамда номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини маҳоратли, етук кадрлар билан таъминлаб бўлмайди.

Олий педагогик таълим тизимида олиб борилаётган ўқув фаолияти мазмунини янгилаш ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш ишига масъул бўлган педагог кадрларнинг билим ва касбий малакалари даражасини юқори босқичга кўтариш имконини беради. Олий педагогик таълим тизимида талабаларнинг умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришнинг педагогик технологияларини яратиш ёки мавжуд технологиялардан самарали фойдаланиш тизимининг яратилиши рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнида муҳим қадам бўлади. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотнинг мазмуни ва якунларига таянган ҳолда шундай хулосаларга келиш мумкин:

Ўқитувчилар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида ўқитувчилар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

- педагогик технология назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера олувчи манбаларнинг етарли эмаслиги;
- мавжуд манбаларда хусусий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- янги педагогик технологияларни таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги ҳамда бу борада қўлга

киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида сусткашликнинг мавжудлиги;

- таълим муассасалари, шу жумладан, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг янги педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фройдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари;

- педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг кўламли амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни такомиллаштиришга имкон яратган бўлар эди.

2. Муайян фаолиятни ташкил этиш шахс томонидан амалий тажрибалар ёки махсус ташкил этилган таълимий жараёнда ўзлаштирилган назарий ва амалий билимлар асосида кечади. Кўникма ва малакалар амалий билимларнинг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлади. Кўникма маълум иш-ҳаракатни шахс томонидан бажара олиш лаёқати бўлса, малака эса кўникманинг юқори даражаси бўлиб, малака ҳосил бўлганда иш-ҳаракат автоматлаштирилган тарзда бажарилади. Олий педагогик таълим тизимида талабаларнинг умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш, мазкур жараёнда педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятларини аниқлашда энг аввало, умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг моҳияти, уларнинг таркибий қисмлари борасида муайян тушунчаларга эга бўлиш тақозо этилади. Муаммога турдош бўлган муаммо доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари ҳамда яратилган манбалар мазмуни билан танишиб чиқиш асосида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг аниқ мақсад ва белгиланган вақт оралиғида (4 йиллик таълим ёки қўшимча 2 йиллик таълим даврида), махсус ўқув дастури талабларига мувофиқ ташкил этилувчи педагогик жараёнда шаклланади ҳамда динамик тарзда ривожланиб боради.

3. Муаммога доир манбалар мазмуни билан танишиш ва тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида бўлғуси педагогларнинг умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришда талабаларнинг психологик ва физиологик хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бизга яхши маълумки, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишида аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг ташкил этилиши етакчи ўрин тутади. Фаолият ҳаракат орқали ифодаланади ва у ўзида механик, физиологик ҳамда психологик жиҳатларни намоён этади. Ҳаракат механик жиҳатидан троекторияси, мароми ва кучи билан белгиланади. Психологик жиҳатдан ҳаракатни ташкил этиш жараёнида ҳосил бўлган кўникма ва малакаларнинг ҳаракат, ақлий ва сезги каби турлари фарқланади. Ҳаракат кўникма ва малакларнинг шаклланиши эса шахснинг физиологик имкониятларига боғлиқ равишда кечади. Умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланиши бир неча босқичда амалга ошади.

4. Тадқиқот муаммосининг назарий жиҳатдан ўрганилиши ва мавжуд ҳолатини аниқлашга қаратилган уриниш натижасида шахсни муайян фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришга доир салмоқли адабиётлар яратилгани ҳолда бўлғуси педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларда умуммеҳнат ва касбий кўникма, шунингдек, малакаларни шакллантириш борасида адабиётлар деярли яратилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Шу боис тадқиқот жараёнида мазкур масаланинг муайян ечимга эга бўлиши, шунингдек, бўлажак педагогларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этувчи тушунчалар мазмунини шарҳлашга аҳамият қаратдик.

5. Маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш жараёнида айрим ҳолатлар кўзга ташланади. Ана шундай ҳолатлардан бири - бу малакаларнинг такомиллашуви ёки бошқача ифодаланса, малакаларнинг кўчиши, яъни, илгари ҳосил қилинган малакаларнинг кейингиларини ўзлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиш хусусияти саналади. Малакаларнинг кўчишида қонуниятлар ҳамда ички ва ташқи алоқаларни тушуниш, уларни умумлаштириш тўғрисидаги билимлар алоҳида аҳамият касб этади.

6. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий малакаларни ривожлантириш жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги барчага маълум. Айни вақтда сўз юритилаётган жараёнда таълим воситаларидан фойдаланишнинг технологияларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот жараёнида ана шу масаланинг ижобий ҳал этилишига эътибор қаратилди, натижада умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида қуйидаги таълим воситаларидан фойдаланиш фаолиятда маълум ютуқларга эришишнинг омили эканлигини аниқладик:

Босма таълим воситалари (ишчи дафтарлар, ўқув картаси, ўргатувчи дастурлар – алгоритмлар, йўриқномалар, йўриқнома-технологик карталар, тестлар).

Экранли таълим воситалари (диапозитивлар, кинофильмлар).

Товушли воситалар (магнит ёзувлар, тренажёрлар).

7. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида ўқитувчи ва талаба муносабати муҳим ўрин тутади. Талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасида юзага келган муносабат ўз моҳиятига кўра қуйидагича бўлади: суст-ижобий, барқарор-ижобий ҳамда беқарор. Талабаларда касбий малакаларни ривожлантириш жараёнида ўқитувчининг уларга нисбатан барқарор-ижобий муносабатда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

8. Бўлғуси педагогларни тайёрлаш жараёнида махсус тренажёрлардан фойдаланиш талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Мазкур ўринда тренажёрлардан фойдаланишда уларни тўғри танлаш ҳам улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш муҳимдир. Тренажёрлар каби махсус машқлар ҳам касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўзига хос ўрин тутади. Машқлар муайян фаолиятни ташкил этиш жараёнида илгари ҳосил бўлган ва янги

шаклланаётган муваффақ алоқаларнинг юзага келиши ва қайта қурилишини таъминлайди. Бу эса касбий кўникма ва малакаларнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Машқлар жараёнида ўқув фаолиятида амалга ошувчи мураккаб ўзгаришлар қатор объектив кўрсаткичлар: ўзлаштириладиган, ҳаракатларни бажариш тезлиги, уларни бажаришдаги хатоликлар миқдори, танаффуслар сони кабиларда намоён бўлади.

9. Бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантирувчи тажриба-синов ишлари таҳлилига кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш мақсадида амалга оширилган кўп йиллик тадқиқотларимиз қўлланилган услубларнинг самарали ва ишончли эканлигини тасдиқлади;

- талабаларда шакллантирилган умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакалар даражасини ва унинг бўлажак мутахассиснинг касбий шаклланишидаги аҳамиятини ўрганиш учун қўлланилган услублар мажмуаси олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги ва ижобий тавсифида намоён бўлди;

- тажриба-синов ишлари умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларнинг меҳнат ва касб таълими ўқитувчиси шахс сифатларининг ҳамда касбий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланди. Талабаларнинг билим ва кўникмалари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан тавсия этилган педагогик технология асосида таълим олган тажриба гуруҳи талабаларининг касбий сифатлари назорат гуруҳи талабаларига нисбатан бирмунча юқори эканлиги исботланди;

- тажриба-синов ишлари натижаларига кўра меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари тайёргарлик даражасини уларнинг умуммеҳнат ҳамда касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш орқали амалга ошириш ишлаб чиқилган педагогик технологияни таълим тизими амалиётига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, амалга оширилган тадқиқотнинг назарий-методик натижалари қуйидаги йўналишларда тадқиқот ишларини давом эттириш имконини беради:

таълим мазмунини, шу жумладан давлат таълим стандартлари ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш;

олий-педагогик таълим тизими учун ўқув-методик мажмуалар янги авлодини яратиш;

олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни баҳолашнинг восита, метод ва шаклларини такомиллаштириш;

талабалар умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантириш самарадорлигини баҳолашда янги мезонларни ишлаб чиқиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.:Ўзбекистон. 1997. 20-29 б. 31-62 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997. – 327 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон. 1998. – 686 б.
4. Абдуллина О.А. Обкепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. Для пед. спец. высш. учеб. заведений. -М.: Просвещение. 1990. – 141 с.
5. Азизходжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане /Под ред. В.А.Сластенина. - Т.: Фан. 1990. –143 с.
6. Асамова Р.З. Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси. Псих. Фан. Номз… дисс. автореф. –Т.: 2002. –28 б.
7. Атутов П.Р. Политехнический принцип в обучении школьников. –М.: Педагогика. 1986. - 192 с.
8. Ахраров Ш.С. Педагогические основы формирования информационной и учебно-технической культуры будущих учителей в системе педагогического образования. Автореф. дисс… док. пед. наук. –Т.: 1994. – 39 с.
9. Ашуров М.О., Формирование нравственных отношений в процессе трудовой деятельности студентов. -Т.: Фан. 1991. – 48 с.
10. Бабанский Ю.К. Избранные педагогические труды. - М.: Педагогика. 1989. -560 с.
11. Бачманов Н.С. Требования к знаниям и умениям школьников. -М.: Педагогика. 1987 . – 67 с.
12. Белозеров Е.П. Высшая педагогическая школа в системе непрерывного образования учителя. Автореферат дисс. ... док. пед. наук. - Л.: 1990. -50 с.
13. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. -М.: 1995.
14. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика. 1989. - 190 с.
15. Букантов В.М. Педагогические таинстве дидактических игр. Учебно-методическое пособие. –М.: Московский психолого-социальный институт. Флинта. 2003. –152 с.
16. Вадюшин В.А., Пальчевский Б.В., Фридман Л.С. Технические средства обучения. –Минск: Знание. 1987. – 94 с.
17. Вайсбург А.А. Особенности процесса ориентации на рабочие профессии. // Ж. Школа и производство. 1985. № 1. С. 14-17.
18. Васильев Ю.К. Совершенствование содержания и процесса подготовки учителей труда. -М.: Профтехучилищ.1987. – 132 с.

19. Вейт М.А. Непрерывное образование и подготовка учителя. // Ж. Сов. педагогика. 1991. № 6. с. 79-82.
20. Воробьев А.И., Лиманский С.А. Техническое конструирование и моделирование. Учебное пособие для студентов ИПФ пединститутов и учащихся педучилищ. -Т.: Укитувчи. 1990. –110 с.
21. Вульфсон Б.Л. Сравнительная педагогике история и современные проблемы. –М.: Изд-во УРАО, 2003. –232 с.
22. Габай Т.В. Учебная деятельность и ее средства. -М.: Педагогика.1988. – 218 с.
23. Гайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и ее формирование в системе непрерывного образования. Дисс. ... докт. психол. наук. – Санкт - Петербург. 1992. - 354 с.
24. Гершунский Б.С. Компьютеризация в сфере образования. -М.: Знание. 1987. – 114 с.
25. Грановская Р.М. Элемент практической психологии. -Л.: Наука.1984. – 337 с.
26. Гуревич К.М. Умственное развитие школьников: Критерии и норматив. -М.: Педагогика.1992. – 417 с.
27. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. -М.: Просвещение.1986. – 93 с.
28. Дидактика средней школы / Под ред.Н.М.Скаткина. -М.: Просвещение. 1982. – 514 с.
29. Дурай-Новакова К.М. Формирование профессиональной готовности студентов к педагогической деятельности. Автореф. дис. … докт. пед. наук. –М.:1983. -32 с.
30. Ерецкий М.И., Пороцкий Э.С. Проверка знаний, умений и навыков учащихся техникумов. -М.: Просвещение. 1989. -189 с.
31. Жўраев Р.Ҳ., Толипов Ў.Қ. Педагогик фаолият, технологиялар ва маҳорат. // Узлуксиз таълим ж. 2003. № 2. 3-10 б.
32. Ильина Т.А. Педагогика: курс лекций. Учеб. пособие для студентов педагогических институтов. М.: Просвещение. 1984. -496 с.
33. Казаков В.Г., Кондратьева Л.Л. Психология. - М.:Психология. 1988. -490 с.
34. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. -М.:Педагогика. 1990. -114 с.
35. Качнев В.И. Обучение конструктруированию на уроках труда. -М: Просвещение. 1986. -158 с.
36. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. –М.: Знание, 1989. - 80 с.
37. Коджаспирова Г.М. История образования и педагогической мысли: Таблицы, схемы, опорные конспекты. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: ВЛАДОС – Пресс. 2003. – 224 с.
38. Коменский Я.А. Педагогическое наследие.-М.:Педагогика. 1988. -414 с.
39. Кочетов С.И., Романин В.А. Технические средства обучения в профессиональной школе. -М.: 1988. –231 с.

40. Ксензова Г.Ю. Перспективные школьные технологии: Учебно-методические пособие. –М.: Педагогическое общество России. 2001. – 224 с.
41. Кукушин В.С. Современные педагогические технологии: Начальная школа. Пособие для учителя. – Ростов на Дону: Реникс. 2003. – 448 с.
42. Леднев В.С. Непрерывное образование: структура и содержание. -М.: изд. АПН СССР. 1988. - 470 с.
43. Леонтьев А.Н. Деятельность. Личность. М.: Политиздат. 1975. - 304 с.
44. Магзумов П.Т., Рузметов Ф. Формирование у учащихся потребности в трудовой деятельности. -Т.: Фан. 1991. –84 с.
45. Макиенко Н.И. Общий курс слесарного дела. -М.: Высшая школа. 1980. - 192 с.
46. Малькова З.А. Школа и педагогика за рубежом. -М.: Просвещние. 1983, - 192 с.
47. Машбиц Е.И. Психолого-педагогические проблемы компьютеризации обучения. -М.: Педагогика. 1988. - 191 с.
48. Меҳнат таълими методикаси / Д.А.Тхоржевский таҳр. –Т.: Ўқитувчи. 1987. - 482 б.
49. Меҳнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари.// Таълим тараққиёти ж. IV махсус сон. 1999. 288-305 б.
50. Меҳнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун дастур. Дастур. // Таълим тараққиёти ж. IV махсус сон. 1999. 306-382 б.
51. Методика формирования трудовых умений и навыков у учащихся 5-7 классах . / Под ред. В.И.Качнева. Киев.: Радянская школа. 1989. -144 с.
52. Милерян Е.А. Психология формирования общетрудовых политехнических умений. -М.: Педагогика. 1979. - 300 с.
53. Назарова Т.С. Педагогические технологии: новый этап эволюции. // Ж. Педагогика. 1997. № 3. С. 20-27.
54. Наумченко И.Л. Стандартизация образования - процесс творческий. –// Ж. Педагогика. 1997. № 2. С.30-33.
55. Нечаев Н.Н. Психолого-педагогические основы формирования профессиональной деятельности. –М.: МГУ. 1988. -166 с.
56. Нишоналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. - Т.: ФАН. 1990. - 85 с.
57. Нишоналиев У.Н., Толипов У. Исследование механических разрушений и микроструктур целью обеспечения долговечности работы детали // Структура и свойства материалов: Тез. докл. зональная науч. конф. Часть I. Новокузненцк. 1988. с. 165.
58. Нишонова С. Шарқ Уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Пед. фан.док.… дисс. –Т.: ЎзПФИТИ. 1998. – 228 б
59. Новиков А.М. Процесс и методы формирования трудовых умений и навыков. -М.: Высшая школа.1986. - 288 с.
60. Нурматов Ж., Толипов У. Иссиқлик техникаси. Дарслик. Т.: Ўқитувчи. 1998. -254 б.

61. Нустроев Г.Н. Методика преподавания токарного дела. -М.: Высшая школа. 1987. – 270 с.
62. Овчарова Р.В. Технологии практического психолога образования: Учеб пособие для студ. вузов и прак. работников. –М.: Сфера. 2000. - 448 с.
63. Онищук В.А. Урок в современной школе. -М.: Просвещение. 1986. 191 с.
64. Основы педагогики и психологии высшей школы. / Под ред. А.В.Петровского. – М.: изд-во МГУ. 1986. -304 с.
65. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2000. -118 б.
66. И.Турсунов, У.Н.Нишоналиев. Педагогика курси. -Т.: Ўқитувчи. 1997. – 208 б.
67. Педагогика. /А.К.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. -Т.:Ўқитувчи. 1996. –200 б.
68. Платонов К.К. Психологические вопросы теории тренажеров. // Ж. Вопросы психологии. -М.: 1961, № 4.
69. Полонский В.М. Оценка качества научно-педагогических исследований. -М.: Педагогика. 1987. - 142 с.
70. Полянов С.Д. Технологии воспитания: Учебно-метод. пособие. -М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС. 2002. -144 с.
71. Решетов З.А. Психологические основы профессионального обучения. -М.: Просвещение. 1985. – 219 с.
72. Рудик Д.Ф. Пути повышения эффективности лабораторных занятий по общетехническим дисциплинам в педагогических вузах. Дисс.... канд. пед. наук. – Киев. 1982. – 19 с.
73. Сайидаҳмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. Т.: Янги аср авлоди. 2001. – 40 б.
74. Сайидахмедов Н.С., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. -Т.: ХТВ РТМ. 1999.
75. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учеб пособие. – М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
76. Скакун В.А. Преподавание специальных и общетехнических предметов в училищах профтехобразования. -М.: Высшая школа. 1976. – 151 с.
77. Скок Г.Б., Лыгина Н.И. Как проектировать учебный процесс по курсу: Учебное пособие. Изд. 2-е перераб. и дополн. – М.: Педагогическое общество России. 2003. -96 с.
78. Сластёнин В.А. и др. Педагогика: учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. –М.: Школа-Пресс. 2000. –512.
79. Столяренко Л.Д. Педагогика. -Ростов -на Дону. Феникс. 2000. –448 с.
80. Тагаев Х., Толипов У. Методическая разработка по использованию универсальной установки для активизации познавательной деятельности студентов на лабораторных занятиях. – М.: Ротапринт НИИ СО и УК АПН СССР. 1992. - 18 с.
81. Тагаев Х., Толипов У. Педагогические основы совершенствования творческой личности /Методическое пособие. –М.: Ротапринт ИСО РАО. 1993. – 56 с.

82. Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. -М.: Изд. МГУ. - 1975. – 89 с.
83. Толипов У. Место тренажеров в трудовом обучении. // Новые средства обучения в практику школы. Сб. науч. тр. НИИ и УК АПН СССР. - Москва. 1991. С.91-94.
84. Толипов Ў. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий малакаларни шакллантириш босқичлари.//Халқ таълими ж. № 4. 1998. 118-122 б.
85. Толипов Ў. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий малакаларни шакллантиришнинг психофизиологик асослари. // Халқ таълими ж. № 6. 1998 . 44-48 б.
86. Толипов Ў. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари // Ўзбекистон мустақиллиги - унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати. Учинчи республика коллоквиуми маърузалари тўплами. -Т. 1999. 71-75 б.
87. Толипов Ў. Талабаларнинг умуммеҳнат ва касбий малакаларини ривожлантириш жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш технологияси. // Истеъдод ж. № 4. 1998. 3-5 б.
88. Толипов Ў. Ўқитувчилар тайёрлашда янги педагогик технологиялар. // Халқ таълими ж. № 2, 2000. 40-44 бетлар.
89. Толипов Ў., Нишоналиев У.Н. Икки шахс фаолияти уйғунлашгандагина таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади. // Маърифат газетаси. 19 апрел 2000 йил.
90. Толипов Ў. ва б. Умумий ўрта таълим мактабларида касбга йўналтириш кабинетларини ташкил этиш. Услубий қўлланма. Т.: ЎзПФИТИ офсет лабораторияси. 1999. - 43 б.
91. Толипов Ў. ва б. Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимидан Давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш. Методик қўлланма.- Т.:ЎзПФИТИ офсет лабораторияси. 2000.-43 б.
92. Толипов Ў.Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик технологиялар.: Халқ таълими ж. № 2-3, 1999. 63-67 бетлар.
93. Толипов Ў.Қ. Талабалар мустақил ишларида ўқитиш воситалари. // Халқ таълими ж. № 1, 2000. 45-47 бетлар.
94. Толипов Ў.Қ. Ўқув жараёнида тренажерлар. // Халқ таълими ж. № 6, 1999. 39-41 бетлар.
95. Тренажерные системы. /В.С.Шукунов, Ю.В.Бакулов, В.Н.Григоренко и др./. -М.: Машиностроение. 1981. – 176 с.
96. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан. 2000. -125 б.
97. Ходжабоев А.Р., Баратов Д.А. Узлуксиз таълим тизимида фанлараро алоқадорликни таъминлаш механизмлари.// ДТС ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш ҳамда касбий таълимда узвийликни таъминлаш муаммолари. Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари. -Т.: ЎМКҲТРИ. 2000. 84-87 б.
98. Чариев И.Т. Трудовое воспитание в сельских школах Узбекистана. -Т.: Узбекистан. 1989. - 198 с.

99. Чебышева В.В. Психология трудового обучения. -М.: Просвещение. 1983. – 204 с.

100. Шакурова М.В. Методика и технология работы социального педагога. Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. –М.: Изд. центр. Академия. 2002. - 272 с.

101. Шодиев Н.Ш. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. -Т.: Ўқитувчи. 1987. – 232 б.

102. Юзин В.В. Педагогическая технология. Учеб пособие. Часть 1. – Ярославль. 1997. –48 с.

103. Янушкевич Ф. Технология обучения в системе высшего образования. - М.: Педагогика. 1986. – 147 с.

104. Ґозиев Э. Тафаккур психологияси. –Т.: Ўқитувчи. 1990. -185 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ …….. 3

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

§ 1. Касбий таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилиши, асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабати …….. 6

§ 2. Касб таълими педагогикасида асосий тушунчалар …….. 13

§ 3. Касбий таълим қонуниятлари ……. 32

§ 4. Касб таълими жараёни …….. 53

§ 5. Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари …….. 62

§ 6. Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкураси ва умуминсоний хислатлар ……. 78

§ 7. Педагогик тадқиқот функциялари ва методлари …… 91

II БОБ. ДИДАКТИКА. ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

§ 8. Касб таълими мазмуни. Таълим мазмунини танлаш принциплари 99

§ 9. Касбий таълим методлари …….. 115

§ 10. Касбий таълимнинг ташкилий шакллари …… 134

§ 11. Касб таълимидаўқитиш воситалари ва уларнинг қўлланиши ….. 148

§ 12. Касб таълимини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш …… 159

III БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИДА УМУММЕХНАТ ВА КАСБИЙ КЎНИКМА ҲАМДА МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

§ 13. Билимларнинг кўникма ва малакага айланиш жараёни ……. 165

§ 14. Талабаларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш технологияларининг йўналиш ва хусусиятлари .195

§ 15. Касбий таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-тарбиявий жараёнга тадбиқ этиш муаммолари …… 229

§ 16. Касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш технологиясининг илмий-педагогик асослари …….. 250

§ 17. Умумеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш педагогик технологиялари самарадорлигини аниқлашнинг тажриба-синов ишлари ……. 288

IV БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

§ 18. Педагогик жамоа – ўқув муассасини бошқаришнинг объекти …….. 306

§ 19. Касб таълими педагог кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш ……. 309

§ 20. Университет маълумотига эга бўлган мутахассис ходимларни тайёрлашнинг педагогик концепцияси ……. 318

§ 21. Касбий таълим директорийси …….. 321

ХУЛОСА ……. 373

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ …… 377